



Ойлик  
адабий-бадший,  
ижтимоий-сиёсий  
журнал

# Шарк Толғузи

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ОРГАНИ

12 1990

59-йил чиқиши

Бош муҳаррир:

Ўткир ҲОШИМОВ

Таърир хайъати:

Неъмат АМИНОВ

Саид АҲМАД

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ

Омон МУҲТОРОВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Мурод МУҲАММАД ДЎСТ

Умарали НОРМАТОВ

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА

Муҳаммад СОЛИҲ

Хайриддин СУЛТОНОВ

Зоя ТУМАНОВА

Ўлмае УМАРБЕКОВ


Носир ФОЗИЛОВ

(масъул котиб)

Азиз ҚАЮМОВ

Ҳамид ҒУЛОМ

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ



Баҳром Рўзимухаммад

## БИР ТОЛА ШУЪЛА

Сайҳонликда  
жийда гулига ўхшаган овоз  
капалакка ўхшаб учиб юрибди  
сайҳонликда

музга ёпишган янглиғ  
ёпишиб турибди  
жимликнинг ичига ўша капалак

### Аросатда

Ёлғон ва Ростнинг ўртасидаман  
икки тушунча оралиғида қисилиб қолдим  
улар бир-бирига тўқнашганида  
мен жон аччиғида қичқиришим керак  
ўлиш-ку ҳеч гапмас лекин мен қизиқаман  
жон аччиғида қичқирган каломим  
қай томонга дахлдор бўларкан кўпроқ  
балки учинчи қутбни ўйлаб топарман  
мен ҳам тўқнашарман учинчи Тушунча бўлиб

### Хулосасиз ўлим

Деворга уриб олди бошини  
боши ёрилди  
ёрилмади Хулоса

Хотинини чўри қилдилар  
қул қилдилар болаларини  
озод эди Хулоса

Миллатининг юзига тупурдилар сўнг  
булғадилар одамлигини  
Хулосанинг юзи ёп-ёруғ эди

Куни битиб  
жони ҳам чиқди  
шунда ҳам чиқмади Хулоса

## Ифода

Шундай шамол бўлдики  
чайқалди  
сувратдаги дарахтнинг сояси  
шундай шамол бўлдики  
ўрнидан кўзғалди юрак ҳам  
биноқ барибир  
ифорини тарқатмади Сўзлар

## Истак

Чертиб кўрсам эди осмонни  
тарақлаган бир товуш чиқса  
ушлаб кўрсам эди шамолни  
шуълани соч толасидек қайириб кўрсам  
қўлим етмаган нарсага қўлим етса  
Эркни измимга солсам қул бўлатуриб

## Мавҳум тушунча

Сабр нима у  
бир бурчагини танаввул қилиб бўлсайди  
ёвғоннинг ўрнига қайнатар эдик  
ичида яшаб бўлсайди  
фориф бўлар эдик бошпана ғамидан  
байроққа ўхшаса эди ҳеч бўлмаганда  
кўтарар эдик яроғ ўрнига  
қўшиққа ўхшаса  
оғзимизни тўлдирса бирпас  
Сабр нима у  
бу дунёнинг неъматими Сабр  
ёки осмондан тушиб  
кўзимизни чарчатыпими Сабр  
ҳеч нарсага айланмайдиган Сабр

## Айтилмаган сўз

Гапирмоқчи бўлдинг  
қулоққа айланди сукунат  
кўзингда айланди ўзгача маъно  
гапирмоқчи бўлдинг  
сўзсираган олам қошида  
гапирмадинг ифода яримлигича тўхтади қолди  
умумий жимликни бузди жимлигинг

## Йўқотилган бош ҳақида ривоят

... Ва ниҳоят бошимга қўл сукдим. Бир оғрик пайдо бўлди. Қоронғи уйни шам қай тахлит ёритса, ўша оғрик худди шу алфозда бош ичини бироз ёритди. Фикрлардан аллақачон бўшаб қолган эди бош. Аммо, заҳил чанг қатлами янглиғ, унда табиий уятчанлик сезгиси охирига аъзо сифатида яшаб турган экан:

Қаттиқ оғрик бор бошимда  
қанийди бир фикр топсам  
бошимни уриб ёрсам ўша фикрга  
Қаттиқ оғрик бор  
бу оғрик  
хувиллаб ётган уйга ўхшайди  
бўрон айланиб ўтар бу кулбани

ҳатто шабада қилмайди даҳл  
қаранглар бошпанасиз бош менинг бошимдир  
фикрнинг ичида яшамоқчи у  
фикрга яширмоқчи ўзини

...Ўша зарб мия каватларида фикр сувратида яралдию мен ўзимни фикр-сизлик етаклаб келган жойда кўрдим. Даставвал яшаб турган лаҳзаларим хақида ўйлай бошладим:

Бинафша рангини бер  
ол хаёлимдан ям-яшил рангни  
бошқа фасл бер баҳорнинг ўрнига  
шамолнинг ўрнига бошқа шамол бер  
хаёлимнинг ўрнига бошқа бир бисот  
агар ҳеч бирининг уддасидан чиқа билмасанг  
ярат мени унда қайтадан

... Мен сарҳадсиз жойда истиқомат қилишдан кўркаман. Кундуз ёки туннинг ичи — менинг биринчи кафасим. Фасл — иккинчиси. Учинчи бошпанам — жамиятдир. Мен яна ўзимнинг ичимда ҳам яшамоғим лозим. Демак, ҳар бир саъй-ҳаракатим ўлчоғлик. Агар бир нарсани ўйласам сиртимдаги тўрт қаватга да даҳлдор бўлмоғи керак. Акс ҳолда мен бу қароргоҳларимдан бадарға қилиманам... Агар мен яралмаган бўлсам-чи..


Кўзгуга қарадим  
ҳеч нарса кўринмади кўзгуда  
кўзгунинг ярқироқ юзи бўм-бўш эди  
демак мен ҳали яралмаганман  
тўсатдан ялт этди аксим  
титраб кетди мен яшаётган Сана  
ниҳоятда жиддий жамиятнинг ичида

... Энди мен нимани ўйламоғим керак? Мен яшаётган Сана кимнинг буюртмаси билан тайёрланган? Умумнинг байроғи қай рангда бўлса, менинг шахсий байроғим ҳам шундан ранг олмоғи шарт. Агар, умум иши қора юмушлар бўлса унда менинг оқ ниятларим сариқ чақадек қадрсиз. Худди ушбу ривоятдаги каби:

Зулматни ёритмоқчи бўлиб йўлга чиқди у  
бўй-басти баравар зулмат ичи ёришди бироз  
ёритди шам  
нур истамаган туннинг бир бўлагини  
қайсидир махлуқлар ҳаётини давом эттира билмади  
нур халал берди яшашга  
тун салтанатига қиличдек санчилди  
бир тола шуъла  
шунда бу салтанат элчилари йўловчига рўпара чиқдилар  
улар йўловчини ишонтирдилар  
ишониш мумкин бўлмаган нарсаларга-да  
ва ниҳоят йўловчи ўзини хаёлан кузатди  
ёп-ёруғ тонг эди қўлидаги шам  
қоп-қора ёлқин тарқатиб тутаб турарди  
йўловчи шамни ташладию  
ишончининг қулига айланиб кетди

... Қўлимни тортдим. Бир варақ қоғоз олиб шу сўзларни ёздим: «Биз баҳайбат бир Бош ичкарасига тўпланяпмиз. Биз ўша Бош учун фикрга айланамиз. Сен эса ҳозирча бизга зарур эмассан.» Битикни ҳали иссиғи пасаймаган оғрик устига қўйдим. Охирги хаёлим шу бўлди: қачонлардир бу Бош ичига қайтиб, ёзганимни ўқиш менга насиб этармикан?...





Қўлдош Мирзо

## БОБУР МИРЗОНИНГ ТОЙЛОҒИ

Қисса

«Кечмиш кун ҳақиқатини тиклаш ва тасдиқлаш муқаддасдир».

Чингиз АЙМАТОВ

### МУҚАДДИМА

Кўҳна Самарқанд, не-не тождорларни кўрмадинг, қанча-қанча босқинчилар оёғи остида топталмадинг! Кимлардир суйди сени, кимлардир нафратдан куйиб ўт қўйди. Лекин ҳаммасининг ҳам кўнглидаги мақсади бир хил эди — қандай қилиб бўлмасин, сени фатҳ этиш...

Самарқанд. Ҳут ойининг сўнги кунлари. Бурун яшаганлар «Ҳут-ют» деб билиб айтганлар. Қорасовуқ борлиқнинг жон-жонидан ўтиб кетган, гўё шаҳар тўнғиб қолгандай. Кўчаларда тўда-тўда бўлиб изғиб юрган навкарларнинг отлари туёғидан таралаётган ҳорғингина дупур, оғизларидан чиқаётган оппоқ ҳовур, у ер-бу ердан эшитилаётган маҳзун бўғиқ йиғи, масжидлар мезанасидан ҳар куни атрофга ҳаволанадиган беш маҳал азон садоси ҳаётдан нишона, кекса шаҳарнинг ҳали нафас олаётганидан дарак беради. Итларнинг ҳуришга ҳоли йўқ, фақат мушуклар том бўғотларида бекут миёвлайди, гўдак боладай юракни зириллатиб йиғлайди.

Озиқ-овқат танқислиги сўнги даражага етган, шунинг натижасида бошланган очарчилик кишиларнинг бўғзидан тобора қаттиқроқ бўғади. Ҳамма аламзада, ҳаммамани ичида унсиз ғалаён...

Азон жамоатни пешин намозига чорлади. Муаззиннинг овози ҳар галгидан кўра дадилроқ ва баландроқ янгради: «Аллоҳу акбар!...»

Бугун жума — пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом туғилган кун. Оёқда юра оладиган ҳар бир мусулмон эркакдан бугун пешинда масжидга бориш талаб қилинади. Чунки номаи жума ўқилади, яъни Муҳаммад ибни Абдуллоҳнинг хотираси ёдга олинади. Ҳолбуки, масжидларда қавмлар тобора сийраклашиб боряпти. Андижондан бир-биридан хунук хабарлар келмоқда.

Мулозим беклар қуршовида жомеъ масжиди томон бораётган Заҳириддин Муҳаммад Бобур шуларни ўйлар экан, юраги увишди. Гўё қақшатғич совуқ кўнглига ҳам ғувиллаб кирди. Силовсин пўстинининг барлари билан тиззалари-

ни қимтиб ўрар экан, ичдан кийган совути шиқирлаб кетди. Қийғоч кўзларини қисган кўйи бўркини бостириброқ кийди-да, қўлидаги миялакларини тузатиб, отнинг тизгинини силтаб кўйди. Энди ниш тортиб келаётган мурутнинг туклари совуқдан тиккайган. Ҳамма жим борар эди.

Рўпарада бир неча отлиқ кўринди. Уша томонда отлар кишнади. У тўқ отларнинг шўхлиги эди. Бу ёқдан уларга жавоб бўлмади. Йўлчилар етиб боришгунча отлиқлар анча қуюқлашдилар. Улар Бобур бошлиқ гуруҳга йўл бериб, саросимавор ҳолатда юкуна бошладилар. Бу жойда тегирмон бор эди. Э-ҳа, отлиқлар тегирмондан чиқиб келишмоқда. Бобур мирзо отнинг жиловини тортиди. Тегирмонга боқди, отининг бошини ўша томон бурди. «Не ҳол? Султон Аҳмадбекми бу?» Тегирмоннинг кенг саҳни, айвонларида ғиж-биж отлиқлар.

Аҳмад Танбал олдинга чиқиб уч карра юкунди. Яғриндор саман от эгасига бўй бермай типирчилайди. Бўркини бостириб кийган лаган юзли, соқол-мўйлови сийрак мўғул беги серрайиб туриб қолди. Унинг сопол тусли юзидан ҳеч нарса англаб бўлмас эди. Айрим навкарлар шарпасизгина чиқиб кета бошладилар. Саҳн ва айвонлар хийла очилди. Катта-кичик ғалвирлар, хуржунлар, айвонлардаги қоплар турли алпозда сочилиб ётар эди.

— Яна не тамошо, бек?

— Йилқиларға бир оз ем сўрағон эдик.

Аҳмад Танбал отининг оёғи остида донни кўриб турган Бобур мирзо унинг жавобидан тутакиб кетди:

— Ошлиқ одамга етмаётганда отға едирмоқ жоизмиди? — нафаси қайтиб бир зум тутилиб тургач, қўшимча қилди, — биз дағи отларимизни тут ва қайрағоч япроғи ила боқиб турибмиз, сабр айламоқдин ўзга не чора бор?

Қош-киприкларига ун гарди қўнган тегирмончи ва унинг икки ўғли айвон пастида бошларини эгиб, музтар ҳолатда туришар эди. Бобур Мирзо отининг бошини бўшатиб, тегирмон новлари сари юрди.

— Инсофсизлиқ шу қадар бўлурму? — ғудранди у. — Кўрнамак мардак!

«Мулкгирлик дағдағасида ўз қариндошлариға қўл кўтарган, шаҳар аҳлини ойлаб қамалда тутган сен инсофлиғу, биз инсофсиз бўлдикму? Мақсади — қайлиғини халос қилмоқ, Амир Темур тахтига эга бўлмоқ...» Аҳмад Танбал бу фикрларни ичида ўйлади, айримларини ташига чиқаришга ўзида журъат ҳам топди:

— Дориссалтанатни иликка киритгунча ким қилич чопти? Биз эмди инсофсиз бўлдикму?

Бобур мирзо отнинг жиловини тортиб, қиличининг кумуш дастасини ушлаб-ушлаб, зуғум билан орқасига қараб кўйди. Шунда унинг силлиқ пешонаси тиришиб кетди.

— Ўзингизни тийинг, бек, — деди Бобур мирзонинг маҳрамларидан кимдир Аҳмад Танбалга қараб.

Фақат бир новдан сув оқяпти, демак, беш тошли тегирмоннинг атиги бир тоши ишламоқда. Тўрт паррак музлаб ётибди. Сув сачратқиларидан ҳосил бўлган сумалаклар нафис товланади. Сув ва тегирмон тошининг гувиллаши, дўлга ўрнатилган шайиннинг тошда бир меъёрда дикирлаши ҳукмдорнинг асабларини юмшатди.

Бобур мирзо маҳрамлари билан жомеъ масжиди сари йўл олгандан сўнггина, Аҳмад Танбал тегирмон дарвозасидан чиқди. Бироқ унга эргашмади, тескари томон юрди. Навкарларининг кўпчилиги ҳам иккилана-иккилана унга эргашди.

«Намунча бошга чиқмаса бу мўғул беги? Аслзодаман деб шундоқ қилмоқдами? Гўё тахтни қўлида тутиб тургандай. Бу хил авбошлиқни биринчи маротаба қилаётгани йўқ. Ёйинки Тошкандда, тағойим Маҳмудхон даргоҳида эшик оғалиқ қилаётган оғаси Бек Тилбага суянадиму?..» — хаёлан муҳокама қилиб борар эди Бобур мирзо.

Аҳмад Танбалнинг миясида бошқа фикрлар айланади: «Султон суягидан тонмоқда. Биз беклар бор — сен борсан. Бу эрса бизни тан олгиси йўқ, биз билан кенгашмоқчи эмас. Тўхта, ҳали пушаймон ейсан»...

Байтул-мол карвонсаройда ғовур-ғовур тинган, кўпгина ҳужраларнинг эса чироқлари ҳам ўчирилган. Шами ёниқ ҳужралардан дам-бадам бўғиқ йўтал

овозлари, ҳов наридаги отхоналардан отларнинг дупури, пишқириғи эшитилиб қолади. Аҳмад Танбал манқал атрофида ўтирган уч мулозимдан икки кишига ухламоққа рухсат бериб, фақат бирини ёнбошида олиб қолди. Мулозим шаробдан бўшаган кўзани дарпардали токчага яширгач, унга буюрди:

— Қоғоз-қалам ол.

Мулозим токчадан қоғоз-қалам олиб хонтахта устига қўйгунча, Аҳмад Танбал ғурадек қовоғи қизарган кўзларини пирпиратиб, хаёлида кезаётган фикрларини жамлади. Рўпарасига ўтириб, мўлтираб боқаётган мулозимга деди:

— Мундоққи, Тошкандга, оғам Бек Тилбага нома битурсан. Ани ўзинг чопарлик қилиб олиб борурсан. Анда оғам ихтиёрида қолурсан. Токим... — довотга қалам суқиб, ёзмоққа тутинган мулозимни тўхтатди. — Аввал-бошда номанинг мазмуни қандоқ бўлувини яхшилаб уқиб ол. Сўнғидан тартиб бериб ёзурсан. Мен мунда қолмайман. Бобур ниятига етди: Темурбек тахтига ўлтирди. Фарғона иниси Жаҳонгирға. Мен анинг ёнида хизматда бўлурман. Оғам бул мақсадни Маҳмудхонға уқтурсун ва ани дағи мунга даъват этсун. Фарғона бизники. Фарғонадин Бобурнинг изини қуритғаймиз. Англадинғму? Маҳмудхонни оғам мунга кўндирмоғи керак. — Қалам кетини тишлаб, киприк қоқмай ўтирган мулозимга синчков назар билан қаттиқ тикилди. Мулозим кўзларини олиб қочиб сўзланди:

— Мен сиздин айри кетгум йўқ эди, ҳазрати бекзода.

— Кейин биз қовушурмиз. Мурод ҳосил ўлғач, Фарғонада борлиғимиз: оғам, Маҳмудхон қовушурмиз. Тангри насиб этса, бирга даврон сурғаймиз. Мен сени топиб олурман. — Қўлини қўлтиғига тикиб ҳамёнини ковлади. Бешолтита олтин тангани хонтахта устига қўйди. — Ҳозиринча буларни ёнчиғинғга солиб қўй. Кунинға ярағай.

Кўзлари чарақлаб кетган мулозим тангаларни апил-тапил олиб ҳамёнига солди-да, ғайрат билан хат ёзишга киришди. Аҳмад Танбал аста ўрнидан турди, унинг ғалати шаклдаги баҳайбат кўланкаси ҳужранинг бутун бир деворини қоплаб олди. Остонага борганда тўхтади, орқасига қайтиб, мулозим устига энгашди ва кўзларини қисиб паст, сирли товушда деди:

— Шаҳар қўрғонидин ўзим чиқариб қўйғайман.

## Юрт қадри

«Ота вилоятики, икки йилга ёвуқлашиб эдиким, иликдин чиқиб эди, тенгри июноти била зулқайда ойида сана 904 да яна муяссар ва мусаххар бўлди. Султон Аҳмад Танбалким, Жаҳонгир мирзо била қотилиб, Уш сари тортиб эди, Ушқа киргач, Ушда ҳам қизил оёқ, қаро таёқ қилиб зарби рост ура-ура Ушдин қувлаб, қўрғонни бизнинг учун сақлаб, бизга киши йибордилар. Жаҳонгир ва Танбал бир неча маъдуди била саросимавор бориб Узгандга кирдилар».

Заҳириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома», 904 [1498 — 1499] йил воқеалари фаслидан.

Қўшин силсиласи бузилган: буронғор — ўнг қанот аралаш ҳолда бормоқда; пиёдаларнинг айримлари суворийларнинг отларига вақтинча учқашиб олишган. Илғор қисм жангдовул, ҳировуллар билан кўз илғамас бўлиб илгариллаб кетган. Ботаётган қуёшнинг сўнғи нурлари яроқ-аслаҳа, бошлардаги дубулғаларда ялт-юлт аксланади. Уларнинг ғулувидан безовта бўлган бир жуфт калхат қанотларини кенг ёзиб, кўкда гир-гир айланади. Якка лочин тобора ўрлаб учади, нуқтага ўхшаб боради.

Қонталаш уфқ сарғайган қуёшни комига аста тортади. Қорайиб кўринаётган тоғ кунгираларининг ораси баҳайбат йиртқичнинг оғзига ўхшайди, қуёш-

нинг бир қисми унинг ичида. Бу бир ўткинчи, зоҳирий ҳол бўлса ҳам, кишида нохуш ҳислар уйғотади.

Бобур мирзо одатдагидек ғулда — марказда кетяпти. У отда қуйиб қўйгандек ўтиради. Кейинги пайтларда куну тунларини муттасил отда ўтказди: тахт ҳам, тўшак ҳам шу. Юзи офтоб нуридан, изғирин дамидан буғдой рангига кирган. Фарғона вилоятининг подшолиги насиб этибдики, юриш-урушлардан бўшамайди, бирор дами хотиржамлик билан ўтмайди. Лабларининг усти қорайишиб, мўйлаби кўриниш бериб қолган. Қийғоч кўзларида ажиб бир те-ранлик, энди улар оғир бодом қовоқлар паноҳида кулишга ҳам, ёш тўкишга ҳам шошилмайди. Камондай қошларининг ўртасида билинар-билинемас бўртиқ пайдо бўлган. Учига рангин ўтаға санчилган дубулға ва бутун ўмровини қоплаб турган совут, икки ёнидаги қилич билан сақдоқнинг оғирлигига жуссаси шундай ўрганганки, буларсиз ўзини ғалати ҳис этади.

От ўз майлича қадамлайди. Бобур мирзонинг фикру хаёли кейинги вақтларда бўлиб ўтган бири-биридан мудҳиш воқеалар таҳлили билан банд. Ҳамиша ўлжа тамасида бўлувчи бесабр беклар Самарқанддан Фарғона сари қочганлари, Аҳмад Танбал билан Узун Ҳасаннинг қилмишлари хаёлидан бир-бир ўтади. Аҳси кўрғонида доруға қилиб қолдирилган Узун Ҳасан Аҳмад Танбалнинг дағдағасига осонгина учди. Бу иккови тил бириктириб, Жаҳонгир мирзонинг қўлтиғига сув пуркаб, Фарғона вилоятига подшо қилиб тиклашди. Бетоб ётган Бобур мирзони ўлдига чиқариб, Али Дўст тағойини алдашди-да, Андижонни найранг билан эгаллашди... У синиқ хўрсиниб, аламини яқиндагилар уқиб қоладигандек, атрофга қараб қўйди.

Хотирасида эса яна ҳам даҳшатлироқ воқеалар жонланаверди. Самарқандда оғир хаста ётган Бобур мирзо Андижонда содир бўлаётган хиёнатлар ҳақидаги жон ўртовчи хабарни эшитади. Кетма-кет ота юртига даъват этувчи хатлар олади. «Андижоннинг илки-қуввати ила Самарқандни олдингиз, ўғлум, зеро, Андижон илкингизда бўлсагина, Сиз пойидорсиз. Андижон бўлсагина, Самарқанд яна илкингизга киргуси», деб ёзар эди бувиси Эсон Давлатбегим. Мўътабар устои Абдулло хожа Мавлонойи қози яна ҳам ўртаниб чорлар эди: «Сизни оёққа турғизган замин худ Андижон, аввалин Андижон подшоҳисиз. Анинг важҳидин Самарқандни забт этдингиз. Ўкки кемани тенг тутғонлар фарқоб бўлғуси». «Андижон ила Самарқанд икки кема эмас, устои раҳматилло алайҳ, иккига айрилган бир кема. Мен айрилиқни дафъ айлаб, бир кема қилмоқ учун овораман! — ичида ғойибона тушунтирмоқ бўлди. — Мақсадимни бешак онғлар эди, агар тирик бўлганда хожа Мавлонойи қози. Ушмундоқ садоқатда устивор кишини хор-зорлиқда шаҳид қилдилар ғаддор мардаклар. Вилоятда анингдек валий киши йўқтур. Илму ҳунарда беназир эди, рост сўз, далир эди... Тенгри таоло ўзи жазойингни берсун, номард мунофиқлар! — ўртанган дилини тиймоқчи бўлгандек, кўзларини пирпиратиб ютиниб қўйди. — Одам зоти нуру зулматдин, ўту сувдин, яхшилиғу ёмонлиқдин, раҳмону шайтондин таркиб топғон, деяр эди пири устод. Бировда нуру ўту яхшилиғу раҳмон ғолиб бўлур, бировда зулмату сую ёмонлиғу шайтон ғолиб келур. Гоҳ мунинг, гоҳ ўшулнинг ғолиб келмагига зоҳирий ва ботиний нафс сабабдур. Андоқким, нафсни жиловлай билган одам зоти асл баҳодур. Ҳазрати Одам замонидин буён йигирма тўрт минг пайғамбар ўтганким, аларнинг илму аъмоли ҳазрати Одам Ота ила Момо Ҳаво зурриётларини тарийқати ростға солмоқ бўлмиш. Охирги замон пайғамбари Муҳаммад алайҳиссалом умматларини рост йўлға солмоқ яна ҳам мушкул. Ва лекин биз мундин тонмасмиз, дегучи эди. Сўхбатлари ажаб пурмазмун, завқнок эди. Ушмундоқ кишини осиб ўлдурдилар. Бул беклар ушмунча мунофиқ ва ҳаромнамак?! Рўбарў келган сайин юкуниб тинмагучи Аҳмад Танбал ва бошқа беклар эмди Жаҳонгир мирзога юкунмоқдалар. Муни бетажриба иним билурми экан?! Демишларким, подшоҳсиз фуқаро, фуқаросиз подшоҳ бўлмас. Мумкин эмаским, беклар ила мураса қилинмаса...»

Бобур мирзо бу йўлдан кўп маротаба юрган, Андижондан Ушга олиб борувчи йўл жуда-жуда қадрдон: манзилга ета-етгунча ўр тортиб кетади. Бобур мирзо ҳавоси хўб, оқар суви фаровон, баҳори бисёр яхши Уш кўрғониға юриб эмас, ҳамиша парвоз уриб боради. У Андижонни Ушдан айри ҳолда

тасаввур этган эмас. Юрт замини нечоғли меҳрибон, юрт ҳавоси қанчалар руҳафзо! Бошини кўтариб атрофга мамнун боқади.

Шу чоғ черикнинг илғор порасидан ортга қайтиб келган тавочи отдан тушиб юкуниб қолди. Бобур мирзо отнинг жоловини тортди.

— Мирзойи давлатпаноҳ, Ушдин беш нафар чопар биз сари келмиш. Сизга муҳим маълумот арз этмоқчидур.

— Қайда алар? Бизга юзлансин! — деди Бобур мирзо жонланиб.

Ушлик чопарлар отларининг жоловларидан тутган ҳолда яқинлашдиларда, етти марта ер ўпиб юкундилар. Уртадаги ёши улўғроғи бўғиқ товуш билан шошиб сўзлади:

— Эл улўғлари бизни барори истиқболингизга юбормишлар, вилоятпаноҳ. Уш улуси ташрифингизга мунтазир, халосбарорингизга умидвор. Ул ўзбошимча бек Аҳмад Танбални, анча таассуб этиб юрган Жаҳонгир мирзони қизил оёқ ва қаро таёқ қилиб зарби рост ура қувлаб чиқардик. Дарвозаларда улўғлар тайин этган кишилар турурким, Андижон дарвозаси ҳам, Марғилон, Ўзганд дарвозаси ҳам Сизга кушод бўлғай.

— Садоқати собитингиз учун раҳмат, уруғларим. Иншооллоҳким, биз етиб борғусимиз. Улўғларингизга бизнинг ризолик ва миннатдорлик сўзларимизни етказинг. — Яна алланималар демоқчи, мамнуну сарафроз эканини баралла айтмоқчи, отдан тушиб бешов чопарни ҳам бир-бир қучмоқчи эди, лекин ҳукмдорлик мартабаси йўл қўймади. Зеро, кўнглида шундай қилди.

Мана, у яна ота юртида. Уш ҳам, Уш эли ҳам уни қучоқ очиб чорламоқда. Омон бўлсин ота юрти, қадрдон эл! Икки йилга яқин ғурбат дардини тортган Бобур мирзо учун ота юртининг қадри беқиёс. Қалби илиқ ҳисларга тўлди, отини беихтиёр тезлатди.

Кундузни мағлуб этиб, шом қоронғуси ина бошлади. Қоронғулик тоғлар томондан ўрмалаб келар эди. Хожа Абдулло Мавлонойи қози бино қилдирган боққа етганларида қўшинни тўхташга буюрди, илғор қисмининг Хожа ариғи олдида қўниб туришини тайинлаб тавочи жўнатди. Ушдан бир оғоч берида, Қанбар ота даҳмасининг яқинида Оқбурго дарёсидан Мавлонойи қози ариқ қаздирган бўлиб, боғ ана шу ариқ сувидан кўкариб яшнаган эди. Бу ариқ тўғридан-тўғри Хожа ариғи дейилар эди.

Эзнинг қиём вақти, боғдаги мевалар фарқ пишган. Боғ атрофида ҳовлилар пайдо бўлиб, маҳалла таркиб топган. Ҳойнаҳой, бунда Хожа Абдуллонинг яқинлари муридларидан айримлари жон сақлаб қолибдилар. Чошнигир пешма-пеш тутаетган ликоплардаги мевалардан тотиб кўрар экан, Бобур мирзонинг хотирида яна пири аъзамнинг ёди уйғонди. «Кишидин ҳуд қилғон амоли осору нишон бўлуб қолур экан», деган фикр кечди кўнглидан. Тавочига маҳалла оқсоқолини чақиришни буюрди.

У кўчма тахтдан туриб, отга минган чоғда кетмон соқолли ўрта ёшлардаги яқтакчан киши ўттиз-қирқ қадамча наридаёқ чўккалаб юкуниб кела бошлади.

— Амрингиз бажодур, мирзойи давлатпаноҳ, — деди тавочи бир оз тананали оҳангда.

— Сиз юрт айлаган ушбу навоҳи хожа Абдулло Мавлонойи қози руҳи покининг ҳурмати важҳидин Хожаобад бўлсун. Бу тилаги ихлосмандлару ҳукми подшоҳдур. Онғладингизму, сардор?

— Онғладим, бош устига, подшозодам, — деди шошиб оқсоқол. У такрор-такрор юкуниб, болаларча ҳаракат билан ўрнидан турди-да, орқасига тисарилиб кетди.

Кеча салқинида йўл юриш анча енгил. Ҳордиқ олган ва озиқланган отлар илдам йўрғалар эди. Одамларнинг руҳлари тетик, салқин ҳаво вужудларига роҳат бағишлайди.

Йўлнинг бу ёғида ҳаво бутунлай ўзгаради. Андижон шаҳрига хос уфунат тамом йўқолиб, ҳаво тобора ҳузурбахш бўлиб боради. Бобур мирзо бу ҳолни ҳар гал Уш сари юрганда, шоён ҳис этади. Унинг кўнгли нечукдир, тун қоронғусиданми, маҳзун хаёлларга берилади. Самарқандни ташлаб чиқиб, Андижонни қўлдан бой бериб, аро йўлда қолган чоғларини эслайди. Қоп-қора осмон, унда пирпираётган катта-кичик юлдузлар Сирдарёдан қайта кечиби ўтиб Хўжандга борганини, у ерда ўтказган музтарлик кунларини ёдга солади. Пашоғар кентини ориятга сўраб олиб, икки юз-уч юз навкар билан қишни аранг



ўтказгани, беиззатона кечган кунларнинг ёди унсизгина ушбу дамга, юрт заминига, юрт ҳавосига шукроналик қилишга даъват этади.

\* \* \*

Тунқоторнинг назокатли мулозаматидан уйғонган Бобур мирзо ҳадеганда ўрнидан тура олмади. Қоровултепа устида бино қилинган кўшк жуда ҳам баҳаво. Пастда Оқбурғо дарёси майин гувиллайди, бу оҳанг хаёлда салқинликни яна ҳам оширади. Атроф боғ, кўшкдан дарахтларнинг учларини кўз аранг илғайди. Тун ўз ҳукмида, тонгга ҳали анча бор. Яқин орадан отнинг кишнагани эшитилди, бир оз нарироқда бошқаси унга жўр бўлди. Кўшкнинг Андижон томонида Оқбурғо дарёсидан қазиб ўтказилган Хожа ариғи, Ўш томонида эса Қанбар ота мазори. Устод Хожа Абдуллонинг табаррук қабри ўзи ўтказган ариқ бўйида. Марҳумнинг ўз тилағида кўра шу ерга келтиришибди. «Мазорини обод қилмоқ зарур», кўнглидан ўтказди Бобур мирзо.

Илк саҳарда Ўш қўрғонига кириб боришга аҳдлашилган. Савдар ёрдамида кийинар экан, боғ ичида навкарларнинг шарпасизгина йўлга ҳозирланаётганини пайқайди. Тавочи илғор қисмнинг йўлга тайёр эканини билдирди. Бобур мирзо кўшкдан тушар экан, унга буурди:

— Ҳамма мазорат пойида жам бўлсин. Фарзи мардумлиқни адо этмоқ зарур. Чавандозлар пири Қанбар ота раҳматилло алайҳ, хожа раҳматилло алайҳнинг руҳи покларига тиловати қуръон қилурмиз. Шайхулисломга айтинг, анда ҳозир бўлсун.

Барча ўтирганлар шайхулисломга эргашиб «Омин» деган гулдурос билан қўлларини очиб, «Аллоҳу акбар!» дея ҳовучларини юзига суришди. Сўнгра кўшинга забту зафар тилаб, бараварига фотиҳа қилишди.

\* \* \*

Илғор қисм аллақачон қўрғон ичига кирган. Қоронғулик тумани тарқалганидан, шаҳар дарвозаси ёнбошида гердаиб турган Шоҳидтепани Бобур мирзо бир ўқ отимча масофа қолгунча ҳам кўра олмади. У дарвозадан кириб борар экан, найзабардору қилич-қалқон таққан посбонлар мамнун қўл қовуштиришди. Бомдод намози адоси учун масжидларга суринган кишиларнинг хатти-ҳаракатларида ҳам ана шундай ҳол кўринади. Фул ўртасидаги Бобур мирзо қўл қовуштирувчиларга билинар-билимас таъзим билан салом берди. Қўшиннинг юриши тантанавор ва ғолибона тус олди.

Пешвоз келган шаҳар улуғларини кўриб илғору буронғору жувонғор икки ёққа четланиб, ғулдаги Бобур мирзо сари йўл очди. Кутиб олувчи отлиқлар отлардан тушиб юкундилар. Улар ортидан кўшин Буғротоғ томон борди. Масжиди Жавзонинг яшил тусдаги тўрт азамат гумбази тоғ пинжида ғаройиб бир кўриниш касб этган. Икки томонда кенг-кенг икки хонақоҳ. Саҳнида адл бўйли узун-узун терак, сарву шамшодлар саф тортган. Уларнинг ости гумбазлар рангидаги майсалар билан бир текис қопланган. Юқорида, тоғ ёнбағридан ўтган ариқ бўйларида самбиттол ва мажнунтоллар паришонҳол гўзаллардай пастга бўйлайди.

Кўшину оддий қавмлар бомдод намозини адо этиш учун хонақоҳу саҳндан жой эгалладилар. Икки хонақоҳда икки имом намозхонларни ўзларига эргаштириб борди. Бобур мирзонинг жуссаси энди ҳамма билан бараварлашиб қолибди. Намозхонлар бир овоздан «Аллоҳу акбар» ёки «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ» деганда муаззам оҳангли гулдурос янграйди, ҳамма баравар тиз чўкиб саждага бош қўйганда ғаройиб бир манзара зуҳур бўладик, дарахтларнинг учидаги қушлар тин олиб, бу ҳолни ҳайрат билан кузатади.

Намоз сўнгида Бобур мирзо номи билан хутбаи давлат ўқилди. Барқарор мулкгирлик, забту музаффарият тилаб подшони узоқ олқадилар. «Хиёнатпеша бек Аҳмад Танбал вилоятпаноҳ пойида сарнигун бўлсун! Анинг дағдағаси бирла юрганларга тангри таоло инсофу тавфиқ берсун!» деб ҳам дуо айтдилар. Жамоа Жаҳонгир мирзони очиқ лаънатлай олмади, нима бўлганда ҳам, Бобур мирзонинг ота бир, она бошқа иниси-да.

Бобур мирзо минбардан туриб Иброҳим соруни Ўш туманига бек қи-

либ тайинлаганлиги тўғрисидаги ҳукмини эълон қилди. Жамоа яна подшою Уш шаҳрининг доруғаси Иброҳим сору ҳақиға узоқ дуо қилди.

Нонуштадан сўнг, ўшликларнинг одатига кўра, вилоят ҳукмдорининг пилладек оппоқ нор туя — оқ буғрога миниб шаҳар айланиши, айниқса, тантанали ва завқноқ бўлди. Маҳалла гузарлари ва чорраҳалардан ўтиб бораётганда, ёш тождорга эл таъзим билан ўз ихлос-эътиқодини изҳор этар, жонидан бошқа нарсани пешкаш айларди. Бобур мирзонинг ҳамроҳлари совға-саломларни қаерга жо этишни билмай қийналардилар. Рангбаранг тақинчоқлар билан безатилган қорли тоғ чўққисидек улкан туя болаларнинг кўзини ўйнатади. Бу маросим мирзонинг кўнглини кўп вақтлардан бери банд қилиб келаётган ғам-андухлардан халос этди. У энди Буғротоғ узра сайр қилиш истагини билдирди. Бир тўда ичкилару навкарлар қуршовида тоғ этагидан ўтувчи жаннат ариғи ёқасига келди. Ҳаммани тараддудга солган ҳолда, ариқдан заранг косада ўз қўли билан сув олиб ичди. Ҳаётбахш сув жисму жонига тарқаб, қувноқ ва шўх-шан дамларни ёдига солди. Опаси Хонзодабегим, бу ернинг удумига риоя қилиб, ҳар куни тонгда шу ариқнинг сувидан укасининг юзига сочиб уйғотар эди. Худди ўша дамлар янгиланаётгандай юраги жўшиб кетди. Қўлида коса, юқорига, тоғ тумшугидаги ўзи бино қилдирган айвонли ҳужрага боқди. Борлиғига ифтихорли илиқ ҳислар югурди. Ёғоч кўприкчадан ўтар экан, тиниқ сувда аксланаётган суратига қараб қўйди.

Томошагоҳ ҳужрага чиқишга шошилмайди. Аввал юқорига тоғ камаридан кўтарилади. Чаккатомар ғоридаги бир маромда томчилаб турувчи муздек сувдан ушбу косага тўлдириб сипқоради. Сўнг айланиб ҳужра томон ўтади. Айвонда тушлик қилади. Уша айвондан туриб маҳаллотни, бутун чор-атрофни, олисдаги бир-биридан улкан, бир-биридан юксак тоғларни томоша қилишдек гашту намо дунёда бошқа такрор бўлмаса керак.

Олдинда йўл бошлаб бораётган Уш шаҳрининг доруғаси Иброҳим сору бошлиқ тўда Чаккатомар ғорига ўтиладиган Пули сирот — Қилкўприк аталмиш йўлдан юрмай, беридан тоғ чўққисига кўтарилди. Тўдадан бир навқирон навкар ажралиб, орқада келаётганларни кутди. Буларнинг мақсадини уқиб олиш учун қизиқсиниб қараб турди. Ёши ва жуссаси Бобур мирзодан салгина улўғ бўлган бу зуваласи пишиқ навкар хусусан ёш подшога ажиб бир суқланиш билан боқарди. У бутун борлиғи билан мирзога талпинар, лекин подшога рўбарў келишдан уни андиша аранг ушлаб турар эди.

Энди машаққатли ва қалтис йўл бошланган эди. Қўлида шашпар тутган навқирон навкар чапдастлик билан олдинда боряпти. Оёғидаги баланд пошнаи, узун кўнжли этиги худди елими бордек тош узра босган жойига михланиб тушади.

«Қилкўприк»ка яқинлашганларида, у орқали келаётган Бобур мирзога қаради. Орадаги масофа яқин эди. Сўз қотиш имкони туғилганидан суюниб: — «Қилкўприк»дан кўрқмайсизму, вилоятпаноҳ? — деди. Бу гапнинг замирида енгил истеҳзо ҳам йўқ эмас эди: «Қилкўприк»дан гуноҳсизлар ўтади-ю, гуноҳкорлар қулаб кетадилар...» Бобур мирзо, албатта, енгил истеҳзони дарҳол пайқади ва унга лойиқ жавоб айтди:

— Тенгри таолоға таваккул қилурмиз, биродар. Бизга ё ул тараф, ё бул тараф.

Подшонинг бемалол келаётганини кўриб навкар ўз гапидан бир оз хижолат ҳам бўлди. Унинг юз тузилиши ҳам Бобур мирзога ўхшар, салгина фарқ қилар эди.

Чаккатомар ғорига киришда у шамдонни қўлга олди. Ғорга шамсиз кириб бўлмас эди. Чакка томчилаётган жойгача анча ичкари кириб борилади. Ғор қоп-қоронғи эди.

— Мен шамсиз ҳам кириб кетавераман. Бунга қулингиз неча маротаба кечалари ҳам кирган, — деди орқадагиларга шам тутиб бораётган навкар. Бу гапларни у мақтаниб эмас, Бобур мирзо билан сўзлашиш учун айтмоқда эди.

Чошнигир чаккага тутмоқчи бўлган косани Бобур мирзо ўз қўлига олди. Чаккага тўғрилаб тутар экан, шамдонни азот кўтариб турган навкардан сўради:

— Ушлиқсизму, биродар. Отингни не?

— Отим Тойлоқ, вилоятпаноҳ. Ҳовлимиз ушбу тоғнинг этагида, кунботар сари, Марғинон дарвозасининг ёнида.



Косага томаётган қатралар ғор ичида сеҳрловчи мусиқий садо таратмоқда. Бобур мирзо ҳовучини уч бора тўлдириб юзини чайди, косада қолган сувни нафас чиқармай ташналик билан симирди. «Ях солингандек муздеклигини кўринг», дея сўзланди. Ғордан чиқишар экан, қимматли ҳамроҳдан узилиб қолмаслик учун Тойлоқ сўради:

— Ҳур қизни ҳам чақирамизми?

— Ҳур қизни албатта чақирурмиз, оғойи Муҳаммад Тойлоқ.

Тойлоқ қулфи-дили очилиб сўзлай кетди:

— Мен норасидалигимда Ҳур қизни ростакамига бор деб билур эдим. Ани кўрмоққа иштиёқманд бўлуб юрганман. Уним ўчиб қолгунча чақирур эдим. Қоятош паноҳидин чиқиб келмоғиға интизор бўлуб гоҳ кундузлар, гоҳ кечалар пойлаб ўтирганман. Мени ахтариб топишиб, судраб кетишган вақтлар дағи бўлган. Анингчун Буғроқўхнинг ҳар бир тоши менга ошино...

Тойлоқнинг эхтиросли ҳикояси вилоятпаноҳнинг дилида ўтмишнинг энтиктирувчи тотли хотираларини уйғотди. Ушга сафар қилиш унинг учун байрам бўлар эди. Бувиси Эсон Давлатбегим аввалбаҳорда «Олам садди пок бўлмиш», дейиши билан Бобур мирзо Ушга чоғланиб қолар эди. Чунки Наврўз кунларини Ушда ўтказишга одатланишган. Чўккалаб ётган қўш ўркачли ноқтаюдек бўлиб Буғроқўх олисдан назарга илинган чоғдаёқ мирзо кўзлари чақнаб қийқириб юборар эди. Илк бойчечак гулини ҳам опаси Хонзодабегим ўша Жаннат ариғи ёқасидан топиб берар эди. Кейинчалик ўзи топадиган бўлди. Ҳамма жойда Наврўз байрами икки-уч кун нишонланса, бу ерда ҳафталаб-ойлаб давом этар эди. Тоғнинг бағри ва атрофи сайлгоҳ. Айниқса, унинг турли-туман буталар, турфа гул-чечаклар билан қопланган ғарб томонидаги кўчатли тоғ деб аталган бўлаги баҳорда кўз ўйнатар манзара касб этарди. Бу манзарани бузиб қўймаслик, пайхон қилмаслик учун у томонга кам ўтиларди. Фақат гул териш ёки дилкашлик қилиш учунгина қадам қўйиларди. Сайру гаштак кундуздан кечага уланиб кетар, кечаси алламаҳалгача ҳам тоғ устида машъалалар сўнмас, мусиқа оҳанглари қулоққа чалиниб турар эди.

— Мен бебош қулингизни маъзур тутинг. Сизни Амур Темур зурриёти дейишур. Ул подшоҳи олам алайҳи раҳматиллоға қандоқ зурриётлигингиз бор?

Тойлоқнинг саволи унинг хаёлларини бўлди.

— Отам Умаршайх мирзо Султон Абусаид мирзонинг ўғли, Самарқандда таваллуд топмиш. Султон Абусаид мирзо Султон Муҳаммад мирзонинг ўғли эди. Султон Муҳаммад мирзо Темурбекнинг учинчи ўғли Мироншоҳ мирзонинг ўғли...

Улар сўзлаша-сўзлаша Ҳур қизни чақирришни ҳам унутдилар, ҳужра остонасига келиб етганларини ҳам билмай қолдилар.

\* \* \*

Озорли, шиддаткор кунлардан сўнг тоғ устидаги иморат айвонида тушлик қилиш Бобур мирзо учун нақадар ҳузурбахш ва эртақдагидек ажиб ҳол эди. Бутун маҳалла пойингда. Атроф кафтдагидек кўриниб туради. Бу ерда гиёҳнинг замин бағридан бўй чўзиб чиқишини кузатиш мумкин. «Кўрмоқдасизму, чечаклар қуёшға қандоқ эркаланиб боқур. Гиёҳлар қуёшға салавот айтиб чиқур», дея уқтирар эди бувиси Эсон Давлатбегим. Ҳув ана, Оқбуғронинг оқ ёлли тўлқинлари товланиб айқирмоқда. Унинг шарпаси қулоққа аранг чалинади. Дарё бўйлари боғу роғ. Бу боғлар Андижонга ета-етгунча чўзилиб кетган. Дарахтзорлар яшил либосининг этаклари қизара бошлаган, демак, куз яқинлаб келмоқда. Олисдаги тоғлар сўнмас виқор билан қад кериб турибди. Улар ҳамиша улуғвор, рўйи заминда абадий...

Бобур мирзо тоғ устидаги бу иморатда илгарилари хешу ақраболари билан ўтирган. Ҳатто тунаб қолган вақтлари ҳам бўлган. Подшоҳзоданинг ёнбошида опаси Хонзодабегим ҳамиша ҳозир эди. Яқин туюлган осмонга боқиб, опасини ҳадеб сўроққа тутар эди: «Ҳов ўшал нурафшон юлдуз нечун Зухро дейилур?» «Ул вафодор аёл сиймоси, анингчун Зухроға машҳур», деб ғалати ҳаяжон билан тушунтирарди Хонзодабегим. Опасини эслаганда, кўнгли алланечук бўлиб кетади. У ҳануз тоқ, бирон йигит билан бош қўшгани йўқ. Бўлмаса Хонзодабегим бирам дилбар, бирам оқилаки... Бу иморатни ҳам

унинг кенгаши билан бино қилдирган эди. Тоғаси Султон Маҳмудхоннинг ҳужрасига ҳавасланиб қараганда, деган эди: «Сиз дағи тоғ узра ушмундоқ иморат бино қилингким, тағойингиз ҳужрасидин кам бўлмасун, тождорим!» Самарқандда бобокалони Амир Темур тиклатган мадрасаю мақбараларни кўриб ҳайратланганда, «Сиз дағи ота юртингизда андоқ иморатлар бино қил-дирингким, бобокалонингиз Темурбек обидалари доврўфига доврўқ кўшсун, тождорим!» дея далда берган эди.

Сайр этувчилар тоғ этагига тушиб, энди қароргоҳлари масжиди Жавзо сари бурилишганда, сой томондан тўрт-беш отлиқ қуюндай чиқиб келдилар. Отлиқларга унчалик эътибор қилишмади. Қурол-яроқларидан бирор бекнинг навкарлари эканлиги маълум эди. Навкарлар сайр этувчилар қаторининг адо-ғидан нари ўтиб кетишгандек бўлди. Лекин улар жиловларини кескин тортиб отларини кутилмаганда буришди-да, яёв борувчиларга ташландилар. Нима гаплигини англаунларича бўлмай, бир мулозим қилич зарбидан ағдарилди. Музаффарлик нашъаси билан маст бўлган навкар энди Бобур мирзога қилич уришга чоғланди. Мирзо бу фурсат ортга боқиб, сипоҳгарчиликка хос сезгир-лик билан шамширини суғуришга улгурган эди. Лекин бир қаричгина шамшир қаёқдаю, бир қулоч келадиган қилич қаёқда?! Совут-дубулға кийган отлиқнинг олдида одатий кийимдаги яёв ким? Ҳужум қилаётган навкар билан тенг дара-жадаги баландликда турган Тойлоқ қўлидаги шашпар билан бирга ўзи ҳам отлиқ томон отилди. Қиличи қўлидан учган отлиқ отдан қулади, Тойлоқ кўз очиб-юмгунча фурсат ичида қилични қўлга олди. Шашпар зарбидан гарангси-ган ва ўрнидан турмоқ бўлаётган газанданинг томоғини кўзлаб қилич сермади. Подшонинг жонига қасд қилган хоин аянчли равишда жон берди. Бобур мирзо унга инсоний ачиниш билан қаради. Унинг ўрнида ҳозир мен ўлишим мумкин эди, деган ҳисдан ижирғаниб қўйди.

«Альамон», «Альамон!» деган қичқириқларни эшитган қароргоҳдагилар ёрдамга етиб келдилар ва йўлтўсарларни қуршаб олиб, банди қилишди. Маълум бўлишича, булар пайт топиб подшонинг жонига қасд қилиш учун Аҳмад Танбал томонидан жўнатилган пистирмачилар экан. Бир ўшлик, яъни Аҳмад Танбал Бобур мирзонинг жонига қасд қилаётган бўлса, бошқа бир ўшлик уни ўлимдан сақлаб қолди, ажаб!

Одатга кўра жонини омон сақлаб қолган Тойлоққа Бобур мирзо бир кун-лик ҳукмдорлик ҳуқуқини берди. Навкар Тойлоқ бошчилигида бўлган машва-рат — бегу уламолар кенгаши Ўзганга кириб жойлашиб олган Аҳмад Танбал билан Жаҳонгир мирзога қарши қўшин юборишга қарор қилди. Тойлоқ бир туманга бек сифатида бош бўлиб жангга отланди. Чунки ҳозиргина бўлиб ўтган ҳодиса ҳали юрт нотинч эканидан нишона, ғофил қолмасликка ундар эди.

## Қўш лочин

**«Чун салтанат дағдағаси ва мулкгирлик дояеси бор, бир қатла-икки қатла иш юрумаган била боқиб ўлтуриб бўлмас».**

**«Бобурнома», 903 [1497 — 1498] йил воқеалари фаслидан.**

Фарғона вилояти гўё хомталаш қилинаётган жонлиққа ўхшайди: Бобур мирзонинг Аҳмад Танбал бошлиқ муҳолифлари юртнинг бир бўлагини у ён тортсалар, қариндош-уруғлари бу ён тортадилар. Навқирон ва тажрибасиз, лекин қатъиятли ва жасур мирзо бу бўлақларни қовуштириб, улаб бутунламоқ учун оворайи жаҳон бўлади. Ахси қўрғонининг аркига қочиб кирган Узун Ҳасан ярашиб ва омонлик тилаб шаҳарни топширди. Эл-юртнинг ғаламис душманлари худди кўп бошли илонсимон: бир бошини босса, иккинчи боши кўтарилади...

Ҳолбуки, темурийлар салтанатига хавф солиб турган умумий душман Шайбонийхонга қарши бормоқ учун пароканда сипоҳий ва навкарларни сафга чақириб қўшинни тўлдирмоқ, қурол-яроқ билан таъмин этмоқ даркор эди. Бунга фурсат, имкон қани?!

Мана, Бобур мирзо бир пора қўшини билан Моду қалъасининг пойида. Моду — Уш шаҳрининг жанубий шарқида, Қашқар йўлининг ёқасида би-

йикликда жойлашган мустаҳкам қалъа. Бу атрофда бу хил пойдор қалъа йўқ, шунинг учун Аҳмад Танбал укаси Халилни икки юз элликка яқин навкар билан шу ерга жойлаштирган эди. Қалъа тевараги чуқур хандақ. Хандақдан чиққан тупроқ пойдеворлар остига шиббаланган. Шимол томон сойлик. Сойдан ўқ отилса, деворга аранг етади. Тонг туманида қалъа ҳайбатли ва сирли кўринади.

Тизгини тортилган от бошини силтаб сувлиғини чайнайди, оғзидан билинар-билимас ҳовур кўтарилади. Мирзонинг дубулға-совут юкидан терлаб, эндиликда совий бўшлаган жисми сунбула салқинида энгил жунжикади. У аланглаб черикка назар солди: чўғи оз. Қўшиннинг бир бўлаги Ўзган устига жўнатилган эди. Бу ерга шаҳардан ўр тортиб чиқилгани учун отлару яёвлар чарчаган, шу вайдан кўшинга бир оз дам беришга қарор қилди. Тавочига қайрилиб деди:

— Бир муддатий ҳордиқ тайинлангиз.

Бу сўзлар тавочи тилида акс садодек бир неча марта қайтарилди. Навкар ва сипоҳийлар нафасни ростлар экан, Бобур мирзо қалъани ишғол этиш тадбирларини чамалади: икки аравадаги шоти ва палаҳмонларни санади, қандай ҳамла қилиш, отлич ва пиёдаларни қайси томонга йўналтиришни ўйлади. Сўнг бек ва сипоҳийлар билан маслаҳатлашди-да, фармон берди:

— Аллоҳу акбар, чопувга буюрингиз!

Камон танобига ўқлар ўрнатилди, найзалар елкага лангар қилиб қўйилди, қалқонлар тўшга босилди, шоти кўтарувчилар, палаҳмон сурувчилар ҳаракатга келди. Кимдир тупроқ шиббасидан тирмашиб, деворга яқинлашиб қолган эди, юқоридан ташланган қозондай тош зарбидан бир неча қулоч масофага учиб борди. Сўнг девор хокрезигача коптокдек юмаланиб кетди. Тўхтаган заҳотиёқ, хайрият, ўрнидан тура солиб бояғидай юриб кетди. Дарвоза олдига чиқиб борган бир сипоҳийнинг эса тош зарбидан калласи сапчадай узилди.

Бобур мирзо саросималаниб қолди: бу хилдаги катта тошларни отганларини ҳеч кўрмаган эди. Нафрат ва ғазаб жаҳду ғайратини қўзғар, оёқлари беихтиёр ҳаракатга келиб, узангини от биқинига ниқтар эди. Чавандознинг истажини ўқа олмаган бедов типирчилаб, ҳадеб юлқинарди...

Қўрғон ичидагиларни дарвозадан алаҳситмоқ керак эди. Отнинг бошини орқага буриб, буюрди:

— Шоти ва палаҳмонлар била орқага ўтингиз!

Тоғ ортидан найза бўйи кўтарилган қуёш нурида қурол-аслаҳалар ялт-юлт товланади, баданлар қизийди. Ғайрати жўшган Бобур мирзо деди:

— Ёй беринг!

Тавочи узатган ёй танобига садоқдан ўқ олиб қўйди, дарвози буржидаги душманни мўлжалга олди. Уқ хато кетди, алам билан лабларини қимтиди. Дарҳол иккинчи ўқни олди. Хайрият, ғанимнинг найзаси учиб тушди, демак, ўқ қўлига тегибди. Кўп йигитлар тош зарбидан шикаст еяптилар. Вақт чошгоҳ бўлаётир. Нима қилиш керак? Хандақнинг уч ерига шошилиш кўприк ташланди. Мирзо уларнинг бирига от солди. Буни кўрган неча-неча отлич ва пиёда дарвоза сари ёпирилди. Дарвоза эгалланди. Бироқ жанг оқшомгача давом этди. Дармони қуриган душман эртаси тонгда омонлик тилаб дарвозага келди. Халилнинг ғўрадек қовоқлари яна ҳам шишган, кўзларини яширишга уринади, ноилож қолганда эса кўрқув билан тунд боқади. Устидан совут-дубулғасини ечиб олар эканлар, йиқилгудай бўлиб тебраниб кетди. У билан бирга тўқсон киши банди қилинди.

Бобур мирзо асирларни Андижонга жўнатар экан, Аҳмад Танбал қўлида бандиликдаги бек ва ичкиларни ёдда тутиб, олиб борувчиларга тайинлади:

— Буларни эҳтиёт била сақлағайлар.

\* \* \*

Бир ой-қирқ кун бўлдики, Бобур мирзо ва унинг қўшини ором топиб қолди. Кундан-кунга сафлар кенгайиб, қурол-аслаҳа тўқислашиб бормоқда. Кенг сайҳонликка наमत чодирлар тикилган, дошқозонлар осилган. Кунботар томонда Чилмаҳрам тоғининг тизмалари найза тутиб саф тортган навкарлардай кўринади. Чилмаҳрам этакларида йигитлар ҳарб ўйинлари қиладилар. Машқлар икки маҳал бўлади: тонгдан чошгоҳгача, намозидигардан оқшомга-

ча. Гоҳи кунлари навкарлар кечалари кўнгилихушлик ўлтиришларини уюштирадilar. Мусиқа мавжлари атрофга таралади, кўс ноғоранинг така-туми, сурнайнинг шоён ингроғи ҳамма оҳангларни босиб янграйди. Ашула тингловчиларни сомеъликка тутса, шўх куй ва рақс юракларни ҳовлиқтириб, қонларни жўштиради. Мастона қийқириқлар тоғларнинг уйқусини қочиради...

Бу кунлари Тойлоқ ҳам тиниқиб ухлади. Ҳарбий ўйинларда найзабозликни машқ қилди. Фаним найзасини илиб, ўзига қайтаришни ҳеч уддалай олмайди. Ҳолбуки, бу усулга унинг рағбати бисёр. Оёқ ости лой бўлгани учун тез чарчади. Лекин чодирга киргиси келмади. Шимол томон юриб, Қатламатог ёнбағрига кўтарилди. Ясси харсангга қалпоғини ташлаб, унга ҳорғин чўкди. Кунботарда мисоли девордай қад кериб турган Чилмаҳрам тоғлари тунги билан ёққан ёмғирда шу қадар ювилганки, мовийлашиб, осмон тусига сингишиб кетган. Шу чоғ қаердан чанқовуз товуши қулоққа чалинди. Тойлоқ ўрнидан турди. Товушнинг қаердан келаётганини илғаб олмоқ учун қулоқларини динг қилди. Харсанглар оралаб нари юрди. Аввал қўй-эчкилар, кейин икки чўпон бола кўринди. Уни кўрган болалар подалари томон боришиб, қўй-эчкиларини қайтармоққа тутиндилар. Тойлоқ англадики, қўлида найзаси билан уларга ваҳимали кўринибди. Дардли жилмайди-да:

— Болалар, тўхтаг, жондорларингизни малолсиз ўтлатаверинг, чанқовуз нағмасини эшитгани келдим, — деди.

Унинг тасаллиси болаларга қор қилмади. Боягидай шашт билан бўлмаса ҳам, секин-аста ундан узоқлашиб кетдилар. Бу ҳол унга нашъа қилди: кечагина ўзи ҳам мана шу болалардай қўй-эчки боқиб юрар эди. Энди эса болаларга ваҳимали кўриниб қолибди.

Осмонда булут саропардаси йиртилиб, офтоб йилтиради. Олам-жаҳон ёришиб кетди. Тойлоқ бош ва елкаларида унинг меҳрибон нурларини ҳис этди. Меҳр — кўзда. Зеро, қуёш — осмоннинг кўзи. Идрокига келган бу фикр шавқидан ўрнидан турди-да, битта-битта босиб қароргоҳ томон жўнади. Соё ёқалаб чўзилган боғлар алангадай товланиб кўзга ташланади.

Ҳукмдор чодирининг олди негадир гавжум. Яқинроқ борганда маълум бўлдики, навкарлар орасида фуқароча кийимдаги кишилар ҳам бор экан. Улар қўлларидаги танга пулларга қувониб боқадилар. Чодир оғзидаги тепасига соябон тутилган курсида Бобур мирзо ўтирибди. У сафарлик либосида, бошида ҳукмдорлик нишони қадалган симобий тус салла. Нишондаги лаъл офтобда чақнаб, кўзларни қамаштиради. Очиқ рангли зарбоф кийимлар мавжуд кузги манзарага қарши ўлароқ кишига баҳорий таассурот беради. Икки ёнида хазиначи билан тавочи. Майдонда эгар-жабдуқсиз уч-тўртта от. Улар ичида чавқар от бошқаларидан ажралиб турибди. Унинг жиловдори деҳқон йигит. Бошқа отлар жилови эса навкарлар қўлида.

Деҳқон йигит чавқарнинг бош-кўзини силайди, от ҳам ювошланиб, эгасининг кўксига тумшугини қўйиб турибди. Хазиначи улар томон танга ирғитди.

— Ол энди, рози бўл. Отингнинг баҳоси дучандон бўлиб кетди... Қорайган нам тупроқда сариқ тангалар ялтираб кўринади. Йигит тангаларга қайрилиб қарамади. Хазиначининг ёнида тараддуланиб турган бир гуруҳ сипоҳ унга таъна-дашном бера бошлади:

— Давлатпаноҳга бир отни пешкаш қила олмайсанми?

— Ҳақини берсалар, яна нечун саркашлик қиласан?

— Бир отни эл бегидан дариғ тутасенму?

Шу чоғ мирзонинг Тойлоққа кўзи тушиб, илтифот қилди:

— Сенга бўлсин. Тут они, эгар-жабдуқлаб ол.

Тойлоқ бир-икки қадам олдинга чиқди-да, иккиланиб туриб қолди. Эгаси рози бўлмаса, қандай тортиб олади? Бобур мирзо буюрди:

— Йигитга бўлак от келтириб берингиз.

— Йўқ, керак эмас! Бўлак отни нима қиламан, — деди йигит йиғлағудай бўлиб.

— Сенга барибир эмасму? Ҳамонки они омонга боғларсен.

Йигитнинг қайсарлиги малол келаётганлиги ҳукмдорнинг товушида товланиб турар эди.

— Йўқ, барибир эмас. Менинг бору йўғим — шу от. Отам-онам, жону жигарим ҳам.

Тойлоқ орқага тисарилди. Унинг кўнглига ҳам малолат тушди. Бу хил можаро биринчи марта бўлаётгани йўқ. Сипоҳлар атроф-теваракдан от йиғиб келадилар. Отни баъзида солиқ тарзида ундирсалар, гоҳо зўрлик билан, аҳён-аҳёнда сотиб ҳам оладилар.

Ноқулай жимликда ҳукмдорнинг босиқ, бироқ ўктам овози янгради:

— Убдон яхши. Заҳирачи, отга эгар-жабдуқ уринг. Мана сенга улов. Истанг, навкарларимдан бири бўл.

Йигит бўшашди, ортиқ қаршилиқ қилиш яхшиликка олиб бормаслигини англади чоғи.

\* \* \*

Кечки ҳарбий машқларда Бобур мирзо ҳам қатнашди. Унинг от чопиб кетаётиб найзани нишонга аниқ уриши, учиб келаётган душман найзасини илиб олиши, қилични рўпарага, ўнг ва чап томонга моҳирлик билан сермаши, ҳар қандай ҳолатда камондан тўғри фойдалана билиши ҳаммани қойил қолдирди. У майдонда бўлганда, негадир навкарлар бемалол ҳаракат қилиша олмайди. Шунинг учун мирзо Тойлоқни эргаштириб майдондан чиқиб кетди.

Кун ўтирар чоғ. У пуштиранг булутлар қуршовида.

— Юра қол, Қанбар ота сувратини тамошо қилурмиз. Ҳозир айна вақти. Ул табаррук сувратни кўрганмусен? — дея мирзо отини тезлатди.

— Кўрганман. Онам, қурбонлик жойи, дегувчи эди. Они тамошо қилмоққа изн бермас эди.

Икковлон отларини чоптирганларича Суратли тошнинг орқасига ўтдилар. Ботаётган қуёш ўз нурларини тоғнинг ҳудди қирққандек текис ёнбошига қадаган. Дафъатан катта-кичик уч отнинг қиёфати кўзга ташланди. Ана, ўртадаги энг катта арғумоқда ҳазрати Қанбар ота. У киши арғумоқнинг устида бемалол эркин ўтирибдилар, ҳатто қўлларини ҳавога кўтариб олганлар, худди парвоз қилаётгандай. Иккинчи отда ўғли. Бола кўрққанидан арғумоқнинг гажакдор ёлли бўйнига ёпишиб, узун ёлларини чангаллаб олган. Ҳазрати Қанбар ота ўғлига от миниш усулларини ўргатмоқда. Қони қайноқ тойчоқ ҳам улар билан тенг чопади.

— Қани ўшал Қанбар ота арғумоқлари? Узун оёқларини кўр. Нозик гажакдор бўйинлари, воҳ-воҳ! Ёллари биайниҳ париларнинг сочлари... — Ҳайратдан хитоб қилди Бобур мирзо.

— Наҳот Қанбар ота арғумоқларидан зот қолмағон бўлса?..

— Қолғон. Қадимда алар Довон арғумоқлари дейилган. Довон, яъниким Фарғона. Чин-Мочиннинг эски китобларида Фарғона Довон деб битилган. Мирзо нарига от сурди-да, суратларга узоқроқдан назар солди. Тойлоқ ҳам беихтиёр унга эргашди.

— Эркак киши учун от минмоқ санъати не қадар зарур? Онғладингму? Сен эрса... бояги тулпорни бежиз қўлдан чиқардинг. Бундин буёққа йилқини таниб ол. От йигит кишига қанот бўлур.

Тойлоқ унинг гапларини бош ирғаб маъқуллар эди.

— Қанбар ота арғумоқларининг бизга фақат тошга битилган сувратлари қолмиш. Демакким, битилгани кейинга қолур, — ўзича хулоса чиқарар эди. — Қилғон ишларимни, кўрган-билган воқеаларимни ёзиб бормоғим керак.

Орқага қайтишар экан, Бобур мирзо кўрган-кечирганларини қандай ёзишни режалаштириб олди. Тойлоқнинг кўнглида икки хил ҳис айқаш-уйқаш эди: ҳукмдорнинг ўзига яқин олганига ич-ичидан ғурурланса, қандайдир ҳайиқиш ҳисси қувончини ёпиб тушарди.

\* \* \*

Тойлоқ тун ярмида отлар дупури ва бақириқ-чақириқлардан уйғониб кетди. Этигини апил-тапил қўлантаёқ кийиб, кўлига қадрдон ва ишончли яроғи-шашпарини олди-да, ташқарига отилди. Бошқа қуролларни ишлата билса ҳам, ҳануз шашпар унинг учун асосий яроғ эди. Чопиб кетаётганларга кўшилди. Билдики, душман босган. Аҳмад Танбал ўз тарафдорлари билан атиги бир оғоч нарида — Обихон деган жойда кўр тўккан эди. Бундай ногаҳоний безовталиқ биринчи маротаба бўлаётгани йўқ. Муҳолиф тўдаси кўпинча озиқ-овқат ўғир-

лаш учун келади. Бир гал ошлиқ билан бирга икки нафар ошпазни ҳам банди қилиб олиб кетибдилар. Бунга зид ўлароқ Бобур мирзонинг навкарлари ҳам у томон талонга борадилар. Шундай қилиб, иккала томон очиқ майдонда рўйи рост жангга киришмайди-ю, ўзларининг борлигидан бир-бирларини бохабар қилиб туришади.

Чодирлар орасидан: «Ёғий, ёғий!» «Хайё-хайт!» деган товушлар эшитилади, машъалалар ялт-юлт этади. Ким сафдош, ким душман — билиб бўлмайди. Бироқ, аниқки, отличлар мухолифлардан, чунки ҳимоячилар ҳали от миниб улгурганлари йўқ. Машъаланинг олатоб ёруғида, чап томонда бир от хандакка мункиб кетди. Тойлоқ ўзини ўша томонга урди. Отлиқ тура солиб қилич кўтарди. Бироқ шашпарнинг туйқус зарбасидан қилич нарига учиб кетди. Душман гандираклар чекинди. «Амон, аъмон!» деди инграниб. Хандакдан чиқиб келган от ҳуркиб кишнади.

— Ёйни бу ёққа узат! — деди Тойлоқ шашпарни ўқталганича.

Мағлуб камоқни бўйнидан зўрға чиқариб узатди: қўли шикастланган эди. Тойлоқ унинг юқори чиқишига ёрдам берди. Бундан бошқа яна бир босқинчи қўлга тушган эди.

Яхши ҳамки, атрофга шох-шаббалар ташланиб, айрим чодирлар теварагида хандак қазилган. Йўқса, душман тўппа-тўғри ичкарига бостириб кириши мумкин экан.

\* \* \*

Ушдан бир тўп, Қоратегиндан ҳам шунча навкар келиб қўшинни тўлдирди. Бундан ғайратланган Бобур мирзо ғаним устига юрди. Душман Андижон сари чекинди. Жалақудуқда икки ҳариф тўқнашди. Муҳаммад Тойлоқ жувонғор сафида эди. Чинакам жангни шу ерда кўрди. Найза-қалқон билан жанг қилди. Атиги бир душманга найза санчди. Жанг шавқини энди туйганда, душман Ўзган томон қочди.

Хўмрайган осмон қовоғини кўтариб кўз оча бошлади: булутлар йиртиғидан қуёш кўринди. Тоғларнинг оппоқ кўкси товланиб кетди. Уч кун илгари ёққан қор водийда деярли эриб битган, терскай жойлардагина унинг лахтаклар кўзга ташланади. Қора тупроқдан енгил ҳовур кўтарилади.

Бобур мирзо ўз қўшини билан Ўзган яқинида қишлашга қарор қилди: шаҳар ичидаги Аҳмад Танбалнинг черик йиғиб кучайишига йўл қўймаслик керак. Қиш бўйи душманни қамалда тутмоқчи.

Қишлов атрофи нуқул чангалзор. Уларда буғу, морал, тўнғиз кўп. Лахтак-лахтак чангаллардан қирғовулларнинг сайроғи эшитилади, қуёнлар салгина шарпага у ёқдан-бу ёққа чопади. Сайхонларда рангин тулкилар кўриниб қолади. Қуш ва хайвонлар ҳозир жуда кўпайган ҳам хўп семирган. Шунинг учун сипоҳларнинг қилар ишлари — ҳар кун ош.

Тойлоқ овда юриб от чопишнинг машқини олди, энди отган найзаси мўлжалга аниқ боради, ёйдан узган ўқлари беҳато тегади. Шунинг учунми, мирзо овда уни ҳамиша ўзи билан бирга олиб юради.

Қаердадир қирғовулларни чўчитиб қуш солдилар. Жониворлар семизликдан яхши уча олмайди. Тойлоқ дарахтлар узра кўтарилган қирғовулларнинг бирини мўлжалга олиб ўқ узди. Ўқ еган парранда қанотларини ёйганича пастга қулади. Ўлжага етиб боришганда, ярадор қушни бургут босиб турар эди. Бобур мирзо кулиб юборди. Шундай кулдики, яқин вақт ичида бундай завқланмаган эди. Қийғоч кўзлари қисилиб, кулгининг ҳаводаги зарбидан дарахтлардан қор қуйилди. Ҳовлиқиб чолиб келган бургутнинг эгасига деди:

— Қушинг хўп топибди-да. Ўқ урилган қирғовулни босмоққа ўргатганмундинг муни?

Изза тортган овчи қирғовулни бургут чангалидан ажратди ва ундан ўқни юлқиб олди. Устида турган Тойлоққа узатди. Қирғовулни хуржунга солиб, тутун-аланга чиқаётган томон от солди. Олдиларидан чиқиб келган тулки ўзини чапга урди. Пистирмада турган овчилар тўдасига дуч келиб, орқасига қайтди. Унинг орқасида холдор морал кўринди. Қизиқки, бир умр тулкидан нари юрган морал энди катта душман — одам қаршисида унга эргашиб борар эди. Тойлоқ тулкига найза отди. Тулки тулкилик қилди: чап берди. Мирзо узган

ўқ морални ағанатиб юборди. Тойлоқ унинг устига от солди. Ҳақ еган жонивор жон ҳалфида қочмоқ учун ўрнидан турди. Йўқ, бўлмади — йиқилди. Ҳансираган мирзонинг овози бўлиниб-бўлиниб чиқди:

— Бўйнига пичоқ ур!

Аллақачон отдан тушган Тойлоқ пичоғини қиндан суғуриб, бир тиззаси билан чўккалади. Саросимовор бўлиб туриб қолди. Булар устига етиб келган мирзо иккинчи марта буюрди:

— Ботроқ пичоқ ур!

Тойлоқ мугуздан ушлади-да, нигоҳини олиб қочиб, ҳайвоннинг бўғзига пичоқ солди. Қон тафти ва энгил ҳовур юзларига урилди. Нигоҳини пастга қаратди. Қип-қизил қон оппоқ қорда ниҳоятда шаффоф товланар эди. Моралнинг қоп-қора сузук кўзи маҳзун боқар, унда ҳали ҳаёт нурлари сўнмаган эди. Тойлоқ бу назарга дош бера олмади: аста силаб кўзларини ёпиб қўйди.

Моралнинг илиқ-милиққина жасадини хуржуннинг иккинчи кўзига жойлади. Отга мингач, осмонга қаради: паға-паға қора булутларни кўрди. Булутларнинг беҳисоб тўдалари бутун осмон бўйлаб ғарб томон ёпирилади. Булутларнинг яхлитлигича сузишидан унинг боши айланиб кетди. Ёнбошига қаради: мирзонинг ҳам кўзи осмонда. «Шундай беҳисоб лашкарим бўлса, ғаним устига юрсам, Самарқандни босмоқ ҳеч гап эмас эди», хаёл қилур эди ҳукмдор.

Шу маҳал учиб ўтган қўш лочиннинг бири пастга шўнғиди. Аллақандай паррандани чангалига олиб кўтарилди. Баланда доира чизиб турган шеригига қўшилди. Чангалидан ўлжа киқиб кетиб ўмбалоқ ошиб пастга йўналди. Иккинчи лочин уни илиб олди. Лекин у ҳам тумшугидан чиқариб юборди. Биринчи лочин уни тутиб қолишга улгурмади. Ўлжа ерга тушди. Улар тубандаги ўлжани олишни ўзларига эп кўрмай, кўкка юксалиб кетдилар. Бу ҳолни кузатиб турган Бобур мирзо билан Тойлоқ бир-бирига маънодор қараб қўйишди.

\* \* \*

У ер-бу ерда ёниб турган машъалалар кечанинг қора бағрини куйдиради. Уларнинг алангаси беҳудуд зулмат салтанатининг айрим-айрим нуқталарининг на ёритади, холос. Ойсиз кеча. Машъалалар билан рақобатлашгандай, кўкда юлдузлар бетиним милтирайди. Учоқлардаги чўғлар гўё уларнинг ердаги аксидай. Қора қозонларда ов ўлжалари қайнайди. Улардан кўтарилаётган энгил ҳовур зулмат кўйнига сингиб йўқ бўлиб кетади. Чодирлар оралаб иштаҳани қўзғовчи ҳидлар кезади.

Енг шимарган Бобур мирзо ёнидагилар билан тўйгунча гўшт еди. Улар қўлларини артар эканлар, мамнун шукроналик билдирдилар. Нимталанганини кўрмаганларида эди, шунча ускуна бир қирғовулдан чиққанига ишонмас эдилар.

Шу чоғ чодир оғзида тунқотор пайдо бўлди.

— Ўзганд сари Танбал устига борган йигитлар қайтдилар.

Бобур мирзо лўла болишдан қаддини кўтариб:

— Кирсун, — деди.

Бир бек кириб останада тиз чўкди-да, шошиб сўзлади:

— Бошлар кесиб, йилқилар суриб келдик!

Ташқарига чиққан Бобур мирзо машъала ёруғида бир уюр от кўрди. Отларни қуршаб турган йигитлар хуржунларини ағдардилар. Ҳар хил ранг ва шаклдаги каллалар дўпиллаб ерга тушди. Йигитлар кўнгли тўлиб, ишшайиб турар эдилар.

Муҳаммад Тойлоқ, юраги алланечук бўлиб, нари кетди.

\* \* \*

«Бу нечук кўргиликки, ўз тағойим Маҳмудхон Танбалга кўмак учун киши юборибтур. Яна беш-олти минг черик қўшиб берибтур. Илгарироқ эшик оғаси Бек Тилбага руҳсат берган эди. Бек Тилба — Танбалнинг ўз оғаси эдиким, таҳайюри йўқтур. Тағойиларим не маслаҳатда, аниқ эмас. Тағойимнинг юборган кишиси Хўжанд суйидан ўтиб, Косонни босибди. Косон сари отланмоқдин ўзга чора йўқ...» Уйлар гирдобидан бошига оғриқ кирган Бобур мирзо иссиқ

сандадан оёқларини тортди. Ташқарига чиқди, юз-кўзига совуқ ҳаво уфурди. Қора совуқ забтида.

Эгнига савдар ташлаган тўнни тузатиб, орқасига қаради, таъзимда турган эшик оғасига буюрди:

— Бекларни машваратга чорланг.

Пўстинларга ўралиб, бўрklarини бостириб олган беклар Андижоннинг қора совуғидай тунд турибдилар. Ёзнинг жазирамаси, қишнинг изғиринлари забтида тобланиб, ёшига монанд равишда овози дўриллаб қолган мирзо бо-сиқлик билан гап бошлади:

— Биз дағи йироқдағи кишимизга боқмай, бори киши била тенгрига таваккул қилиб, Косон устига отлансак. Сиз не деюрсиз?

— Бедард қишнинг зарб совуғи андак босилмоғини кутмоқ лозим.

Яқинроқдан чиққан бу таклифга бошқа бир таклиф кўшилди:

— Тарқалиб кетган черикни аввали тўплаб олсак...

— Ғаним бу тадбирларимизни кутиб ўтирмас. Ул кун сайин кучайиб бо-рур, — титроқ товушда алам билан айтилган бу хулоса барча саросималарга чек қўйди. — Кечаси билан юриб тонгла Ахсига тушурмиз.

Машваратдан айримлар ҳукмдорнинг қарорини маъқуллаб, айримлар бошларини эгган ҳолда тумтайиб чиқдилар.

\* \* \*

Оёқ яна узангида. Отнинг оғиз-бурнидан чиққан ҳовур муз боғлаб, шоки-ладек тизилган. Бобур мирзонинг изғирин дамидан кўзлари ёшланади, қулоқ-бурни совуқнинг кўзга кўринмас игналари санчиғидан жиз-жиз ачишади. Совут заълворидан бўлса керак, қомати совуқни унчалик сезмайди. Қўлларида мия-лак. Оёқларининг тиззадан пастки қисми совуқ шиддатидан карахт бўлиб қолган, ҳар замонда қимирлатиб, гўё бор-йўқлигидан хабар олади. От ёллари-да хиёл шуъла кўриб, уфққа қаради. Ботаётган қуёш совуқ шиддатидан жунжи-киб, сийқа чақа пулдек ожиз милтирайди. Атрофдагиларга қаради: ҳамманинг соқол-мўйловини қиров қоплаган, бўрklarининг теварагида муздан биллур шокилалар. Яхшики, унинг соқол-мўйлови йўқ, эндигина ниш отиб келяпти. Кўпларнинг қулоқлари олмадай қабарган.

Муҳаммад Тойлоқнинг оти бундай совуқни кўрмаганми, негадир бошини солинтириб суст қадамлайди. Намат совут йигитнинг кўксини маҳкам қучоқлаб турибди, шунинг учун тик. Баданининг очиқ жойлари совуққа дош бера олма-ганидан қичишиб чирс-чирс ёрилади. Шу жойларини силаб-силаб, теваракка кўз югуртиради. Тоғлардаги қорлар қуйилиб келаётган оқшом тумани узра тушдағидай хира йилтиради. Бу тоғлар Буғроқўҳ, Чилмаҳрам эмас, нотаниш. Қаёққа қараса тоғ, тоғ. Гўё улар девор бўлиб адоватгўй кишиларни бир-бири-дан ажратиб тургандай.

... Кечаси билан йўл босиб ҳориган отлар шарқ уфқига оқлик югуриб, қоронғулик сийраклашганда, сергак тортиб қадамларини тезлатди. Ахси кўр-ғонининг қораси кўриниб, ҳавода тутун ислари сезилгач эса шошқалоқлик билан йўртиб кетди.

Илгари кетганларнинг даъвати билан кўрғон дарвозиси буржларидаги қоровуллар ғимирлаб қолдилар. Асосий кўшин етиб боргунча, хандак узра пули равон туширилди. Бобур мирзо бек ва навкарлари билан кўрғон ичига кириб борганда, кимлардир шодон юкунса, кимлардир пусиб бекинар эди. Аҳли аёлу болалар эса саросимада ҳадик билан боқадилар.

Ахси кўрғонида кўп турилмади. Айримлар ҳатто отдан тушишга ҳам ул-гурмадилар. Мирзо арк айвонида қисқа муддатли машварат ўтказиб, кўрғонга доруға тайинлади.

Яна йўлга тушилди. Кўшин энди Косонни кўзлаб борар эди. Отларнинг ҳордиқ ва ем тўғрисидаги илинжлари пучга чиққан. Шунинг учун юришга хиралик килади, қишлоқларнинг чеккаларидаги, дала боғларининг этакларида-ги пичан ғарамларига юлқинади. Баъзилар отларнинг раъйига қараб, улар томон бурилади. Катта пичан ғарамининг чор-атрофида бир гуруҳ навкар-лар отларини бемалол озиклантиришаётган эди. Ҳайвонлар пичанни бир-



биридан қизғониб депсинади, кишнайди. Шарпа-суронга чиқиб келган кўра эгаси бир оз ҳайрон тургач, ҳам ҳадик, ҳам нафрат билан:

— Бу нечук ҳаракат?! — деди. Унинг орқасидан тўгарак телпак кийган мўйсафид кўринди. У қўлини олдинга силтаб, тутила-тутила койинди:

— Инсофсизлик, бесарлиқ шунча бўладиму?! Бировнинг нарсасини сўрамай-нетмай зўрлаб олмоқ қайси мазҳабда бор?! — Сўнгра бирин-сирин от бошини тортиб суринаётганлар орқасидан ғудраниб қолди. — Тахт талашаётганлар касоратидан тобакай жафо тортамыз? Вилоят, эл қачон ҳаловат топади?...

Муҳаммад Тойлоқ, гарчи пичанга даҳл қилмаган бўлса ҳам, бу сўзлардан мулзамлик чекиб, отини тезлатди. Кошки бу сўзларни эшитмаса.

Олдинда тўда-тўда кишиларнинг қораси кўринди. Ҳозиргина юз берган нохуш ҳодиса таассуротидан қутилиш мақсадида уларга зеҳн солди: карвон-микин? Бирон маъракага кетаётган кишилармикин? Улов минган йўловчилар аҳён-аҳёнда кўринади, кўпчилик яёв. Яқинроқ бориб кўрдик, тўдалар орасида аёллар ва болалар бор. Улар қўшин йўналишида кетиб борадилар. Энг орқада мажруҳ ўспирин билан, отаси бўлса керак, кекса киши чуваланиб суринишади. Муҳаммад Тойлоқ қандайдир қизиқиш билан отини қистади. Қўшин шарпасини сезган тўдадагилар қоқила-сурина жадаллайдилар. Тойлоқ орқада ўралашиб бораётганларга етиб олди. Ўспирин қалқиб-қалқиб олдинга суринади. Юришга мадори ҳам, имкони ҳам йўқ. Иложи қанча, юриши керак. Бошқалар югуряпти. У ҳеч бўлмаса юриши керак. Кекса ота етаклайди: гоҳ суяйди, гоҳ кўлтиқлайди. Қани энди унга оёқ бўла қолса. Аламидан кўзларидан ёш сизади.

Қочқинлар отличларга ваҳима ичида олазарак боқдилар. Айримлар қадамини тезлатиб юурса, айримлари кўрққанидан йўл четига чиқиб тўхтадилар. Ҳад қилган баъзи кексалар навқарларнинг саволларига жавоб беришди. Журъат этганлари ўз изтиробларини изҳор қилдилар.

— Тошканддин келгучилар Косонни босганда чиққан эдик.

— Ҳали униси, ҳали буниси ғавғо солади.

— Бу рустохез мулкигирларнинг дастидан қаёнға борамиз?

— Сиз кимнинг навқарлари?

— Тошканддин келган сипоҳлар Косонни тарк қилганини билиб бормоқда эдик.

Илғордаги айрим навқарлар ғаним Косонни ташлаб чиқиб кетганлиги тўғрисидаги хушхабарни суюнчилаш учун орқага қайрилдилар.

Муҳаммад Тойлоқнинг эътибори ҳамон мажруҳ ўғил билан қари отада. Ота алам аччиғидан ёнбошидаги навқарга нидо қилди:

— Фалакнинг ғазабига учраган шул нотавонни сан дағи тазйиққа ола-санми?!

Овози йиғи аралаш қалтираб чиқди. Тойлоқнинг аъзойи бадани титраб кетди. Илло, шу ўспириннинг ҳам ҳамма қатори юрмоққа, югурмоққа ҳаққи бор эди-ку! Ў, жафокор фалак, қаттол фалак, адолатсиз фалак!.. У эгардан тушиб, отини ота-ўғил сари етаклади.

— Обоға, ўғлунгизни отга миндирайлик.

Чол ялт этиб унга қаради, хира кўзларида мулойим бир нур йилтиради. Бир зум иккиланиб тургач, боласининг кўлтиғидан олди.

\* \* \*

Вақт пешин билан намози аср ораси эди. Илғор йигитлари Танбалнинг қораси кўринганини хабар қилдилар. Юзма-юз жанг учун бундай қулай фурсат асло бўлган эмас. Бобур мирзонинг ғайрати жўш урди. Савол назари билан теваарагидаги бекларга боқди.

— Кун кеч бўлди, ғаним тонг-ла қаёнға борғуси. Сабоҳи ул била учра-шурмиз,— деди совуққонлик билан Вайс Лоғарий. Бошқа беклар ҳам унинг гапини маъқулладилар.

Эртасига душман кўлдан чиққани аён бўлди: у ўрнида йўқ эди. Энди узоқ муддатли пайт пойлаш даври бошланди. Бу давр ўттиз-қирқ кунга чўзилди. Бобур мирзо Наманганда, Танбал Жаҳонгир мирзо билан Архиён кўрғонида.

Бобур мирзо манқал қаршида мудраб ўтирар эди. Бошида юмшоқ кулоҳ, эгнида мўйнали енгсиз камзул. Шам ёруғида силлиқ пешонаси, бодом қовоқлари йилтирайди. Усти хиёл қорая бошланган дудоқлари маҳкам қимтилган. Чўғларни кул боса бошлаган. Бироқ хона ичи илиқ. Тунқоторнинг шарпасидан кўзини очди.

— Беклар кирмоққа рухсат сўрайдилар.

Мирзо қаддини ростлади:

— Қайси беклар?

— Али Дўст, Қанбар Саллоҳ ва яна баъзилар.

— Муддатидин кейин ташрифга рухсат бер,— деди андишали товуш билан мирзо ва савдар келтирган этикни кийишга чоғланди.

Эшикдан бирин-кетин кирган беклар тиз чўкиб юкуниб, Бобур мирзо атрофини қуршиб ўтирдилар. Биринчи бўлиб Али Дўст гап бошлади:

— Оға-ини қачонғача бу йўсунлик ёғийлашиб юрасиз? Аҳмадбек дағи Жаҳонгир мирзоға вилоят олиб бермағунча, қарор топмас кўринади.

Қанбар Али Саллоҳ унинг гапини олиб кетди:

— Инингизга вилоят бериб ярашмоқ зарур, мирзойим.

«Яраш сўзини ораға солурлар. Бу тилак қайдин бунёд бўлди? Нетмоқ керак? Сулҳдин менга не фойда?» Сукутга толган сардорнинг мулоҳазаларини ўқиб тургандек, бошқа бири қўшимча қилди:

— Вилоятлар қарор топғач, Сиз Жаҳонгир мирзо била иттифоқ бўлуб Самарқанд устига юргайсиз.

— Самарқанд тахти муяссар ва мусаҳҳар бўлғоч, Андижон Жаҳонгир мирзоға қолғай. Тағойиларингиз Маҳмудхон ва Аҳмадхоннинг дағи тилаги ушмундоқ,— деди яна бир бек.

— Асл мақсади ҳам шул — Самарқанд тахтини иликка киритмоқ.

«Буларнинг сўзлариға қулоқ солмаса бўлмас. Али Дўст ва Қанбар Али Саллоҳдин, бу икки мардақдин ҳар нени кутса бўлади. Булар била замоносозлик қилмоқ жоиздур», фикрлади мирзо.

— Сичқон-мушук ўйунининг сипоҳ ва навкарлар ҳам бетоқат бўлурлар,— Али Дўстнинг бу гапларидан сергақланган Бобур мирзо унинг юзига илкис қаради.— Ризолиқ берсангиз. Сулҳ аҳду шартларини айтсангиз, муҳолиф сари маълум қилинса.

— Муни аввали таҳқиқ қилиб олмоқ зарурдур,— деди. Сўнгра, «Самарқанд тахтини, улуғ бобом Темурбекнинг тахтини тенгри иноят қилсун», дея ичида илтижо қилди мирзо ва товуш чиқариб давом этди.— Сулҳга ризомен. Иним дағи вилоятлиқ бўлсун. Хўжанд суйининг Аҳси тарафи анга тааллуқ.

— Андижон тарафи Сизга тааллуқ, Уш ва Ўзганд вилоятларини кўшуб.

Бу сўзларни барча беклар «бале-бале», деб маъқулладилар.

— Мундоқ бир шартим бор,— деди мирзо ҳаммага бир-бир қараб.

— Банддағи бек ва ичкиларни банддин чиқариб юборсунлар. Мен дағи Халилбек ва бошқаларни банддин чиқарурмен.

Беклар тарқалгач, сулҳга розилик бериб тўғри қилдимми, деб мирзо узоқ ўйлади. Улар билан ўчакишиб бўлмаслигини, бу бекларни қўлдан чиқарса, унингсиз ҳам забун ҳоли яна ҳам заифлашиб қолиши мумкинлигини англаб, кўнгли таскин топди.

## Узоқ йўл

Кўнгли тилаган муродига етса киши,  
Ё барча муродларни тарк этса киши.  
Бу икки иш муяссар ўлмаса оламда,  
Бошини олиб бир сорига кетса киши.

Бобур

— Подшоҳим, Самарқанддин чопар келди, кирмоққа рухсат тилайдур!

Эшик оғасининг айтган хабари Бобур мирзонинг қулоқларига шундай ёқдики, ҳеч бир тараддудсиз:

<sup>1</sup> Сирдарё

— Мархабо, кирсун! — деди.

Остонадан кира солиб тиз чўккан ва уч марта ер ўпиб юкунган кимсага тийиқсиз рағбат билан зеҳн солди. Эчки соқолли, манглай ва юзларини йирик-йирик ажин чизиклари тилиб ташлаган бир кимса. Киртайган кўзлари ялинчоқ йилтирайди. Бутун қиёфасидан узоқ ва машаққатли йўл босгани шундоқ кўри-ниб турар эди.

— Отинг ким?

— Мир Мўғул, — дея чопар қўлтиғига қўл тиқиб, ҳамойилидан хат чиқариб узатди. — Муҳаммад Мазид тархон бериб юборди.

Бобур мирзо хатни юлгандек қилиб олди-да, туғросига кўз югуртирди: «Муҳаммад Мазид тархондин».

«Фарғона вилоятининг подшоҳи, Темурхон хонаводасининг устунни Заҳириддин Муҳаммад Бобур мирзо ибни Умаршайх мирзоға беадад салом адосидин сўнг арзадошт шулким, Султон Али мирзо ва онаси Зухрабегим бузук хаёл қиладур. Султон Али мирзо ақли ноқис мегажин онаси Зухрабегимнинг раўйиға юруб, Самарқандни Шайбонихонға бермоқчи. Темурхон тахтиға ўзбек ўлтурарму? Самарқанд беклари мунға тоқат қила олмаслар. Алар Сизни тилар. Бул хонавода тахтида Сизни кўрмоқ бўлурлар. Бот келинг. Кўмак ва мадад бермак биздин. Мир Мўғул эътимодли киши, маъқул кўрсангиз, хизматингизға ярағай. Йўлунгизга кўз тутғучи Самарқанд беклари отидин номани битди Муҳаммад Мазид тархон».

Бобур мирзо хатдан олган шавқи билан ўрнидан туриб кетди. Ҳамон чўккалаб ўтирган Мир Мўғулнинг устига борди, елкасига қўлини қўйиб уни ўрнидан турғизди.

— Яхши хабаринг учун ташаккур бўлсун. Албатта, риоят қилғаймиз, — дея, унинг қўлини олиб кўришди. — Бирар-иккирар кун истироҳат қилғоч, сен Ахсига, иним Жаҳонгир мирзо қошиға булжор била борғайсен. Дарҳол Самарқанд устига отланмоқ тадбирини кўргаймиз. — Қўлларини бир-бирига уриб қарсак чиқарди. Бўсағада ҳозир бўлган соҳиб ихтиёрға тайинлади. — Чопарга муносиб иззат кўрсатилсин. Кейинча бекларга хабар қилинг, машваратга йиғилсунлар.

\* \* \*

Бир-икки соат нафасни ростлагандан сўнг, қўшин яна йўлга қўзғалди. Бундай узоқ муддатли олис сафарда отларга қийин. Эндигина озукланган от яна йўлга тушади. Забони йўқ — ранж аламини айта олмайди. Чавандоз солган йўлдан индамай йўртади. От — инсоннинг қадимий ҳамроҳи. Уни истаган жойга элтади, оғирини енгил қилади.

Муҳаммад Тойлоқ чўнқайиб, отининг айил-пуштасини тортар экан, унинг остидан кунга қаради. Найзадек санчилган нурлардан кўзлари қамашди. Қуёш ҳам ғуруб сари чоғланибди. Ёз охирлаб, сунбулаға улашган бўлса ҳам, ҳавонинг тафти ҳали қайтмаган эди. Фақат кечалари бир оз салқин бўлади. Бу — сунбула мавсумининг белгиси. Қўшин салқинда йўл босмоқчи. Муҳаммад Тойлоқнинг қулоқлари динг бўлди. Отининг жиловидан тортиб равоқ сари интилди. Биринчи рўпара келган навкардан сўради:

— Нечук хабар бор, оғайни?

Навкар бошини буриб, секин шивирлади:

— Султон Аҳмад Танбалнинг иниси Халил Узганддин чиқиб келиб кеча била Ушни ўғурлаб олибтур.

Тойлоқнинг юраги шувиллаб кетди, қўли беихтиёр ёқасига борди. Ёлғиз қолган онасини эслади. Шафтолидан қоқи солаётган онасининг эпчил қўллари кўз олдига келди. У шафтоли ер экан, онаизор пўстини арчиб бериб турар эди... Опаси хабар оляптимикин ундан? Юрагида унсиз бир ҳасрат туйди. Халилнинг Модуда асир тушгандаги қаёфаси хаёлида жонланиб, назарини равоққа тикди. Бобур мирзо:

— Не нав кенгаш айтурсиз? — деб теварагидаги бекларга бир-бир қараб чиқди. Беклар сукут қилдилар. Шунда мирзонинг ўзи қарорини айтди:

— Йўлдин ёнмоқ лойиқ эмас. Самарқанд сари юругаймиз. Гар султ бўлсангиз, бу муғул беклари кишини маймана билан майсара қилур.

Қўшин йўлда экан, Самарқанд ёқдан бир-биридан хунук миш-мишлар келиб турди. Шайбонийхон Бухорони эгаллаб, Самарқанд томон йўл олибди. Бобур мирзога хайрихоҳ Самарқанд бекларининг аксари уни Кеш шаҳрида кутар эдилар. Улар билан қовушмоқ мақсадида қўшин ўша ерга келди.

Ҳадемай Султон Али мирзонинг Самарқандни Шайбонийхонга топширганлиги, ўзининг ғолиблар томонидан мунофиқлик билан ўлдирилганлиги тўғрисидаги хабар келдики, ноумид бўлган қўшин Ҳисор сари жилди.

Вақт ярим кечага яқин. Куз салқинида борлиқ тин олаётир. Атрофдаги тоғлар гўё чўккан туялардай мудрайди. Фақат қўшин-карвон ҳаракатда. Бир кесимдан узилиб қолаётгандек, у кундан-кунга камайиб, қисқариб боради. Боягина Муҳаммад Мазид тархон бошлиқ беклар узр айтиб, рухсат сўраб айри кетдилар. Ҳисор ҳоқими Хисравшоҳга юкуниб борсалар керак. Бу бекларнинг иши шундай, қўлинг баланд бўлсагина, сенга мулозамат қиладилар, йўқ эса тониб кетадилар. Не чораки, Бобур мирзо Хисравшоҳнинг вилоятида юрибди. Заруратдан. Бўлмаса, Хисравшоҳ унинг хонадонига, умуман, теурийларга не-не кўрнамакликлар қилган. Масофада кўзлари юмуқ ҳолда кетаётган мирзо шуларни ўйлар экан, кўнгли алланечук бўлиб кетди. Энди нима қилади? Ҳаммасидан этак қоқиб, кичик тоғаси Олачахоннинг олдига, Мўғулистонга кетсамми?

От устида қўллари билан эгарнинг қошига таянган ҳолда бошини солиштириб бораётган Муҳаммад Тойлоқ мушоҳада қилади: «Бу бекларнинг ҳаммаси ҳам мартаба, мол-дунё илинжида мирзо билан юрар эканда. Қайси подшоҳ ёки хоннинг ошиғи турса, ўшанга оғиб кетар эканлар. Тавба. Бани одам мунчалар мунофиқ?! Эмди нима бўлар экан? Қачон ва қаергача дарбадар кезишади? Одамлар тинчгина тирикчилик қилсалар нима бўлур эди?!»

Шу чоғ рўпарадан, узоқдан «Ёр-ёр» қўшиғи эшитилди. Қизларнинг овози. Қандай майин-мулойим, дилрабо. Қиз кўчириб келишмоқда. Тойлоқнинг назарида борлиқ уйғонгандек бўлди. Ҳамма тоғлар кўзғолиб кетди. Кўкдаги юлдузлар ҳаяжондан киприк қоқди. Яккахон янграган овозни эшитганда, йигитнинг юраги жунбушга келди.

«Қайси чамандин эсиб келди сабо, ёр-ёр,

Ким дамидин тушти ўт жоним аро, ёр-ёр...»

Бу — Маҳфузанинг овози-ку! Девор оша уларнинг ҳовлисига кўчадиган қўшнилари Маҳфузанинг овози. Зулмат қўйнидан гулбарг ёқали кўйлак кийган, қирқ кокил сочлари сунбул новдалари сингари елкаларига сочилиб турган, бошига кийган зардўзи дўпписи кундай ярқираган қиз чиқиб келди. Қизни у тасаввур кўзлари билан кўрар эди.

Дафъатан қўшиқ зулмат қўйнига отилган ўқдек йўқолди — сўнди. Тойлоқ узанги билан отнинг биқинига туртиб, уни қистади. Карвонни ёнлаб олдинга ўтди. Олдинма-кейин икки машъала кўринди. Икки арава тўхтаб турар эди. Олдинги машъалага яқинлашиб сўради:

— Нечун тўхтаб қолдинглар? Қўшиқни нечун тўхтатдинглар?!

Аравадагилардан садо чиқмас, дамлари ичига тушиб кетган эди. Машъаланинг ғира-шира ёруғида олдинги аравада қизлар борлигини пайқади. Икки-уч қиз ваҳима ва ҳайратда бармоғини тишлаб турар эди. Машъала тутган отлиқ киши андишали оҳангда деди:

— Қиз кўчириб бормоқда эдик..

— Ҳеч бир малолатсиз борингиз. Йўл берурмиз.— Кейин қўшиб қўйди.— Қўшиқни ҳам машру айта беринг.

Тўйлаб бораётганлар ўтиб кетгач, унинг кўнгли бузилди. Буғроқўх этагидаги ҳовлиси, сандалда ўтириб ҳамиша ниманидир ямаб-чатигучи онаси кўз олдига келди. У ёлғиз. Йўқ, у ёлғиз эмас. Хаёлан онасининг рўпарасига Маҳфузани ўтқазди. Соғинч ҳисларидан ўксук кўксида ширин бир оғриқ сезди.

Бобур мирзо манкуҳаси Ойшабегимни эслади. Қанча асьасаю дабдаба билан тўй бўлган эди. Тўёналарни айтмайсизми! Не-не тўёналар келган эди. Турли-туман қўшиқлар айтилди, уста созандалар соз чалдилар. Завжаи ҳалолини кўрмаганига ҳам неча замон бўлибди. Унинг юрагида хижолатлик ҳисси

уйғонди. Нақди никоҳига олганда, Ойишабегимга нисбатан меҳри тузук эди. Не билсин, бора-бора сўниб бормоқда.

Тунов куни бувиси Эсон Давлатбегим фол очган эди. Икки қоғоз олиб, бирига «Али», бирига «Фотима» ёзди. Уларни буклаб, балчиққа ботирди-да, тосдаги сувга ташлади. Биринчи бўлиб «Фотима» битиги бор қоғоз очилди. Шунга бувиси:

— Келиним қиз туғиб берар экан,— деган эди.— Қиз — давлат белгиси, ўғлум.

«Не билай. Фарзанд кўраримизга ҳам оз фурсат қолди».

\* \* \*

Кеч куз. Осмон ғубордан ҳоли, нақадар тоза. Шунинг учун юлдузлар ҳам тиниқ жимирлайди. Бобур мирзо хонақоҳ айвонидан атрофга қаради. Хув тоғлар бағридаги арчалар қоронғулик қаърида найзалар учига ўхшаб кўринди. У аламли хўрсинди-да, ичкарига кириб кетди.

Муҳаммад Тойлоқ емли тўрвани отининг бўйнига илиб, ўзи унинг рўпарасига чўнқайиб ўтирди. Жониворнинг курсиллатиб ем чайнаши йигитни ўйга толдирди. Маза қилиб дон чайнапти. Деҳқоннинг тирикчилиги шу дон билан боғлиқ эди. Унинг тасавурида кундузга воқеалар жонланди. Улар ғалла хирмони устидан чиқиб қолдилар. Бир неча деҳқон от ва хўкизларда дон янчаётган эди. Икки киши хирмоннинг баҳаво жойида янчилган ғаллани кипиқдан тозалайди: бири катта ғалвирда ғаллани совуради, иккинчиси гуппанг билан уни елпийди. Кипиқлардан тозарган дон олтиндай товланиб ерга қуйилади. Бу ем ўша хирмондан олинган. Деҳқонлар уни розилик билан берганлари йўқ, зўрлаб олишди. Юз-кўзлари, хатти-ҳаракатларидаги норозилик аломатлари яққол сезилиб турди. Капсан дейишди, ушр дейишди, хуллас, шариат қонунига тўғрилаб олишди...

Отнинг бўйнидан тўрвани туширар экан, хув олисдаги тоғнинг қораси хотира қиёфатидай туюлди. Осуда, хотиржам кунларнинг соғинчидан йигитнинг юраги ҳапқириб кетди. Шу чоғ қавмларни хуфтон намозига чорловчи азон товуши эшитилди. Муҳаммад Тойлоқ айвон орқасидаги ҳужралардан бирига бош урди.

Танобий хонанинг тўрида Бобур мирзо ўтирибди. Остида қалин якандоз, орқасида ёстик, икки ёнбошида лўлаболиш. Аскарый кийимлардан хориж бўлган танаси яйрайди. Кўпдан бери илк маротаба бу хил ўтириши. Атрофида беклар. Улар ҳам расмий мулозаматлардан ҳоли, гангур-гунгур баҳс қиладилар.

Бобур мирзо ўтирган жойида қўзғолди-да, бир оз олдинга интилгандай бўлиб деди:

— Келинг, айтингким, тенгри рост келтурса, Самарқандни қачон олғаймиз?

Орадан бир бек:

— Ёзда олғаймиз,— деди. Кўпчилик унинг гапини маъқуллади.

Бошқа бир бек:

— Бир ой-қирқ кунда олғаймиз,— деди. Унинг сўзини маъқулловчилар ҳам топилди. «Йигирма кунда оламиз» деганлар ҳам бўлди.

Фақат бир бек:

— Ўн тўрт кунда олурмиз,— деди. Унинг сўзи мирзога хушёқди.

Шу кеча у хайрли бир туш кўрди. Ҳазрати Хожа Убайдулло келган эмиш. Мирзо унинг истиқболига шошилди. Кутиб олиб, ўтирғизди. Хожанинг олдида ғарибона дастурхон ёзилди. Бундан ул киши андак маънос тортиди. Мирзонинг кўнглини хижолатлик ҳисси қоплади. Буни фаҳмлаган Хожа уни маъзур тутди чоғи, кузатиб чиққанда мирзонинг қўлини олиб муборакбод йўсинида юқори кўтарди. Мирзонинг оёғи ердан узилиб, ўзини парвозга шайдай чоғлади. «Ўғлум, ўрнунгдин қўпмайсанми охир!— деди.— Шайхнинг тилаги андоқдур».

Ўйғонган мирзо қалбида ёруғ туйғулар сезди. Ғайрати жўшиб ташқарига чиқди. Муздек тоза ҳаводан роҳатланди, юрагида битмас-туганмас куч-қувват ҳис этди. Ширын ҳиссиёт шавқидан елкасига ташланган жуббанинг енглари кийди. Совуқдан тўнғиган ерни қаттиқ-қаттиқ босиб хонақоҳ орқасига ўтди.

Атрофдаги тоғлар субҳидам туманида яна ҳам салобатли, маҳобатли ва улғувор кўринди. Ҳа, фақат улар пойдор, абадий ва айнимас.

Кўкда юлдузлар, сўниши яқинлигини билгандай, жимжима қилиб порпирайди.

\* \* \*

Бобур мирзонинг Феруза дарвозасидан кириб, Самарқандни забт этганига бир неча ҳафта бўлди. Атиги икки юз қирқ киши билан Шайбонийхондан шаҳарни тортиб олди. Самарқанд яна Амир Темур авлодининг қўлида.

Атайин жўнатилган кишилар Бобур мирзонинг онаси Қутлуғ Нигоройим ва бошқа ичкиларни кўч-кўрони билан кўчириб келтирдилар. Волидасини кўрмаганига ҳам хийла вақт бўлган эди. Қундуз телпак Қутлуғ Нигоройимнинг юзини яна ҳам оқартириб, сўлғин кўрсатар эди. Пўстин остидан кўк кўйлаги кўриниб турибди. Эрининг вафотидан бери нуқул шу хил — кўк рангли кўйлак кияди. «Онам ойим то ҳануз кўк кўйлагини ташламабдур», кўнглидан ўтказди мирзо. Онаси бағрига тортиб пешонасидан ўпди. Мирзонинг жисми ва руҳи унинг бағрида бир зумгина мислсиз фароғат тўйди.

— Янги маснадингиз муборак, ўғлум. Бийик тахт, мамлакат барқарор бўлғай.

— Тенгри рост келтириб, иттифоқоти ҳасанадин бобом тахти иликка кирди. Алҳамдулиллоҳ,— юзида мамнунлик зоҳир бўлиб ерга боқди.— Кентлар, қўрғонлар бирин-бирин бизга ружуъ қилиб кирмоқда. Элнинг ихлос-этимоди ҳам ёмон эрмас. Бу ҳолни кўргач, Шайбоқхон султ тортиб Бухорё сари кўчмиш.

Она-бола сўзлаша-сўзлаша тахтгоҳ томон чиқиб келдилар. Шу асно рухсат сўраб остонада парвоначи пайдо бўлди:

— Ҳирийдин киши келмиш. Кирмоққа ижозат тилайдур.

Мирзо онасига қаради:

— Чопар устига чопар, элчи кейинидин элчи келур.

Шу сўзларни айтибоқ тахтга ўтирди. Қутлуғ Нигоройим дуога қўл очди:

— Мартабангиз маҳкам, саодатингиз сарбаланд бўлсун. Тенгри таоло иноятин дариг тутмасун.

— Низомиддин амир Алишер Навоийдин нишон келтирдим.

Чопар бу хабарни қанчалик тантанавор айтишга ҳаракат қилмасин, товуши бўғиқ ва шикаста чиқди. Ичкари йўналган Қутлуғ Нигоройим бу гапни эшитиб тўхтади. Уғлининг қўлидаги мактубга сергаклик билан боқди. Бобур мирзо хатнинг туғросини обдан томоша қилгач, уни очди. Шошилишч кўз югуртириб ичида ўқиб чиқди. Аввал бошини ҳам қилиб сукутда ўтирган элчига қаради, кейин парвоначига буюрди:

— Элчига муносиб иззат-ҳурмат кўрсатилсин.

Онасини тахтга ўтқизиб, ўзи ёнбошдаги курсига ўтирди. Фахр тўйғулари билан йўғрилган титроқ овозда ўқиб берди. «Беадад саломлар адосидин сўнгра коф-коф ихлос юзидин арз улким, бул нишони нолойиқни фатҳи Самарқанд учун муборакбодлик йўсунида қабул қилғайсиз. Бобонгиз Темурхон тахти, Мовароуннаҳр мулки муборак бўлғай.

Қасд этар эл жониға ҳар дам совуғлуғ бирла дай<sup>1</sup>

Соқиё, синмас ҳаво захри, кетур тарёку<sup>2</sup> май.

Сизнинг зафарингиздин тун ярмида қуёш тулу<sup>3</sup> қилғондек ва қиш ўртасида гул очилғондек бўлди. Эмди элу юртнинг баҳори бошланса, нетонг.

Қуллуқ арзадошт шулким, Мовароуннаҳрда неча замонки мулк тўхтамай-дур. Мулк вориси темурийлардур, Шайбонийхонға не бор?

Мундоқ кишвар Сизга мусаххар бўлмиш,

Сиздин назара бизга муяссар бўлмиш.

Сиздан умид улким, улуг Темурбек салтанатини тиклағайсиз, иликдин

<sup>1</sup> Қиш.

<sup>2</sup> Заҳарли қорин дори.

<sup>3</sup> Тонг отиши.

келганича зулм тийгин ушотиб, мазлум жароҳатиға интиқом малҳамин қўй-  
гайсиз.

Яна қуллуқ арзадошт улким, баъзи маслаҳатлар хотирға келиб эрди,  
арз қилмоқ вожиб кўрунди. Тенгри таоло давлатингизни орттирсун ва ёшин-  
гиз узун бўлсун. Омин ё раббиал-оламин».

— Омин ё раббиал-оламин,— такрорлади Қутлуғ Нигоройим.— Мушфиқ  
амир хотири муборагида тутуб нишон битибдур. Офарин!

— Султон Ҳусайн мирзодек соҳибтажрибалиқ подшоҳдинким, Шайбоқ-  
нинг афъол ва атворини мирзодин яхшироқ киши билмас, ҳеч киши кўмакка  
келмади,— деди надомат билан Бобур мирзо. Кейин қатъий қарорини айтди,—  
бу кунуқ жавоб битамен. Ҳазрати Алишербек Навоийға китобат юборамен.

\* \* \*

Машваратхона шамлар ёруғидан мунаввар. Шундай маҳобатли танобий  
хонада Бобур мирзонинг бир ўзи. Қўлида қалам, хонтахта устига энкайган,  
унда қоғоз ва садаф давоат. Рўпара қўйилган кумуш шамдондаги шам ҳаммаси-  
дан ёрқинроқ пирпирайди.

Ёзганларини қўлига олиб ўқийди:

«Шеъринг эшитур фикрини Бобур қилди,  
Не фикри хушу яхши тасаввур қилди.  
Кўзни ёруқ айлади саводи бирла,  
Мазмуни била қулоқни пурдур қилди.

Қуллуқ дуосидин кейин маълум бўлсунким, иноят нишони била бу  
мухлисингизни ёд қилибсиз. Мундин фақирнинг боши баланд, кўнгли са-  
рафроз бўлди.

Аввали улким, бизға айтган маслаҳатларингиз учун мамнунлиқлар бўлсун.  
Ушмундоқ сўзларингизга мундин кейин дағи мунтазирмен.

Яна улким, тенгри таоло камаридин монинг қавий қилса, давлатхоҳ киши-  
лар кўмагида вилоят маъмур ва раият шокир, хизона мавфур ва сипоҳи вофир  
бўлғай.

Яна улким, бизга дағи Сиз янғлиғ пири муршидлар керак. Ҳақ таоло ками-  
на бандасининг қошига Сизнингдек улуғни еткурса, ул улуғ жилваи зухур  
бериб турса, кўп ишга қодир ва қобил эдик. Мен ҳақири нотавон дағи ақл  
кушолиғи ва тавфиқ раҳнамолиғи била неча навъ ишлар бунёд этсамким,  
халойиқ дуосиға боис ва холиқ ризосиға сабаб бўла олса, қошимда муқаррар  
қилсам...

Бу умидворлиқлар интизоридадурмен.

Густоҳлик қилиб арзадошт одина куни битилди».

### Кемтик ой

«Шаҳр ва вилояттин, маҳрум, борур-  
тураримиз номаълум».

«Бобурнома», 907 (1501—1502) йил  
воқеалари фаслидан.

Бир неча ойки, Самарқанд яна қамалда. Бобур мирзо қариндош уруғ ва  
ичкилари билан шаҳар дарвозаларини беркиттириб қўрғон ичида. Яна қаҳатчи-  
лик, яна очарчилик-юпунлик. Далаларда зироат етилди, боғларда мевалар  
пишди. Бироқ бундан шаҳар ичидагиларга нима наф?

«Сарипулдаги жангда не учун мағлубият юз берди? Ўзбаклар қандай  
ҳийла ишлатдилар?» Бу аламли саволлар Бобур мирзонинг миясини бигиз  
бўлиб сўзана қилди. Гарчи тахтгоҳ салқин, курсии зарриннинг мурассаъ такя-  
гоҳлари роҳати тан бўлса ҳам, унинг вужудида ҳарорат кўтарилди. Пешонаси-  
да реза-реза тер пайдо бўлди. Тахт суянчиқларини қаттиқ чангаллади. Бундан  
панжалари зирқираб кетди. Манглайи тиришди. Нотайин нигоҳли кўзларини  
юмди. Тахтгоҳни атир уфори тутган. Турфа гулларнинг хуш бўйлари димоққа  
урилди. Мияда эса аламли фикрлар:

«Султон Ҳусайн мирзодек мардона ва соҳиб тажриба подшоҳ бизга мадад қилмади. Ҳақиқат қилмасам ҳам, ҳеч бўлмаганда, кўмак учун элчи юбормади. Нима қилмоқ керак? Яна бу савол менинг олдимда кўндаланг...— У ўрнидан туриб кетди.— Ўзбеклар ҳийла ишлатдилар. Шайбоқхон — пуртажриба ва кўп иш кўрган ва улўғ ёшлиқ киши, маккорлик қилди. Бизни тебратдилар...»

Тахтга қайта ўтирди. Унўғ қўли билан пешонасини ушлади. «Кўмакка келган мўғул черики номардлик қилди, хиёнат йўлига кирди. Урушқа аларнинг худ тоқатлари йўқ. Урушмоқни кўюб, бизнинг — ўй талаб, оттин тушура киришдилар. Бир бу эмас, ҳамини бадбахт мўғулнинг одати ушмундоқтур. Босса ҳам ўлжа олур, бостурса ҳам ўз элини талаб тушуриб ўлжа олур. Бизнинг кишилардин якка-яримни талаб тушурғучи, яланғочлағучи тамом бу шум мўғул бўлди. Ўбдон-ўбдон йигитларни мўғуллар талаб оттин тушуриб зойиё қилдилар. Улўғ-улўғ беклар ва яхши-яхши йигитлар бу урушта талаф бўлдилар. Ажабки, бу урушта яксари уч Иброҳим отлик улўғ беклар талаф бўлди...»

Тахтгоҳ рўпарасидаги Улўғбек замонасида ишланган соатга қаради. Кечадан бир пос ўтибди. Қарсақ урди. Остонада дарҳол пайдо бўлган парвоначиға буюрди:

— Қосимбекни чорла!

Кейинги пайтларда у мана шу бекка суяниб қолди. Қосимбек — мулоҳазакор, тавфиқли киши. Ихлоси ҳам мустаҳкам. Урта бўйли, тўладан келган бу кишининг юмалоқ юзлари синиққан, чечак касаллигидан қолган излар шоён билиниб турибди. Кўзлари қизариб, қошлари керилган. Салмоқланиб таъзим қилди. Тахт ёнидаги курсига келиб ўтирди. Бошини эганича мирзонинг гапирини кутди.

Шу асно бирдан тахтгоҳнинг туйнугидан ғира-шира ноғора овози ва шовқин-сурон эшитилди. Мирзо гапга оғзини очган жойида тўхтади. Булар — Шайбонийхоннинг кишилари. Ҳар кеча шу аҳвол: шаҳар қўрғонига яқинлашиб, жўраттага ноғора чалиб ғавғо кўтарардилар, қамалдагиларни кўнглига ғулғула соладилар. Бобур мирзо ҳам эзгин бир ҳолатда ерга боқди. Ҳар иккаласи узоқдан келаётган шовқин-сурон тингунча шу аҳволда ўтирдилар. Сўнгра мирзо Қосимбекка дардли нигоҳ солди. Айтадиган гаплари шу нигоҳида мутасаммади.

— Бурўнғилар дебтурларким, — сўзга киришди Қосимбек, — қўрғон беркитмаклик бош керак, икки қўл керак, икки бут керак, бош сардор бўлғай. Икки қўл икки тарафтин келур кўмак ва мадад бўлғай. Икки бут қўрғоннинг суйи билан заҳираси бўлғай. Биз бу атроф ва уруғлармиздин кўмак ва мадад кўз тутармиз, алар ҳар қайси бир ўзга хаёлда.

Мирзо узоқ сукутдан кейин ўрнидан турди:

— Қўрғон фаслида юруб эврўлуб чиқсак.

— Яна букун икки бек ўз йигитлари ила ҳар сариға қочди.

Икки-уч қадам босган мирзо Қосимбекнинг бу надоматли хабаридан таққа тўхтади, ҳамроҳига ялт этиб қаради. Вужуди султ тортиб зўрға сўради:

— Қайси беклар?

Қосимбек жавобга қийналиб ҳукмдорнинг орқасидан эргашди.

Юкунган тунги қоровуллардан аҳвол сўрадилар.

Таъзимга эгилган Муҳаммад Тойлоқни таниб, мирзо унинг олдиға борди, қўл бериб кўришди. Қалбида илиқ хотиралар уйғонди. Самимият билан:

— Аҳвол нечук, Муҳаммад Тойлоқ? — деди. — Иншоолоҳ, ёруғ кунлар ҳам келгай. Ҳозиринча тоқат қилмоқдин бўлак чорамиз йўқ, — миннатдорчилик мақомида йигитнинг елкасига қоқиб қўйди.

Исмани дарҳол эслаб шоён айтганидан йигитнинг кўнгли кўтарилди. Камарини тўғрилаб, қиличи дастасини ушлаб қўйди.

«Раият элида самимият, инсоф бор. Тамаъдин хориж, садоқати собиттур аларнинг», ўйлаб борар эди Бобур мирзо.

\* \* \*

Қамал бошлангандан буён Муҳаммад Тойлоқ Сўзангарон дарвозаси булжорида. Душман дарвоза ҳимоячиларини чалғитиб, пистирмадан чиқиб қўққисдан ҳужум қилганиға ҳам анча кунлар бўлди. Ушанда деворга қўйилган



шотилардан душманнинг айрим йигитлари чиқишга улгурган эдилар. Ҳимоячилар, яхшики, кечроқ бўлса ҳам, пайқаб қолишди. Уларни аранг даф этишди. Шундан сўнг кўнгилни хун қилувчи кунлар бошланди.

Эгарни бошига ёстиқ қилганича, Муҳаммад Тойлоқ кўкка қараб ётибди. Уфққа яқин жойда бир савамгина сурма ранг булут пайдо бўлди. Худди осмон қаъридан булоқ бўлиб чиқаётгандай, у дақиқа сайин кўпайиб борди. Аста-секин ғарб томонни батамом қоплади. Боягина шабадада тебраниб турган дарахтлар қилт этмай сукутга толди. Қушлар ҳам пусиб кетишди. Шарқ уфқи эса очиқ, қуёш чарақлаб турибди. Бирдан жала қуйиб юборди.

Эгарни кўтариб панага қочаётган Тойлоқ ўзича осмондан Уш томонни тахминлайди. Жонажон шаҳри кунчиқар томонда. У ёқнинг осмони тиниқ. «Демак, ҳозир Ушда ёмғир ёғмаяпти экан...»

Одамни энтиктирувчи тупроқ ҳиди ҳавони тутди. Юз-қўлга урилаётган ёмғир томчилари баданга роҳат бағишлайди. Панага ўтган Тойлоқ эгарни остига қўйиб ўтирди. Кўнглида қарама-қарши, бир-биридан мунгли ҳислар қўзғалди. «Онам, онажоним...— Бу сўзлар унинг томоғидан хўрсиниқ тарзида чиқди.— Сиздан қандай хабар топаман, ўзимдан қандай нома-нишон берман? Беклар каби чопар юбора олмасам...»

Кўққис бошланган жала бирдан тинди. Тойлоқ яланга чиқиб, ўйлар юкидан энгилламоқчи бўлгандай, керишди. Камондай эгилган камалакка кўзи тушди. Кунботар уфқида арк пештоқидай бўлиб кифт кериб турибди. Анвойи рангда товланади. «Кишилар тинчгина яшасалар бўлмасму экан? Одам болалари бир-бирига мунча қасд қиладилар? Буларга ким ва нима қутқу солмоқда? Бобур мирзо ҳам кўплар қатори тинчгина тижорат қилса бўлмасму экан?.. Подшоҳзода бўлгандан кейин подшоҳлик қилмоғи лозим шекилли...»

Қаердадир мусича жуфтини чақиради. Яқин-ўртада эшак ҳангради. Унинг овози ҳамма товушларни босиб кетди.

«Мирзонинг тараққий кунлари бирин-бирин анга қотилурда бўлган беклар эмди қочаётирлар. Мунча беқарор бўлмаса булар... Ҳали расо кунлар ҳам келур. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғдур...»

Муодий овози унинг ўйларини бўлди:

— Жанозага, оғайнилар. Тенгри раҳматига борган шаҳид биродарларимиз учун жаноза ўқимоққа келингиз.

Муҳаммад Тойлоқ таҳорат олмоқ учун чоғланди.

Бобур мирзо Шайбонийхон билан сулҳ тузиб, Самарқандни ташлаб чиқишга мажбур бўлди. Мавороуннаҳр пойтахти Самарқанд, бобокалони амир Темурнинг салтанати яна қўлдан кетди. Чекинган қўшин-қарвон яна сарсон-саргардон кезиб, қишлоқдан-қишлоққа, шаҳардан-шаҳарга кўчиб, ниҳоят, Дизакка келиб қўнди. Дарбадар қўшиндаги кишилар узоқ муддатдан кейин шу ерда тўйиб овқатландилар. От-улов ҳам дам олиб, дармонга кирди.

Муҳаммад Тойлоқ отини тушовлаб қўйиб юборди-да, эгарни боши остига ташлаб, кўкатлар устига ястанди. Осмон нақадар тиниқ. Чеку чегарасиз мусаффо мовийликдан унинг кўзлари қамашди. Шу пайт оёқ томонида, уфқда, бир жуфт ёввойи каптар кўринди. Қисилган кўзлари керилиб катталанди. Каптарлар боши устидан учиб ўтишгач, Тойлоқ ёнбошлаб, уларнинг ортидан қараб қолди. Каптарлар бора-бора ягона нуқтага айланиб кетди. Улар Уш томонга кетишяпти. Тойлоқ кўнглида қўзғалган ноаниқ туйғулар туғёнидан энтиқди. Қалби қаёққадир, кимгадир толпинади. Алланечук туйғулар кўксига сиғмайди. У ўрнидан туриб кетди. Нариди ўтлаётган оти сари юрди. Икки-уч марта устмас-уст томоқ қирди. Унинг бу туйғулари йигит ёшидаги одамнинг туйғулари эди...

\* \* \*

Яёв юрмоқ мунча лаззатли! Бобур мирзо от устида безор бўлган эди. Оёқларини ерга авайлаб босди. Тупроқ, ўт-ўлан, қум-тошни босиб юришни хўб соғинибди.

Кўкда тўлишиб бораётган ой, мусаффо салқин ҳаво, чигирткаларнинг чириллаши унинг юрагига таскин беради. Истиқболдан умидворлик ҳисларини қўзғайди, ёруғ келажак ваъда қилади. Ёнбошидаги Қосимбек-қавчинга ва орқадаги яна бир ҳамроҳига гапирмайди, гапиришни истамайди. Беғубор

ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олади. Бошьяланг, бўрки эса қўлида. Қаердадир от қувноқ кишнади. Бошқаси мамнунлик билан жавоб берди.

Ой юқорилаган сари юлдузлар хиралашиб боради. Осоишта ойдин кеча кўнгилда шукроналик ҳисларини уйғотади. Бу ҳислар мирзонинг хотирида мисралар қиёфасига кирди:

Ваҳму усраттин амоне топтук,  
Янги жон, тоза жаҳоне топтук.

Жуда узоқда азон саси ҳаволади. Сойирлар тўхтадилар, чўнкайиб ўтирган ҳолда ингичка келаётган азон товушига сомеъ бўлдилар.

Улар орқасига қайтаётганларида жиловдорлар от рўпара қилдилар. Бобур мирзо отга минишни рад этди. Бошқалар ҳам бу хоҳишни маъқулладилар.

Созандалар ҳужрасидан келаётган танбур садоси унинг диққатини тортди.

Хиёл ёришиб турган даричага аста яқинлашди, ғалати рағбат билан ундан қаради. Танбурчи ҳужранинг қоронғу бурчагида ўтирибди. Не кўз билан кўрсинки, бу чап қўлини қилич олиб кетган созанда эди. Чўлтоқ қўли билан танбур бўйнини кўксига қисиб олибди. Аламли эҳтирос билан торларни чимдийди. Итоатсиз торлар дудуқроқ бир оҳанг чиқаради. Созанда зўр бериб улар билан тиллашмоқчи бўлади, лекин сознинг лафзи уйғун эмас, мужмал.

Бобур мирзонинг кўнгли алланечук қалқиб кетди. Созанда танбурни сўзлатиб юборар эди. Унинг бутун умри соз билан ўтган. Соз унинг жону жаҳони эди. Бир неча бор Андижонга кетмоқни сўраб рухсат тилади. Жону жаҳонидан мосуво созандага қандай жавоб беради... Қачонгача шундай ҳолда олиб юради? Инъом, бахшиш билан рухсат бермоқ керак.

Мирзо ўзини айбдор ҳис қилди. Гуноҳқорона бош эгиб, даричадан нари кетди. Унинг ўз хонаси томон йўналганини кўрган ҳамроҳлари аста икки ёққа тарқалдилар.

Эшикни ланг очиб, уни тунқотор кутиб олди. Хонтахта устидаги якка шамчироқ кенг хонани ғарибгина ёритарди. Бобур мирзо хизматга ҳозир турган тунқоторга буюрди:

— Китоблар сақлангучи сандиқдаги дафтаримни келтиринг.

Пойандозга чўкиб, этикларини ечириш учун савдарга оёқларини узатди. Савдар ёрдамида оёқларини ювгич, хонтахта орқасига ўтди. Тунқотор ушлаб турган ёднома дафтарни қўлига олди. Ёзилган саҳифаларни аста варақлаб, уларга тез-тез кўз югуртирди. Ёзилмаган саҳифани очди. Патқаламни тутганича ўйларга толди: «Ўзум мунший, ўзум муаррих. Умрум баёнини ўзум иншо қилурмен». Қаламни давотга суқиб, Самарқандни қандай қилиб Шайбонийхон қўлидан тортиб олгани, уруш ва юришлари, машаққатли қамал кунлари, пойтахтни тагин душманга бериб чиқишга мажбур бўлгани тўғрисида ғалати иштиёқ билан ёза бошлади. Охирида боя туғилган байтни қайд этиб қўйди.

Ваҳму усраттин амоне топтук,  
Янги жон, тоза жаҳоне топтук.

\* \* \*

Сайхонликнинг у ер-бу ерига пойандозлар тўшалган. Уларда тўп-тўп йигит-яланг давра қурган. Уч-тўрт жойга ўрнатилган дошқозонлардан буғ кўтарилади. Ҳавода лаззатли таомларнинг ҳиди анқийди, димоқларни қитиқлайди. Тоғ жилғасининг эпкинни бу ҳидларни олисларга қувлаб кетади. Сувнинг овозини мусиқа садолари кўмиб юборади. Аирим давраларда ҳазил-мутойиба, қаҳ-қаҳа янграйди...

Машъалалар ёқилди. Улардан таралаётган ёруғликни чор тарафдан зулмат қуршаб сиқувга олади. Қоронғулик бўғувида машъалларнинг алангаси— калласи тўлғонади. Қорни тўқ, танлари яйраган йигитларнинг кўнгиллари шўхлик тусайди. Энди созларнинг садоси баланд ва шўхроқ ҳаволанади. Навқирон юрагида ғайрати жўшган икки-уч йигит ўртага тушиб, қулоч ёзди. Оёқларини мусиқа мақомида вазнли босиб, айлана бошлади.

Шўхлик, ўйин-кулги то ярим кечагача давом этди.

Муҳаммад Тойлоқ отдан сакраб тушди. Ярадор навкар ёнида тиз чўкди. Бўйинга йўналтирилган басир тиф ўмров аралаш унинг тубига тушган. Қипқизил қон булоқ бўлиб оқяпти. Ғарб уфқида ботаётган қуёш ҳосил қилган шафақда тиниқ ёқутдек товланади. Тойлоқ бўйнига осилган чарм халтани дарҳол чиқарди. Ундаги жун куйиндисини шошқалоқлик билан жароҳатга септи.

Шу чоғ ёнбошидан визиллаб ўтган ёй ўқи эгасига маҳтал бўлиб турган отнинг кейинги оёғига урилди. Сапчиб тушган от аянчли кишнади. Бир неча қулоч нари бориб йиқилди. Тойлоқ садоқдан ўқ олиб камон танобига тикди, ўқ келган томонга қаради. Қочиб бораётган ғанимнинг орқасидан ўқни қўйиб юборди. Мўлжал тўғри олинган эди, бироқ ўқ совутга урилиб, қапчиб кетди. Учқун йилт этиб сўнди. Тойлоқ алам билан лабини тишлади.

Жароҳатни танғир экан, ярадор ҳушига келди. Оғир инграб: «Биродар», деди. Бош-қўлларини қимирлата олмас, фақат оёқларини букиб, товони билан ер чизар эди.

Тойлоқ ярадорни қўйиб, оти олдига борди. Ўқ отнинг сонига чуқур кириб борган. Заҳм атрофидан қон сизиб оқмоқда. Чуқур-чуқур нафас олаётган от, кўриб қўй дегандай, эгасига мўлтираб қарайди. Йигит жун куйиндисининг қолган-қутганини от ярасига сепди, садоқ тасмаси билан боғлади. Содиқ ҳамроҳининг бошини қучоқлади. Ўпкаси тўлди: нега ўқ ўзига тега қолмади?!

— Биродар...! ярадорнинг изтироб билан чиққан титроқ товуши уни ўзига келтирди. Ярадор уни чорлар эди.— Қиличингизни олинг. Мардлик қилинг. Бу дўзах азобидан халос этинг. Илоҳо, яхшилиғингиз худодан қайтсин,— ялина бошлади у.— Бу нечук азоб?! Худо хайрингизни берсин, биродар. Мардлик қилинг...

Унинг нолиши юракни тилкалар эди.

Ярадорни табибларга, отни отбоқарларга топшириб, қароргоҳ сари борар экан, Тойлоқ аччиқ алам билан ўйлади: «Бу азоб, бу талафотлар нима учун, ким учун? Бир кишининг ҳокимияти учунми?!

Тошкентдан, тоғаси Султон Маҳмудхон даргоҳидан, тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтган Бобур мирзо онаси Қутлуғ Нигоройимга юрагидаги дардларини тўкмоқда:

— Неча кун мулозамат қилдим. Умидвор эдимки, хон додам<sup>1</sup>риоят ва иноят мақомида бўлғайлар: менга вилоят берғайлар. Уратепани тил учуда ваъда қилғон экан. Афсуски, мон хомтамаъ мунга инонибман. Хон додамдин ишорат бўлғонки, Муҳаммад Ҳусайн мирзо бермади,— дея пешонасини чангаллади.

Уғлининг ёнбошида ўтирган Қутлуғ Нигорхоним бошини ерга эгганича сукут сақлайди. Эгнида ҳамон гулбарги ёқали кўк кўйлак. Ҳамиша тиқилиб турадиган камзули ҳозир шалвираб қолибди. Аста бошини кўтариб, боласига мунгли қаради.

— Шайбоқхон қамоғидин бошинг омон қолғониға шукр қил, ўғлум.

— Кўкка боқиб фикр қилсам, ерга боқиб шукр қиламен, онам хоним. Ва лекин ўзники ўзунтирар экан. Иним Жаҳонгир мирзонинг ёғийлиғига боис— шул хон додамлар. Мен булар тўғрисида кимга дод айлай, кимга?!— дея мирзо белидаги камарининг олтин тўқасини ушлаб-ушлаб қўйди.

— Жоним ўғлум, ўзингни тўхтат,— ёлборди она.

— Яна мен Шайбоқхонға қарши урушта хон додамлардин мадад ва кўмак умидвор бўлубмен. Агар ўзлугини билиб, алар менга кўмак берганларида эди, Шайбоқхонни дафъ қилган бўлур эдик. Эл-юрт амонлиқ топур эди. Не учун мунини алар англамайдурлар. Э раббий, кимга инонмоқ керак, кимга?!

— Майли, ўғлум, сен риоят қил. Нима бўлса дағи алар туғишғонларинг.

— Мен Муҳаммад Ҳусайн мирзо била сўзлашибман: Дахкатта қишлаймиз.

<sup>1</sup> Хон тоғам.

Тошкентга, тоғаси Султон Маҳмудхон даргоҳига йўл олган Бобур мирзонинг ҳамроҳлари унчалик кўп эмас. Улар орасида Муҳаммад Тойлоқ ҳам бор. Мирзо Тошкентга кўп марта борди. Бу унинг навбатдаги сафарларидан бири.

Отлиқлар қишлоқдан чиқишлари билан ўнг тарафда қир намоён бўлди. Қирнинг қорайган этагида икки киши ғимирляпти. Улар атрофида ёввойи каптарлар учиб-кўнади. Ота челақни кўксига босиб қучоқлаб олган, ундан дон олиб, қулочкашлаб сепеди. Олдинга юриб, босган қадамига мослаб дон сочади. Ортидан эшик билан мола тортириб бораётган ўғли донга ўзини ураётган каптарларни жон-жаҳди билан ҳайдайди. Тойлоқ деҳқоннинг ишидан завқланади, уларга ёрдам бергиси келади.

Бобур мирзо кулранг осмонни ўрқачлари билан илиб турган қорли чўққиларга қаради. Бу гал тоғаси қандай кутиб оларкин? Тўғри, унинг даргоҳида мирзо ўзини эркин сезади. Лекин тоғаси унинг дардини тўла англамайди. Ахир Шайбонийхон кундан-кунга кучайиб бормоқда. Мана, у Тошкент атрофларига ҳам от сураётир. Уратепани ҳам босиб олиш пайида. Нега энди бу туғишганларни бостириб келаётган фалокатни кўришмаяпти?

Султон Маҳмудхон бу гал ҳам лоқайд кутиб олармикин? Унинг тил учида ҳол сўрашлари жонга тегди. Ёлғондакам меҳрибонликларидан жиянининг изтироби бадтар зўриқишини билмасмикин? Кеча битган рубойисини беради унга. Қандоқ жавоб қилар экан?

Ёд этмас эмиш кишини меҳнатта киши,  
Шод этмас эмиш кўнгулни ғурбатта киши.  
Кўнглум бу ғарибликка шод ўлмади ҳеч,  
Ғурбатта севунмас эмиш, албатта, киши.

Ёрғучоқнинг ғижирлаши унинг хаёлини бўлди. Улар қандайдир қишлоққа кириб боришмоқда. Дурраси елкасига сурилиб тушган ирқитгина кампир зўр бериб ёрғучоқ тошини айлантираётир. Ундан супрага озгина янчилган дон тушади. Самараси кам бу меҳнат мирзонинг энсасини қотирди. Отининг жиловини тортиб бир зумгина бу машғулотга зеҳн солиб, сўнг уловни қистади. Хаёлан ичида хулоса чиқарди: «Энди ушбу кишилардек хоксорликда мақом қиладиму? Раият элига қотила оладиму? Қотилмоққа кўп таважжуҳ қилди. Вале бўлмади... Йўқ, раият эли аҳволига чидай олмайди, бечоралиққа кўника олмайди.»

Кулранг осмонни ўрқачлари билан илиб турган қорли чўққиларга қаради. Оғир ўйларни ортда қолдирмоқчи бўлгандай, отини тезлатди. Тоғлар, тоғлар... Тоғларнинг бўлгани яхши. Йўқса, душманлик мақомида юрган кишилар бир-бирини еб битиришар эди. Ўшни, Буғроқўҳни эслади. Буғроқўҳ устида ҳужра бино қилдирган эди. У ҳам қолиб кетди. Ҳукмилиллоҳ, яна салтанат иликка кирса, ул киби ва андин бийик, иморатлар бино эттирғуси...

Муҳаммад Тойлоқ ҳам қаторма-қатор ястанган тоғларга боқди. Қадрдон тоғи Буғроқўҳни эслади. Юраги соғинч туйғуларидан тўлғониб кетди. Булар бошқа тоғлар. Яхши ҳамки, тоғлар бор экан, қасд қилиб хезланган кишиларни бир-биридан тўсиб турибди. Дафъатан унинг кўнглига аламли ҳис ёпирилди: аллақандай тоғлар орасида у нима қилиб юрибди?! Унга не керак?! Буғроқўҳни яна кўрармикин?!

— Мирзом, тоғлар орасидаги кентнинг эли ер ва суй пули бермоқдин бош тортадур.

— Нечук? Нечук элки, сипоҳ аҳлиға ер ва суй пули бермоқдин бўйин товласа?

— Сардорларини қошинғизға олиб келдик. Алар уч киши.

— Курси қўйилғон хонага олиб кирилинг,— дея Бобур мирзо ўрнидан турди. Шаҳзодалиқ нишони қадалган саллани қозикдан олиб бошига кўндирди. Қўллари билан ёқаларини тортиб, енгсиз қизил абосини тузатди.

Курсига астойдилланиб ўтиргач, қўлига қўлини урди. Мулозимга тоғликлар сардорларини олиб киришни имо қилди.

Бир хил кийинган уч киши эшикдан кетма-кет кириб келди. Букилиб таъзим қилишди-да, бетакаллуф саррайишди. Чағир кўз, қийғир бурун бу уч кимсанинг ёши анчага бориб қолганига қарамай, соқоллари қоп-қора эди. «Ажаб суратлик кимсалар экан», кўнглидан ўтказди мирзо ва сўради:

— Нечук кажрафторлик қиласиз? Жамоат ақидасига итоат этмайсиз?

— Худонинг ери, суйи учун пул олмоқ жамоатнинг ақидаси эмас. Бул— салтанатнинг ақидаси. Салтанатни эрса биз эътироф этмаймиз,— дея ўнг қўлдагиси жавоб берди.

— Нечук? Бу қандоқ сўз? Салтанатни нечун эътироф этмайсиз?

— Киши кишига банд эмас, ягона тенгрига бандадур. Салтанат эрса кишидин кишига бўйин эгмакни талаб қилур,— яна ўша киши жавоб айтди.

— Ажабдин ажаб... — Мирзо ўрнидан турди, қаршисидаги бу уч кишига ҳам қизиқиш, ҳам ҳайрат билан тикилди.— Вале салтанатсиз жамоат бўлмас ахир?

— Биз сарбадорлар авлодимиз. Ота-обағаларимиз салтанатни эътироф қилмоқдин бошини дорга тутмоқни афзал билганлар.

Бу сўзларни энди бошқаси айтди.

Бобур мирзо жойига ўтирди. Бир зум тафаккур қилгач деди:

— Эл-улус тан эрса, салтанат боштур ахир. Бошсиз тан тирик эмас...

— Санга хирож керакму, биз келтириб берурмиз. Ва лекин бизнинг кентимизга илғама. Санга арзимиз шул.— Биринчи кишининг гапини бошқа иккови «бале, бале» деб қўллаб турди.— Салтанат бор— зулм-зўрлик бор! Салтанат бор жойда тенглик, адолат йўқ! Балиқдин ойгача пушту паноҳ бўлсанг ҳам, бизга даҳл қилма.

— Бизнинг кўнглимизга ваҳм солмоқчимусен? Биз ўз ишимизни билиб қилурмиз. Кентингга борабер.

Сарбадорларнинг сардорлари чиқиб кетгач, Бобур мирзо узоқ ўйга толди. Бирдан ўзини улғайиб қолгандай сизди.

## Юртига сиғмаган фарзанд

Охир мундоқ саргардонлиқтин ва бу навъ бехонумонлиқтин жонга еттим. Дедимким, мундоқ душворлиқ била тирилгунча, бош олиб йитсам яхши. Бу навъ хорлиқ ва зорлиқ била эл билгунча, оёғим етганча кетсам яхши».

«Бобурнома», 908 (1502—1503) йил воқеалари фаслидан.

Муҳаммад Тойлоқ дарвозанинг ўнг қўлига рост табақасини аста итариб, бош сиққундай очди. Ташқарида ҳеч ким кўринмайди: супа ҳам, меҳмонхона айвони ҳам бўш. Юраги соғинч ҳислари ва мулоқот муждасидан питирлайди. Қанотни ланг очиб, остонадан ҳатлади. Табақа ўз-ўзидан ёпилар экан, ҳалқа ва зулфини шиқирлаб кетди. Вовуллаганича ит югуриб келди. Меҳмонни кўриб, бирдан ювош тортди, динг қулоқларини туширди. Думини шийпанглатиб, Тойлоқнинг оёқларига суйкалди. Оёқ босгани қўймайди. Гўё соғинчини қондирар эди... Шу асно ички ҳовлининг даричаси очилди-ю, уй соҳибасига хабар қилиш, суюнчилаш учун у томонга чопди.

— Энам, жоним энам!— Тойлоқ отини етаклаганича ит орқасидан тезлади.

— Тойлоғим!.. Нури дийдам!!.— Узун кўйлагининг этаклари ва енглари билан ҳилпиратиб она боласи томон интилди. Икки тан ягона жисмга айланди. Жилови ўз ҳолига қўйилган от бошини солинтириб туради. — Омонмусан? Танинг сихҳатми, ўғлум?.. Навкарлиги йитсин!

— Энам, ҳоло қошингиздаман. Нега йиғлайсиз? Юрт янги-бошдан иликка кирди. Эмди дойим бирла бўлурмиз. Ғанимлар дастидан мулк пора-пора. Уни яктан қилмоққа уринмоқдамиз.

Она боласининг елкасидаги хуржунга қўл узатди. Бироқ ўғилнинг ўзи

юкни қўлларига олди, супа чеккасига қўйди. Утириб фотиҳа қилишгач, она сўзларини давом эттирди:

— Мен не билай ўғлум. Ҳамсоям — тоғ, дунё изтироби йўқ менда. Дийдорнинг ташнасиман, холос. Бул олдимиздаги Марғинов дарвозасида ҳамиша ғавго, сурон. Мундан биламанки, юрт нотинч. Шаҳар иликдан иликка ўтмоқда, мулкгирлар ани талош қилурлар. Охир Бобур мирзо иликка киритдиму? Подшоҳликда қарор топдиму? Илоҳо, мартабаси мустақим бўлсун.

Тойлоқ изтироб ичида ерга боқди.

— Маълум эмас. Фаҳмлашимча, бул шаҳарлар мирзонинг кичик тоғаси Олачахонга тан бўлди. Ул хон мунда юртлагай. Нечунким, ул хон Мўғулистондан келмиш. Махсусона чақирмишлар бул ёққа. Анинг-чун вилоят тортиқ қилмоқчилар. Шайбоний отлиқ улуғ ғаним пайдо бўлмиш. Иттифоқ бўлиб анга қарши уруш қилмоқчилар. Хон тоғаларининг мирзо била иттифоқ қилмоқлариға кўзум етмайдур. Ҳоло алар Фарғонада юртланиб, мирзони бадар қўймоқчилар. Мирзо муни фаҳм этиб, тебраниб турибди. Уруғ-яншиқларидан хафа, маъюс. Насиб қаёнда, билиб бўлмас.

— Қандоқ? Мирзо юрттан мосуво дегин? Навкарлиги йитсин. Бул ҳунари борсин. Ташла муни. Бир қаро кунимизни кўрурмиз. — Она қўшнилар тарафга илкис қараб қўйди. — Бошингни қўш қилур чоғ ҳам келди...

Маҳфуза... Қўшни қизнинг ёдидан Тойлоқнинг юраги ҳаприқиб кетди. Сўнг ҳар хил андишалардан боши қуйи эгилди. Уйларини онасига изҳор этди.

— Маъюс чоғида мирзодан кетсам, навкарликни ташласам, қандоқ бўлур экан? Бу — худ номардлик, энам.

Хуржунга кўзи тушиб, уни ўзига яқин тортди. Ичидаги нарсаларни чиқариб қўя бошлади. Бир ўрам матони олиб:

— Муни ўзунгизга мурсак қилиб тикиб олинг. Бул кийимлик эгачимга, — деди.

Кумуш баркаш, сўқма билагузукни кўриб, онанинг кўзлари яшнади.

— Буларни қаердан олдинг?

— Ўлжа, энам. Кийимлик матоҳдан бошқа ҳаммаси ўлжа нимарсалар.

— Ўлжа? Мардумнинг молиму? Алардан тортиб олинганму?

— Жонни бадалга қўйиб урушқанмиз. Анинг эвазиға бул ўлжалар қўлға кирган. Қалин кишилар ўлжа деб юрурлар. Хусусан мўғул навкарларнинг истагани — ўлжа. Навкарлик — мўғулга ҳунар. Қайси черикка қарасангиз, мўғул. — Ҳамойилини чиқариб, олтин-кумуш тангалар олди-да, онасининг ҳовучига солди. Худди чақиб олгандай онанинг қалтироқ қўллари тангаларни дарров тўкиб юборди.

— Нечун ташладингиз? Булар — мирзонинг бахшиши. Мардумдан босиб олганим йўқ.

Барибир она тангаларни қўлга олмади. Ўз-ўзича сўзлагандай деди:

— Навкарлик ҳам ҳунар бўлдиму?

Шу чоғ девор орқасидан қизнинг овози эшитилди. Бу — Маҳфузанинг товуши. Тойлоқ ҳамойилидаги зебигардонни ушлаб қўйди. Маҳфузага деб асраб юрибди буни. Ҳозир бериб бўлмайти-да. Онасига қолдириб кетсами? Йўқ, уялади. Маҳфузанинг висолига етгунча кўксига олиб юраверади.

Тойлоқ ўз ўйлари билан банд экан, она ўчоқдаги чойгум остига ўт қалади. Уғли олдига дастурхон ёзиб, нон келтирди. Нонни қўлга олиб синдираётганда йигитнинг хаёли бўлинди. Хушёр тортган кишидек, кўнғир кўзларини чақнатиб сўради:

— Унингиз туганмадиму? Ғаллангиз борму?

Она жавоб беришни пайсалга солди. Индамайгина нонни бурдалади. Ундан бир тўғрам ушатиб оғзига солди. Дастурхон четини ҳимариб ўйнаганича деди:

— Уйингга буғдой тўлгур Маҳфуза шундоқ меҳрибон, ғамгусор. Отасига айтиб, икки маротаба ғалламиздан тегирмонда ун торттириб келиб берди. Илоҳо, бахти кавардек очилсин.

«Аллоҳу акбар, аллоҳу акбар...» — кун чиқар ёқдан пешин намозига чорлаб азон сўзлари эшитилди. Она-бола гапдан тўхтади. Муқаддас чақирққа сомеъ бўлди. Турмуш ташвишлари, икир-чикир ўйлар бир зумгина чекинди.

— Тегирмонга дон олиб бориб, ун қилиб келтираин, қишлиғингизни ғамлаб берайин. Мен мирзога ҳамроҳлиқ қилурмен.

Она отнинг жиловидан ушлаб турди. Уғил унга қолда дон ортди. От етаклаган боласини тегирмонга кузатиб қўйди.

\* \* \*

Бобур мирзо катта тоғаси Маҳмудхоннинг Қўштегирмондаги манзилидан маъюс тортиб чиқди. Рухий изтироб оёғидаги яранинг оғриғидан зўр келди. Асо таяниб аранг қадамлаётган одам шашт билан юриб, маҳрамларига яқинлашди. Қилич дамидан тилнинг тиғи ёмон. Қўлидаги асони отнинг айилига қистирди-да, Қанбар Алибек саллохнинг ёрдамида эгарга минди. Кузги боғ ҳувиллаб ётибди. Дарахларнинг бутоқларида яккам-дуккам қолган япроқларни изгириб юлқиб тортқилайди. Улар жон ваҳмида дир-дир титрайди. Бу — бувиси Эсон Давлатбегимнинг боғи, бир маҳаллар қанчалар файзли эди.

От тизгинни юлқиганича калласини икки томонга ташлаб бир маромда борар экан, мирзонинг ўйлари чувалди. Улуғ тоғаси ҳеч бир андиша қилмай, сенинг ерларинг энди кичик тоғанга, деди.

Самарқандни Шайбоқхондан олиб берар эмишлар. Андин сўнг Фарғона вилояти тамом кичик хонга бўлур эмиш. Не ҳам дер эди, рози бўлди. Энди кичик тоғасини кўргани боряпти. Орқада келаётган Қанбар Алибек отини қичаб, мирзонинг ўнг қаватига ўтди.

— Улуғ хоннинг маслаҳатиға розимисиз? Кўрдингизму, илкингизда бўлгон вилоятларни филҳол олдилар, — дея қиялама синчковлик билан ҳамроҳининг юзига тикилди. Мирзо индамади.

— Сизга булардин иш очилмас. Муни сўнг билурсиз, — дея Алибек олдинга йўртган отининг жиловини тортди. Садо чиқмаётган тингловчисининг равиш-рафторига разм солди ва ҳад қилиб, маслаҳатини айтди, — филҳол бориб Ушқа кирайлик. Қўрғонларни беркитиб, Султон Аҳмад Танбалга киши юборайлик. Ул била ярашиб, мўғулларни уруб чиқариб, вилоятларни оға-ини ҳисса қилишинг.

Бобур мирзо ялт унга қаради.

— Йўқ! — кесиб-кесиб жавоб берди, — раво бўлмағай, хонлар туққонларим, буларга навкарлиқ қилғоним Танбалга подшоҳлик қилғондин ортиқроқтур.

Қанбар Алибек жиловни тортди ва орқада қола бошлади.

\* \* \*

Аҳмад Танбал билан тўқнашувда Бобур мирзо орттирган яра мўғулча муолижа туфайли ҳадемай битиб кетди. Қанбар Алибек негадир унинг кўзига илашмай қолди. Суриштириб билдики, у Андижонга — хонлар қошига йўл олибди. Айтган маслаҳатидан ҳадиксираб қочганини англади.

Тоғалари бир ярим минг кишилиқ қўшин тўплаб бериб, Бобур мирзони Ахсига юбордилар. У ерда Танбалнинг укаси шайх Боязид манзил тутган эди. Шайх Боязид эса давлатхоҳлик изҳор қилиб киши юборди. Ҳатто мирзонинг истиқболига пешвоз чиқиб, уни кўрғон ташқарисида кутиб олди. Боязиднинг ёнбошида Бобур мирзонинг кичик иниси Носир мирзо ҳам бор эди. Бу ҳол мирзонинг кўнглини юмшатиб юборди. Шаҳарга киргач, мурсага келган ҳарифи раҳматли Умаршайх мирзонинг тош кўрғон ичидаги иморатларидан унга ошён тайин қилди.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси Танбалнинг кўрсатмаси билан бўлаётганини, ҳарифининг мақсади уни тоғаларидан ажратиб ташлаш эканини Бобур мирзо билмас эди.

Бу ёқда Танбал акаси Бек Тилбани Шайбонийхон қошига жўнатиб, итоат изҳор қилиб Фарғонага чорлади. Шайбонийхондан, мен йўлга чиқдим, деган мазмунда устма-уст мактуб келди. Шайбонийхоннинг дарагини эшитган хон тоғалар безовта бўлиб қолдилар. Улар қўйган мўғулларни Уш, Марғилон эли шаҳардан бадар қувиб чиқарди. Ваҳимага тушган тоғалар Хужандга келиб, Сирдарёнинг нариги қирғоғига кечиб ўтдилар...

Бобур мирзо ҳаммом даҳлизида савдар ёрдамида кийинаётган эди. Тунқотор эшикдан шошиб кириб тиз чўкди.

— Бир қошиқ қонимдан кечинг, мирзойим. Инингиз Жаҳонгир мирзо қадам ранжида қилмиш.

Мирзонинг иссиқдан бўғриққан ёноқлари пушти рангда товланади. Тиниққан юзида ҳали устара тегмаган соқол-мўйлаби мана мен деб кўзга ташланади.

Мирзо тунқоторга бир зум сўзсиз тикилиб тургач, деди:

— Саломхонаға бошлаб кир. Ҳозир чиқурмен.

— Қалин кийиниб олсангиз, давлатпаноҳ, ҳаво хийла совуқ, — илтижо оҳангида сўзлади тунқотор.

Акасини кўрган Жаҳонгир мирзо тиз чўкиб, тўққиз қатла юкунди. Бу орада етиб келган Бобур мирзо қўлини унинг елкасига қўйиб ўрнидан турғизди. Қучоқлашиб мардона кўришди. Жаҳонгир мирзо бўйи чўзилиб, яна ҳам ингичкалашгандек туюлди. Негадир, совуқданми, ранги қув ўчган. Бошидаги мўғулча бўрқда қадоқлиқ шаҳзодалик нишонининг шуъласида юзи тагин ҳам рангпар кўринади. Акаси унинг афтига тикилиб сўради:

— Не ҳол, омонмусен? Сихҳатинг яхшиму?

— Алҳамдулиллоҳ... Султон Аҳмадбек Марғинонға келиб, кўрғонға кирди. Мен бу ён илғадим, — Жаҳонгир мирзо овозини пасайтирди, — Шайбоқхон Фарғонаға келатурғон эмиш.

Бобур мирзо саросимавор бўлиб сукутга толди. Шу чоғ рухсат сўраб икки бек кириб келди.

— Подшоҳзодам, сўзламоққа изн тилаймиз.

— Хўш, қани, сўзланг.

— Боязидни тутиб банди қилмоқ керак.

Иккинчи бек қўшимча қилди:

— Воқеан аркни иликлаб, кўпрукка киши қўймоқ даркор.

Рўй беражак тақдир ўйинини кўнгли олдиндан сезган Бобур мирзо синиқ товушда деди:

— Ҳоло, ўртада ҳуд аҳд бор. Бу хил иш мардаклик бўлур.

Жаҳонгир мирзо ҳайрат ва алам билан бармоғини тишлади.

Улар ташқарига чиққанларида, қаердандир азон товуши ҳаволанди. Бу гал азон садоси фалокат жарчисидек, кўнгилини ғаш қилиб янгради. Худди унинг дамидан уйғонгандек, тонгги изғирин қўзғалди.

Шу чоғ от чоптириб уч навкар уларга яқинлашди. Эгардан туша солиб юкунди. Уларнинг бири — Муҳаммад Тойлоқ ҳовлиқма оҳангда сўзлади:

— Султон Аҳмадбек келиб етди!

Мирзонинг лабларидан беихтиёр савол учди:

— Қандоқ?

— Яроқлиқ чериги билан. Кўпрукдан ўтиб аркка кираётир.

— Черигининг ҳисоби нечук?

— Билмон. Илло бисёр кўп.

— Таҳқиқ қилингким, биз билайлик.

— Жонимиз ила.

«Эмди не бўлғай? Озгина киши билан нима қила олғаймен. Юздин кўпроқ киши билан мен тош кўрғонда, ғаним лак-лак қўшин билан арқда. Кўп навкар ҳар тарафда эди... Фурсатни бой бермай, уруш яроғига киришмак керак».

Отга минган Бобур мирзо беклар қуршовида кўча-кўчанинг бошида булжор ташкил қилиб, йигитлар қўя бошлади.

Шайх Боязид, Қанбар Али, Муҳаммад Дўст яқинлаб келмоқда. Уларнинг қалқонлари отларининг сағрисида осиглиқ эди. Бу — мураса белгиси.

Бобур мирзо ўз қошида бўлган бекларни Умаршайх мирзо мақбарасининг айвонида машваратга йиғди. Бу ерда Шайх Боязид, Қанбар Али, ҳам ҳозир эди. Хаёлан отасининг руҳига мурожаат қилди: «Жоним ота, не қаро кунларга қолдим? Мамлакатдорлиғи мундоқ мушкулму? Руҳингиз қўлласин мени, омин!» Йиғилганларга сўзлар экан, изтироб ва совуқдан овози қалтираб чиқарди:

— Аҳли машварат, маъсумингиз бўлсунким, Султон Аҳмадбек қошидин Шайх Боязид, Қанбар Алибек ислоҳ ва сулҳ учун келмиш. Ислоҳ ва сулҳнинг аҳду шарти нечук бўлғай, мунга чопарларнинг ўзи айтурлар.



Орқа томондан акасига яқинлашган Жаҳонгир мирзо унинг қулоғига шивирлади:

— Чопарларни тутмоқ керак. Биз сўзни шунга қўйғон эдик.

Кенгаш раисининг ранги қус ўчди, қоп-қора мулойим соқол-мўйлаблари тиккайди, кўзлари хира тортди. Сўзларни чала-ярим айтиб жавобга шошилди.

— Изтироб қилманг, ҳоло иш тутмоқдин ўтти, кўрайлик, шоядким, ислоҳ била бир иш очилғай.

Ука нари кетди-да, Иброҳимбекка ёндашди. Иброҳимбек бирдан Шайх Боязидга ташланди. Атрофдаги йигитлар ҳам ёпирилдилар. Ҳадемай Шайх Боязид, Қанбар Али банди қилинди.

Бўлар иш бўлгач, сулҳ борасидаги ҳаракат чиппака чиққан эди. Энди Бобур мирзо бори кишиси билан қурби етганича жанг қилмоғи даркор. Жаҳонгир мирзони шаҳарнинг жануб томонига жўнатди. Укаси билан кетаётган кишиларнинг озлигини кўриб, ўз атрофидаги навкарларга хитоб қилди:

— Жаҳонгир мирзо ила борингиз!

Бу жангдан кейин орадан кўп кунлар ўтди. Дастлабки кунларда босириқ тушдай туюлган воқеаларнинг энди бутун тафсилотлари ойдинлашиб бормоқда. Жангда чекинишдан ёмон нарса йўқ. Бир жангнинг ўзида Бобур мирзо бир неча маротаба от алмаштирди. Жаҳонгир мирзони аллақачон қувиб юборган эканлар. Шаҳардан чиққандан кейин мирзо орқасига қараса, ўзини қўшганда, атига саккиз киши қолибди.

— Икки яхши отни сайлаб олинг, илдам юрунг, шояд, қамалдан чиқа олғайсиз, — деди Хонқули. Унинг бу сўзлари қулоқларида бир умр қолса керак. Оти сустроқлар бир-бир орқада қолаверди. Хонқули ўзини пастга ташлаб, отини тутди. Эгардан эгарга сакраб ўтгани эсида. Боёқишнинг ўзи ҳам орқада қолиб кетди. Начора, ҳимоят ва мадад қилар маҳал эмас эди. Ҳамроҳлик қилиб келаётган Мирзоқули кўкалтошнинг оти ҳам қўш оёқлаб чопа олмай, сустлик қила бошлади. Шунда Мирзоқули куйиниб деди:

— Менга боқа ўлтурманг, юрунг, шояд чиқа олғайсиз.

— Сени ташлаб қаён борай, юр, ўлук-тирик бирла бўлайлик.

Йўқ, бунга чора топилмади. Шундай қилиб, Бобур мирзо жангда ёлғиз қолди. Бундан мудҳишроқ ҳолат бўлмаса керак!.. Тўсатдан йигирмага яқин жон тортган навкарлари келиб, бандга тушмай қутулди. Совутини ечганда кўрдикки, жангда қўлтиғига келиб урилган ўқ унинг икки япроғини кесиб кетибди. Ямаш учун оҳангарга берар экан, уста бошини сарак-сарак қилиб қўйди...

Бу ҳодисаларни хотирида жонлантириб, ёднома дафтар саҳифаларига битар экан, лафзи ҳикмат билан ўгирилди. Билдикки, мева эзилганда фикр жавҳарлари туғилар экан:

«Қочган ёғий кўп бўлса ҳам, оз қувғунчи била чеҳра бўла олмас».

«Очиқ йўлим — менинг қиблам».

«Тонг ёвуқ ва мақсад йироқ».

«Оламда жон ваҳмидин ёмонроқ нима бўлмас эмиш».

«Киши агар юз, агар минг яшаса, охир ўлмак керак».

«Гўё менга янги-бошдин худой жон берди».

Муҳаммад Тойлоқ ҳам омон қолдию, отидан айрилди. У ўзича ўйларди: подшоҳ — сипоҳ билан, раият билан подшоҳ экан.

Омон қолган беклар, навкарлар ўз саркардаларини излаб кела бошладилар. Бобур мирзонинг қошида икки юз-уч юз чоғли сипоҳ йиғилди.

\* \* \*

Бобур мирзо қавму қариндошлари, садоқатли сипоҳлари билан Хуросон сари йўл олди. Унинг этагини тутган сипоҳларнинг сони икки юздан ошиқ, уч юз кишига етмас эди. Улар орасида турли андишалар гирдобида изтироб чекаётган Муҳаммад Тойлоқ ҳам бор. Шунча вақт юртда ва ғурбатда, ўрда ва қирда, рўшноли дамда ва ғам-аламда ҳамроҳ бўлиб, энди айрилиб қолишни ўзига эп кўрмас эди.

Ҳамал — амал, ҳар нарсада амалнинг белгилари. Ҳамма ёққа ялпи ҳужум бошлаган яшил шарпа тоғларнинг тош бағрига ҳам йўл олган. Тоғлар оралиғида шом қоронғулиги тез энади. Ҳозиргина теварак ёруғ эди, бирпасда кўз

илғамас ҳолга келди. Бўзарган кўнда пайдо бўлган юлдузлар кул ичидаги чўғдек кўзга ташланади.

Маъсум болаликни эслатиб, қаердандир ялпиз сомсанинг ҳиди анқийди. Тойлоқ энтикиб-энтикиб нафас олади, беихтиёр атрофга аланглайди. Эгарни ғижирлатиб ортига қарайди. Орқада қолаётган тоғ тизмалари хотира келбати каби кўринди. Юраги орзиқишдан ҳаприқиб кетди. Кўзларидан бир жуфт юлдуз узилиб тушди.

Айни пайтда Бобур мирзо ҳам орқасига қаради. Қоронғуликда тоғ бағридаги арчалар найзалар учига ўхшаб кўринди. Юраги увишди. Унинг ҳам кўзларида иккита юлдуз йилтиради.

Муҳаммад Тойлоқ эрта тонгда ёмғир шарпасидан уйғониб кетди. Димоғига тупроқ иси урилди. Йирик-йирик томчилар ерни тасирлатиб савалар эди. Жисму жонига хушқиб, йигит юзини кўкка тутди. Бу — ғайс ёмғири. Тупроқни уйғотувчи, унда оналик ҳиссини қўзғатувчи ёмғир. Кунботар уфқида рангоранг камалак балқди. Икки бўлак — у ёнда бир бўлак, бу ёнда бир бўлак; худди жононнинг эгма қошларига ўхшайди.

Тойлоқ ғайс ёмғирининг салқинидан ширин энтикиб, сардоба сари кетди. Намхуш юз-кўзларини ювиб артинар экан, бирдан булутлар орасидан қуёш тиг тортди. Олисидаги боғлар баралла товланиб кетди. Бодомзор қийғос гуллабди. Тойлоқнинг ҳовлисида, девор тагида ҳам бир туп бодом бор эди. Деворнинг нариги томонида, Маҳфузанинг ҳовлиси ёқда ҳам бодом. Бу бодомнинг бир шохи у томонда бўлса, у бодомнинг бир шохи бу томонда. Баҳорда иккови баравар гуллар, кузда баравар пишилиб етилар эди. Маҳфузанинг бодом терар кунини пойлар, шу пайтда Тойлоқ ҳам дарахтга чиқар эди. Девор ошиб ўтган шохдаги меваларни қизга инъом қилар, Маҳфуза ҳам бу томон бўй чўзган шохдаги бодомларни Тойлоққа сийлов тариқасида қолдиради эди.

Уша куни ҳар иккови учун байрам бўлар эди. Мана, бир неча йилки, бундай байрам Тойлоқ учун бегона...

### Хотима

Қаёққа қараманг, нуқул тоғу тош. Тоғлар гўё адоватгўй одамларни бир-бирдан ажратиб тургандай, уларнинг орасига чекилган садга ўхшайди.

Карвонни ташналик ўз исканжасида сиқмоқда. Соябонли аравалар ичидаги аҳли аёл айниқса жуда бетоқатланади. Чалоб тугул, мешлардаги сув ҳам соб бўлган. Ҳамма атрофга умидворлик билан аланглайди. Бир пора отлиқ карвондан илгарилаб сув излаб кетди. Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳам ёшлик ғайрати билан уларга қўшилди. Улар қора терга botган отларининг бошини тоғ камаридаги ёлғиз кулбага бурдилар. Жониворлар тиришиб-тирмашиб аранг юқорилайди. Супага ўхшаш жойда жиловни тортдилар. Отлар чанқоққа чидай олмай, ҳадеб сувлиғини чайнайди. Тошлардан тикланган кулба остонасида қўлларини жағига тираб, муштдеккина кампир ўтирибди. Ботаётган қуёшнинг заррин нурлари селида у яна ҳам жиккакроқ кўринади. Кампир буларнинг шарпасини эшитди шекилли, даст ўрнидан турди. Қуёш ёғдусидан кўзларига қўлини пана қилиб ваҳима ичида тикилди.

— Момо, қаёнда сув бор? Сувдан дарак берсангиз.

Кампир ҳадеганда отлиқларнинг мақсадини англай олмади. Ҳайкалдай қотиб туриб қолди. Муҳаммад Тойлоқ ўзи отини қистаб кулба рўпарасига чиқиб борди.

— Ассалому алайкум, момо. Ўбдон чўлладик, сув беринг. Атрофда сувдан хабар топмадик. Қандоқ тириклик ўтказурсиз мунда? Атроф буткул тош, сувдан асло нишон йўқ.

— Тулки ўз инидин нолиса, анга номус бўлур. Ташна бўлсанг, чалоб бера қоламан, болам, — дея кампир ичкарига юрган эди, йигит уни тўхтатди.

— Ўбдон кишимиз, момо. Оби раҳмат бера қолингиз.

Кампир илгакка осиглиқ челақни қўшқўллаб зўрға олди. Меҳру шафқат ҳисларидан бўшашиб кетган Тойлоқ от устидан тушгунча, унинг олдида пайдо бўлди. Йигит чўмичда сув олиб сипқорди. Оби ҳаётдан танасига тароват югурди. Дадиллашиб, момога синчковлик билан боқди. Бу истарани қаёқда кўрганман деб, қўлида чўмич-у, туриб қолди.

— Булоқнинг дарагини билиб ол. Мешларимизга дағи сув ғамлаб олурмиз.

Пастдан эшитилган бу сўзлар Тойлоқнинг ўйини бузди.

— Ҳарб кишисимусен, болам? — мунғайиб сўради момо.

— Ҳов-ҳа, навкарман.

— Менинг ўғлим ҳам Хисравшоҳга ҳарбийликка ёлланмиш.

Тойлоқ ҳушига келган кишидек шошиб сўради:

— Қайда? Ўғлунгиз ҳам навкарму?

Кампир унинг ҳолатига кўп-да эътибор қилмай:

— Санга чалоб олиб чиқай, танингга роҳат берур, — дея ичкарига бурилди.

«Ҳов-ҳа, бул ўшанинг энаси, айниҳ ўшанинг энаси!» Бу кашфдан йигитнинг юраги увишиб кетди. Кампир олиб чиққан чалобни эса ича олмади. Кексанинг кўнгли учун оғзига олиб бориб бир ҳўплади-да, косани қайтариб берди:


— Мижозимга тўғри келмас.

«Илло, шул момонинг боласи эди. Хато қилаётганим йўқ. Ани ўлдирдим. Демакким, момонинг ўғлини ўлдирдим. Момо эрса остонада ўғлини кутиб ўтирибди. Мунтазир. Кўзлари нигорон... Ё парвардигор, ўзинг кечир гуноҳкор қулунгни!» Бу заҳаролуд ўйлар Тойлоқнинг миясини эговлайди, жон ришталарини тобора тарангроқ тортади. От ўзича йўртади, тўдага эргашади. Тойлоқ шу йўсин қанча юришганини билмади. Тор дара оғзига чиқиб қолишган эди. «Ғаним тўдасига ўхшайдур», деган кимнингдир бадгумон сўзларидан ўзига келди. Душман уларга тўсатдан ҳужум қилди. Қиличлар қиндан суғурилди. Қалқонлар сийнага тўсилди. Отлар аянчли кишнаб, туёқлар зарбидан замин кўкси табладай гумбурлайди. Қилич-найзалар қалқонларга урилиб шарақлайди. Тойлоқ Бобур Мирзони қорага олиб қолган ғаним сари отини қистади. Икки от бетмабет келишди, кўзлари олайиб, олдинги оёқларини баравар кўтардилар. Шиддатвор кишнаб бир-бирига ташланди. Ваҳоланки, бечора отларнинг бир-бирига ҳеч қандай адовати йўқ эди. Тойлоқ қилич сермар экан, қалқон оша ғанимининг афтини аниқ кўрди: чўзинчоқ юзли, қошу кўзи туташ бир кимса эди. Шу асно чап елкасига келиб тушган зарба уни отдан оғдириб юборди. Қилич дами қалқоннинг гирдига ҳам тегди. Шунда йилт этиб учқун сачради. Учқун унинг кўзида ҳам чақнади. Бу учқун қаердан чиққанини Тойлоқ фарқлай олмади.

Шуниси аниққи, қилич совутнинг бўшанг жойидан ўзига йўл топган эди. Ўрнидан турмоқчи бўлди, елкаси худди чўғ босилгандай жазиллаб кетди. Қўлларига қаради: қип-қизил қон. Панжаларини ёзди: қон шу қадар тиниққи, чўққа ўхшайди. Бу чўғ, оташ унинг кўзларига туташди. Худди аланга ичида қолгандай, бутун вужуда куйиб-ёнди. Аланга орасидан кўрдик, Бобур мирзо ўзининг чавқар отида елиб боряпти. Ёнида, орқасида сипоҳлар. Тойлоқ алангадан қочмоқчи бўлиб тўлғанди. Олов эса уни тобора оғушига тортиб, аъзойи баданини тутамлади. Аланга оташ ичидан чиқмоқчи бўлиб урина-урина, ниҳоят, ҳолдан тойди. Чалқанчасига ағдарилди.

Энди нигоҳидаги олов йўқолиб, кўз ўнгида мусаффо мовий осмон намоён бўлди. Мовий осмон. У нақадар осойишта, вазмин ва улуғвор. Фақат у ҳаммага баробар. Фақат у ҳамманики. Бирдан аъзойи баданига шундай бир ором индики, Муҳаммад Тойлоқ туғилганидан буён бундаин оромни туймаган эди. Қимир этмай ётар, бу оромга путур етказишдан чўчир эди. Кўзларини юмиб-очса, бу оромни йўқотиб қўядигандай, мовий осмонга бақрайганича термилиб қолди... Ором уни кўринмас, сезилмас қўллари билан аллалаб, мовий осмон сари кўтариб чиқа бошлади. Тойлоқ тобора юксала борди. Осмонга яқинлашяпти... Осмон қўйнида бир қиз намоён бўлди. «Фаришта деганлари шул эканми? — хира идрок билан фикрлади Тойлоқ. — Ажабо, бу қўшни қиз — Маҳфуза эмасму! Ўша, ўша, ўша...»

Кўксидаги тумордек олиб юргани — зебигардонни тутамлади. Буниси знам. Оқ рўмолининг учини томоғи тагидан ўтказиб, бўйнига чирмаб олибди. Энам... йиғляпти. Кипригидаги ёш қатраси энди томиб кетади. Ана томди. Мунча шўр! Тамшанди. Ўзи эса оромнинг мулойим қўлларидан тобора ўрлаб борар эди. Энди у мовий осмон қаърига кириб кетяпти. «Воҳ-воҳ, қаён борур, қаён боруррр!» У энди ором билан қовушиб, мовий осмоннинг чексиз-чегарасиз вужудига сингиб кетди.



Икром Отамуродов



Достон

Ўй

Иншо. Эркин нигоҳ. Каттаю кичик  
ҳаммага тегишли, тааллуқли сўз —  
**УЗОҚЛАШАЁТГАН ОҒРИҚ**. Сиз уни  
қандай тушунасиз? Шундайин ёзинг.  
Ўйланг. Поёмини дилдан қилиб ҳис  
масалага чуқур, кенгрок ёндошинг.  
Назар ташлаб кўҳна тарихга такрор,  
диққат билан қаранг атрофга яна:  
далиллар келтиринг, қиёслар топинг,  
йўл юриб йиғилган кузатувлару  
хулосалар тасдиқ этсин эш бўлиб,  
куч бериб тўлдирсин ҳам фикрингизни.  
Фақат тезроқ ёзинг. Муҳлати қисқа.  
Сабаб, ортингиздан келаётганлар-да,  
сизнинг иншонгизни ўқисин, билсин,  
бошқатдан сер солиб, қайрилиб бундок  
ўз-ўзига ҳисоб беришга қодир  
журъат топа олсин — ички зарурат,  
токи, бу дунёда шундай бир оғриқ  
борлигин ва усиз одамзод қалби  
ғафлат, жаҳолатга ботиб қолишин  
англасин, тушуниб етсин юракдан.  
Ўйғонсин, қалбининг қаърида мудраб,  
ғофил бўлиб ётган оғриқ азоби...

Довуш

Йўл бошида гангиб, сукутга кетиб,  
ҳолига ҳайрона турган, ҳов-в болам,

кажрафторнинг нобоп ўйинларига  
алданмайман десанг, тушмайман десанг,  
имонингга берк бўл, динингга берк бўл!  
Нодонликдан қувват олади хато.  
Қалтафаҳмликдан рўёдир — гуноҳ.  
Савоб, саховатни унутган — жоҳил.  
Элига, юртига бемехр — манкурт.  
Қасби, ҳунарига ихлоси суст — ғўр.

Бирор-бир сўзни лафзга олишдан илгари унинг  
уддасидан чиқишни,  
бирор-бир корни ҳавас қилишдан олдин ўшанинг  
нонини ҳалоллаб ейишни ўйла.  
Шунга кўзинг етиб, ақлинг бовар қилган такдир-  
дагина киргин бу кўчага.  
Бўлмаса — касрингдан бировлар қакшайди.  
Ғози куяди.

Ўзингга қарғишлар орттирасан.  
Надоматлар келтирасан.  
Кўпчиликнинг дуоибади, оху ноласи бир ёқлик  
қилмасдан, бир каромат кўрсатмасдан қолмайди.  
Бир марта бурди кетиб, этагига гард илашган  
одамнинг қаторга қайтиб кириши, иккинчи  
сафар назарга тушиши эса амримаҳол!  
...Эсон бодхўрни танирмидинг? Шўрарик тўпаридан.  
Кўрмаган бўлсанг ҳам эшитган чиқарсан. У тўғрисида  
кўп гапириб юришди. Сўкиб юришди. Уччига чикқан  
мактанчок, маҳмадана, такур эди-да ўзиям.  
Кўргинам — кўрмагинам потма чумчукка ўшарди.  
Бунақаларни ўз номи билан гуппи дейишади.  
Икки гапнинг бирида мен дерди. Кўкрагига урарди.  
Ўзининг банда эканлигини эсидан чиқариб кўйганди.  
Шу хусусда  
мавлони Юсуф Хос Ҳожибнинг бир қалима сўзлари  
хотиримда айланди. У киши шундай ёзмишлар:  
«Одам ўзи ўта қисқа умрли, алам-қайғулари чексиз,  
тили узун, сўзи баландпарвоздир.  
Инсон ўзи шунчалик эрксиз бўла туриб, катта  
кетиб гердайиши ажабланарлидир.  
Жаҳонни қўлга киритгач, дил ҳасрати ортади-ю,  
яна у қоядек ғўдайиб керилгани ортикча».  
Мен дейиш, биласанми, кимга ярашади? Факат  
холиқул аъламга, парвардигори оламга.  
Ўша Эсон бодхўр бор-йўғи олти ойгина эл оғаси бўлди-ю,  
босар-тусарини билмай, улуснинг юзини ерга  
қаратди, қаддини чўқтирди. Номусларга қолдирди.  
Ношуд эди-да, ношуд, баччағар!  
Элбоши ношуд бўлдими, элатнинг шўри қисди, деявер!  
...Кўтарма гузарида феълли, оркали бир киши бўлгучи эди.  
Тонгда ўлтирарди қиблага қараб,  
Кун чиқарга боқиб турарди шомда.  
Отини Эшонқул дейишарди. Яқинда оламдан ўтди, бечора!  
Имони билан кетди.  
Кўпам қари эмасди. Борган бўлса, қирқларда эди-да ёши.  
Яратган олдидаги қарзидан қутулди, ҳақир!  
Бирортаям тирнок қолмади, шўрликдан.  
Зурёди тугади ҳисоб.  
Худоям кучи етганни қисади-да.  
Қаердаки қўли қалта ёлғизними  
ёким бўлмаса бирор-бир соявони йўқ муштипар —  
ғарибними?  
Эшонқул чархнинг нотантилигидан, ёлғончилигидан,  
масхарабозлигидан зардобга тўлиб кетган кўнглини  
бўшатиб юргучи эди. Эсимда қолганларидан бири:

**«Оллоҳдин ўзга илоҳ йўқ!» — Қуръонда  
Амал қилар шундай таъбир ва такбир.  
Буни зикр этган ки, мусулмонда**

Субутга содиқлик муқаддас тақдир.

Лаҳзада ўзгариб, лаҳзада қайтиб,  
Имонини ютган, учар беимон;  
Тангрини дилига жойлагай қайтиб,  
Динига эктивор қилмоғи гумон.

Тез иноқ бўлибким, йўлдошликка мос  
Оқибат сақлолмай панд берган олғир:  
Ўтрукдир яздонга қўйиши ихлос,  
Ўтрукдир раҳмонга ройиши, толғир!

Манфаат йўлида эркини тобут  
Айлаган қаллобнинг Қаббаси сурлик:  
Унинг юрагида инграйди субут,  
Унинг юрагида шердир бебурдлик!

Оллоҳ — бу билигдир, қалбингда аён,  
Воқе толмаган дил эркига зомин.  
Шунданким, очунда оздир мусулмон,  
Дилида худоси борлар кам! Омин!

Шу тахлит ўзини-ўзи овутарди. Ўзи тўкиб, ўзи айтарди. Лекин топарди курғур, худо раҳмат қилгур. Тўғриси гапирарди. Бу палончи экан, у писмадончи экан деб тортиниб, андиша қилиб ўтирмасди. Юзида кўзи бор экан деб қараб турмасди. Ким бўлсаям бетига шартта-шартта айтиб ташларди. Бировни ҳеч қачон сиртидан гап қилиб юрмасди.

Орин сотғон, номусин сотғон,  
Қул бўлмаса — мен номард!  
Нафс ўтин ихтиёр этғон,  
Қул бўлмаса — мен номард!

Сўзларнинг мағзини чакқандирсан.

Гапни узоқ-узоқлардан айлантириб келганимнинг боиси шулким, жойи жаннатда бўлгур Эшонкул буни анаву Шодикул теричининг ўғли Нуржов бор-ку, — ўшанга атаб тўқиган. Муаллим. Ҳеч тилим бормайди уни муаллим дейишга. Нуржовнинг қўлидан чиққан бола алифни чўпоннинг таёғига менгзашдан нарига ўтса, бетимга карама. Мени итингни олдига элтиб боғла!

Кинояни қара, кинояни?! Жуда тағдор!

Қани энди буни тушунадиган одам?!

Қани энди бунинг поёмига етадиган киши?!

Нуржовни ўтирғизиб қўйиб унга едирадиган зот? Ўзига қолса-ку

икки дунёдаям бўйнига олмайди.

Ўламан саттор деб сиртига юктирмайди.

Қирғин келгур ҳамма балонинг уруғиям ана шунда-да.

Қимнинг ҳам паст тушгиси келади дейсан?

Қим ҳам ўзининг нодонлигига икром бўлади?

Юраги тарс ёрилиб, тамом топар ўша заҳоти! Худо кўрсатмасин, муаллим агар Нуржовга ўхшаган мияси ғовак бўлса, ўзи сабоқ берган, улгу берган бутун-бутун авлодларни кўр қилади. Саводсиз қилади.

Фаҳмини қирқади.

Зехнини занглатади.

Оқибатда бундай бандан мўмин дунёи дундан ўзини танимай, бору йўқлигини сезмай ўти-и-иб кетади.

Топганини ейди, кияди.

Соясига қарайди йўғон.

Шундан хурсанд.

Шу-да.

Бошқа ниманиям ўйлови бўларди. Ақли бир қарич наридаги нарсанинг олдида ингичка тортиб қолганидан кейин!

Очуннинг пасти-баландини кўп кўрган, узоқ йўл босиб келган одамдан эшитган ҳақлигим шундай: бандаси токим, ўзининг кимлигини билиб олмас экан, ёнида бораётган ўзгани ҳам англаб етолмайди!

## Уй

Одамнинг ўзлиги. Недир бу ҳодис:  
қандай кўринишда акс этади у,  
қандай шамойилда топади шакл,  
азалий маъноси, нима дедингми?  
БУ — ХОТИРИНГ, ҚАДИМИЯТИНГ, НОМИНГ,  
ЛИСОНИНГ, ВАТАНИНГ, ҲАҚИҚАТИНГ ВА  
ЮРАГИНГ ҚУВВАТИ — ЭРКУ ИХТИЁР,  
СЎЗИНГ РАВОН ЭТГАН НОМУС ҲАМ ОРИНГ!  
Ўзликдан гўз уриб, чопганлар ҳайҳот,  
Унинг моҳиятин тушунмас, аттанг!  
Қадам-қадамида пеш қилганлар, бот  
Ўзининг кимлигин билмайди ҳатто!  
Минбарда — ҲАҚИҚАТ! Келганда кези  
Хоҳлаган маромда бера олгай тоб.  
Паноҳ — улар учун ҲАҚИҚАТ сезим,  
Улар учун забон ҳимоят — ниқоб!  
Юртининг номидан от сурар шайтон,  
Халққа шама қилиб алдайди бербурд:  
Ори — совуқ урган яланғоч майдон,  
Эътиқодин сўриб ётар шиллиққурт.  
Ақли сийрак, фаҳми нотавон зотлар:  
Аъмоли — ўмарош,  
қилмиши — найранг.  
Шулар — ич-ичидан ҒУРУРГА ётлар,  
Шулар — ҚАДРИЯТГА зимдан тиш қайрар.  
Бунча нодонлигу жаҳолат надир,  
Эркингни танигин кеч бўлмай фақат.  
Ўзлинг — руҳингда уйғонган кадр,  
Руҳингда портлаган ҒУРУР — ҲАҚИҚАТ!  
Тарих — хотиралар бандари, унинг  
сукунат югурган деворларида  
уйилган қадимги нақш — ОҚИБАТ,  
МЕҲР-МУРУВВАТДИР — ҚАЛБНИНГ ЧЕЧАГИ.  
Кўҳна очун ичра борлигинг, шуни  
тушунишинг билан боғлиқдир, биллоҳ!  
Қалбингга кўчирмай бу чечакларни:  
уларга сиғинмай, ҳис қилмай ёки  
ўтиб кетаверсанг оддий муюмдек,  
ваҳмак кун туғар, куяга байрам.  
Ки, ниҳол ўтказмай, боққа ҳам нукул  
кўз тиксанг, нечоғли бўлмасин кўркам,  
кундан-кун тўкилиб тортади сийрак  
ДАРАҲТЛАР — ХОТИРГА СУЯНГАН УТМИШ.  
Шажаранг битилган етти пуштингни  
ёддан айтолмасанг:

ҳар жойда,  
ҳар дам,  
томиринг емрилиб секин-басекин  
тубанлик чоҳига борасан қулаб.  
Худо қарғгани — ўз тилин билмай,  
ғайри бир лисонда сўздан қуш олмоқ.  
Имонни, виждонни тупроққа қориб,  
таъмининг қарами бўлса муддоанг,  
ё раббим, кўксингда тўр тўқир тинмай,  
ўргимчак — балои нафснинг аъмоли.  
Кимлигин билмаган банда, алҳазар,  
ҳамиша ўқланган сопқон сингари,  
ғаним дастида шай турган катора:  
сотқинлик, жиноят ўшандан содир,  
разолат, хиёнат ўшандан пайдо,  
ўша — ишорани бажарувчи кул,  
ўша — ҲАҚИҚАТНИ мўлжал олган тиф,  
от қўшган ҳам ўша ёв кашкашига.  
Қадр-қиммати ёт, ҳамда бегона

**ГУРУРНИНГ** — томири аввал экани.

Ўгай эрур, ҳайҳот, сўқир дилига

**МИЛЛАТ** — демиш ёзуғ,

**ХАЛҚ** — демиш қисмат!

Босиб келган йўлин эсдан чиқариб,  
учраган тешикка бошини тикқан,  
янгисин топганда ўйлаб ўтирмай,  
заррача оғринмай, қийналмай зинҳор  
эски чоригини куйдирган нодон,  
қайданам сезади ўзлигин, тангрим,  
мушкулот савдодир, қийин воқеот?!

## Довуш

Ўзлиги йўқ кимсанинг,  
исён қилган ори пуч,  
Зўр келганда тавбаси,  
тўккан кўзёш, зори пуч,  
Ҳақиқатдан ёшиниб,  
титраб турган бори пуч,  
Ноҳакликдан танг қолиб —  
ҳарак кутсанг, кори пуч,  
Бу оламдан кўкламай —  
сўлиб борар у — ҳавон,  
Ғиною ғафлат билан  
ўлиб борар у — ҳавон.  
Ўзлиги йўқ оқибат,  
доғ бўлгайдир — вовайло,  
Кўнгли ғуссага тўлиб,  
доғ бўлгайдир — вовайло,  
Йиқилганда суёв йўқ,  
доғ бўлгайдир — вовайло,  
Ўрта йўлда тангу тор,  
доғ бўлгайдир — вовайло,  
Бу оламдан кўкламай —  
сўлиб борар у — ҳавон,  
Ғиною ғафлат билан,  
ўлиб борар у — ҳавон.

## Ўй

Олам — сўзнинг бағрида рўё,  
Бир-бирига боғли, тақлидир.  
Бизни ўраб турган муҳайё —  
Мавжудликки, сўзнинг шаклидир.

Назаримиз илғаган борлиқ,  
Ёким ташда воқе — ноаён.  
Бари сўзда топади жолиқ,  
Бари сўзда топади шоён.

Ҳар хил тусда, ҳар хил ҳолатда,  
Демакки, СЎЗ — МАНГУ ҲАРАКАТИ  
Намоён нарсалар хилқатда:  
Сўзда — ёлғиз,  
Сўзда — ялакат.  
Йўллар —

сўзнинг чопаётган шакли.  
Қушлар —  
сўзнинг учаётган шакли.  
Утлар —  
сўзнинг ўсаётган шакли.  
Биз-да —  
сўзнинг ўйлаётган шакли.  
Дарёлар — шакл. Тепалар — шакл.



Иморатлар — шакл. Дарахтлар — шакл.  
Келишувлар — шакл. Тўқнашувлар — шакл.  
Топишувлар — шакл. Инкорлар — шакл.  
Сўз қатида эмранган ҳар қат,  
Кошки эди кўрсатса ўзни.  
Қадри баланд бўлғайдир фақат,  
ҒУРУРИҒИ англаган сўзнинг.

## Довуш

Одам хамиша кеча билан эртани бирлаштириб турадиган — бугун деб аталадиган кўприкнинг устида яшайди. Тўғрироғи, ўша кўприкнинг ўзи — одам!

Кеча унга қувват бериб, эрта ҳаракатга келтиради. Мободо, у кечани эсдан чиқарса, эртага ўтолмайди. Бугуннинг ўзида тўхтаб қолади. Эртага бораётган биродар, бор фиску фужурларни бугунга қолдириб, ўзинг билан бирга кечадан келган МЕХРНИ, ИШОНЧНИ, ОҚИБАТНИ олиб ўт. Бу фазилатларни боболаринг сенга мерос қилиб қолдирган-ку, ахир! Уларни унутсанг, сен боболарингга муносиб эмассан. Оппойи бегонасан!

## Ўй

Сирдошинг — ғамингдур, сирдошинг — найранг,  
Сабрингнинг гумида пандларинг наҳри.  
Чинқириб юборар мунғайган яранг —  
Кўнглинг деворидан очилган нахра.

Шакллардан нисбат, ранглардан қиёс,  
Тасаввурни алдар, нигоҳларни банд:  
Муқомлар ўйналур соддаликка мос,  
Ўйинлар айтилар ишончга монанд.

Шошмагин, сер солиб қара, бу сахна —  
Одам билиш, одам таниш аёни.  
Сен юрган йўл шундан бошланиб, яна  
Бир кун келиб шунда топгай поёнин.

Адашма, белларнинг икки букилиб,  
Қўллари кўксида — ҳурмати ёлғон!  
Ёлғон, дардларингдан дарди тўкилиб,  
Ғамларингга ғамдош бўлғони ёлғон!

Рўпарангда шундоқ туради — сирдош,  
Рўпарангда шундоқ — меҳрибон, фидо.  
Суйкалиб бағрингга кўяди-да бош  
Шимийди юрагинг қонин, алвидо!

Хушомад мойлаган бурро забонин,  
Этинг билан теринг қатига тиқиб,  
Бирор-бир хоб жойинг сезган замони,  
Секингина олади чақиб.

Хиёнат — одамзод феълин ғассоли,  
Умрлар жомига қуяди заҳар.  
Отеллони қайраб, Яго мисоли  
Ишончни ўлдирар, сирдош, алҳазар!

## Довуш

Агар, эл бутун бўлса, ташқаридан келган ҳар қандай кучли пирим шойиннинг ҳам ҳукмфармонлик қилишга ҳадди сиғмайди. Бордию хайру барака кўтарилиб — эл ўзининг орасидан ола очса, тифоклигига путур етса, эски девордек паторат тортиб нурай бошласа, қочган ҳам, қувган ҳам унинг тепасига таёқ кўтариб келаверади. Боши устига чиқиб ўйнайверади.

СҮЗИМНИ ОЛДИРМАЙМАН ДЕСАНГ, БИРИК!  
ЙҮЛИМНИ КЕСДИРМАЙМАН ДЕСАНГ, БИРИК!  
ҚАДДИМНИ КҮТАРИБ ЮРАМАН ДЕСАНГ, БИРИК!  
ЕҒИЙГА ТИК ҚАРАЙМАН ДЕСАНГ, БИРИК!

## Үй

Давралар тузасиз тўпланиб тўрт-беш,  
Ҳақиқат пайравдир, адолат пайрав.  
Қай бир жовидонга тўғрилайсиз ниш,  
Қай бир хешингизни айлайсиз сийлов.

Бошқа бир даврада кечар ўзга ҳол,  
Қизигандан-қизир тортишув ва жанг.  
У майдон мўлжалин нишони сиз—зол,  
Асаблар ғазабдан тиришар таранг.

Ҳаёт деб аталган карвонсаройда,  
Даврачалар тузиб яшамоқ нечун?!  
Наҳот озгина шон, озгина фойда  
Йўлида бўлаклаб ташланса очун?!

Ўзи-ку, дунёи дунда мусофир,  
Ўзи-ку, нотавон, ўзи-ку, ғариб.  
Шунга қарамасдан одамзод, ё пир,  
Бир-бирига тинмай беради фириб.

Виждон — мурватлари ейланган чорчарх,  
Мошинларда елиб оласиз ҳузур.  
Англамоқ қийиндир:  
қайдан бу бадбахт?  
Англамоқ қийиндир:  
қайдан бу қусур?

Шовқин кўтарган ҳам ўзини ҳақ дер,  
Сукут сақлаган ҳам ҳақ дер ўзини!  
Томоша қилган ҳам ўзини ҳақ дер,  
Ўртада турган ҳам ҳақ дер ўзини!

Яна юрак ютган журъат айбдор,  
Ноҳақлик йўлида зирқирар, э воҳ!  
Не тонгким, журъатга насиб этгай дор,  
Не тонгким, журъатга юклангай гуноҳ!

Мен дейман юракка чўкиб изтироб:  
Мурод қудратлидир — бўлса гар яқдил.  
Яшамоқ ҳаққига топаолгай тоб,  
Фақат, фикри битта жойдан чиққан эл!

## Довуш

Қўнгил қўноғида доимо, мен кимнингдур ўрнидаман, деган бир  
плюхий хис макон тутмоғи мансуб.  
Умид шундан.  
Шафоат шундан.  
Иноят шундан...

## Үй

Заминнинг битиги — фидолик:  
бетаъна, безарда, беминнат  
танига олиб не оғу лик  
қайтаради ўрнига неъмат!

Осмон — ҳадсиз хилқат ягона,  
қаъри кенг тўнқарилган қозон.  
Юлдузларга ҳасад бегона,  
манглайига чақнаш ёзилгон!

Йўл ёқасидаги уй — сабр.  
Очиқ турган дарвоза — бардош.  
Кўндан йиғлаб тўкилган абр —  
уммонидан айрилган кўзёш!

Даштларда ҳуриллаб чўккан ел,  
йиқилган паймондир — пичирлаб.  
Бошинг тепасида нидолар — сел.  
Оёғинг остида армон — ғичирлар!

Шомда, онанг уйнинг бурчагида  
ёққан чироқ мойга ботириб,  
тушга аён ўтган кечада  
арвоҳ — руҳи, арвоҳ — хотири!

Баҳр тоши — нураган тоғлар,  
Қақроқ тақир — қуриган денгиз.  
Кўнғир тошга тўкилган доғлар—  
Дулдул мункиганда қолган из!

Сен ичган сув кимдандир қачон,  
балки тортиб олинган насиб.  
Қўлингдаги қизил буғдой нон,  
кимнингдир луқмаси таассуб!

Шундай бўлгач, кибр не ҳожат,  
мақтанчоқлик — эркинга зиндон.  
Ундан ёдгор қолади фақат  
кўкрагингда ин қурган илон.

Мен-ку сенга қилмайман ҳавас,  
бу ишга йўқ руҳимда рағбат.  
Шу боиским, қувончим эмас  
учрашганда кўришар нафрат.

Бўлмасанг бунчалик муттаҳам,—  
ўн панжанг оғзингга урибсан?  
Унутма, муаллақ ўзинг ҳам  
бировнинг жойида турибсан.

## Довуш

Усули кўп,  
тури кўп тузоқларнинг,  
Келардилар кўнглин айламакка сайд,  
Йўлини яқин килиб узокларнинг,  
Тагида бедови гижинглаган пайт.

Вақти келиб бекор бўлди имдоди,  
Бедовнинг жилови тушди қўлидан.  
Қадамлар тийилди ўша захоти:  
Жар чикди,  
сой чикди йўқлов йўлидан.

Сўриб кўзларининг оқу — қорасин,  
Хизматига белбоғ боғлаган қуллар:  
Тайрилгач, кўрсатмай қочди қорасин,  
Йиқилгач, кўзига чўп санчди улар.

Шукр, майдон аро қолмади толиб,

Мадад бўлди сўнги нмкон — ЭЪТИҚОД.  
Йўқловчилар ўзин чеккага олиб  
Тош отдилар бот-бот,  
сотдилар бот-бот.

Окибат кон бўлди,  
кон бўлди кадр,  
Унга тиг урди ёв — кўзкўрт номардлик:  
Фикрдош — нонкўрлик,  
мулойим — жабр,  
Меҳрибон — хиёнат,  
юмшок — бедардлик.

Субут устуни чок, девори ёрик,  
Бутлагим келади — чорасиз дарзни.  
Қўқсимни титкилаб йиғлайди оғрик,  
Ранглар алдамаса бунчалик бизни...

## Уй

Чорраҳада дуч келган кўйи,  
Икки киши тортишар азал.  
Бири олиб бириси кўйиб,  
Бир-бирига санчади ғазаб.

Бири недир айласа бунёд,  
Урар унга бири пайраҳа.  
Кела-келмиш бу эски дунё—  
Икки киши тўқнаш чорраҳа.

Кўзлари ёшланар кириб чанг,  
Йўл азоби — елкалар яғир.  
Қалб уйғониб — сезганида жанг,  
Қайтиш оғир, юриш-да оғир...

## Мусоҳаба

### БИРИНЧИ ЙЎЛОВЧИ

Ҳай-ҳай, биродар, ўзингни босгин,  
орқа-олдингга бир қайрилиб бундоқ,  
ёдингга келтиргин ўтган кунингни,  
одамга озгина ўйлов ҳам керак.  
Ҳамма гапирса ҳам ярашмас сенга.

### ИККИНЧИ ЙЎЛОВЧИ

Сен, кўпам мен учун қийналмагин, кўй,  
хавотир олмагин жонинг куйдириб.  
Ўзим тушунаман сендан яхшироқ:  
нима ярашару не ярашмагай?  
Ҳозирча оқсоқол керакмас менга,  
тўғри йўлга солиб тергаб тургани.  
Ҳожат сезиб қолсам мабодо бирор,  
бошқага сарғайиб юргандан кўра,  
маслаҳат сўрарман фақат ўзингдан.

### БИРИНЧИ ЙЎЛОВЧИ

Кесатмай кўя қол, мен энди шундай  
гапнинг келишини айтдим-да кўйдим.  
Тўғри сўз тикони бордир азалдан,  
кемтик жойни топиб қадалар қаттиқ.  
Кўрганинг, билганинг кўзинг ўнгида  
бошқача тус олса, товланса бирдан  
жим — чидаб туролмас экан-да одам.



Мусавир Т. Саъдуллаев



## ИККИНЧИ ЙЎЛОВЧИ

Ўзининг фойдасин билмаган лаққи,  
ҳайф кетсин шундайин сахт билан сумбат.

## БИРИНЧИ ЙЎЛОВЧИ

Ҳовлиқма — ўпкангни тилиннга олиб  
бунча кўпирмасанг? Нафасинг ростла.  
Ёрилиб кетмагин тагин зўриқиб.  
Овозга ҳай бериб чирангунингча,  
ўйлаб кўрчи бундай танангга бироз.

## ИККИНЧИ ЙЎЛОВЧИ

Ўзимга етгулик фаҳмим бор, шукр,  
яшаб келаётганим бекорга эмас.  
Қорин тўйғазурми, энги бутларми,  
кимга ҳам зарурдир бу қурук, пуч сўз?

## БИРИНЧИ ЙЎЛОВЧИ

Демак, сенга керак бўлмаган нарса,  
бошқага ҳам даркор эмас, шундайми?  
Бу қандай қабоҳат?

Қандай разолат?

Кимки ҳавасига рой берар экан,  
у одам эркисиздир,

У одам муте!

Адашдинг.

ЭЪТИҚОД қуруқ сўз эмас.

Пуч сўз ҳам эмас! Йўқ! У — тирик вужуд!  
Рухинг томирида кезган ҳаракат,  
Оллоҳи каримга имон — ЭЪТИҚОД!  
Ҳамма бирдай меҳр қўйиши лозим  
бўлган юксак аъмол ҳам онг — ЭЪТИҚОД!  
Зарур бахш бўлмоғи,

фидо бўлмоғи,

асрамоғи шартдир ҳар битта муслим.  
Бу учун, энг аввал, билмоғи керак  
ўзининг заковат, қувват ҳолини.  
Юракнинг ҳаракат елкани кучли  
бўлса агар, унга гирвод чикора?  
Тўфонлар бағридан ҳаёт кемасин  
бутун олиб ўтган қодирул қудрат—  
арш аълодан тушган бир дона буғдой,  
қалдирғоч патидан сирғиб қолган пар!

## ИККИНЧИ ЙЎЛОВЧИ

Гапинг эшитишга зор бўлиб турган  
бўш қулоқ топдим деб ўйладинг шекил?  
Ёлғон деётганинг мендан аниқроқ  
биласану айёр, ён бергинг келмас.

## БИРИНЧИ ЙЎЛОВЧИ

Ўз қаричи билан ўлчамиш доим,  
ҳар мўмин борлиқнинг фазлу қусурин.

## ИККИНЧИ ЙЎЛОВЧИ

Бўлмаса не?

Борми ягона ўлчов,

сенинг қаричингми ё фақат тўғри?  
Пайхас қилганмисан, эътибор бериб  
барг-хазон маҳали, тирамоҳ пайти  
дарахтнинг барги ҳам тушади бир-бир  
тепасидан бошлаб пастига довур.  
Буни келтиришдан мақсад-муродим:  
ўшал барглар каби биз ҳам ожизмиз.  
Ожизларнинг эса бари гуноҳкор,  
қайсидир жиҳатдан айбли — лой теккан.

## БИРИНЧИ ЙЎЛОВЧИ

Ожиз эканман деб бўйин эгишмас,  
ночорман деб кўниб юришмас, балки  
айбига иқрорлик, гуноҳин англаш,  
ундан фориғ бўлиш йўлида топган  
Журъат!

Ирода!

Идрок — ЭЪТИҚОД!

## ИККИНЧИ ЙЎЛОВЧИ

Журъат!

Ирода!

Идрок!

Нимадир булар?

Қандай фойдаси бор?

Қаерда мавжуд?

Қайдан гапиряпсан?

Қайси замондан?

Мен-ку учратмадим эсимни таниб,  
насибам қўшилган бирор кимсада,  
сен таъбир айлаган бу жиҳатларни.  
Балки, ўтган замон эртақларида  
хаёлпараст зотлар тўқиган орзу.  
Балки қўлларидан ҳеч бир қор келмай:  
югуриб чарчаган, елиб чарчаган,  
назарда туришга хоҳиши баланд  
таги амалпараст, таги шонпараст,  
палагини совуқ урган кимсалар,  
даврага киришнинг чорасин излаб,  
уйлай-уйлай топган палағда нақл.  
Кўп бийрон келади, сўзамол келар,  
бир ишга бош қўшмай, бўлмайин машғул,  
уқувсиз тентираб юрганлар аён.  
Қайси бир манзилда турибсан, ўзинг?

## БИРИНЧИ ЙЎЛОВЧИ

Сенинг қапталингда, шундок ёнингда.  
Кўрмайсан, нигоҳинг илғасин қайдан  
фойда тешигини ахтарсанг нуқул?!  
Лисон жамғармангда шунга ёндашган  
сўзлардан бошқасин босиб ётар чанг.  
Сенинг **ҲАҚИҚАТИНГ** унган ҳиммату  
мўмай оқиб келган қинғир даромад.  
Шу бўлса бас. Қолган нимаики бор—  
ёниб кетмайдими, қуриб кетмасми,  
сенга фарқсиз, чунки ўйинчи касга  
«гитара»ми, «жаз»ми — қайси асбобдан  
дириллаган овоз чиқса бўлди-да!  
Топган йўлинг шундай, тутган йўлинг шу,  
шунга кўнгил очиб, қўл узатасан:  
бирдай, **ҲАҚИҚАТНИ** тилингда тишлаб,  
бирдай, манфаатни олгансан кийиб.  
Олдин сўзлашувда қўлламай, атай,  
тушириб борасан муомаладан,  
исми фидоликка жоиз сўзларни.  
Кейин унутасан, афсус, минг афсус,  
миянг қобиғида, кўнглинг тубида  
хира ёниб турган эзгуликка тан  
сўзлар ифодаси, сўзлар поёми—  
борки фазилатни, бор хосиятни.  
Қарабсанки, энди, эриш туюлар:  
СУБУТ ҳам,

ИНСОФ ҳам,

МЕҲР ҳам,

ҳатто

эшитишга келмас тобу тоқатинг.



Киндигингни кесган чоғида доянг,  
пичоғи, алҳазар, ўткирлик қилиб  
кесиб кетган экан ғурурингни ҳам.  
Фирибгарлик билан, бадбинлик билан  
кўтарилган, чоғи, шўрлик танглайинг.  
Иш йўсининг шундай қилгансан ташкил—  
ёрдамчи бўласан келган каттага.  
Зиёнларинг дарак беришармикин,  
сезасан сен кимнинг, қачон, қаерга  
келиши, туриши, қайтиши ҳамда  
кўнглининг майлию хоҳишигача,  
бир зумда ўзингни оласан мослаб.  
Икки қават гулдор эшик олдида  
сидқидил турасан соқчи мисоли,  
келган-кетганларни кутиб, кузатиб.  
Гап олиб, гап сотиш касбига содиқ  
оғзиларин пойлаб қулоғинг ҳушёр.  
Табриклайсан ҳар гал, ҳаммадан аввал,  
амалга ўтирган янги одамни.  
Қабулига кириб-чиқаверасан,  
таъзим қилиб ҳожат бўлса-бўлмаса,  
ўну йигирмага сон йўқ ҳар куни.  
Ҳушомад — ИМОНдан айлар мосуво.  
Қўрқув — ЭЪТИҚОДни кемирувчи қурт.  
Шобир келтирасан, хабар берасан,  
нимани сўраса — бир хил жавобинг:  
«бўлади-ю, энди, лекини бор-да...»  
Не маслаҳат солса — бир хил жавобинг:  
«бўлади-ю, энди, лекини бор-да...»  
Кўнглига хавотир уруғин сепиб,  
ичингдан шувиллаб тўкилиб кетар—  
ғараз қириндиси, сассиқ куюнди.  
Воқе, ҳодисларни истаганингдек,  
бирга тўққиз қўшиб яхлит ўн билан  
кимда аламинг бор, кимдан заданг бор,  
тишингга зил бериб юрган кирларни  
етказасан умум нияти тахлит,  
зикри — тахт, пешаси — лавозим бўлган  
курсига маҳлиё меъров, овсарга.  
Хоҳласанг, қорага бўяб оқ тусни,  
кўрсатасан тегиб қитиқ патига.  
Хоҳласанг, товонин силаб-сийпалаб,  
кўзларингга суртиб ковушин чангин,  
бардор-бардор қилиб ер-кўкка қўймай,  
алқайсан йўталини мусиқий дея.  
Хоҳласанг, кўнглини қутқулаб, қайраб,  
шундайин ҳолатга келтирасанки:  
гўё ақлу ҳуши бошидан учиб,  
феъли айниб, босиб вос-вос ваҳмаси,  
кўзларин олдини тўсиб тўполон,  
оқпадарлик ила оёқ кўяди:  
тил берган, ризқ берган элнинг юзига.  
(Шўриш бўлар, лекин бунақаси кам!)  
Қадрин шувит қилиб, обрўйин тўкиб,  
кузатасан кейин қарсақлар билан,  
сўнгги таскин билан кўтариб кўнглин,  
эшиккача ҳамдard бўлиб — биринчи.  
Қайтиб кирасану шоша-пиша, шарт —  
бошинг тепасида, хонанг тўрини  
узоқ йиллар безаб турган суратин,  
зарб билан юлқилаб оласан-да, ва  
ҳеч кимга сездирмай йиртиб ташлайсан.  
Сурат соясида бўёқ оҳори  
ялтираб, ажралиб қолган деворга,  
тадбиркорлик билан фурсат ўтказмай,  
янги бир расмни иласан дарров,  
(яқин олганлигинг белгиси сифат,

унинг ишончини қозонмоқ учун.)  
 Қарайсан қайрилиб — қайрилиб токим,  
 тарзи кўзларингга ўрнашгунича.  
 Рўйхатларни бузиб тузасан қайта,  
 ҳомийинг райига маъқул, муносиб.  
 (Гўёки буниси қолгудай мутлақ).  
 Кетганин ортидан тикинди олиб,  
 таъналар тўқийсан, кир қидирасан,  
 Диёнатни четга туфлаб беписанд,  
 маломат бозорин олдираман авж,  
 шамол юқорига чиқволиб обдан,  
 совурасан синиқ паншаха билан  
 қилмишларин гўё мардона туриб,  
 худо кўрсатмасин, яна биринчи!  
 Сен агар мард бўлсанг, раҳнамоингни  
 омади чап кетиб, йиқилгандан сўнг  
 от ҳайдаб, қўш солиб юргандан кўра  
 пойи узангида маҳкам турган кез  
 мақтама, ғаровдан тиргаклар кўйиб.  
 Мунофиқлик эрса — ордан ёмонлаш.  
 Рўпарада мақташ — садақа сўров.  
 Нафратланаман, ки ордан тиғ уриб,  
 баҳодир бўлгандан кўраям кўпроқ  
 олдда тил ёғлаган хушомадгўйдан.  
 У шохдан, бу шохга ўтган читтақдай,  
 одамки, кўнимсиз кўйга тушдим:  
 юриш, туришида бузилиб тинчи,  
 ҳаётин тарзидан қочиб ҳаловат,  
 ўзининг кучига ишончи сўниб,  
 муқаддас тўйғулар ўлиб кўнглида  
 хувиллаган, яйдоқ, бўш гавда билан  
 хиёнат кўчасин қидира бошлар —  
 путур кетгани шу бўлар одамдан.  
 Қанча хушомадгўй, нафс қули бўлса,  
 сенга тегиб ўтар этагин учи,  
 сенга хеш ақрабо, сенга қариндош,  
 қалбин қурум босган эътиқодсиз кас!

#### ИККИНЧИ ЙЎЛОВЧИ

Чайир бойлаб кетган экан жаҳинг ҳам.

#### БИРИНЧИ ЙЎЛОВЧИ

Сув юқтирмайсан сен, ўзингга сира —  
 бетинг қаттиқ қилиб юраверасан.  
 Қувлик борасида пихини ёрган  
 шайтон ҳам бўлолмас сенинг ҳўғиринг.

#### ИККИНЧИ ЙЎЛОВЧИ

Ў-ў, ҳаддан ошма. Ўзинг ҳам жуда  
 фаришта эмассан, оппоқ эмассан.  
 Топиларми бирор шундай валломат:  
 ўзин ўйламаган, ўзин демаган,  
 бошқа бировларга холисанилло  
 насибасин тутиб, қайишиб, ўзи  
 оғзин очиб, икки қўли қул-қуруқ  
 тангри берган ризққа шукрона айтган?!  
 Ҳаҳ, билмадим! Йўқдир?! Чунки одамнинг  
 танида раҳмон ҳам, шайтон ҳам мавжуд.

#### БИРИНЧИ ЙЎЛОВЧИ

Одам субутини худди ана шу  
 икки кучдан қайси бирига дохил  
 бўлган муносабат белгилар шаксиз.  
 Шайтоннинг макрига бермай мойиллик,  
 нўхтасини унинг берк тутиб мудом,  
 раҳмоннинг измини ихтиёр этиб,  
 сиғинган ҳоҳишу поклик — ЭЪТИҚОД!

## ИККИНЧИ ЙЎЛОВЧИ

Майли, сен сари ҳам борайин бир оз.  
Шунча куйинганинг, шунча ёнганинг  
таъсир этса эди кошки бировга.  
Борга қониқ қилиб, йўғига кўниб,  
олмайман, бермайман дея ўзингни,  
қанчалик чеккага тортганинг сайин,  
бепарво, беписанд ўтар одамлар,  
шафқатсиз равишда босқилаб, янчиб.

## БИРИНЧИ ЙЎЛОВЧИ

Керилар — еганин мақтаниб нодон,  
кийганини кўз-кўз этади туллак.  
Ноқис едирганин миннат қилиб бот,  
ҳузур олар шундан худбин кўнглига.  
Таажжуб уйғотар, ҳайрон қолдирар,  
қодир табиатнинг гоҳида иши:  
поёнсиз муҳитнинг, чексиз саҳронинг  
бағрида дийдираб кўкламда бир он,  
бўй кўрсатган нимжон кўзигул чатнар,  
қовжирар — бемаврид сўнган умиддек.  
Боғ тўрида, айни сўлим гўшада,  
чирмашиб, барг ёзиб зарпечак байри  
яшнар — дарахтларнинг сўлини сўриб.

## ИККИНЧИ ЙЎЛОВЧИ

Ўзингдан қиёс ол. Узоққа бормай.  
ЭЪТИҚОД этагин тутганинг билан  
қани, айт-чи, биринг бўлдим икки?  
Туриш-турмушинга бир қараб олдин,  
оғзингдан бол томиб сўйлагин сўнгра.

## БИРИНЧИ ЙЎЛОВЧИ

Тўғри, сенинг давлатинг мўлдир:  
сағирнинг, кабирнинг ризқига шерик  
ўғирлаб, ўмариб топилган мулкка  
ишониб кеккайма, ёмондир доғи.  
Буюрмас бу бойлик, ўзин билганга  
қашшоқлик туюлгай, хорлик туюлгай,  
Негаким, усти пот яланғоч қалбинг  
ҳадикка занжирбанд, қўрқувга асир,  
ярим кечалари уйқунг тирқираб,  
тушларинг бўлингай —

хавотирга қул.

Нафс — мисли туби йўқ ўпқонга менгзаб  
тўлмагай дунёнинг бор шуди — будин  
жойлаганинг билан, тикқанинг билан  
очиб тураверар оғзин очофат,  
Илинтириб сени тузоғига боз,  
бўйнингга сиртмоғин ўтказиб обдан  
хоҳлаган рафтида ўйнатар эркинг.  
Армон одамларни бир этиб тағи,  
қайғу, доғ, ҳақирлик яқинлаштирар.  
Битта кўзнинг бевақт юмилиши гоҳ  
боис бўлмиш, ровийлар келтирганидек,  
юзлаб кўзнинг бирдан очилишига,  
Ризқ бўлган, насиба бўлган бир майиз  
қирқ киши тил топиб, шукр этган чоғи.  
Балки, бу оқибат эҳсони эрур,  
балки, бу одамлар аро мурувват  
макон топганидан мустаҳкам тимсол?!  
Аслида чин бойлик — қалбнинг кенглиги,  
мўллиги яхшилик деган туйғунинг,  
ночорга қайишиш, ожизга шафқат,  
назарнинг тўқлиги, дил фориглиги,  
юррак изтироби, кўнгил қайғуси.

Менинг мулким — ИМОН, давлатим — СУБУТ,  
йиғиб териб топган бисотим — АРМОН!

#### ИККИНЧИ ЙЎЛОВЧИ

Насиб рўзи этсин ишқиб<sup>1</sup> АРМОНИНГ,  
дунёдан тилагинг шу бўлса агар,  
кўнглингга хуш келса шу қидирмишинг,  
сира қўлинг узмай, ортидан қолмай  
давом эттиравер келган жойингдан,  
алмисоқдан келган аҳмади поринг.  
Иложи бўлса гар тумор тўқитиб,  
бўйнингга тақиб юр кўйлак остидан,  
асрар ҳар хил эгри ниятдан, чунки  
кўзга кўп яқинсан, мени қийнайди —  
шунга кўз тегмасин деган хавотир.

#### БИРИНЧИ ЙЎЛОВЧИ

Бу пичингинг энди, қаерга кўяй?  
Сенга гапириш ки, ёбонда ётган,  
фақат тўқиниш-чун яралган яроғ —  
кесакка сўз айтиш билан баробар.  
Қийиндир олмаса ўзига одам,  
бекордир топмаса ўзида хоҳиш  
кадрини, эркини сезишга, ҳайҳот!  
Менга бўйин бўлмайт товларсан, аммо  
ҲАҚнинг нигоҳидан бекиниш маҳол.  
Азал руҳ тепада кузатиб юрар,  
бандаи мўъминнинг босган қадамин:  
айбу гуноҳни-ю, хайру савобни  
одил назари-ла ҳисобга олиб.  
Эртами кеч, бир кун, жавоб сўралар:  
қилмишлар учун ҳам, саъйлар учун ҳам  
ҲАҚ олдида ёлғиз кўйиб муслимдан,  
ўшанда ер бўлиб қолма, дейман-да!

. . . . .  
. . . . .  
. . . . .  
. . . . .

Ҳай майли, бир тутам қисқа кун ўтди.  
Қўл тегмай, вақт етмай, анчадан буён  
боролмаган эдим, кўнглимда хижил,  
боболар хотирин ёд — йўқла этиб  
**РУҲИМНИ БИР ЕНГИЛ ҚИЛГАНИ КЕТДИМ,**  
**СУЛТОН МИРҲАЙДАРГА — ҚИБЛАГОҲИМГА!**

### Довуш

Эҳтиёткорлик — кўркувнинг онаси. Бугунги  
эҳтиёткорлик эртага ҳадикка, индинига хавотирга,  
сўнгги кун эса кўркувга айланади...

Халқдан гап бошласанг — тутар қалтирок,  
Виждондан сўз очсанг — хавотир тузғар.  
Юртим деган ҳисдан киради титрок,  
Тарихни ёдласанг — ваҳима кўзғар.

Қандай хавф-хатардан сақлар юртини,  
Номини тутишдан чўчиган кибор?!  
Нафрат-ла тупуриб унинг дардини,  
Ўзини эҳтиёт қилади тақроп.

Қандай филокатдан қутқарар омон,  
Виждонни гунг қилиб, шўр босган юрак?!

<sup>1</sup> Ишқилиб маъносида.

Ўзига, ўзига тиклайди имкон,  
Эҳтиёт ғиштидан ясаб зўр тиргак,

Қай гумондан халкнинг олдини олар,  
Эҳтиёт азоби занглатган мия?!  
Ўзига, ўзига ўнғай йўл солар,  
Адл дарахтларни ўсган деб қия.

Қай шубҳадан асрар ҲАҚИҚАТНИ, оҳ,  
Кутиб, кутавериб, қотиб колган онг?!  
Югурган жилғани учратса ногоҳ,  
Ҳайхот, сел босди деб, бонг уради, бонг!

Қандай таъналардан химоя этар,  
Тарихнинг нажот-ла чўзилган кўлин?!  
Мавруди эмас. Вақти бор. Кутар.  
Жар солиб югурар — эҳтиёт бўлинг!

ҲАҚИҚАТ йўлида тўғанок отган  
Кутиш — майдонга тик чиқишдан кўркиб,  
Пана-пастқамларда биқиниб ётган  
Эҳтиёткор зотнинг химоя ўки!

## Ўй

Уйгинангга ўтлар тушсин-а кўркув!..

Кўрқоқларнинг жони азиз, авайлар,  
Соясидан гумон кўкарар илкис.  
Озгина зўр келса, майдонни тайлаб  
Қочади — дўстини қолдириб ёлғиз.  
Кўнглини қақшатиб мижиқлар кўркув,  
Бўғзида қотади сўзининг ярми.  
Зарур бўлса, кулиб нула тортар ув,  
Зарур бўлса, кўриб йўқ дейди борни.  
Динидан кечмоғи жуда осон иш,  
Қадрининг баҳоси бор-йўқ бир чақа.  
Матлаби — ҳолатга қараб мослашиш,  
Маслағи — хушомад, хиёнат фақат.  
Сотқинлар урчийди, жувонмард ҳалок,  
Кўрқоқлар туғ тутиб турган маконда.  
Минг йиллардан бери Алпомиш ҳалак —  
Чиқолмай кўрқоқлар солган зиндондан!

## Довуш

Дўст йўқ бу дунёда,  
Йуқдир кадрдон,  
Садоқат ҳақида қасамлар бекор.  
Биродарлик — йўли,  
ҳамдамлик — ёлғон,  
Фақат манфаат бор, муносабат бор!

Кўлдошлик — шунчаки,  
йўлдошлик — ўйин,  
Камтарлик — беписанд,  
самимият — хор.  
Миннатга, таънага суянган кўйи,  
Фақат манфаат бор, муносабат бор!

Еғий дея черик тортмок бефойда,  
Душман йўқ,  
рақиб йўқ тиг тутган зинҳор.  
Қарашлар дуч келган,  
тўқнашган жойда,  
Фақат манфаат бор, муносабат бор!

Кори тоғда ёғиб курук изғори,  
Даштларни сидириб, изғиган паллод<sup>1</sup>  
Сингари курумсок, зангин моғори —  
Манфаат жаллоддир,  
манфаат жаллод!

Кўчадан терилган гаплар — қандай сир:  
Арқоғи иғводан, тўкимаси кин.  
Кетолмай атрофинг айланган гир-гир,  
Манфаат сотқиндир,

манфаат соткин!

Кучига ишонсиз мурожаатлар,  
Рўзномада пайдо навбатсиз боз-боз.  
ҲАҚҚА ундов, рангин, лоф шижоатлар,  
Манфаат лўттивоз,

манфаат лўттивоз!

Қувурлар туфлаган сарғимтир оғу,  
Қалбларни кўр қилган,  
кулокни ботил.

Сахаровни кулиб ўлдирган, ёху,  
Манфаат котилдир,

манфаат котил!

Тазаррулар ўтрук,  
тавбалар ўтрук,  
Малолдир — юрагинг қисади бўғриб.  
Ризк-рўзинг комига симирган ўприб,  
Манфаат ўғридир,

манфаат ўғри!

Хато деб кўмилган марҳум руҳини  
Кўзғатиб — жойидан бежо қабрлар.  
Йўк, кўтариш эмас ҲАҚнинг туғини,  
Бу — нодон манфаат тукқан жабрлар!  
Қаерга қарама хозиру нозир,  
Илжайиб туради кўл қовуштириб.  
Кулгусида ботмон заққуми бордир.  
Хурматида узок — йўл топиштириб!  
Ис чикқан мўрини тез олар таниб,  
Югурар карайсан, ҳайрон, дабдуруст.  
Бу ўша манфаат — жилмайган ғаним,  
Бу ўша манфаат — тавозели дўст!

## Ўй

### КЕНГЛИКЛАРГА ЧИҚАЙЛИК!

Гугурт қути хоналарни  
тарк этайлик бир замон,  
тарк этайлик бир замон  
қоғоз турларини-да.  
Ҳей, одамлар, гаплашайлик  
бўлиб иноқ, меҳрибон,  
итқитайлик шўр бойлаган  
кудурат кирларни-да!

### КЕНГЛИКЛАРГА ЧИҚАЙЛИК!

Юракларга ўрнашсин то,  
лоқайдликмас, ҳаракат,  
оқибатга чийрилган ки —  
меҳру мурувват, фидо.  
Деворларда осиф турган  
бўёқлар эмас қат-қат,  
ўрнашсин то гиёҳ ранги,  
қушлар ҳайқирган нидо!

### КЕНГЛИКЛАРГА ЧИҚАЙЛИК!


Ки, ёмон бир хатар сезиб

<sup>1</sup> Паллод — изғирин.

ҳар фурсат, ҳар дақиқа,  
дахшатли шиддат билан  
биздан кетаётган қочиб:  
тўрғайларни, йўрғаларни,  
сафсарларни вақтида,  
меҳр билан қайтарайлик  
ортига бағир очиб!

**КЕНГЛИКЛАРГА ЧИҚАЙЛИК!**

Қайтарайлик, йироқлашиб  
бораётган самандар —  
қадрин топсин ғурурларда  
ВАТАН — бу кўҳна чорик.  
Қадрин топсин ғурурларда  
йиғлаётган саманлар,  
соғинганим ЭЪТИҚОД —  
УЗОҚЛАШАЕТГАН ОҒРИҚ!



## Журналхонлардан мақтублар

\* \* \*

Оммавий ахборот воситаларига қўйилаётган талабларнинг кескинлашуви ва қатъийлашуви туфайли, шунингдек, «Шарқ юлдузи» ойномасининг доимий мухлисларидан бири бўлганлигим учун, ойноманинг бундан кейинги фаолияти борасидаги айрим фикрларимни билдирмоқчиман.

Авалло, журналнинг мавқеи ҳақида. Менимча, матбуот органларига партиявий раҳбарликни тўхтатадиган вақт ҳам келди. Айниқса, «Шарқ юлдузи»дай етакчи адабий нашр ҳолис бўлмоғи шарт, йўқса, кечаётган воқеа-ҳодисаларни ҳаққоний баҳолай олмайди. Иккинчидан, уни тезроқ хўжалик ҳисобига ўтказиш лозим. Журналхонлар олқишига сазовор бўлган материалларнинг муҳаррирлари албатта, маънавий ва моддий рағбатлантирилиши керак, деб ўйлайман.

Энди журналнинг мавзулари ҳақида.

Ёшларга эътибор янада кучайтирилиши керак. М. Зокировнинг тасаввуф ҳақидаги мақоласи менга унчалик манзур бўлмади. Тасаввуфнинг босқичлари, уларда нелар зуҳур этиши, оқимларнинг асосий хусусиятлари... Ахир, бу илоҳиётга асосланган таълимот-ку, қуруқ гапни кўтарармиди? Бизлар борлиқ ва йўқлик (гайб), вуҷуд ва жон таълимоти ҳақида ҳеч нарса билмаймиз. Шу мавзудаги мақолалар жуда зарур деб ҳисоблайман.

Аёлларнинг бугунги аҳволи, нотўғри юритилган сиёсат уларни не кўйларга солгани ҳақида кескинроқ чиқишлар қилинса, жуда маъқул иш бўлар эди.

Ушбу фикрларни инобатга оларсизлар деб:

**Мақсуда СУЛТОНОВА,**  
Тошкент шаҳри, Куйбишев ноҳияси

\* \* \*

«Шарқ юлдузи»ни қўлимга олар эканман, ҳамшиша ҳаяжонга тушаман. Чунки, янги асарларни ўқиш, янги шоир ёзувчилар билан танишиш жуда қизиқарлидир. Ойноманинг 5-сонида чоп этилган саволларга ушбу тартибда жавоб беряпман.


1. Шовот ноҳиясидаги 8-сон ҳунар-техника билим юрти талабасиман.

2. «Шарқ юлдузи»ни ёшлик пайтимда, катталардан яшириб ўқир эдим. Уни жуда яхши кўрдим, ҳар бир сонини интизорлик билан кутардим. Ойнома ҳозир ҳам мен учун энг сеvimли журналлардан бири.

3. Ҳар бир сонини қолдирмай ўқийман. Мунтазам обуначиман.

5. Ойнома саҳифаларида авваллари шоир ва ёзувчиларнинг дил сўзлари ёритилиб турарди. Негадир бу иш тўхтаб қолди. Истақларим: шу анъана давом эттирилса, шунингдек, ёш ижодкорларга ҳам сўз берилса.

6. Исмү шарифим Навбахор Нурметова, ёшим 18 да.



Абдуқаҳҳор Иброҳимов

## ПУЧ

Икки пардали трагикомедия

### ҚАТНАШУВЧИЛАР:

**Тўлаган** — жумҳурият Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

**Элтутмиш** — тарихчи.

**Хонқаро** — руҳоний, мударрис.

**Суюн** — бош врач.

**Қайтмас** — мактаб бошқони.

**Метин** — журналист.

**Оғабек** — ижроқўм раиси.

**Евқоч** — универмаг бошқони.

**Тўқмоқли** — ички ишлар бўлимнинг бошлиғи.

**Бойсунқур** — давлат хўжалиги бошқони.

**Севил** — аспирант.

**Тўлиной** — толиба.

**Еруғкун** — толиба.

**Мулойим** — Тўлаганнинг хотини.

**Товус** — Суюннинг хотини.

### БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Тўлаганнинг шахсий, катта биллиардхонаси. Бу ерда курсилар ўрнига тўнкалар қўйилган. Бир курсича устида ўйин қартаси, иккинчи курсича устида доналари терилган шахмат тахтаси. Биллиардхонага туташ хона — меҳмонхонада Тўлаган бугун гап бермоқда. У улфатлари — Хонқаро, Элтутмиш, Оғабек, Суюн, Евқоч, Қайтмас, Тўқмоқли, Метин, Бойсунқурни биллиардхонага бошлаб чиқади, уларнинг тўкин дастурхондан туриб келгани шундоқ билинади, айримлари тиш қавлайди, бошқалари ширакайф, бир оз гандираклайди. Қий-чув кўтарганларича эсдалик учун суратга тушадилар:

— Тўлаганнинг ёнида мен туришим керак.

— Йўқ, мен туришим мумкин, чунки Тўлаганнинг энг яқини мана мен бўламан.

— Тўлаганга тўнка қўйиб бер, устига чиқсин, яхшироқ кўриниб турсин.

**Тўлаган.** Уз уйларингдагидек, баҳузур яйраб ҳордиқ чиқарингиз. Истасангиз, китоб варақланг, истасангиз, қартабозлик қилинг, пул тикиб эмас, албатта...

**Хонқаро.** Баракалло!

**Тўлаган.** Истасангиз, шахмат суринг, истасангиз, биллиард ўйнанг...

**Метин** (ҳазилга буриб). Истасангиз, чой ичинг.

**Тўлаган.** Чой буюрилган, азизим Метин, ҳозир олиб кириб қолишади. Айтгандай, бугун эрталаб мен Келган Утаровичнинг ҳузурларида бўлдим. Узлари ҳаммангга салом айтдилар.



**Ҳамма.** Саломат бўлсинлар.

Унг ёқдан Тўлиной турли ичимлик, ичкиликлар, биллур қадаҳлар ва чойнак-пиёлалар қўйилган аравагани етаклаб кириб келиб, иккинчи томонга боради. Ҳамма уни кузатади ва унга маҳлиё. Эғнида замонавий кийим-бош.

Чап ёқдан Ёруғкун турли ичимлик, биллур қадаҳлар ва чойнак-пиёлалар қўйилган аравагани етаклаб кириб келиб, қарши томонга боради. Ҳамма уни кузатади ва унга маҳлиё. Эғнида замонавий кийим-бош.

Зал томондан Севил бир баркаш олма-анор, узум кўтариб кириб келади. Эғнида ўта замонавий кийим-бош. Ҳамма унга жуда маҳлиё.

**Тўлаган.** Толибамиз Тўлиной, ҳисорлик кадрдоним кенагас Тўғрулбекнинг фарзанди комиласи...

Тўлиной аста бош силкиб қўяди.

... Толибамиз Ёруғкун, тошҳовузлик қўнғирот Алптакиннинг ёлғиз дурдонаси. Алптакин билан АҚШга бу йилги сафаримда бирга бўлган эдик...

Ёруғкун аста бош силкиб қўяди.

... Аспирантимиз Севил, Қизил ўрдалик, яъни Нодирабегим салтанати даврида бунёд этилган Оқмачит шаҳрилик эски кадрдоним Оқбўтабийнинг туғишган жиянлари...

Севил аста бош силкиб қўяди. У ҳаммага бемалол қараса-да, фақат Суюнга, ҳатто у турган тарафга қарашга чўчирди, қарашни истаса-да, лекин кўз кўзга тушишига ботинолмасди, ўртадаги сирни очиб қўйишидан чўчирди. Суюнда ҳам шундай ҳолат ҳукмрон эди, у юракдан Севилни кузатишни истаса-да, лекин ҳаё-андиша туйғуси уни тизгинларди, у ёш куёвлардек қизариб ерга боқар эди, холос.

... Ҳаммалари қанотимиз остида таҳсил кўрмоқдалар, хонадонимизда фарзанд мақомида яшамоқдалар, модомики шундай экан, буни сизлар ҳам, қиёматли улфатларимиз сифатида билиб қўйишингизни лозим кўрдик.

**Хонқаро.** Баракалло, танимасни сийламас дейдилар. Иншоолло, бул муслималар биз аҳли улфатга ҳам фарзанд мақомида бўлғайлар.

**Тўлаган (аёлларга).** Сизларга рухсат, аянғизга айтинглар, манти қасқонларни ўтга қўяверсинлар.

Аёллар чиқадилар

**Қайтмас.** Тўлаган оғайни, сенларга қулай-да, бирини студентим дейсанлар, иккинчисини аспирантим дейсанлар, яна бошқасига консультантиман, дейсанлар-да, хоҳласанг, оқсоч қилиб тутасанлар, хоҳласанг, текин хизматкор қилиб фойдаланасанлар, эпини қилолсанг, ўйнашлик вазифасини ҳам юклайверасанлар.

**Суюн.** Йўғ-эй, йўғ-эй, шундай қайта қуриш замонида-я! Тўлаган инсофли, диёнатли, тақвоси кучли одам-ку.

**Қайтмас.** Бе, қаёқда! Хўш, қани менга айтсин-чи, ўтган галги ўтиришимизда хизмат қилган ўша «Сарвиғулларини қаёққа гумдон қилганинкин? Ахир, улар бир неча йил шу хонадонда «фарзанд мақомида» яшаган эдилар-ку?.. Хўш?

**Тўлаган.** Мавриди келганга ўхшайди, сизларга тушунтириш бериб қўямасам бўлмайдиганга ўхшаб қолди... Аввалги Сарвиғуллар ўқишни тугатишди, яъни ўз бўстонига қайтиб кетишди. Тўйлари ҳам бўлиб ўтди, рафиқамиз билан маънавий ота-она мақомида иштирок этиб қайтдик.

**Қайтмас.** Хўш, менга айт-чи, студентлар-ку уйингда заруратдан, ётоқхоналар тақчиллигидан туради, дея қолайлик, анани турмуш қурган Севил деганинг эриники қолиб, нега сеникида турар экан? Хўш?

**Тўлаган.** Турмуши бузилган...

**Қайтмас.** Епирай!

**Тўлаган.** Тоғаси эри тутволиб ураётганида устидан қичиб қолиб, бизникига олиб келиб ташлаб кетди.

**Қайтмас (киноя билан, чўзиб).** Тооғааси дегиин?!

**Суюн.** Бузуқ кўнғилдан фақат эгри фикр ўтади, деганлари рост экан. (Қайтмасни кўрсатиб.) Мана исботи.

**Қайтмас.** Сен ҳадеб гапга суқилаверма, сен ниманиям билардинг?

**Суюн.** Шу ўтган бир йил ичида Севил калтак зарбидан мияси чайқалиб кетган ҳолда касалхонамга бир неча марта келтирилди, реанимацияда, изоляторда ётиб даволанди, акт-накт тузишда мен ҳам иштирок этдим, бош врач сифатида.

**Элутмиш.** Кўҳна тарихдан маълумки, аёллар ҳуқуқи топталган жамиятлар ҳам, салтанатлар ҳам таназзулга юз тутмишдир.

**Хонқаро.** Бале! Кўр'ёни шарифда ҳам, Аллоҳ таоло олдида ҳам, илм олиш бора-сида ҳам ҳар бир муслим ва муслима тенгҳуқуқлидир дейилмиш. Илму фан бешиги бўлмиш қадим Шарқимизнинг энг сўнги асрларда тараққиётда Оврүподан орқада қолиб кетишига асосий сабаблардан бири шуки, аёлларимиз ҳуқуқи камситилди. Мабо-до аёлларимиз ҳуқуқи камситилмай, улар ижтимоий фойдали меҳнатда фаол қатнаш-

ганларидами, балки ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, ал-Форобий, ал-Беруний, ибн Сино, ал-Бухорий, Ғаззолий давридаги даражада ривож топиб кетармидик. Лекин бир шоир айтганидек, тарихда қоралама нусха бўлмайди, ҳақиқий тарих фақат бир нусхадир. Шу сабаб, бундан буёғига эҳтиёт бўлайлик, умумжаҳон тараққиётига етишиб юрайлик. Америкалик бир адиб яқинда 2000 йилгача АҚШ президентлигига аёл киши сайланишини орзу қилди. Такрорлайманким, аёл кишига, умуман Ер юзида энг шарафли зот бўлмиш инсон боласига қўл кўтариш ҳаромдир, бу шариат ҳукмига хилофдир.

**Қайтмас.** Оббо Хонқаро ҳазратлари-ей, аёлларга муносабат масаласида ҳам ақидангизни кўзлайсиз-а.

**Хонқаро.** Маслақдан айру яшаб бўлмас, эй биродари азиз.

**Қайтмас.** Қани менга шуни тушунтириб беринг-чи, Хонқаро ҳазратлари, ҳаммамиз (икки қўли билан ҳаммани кўрсатади) бир-биримизга деярли тенгдошмиз, бир кўчада гўдакликдан тепишиб катта бўлганмиз, устига-устак ўсмирликдан бошлаб, бунгаям ярим асрча бўлиб қолди, «гап» ўйнаб улфатчилик қилиб келяпмиз. Шу сабаб бўлса керак, ҳаммамиз бир-биримизни сенсираймиз. Фақат се... сизга қолганда сизсираймиз-а? Нимага шундайкин-а, Хонқаро ҳазратлари?

**Хонқаро.** Дарвоқе, шундай-а? Аҳли улфат, сизлар нима дейсизлар? Хўш, нима учун? **Тўлаган.** Руҳоний бўлганингиз учун!

Хонқаро бош чайқайди.

**Элтутмиш.** Ҳусайн Бойқаро авлодидан бўлганингиз учун.

Хонқаро бош чайқайди.

**Суюн.** Демак, Амир Темур авлоди бўлганингиз учун.

Хонқаро бош чайқайди.

**Метин.** Ҳажингиз қабул бўлгани учун.

Хонқаро бош чайқайди.

**Оғабек.** Рим папаси Павел Иккинчи билан сўхбатда бўлганингиз учун.

Хонқаро бош чайқайди.

**Қайтмас.** Бўлмаса, ўзингиз айта қолинг, шаҳар бердим, нима учун сизни ҳамма сизсирайди?

**Хонқаро.** Чунки ҳаммангизни камина сизсирайди-да.

Бир оздан кейин гурра кулги кўтарилади. Қайтмас қўл силтаб нари кетади-да, бошқотирма ечишда давом этади.

Хонқаро билан Элтутмиш яна китобларни кўздан кечирадилар, Тўлаган улар билан бирга.

Ҳамон қарта ва шахмат ўйинлари давом этарди. Суюн атрофни кўздан кечириб, ҳамма ўзи билан овора эканини ҳис этгач, Тўлаганга яқин боради.

**Суюн.** (аста). Тўлаган, мен бир телефон қилиб келсам.

**Тўлаган.** Бемалол, телефон кабинетимда.

Суюн чиқади. Кутилмаганда Қайтмас гапириб юборади.

**Қайтмас.** Топдим! Ўзим топдим! (Журнални осмонга отиб, илиб олиб.). Волга Каспийга қуйилади!

Ҳамма нигоҳини Қайтмасга қаратади, унинг гапи улфатлар онгига анчадан кейин етиб боради. Бирданига гурра кулги кўтарилади: «Волга Каспийга қуйилади».

Чироқ ўчади.

## ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Тўлаганнинг иш кабинетига (унинг иккита эшиги бор) бир томондан Суюн, иккинчи томондан Севил айна бир пайтда кириб келишади, бир-бирларига кўзи тушиб, бир оз орқаларига тисариладилар-да, кейин қучоқларини очган ҳолда аста-аста бир-бирларига интиладилар, уларнинг қўллари гўё қуш қанотларини эслатади, юришлари эса қушнинг ердан самога парвозига ўхшайди.

**Суюн.** Кўнгил сездим сизни шу хонада учратишимни.

**Севил.** Меники ҳам.

**Суюн.** (Аста бағрига босади.) Менинг Севилим.

**Севил** (кўксига аста бош қўйиб, оҳиста). Менинг Суюним...

**Суюн.** Не янгиликлар бор, гўзалим?

**Севил.** Тоғам мени касалхонангиздан тўғри шу ерга олиб келганларидан хабарингиз бор...

**Суюн.** Ҳа, телефонда айтган эдингиз.

**Севил.** ...Профессор Қоратоғ менга илмий раҳбар бўлишдан расмий тарзда воз кечди.

**Суюн.** Нечун?

**Севил.** Эр-хотиннинг жанжаллари менинг обрўйимга раҳна солиши мумкин, деб кўрсатибди, ёзган аризасида. Лекин шу ариза академия президиумида кўрилганда, Тўлаган домла биринчи бўлиб сўзга чиқибдилар-да, менга илмий раҳбар бўлишни илтимос қилибдилар. Илтимослари қондирилибди...

**Суюн.** Табрик этаман, Тўлаган чиндан ҳам бизларнинг суянчиғимиз, ҳар борада ҳам...

**Севил.** Секинроқ айтасизми! Тўлаган домла энди менинг маънавий отам, рафиқалари менинг маънавий онам бўладилар. Айтгандай, мен куни кеча судга ажралиш ҳақида ариза топшириб келдим, Тўлаган домланинг ҳам, аямларнинг ҳам хабарлари бор, албатта.

**Суюн.** (тиз чўкиб.) Жоним, мен...

**Севил.** (Суюн оғзига бармоқларини босиб, гапиртиришга йўл қўймайди). Сиз ариза бермайсиз. Сизга мумкин эмас. Мабодо сиз ариза берганингизни билиб қолсам, мен аризамни қайтариб оламан. Келишдикми, жоним?

**Суюн.** Сиз менинг кечиккан кўкламимсиз.

**Севил.** Йўқ, кечиккан эмас, кечикаёзган кўкламингизман. Сиз эса ҳаётимнинг иккинчи баҳорию кўнглимнинг биринчи кўкламисиз.

Кучоклашиб турадилар. Суюннинг осма тасмаси елкасидан тушиб кетади. Қайтмас улар ёнига келади. Уни кўриб, Севил Суюн бағридан чиқади ва кўздан ғойиб бўлади. Шу пайт Суюннинг бел оғриғи тутиб қолади. Қайтмас унинг қаддини ростлаб кўяди.

**Суюн.** Ҳа, қитмир-эй!

**Қайтмас.** Телефон қилиб, мактабдан бир хабар олиб қўяй.

**Суюн.** Ие, бугун яқшанба-ку. (Чиқади.)

**Қайтмас** (Суюннинг орқасидан). Қоровулга!.. Навбатчига телефон қиламан.

Қайтмас ўғри мушукдай у ёққа-бу ёққа аланглайди-да, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, телефон қилади.

**Қайтмас [телефон қулоғига овозини ўзгартириб гапирди].** Доктор Суюннинг рафиқаси Товусбегим керак эдилар... Ҳа, ўзингизми, унда жудаям яхши!.. Э, мени суриштирманг, мен бир холис одамман. Вақт тиғиз, қулоқ солинг, агар сиз ҳозир Тўлаган домланинг уйига тез етиб борсангиз, эрингизни янги ўйнаши билан қўлга туширасиз. Э, сиз билмас экансиз, Тўлаган домла қўшмачилик қилишданам тоймайдиган хилдан. Чаласавод бўлатуриб, мухбир аъзо бўлиб олишиям беҳудага эмас-да... Ҳа, баракалла... Менми? Мен кўчадан телефон қиялпман... Менми?.. Мен улфатда йўқман, биздек ҳалол ва холис одам гап ўйнай олармиди, кармон кўтармайди, қуруқ мойнага қараганларданмиз... Мен бир иш билан Тўлаган домланикига бориб қолган эдим, нақ гапнинг устидан чиқиб қолдим. Ҳаммаси маст-аласт. Эрингиз бўлса, Тўлаган домланинг кабинетида бир жононни кучоклаб ўтирганини ўз кўзим билан кўрдим... Бўлди, бас... Менга ишонсангиз борасиз, бўлмаса йўқ-да. Гап тамом, вассалом. (Телефон қулоғини шарт этиб жойига қўяди. Узига-ўзи). Менинг бу хабаримдан кейин хотин зотининг ҳар қандоғиям уйда ўтиролмайдми, йўлга чиқади болта кўтариб. Ҳали замон каттакон жангнни кўрамыз. Маз-за. (Енгил тортиб, анча яшаргандек бўлиб, ғолиблардек гердайиб аста-секин кабинетдан чиқади.)

Чироқ ўчади.

## УЧИНЧИ КҮРИНИШ

Биринчи кўринишдаги манзара, қатнашчилар ҳам ўшандай ҳолатда.

**Тўлаган.** Азизлар, энди эътиборингизни бир нарсага жалб этмоқчиман...

Тўлиной билан Еруғқун бир дастадан китоб ва қўлёзмалар солинган папкалар кўтариб кирадилар, уларни миллиард устига қўйиб чиқадилар. Суюн осма тасмасини тақа-тақа киради.

**Тўлаган.** Мана булар умрим мазмуни, асосий бойлигим... Жами эллик учта катта-кичик китоб... Монографиялар, рисолалар тўпламлари, мақолалар тўпламлари, дарсликлар, методик қўлланмалар. Ёшим олтимиш бешга бориб, орттирганим шу.

**Қайтмас.** Бу ўзингга ҳайкал қўйганинг!

**Элтутмиш.** Катта меҳнат маҳсули.

**Хонқаро.** Табрик этаман, Тўлаган Тўхтамиш ўғиллари! Камина китоблар чоп эттирганингиздан хабардор эди, лекин бу қадар баракали ишлагансиз, деб ўйламаганди.

**Тўлаган.** Агар янглишмасам, турли йилларда дастхат ёзиб бу китоблардан ҳар бирингизга армуғон этган эдим, шекилли, ҳаммасидан бўлмасаям, кўпчилигидан.

**Элтутмиш.** Нимаики тортиқ қилган бўлсанг, ҳаммаси бор.

**Хонқаро.** Камина дастхатли китобларни алоҳида қадрлаб сақлайди.

**Қайтмас.** Менинг умуман шароитим йўқ китоб сақлашга. Мабодо китоб сотиб олишга тўғри келиб қолсаям, кейин мактаб кутубхонасига топшириб қутуламан.

**Суюн.** Биламиз, сенда журналлар сон мингта.

**Қайтмас.** Лекин ҳаммаси бошқотирмали, бошқотирмаларини ўзим ечганман. (Кул-

ги.) Тўлаган оғайни, мени кечирасану, мен сенинг ижодингни биламан деёлмайман. Балки китобларингни Метин ўқигандир. А, Метин, бунинг китобларини ўқигансан-а? **Метин.** Хабар ёзганларимни варақлаб чиққанман, холос. Лекин уларниям мазмунни ёдимда йўқ. Лекин Тўлаган менга нимаки берган бўлса, ҳаммаси редакцияда турибди.

**Қайтамас.** Менда ажойиб бир фикр туғилди. Конкурс эълон қиламиз. Фолибга Тўлаганнинг битта китоби берилади.

**Тўлаган** (севиниб). Бўпти! Мана соврини! (Битта китобини қўлига олади.)

**Қайтамас.** Ким Тўлаганнинг эллик учта китобини ўқиб чиққан? Ҳеч ким! (Ҳамма жим.) Ким буларнинг ярмини ўқиган?.. Ҳеч ким! (Яна ҳамма жим.) Ким буларнинг чорагини ўқиган. Ҳеч ким! (Ҳамон ҳамма жим, Тўлаган чап кўкраги устини ушлайди, кўзини юмиб очади.) Ким буларнинг ўндан бирини ўқиган? Ҳеч ким! (Ҳамма жим, кўзини ерга олади. Тўлаган юраги устини силайди.) Тўлаган, буларни ўзинг ўқигандирсан, соврин ўз китобинг, ўзингда қолди.

**Тўлаган.** Йўқ, буларни ўзим ҳам ўқимаганман. (Қўлидаги китобини биллиард устига ташлайди ва юраги устини силашда давом этади. Ҳамма таажжубда: «Наҳотки, ўз китобини ўзи ўқимаган бўлса?») Мен буларнинг қўлёмасини ўқиганман, ўзини эса ўқишга зарурат бўлмаган. (Бўшашиб қолади.)

**Элтутмиш** (орага тушган нокулайликни тарқатиш мақсадида.) Хонқаро ҳазратлари, шунча китобларни чоп эттирган заҳматкаш муаллифнинг ҳали нашр қилинмаган қўлёмалари ҳам бўлса керак?

**Хонқаро.** Иншаоллоҳ! (Савол назари билан Тўлаганга қарайди.)

**Тўлаган.** Ҳа, бирмунча бор. Икки-уч жилдни ташкил этса керак. Булар машҳур шахслар вафоти муносабати билан турли йилларда ёзилган... некрологлардир (Биллиард устидан учта папкани олади.)

**Ҳамма.** Некрологлар?!

**Тўлаган.** Ҳа, некрологлар. Тўғрироғи газета-журналларда ўз вақтида чоп этилган некрологларнинг мен ёзган дастлабки вариантлари. Энг кўп таҳрирга учрайдиган адабий жанр — некролог бўлса керак. Босилгунча, кимики ўқиса, ўзгартиришга интилаверади.

**Хонқаро.** Одатда некролог бир кишининг фикринимас, гуруҳнинг фикрини ифодалайди.

**Элтутмиш.** Аслида некролог жамоатчилик фикрини ифодалаши керак.

**Тўлаган.** Қани энди! Мен ҳамма вақт шунга интилиб келдим. Биринчи некролог ёзганимга қирқ йилдан ошиб қолибди. Дастлаб мен ёзганларимга таҳрир киритишса хафа бўлардим. Бора-бора кўникиб кетдим. Чунки некролог жанрининг табиати шунақа экан-да. Уни таъзиянома деб таржима қилсак, маъно тўлиқ чиқмайди. (Бир қалин папкани қўлига олади.) Мана, булар ҳали эълон қилинмаган некрологлар.

Ҳамма таажжубда.

**Метин.** Йўғ-эй!

**Қайтамас.** Қани, мен бир кўрай-чи.

**Тўлаган** (папкани бермайди). Мумкинмас. Негаки, ҳали бу некрологларнинг эгалари тирик.

**Ҳамма.** Тирик!!

**Элтутмиш.** Ана холос, бу бир тарихий воқеа-ку. Тирик одамларга ёзилган некрологлар!

**Тўлаган.** Шундай. Мабодо улар вафот этиб қолгудек бўлса, некролог ёзишни барибир менга топширишади. Улим ҳамма вақт кутилмаганда юз беради. Ана ўшанда бу некрологлар иш беради-да. Мен эса шошиб қолмайман. Бу некрологлардан бағишланган уч киши шу кеча-кундузда оғир ётибди. Жони узилиши биланоқ некролог таппатайёр-да. Раҳбарларнинг олдида юзим ёруғ, чунки маббуотнинг кутиб туришга вақти йўқ.

**Метин.** Тўғри.

**Қайтамас** (ўсмоқчилаб). Мабодо улар тузалиб кетсачи?

**Тўлаган.** Унда ўзимда тураверади, зарурати туғилса, уларга қўшимча киритиб қўяман. Қолаверса, ахийри ўлади-ку, ана ўшанда асқотади булар.

**Қайтамас.** Чинданам тадбиркорсан, Тўлаган дўстим.

**Метин.** Оператив экан.

**Элтутмиш.** Ҳақиқий муҳбир аъзо!

**Тўлаган** (жавондан яна бир папкани олади). Мана булар ҳам некрологлар, сенларники. Хонқаро ҳазратлари, сизга ҳам ёзганман.

**Ҳамма.** А?.. Йўғ-эй!

**Тўлаган.** Йўқ, рост, мана, кўринглар. (Ҳаммага қоғоз беради.) Ўқиб кўринглар. Қисқартиш, тузатиш, қўшимча киритиш мумкин.

**Қайтамас.** Мутлақо рад этиш мумкинми?

**Тўлаган.** Унда қайтадан ёзилади. Лекин уни бошқа одам ёзади.

**Қайтамас.** Менга бегона одат некролог ёзиши керак, холис ёзади. (Қоғозни шартта тўртга бўлиб, чўнтагига солади.)

**Элтутмиш.** Бировнинг меҳнатини оёқости қилма, Қайтмас.

**Тўлаган.** Асло ғам ема, Элтутмиш, некрологлар тўрт нусхада кўчирилган, яна учтаси бор.

**Қайтмас** (Элтутмишга). Тўлаган бизларни ажалимиздан беш кун бурун ўлдига чиқариб, оёқости қилса майли, а?

**Метин.** Э, нодон, сенга некролог ёзгани сени чуқур ҳурмат қилгани-ку. Билиб қўй, ҳаммага ҳам некролог ёзилавермайди.

**Қайтмас.** Мен ўлганимдан кейин некролог ёзиладими, йўқми — бунинг менга заррачаям аҳамияти йўқ.

**Метин.** Сенга бўлмаса, мана, бизларга аҳамияти бор, эй ўз фойдасини билмаган нодон. Тўлаган, кўзойнагим уйда қолибди, некрологимни Қодир Маҳсум бўлиб ўзинг ўқиб бер, мен тезроқ ундан хабардор бўлай. (Қоғозни Тўлаганга беради.)

**Қайтмас.** Қодир Маҳсум ўлган, газетада некрологини ўз кўзим билан кўрганман.

**Метин.** ... майли, ўзинг бўлиб ўқиб бера қол.

**Тўлаган** (расмий ўқийди). «Ўзбек совет журналистикаси оғир жудоликка учради...»

Метин чуқур хўрсиниб қўяди. Бошқаларга «сенлар ҳам эшитиб қўй» дегандек илтижо қилади.

... Таниқли журналист Метин...

**Қайтмас** (луқма ташлайди). 65 ёшида.

**Метин.** Яна бир йил кўш — 66 ёшда деб гапир. Ахир, онамнинг қорнида ётган вақтимни кўшиш керак-ку.

**Тўлаган** (тушунтириб). Ҳозирча ёш хусусидаги рақам ўрни очиқ қолдирилди. Қачон вафот этсанг, ўша йил ёзилади.

**Метин.** Яхши экан. Қани давом эт.

**Тўлаган** (такрорлайди). Таниқли журналист Метин... ёшида вафот этди.

Метин янада чуқурроқ хўрсиниб қўяди.

... У ўттиз йилдан ортиқ бир жойда — шаҳар газетасида ишлади ва ижод қилди. У хабар жанрининг қироли эди.

**Ҳамма** (киноа билан). Қирол! Қирол!

**Метин** (ўпкаси тўлиб йиғлаб юборади). Ишқилиб, ўша кунга етказсин-да. Раҳмат, дўстим, яша. Жуда таъсирли ёзибсан. Шу ўқиганинг ҳам етади, ишондим. Некрологимни яхшилаб сақлаб қўй. Йўқолмасин.

**Оғабек.** Мен ўзим ўқийман.

**Евқоч.** Йўқ, навбат меники, аввал мен ўқийман.

**Тўқмоқли** (ҳарбийларча қадам ташлаб олдинга чиқади ва шартта ўқишни бошлаб юборади). «Ўзбек халқи ўзининг паҳлавон ва довжур фарзандларидан бири, милиция полковниги Тўқмоқлидан айрилиб қолди. У қирқ беш йилдан буён совет милицияси сафида ҳалол хизмат қилди...» (Қоғоздан кўзини олиб.) Яна беш йил ишласам, эллик йил деб ёзилади. (Яна ўқишга зринади-да, қоғозни Тўлаганга узатади.) Буёғи ҳам тўғри бўлишига ишонаман. Маъқул. Қўл қўйиб берайми?

**Тўлаган** (қоғозни олиб). Шарт эмас.

**Суюн.** Қўл қўйиш шарт бўлмаганидан кейин ўқиб нима қилдик (Қоғозни Тўлаганга беради).

**Қайтмас.** Ахир, бу сенинг некрологинг-ку. Намунча, бепарқ қарайсан?

**Суюн.** Ҳали ўлимга таслим бўладиган кўрқоқ йўқ... қанча жононларни ёлғизлатиб.

**Оғабек, Евқоч, Бойсўнқур** (бараварига). Тўғри-я. (Қоғозларни Тўлаганга қайтариб беришади.)

**Қайтмас.** Афсус, минг афсус, ўз некрологларингдан беҳабар қолдиларинг.

**Тўқмоқли.** Узинг-чи?

**Қайтмас.** Уқисам, ўқийвераман. Бўлмаса, эшитларинг. (Чўнтагидан тўрт бўлак қоғозни олиб, чокини-чокига тўғрилаб ўқийди.) «Маориф жамоатчилиги йўқотишга учради». Тўлаган, мени роса камситибсан-да.

**Тўлаган.** Хўш?

**Қайтмас.** «Ўзбекистон маориф жамоатчилиги оғир жудоликка дучор бўлди», деб ёзишинг керак эди. Йўқ, буям аниқ эмас. «Ўзбек халқи, йўқ, йўқ, Ўзбекистон халқлари (ахир мактабим икки тилли-да) оғир жудоликка учради» деб ёзишинг керак эди.

**Тўлаган.** Бу сенинг фикринг. Мабодо сен айтгандек ёзганимда ҳам, барибир ўчириб ташлашарди.

**Қайтмас.** Э, ёзавермайсанми, сендан нима кетди, ахир.

**Тўлаган.** Мабодо марҳум фаолиятига баҳо беришда ортиқ кетсам ёки пастга тушиб кетсам, кечирилмасдим, некролог ёзиш қайта менга топширилмасди, ўзим эса анча пастлатилардим.

**Қайтмас.** О, бўлмаса, сениям вазифанг мушкул экан-да. (Қоғозга яна кўз югуртиради-да, саккиз бўлакка бўлиб чўнтагига солади.) Буёғи ҳам жуда таҳрир талаб экан. Мен норозиман бунга.

**Метин.** Бэ, сендан сўраб ўтиришармиди, у пайтда сен тобутда бўласан-ку.  
**Элтутмиш** (қоғозни Тўлаганга беради). Уқиб чиқдим. Вафотимдан кейин мабодо шуни менга раво кўришса, руҳим шод бўлади. Раҳмат.

**Хонқаро** (қоғозни Тўлаганга беради). Уқиб чиқдим. Афсуски, бесамара меҳнат қилибсиз. Кун-соатим битиб, вафот этсам, агар лозим кўрилса, мен ҳақда фақат диния назоратининг нашр амолларида некролог босилади. Ахир, жумҳуриятимизда дин давлатдан ажратилган-ку.

**Тўлаган.** Дарвоқе, шундай-а. Бу некрологни сизларнинг газетангизга мақола қилиб қайта ёзиб беришим мумкин.

**Хонқаро.** Мумкин. Лекин яхшиси мен ҳақда ёзманг. Тагин гап тегиб қолмасин сизга.

**Тўлаган.** Нега энди? Мен жанобларини курсдошим, тенгдошим, улфатим сифатида ёзаман-ку.

**Хонқаро.** Ҳар ҳолда...

**Қайтмас.** Ҳой, Тўлаган, ўзингга ёзган некрологни кўрсат, бизлар ҳам танишайлик, фикримизни айттайлик; ахир, ошкоралик замони-ку.

**Метин** (қизиқиб). Шундай бўлсин, шундай бўлсин!

**Тўлаган.** Афсуски, ўзимга ёзолмадим.

**Қайтмас.** Бўлмаса сенга бизлар ёзамиз.

**Тўлаган.** Қанийди! Лоақал оғзаки эшитсам ҳам майли эди некрологимни.

**Элтутмиш.** Тириклигингни кўра била туриб... гапириш оғир.

**Қайтмас.** Буям бир ўйин-да. Ахир, гапда ўтирибмиз-ку. (Тўлаганга.) Ўзингни ўлганга солиб, мана тўнкага чўкиб ўтир. (Тўлаганни тўнкага чўктириб ўтказлади.) Уртоқлар, аввало, мотам митингини ўтказамиз. Айтилган лўнда фикрларни некрологга киритамиз. Қани, биринчи бўлиб ким гапиради?

**Тўлаган.** Қайтмас, илтимос, ўзинг бошлаб бер. Мотам митингимда биринчи бўлиб сендан сўз эшитишни истардим. Чунки турли мажлисларда бўлгани каби мотам митингида ҳам йиғилиш руҳини биринчи нотикнинг нутқи белгилаб юборади.

**Қайтмас.** Яхши. Энди то мотам митинги ёпилгунгача жим бўлиб ўлиб ўтир... Азиз ўртоқлар! Марҳумнинг оғзаки васиятига, яъни илтимосига кўра, жумҳурият Фанлар Академиясининг Мухбир аъзоси Тўлаганни кўмишга...

**Тўлаган.** Камситма, вафоти дегин!

**Қайтмас.** Тек ёт. Улган одам гапирса, уят бўлади-я.

**Тўлаган.** Узр.

**Қайтмас.** ... Тўлаганни кўмишга бағишланган мотам митингини очишга ижозат бергайсиз.

Ҳамма қарсақ чалиб юборади, уларга «марҳум»нинг ўзи ҳам қўшилади.

**Қайтмас.** Э, баракалла-ей, тўй эмас, аза-ку, ахир.

**Ҳамма.** Узр. Энди қарсақ чалмаймиз.

**Қайтмас.** Ҳа, шундай бўлсин. Азизлар, золим ўлим орамиздан ажойиб инсон, меҳрибон дўст, атоқли олим, мураббий, улуғ устоз...

**Метин** (гапни бўлиб). Қайтмас, шу «улуғ»да хато кетдинг, барибир муҳарриримиз ўчириб ташлайди.

**Қайтмас.** Ақлинг етмаса, аралашиб нима қиласан, эй каллаварам. Ахир, мотам митинги бўлаяпти, ҳали некролог ёзилаётгани йўқ.

**Метин.** Ҳар ҳолда эслатиб қўйяпман-да, иш бошидан пухта бўлсин дейман-да.

**Қайтмас** (кесатиб). Раҳмат. (Ҳаммага.) ...Золим ўлим, улуғ устоз, мурувватли падар ва садоқатли рафиқ, дилтортар ва саховатли улфат Тўлаганни орамиздан юлиб олиб кетди.

Тўлаганнинг ўзи қарсақни бошлаб юборади, кейин бошқалар унга қўшилишади. Беихтиёр Қайтмаснинг ўзи ҳам қарсақчиларга қўшилиб кетади.

**Қайтмас** (беш-олти марта қарсақ чалгач, нима қилаётганини сезиб, қарсақ чалишдан шартта тўхтади). Вей, оғайнилар, нима қилаяпсизлар, ахир азадормиз-ку, қаршимизда шундай улкан олим ўлиб ўтирибди-ку, сизлар бўлсангиз... (Қарсақ тўхтади.) Мен нимаям дердим, Тўлагансиз ҳаётимиз Тўлаган тириклигидагидек тўкин-сочин ўтсин, дейман-да.

**Оғабек.** Бу бўлиши мумкинмас. Тўлаган тугаши биланоқ бизнинг ҳам олтин давримиз тугайди. Чунки ҳаммамизни Келган Утарович билан боғлаб турган ягона восита шу Тўлагандир.

**Евқоч.** Келган Утаровични тинч қўй, ишқилиб умрлари боқий бўлсин. Деворниям қулоғи бор, оғайни.

**Тўлаган.** Мен ҳақимда гапиринглар, ахир, менинг мотам митингим-ку бу.

**Оғабек.** Улган одамни тинч қўярмидик. У ҳақда гапирганда қандоқ! Ҳамма гапирарди. Тириклигинда эшитмаганларингни мана энди эшитасан-да. Регламент қиламизми? Протоколни Метин ёзсин.

**Тўқмоқли.** Бу ер ижрокомнинг мажлиси эмас. Бу ерда кимсан Тўлаганнинг мотам митинги. Ҳамма ўз сўзини ҳеч қандай регламентсиз тўйиб-тўйиб айтиб олсин. Ахир,

ҳозир ошкоралик замони-ку. Қолаверса, хатга тушдинг — ўтга тушдинг бўлиб юрмасин тағин. Кейин бориб тушунтириш бериб юрмайлик.

**Бойсунқур.** Тўғри. Мен ҳозир гапиришим шарт. Кейин эсимдан кўтарилиб кетади... Тўлагани мен олтимш йилдан бери билардим. Тенгдошмиз. Адашмасам, уни уриб бурнини қонатганимда уч ёшларда эдик. Иккинчи муҳим бир нуқта шуки, Тўлаган Мулойимга уйланганда мен куёвжўралик қилганман, қорабайир миниб тўйга хабарлашганман. Хотини Мулойим яши чиқди. Бутун борлиғини оиласига, эрига бағишлаган, меҳмон кутишни давлат иши билан тенг кўради.

**Ҳамма.** Тўғри, тўғри.

**Тўлаган.** Тўғри, Бойсунқур.

**Бойсунқур.** Тўлаган!!! Сен жимгина ўлиб ўтир. Улган одам гапирса уят бўлади. Ахир, биров эшитиб қолса, кимсан Тўлаган ўлганидан кейин гапирибди, бояқишнинг кўзи очик кетибди-я, демайдими?!  
**Қайтмас.** Мажлиснинг бу ёғини тезлатиб юбормасак бўлмайди. Ҳадемай мантига чақириб қолишади...

Суюн эшик томонга қараб кўяди, буни Қайтмас сезади.

...Хонқаро ҳазратлари, ўлими яқинлашганда ҳар бир даҳрий ҳам имон келтириб,..  
**Хонқаро** (ўзича). Ло илоҳа иллолоҳу Муҳаммадин расулуллоҳ.

**Қайтмас.** ...Мусулмон бўлиб қолади, деган эдингиз. Бу ёлғон экан. Мана исботи: Тўлаган ўтакетган даҳрийлигича қолди ва имон келтирмади... Йўқ, йўқ, Хонқаро ҳазратлари, гапимни бўлмаё охиригача эшитинг... Эшим шу жойга бориб, руҳонийлар қатнашмаган дафн маросимини учратмадим, диндорлар вафотида бўлганидек, даҳрийлар ўлганида ҳам руҳонийлар гоҳ яширинча, кўпинча эса очикча қатнашадилар. Чунки ҳар бир дафн маросимида даҳрийлар билан бирга диндорлар ҳам қатнашадилар. Демак, ҳозир ҳам жамиятимиз икки катта гуруҳдан — диндорлар ва даҳрийлардан иборатдир. Бу билан айтмоқчиманки, Тўлаганга жаноза ўқиладими ёки бежаноза гўра тиқилладими?

**Тўлаган.** Қитмирлигинг ҳалиям қолмайди-да. Шу мотам митинги жанозам ўрнига ўтади.

**Қайтмас.** Жавобдан тўла қониқдим... Бу мотам митингида бир марта гапириладими?

**Тўлаган.** Лозим кўрсанг, қайта-қайта гапиравер, кўзим очиклигида ўзим ҳақимдаги ҳамманинг барча фикрини билиб олай...

**Қайтмас.** Яхши, мен кейин сўзлайман.

**Метин.** Мен учун гапиришдан кўра ёзиш осон. Шу сабабли қанча илгари сўзлаб олсам, шунча бемалол ўтираман... Мен, журналист Метин, марҳум Тўлагани олим сифатида кашф этганман. Биринчи мақоласини бундан роса 40 йил бурун уюштирганман. Бу ўзим ҳақимдаги бир шингил гап. Энди бевосита бош мавзуга ўтаман, марҳум Тўлаган ҳақида. Шундай сахийлар бўладики, яқинларига турли совғалар беради, одамлар бўладики, улар берган совғасини пулга топиб бўлмайди ёки пулга сотиб ё чақиб бўлмайди. Марҳум Тўлаган ана шу иккинчи тоифа сахийлардан эди. У ўз-ўзини совға қиларди, ҳа ўзини! Қимматли вақтини сарфлаб, идорама-идора сим қоқиб, битмай ётган ишингизни битириб берарди, қўлёмангизни шогирдларига ўқиттириб, таҳрир қилдириб берарди, касалхонада ётсангиз, бир оғиз телефон қилиб, сизни муносиб палатага кўчиртириб кўярди ва ҳоказо ва ҳоказо. Азиз умрининг анча қисми, соғлигининг маълум бўлаги бизларга совға сифатида сарфланди. Демак, марҳум Тўлаган биз ҳаммамизда яшаб қолаверади. Бошқа жумҳуриятларда мухбир аъзолар қандай бўлади, уларга қандай талаблар қўйилади, билмайман-ку, лекин бизнинг мухбир аъзомиз ўзимизга жуда мос ва муносиб эди, унинг бошқа қиёфада ва бошқача муомалада кўришни ҳатто тасаввур ҳам қилолмайман. Хуллас, марҳум яхши одам эканига шубҳам йўқ. Алвидо, умрини дўстларига улуш-улуш қилиб тортиқ этган дўстим Тўлаган, алвидо! Яна алвидо! (Намланган кўзларини арта-арта Элтутмишга мурожаат қилади.) Хатога йўл қўймадимми, гапларим тарихий жиҳатдан тўғрими? Мотам сўзингизда шунгайм тўхтал, мени хотиржам қил, оғайни.

**Элтутмиш.** Хўп (Ҳаммага.) Ҳурматли фуқаролар! Мен тарихчи олим Элтутмиш сифатида аввало журналист Метин илтимосига тўхталиб ўтаман. Тарихда тирик одамни ўлган ҳисоблаб ва аксинча, ўлган одамни тирик ҳисоблаб иш туттишлар учраган. Ҳатто ўзбек халқ дostonларида, жумладан, Гўрўғли ўзини ўлдига чиқариб, хотинларига марсия айтқизиб, йиғи мусобақаси ўтказади. Хотиринг жам бўлсин, дўстим Метин, бу ерда ҳеч ким, сен ҳам, бизлар ҳам хатога йўл қўяётганимиз йўқ. Тўлагани вафот этган (урғу бериб) ҳисоблаяпмиз, кўмиш комиссияси тузилган, деб (урғу бериб) ҳисобла-япмиз, раис қилиб...

**Метин.** Сени сайлаймиз.

**Элтутмиш.** Қандай бўларкин?

**Ҳамма** (бирин-кетин). Тўғри бўлади. Бошқа номзоднинг ўзиям йўқ-да.

**Қайтмас.** Йўқ, номзодни Тўлаганнинг ўзи кўрсатсин, бу унинг ваколоти, бошқа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

**Ҳамма.** Ахир, у ўлган-ку.

**Қайтмас.** Тўлаган ўлган ҳисобланади.

**Тўлаган.** Мени кўмиш комиссиясининг раиси Элтутмишнинг ўзи (урғу бериб) ҳисобланишига қарши эмасман.

Метин қарсақ чалиб юборади.

**Элтутмиш.** Шундай қилиб, Мен Тўлаганни кўмиш комиссиясининг раиси (урғу бериб) ҳисобланаман. Мотам митингги ўтказилаётган (урғу бериб) ҳисобланади, сўзлаш навбати менга етган (урғу бериб) ҳисобланади ва мен сўзлаётган (урғу бериб) ҳисобланаман. Айтганларга қўшимча тарзда шуни илова қилишим мумкинки, дўстимиз Тўлаганнинг ўлиб ётганига, тўғрироғи, ўлиб ўтирганига кўзим тушиб, яна узоғи билан бир кеча-кундуздан кейин... марҳумни эрта тонгда чиқарамизми, пешингами ёки асрагами?

**Қайтмас.** Буни Тўлаганнинг ўзидан сўраб кўрайлик.

**Метин.** Эсинг жойидами... ахир у ўлган-ку.

**Қайтмас (Тўлаганга қараб).** Узр.

**Метин.** Вей, Қайтмас, Тўлагансиз бир қадам ҳам жиллолмайсан-а. Нима бўлсаям, Тўлаган, Тўлаган.

**Элтутмиш.** Хуллас, Тўлаганни узоғи билан бир кеча-кундуздан кейин кўмиб қўйишимиз...

**Хонқаро.** Расм-русуми шу ўзи.

**Элтутмиш.** ...хаёлимдан ўтиб, ҳаммадан кўра менга оғир бўлишини ўйлаб кетиб, йиғлагим, тўйиб-тўйиб йиғлагим келади. Ахир, Тўлаган мениям сўянган тоғим эди-да. Марказий журналда менинг Амир Темур ҳақида мақолам чиққанида, мени кафедрадан ҳайдамоқчи бўлишганда, бошқа одам эмас, худди шу Тўлаган ўртага тушиб, мени сақлаб қолган эди.

**Қайтмас.** У кимсан Келган Утаровичга яқин эди-да, уни ишга солган-да.

**Элтутмиш.** Ҳамма гап шунда-да. Тўлаганнинг Келган Утаровичга яқинлиги мушкул кушодимиз эди.

**Метин.** Бу гап ортиқча энди. Ўлган ўлиб кетди, энди уни тинч қўй.

**Элтутмиш.** Мен тарихчи сифатида гапиряпман.

**Хонқаро.** Журналист гапирганда тарихчи жим турадиган даврлар ҳам бўлади.

**Элтутмиш.** Топиб гапирдингиз, Хонқаро ҳазратлари... Хўш, марҳум олдидан мен кўп бурчлиман. Ҳар сафар конкурсдан ўтишимда кўмаклашиб келди. Мени анави Худдиев ноҳақ танқид қилганида, унга раддий мақола ташкил этиб, мени ҳимоя қилиб келди. Пул керак бўлиб қолгандаям Тўлаган бериб турарди, ўғил-қизларимни оёққа турғазиб қўйишда ҳам яна Тўлаган мурувват қўлини чўзворди.

**Қайтмас.** Чунки у Келган Утаровичга яқин эди-да.

**Тўлаган (кўзини очиб).** Узумини егину, боғини суриштирма.

**Қайтмас.** Ҳозир қайта қуриш даври, ошкоралик даври. Ҳозир айна ўша боғини суриштирадиган давр. Боғини суриштирмай, узумини еб келганлар, мана энди, марҳамат қилиб пулини тўлаб қўйсинлар.

**Метин.** Бу бошқа масала, мотам митингига алоқаси йўқ.

**Қайтмас.** Ёпиқлик қозон ёпиқлик қолсин, дейсан-да, бу, сирларинг очилиб кетишидан хавотирга тушасан-да. Қанча яхши одамни ёмон деб, қанча ёмон одамни яхши деб келганини ҳамма билади, ҳаммаси газета саҳифасида манаман деб турибди.

**Метин.** Мен редакция топширигини бажарганман.

**Қайтмас.** Имзо сеники, сен жавоб берасан.

**Элтутмиш.** Ахир, мен сўзлаяпман-ку, гапиргани кўясанми-йўқми?.. Мана гапимдан чалғиб кетдим... Алвидо, сўянчиғим Тўлаган. Гўринг худди шу хонангдай кенг ва зиёга тўлиқ бўлсин! Тинч ёт. Алвидо дўстим, яна алвидо! **[Ҳаммага қарата.]** Мотам нутқим қалай?

**Қайтмас.** Баҳони Тўлаганнинг ўзи бера қолсин, биздан кўра унга керак бу нутқ.

**Тўлаган.** Элтутмиш, мен сендан юсакроқ баҳо кутгандим.

**Элтутмиш.** Масалан?

**Тўлаган.** Мени олим сифатида сира тилга олмадинг-ку.

**Элтутмиш.** Биттаям китобингни ўқимаган бўлганимдан кейин ёлғон гапириб нима қилдим. Тарихчи олим сифатида тарихий ҳақиқатни айтдим қўйдим-да.

**Хонқаро.** Ширин ёлғондан аччиқ ҳақиқат яхши.

**Метин.** Уликлар тириклар ишига аралашмаса-да. Вей, Тўлаган, тинч ўлиб ўтираверганинда, бундай даккиларни эшитмасдинг. Энди жимгина ўлиб ўтиравер, оғайни.

**Элтутмиш.** Сўз Хонқаро ҳазратларига.

**Қайтмас.** Нега энди сен сўз берасан? (Эсига тушиб.) Кечирасан, сен раиссан-ку.

**Хонқаро.** Аҳли жамоат! Бизким Ал-Бухорий номидаги мадрасаи олиянинг мударрисларидан, яъни дарс берувчиларидан бири бўлмиш Хонқаро ибн Султонқаро ибн Хоқонқаро шуни айтурмизким, жисм ўткинчи, руҳ эса мангудир. Тўлаган отлиқ бандан мўминнинг жисмини руҳи тарк этган экан, бунга кўникмасдан бошқа иложимиз йўқ. Туғилмоқ бор экан, ўлмоқ қисматдир. Тўлаган биродаримиз ўлимга тик қараган экан, бу унинг гуноҳи йўқлигига ишончи комил эканини кўрсатади. Одатда осий бандалар ўлимдан ниҳоятда қўрқадилар, жон беришлари ҳам қийин кечади, ни-



ҳоятда қийналиб ўладилар. Марҳумнинг жасадини қора тупроққа бериб қайтсак-да, унинг руҳи ёзиб қолдирган китобларида барҳаётдир. Бизлар бу китобларни ўқиган-ўқимаган бўлишимиздан қатъий назар, дўсту душманлари истаса, истамаса, у китоблари орқали яшаб қолаверади, яшаб юраверади. Бу китоблар бор экан, Тўлаган бирода-римиз руҳан тирикдир.

**Қайтмас.** Уқилмаган, яъни ўлик китобларнинг тирик муаллифи!

**Суюн.** Ҳар ҳолда ўқилмагани бўлсам бор-ку, бизларда эса шуям йўқ... Азиз дўстим Тўлаган!..

**Қайтмас.** Бош врач бўлсанг ўзингга, Суюн! Аввал раисдан рухсат сўра-да, кейин гапир.

Суюн Элтутмишга қарайди.

**Элтутмиш.** Гапиравер.

**Суюн.** ...Азиз дўстим Тўлаган! Биз — дўстларинг тирик эканмиз, сенам тириксан. Чунки сенда бизларнинг, бизларда сенинг таъсиринг, зарраларинг бордир. То бизлар тирик эканмиз, бизлардан лоақал биримиз тирик эканмиз, сен ҳам тириксан. Хўш, энди сенинг бизларга, жумладан, менга ўтказган таъсирингга келсак, бу сенинг менга кўрсатган яхшиликларингдир. Масалан, энг кейинги пайтда учта вазирим, ўнта бошлиғим ўзгардики, лекин менга тегишмади. Чунки менинг сенга яқинлигимни, сенинг эса Келган Утаровичга яқинлигингни билишарди, билмаганларига ўзим билдирдим. Мен бир улфатинг сифатида сендан минг-минг ризоман, Гўринг чароғон бўлсин, азизим Тўлаган. Алвидо, яна алвидо!

**Қайтмас.** Суюннинг гапидан қониқдингми, Тўлаган? Мен эса сираям қониқмадим.

**Элтутмиш.** Бу сенинг ишинг. Эндиги сўз... Оғабекка!

**Оғабек** (олдинга чиқиб). Товарищи!.. Кечирасанлар, хаёлим ижроқўм мажлисига кетибди. Ахир, бу мотам митинги-ку... Ўзбекча гапириш мумкинми?

**Хонқаро.** Мумкин. Энди мумкин.

**Тўлаган** (кўзини очмай). Қонун ҳам чиқазганмиз.

**Оғабек.** Хорошо... Уртақлар! («Уртоқлар» деёлмайди.) Мен ижроқўм раиси Оғабек бўлатуриб, соппа-соғ бўлатуриб, улфатимиз Тўлагандай осонгина, ўз уйида, дўстлари даврасида, ўз ажали ва мавқеида ўлим топишни истардим. Орзу қилса арзигулик ўлим топиб кетди улфатимиз. Бундай ўлим ҳаммага ёки шу ерда ўтирганларнинг ҳаммасига ҳам насиб этишига ишоналмайман. Ҳали бошимизга не кунлар тушади, билмаймиз, билолмаймиз ҳам, чунки энди Тўлаганимиз йўқ, чунки энди Келган Утарович билан боғлаб турган воситамиз йўқ. Тўлаганнинг ўлими ҳаммамизнинг ўлимимиздир. Тўлаган бизлардан кейинга қолиши шарт.

**Қайтмас.** Ҳо, нега энди мен Тўлагандан олдин ўлишим шарт экан. Йўқ, ҳали ушалмаган орзу-ҳавасларим кўп, режаларим бисёр.

**Оғабек.** Вей, эсингни едингми ўзи, ўша орзу-ҳавасларинг, режаларинг Тўлагансиз амалга ошармиди.

**Қайтмас.** Ҳа, масаланинг бу ёғини ўйламаган эканман, узр. Тўғри, Тўлагансиз ҳаммамиз ҳечмиз. Тўлаганнинг ўзи эса Келган Утаровичсиз пучдир.

**Тўлаган.** Келган Утаровични тинч қўй.

**Оғабек.** Хуллас, ҳозирча ўлмай тур, битмаган ишларим бор ҳали.

**Евқоч.** Сўзлаш навбати менга келиб қолганга ўхшайди. Кўп йиллик универмаг директори сифатида шуни тасдиқлашим керакки, савдо ходимлари бошқа касбдагиларга қараганда илму фанни кўпроқ кадрлайдилар, ўзлари оми бўлсалар-да, болаларини илми қилишга интиладилар.

**Қайтмас.** Бунга моддий шароитлари ҳам бор-да, яна таниш билишлари кўп.

**Евқоч.** (Қайтмаснинг гапига эътибор қилмайди). Балки нотинч турмушларини болаларига раво кўрмай шундай қилсалар керак. Мен ўзим шахсан бу ниятда болаларимнинг ҳаммасини ўқитдим, номзод қилдим, келинларимни ҳам номзод қилдим, катта ўғлим докторликни ҳимоя қилиш арафасида.

**Қайтмас.** Булар ҳаммаси Тўлаганнинг орқасидан-да.

**Евқоч.** Секин айтасанми! Болаларни номзод қилиш савдосини бошимдан ўтказгач, шу қарорга келдимки, Тўлаган илмий мавзуларга кон экан. У қайси мавзудан курс иши ёки диплом иши, номзодлик ёки докторлик чиқишини биларкан. У топиб берган мавзулар то диссертациялар ҳимоя қилинмагунча эскириб қолмас экан. Муҳими ҳам шунда. Бу мавзуларни ўзи топадими ёки ходимларига буюриб топтирадими, бунисини билмадим, Тўлаган ўртага тушган иш битмай қолмас экан. Ҳар қандай мушкул шароитларда ҳам, ҳар қандай қайсарлар билан умумий тил топишиб кетаркан. Азиз дўстим Тўлаган, шундай яхши одатинг бор экан, у дунёю бу дунё хор бўлмайсан, тўқ-фаровон яшайсан, агар у дунё деганлари мавжуд бўлсаю, у ёқдаям одамлар орасида олди-берди бўлса, янгию эски марҳуму марҳумалар билан тезда умумий тил топишиб кетасан. Оғайнилар, мана энди топдим Тўлаганга бериладиган таърифни: умумий тил топиша оладиган сиймо! Алвидо, ҳамма билан умумий тил топиша оладиган дўстим Тўлаган! Яна алвидо!

**Қайтмас.** Тўлаганнинг тилини бурро қилиб келган нарса Келган Утаровичга яқинли-

гидир. Мана шу яқинлиги бўлмаса, ҳамма билан умумий тил топишиб кўрсин эди. Торт аравангни, йўлни бўшат, дەر эди ўндан тўққизтаси.

**Тўлаган.** Босиб турсам бобиллайди, қисиб турсам қиқирлайди, деб сенга ўхшаганларга айтадилар-да, Қайтмас.

**Қайтмас.** Улган бўлиб сен тинч турмайсан-ку, мен тирик бўла туриб гапирсам нима қипти.

**Тўқмоқли.** Мен шу даҳа аҳолисининг осойишталиги учун масъул милиция полковниги сифатида шуни тасдиқлайманки, Тўлаган бор-йўғи бир марта уйланиб, хотини билан сираям уришмай яшаб ўтди.

**Суюн.** О, қани энди ҳаммаям шундай яшаб ўтса.

**Тўқмоқли.** Тўлаган ўта маданиятли, ўта андишали, ўта... ёқимли эди. Унинг хонадонига бирор марта бўлсин эр-хотинни яраштириб қўйгани ҳамкасабаларидан иборат касаба уюшмаси комиссияси келмаган. Хонадонига милиция кирмаган азиз дўстим Тўлаган, алвидо! Яна алвидо!

**Қайтмас.** Сўзлаш навбати менга етганга ўхшайди.

**Метин.** Шунча гапирдинг, етмайдими?

**Қайтмас.** Ҳали расмий сўз олганимча йўқ. Мана энди гапирман. Уртоқлар! Менга ҳурмати баланд эди марҳумнинг. Қизи ҳам, ўғли ҳам менинг мактабимда ўқишган. Энди невараларини менинг мактабимга берди.

**Элтутмиш.** Марҳум баҳона ўзингни тарғиб қиляпсанми. Ҳозирги хотиравий асарларда шу йўналиш кучайяпти.

**Қайтмас.** Хотиравий асарларингни билмадим-у, мен рост гапиряпман. Марҳумнинг менга эътимоди баландлигини шундан ҳам қилса бўладики, у мактабимда ўтказилган барча ота-оналар мажлисларида шахсан ўзи қатнашарди. Мен дўстим Тўлаган сиймосида мен билан борди-келди қилиб турадиган бир сирдошимдан айрилганим билан қайғурмоқдаман... десам мутлақо тўғри бўлади. Дўстим... Тўлаган, борса келмас, белгисиз ёққа кетяпсан. Сафаринг беҳатар, имонинг йўлдошинг бўлсин, ҳақиқий ва абадий уйинг чароғон бўлсин, ўша ерда туп қўйиб, палак ёзиб, кўкариб, зерикмай ётгин. Алвидо, азиз дўстим Тўлаган, яна алвидо!

**Тўлаган (жаҳл билан ўрнидан туриб кетади).** Ҳамманга ҳам қойил эмасман, оғиз меники деб оғизга келгани гапираверар экан-да. Биронтанг ҳам, ҳатто сиз ҳам, Хонқаро ҳазратлари, олим эканимни эп кўриб тилга олмадингиз-а. Олим одамга алам қиларканда, ахир, мен газетанинг мухбиримас, жумҳурият Фанлар академиясининг мухбир аъзосиман.

**Метин.** Биламиз, мухбир аъзо дегани — ярим академик дегани.

**Тўлаган.** Сен гапга суқилмай тур. Аслида сени газетга ишга жойлаб қўйиб, журналист қилган мен бўламан.

**Метин.** Тўғри, тан оламан. Лекин бу — олимнинг вазифасимас, корчалоннинг иши-да.

**Тўлаган.** Ҳақорат қилма!

**Элтутмиш.** Тўлаган, азизим, ҳаяжонланма, икки марта инфаркт бўлган одамсан-а.

**Тўлаган.** Ўзини кўрмайсанми?!

**Элтутмиш.** Метингаям... бизларгаям осон тутмагин-да, биродар. Ахир, сенинг олимлингни нималардан иборат эканини билмасак, китобларингни ўқимаган бўлсак...

**Метин.** Ўқишга арзиса, ўқийди-да.

**Элтутмиш.** Энди сен бир гапдан қолиб, тур, Метин... Тўлаган, рост гап шуки, биз — улфатларинг сени одам сифатида биламиз, одам сифатида қадрлаймиз, тўғримми, ўртоқлар!

**Ҳамма.** Тўппа-тўғри!

**Метин.** Барака топ, Элтутмиш, рост гапни юзига шарт айтдинг қўйдинг.

**Элтутмиш.** Яшасин Тўлаган!.. Одам сифатида.

**Тўлаган.** Нималар деяпсан? Одамни касбидан ажратиб баҳолаб бўларканми?

Телефон жиринглайди. Унинг ёнидан ўтаётди, Севил телефонни олади.

**Севил (телефон қулоғини жойига қўйиб).** Устоз Келган Утарович тўсатдан вафот қилибдилар.

**Ҳамма.** А?! (Эсанкираб, қотиб қолишади.)

**Тўлаган (Севил томонга отилиб боради).** Нега ўлади? (Ҳаммага.) Оғайнилар, Келган Утарович нега ўлади-я, нега ўлади?

**Хонқаро.** Худонинг иродаси бу. Уям бир бандаи мўмин-да, банда бўлгач, ўлади-да.

**Тўлаган.** Йўқ, у банда эмасди, у Келган Утарович эди! Келган Утарович бўлгани учунам у ҳали ўлмай туриши керак эди, орқамизда қолиши керак эди. (Куюниб, ёниб, ўзини қўйишга жой тополмайди.) Севилхон, Севилгинам, сиз менга яхшилаб тушунтириб айтинг-чи, овози қанақа эди? Ташвишлими, маъюсми?

**Қайтмас.** Қувончлими?

**Севил.** Расмий эди.

**Тўлаган.** Расмий денг... демак, у ёқдан телефон қилишибди-да. (Манглайига бир туширади.) Эвоҳ, келиб-келиб Келган Утаровичга некролог ёзиб қўймаган эдим-а.

**Севил.** Меҳмонхонага марҳамат қилинглар, мантини тортамыз. (Чиқади.)

**Тўлаган** (орқасидан, беихтиёр). Узимнинг мантим чиқиб турибди-ю... Оғайнилар, сизлар мантига марҳамат қилинглар, менга эса узр... Мен кабинетимга бекиниб олиб, Келган Утаровичга некролог ёзишга киришай, ҳали замон мени йўқлаб қолишса, у ёққа қуруқ қўл билан бормай, лоақал некрологнинг қораламасини олиб борай. Барибир, некролог ёзишни менга топширишади. Мени кечирасанлар, сенлар бемалол мантихўрлик қилаверинглар.

**Метин.** Бу, Тўлаган дейман, балки Келган Утаровичга некрологни сен ёзмассан.

**Тўлаган.** Нега? Йўқ, менда бошқа ҳеч кимга топширишмайди, бу нозик ишни. Сен ниманиям билардинг.

**Метин.** Мени камситма, Келган Утаровичга орқа қилиб мени шунча йил хўрлаб келганинг етар.

**Тўлаган.** Тили чиқиб қолибдими бу мухбирчанинг?

**Метин.** Бўлмаса-чи, мана энди тилим чиқсин-да. Менам шаҳар миқёсида бўлса-да, у-бу нарсани биламан. Оғайни, Тўлаган, шуни бир билиб қўйки, агар Келган Утарович тирик бўлса, тўғри, некролог ёзишни сенга топширишарди, энди эса топшириқни бошқа одам... янги одам беради-да. Тўғрими, оғайнилар, гапим?

**Ҳамма.** Тўғри, бу гапда жон бор.

**Қайтмас.** Менимча, топшириқни Келган Утаровични дафн этиш комиссиясининг раиси беради, одатда ўзи шундай бўлади.

**Метин.** Аниқроғи, ҳокимиятни ким эгалласа, комиссия раиси ҳам ўша одам бўлади.

**Ҳамма.** Бу тўғри гап.

**Тўлаган.** Хўш, ўша одам ким?

**Элтутмиш.** Менимча, у...

Кўпчилик Элтутмишга ялтоқланиб қарайди, Метин унинг костюмига қўнган ғуборни пуфлаб туширади.

**Суюн.** Менимча, у...

Кўпчилик энди Суюнга ялтоқланиб қарайди, Метин унинг костюмига қўнган ғуборни бармоғи билан аста чертиб туширади.

**Қайтмас.** Менимча эса, у...

Кўпчилик энди Қайтмасга ялтоқланиб қарайди, Метин унинг костюмини тирсагидан чангини қоқиб туширади.

**Тўқмоқли.** Менимча, у...

Кўпчилик энди Тўқмоқлига ялтоқланиб боқади, Метин унинг елкасидан сочи қасмоқларини қоқиб туширади.

**Оғабек.** Менимча, у...

Кўпчилик энди Оғабекка ялтоқланиб боқади, Метин унинг мўйлови учидаги ниманидир бармоқлари билан олиб ташлайди.

**Ёвқоч.** Менимча, у...

Кўпчилик энди Ёвқочга ялтоқланиб боқади, Метин унинг костюми ёқасини тўғри-лаб қўяди.

**Бойсунқур.** Менимча, (чўзиб маъноли қилиб) у...

Кўпчилик энди Бойсунқурга ялтоқланиб қарайди, Метин унинг чаккаларига тушган сочларини бармоқлари билан тараб, тўғри-лаб қўяди.

**Метин** (тўсатдан бир нарса эсига тушгандек бўлиб, сирли йўсинда). Менимча, у...

Кўпчилик энди Метинга ялтоқланиб қарайди, Бойсунқур ёнидан рўмолчасини олиб, Метиннинг лаб ва кўз четларини артиб қўяди.

Бойсунқур Метиннинг лабининг ўнг четини артгач, чап четини ўзи тутати, ўнг кўзи четини артгач, чап кўзини ўзи тутати — дарров талтайиб кетади.

**Хонқаро.** Ноумид шайтон, балки Келган Утаровичнинг вафоти ёлғондир.

**Суюн.** Дунё фисқу фасодга, ёлғону тухмагга тўладир.

**Тўлаган.** Бўлди, ЎзТАГга телефон қиламиз.

Парда

## ИККИНЧИ ПАРДА

Тўртинчи кўриниш

**Саҳна олди.**

**Бахт** қўшиғи эшитилиши асносида бир томондан Севил, иккинчи томондан Суюн кириб келадилар-да, бир-бирларини кўришлари биланоқ қўшиқча мос рақсга тушиб кетадилар. Қўшиқ тугагач ҳам Суюн ва Севил яна бир оз рақс тушиб айланиб юрадилар, кейин қўшиқ тугаганини ҳис этиб, хандон отиб юборадилар-да, рақсдан тўхтайдилар.

**Суюн.** Севги нима дейдилар...

**Севил.** ... то севмагунча билмайдилар.

**Суюн.** Бир кун севиб қолиб...

**Севил.** ... бир умр қутулолмайдилар.

**Суюн.** Менга шундай севги берилдики, фақат сизни севиш учун эмас, ҳаммани севиш учун менга севги берилди.

**Севил.** Менга эса шундай севги берилдики, ўзимни ўзгалар бўлиб, ўзгаларни ўзим бўлиб севиш учун менга севги берилди.

**Суюн** (Севил томон юриб). Менинг тонгим отди.

**Севил** (Суюн томон юриб). Менинг қуёшим чиқди.

**Суюн.** Севсангиз, ўзингизни унутиб қўяркансиз.

**Севил.** Лекин унутиб қўйганингизни билолмай қоларкансиз.

**Суюн.** Билсангиз, бу севги эмас-да.

**Севил.** Билсангиз, бу севги эмас-да.

Қайтмас кириб гап пойлайди. Севил билан Суюн уни дастлаб пайқамайдилар.

**Севил.** Вужудимда сизнинг ҳам қонингиз оқмоқда-я...

Бу гапни эшитиб Суюн севинчдан ўзини йўқотаёзди. Қайтмас ҳам бу гапга ўзича маъно бериб, қорнига ишора қилиб қўяди.

**Суюн.** Ўзимиздан ёдгорлик бу! Севгимиз меваси!

**Севил** (тушунтиради). Донорлик қонингизни айтяпман. Сиз касалхона бош врачига бўла туриб, ҳаётим хавф остида қолганда, қон бериб, мендек бир муштипарни асраб қолдингиз... Мен энди чиқай... Ярим соатдан кейин яна келаман.

**Суюн.** Келсангиз, қуёшим чиққани.

**Севил.** Келмасам...

**Суюн.** Ойнинг ботгани.

**Севил.** Келаман.

**Суюн.** Кутаман.

**Севил** ва **Суюн** икки томонга чиқадилар.

#### Бешинчи кўриниш

**Тўлаганинг биллиардхонаси. Учинчи кўринишдаги манзара. Улфатларнинг бари шу ерда, турли ҳолатда туришибди. Келган Утаровичнинг вафоти ҳақидаги хабардан суҳбатга совуқлик тушган.**

**Севил** (кириб, Тўлаганга). Устоз, ахийри ЎзТАГга телефон қилдим. Келган Утарович ҳақида ҳеч қандай гап йўқ. (Чиқади.)

Ҳамма яна жонланиб кетади.

**Тўлаган.** Демак, Келган Утарович тириклар.

**Ҳамма.** Демак, биз ҳам яшаймиз. (Тўлаганга.) Табриклаймиз!

**Тўлаган.** Куллук... Хонқаро қазратлари, унвонталаб артистларга ўхшаб ҳадеб кекка-явермай, суҳбатга жонлироқ қиришинг. Ахир, сиз орамизда энг кўпни кўрган, ўзбекча айтганда элгиз, форсча айтганда жаҳонгашта одамсиз. Мен ўз ҳақимдаги бор гапни билишни истайман, билишим ҳам керак.

**Хонқаро.** Маъқул, мавлоно Тўлаган! Жаноблари гар талаб қилар эканлар, камина сўзлашга мажбурман. Туз ҳаққи, нон ҳаққи! Тузингизни ичиб, нонингизни еб, уйингизнинг тўрида ўтирибмиз. Хонадонингиз меҳмонимиз. Бу уй сизники, сиз қургансиз ёки қурдиргансиз, замини ота-бобонгиздан мерос, уларга ота-бобосидан қолган. Улар бу юртни кўксини тутиб, қони, жони эвазига ҳимоя қилган, пешона терини тўкиб обод этган.

**Қайтмас.** Намунча чўзасиз, домла, кўп даромад қилмай шартта айтинг-қўйинг-да гапингизни.

Бу орада Оғабек билан Ёвқоч карта ўйинини, Тўқмоқли билан Бойсунқур шоҳмотни бошлаб юборадилар, ўзларини гўё Хонқарони тинглаётганга ўхшатиб кўрсатадилар-у, аслида тингламайдилар.

**Хонқаро.** Мумкинмас. Истасак-да, мумкинмас. Камина тўмтоқ сўзлашга одатланмагандир... Қани энди меҳмон меҳмон эканини унутиб қўймаса, ўзига кўрсатилган иззат-икромдан талтайиб кетиб, мезбонлик даъво қилмаса. Камина жон койитиб, эл-юрт ғамида фикр юритсам-у, мана бу биродарларимиз (қарта ва шоҳмот ўйновчиларга ишора қилади) эса пинак бузмайдилар. Ахир, бирлари ижроқўм раиси — юрт отаси, бирлари эл устини бут қилувчи, бирлари юрт посбони, бирлари маъмурчиликка мутасадди. Лекин эл-юрт дардидан сўз очилса, эшитиб-эшитмаганга, билиб туриб билмаганликка оласизлар. Чунки фарзандлик бурчини унутиб қўйгансизлар, чунки ўз устингиз бут, қорнингиз тўқ. Лекин бу усти бутлик, бу қорни тўқлик узоққа бормайди, чунки бу усти бутлик, бу қорни тўқлик эл-юртдан ажралгандир.

**Овозлар.** Йўғ-ей, йўғ-ей!

**Хонқаро.** Йўқ, худди шундай. Мавлоно Элтутмиш ва каминадан бўлак ҳаммангиз депутатларсиз, лекин депутат сифатида нима каромат кўрсатаёписизлар? Сизларни сайлаб юборган фуқаронинг қайси бир оғирини енгил қиляписизлар?

**Оғабек.** Катта кетманг, (киноя билан) домулло!

**Хонқаро.** Камина катта кетмаяпти. Сизларни инсофга қақиряпти — ишланг де-

япти, фаол бўлинг деяпти, иттифоқдош халқлар депутатларидан ўрناق олинг деяпти. Сизлар.. сизларга ҳайф депутатлик!

**Тўлаган.** Хонқаро ҳазратлари, ўрмонга ўт кетса ҳўлу қуруқ баравар ёнади, қабилда иш тутманг, ҳаммага бир ўлчовда баҳо берманг.

**Хонқаро.** Бу биродарларга қараганда эл-юрт олдида алалхусус, сизнинг масъулия-тингиз ниҳоятда буюқдир. Чунки сиз ҳокимиятга — Келган Утаровичга яқин одамсиз, яъни хос ҳожибсиз, чунки сиз илму маърифат мардумсиз. Қуролингиз қалам, майдонингиз қоғоз. Сиз эл-юртга зиё беришингиз керак эди. Афсуски, сиз сингарилар халқимизни уч бора саводсиз қилиб қўйдингиз.

**Тўлаган.** Бу ҳақда кўп гапиргансиз.

**Хонқаро.** Яна ва яна гапирaveraмиз. Халқимизни ўз тарихидан — эски ўзбек ёзувидаги китоблардан узиб қўйдингиз, янги имло бобида орага Хитой девори ўрнатдингиз, то бу девор орадан кўтариб ташланмас экан, халқимизнинг тақдири хавф остида, миллатдан қиёфасиз аҳолига айланиб кетиш хавфи атом уруши хавфидан ҳам кучлидир.

**Тўлаган.** Исбот! Исбот керак!

**Хонқаро.** Мана исботи! (Биллиард устидаги китобни олади.) Мана бу шоир Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикмат» деб аталмиш шеърлар тўплами. Эшитингиз:

«Турли-турли кийганлар.

Тотли-тотли еганлар,

Дунё маним деганлар,

Тупроқ аро ётмишлар».

(Китобни жойига қўйиб, бошқа бир китобни олади.) Эшитингиз: «Сўфизм адабиётининг энг реакция вакили бўлмиш динпараст Аҳмад Яссавий юқоридаги мисраларида китобхонни ўлим даҳшати билан кўрқитиб, мутеликка чақиради». (Китобни жойига қўяди. Тўлаганга яқин боради.) Йўқ, шарҳингиз жинояткорона нотўғри. Шоир бу мисраларида ўлим ҳақ эканини эслатиб, инсонларни камтар бўлишга чорлайди. Биродарлар, Аҳмад Яссавий ўлмасингиздан бурун ўлинг, деган ақидани ҳеч қачон илгари сурмаган. Балки ўлишни хаёлан ҳис қилишни ўрганинг деган.

**Элтутмиш.** Гапида жон бор.

**Тўлаган.** Бунинг нима кераги бор?

**Хонқаро.** Саволингизга буюк Лев Толстой жавоб бергай. Эшитингиз: «Ўлимни ҳис қилган кунингиздан бошлаб ҳаётни қадрлай бошлайсиз». Сиз эса, мавлоно Тўлаган, шоир Аҳмад Яссавийни халқни мутеликка чорлаган дея жинояткорона нотўғри талқин этасиз. Халқ эса сизнинг талқинингизни ўқийди, холос. Асл манбани ўқиш имконига эга эмас, сиз таъқиқлаб қўйибсиз, нашр этмайсиз...

**Тўлаган.** Мен эмас.

**Суюн.** Тўлаган эмас.

**Хонқаро.** Сизлар таъқиқлаб қўйибсизлар...

**Ҳамма.** Йўғ-ей, йўғ-ей!

**Хонқаро.** ... Чунки нашр этилишидан манфаатдор эмассиз, сохта таҳлилларингиз фош этилишидан, китобларингиз мағзи пуч экани очилишидан кўрқасиз.

**Тўлаган.** Илмда турли нуқтаи назарларга йўл қўйилади.

**Хонқаро.** Елғон — нуқтаи назар бўлолмайди!.. Бироз қизишдим, узр биродарлар. **Элтутмиш.** Анча-мунча қизишдингиз, биродари азиз. Сизни бундай ҳолатда биринчи кўришим.

**Хонқаро** (яна қизишиб кетади). Гапирсак, ҳозир гапирайлик. Эртага кеч. Халқимиз қиёфасини йўқотаётир, тилини унутаётир, халқликдан аҳолига айланаётир. Бунга ким масъул, ким жавобгар? Бу ҳақда ким ўйлайди, ахир?

**Оғабек** (тишини кавлаб). Сиз эмас, албатта.

**Хонқаро** (хотиржам). Янглишасиз. Камина ҳам шу эл-юрт фарзанди.

**Тўқмоқли.** Эътиқодларимиз бошқа-бошқа...

**Хонқаро** (давом эттириб). ...бўлиши керак эди. Афсуски, сизларда, камина айни сизларни кўзда тутмоқда, шаклланган эътиқод борлиги эҳтимолдан узоқдир. Ҳатто она тилида икки энли дуои салом ёзолмайсизлар-ку... Камина йўллаган табрикномаларингизнинг барини сақлаб келаман. Тилга эътибор — элга эътибор. Элга эътибор қилмаган, беписанд қаровчи кимсада эътиқод бўлишига камина мутлақо ишонмайди.

**Метин** (яраштурувчилик қилиб, кулгига олмоқчи бўлиб). Домла бугун ўринларидан бисмиллосиз турганга ҳайшайдилар.

**Тўлаган.** Бунинг ҳеч кулгили ери йўқ. Хонқаро ҳазратлари сўзидан кейин шундай бир хулосага келдимки, қайта қуриш, ошкоралик турмушнинг қатлам-қатламларидан ўтиб, ҳатто бизнинг «гап»имизга ҳам кириб келибди.

**Хонқаро.** Бу хосиятлидир.

**Тўлаган.** Ахир...

**Элтутмиш** (гапни бўлиб). Тинчлан, Тўлаган, тинчлан... Ахир, икки марта инфаркт бўлгансан-а...

**Хонқаро.** Камина руҳонийлиги туфайли сизлардек олий мажлисларда қатнаша

олмаса-да, халқ тақдири ҳал қилинувчи юксак йиғинларда иштирок этолмаса-да, шу халқнинг дарди билан яшайди, шу халқнинг бир фарзанди, бир заррасидир.

**Евқоч.** Домла тушмагур, сизам ўзим қатори жайдари бир одам экансиз-ку.

**Хонқаро.** Сиз нима деб ўйлаб эдингиз?

**Элтутмиш.** Раислик ҳуқуқимдан фойдаланиб, кун тартибини яна бир эслатаман. Сўз марҳум хусусида, янада аниқ қилиб айтсам, ўлимни ҳис қилиб тўнка устида ўтирган Тўлаган хусусида бўлсин. Қани, ким давом эттиради?.. Талабгор бўлмаса, мен гапира қоламан. Мантидан илгари айтган гапларимга қўшимча бўлади-да, бу сўзларим. Марҳумнинг асосий фожиаси шундаки, буюк ва бой, қадим тарихимиз олдида қалтиради.

**Қайтмас.** Ўзлариниям унутмасинлар. Қолаверса, ҳали Келган Утарович тирик эмишлар.

**Элтутмиш.** Бундан қатъий назар гапиравераман. Тўғри, мениам гуноҳим азим. Ҳатто Элтутмиш деган соф ўзбекча отимдан чўчиган онларим ҳам бўлган. Чунки бу ном Алпомиш авлодидан эканимни кўрсатиши, Тўхтамиш деган тарихий шахсни эсга солиши мумкин-да. Ҳа, майли, бу ҳақда бошқа сафар, балки менинг гапим пайтида сўзлашармиз... Тўлаган хусусида... Тўлаган аслида бугунги адабий тилимиз, адабиёти-миз Чингизхон истилосидан анча олдин шаклланганини, масалан, Аҳмад Яссавий тили Лутфий, Отойи тиллари сингари бугунги сўзлашув тилимизга мукамал рост келишини билади, у чаласавод эмас. Лекин ўзбек адабиёти ва тилига ўн иккинчи асрда Аҳмад Яссавий томонидан асос солинган, деган фикрни айтишга қўрққан, ҳозир ҳам қўрқади, чунки бу фикр адабий тили ва адабиёти ёш халқларга эриш туюлади, ўзларини камситилган деб билдилар, деган хаёлга боради, тарихимизга қўрқув билан муносабатда бўлади.

**Қайтмас.** Тўлаган, бу дўстинг фолбинликни ошириб юборибди!

**Тўлаган.** Қўявер, гапираверсин, оғиз уники.

**Элтутмиш.** Ўзларингга яхши маълумки, мен ўтган йили беш марта касалхонага тушиб қолдим. Ҳар сафар Тўлаган катта бошини кичик қилиб, баланд мартабасини қуйи қилиб, мени кўргани борди, профёссорларга тайинлаб, мени ётса бўладиган палаталарга олдириди, унинг мухбир аъзолиги бундайроқ баҳоланса ҳам, унинг одамийлиги ана шу камчиликни тўлатиб юборади...

**Евқоч.** Оғабек, Тўқмоқли ва Бойсунқур қарсак чалиб юборишади.

**Кўпчилик.** Ҳа гап!

**Элтутмиш.** ...Шу сабабли Тўлаган ҳаётда сира қоқилмай яшаб ўтди, яхши ўлим топиб кетди, қийналмай жон берди. Алвидо, боши ёстиққа тегмай, ҳаммани доғда қолдириб кетган дўстим Тўлаган, яна алвидо! Мен сендан мингдан минг розиман.

**Тўлаган.** Мен ҳам сендан розиман.

**Элтутмиш.** Энди ким гапиради?

**Қайтмас** тик этса эшикка қараб, Суюнни кузатиш билан овора.

**Суюн.** Бўлмаса, мен гапириб ола қолай. Менинг гапим қисқа. Тўлагандан одамларга оталарча бир меҳр-муҳаббат уфуриб турарди. У инсон фарзанди эканини сира унутмас, ҳар бир кишига, ёши катта ёки кичик бўлишидан қатъий назар, ўзимга ўхшаш одам-ку бу, ўғил қизларимга ўхшаш кимларнидир фарзанди-ку бу, рафиқамга ўхшаш кимнингдир жуфти ҳалолни-ку бу, ота-онамга ўхшаш кимнингдир ота-онаси-ку бу, дея ҳаммага инсоний кўз билан қарарди, ҳаммани ўз ўрнига қўйиб кўрар ва аксинча, ўзини ҳам ўшаларнинг ўрнига қўйиб ҳис қилиб кўрар эди, Тўлаган ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмас, чунки одамларда ўзини кўрарди, бировга қилинган ёмонлик — бу менга қилинган ёмонлик деб биларди. Тўлаганни эсласам, қилган яхшиликлари эсимга тушади. У яхшилик тимсоли сифатида ёдимда узоқ сақланиб қолажак. Алвидо, яхши одам Тўлаган, яна алвидо! (Лип этиб кўздан ғойиб бўлади).

**Қайтмас** (Суюн чиқиб кетганини сезиб қолиб). Талабгор бўлмаса, мен гапираман... Шуниси аниқки, дўстлар, Тўлагансиз ўтажак эндиги умримизни ҳам усиз тасаввур қилиб бўлмайди. Марҳум турмуш тарзимизга, қон-қонимизга шунчалик сингиб кетибдики, энди истасак-истамасак, унинг йўриғидан кетаверамиз. Тўлаган ҳаётлигида қандай яшаган бўлсак, шундай умр кечираверамиз, уни қабристонга қўйиб келгач ҳам, шундай яшайверамиз. Тўлаган аслида ўлгани йўқ, у пораларга бўлиниб, барчамизнинг танамиздан ўрин олган, қалбимизга сингиб кетган. Шу пайтгача бизлар Тўлаган сиймосида яшаб келган бўлсак, энди у бизнинг вужудимизда яшашда давом этади, шунинг учунам Тўлаганнинг ўлимини ўлим демасаям бўлаверади, ўзини эса ўлик десаям, тирик десаям ҳисобга ўтаверади, бу билан Тўлаганчиликнинг, яъни Тўлаганизмнинг моҳияти ўзгариб қолмайди. Шу давранинг лоақал бир аъзоси Ер юзиде қимирлаб юрар экан, Тўлаганизм барҳаётдир, дейиш мумкин. Агар ҳар биримиз ҳеч бўлмаганда биттадан ўғлимизга, биттадан ўғил неварамизга тўлаганизм руҳида тарбия бера олсакми, ўйлайманки, худди шундай бўлаётир, тўлаганчилик абадул-абад давом этажак. Тўлаган жисман орамиздан кетаётир, руҳан ҳамиша бизлар билан. Шу сабаб қайғуришга ўрин йўқ. Тўлаганнинг ўлими туфайли биз уни йўқотганимиз йўқ, балки уни қўлга киритдик. Агар у ўлиб кўрмаганида, биз уни бу даражада яққол қўлга киритмаган бўлардик, ваҳоланки қўлга киритилмаган нарсанинг қадри ҳам бўлмайди. Тўлаганнинг ўлими унинг тирилишидир.

Қайта тирилтирадиган ўлим топган, ўлганидан кейин қайта қўлга киритилган азиз дўстим Тўлаган, алвидо, яна алвидо! Дўстлар, Махатма Гандининг ўлими Ҳиндистон халқларини бирлаштиришга хизмат қилгани сингари Тўлаганнинг ўлими ҳам сафларимизни мустақкамлайди. Сизларни дўстлик таълимоти бўлмиш Тўлаганизм билан табрик этаман.

**Элтутмиш.** Бор экансиз-ку, Қайтмасхўжа!

**Метин.** Матбуот омон бўлса, тилимиз бурро бўлаверади-да.. Тўлаган шундай бир сиймо эдики, у бутун бир тарихий даврда бутун бир авлоднинг томирини урдириб келди. Бутун бир авлоднинг пульси Тўлаганнинг пульсига ҳамоҳанг эди. Биз — унинг ҳамнафас, ҳамкор, ҳамжиҳат, ҳамқадам ва ҳамялоқ, яъни ялоқдош улфатлари бугун мана шу мотам онларида қасамёд қилиб айтамызки, Тўлаганнинг юрак уриши тўхтаган бўлса-да...

Тўлаган чўчиб, кўксига қўлини қўйиб, юраги ураётганини ҳис қилиб юзи ёришади.

— ...бизларнинг юрагимиз уриб турибди.

Ҳамма юраги устини ушлаб кўради, юраги ураётганини ҳис қилиб, жилмайиб қўяди.

— ...Демак, Тўлаганизм давом этаётир. Тўлаганни сўнгги йўлга кузатиб бориб, бу ихтиёрий, албатта, тезда қора тупроққа топшириб қайтишга мажбур бўлсак-да...

**Ҳамма** (Тўлаганга қараб, узр сўрагансимон). Шунга мажбурмыз.

**Метин.** ...биз, унинг дўстлари ёруғ дунёда, ер устида ҳали узоқ йиллар ғамирлаб юрамыз, бизнинг саъий ҳаракатимиздан халқимизнинг маънавий хазинасига бойлик қўшилади. Демак, Тўлаган бошлаб берган эзгу ишлар давом этажак. Тўлаган вафоти муносабати ила у эгаллаб келган мартабалар, у сазовор бўлган мукофотлар, у эришган илмий даражалар, фахрий унвонлар, у етишган камолот босқичлари, у қўлга киритган мавқе, ҳурмат, обрў ордона қолмаяжак, ўз тўдамызга мансуб ва мақбул бир ҳамялоғимизга ўтажак.

**Қайтмас.** Бу бошқа масала. Дафндан кейин жўрабошилиқка сайлов ўтказамиз.

**Метин.** Сайлов Элтутмиш раислигида ўтади, чунки у кўмиш комиссиясининг раиси-да.

**Хонқаро** (тасдиқлайди). Одатда шундай бўлиб келаётир.

**Метин** (гапни келган жойидан давом эттиради). Тўлагансиз Тўлаганчасига яшашга, ҳар йили хотира байрамини... кечирасизлар, байрам дейишга кўникиб қолибман... хотира кунини нишонлаб, мазорбошига бориб, қабрини зиёрат қилиб, руҳини шод этиб туришга қасамёд қиламыз.

**Ҳамма.** Қасамёд қиламыз.

**Тўлаган** (ҳаммадан кейин, алоҳида). Қасамёд қиламыз.

**Метин** (Тўлаганга). Азизим, сен жим ётишинг керак, сен ўлган ҳисоблансан. Бизлар эса тирик ҳисобланамиз...

**Оғабек** (ҳавони искаб). Оҳ-оҳ-оҳ! Кабобни кўрага қўйдилар, чоғи... Мен шуни алоҳида таъкидлайманки, бизлар марҳумнинг тузини кўп ичганмыз. Бу хонадонда емаган овқатимиз қолмаган: ялпиз сомса дейсизми, барра кабоб дейсизми, бедана димлама дейсизми, ҳасипу норин дейсизми, хуллас емаган таомларимиз қолмаган, уйимизда емаганларниям, бошқа жойларда ея олмайдиганларимизниям бу ерда танаввул айлаганмыз, нишолданиям, ҳолвайтарниям, сумалакниям, ҳалимниям фақат шу ерда ердик, ялардик, қайси мева пишса бизларни таклиф этарди: қулупнайхўрлик, тутхўрлик, гилосхўрлик ва борингки бир кунни, эсларингда бўлса керак, барра пиёз баҳона, пиёзхўрликка ҳам келганмыз-а. Хуллас, Тўлаган меҳмондўст одам эди. Алвидо дўстим, мазоринг битта бўлсин.

**Қайтмас.** Нега ундай деяпсан, мазори битта бўлмай нечта бўларди?

**Оғабек.** Жасади мазордан мазорга кўчирилаётганлар озми?

**Оғабек.** Унда ер юзини мазор босиб кетади-ку.

**Элтутмиш.** Феодал замонида бу сингари ҳодисотлар бўлиб тургани тарихдан маълум.

**Хонақаро.** Дини Ислому ўликни дахлсиз деб билади, ҳурмат қилишни талаб этади.

**Оғабек** (димоғига келиб урилган исни мириқиб ва чўзиб искаб). Оҳ-оҳ-оҳ! Кабоб пишди ҳисоб.

**Евқоч** (ҳавони искаб). Йўқ, зирали қазининг иси бу. Норин қора бошладилар ҳозир. Тўғримми гапим, Тўлаган?

**Тўлаган.** Тўғри топдинг. Ҳозир норин қорилмоқда. Узинг норинни яхши кўрасан-да.

**Евқоч.** Нориндан олдин мен гапириб ола қолай... Дўстим Тўлаган шундай бир қувноқ зот эдики, мен уни камида юз йил яшаса керак, ҳеч бўлмаса етмиш йил яшаса керак деб ўйлардим. Афсуски, тентак ўлим...

**Оғабек.** Норин совимасин. Евқочга ёрдам бериб юборайлик... Бевақт ўлим...

**Тўқмоқли.** Адашган ўлим...

**Тўлаган.** Беозор ўлим...

**Қайтмас.** Золим ўлим...

**Бойсунқур.** Расмий ўлим...

**Хонқаро.** Бефарқ ўлим...

**Бойсунқур.** Тўсатдан ўлим...

**Элтутмиш.** Санитар ўлим...

**Тўлаган.** Ҳей, вей, нега санитар ўлим бўлар экан?

**Элтутмиш** (тушунтиради). Улим бўлмаса, Ер юзи майиб-машриқларга, нафақа-хўрлар, қинғир-қийшиқларга, қари-қартангларга тўлиб-тошиб кетарди, чиройлидан турқи совуқлар кўпайиб кетарди. Улим тарихий зарурат. Улим Ер юзини, одамзоднинг ўзини ҳам гўзаллаштириб, ҳаётни тартибга солиб туради.

**Евқоч.** Хуллас, Элтутмиш айтмиш санитар ўлим орамиздан дўстимизни мўлжалимиздан сал олдинроқ олиб кетиб қолди. Тўлаган орқали битириб оладиган ишларим бор эди-да. Энди у яшаб олмаган йилларни бизлар яшайлик. У кия олмаган кийимларни бизлар кияйлик, у ея олмаганларни бизлар ейлик, у боролмаган юртларга бизлар борайлик, у юра олмаган йўллардан бизлар юрайлик. Ана ўша пайтларда олтмиш бешида ўлворган Тўлаган деган ҳамтовоғу ҳамялоғимиз бўларди, дея сени ҳам эслаб кўйишга қасамёд қиламиз. Алвидо, қайтараман, санитар ўлимга учраган дўстим Тўлаган, яна алвидо! Мақтанаш эмас-ку, ўқимаган бўлсам ҳам...

**Оғабек.** Нега ундай дейсан, дипломинг бор!

**Евқоч.** Дипломни Тўлаган совға қилган тўнғич ўғлим туғилганда.

**Оғабек.** Чойнақдан чой ичаяпти, десам, май ичаётган экан.

**Евқоч.** Етти синф маълумотим бўлса-да, ҳамманикидан менинг нутқим зўр чиқди, шунга тан берасанларми-йўқми?!

**Қайтмас.** Чунки сенинг пулинг кўп-да, тан берамиз, сен зўр гапирдинг.

**Евқоч.** Тўғри, пулим кўп, ҳаммамизга ҳам етади.

**Тўқмоқли.** Норингача менам гапириб қутулиб қўя қолай, бемалол норинхўрлик қиламан кейин. Уртоқ Тўлаганнинг, кечирасизлар, марҳум Тўлаганнинг мен билган бир фазилати шу эдики, мен мана шу тўнка устида ўлиб ўтирган одам орқали казо-казолар билан топишиб олганман. У фавқуллодда буюк воситачи эди. Масалан, шахсан мен ўзим Тўлаган орқали еттита министр, ўн битта министр ўринбосари, шулардан учтаси биринчи муовин эди, ўн саккизта академик, ўн тўртта мухбир аъзо, шулардан биттаси Иттифоқ Фанлар академиясининг мухбир аъзоси эди, эллик тўртта райком секретари, эллик еттита ижрокўм раиси, бешта трест бошқарувчиси, шулардан учтаси қурилиш бўйича, иккитаси умумий овқатланиш бўйича эди, булар билан ошнолигим иморат қурган, ўғил уйлантирган йилларим эди, хўш... битта космонавт ва ҳоказо ва ҳоказолар билан танишганман. Э, бу хонадонга кимлар ташриф буюрмаган дейсиз! Ҳатто энг каттамининг кўёви ҳам келган бу ерга! Э вох, мана шундай суҳбати жонон йигитдан айрилиб қолдик-а! Э, фалак, адолатинг шуми ҳали? Яхшидан жудо қилиш ҳам адолатданми? Йўқ, мен чидаёлмайман, ичим ёниб кетяпти, менга... сув беринглар! Мен сув ичаман! (Пиёлага куйиб, афтини бужмайтириб май ичади.)

**Оғабек.** Хумориси тутди, ичкиси жуда қистаб кетди бола пақирнинг...

Севил киради.

**Севил.** Устоз, норинга марҳамат!

Севил чиқиб кетаётганида телефон жиринглайди. Севил телефон қулоғини олади. Ҳаммининг диққати Севилга қаратилади.

**Севил** (телефонга). Ҳа, домла уйдалар... Чақирайми?... Ҳа, ҳожати йўқми... (Телефон қулоғини жойига куйиб.) Устоз...

**Тўлаган.** Тушунарли: уйдалигимни билволишди. Демак, Келган Утарович вафот этган, мени некролог ёзишга чақиривади.

**Бойсунқур.** Тушингни сувга айт, оғайни. Агар Келган Утарович ҳақиқатан ўлган бўлса, сенинг ҳам кунинг битибди, Келган Утарович албатта қораланади, одатда амал курсисида узоқ ўтирганларнинг қисмати шу ўзи. Сени эса Келган Утаровичнинг думи деб қоралашлари турган гап. Дўстлар, гап келганда отангни аяма деганлар. Мен бошладим бўлмаса. Киши ўлгач, унинг обрўйини ҳеч ким бир қарич юқорига кўтаролмайди ҳам, бир қарич пасайтиролмайди ҳам. У тириклигида одамийликнинг қайси поғонасига чиқолган бўлса ёки тубанликнинг нечанчи зинасига тушиб кетган бўлса, ўшалигича қолаверади, оғиз кўпиртириб мақтаган билан ёки аблаҳдан олиб, аблаҳга солган билан унинг қадри ошиб ёки камайиб қолмайди...

**Элтутмиш.** Бор экансан-ку, Бойсунқур мирзо!

**Бойсунқур.** ...Шаҳсан Тўлаганга келсак, ростини айтишим керак, у сохта олим эди.

**Тўлаган.** А? (Кўзи очилиб кетади).

Ҳамма таажжубда.

**Бойсунқур.** Қани биронталаринг фикримни рад этиб кўр-чи! Рад этолмайсанлар. Ҳақ сўз олдида миқ этолмайсанлар...

Тўлаган ҳаммага илтижо билан боқади, унинг бу боқиши «рад этсанг-чи, гапирсанг-чи» деган маънони ифодаларди. Лекин ҳамма бирин-кетин Бойсунқур сафига бориб тура бошлайди.

— ...Дўстим Тўлаган, сен тўғрингдаги дилдаги гапларимиз баралла тилимизга чиқиб кетди, барибир бир кунмас бир кун бу гаплар ошкор бўларди, албатта. Энди орадан



парда кўтарилди. Дўстларим қийналмай яшасин, десанг, ке дўстим, ўзингни ҳам қийнаб юрма, бизларниям қийин аҳволга солиб қўйма-да, чинакамига ўлиб қутулиб қўя қол.

Тўлаган илтижо билан ҳаммага бирма-бир тикилиб чиқади, лекин ҳамма ундан кўзини ва ўзини олиб қочади.

**Тўлаган.** Инсофсизлар!

**Бойсунқур.** Сен эса инсофли бўл, сен ўлишинг керак, ана шунда Келган Утарович билан боғлиқ ҳаммамизнинг буткул сир-синаотимиз сен билан бирга кўмилиб кетади. Келган Утарович ўрнини эгаллаган одам албатта унинг фаолиятига ўзича баҳо беради ва тафтиш ўтказади, бу ўзи одат тусига кириб қолган. Мабодо сен тирик экансан, бизларга тинчлик йўқ. Билиб қўйки, сен ҳам Келган Утаровичнинг қилмишлари учун жавоб берасан, отилишинг турган гап. Сени отиб ташлашгунча, ўзинг ўлиб қўя қолганинг яхши, шунда бизлар омон қоламиз, ёпиқлик қозон очилмайди.

**Тўлаган.** Нобакор! Сенга қилган шунча яхшиликларимнинг эвазига менга ўлим тилаб ўтирибсанми ҳали?

**Қайтмас.** Бойсунқурнинг талаби ўринли.

**Тўлаган.** Инсофсизлар, мени тиғсиз сўйдиларинг.

**Суюн** (осма тасмасини боғлай-боғлай қувноқ киёфада кириб). Оғайнилар, юқоридаги қадрдонимга телефон қилувдим, ҳеч гап йўқ, деди.

**Тўлаган.** Демак, Келган Утарович тириклар! Демак, мен ҳам тирикман. (Суюнни бағрига босади).

**Кўпчилик** Тўлаганга ялтоқланиб боқади.

**Метин.** Бу ҳали номаълум. Одатда Келган Утаровичдек одам ўлса, вафоти тезда хабар қилинмайди. Аввал кичик мажлис, кейин катта мажлис чақирилади, марҳумнинг ўрнини кимдир эгаллайди.

**Қайтмас.** Уша одам дафн комиссиясининг раиси бўлади.

**Метин.** Баракалла! Шундан кейингина жудолик эълон қилинади.

**Севил:** (кириб). Устоз, дастурхон сизларга мунтазир.

Севил қайтиб чиқиб кетаётганда телефон жириглайди, у телефон қулоғини олади.

**Севил:** Лаббай... Яхши, айтиб қўяман... Устоз, сизга телефон қилишаркан. Уйдан бир қадам ҳам жилмас экансиз. Муҳим хабар бўларкан. (Телефон аппаратини Тўлаганга олиб бориб беради.)

Ҳамма чиқа бошлайди.

**Қайтмас** (энг охирида қолиб, саҳна олдига келиб, залга). Тавба! Суюннинг хотинидан ҳамон дарак йўғ-а! Ёки рашкчи эмасмикин? Йўқ, рашк қилмайдиган хотин зоти бўлмайдди. Ҳали замон келиб қолса ажаб эмас. Узиям Тўлаганнинг суроби анча тўғри бўпқолди. Бойсунқурни бир совхознинг директори деб юрсам, бало экан, роса болади Тўлаган деганларни. Энди Суюннинг хотини Товус пари кириб келсами... Маз-за! (Чиқади.)

Чироқ ўчади.

Олтинчи кўриниш

**Тўлаганнинг шахсий биллиардхонаси. Бешинчи кўринишдаги манзара. Хонқаро билан Элтутмиш сўхбатлашмоқдалар.**

**Хонқаро.** Мавлоно, ўзларига маълумким, одамзоднинг қалтис жойларидан бири шуки, ўзини мақташларини ёқтиради, ўз маънавий майиб жойларини кўришни истамайди.

**Элтутмиш.** Бале! Лекин ҳамма эмас, айрим шахслар. Тарихда мисоллар кўп бунга: Нерон, Наполеон, Гитлер, Сталин, Брежнев... Бундайлар тириклигида гўё буюкларнинг буюги, ўлгандан кейин пучларнинг пучидир.

**Хонқаро.** Баракаллоҳ, ўлим қозижол қуззот, яъни судьяларнинг судьяси-да. Одам мисоли данак бўлса, ўлим бамисли болға, уни чақиб мағзи тўқми-пучми, ажрим қилиб берур. Ҳақиқий таржимаи ҳол инсон вафотидан сўнг ёзилур, яъни илгари ёзилгани таҳрир қилинур, бу тарих ҳукми бўлур.

**Тўхтамиш.** Шунинг айтинг, биродари азиз. Ҳозир мактабларда тарих фани ўқитилма-япти, чунки тарихдан дарсликлар йўқ, янгитдан ёзилмоқда. Бу гал ҳам яна ёлғон ара-лашса, келгусида қайта ёзишга мажбур бўлишади. Чунки мингта унвонлару мукофотлар бериш билан оддийни буюк қилиб бўлмаганидек, ҳар қанча ерга уриш билан буюкни хор этиб бўлмас. Нур ерга тушгани билан қиймати кетиб қолмас.

**Хонқаро.** Ҳақ гап, нур ҳамиша нурдир, ҳақиқат ҳам бамисли нурдир. Нурга интиламиз деб, Тўлаганни танқид қамчиси билан савалаб, руҳан жуда тушириб юбордик.

**Элтутмиш.** Бунга Келган Утарович хусусидаги бир-бирига зид хабарлар сабабчи бўлди.

**Хонқаро.** Шундай. Лекин энди мажлис руҳини мавлоно Тўлаган кўнглини кўтаришга қаратайлик. Дурустми?

**Элтутмиш.** Айни муддао.

**Хонқаро.** Сиз бошлайсизми сўзни ёки камина бошлаб берсинми?

**Элтутмиш.** Йўқ, ўзим, ахир мотам митингининг раисиман. (Шивирлаб.) Сизнингча, Келган Утаровичнинг вафоти ростмикин?

**Хонқаро.** Рост бўлса керак, шамол бўлмаса теракнинг учи қимирламас. Лекин муҳими бу эмас. Келган Утарович ўрнига ким ўтиради, у кимга яқин бўлади, ҳамма гап ана шунда. Хутбани кимнинг номига ўқиймиз, рутба кимга тегади — асосий гап ана шунда.

Тўлаган телефон апаратини қўш қўллаб тутган ҳолда. Қайтмас, Оғабек, Тўқмоқли, Бойсунқур, Метин, Ёвқоч телефон симини саф бўлиб ушлаган ҳолда аста кириб келишади, Хонқаро ва Элтутмишлар ҳам телефон симини ушловчилар сафига қўшиладилар. Тўлаганнинг елкасига тўн ташланган. Ҳамма вужуди қулоқ бўлиб, қўнғироқ бўлишини кутмоқда. Қўққисдан телефон жиринглаб юборади. Тўлаган чўчиб кетиб, шошапиша телефон қулоғини қулоғига тутди.

**Тўлаган.** Лаббай?.. Театр?.. Э, йўқ! (Жаҳл билан телефон қулоғини аппарат устига тарс этиб кўяди.)

Ҳамма тизилишиб биллиард томон келади, Тўлаганнинг тўни елкасидан тушади. Телефонни ёнига — биллиард устига қўйиб, ўзи тўнкага ўтиради.

**Тўлаган.** Элтутмиш, илтимос, анави тўнимни оёқларимга ташлаб қўй, бир оз этим увишаётипти.

**Элтутмиш.** Бемалол, бемалол. (Тўнни ердан олиб, Тўлаганнинг оёқларига ташлаб кўяди) Биродарлар! Бир пайтлари қирқ оғайни улфат эдик. Қирилиб кетдик. Мана энди бор-йўғи ўн нафаримиз қолибмиз.

**Хонқаро.** Эвоҳ, ўлим ҳақ. (У доимо тасбеҳ ўгиргани ўгирган.)

**Элтутмиш.** Ғалвирни сувдан кўтарсак, ажойиб ишларимиз ҳам кўп. Мана, ўзимизнинг Тўлаганни мисолга олиб кўрайлик.

**Тўлаган.** Энди хина қўйма, фойдаси йўқ.

**Қайтмас** (севиниб кетади). Топилди! Топдим! Ўзим топдим! Ўзбекистоннинг пойтахти — Тошкент!

**Хонқаро.** Ана мактаб директорининг аҳволи!

**Элтутмиш** (Метин тинчиб бўлгач). Нега фойдаси бўлмас экан, Тўлаган? Сен қилган хизматларнинг ярмини қилганда манаман деган азаматниям бели чиқиб кетарди. Тағинам тош-метин экансан. Сен ўз асарларингга олти юз олтмиш саккизта қаламкашни тилга олгансан. Ҳа, сен ўта заҳматкашсан. Жуда холис иш тутасан. Агар нохолис, яъни тарафкаш бўлганингда, ўзингга жуда ёққан уч-тўрт қаламкашни тилга олибгина кўя қолардинг.

**Метин.** Яна кези келиб қолди, гапирмасам бўлмайди... Тўлаган деган номнинг ўзиёқ кўп нарсаларни ифодалай олади. Айниқса, газетачилик оламида... Мана, ўзимдан қиёс. Агар мен Тўлаган имзоси билан газетамизга бирор материал олиб борсам, буни унинг ўзи ёзадими, мен... биров ёзадими, бунинг аҳамияти йўқ, ишқилиб имзоси бўлса бас, редакторимиз менга мукофот тариқасида бир ҳафта таътил беради.

**Қайтмас.** Келган Утарович тириклигида шундай бўлган. Эндиям таътил бериб кўрсин-чи.

**Метин.** Қайтмас, сен бироз жим тур, мен гапириб олай. Хўш, редакторимиз сал иши юришмай қолса, ҳузуримга кириб келадида, улфатингдан бирор нима қилиб кел, дейди илтимос оҳангида. Газетамизда Тўлаганнинг имзоси кўринган кун редакцияда байрам бўлиб кетади...

**Қайтмас.** Энди эса байраммас, мотам бўлади.

**Метин.** Мавлоно Тўлаган деган имзо Келган Утаровичга яқинлик белгиси-да. Бу имзо ижтимоий-сиёсий ва қолаверса, хўжалик аҳамиятига молик имзодир...

**Қайтмас.** Энди икки пуллик қийматга эга эмас.

**Метин.** ...Чорак асрдан бери шундай эди.

**Қайтмас.** Бугунга келиб бекор бўлди.

**Метин.** Қайтмас, ҳали бу тутуруқсиз гапларингга жавоб берасан.

**Оғабек** (тўсатдан гап бошлаб юборади). Эсимда, бундан қирқ йилча аввал Тўлаганнинг ота-онаси ажралишмоқчи бўлиб судга ариза беришганди. Тўлаган норозилик тарзида очлик эълон қилган, рўза тута бошлаган. Ана мардлигу ана жасорат. Ана ота-онага меҳру оқибат. Йўқ, туққан фарзандлари эмасми, ёлғиз ўғлонларини оч-наҳор ташлаб қўймадилар, биринчи бўлиб муштинлар онаизор, кейин эса мушфиқ падали бузруқвор суддан аризаларини қайтариб ола қолдилар. Очликнинг учинчи куни ота билан она ўртасида миллий яраш, ие, кечирасизлар, оилавий яраш-яраш бўлди. Тўлаган очликни расмий равишда бекор айлаб, қиймали атала танавул қилди, рост, атала ичди, сабаби очликдан кейин кучли таомлар, масалан, қазини-қартали палов еб бўлмайди, меъда издан чиқади. Кўриб турибсизларки, Тўлаган тадбиркор, нақадар тинчликсевар, нақадар сулҳпарвар, нақадар инсонпарвар, катта авлодга нақадар меҳрибон инсон! Мен дўстимнинг порлоқ хотирасига, ота-онаси ва халқимиз олдидаги буюк хизматларини эъзозлаш юзасидан бир кўнлик очлик эълон қилишни таклиф қиламан ва буни ўзим бошлаб юбораман. Тўлаганни то кўмиб келмагунча оғизга туз олиш йўқ, ўртоқлар. (Бир пиёла яхна чой ичиб юборади ва қарта ўйинини давом эттиради.)

**Евқоч** (ўтирганича, карта ўйинини давом эттириш асносида). Уртоқлар, ўз сўзига амал қилиш Оғабекчалик бўлар, мен ҳаммангизни ундан ибрат олишга чақираман. Тўлаганнинг таъсири, Тўлаганча яшаш тарзи, тўлаганизм ҳали узоқ давом этажак. У манадан деганларгаям раҳбарлик қилди...

**Қайтмас.** Орқасида одами бор эди-да, Келган Утарович.

**Евқоч.** ...Тўлаган кўпларга сўзини ўтказди, унинг таъсирига учраганлар ўзгаларга таъсир кўрсатдилар...

**Метин.** Эндиям ўтказиб кўрсин-чи.

**Евқоч.** ...Шу тариқа тўлаганизм ҳаётда жуда томир отди. Анор донини қўшиб ош ошатишда ҳеч ким унинг олдига тушолмасди. У билан ошхўрлик қилган онларим умримнинг энг гўзал онларидир... Ошга сабзи босилди чоғи.

**Оғабек** (ҳавони искаб). Шундай, энг ёқимли ис! Бундан кейин духи туради.

**Тўқмоқли.** Французча... Тўлаган шогирдлари орасида шаҳар болаларидан ҳам борлиги мана энди асқотади. Узоқ-яқиндан етиб келишгунча, ана шулар тобутини елкаларида мазорбошига кўтариб боради-да. Бу билан айтмоқчиманки, ёшимиз бир жойга бориб қолган экан, ўзимизни мазорбошига кимлар олиб боришини, дафн маросимизга қанча одам йиғилишини ва кимлар бўлиши кутилишини бир эслаб, шунга яраша тадорик кўриб қўяйлик. Тагин ўлигимиз итнинг ўлигидек хор бўлмасин.

**Оғабек.** Бизларга ҳеч гапмас, лекин сенга қийин. Сен ташвишга тушсанг арзийди. Ички ишларга қарайман деб кўпларнинг ички ишларига аралашгансан, зада қилгансан.

**Тўқмоқли.** Мен топшириқни бажарганман. Қолаверса, ҳозир ўлган менмасман, ана у — Тўлаган.

**Қайтмас.** Дўстлар, Тўлаганнинг шу ўтиришини кўриб драматург Александр Островскийнинг Москвадаги Малый театр олдидаги ҳайкалини эслаб кетдим...

**Метин** (шошиб). Мен откриткасини кўрганман.

**Қайтмас.** ...Буни қаранг, ўзига ишончи нақадар кучли-а! Тириклигида кўплаб ишларни дўндириб қўйгани шундоққина зуҳур этиб турибди. Дўстим Тўлаган, сен қанчалаб одамларнинг ҳожатини чиқармадинг, булардан қанчасининг гувоҳиман ўзим. Мениям юзлаб ишимни битириб бергансан. РайОНО мудирларидан ўн еттисини қулатишимга сен ёрдам бергансан.

**Метин.** Унинг Келган Утаровичи бор-да.

**Қайтмас.** Энди сен жим тур, менга ўхшама... Тўлаганнинг Келган Утаровичи бўлса, бизнинг мавлоно Тўлаганимиз бор. (Ҳаммани Тўлаганга кўрсатиб.) Бу болаларнинг гапига хафа бўлма, дўстим. Ҳозир танқид қилиш мода. Ҳозир кимлар танқид қилинмаётир! Тириклигида танқид эшитиш бу ўзи бир бахт-ку. Негаки, тириклигида танқидга учрамаганлар ўлганидан кейин икки ҳисса кўп танқидга ем бўлаётир. Кўк йўтал, қизамиқ деган касалликлар билан одам ёшлигида оғримаса, кейин барибир шулар билан оғрир экан, тириклигида оғримаса, гўрида оғриб, кейин тупроққа қўшилиб кетар экан. Шунга ўхшаш тириклигида танқид бўлмай қолса, ўлгач танқидга учрар экансан. Сенинг бахтинг шундаки, оғайни, ўз уйингда, ўлан тўшагингда танқид эшитиб ўтирибсан. Бегоналар эмас, ўз дўстларинг гапиришяпти. Одатда одам ўзи номард бўлса, атрофига номардларни, ўзи кўрнамак бўлса, кўрнамакларни, ўзи манқурт бўлса, манқуртларни, ўзи субутсиз бўлса, субутсизларни, ўзи халқи тақдирини ўйламаса, калтабинларни, ўзи имонсиз бўлса, имон ҳақида оғиз кўпиртирувчиларни тўплайди-да, шулар билан ош-қатиқ бўлади-да. Одатда амалдор хатосини ўз даврасидаги амалдорлар айтмаса ким айтарди, чет кишилар навбатга ёзилиб бориб айтиб келмайди ёки ўзга юртдан келиб айтиб кетмайди. Олим хатосини олимчалик, адиб хатосини адибчалик биладигани бўлмайди. Қанчадан-қанча комитетлар, правлениелар, президиумлар, бюролар, кенгашлар, уларнинг қанча-қанча казо-казо аъзолари бор. Одамлар орқасидан гапиришга чек қўйиш учун ана ўшалар одам собиқ ёки марҳум бўлгунига қадар гапирадиганини юзига шарт гапириб олиши керак. Ахир, улар шунинг учун сайлаб қўйилади-ку, шунинг учун ҳам ойлик олишади-ку. Бирор амалдор вафот этди, дейлик...

**Метин.** Масалан, Тўлаган.

**Қайтмас.** ...Ҳали танаси совимасданоқ гўрига гувала тахлаш бошланиб кетади. «Шунча гапларинг бор экан, тириклигида айтсанг бўлмасмиди» десанг, «ие, эсинг жойидами ўзи, агар шу гапларини тириклигида айтсамми, ундан анча илгари мен ўлиб кетган бўлардим. Унинг орқасидан менмас, менинг орқамдан у гапирарди, гапириш ҳуқуқига эга бўларди» деб жавоб берадилар. Мана, узоққа бормай Тўлаганни олайлик. У ўлимни ҳис этишга киришиши биланоқ тилимиз қичишиб кетди, кун бўйи ёмонлаб ўтирибмиз. Ахир, аввалги ўтиришларда қаерда эдиларинг, нега гапирмадиларинг, ахир бу Тўлаган ўша Тўлаганнинг ўзи-ку.

**Кўққисдан** хотин-халажнинг қий-чуви кўтарилади. Товус Севил, Еруғқун, Тўлиной ва бошқа икки-уч толибани олдига солиб қувлаганича кириб келади. У кўпол гавдали, нўноқ пардоз-андоз қилган, олтмишлардан ошган аёл эди.

**Товус.** Қани у? Қани?..

**Қайтмас** шу тўс-тўполонда Товуснинг қўлига биллиард таёғи — кийни тутқзади.

**Қайтмас.** Мана.

**Товус.** Қани у, қани у, уйини исловотхона қилиб қўйган қўшмачи бойвачча Тўлаган қирриқ? (Тўлаган томон кийни ўхталанича шиддат билан бостириб боради.)  
Тўлаган биллиард устига чиқа солиб, устига тўнини тортиб, бекиниб ётади.  
**Элтутмиш** (Товуснинг йўлини тўсиб). Оғизни бепаравуз қилманг! Нима гап, янга?  
**Товус.** Нарн тур, эски гап тарихчи! (Элтутмишга чап бериб, Тўлаган томон йўл олади.)

**Хонқаро** (Товуснинг йўлини тўсиб). Шайтонга ҳайф беринг, янга, уят бўлади-я. Тушунтириб гапиринг.

**Бойсунқур.** Болаларингиз бор, ахир.

**Товус.** Эрим Суюн сатангни мана шунинг кабинетида аспиранти билан дон олишиб ётган ҳолида қўлган туширдим ҳозир.

**Тўлиной.** Елғон! Бизлар ҳам бирга эдик.

**Еруғқун.** Шеърхонлик қилаётгандик.

**Товус.** Тушларингни сувга айт, манжалақилар! (Кийни ўхталади.) Эрим сенларни қочираётган эди, ўз кўзим билан кўриб, қўлим билан тутдим.

**Тўлиной.** Вой, уят!

**Еруғқун.** Вой шўрим!

**Товус.** Тўлаган яшшамагур ҳақида кўпдан бери эшитиб келардим-а. Уйда хизматкор сифатида сақлайдиган студентларини, аспирантларини бўйида қилиб қўйиб (қорнига бир туширади), кейин бошқаларга оширади, деб. Мана, одамларнинг гапи рост чиқди — ўзим шохидиман.

**Тўлиной.** Домламизни ҳақорат қилманг.

**Товус.** Уйнашимни дегин.

**Еруғқун.** (бараварига). Отамиз у!

**Тўлиной**

**Товус** (ҳаммага). Топган гапини қаранг-а. «Отам» эмиш. Домла оталарнинг қанақалигини биламиз. Эрим Суюн сатангнинг пули кўп эмасми, кимсан клиник касалхонанинг бош врач, қўлида манаман деган қанча профессорлар ишлайди, шунинг учунам Тўлаган қўшмачи ўлгур Севил деган аспирантқасини эримга ошириб юборибди-я.

Суюн гапириб, Мулоимни бошлаб киради.

**Суюн.** Мавлоно Тўлаганда сираям гуноҳ йўқ. Хотиним Товус тасқаранинг ўзи мана шунақа шаллақи. Бизлар кабинетда фақат шеърхонлик қилаётгандик.

**Товус.** Тушингни сувга айт. Сен уларни қочираётганинг. (Кийни ўхталиб эрини олдиға солиб қувлайди.)

Элтутмиш билан Хонқаро Суюнни ҳимоя қилиб, Товуснинг йўлини тўсадилар.

**Элтутмиш.** Янга, бўлди энди, Суюн бошқа қилмайди. (Суюнга.) Кечирим сўра!

**Хонқаро.** Бошқа бўлмайди, деб ваъда беринг.

**Суюн** (уларнинг панаси ва ҳимоясида). Энди қилмайман, бу охиргиси.

**Қайтмас** (жанжални кучайтириш мақсадида). Мушоиранинг нимаси ёмон, янга!

**Товус.** Ҳозир ким гапирди? (Евқоч томон бостириб боради.) Сен гапирдингми?

**Евқоч** (тисарилиб). Йўқ, мен эмас.

**Товус** (Метин томон бостириб боради). Сенми?

**Метин.** Йўқ, менмас.

**Товус** (Қайтмасга). Ҳай, сен менга қара! Овозингдан танидим, сен уйимга телефон қилиб, эринг Суюн сатанг қўшмачи мавлоно Тўлаганникида янги ўйнаши билан ўйнашиб ўтирибди, деб айтдинг-а?

**Қайтмас** (тисарилиб). Тўхмат менга! Телефон қилган менмас!

**Товус.** Нега туркинг ўчади, нега бақирасан, демак, ўзингни оқлаяпсан. Телефон қилган сенсан. Менга ёрдам қилганинг билан барибир, мен сендек чақмачақардан ҳазар қиламан. (Юзини Қайтмасдан ўгиради.)

Тўлаган биллиард устида ётганича иккинчи кий билан Қайтмасни урмоқчи бўлади.

**Бойсунқур.** Қайтмас, ёшликдаги чақмачақарлигинг ҳамон қолмаган экан-да.

**Товус.** Эрим ўлгур ўзи суюқоёқ, менга ўхшаш кўзга яқин-да, хотинлар ўлгур ҳам унинг ширин сўзлари-ю, чўнтагидаги жарақ-жарақ пуллариға учишади-да. Йўқ, мен уни энди шундоқ қўйиб қўймайман. Бир арз қилганимда уни министр муовинлигидан бошқармага туширишди. Икки арз қилганимдан кейин касалхонаға келиб тушганди. Эндиги аризамдан кейин амбулаторияға келиб тушмаса, Товус отимни бошқа қўяман. (Хонқарога.) Домла почча, анави қизлардан менинг қаерим кам, Суюн сатангнинг нега менга кўнгли йўғийкин-а?

**Хонқаро.** Биласизми янга, эркак киши уйда кўрмаганини кўчадан қидиради.

**Товус.** Вой домла бўлмай бетингни ел олсин. Ақллиги сен бўлгандан кейин, бошқаларидан маъни чиқармиди. (Тарс-тарс юриб чиқиб кета бошлайди.) Илоё, ҳаммангни илон чақиб ўл!

**Элтутмиш** (Суюнга). Бор, ялин, ёлвор, шаҳдидан қайтар.

**Евқоч.** Кечирим сўра, арз қилмасин.

Товус, аёллар ва Суюн қий-чув остида чиқиб кетадилар. Тўсатдан телефон жи-

ринглайди, Тўлаган устидаги тўнни олиб ташлаб, апил-тапил телефон қулоғини қулоғига тутлади.

**Тўлаган.** Мавлоно Тўлаган эшитади... (Боши чап томонга шилқ этиб тушади, ўнг бети учиб, қийшайиб, биллиард устига чўзилиб ўтириб қолади, телефон қулоғи кўлидан тушиб кетади.) Келган Утарович вафот этибдилар.

**Ҳамма.** А? (Қотиб қолади.)

**Тўлаган.** Некролог ёзиш бошқа одамга топширилибди.

**Элтутмиш.** Менимча, у одам... (Бу гапи билан «у одам» менга таниш демоқчи.) Кўпчилик Элтутмишга ялтоқланиб қарайди.

**Суюн.** Йўқ, менимча, у...

Кўпчилик Суюнга ялтоқланиб қарайди.

**Қайтмас.** Менимча эса, у...

Кўпчилик Қайтмасга ялтоқланиб қарайди.

**Метин.** Менимча, у...

Кўпчилик Метинга ялтоқланиб қарайди.

**Оғабек.** Ҳар ҳолда у...

Кўпчилик Оғабекка ялтоқланиб қарайди.

**Ёвқоч.** Менимча, у...

Кўпчилик Ёвқочга ялтоқланиб қарайди.

**Тўқмоқли.** Сезишимча, у...

Кўпчилик Тўқмоқлига ялтоқланиб қарайди.

**Бойсунқур.** Менимча, у...

Кўпчилик Бойсунқурга ялтоқланиб қарайди.

**Хонқаро.** Иншоолло, ўша мардум инсофли бўлғай. (Ҳадеб тасбеҳ ўгиради, ичида дуо ўқийди.)

**Кўпчилик.** Айтганингиз келсин, домла.

**Тўлаган.** Барибир энди менга кун йўқ, кун бўлса-да, рўшнолик йўқ. Менга кафан бичиб, некрологимни тайёрлайверингиз. (Биллиард устига чўзилиб ётади.) Хонқаро ҳазратлари, тўнимни устимга ташлаб қўйинг.

**Хонқаро.** Бажонидил, бажонидил, (Тўнни Тўлаган устига ташлаб қўяди.)

**Метин.** Кафанланди қўйди...

**Қайтмас.** Тўнғиз қўпгурнинг тақдирга тан беришдан бўлак иложи ҳам йўқ-да.

**Элтутмиш.** Уртоқлар! Боя бошланган мотам митинги давом этади. Митинг раиси сифатида шуни таъкидлайманки, ҳеч қандай регламент йўқ. Ахир, ошкоралик замонида яшаяпмиз, ўртоқлар. Ҳар ким истаганча гапириши мумкин. Бу Тўлаганга ёзилажак некролог учун материал бўлиб хизмат этажак. Мотам митингини мен давом эттира қолай. Уртоқлар, Тўлаганнинг иккита айби борлиги аниқ. Биринчидан, у ўлган...

**Кўпчилик.** Тўғри.

**Элтутмиш.** ...иккинчидан, у тирилмайди. Демак, энди бемалол гапираверинг. Кўз-кўзга тушмайди. Юз амри иссиқ эмас. Танқид учун ўч олишлар ҳам йўқ.

**Суюн.** Қани энди ўз дафи маросимингда икки-уч дақиқа тирилиб турсанг-да, бир-икки оғиз гапириб олсанг. Кейин худди Чорсудаги ҳаммомга чўмилгани кираётгандек гўрингга кириб кетсанг. Қалай?

**Қайтмас.** Бўлмайди. Орқангда қолаётганларга бир-икки оғиз тўғри сўз айтиб қўйсанг, улар бола-чақаларингдан ўч олишлари мумкин. Улдингми, ўлиб кетавер, бўлмаса тирикларни яна ташвишга қўясан.

**Метин.** Бу гапда жон бор.

**Суюн.** Йўқ, мен айтмоқчиманки, агар ўликнинг ўзиям қатнашса, дафн маросими янада қизиқарлироқ ўтарди.

**Қайтмас.** Йўқ, бўлмайди, ўликни тутволиб ўришлари ҳам мумкин.

**Оғабек.** Улган одамни-я, уят бўлар-эй.

**Қайтмас.** Гапираётганида тирик бўлади-ку. (Журналдаги бошқотирмани ечишга киришади.)

**Оғабек.** Ҳа, дарвоқе, шундай-а.

**Элтутмиш.** Тўлагандан гапирларинг, ўтлаб кетмаларинг. Азизим Тўлаган! Улим шарбати мана энди сенгаям насиб этди. Бу онни кўпдан бери орзиқиб кутаётганлар ҳам кўп эрди, улар шу онларда байрам қилаётган бўлсалар-да, бизлар чинакамига мотам тутамиз. Сен буюк ишларни қилдинг. Энг улўғ ишинг шу бўлдики, сен Келган Утаровични депутат бўлишига етти марта ишончли вакил бўлиб, ўзингга билдирилган улкан ишонччи шараф билан оқладинг. Бу ишинг ўзингниям, улфатларинг сифатида бизларниям бахтли этди. Алвидо дўстимиз, яна алвидо!

**Метин.** Бояги мантидан ғассолга ҳам олиб қўйиш керак, гўрковга эса бир товоқ юбориш керак, толиқиб қолмайди, мадад бўлади. Гўрни чуқурроқ кавлайди.

**Суюн.** Бор экансан-ку, сенданам маънили гап чиқадиған пайтлар бўларкан-ку.

**Метин.** Мусибат одамга ақл киритаркан.

**Қайтмас** (журналдан кўзини узиб). Оғайнилар, оғайнилар, битта саволга сираям

жавоб тополмаяпман. Хачир (Тўлаганни кўрсатиб) она томондан эшакми ёки ота томондан (яна Тўлаганни кўрсатади) эшакми?

**Метин.** Она томондан эшак. (Тўлаганни кўрсатади.)

**Суюн.** Йўқ, ота томондан эшак. (Тўлаганни кўрсатади.)

**Элтутмиш.** Бир томондан эшаклиги аниқ. (Тўлаганни кўрсатади.)

**Қайтмас.** Э, раҳмат-ей, топиб бердингиз — сизнинг жавобингиз аниқ. Тарихни чуқур биласиз-да.

**Элтутмиш.** Тўлагандан гапирайлик, Тўлагандан. Хачирларни қўя турайлик... Тўлаган телевизордаям кўп кўринарди. Айтиш мумкинки, телевидение Тўлаган туфайли оммавийлашиб кетди.

**Тўқмоқли.** Тўғри, Тўлаган ахлоқан соф эди... Расман фақат битта хотини билан яшаб ўтди.

**Оғабек.** Жуда тушиб кетдиларинг. Зерикарли гапиряпсанлар... Тўлаган кўз олдимизда ўлди-ю, лекин ҳалиям унинг ўлганига ишонмайман. Тўлаган ҳам ўларканми, наҳотки Тўлагандай тирик одам, Тўлагандай йирик одам, Тўлагандай иштаҳаси зўр одам, Тўлагандай маишатчи одам, Тўлагандай сертомир одам ўлиб кетаверса. Ахир, у ғирт атеист эди-ку. Нега ўлади у, нега у ўзи ишонмаган у дунёга тез равона бўлади, дея ҳайратдан ёқамни ушлайман-а. Ишончли даҳрий Тўлаганнинг ўлиши ёлғон дейман, ичимда.

**Бойсунқур.** Рост, ана ўлиб ўтирибди, танаси ҳам совуб қолда анча, ҳадемай жасади шамдек қотиб, мурдага айланажак. Ишонмасанг, мана қўлидан ёки оёғидан ушлаб кўр, одамнинг ана шу жойлари аввал совийди.

**Евқоч.** Гапинг бирам совуғ-ей!

**Бойсунқур.** Улик ҳақида иссиқ гапириб бўлармиди.

**Метин.** Оғайнилар, оғайнилар, бир гап эсимиздан чиқаёзибди-я. Некрологни бир кўрсатиб олиш керак-ку.

**Элтутмиш.** Некрологнинг ўзи ҳали йўғ-ку.

**Метин.** Битгач деяпман-да, ишни пухта қилайлик деяпман-да.

**Қайтмас.** Некрологни энди ким бир кўриб беради — Келган Утарович эса ўлган, ўзи ҳозир некрологталаб бўлиб ётибди.

**Суюн.** Менимча, у... некрологни бир кўриб беради.

**Кўпчилик** Суюнга ялтоқланиб қарайди.

**Қайтмас.** Йўқ, менимча, у...

**Кўпчилик** Қайтмасга ялтоқланиб қарайди.

**Метин.** Менимча эса, у...

**Кўпчилик** Метинга ялтоқланиб қарайди.

**Оғабек.** Менимча, у...

**Кўпчилик** Оғабекка ялтоқланиб қарайди.

**Евқоч.** Менимча, у...

**Кўпчилик** Евқочга ялтоқланиб қарайди.

**Тўқмоқли.** Менимча, у...

**Кўпчилик** Тўқмоқлига ялтоқланиб қарайди.

**Бойсунқур.** Йўқ, менимча, у...

**Элтутмиш.** Одатда амалга минган одамнинг қариндошларини дўстлари кўпайиб кетади. Уртоқлар, туғилмаган болага от қўйишга ўхшаш хомхаёллар билан ивирсималаринг. Бўладиган гапдан гапирларинг. Тўлагандан гапирларинг. Уртоқлар, илҳом бўлма-са, ирода йўқ, ирода бўлмаса, кураш йўқ, курашмасангиз, ҳаммасиям йўқ. Тўлаган ҳамиша курашиб келди ва яхши яшаб ўтди.

**Метин.** Мана шу гаплар айна некролог бопдир. Тўлаганнинг некрологига шу сўзлар киритилсин, деб таклиф қиламан.

**Элтутмиш.** Уз шахси бўлмаган одам миллати бўлмаган халқдай бир гап. Тўлаган шахс эди.

**Суюн.** Энди айнидинг, бу «гап»нинг гапи эмас... Азизлар, марҳумнинг кулиб ётишига бир қаранг, ҳали жони бордек-а. Мурдаси мурдага ўхшамайди, тирик вужуднинг худди ўзи! Бетидан қони қочмаган, кўзлари ичига тушиб кетмаган, дунёда шунақа ўликлар бўладики, асти мендан сўраманг, мен ҳар куни хизмат вазифам юзасидан ўликларни кўриб тураман. Унақа хунук ўликлар олдида Тўлаганнинг бу ўлиги мисоли бир гул. Қаранг, чакаклари ботиб кетмаган, лунжлари лўппи, қурут сўриб ётганга ўхшайди, энгаги туртиб чиқмаган, худди нафас олаётгандай. Яхши ўлим топди, деб шунга айтса арзийди. Их ҳам демади-я бечора. Бировга бир пуллик оғирлиги ҳам тушмади. Шифтга қараб узуноғриқ бўлиб ётмади, ажал селдек келиб, елдек олиб кетди бечора-ни. Ўзи беозор эди, ўлими ҳам шундай бўлди. Орқасида қолганларга ҳам шундай яхши ўлим насиб этсин.

**Қайтмас.** Биринчи бўлиб — ўзингга!

**Элтутмиш.** Уртоқлар, Тўлагандан гапирайлик. Маълумки, Келган Утарович ўзига рақобатчи бўлиши кутилган зотларнинг илдизини зимдан қуритиш билан шуғулланди, чорак аср мобайнида.

**Қайтмас.** Нега энди ўзинг Тўлагандан гапирмаяпсан?

**Элтутмиш.** Жим тур, ҳозир тушуниб қоласан... Тўлаган бундай йўл тутмади. У ўзига рақобатчи бўлиши кутилганларни Келган Утарович орқали йўқ қилдириб юбормади, бундай қилса, тезда сири очилиб қолишига ақли етди. У рақобатчиларининг бошига танқид бармоғи билан вақти-вақтида чертиб-чертиб, пўла қила борди... Э, фалак, қилмишингдан мен нолимай ким нолисин... Тўлагандай зимдан иш кўрувчи фан ташкилотчисини ажал чангалига топширдинг-а? Э, золим фалак!

**Метин.** Э, фалакдан ўпкалама сен! Тўлаган танқид емай дунёдан ўтган бирдан бир танқидчидир. Чунки унинг ёзганлари икки карра тўрт сингари эътирозга ўрин қолдирмасди, у ёмонлаятими, яхшилаятими билиб бўлмасди. У танқидчиларнинг математиги эди. Агар у математика билан шуғулланса, мухбир аъзо эмас, ҳақиқий аъзо бўлиб кетарди.

**Суюн.** Биласизлар, мен ўзим кўп китоб ўқийман.

**Қайтмас** (гап кистиради). Аёлларга қизиқ гаплар топиб гапириш учун, уларни ўзингга ром этиш учун шундай қиласан-да.

**Суюн.** Айтишларича, яхши асар муаллифини ўлдириб, ўзи яшаб қоларкан. «Ўтган кунлар» Абдулла Қодирийни, «Юрак сирлари» Баҳром Раҳмоновни олиб кетди. «Навойи» романи Ойбекнинг, «Ешлар билан суҳбат»и Абдулла Қаҳҳорнинг соғлиғини йўқотди. Шунақа асари бўлмагани учун Тўлаган ўз ажали билан ўлишга мажбур бўлди.

**Хонқаро.** Халқ номидан гапирувчилар ҳаммавақт ҳам халқ фикрини ифодалай-вермайди, халқ турмушини билавермайди. Халқ ҳам уларни меники деб танимайди ва ўзимники деб эътироф этмайди. Ундайларни шамолда у шохдан бу шохга учиб юрган хазонга ўхшатгим келади, яроқ дарахтга туташиб тургандагина тирикдир. Мавлоно Тўлаган эса шундай хазон яроғи эди.

**Метин.** Домла, сиз гапга суқулманг. Негаки, бизда дин давлатдан ажратилган.

**Оғабек.** Тўлаган етовдаги одам эди. Бундай кимса билан арқондаги ҳайвоннинг унчалик фарқи йўқ.

**Тўқмоқли.** Бу гапингни қўй, оғайни. Ҳаммамиз ҳам етовдаги одамлармиз-да.

**Оғабек.** Дарвоқе, гапинг тўғри, Оғабек. Мен янглишибман, гапимни қайтариб олдим.

**Элтутмиш.** Менимча, Тўлаган ўз даврининг — турғунлик даврининг типик вакили эди. Истеъмолчилик фалсафаси унинг умр мазмуни бўлди. У фан равнақиға ҳисса қўшиш учун эмас, олим бўлиш учун ўзини илмга урди, энг сердаромад соҳа илм бўлгани учун шунга боши билан шўнғиди. У қадам қўйгани билан ҳам, қадами узилгани билан ҳам фанимизда заррача ўзгариш бўлмади. Шу сабабли унга нисбатан алвидо деса ҳам, алвидо демаса ҳам бўлаверади.

**Метин.** Ростини айтсам, авваллари мен Тўлаганнинг рақибларидан эдим. Лекин Тўлаганда душманини турли йўллар билан дўстига айлантира олиш лаёқати бисёр эди. Айтмоқчиманки, Тўлаганнинг саъйи ҳаракати туфайли беозор яшовчилар сафига қўшилиб кетдим.

**Элтутмиш.** Яхши қилгансан. Ҳаммамиз ҳам шу-да. Биз ўзимизни ҳамонки буюк халқ деб ҳисоблайдиган бўлсак, нуқсонларимиздан қутулиш учун уларни аввало очиб ташлашимиз керак. Рост, Тўлаган давримизнинг авторитетларидан эди... Унинг пучлиги ўлиши билан очилиб қолди қўйди.

**Қайтмас.** Йўқ, йўқ, Тўлаганнинг пучлигини эълон қилишга ҳаққимиз йўқ. Агар бунга йўл қўйсак, ғанимларимиз айтишмайдими, авторитетлари шу бўлса, қолганлари тирик товон экан-ку, деб.

**Элтутмиш.** Деса деявермайдими. Одатда авторитетларнинг мингдан тўққиз юз тўқсон саккизтаси фақат ўз даврида авторитет ҳисобланади, кўпчилиги (Тўлаганни кўрсатади) мана бунга ўхшаб ўлиши биланоқ, қолганлари эса йиллар ўтгани сайин эски тўқимдек тўзиб боради. Тарихда ўтган манаман деган зўр авторитетлар олдида бу (Тўлаганни кўрсатади) ким бўлибди? Бир сўхтаси совуқ кимса эди-да.

**Хонқаро.** Шундай дейишга қандай тилингиз борди, инсоф қилинг. Ҳалигина мақтаб турган эдингиз-ку.

**Қайтмас.** Унда Келган Утарович тирик эди-да.

**Суюн.** Тўлаганнинг фожиаси шундаки, у умр бўйи ақли билан яшади, қалбига қулоқ солмади.

**Метин.** Қалби бўлса, қулоқ соларди-да. Ахир бу гўрсўхта (Тўлаганни кўрсатади) тепса-тебранмас бир тўнка эди-ку.

**Бойсунқур.** Тўнка.

**Оғабек.** Тўнка.

**Метин.** Гапираверларинг. Барибир, ўликка гап кор қилмайди, чунки у газета ўқимайди.

**Евқоч.** Менимча, Тўлаганнинг фожиаси шундаки, у феъл-атворига мос касб танламаган. Тўлаган ҳамманинг кўнглини олишга интилди, бу эса унинг танқидчилик касбига мутлақо ёт эди. Агар у савдо ходими бўлса-ю, ҳамма харидорларнинг кўнглини олишга интилса, унда олам гулистон эди — савдо-сотиқ ривож топиб кетарди.

**Элтутмиш.** Азизлар, азизлар, Тўлаганнинг буюк хизматларидан бири ёддан кўтари-

лай дебди-ку. Тўлаган устод Айний билан Ҳабибий домлага таҳорат учун илиқ сув бергани билан, Ғафур Ғулом хонадониди Пабло Неруда билан Нозим Ҳикматнинг қўлига сочиқ тутгани билан, Панорамада Раж Капурдан ўз суратига дастхат ёздириб олгани билан ва ҳоказо тарихий хизматлари билан тараққиётимизга ўз улушини қўшганини тан олмоқ керак.

**Метин.** Булар нодир фактлар экан. Матбуотда эълон қилинажак некрологда албатта фойдаланиш керак.

**Қайтмас.** Йўқ, бу фактлар сохта, Элтутмиш Тўлаганнинг орқасидан ёлғон гапирпти.

**Метин.** Э, намуноча жонингни койитасан. Ўлганидан кейин кимларнинг орқасидан ёлғон гапирилмаган, кимлар беҳурмат қилинмаган, дейсан. Ахир, бу асримизга хос одат-ку. Унинг айтган фактлари қизиқарли экан: кимсан Айний, Ҳабибий, Ғафур Ғулом, Пабло Неруда, Нозим Ҳикмат! Қўявер, некролог қизиқарли чиққани яхши, қолаверса ўзимгаям обрў бу.

**Қайтмас.** Мени бунақа сохта обрў эмас, ҳақиқат қизиқтиради. Некролог роппа-рост бўлиши керак, дейман!

**Метин.** Дейсан! Лекин роппа-рост некролог бўлмаган, бўлмайди ҳам. Чунки некролог одам ўлганидан кейин ёзилади ва босилади.

**Элтутмиш.** Азизлар, азизлар, Тўлаганнинг тарих олдидаги буюк хизматларидан яна бири-сал қолса ёддан кўтарилаёзбди...

**Қайтмас.** Ҳа, тўқи, тўқи, ёлғон-яшиқни тўқи, энди суриштирадиган одам йўқ-да.

**Элтутмиш.** ... Тўлаган умрининг анча қисмини турли справкаларга имзо қўйиш, таҳрир қилиш ва ўқиш билан ўтказди. Гарчи бугунги кунда ўша справкаларни ўқисанг, қўснинг келса-да, лекин улар ўз даврида муҳим вазифаларни бажарган. Тўлаган имзо чеккан справкаларнинг биронтаси ҳам рад этилмаган. Тўлаганнинг справкавозлиги...

**Бойсунқур.** Справкапазлиги дегин...

**Метин.** Справканавислиги десанг адабийроқ бўлармиди...

**Элтутмиш.** ... справканавислиги ҳам некрологда тилга олинса.

**Суюн.** Албатта тилга олинади. Бусиз мумкин эмас. Қолаверса, Тўлаган справкасевар эди.

**Оғабек (ҳаяжонланиб, талвасага тушгансимон).** Шундай дўстимиздан жудо бўлдиг-а! Олам Тўлагансиз етим бўлиб қолди-я. У шундай бир ёғду эдики, ундан Қуёш нур қарз оларди, қалблар чароғон бўларди, ишлар битиб кетарди. Унинг ўлими билан Қуёш манбасиз қолди. Ер юзи қора тортиди, қалблар зимистонга айланди. Мана энди Тўлаган туфайли гўристонлар чароғон бўлажак. Марҳумлар учун энди катта байрам — ёруғлик байрами. Улар ёғдусочар Тўлаганни орзиқиб кутишмоқда. Рихлатинг бехатар бўлмай, мангу манзилингга тезроқ ета қол, азиз дўстим мавлоно Тўлаган!

**Тўқмоқли.** Э воҳ, Тўлаганнинг ўлганига ҳали бир соат ҳам бўлгани йўғ-у, лекин жудолик оғир бўлгани учун, гўё бу қисқа фурсат бизлар учун, айниқса мен учун, бир йилга тенг бўлиб туюлаётир. Тўлагансиз бир соат яшаш нақадар оғир бўлаётганини ҳис этарканман, ҳали олдимизда Тўлагансиз қанча йиллик умримиз турганини тасаввур қилиб, юрагим орқага тортиб кетмоқда. Тўлагансиз яшаш бизлар учун осон бўлмайди, оғайнилар, тез орада тўзиб кетамиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ ўлган Тўлаган билан тирик бизларнинг фарқимиз йўқ. Бизлар бошсиз бир танамиз, холос. Тарихдан маълумки, пешво ўлгач, унинг сафдошларининг аҳволи ҳам вой бўлган. Оғайнилар, энди бизларга рўшнолик йўқ. Унинг ўлими биз улфатларининг таназзулидир. Ҳали мени айтди дерсанлар, бошимизга шундай ташвишлар тушадики, Тўлагандан олдин ўлмаганимизга афсусланамиз. Шу маънода қараганда Тўлаган вақтида ўлволиб, ақллилик қилди, яъни ақлли ўлим топиб кетди.

**Суюн.** Вой тавба, ўлимниям ақллиси бўларканми.

**Тўқмоқли.** Бор, бундан кейин янада кўпайса керак деб ўйлайман. Ақлли ўлим — бу бевақт ўлим эмас, ўз вақтидаги ўлим бу. Масалан, Тўлаган келаси йил ўлса, жони уйда эмас, бошқа жойларда узилармиди — ким билсин. Ҳуқуқшуннос сифатида шуни тасдиқлайманки, ўлган одамга нисбатан жинойи иш қўзғатилмайди.

Телефон жиринглайди.

**Тўлаган (зўрға, телефонга)**— Лаббай, ҳа, мавлоно Тўлаган эшитяпти... Тушунарли... (Боши ўнг томонга шилқ этиб тушади, телефон қулоғини қўлидан яна тушириб юборади.)

**Ҳамма.** Нима гап?

**Тўлаган (аста).** Келган Утарович устидан жинойи иш қўзғалибди. Мен ҳам сўроққа қатнашар эканман. (Урнидан туриб миллиард устида юриб, ҳаммага илтижо қилиб боқади: «Ёрдам берингиз!»)

**Кўпчилик.** Йўғ-ей, йўғ-ей!

Ҳамма Тўлагандан мумкин қадар узоқлашишга интилади, ўзини ва кўзини олиб қолади.

**Хонқаро.** Астағфируллоҳ, алҳазар! Келган Утарнинг ҳали вужуди совумай туриб-а, ҳали қаро тупроққа қўйилмай туриб-а, осий бандаларингни ўзинг кечир, эй танграм.

**Элтутмиш.** Э, домла, бу кўҳна тарихда не-не воқеалар содир бўлмайди, дейсиз.



**Қайтмас** (Метиннинг қулоғига). Аслида Келган Утарович ўлмаган, ўлди дея шунчаки овоза тарқатишган, сезишимча, у қамоққа олинган, ҳа.

**Метин** (Қайтмасга). Ҳм, гап тагида гап бор, тезроқ бу ердан туёқни шиқиллатиш керак, дегин.

**Қайтмас**. Шу-да. Ҳамманг бир одамнинг одамлари — мафиясан, деб тихирлик қилиб қолишлари ҳам мумкин-а.

Тўлаганнинг ўнг бети қийшайиб кетади, тилдан қолади, ғўлдирайди ва биллиард устига қулаб тушади.

**Суюн** (Тўлаганнинг қўл томирини тутиб). Юраги уришдан тўхтади. Учинчи марта инфаркт миокард. (Устига тўнни ташлаб қўяди.)

**Бойсунқур**. Қутилдинг-ей.

**Кўпчилик**. Хайрият.

**Элтутмиш**. Уртоқлар, мана энди ҳақиқий мотам митингини бошлаймиз. Тўлаганнинг бахти шундаки, у фуқаро сифатида яшади, фуқаро сифатида ўлди ва фуқаро сифатида кўмилиши керак. Бу катта муваффақият, граждандар!.. Тўлаган текшир-текширлар унғача етиб келмай туриб ўлиб олди. Ана омаднинг чопиши! Ҳаммага ҳам шундай омад ёр бўлсин. ... Қайси бир одамда камчилик йўқ дейсиз. Агар текширса, ўша текшириш ўтказувчиларнинг ўзидан ҳам камчилик топилади, агар ижикилаб, синчиқлаб тафтиш ўтказилса. ... Хулласи калом, шу мотам онларида дўстимиз Тўлаганнинг ўз вақтида ўла олгани ва граждандар сифатида кўмилаётгани билан аввало марҳумнинг ўзини, кейин оила аъзоларини, сизларни чин юракдан тарбиқлайман, қолганларга ҳам Тўлаган топгандек ўз вақтидаги ўлимни ато қилишини ва фуқаро сифатида кўмилишларини тилайман, бу ҳозирги алғов-далғов дамларда ғанимат бўлиб қолди. (Тўлаганга қараб.) Дўстим, бизлардан у ёқдагиларга соғинчли салом айтиб қўй, бу ёқдагилар ҳолидан хабар бер, аҳволимиз уларникидан қолишмаслигини қасам ичиб айт, токи эрта ўлиб кетдик, дея кўнгиллари чўкмасин, бу ёқдагиларни ҳам унчалик тирик деб бўлмайди, деб қўшиб қўй, дўстим Тўлаган.

**Метин**. Оғайнилар, оғайнилар, менгям сўз беринглар, менгям сўз беринглар.

**Қайтмас**. Намунча бидирлайсан, гапирсанг гапиравермайсанми?

**Метин**. Анавини қаранглар. Тўлаганнинг шундай ўлиб ётишини кўриб, менгям ўлгим қистаб кетди, ўртоқлар. Битта одамнинг ўлиги бўлса, шунчалик бўлар-да. Қаранглар, қандай талтайиб ётибди-я. Мамнун, ҳатто табассум қилаётганда-я. Ўз уйида, улфатлари даврасида, бунинг устига қорни тўқ, усти бут ҳолда, маъза қилиб ўлиб ётибди-я...

**Қайтмас**. Ўлимини билиб туриб ўлди-да, шунинг учун ҳам у мамнун-да.

**Метин**. Ўлгани ҳақида биз улфатларига хабар беришга ҳам ҳожати йўқ, беэиён одамнинг ўлиги ҳам ҳеч кимни безовта қилмайди, дейишарди. Рост гап экан шу. (Тўлаганни кўрсатиб.) Мана исботи. Беозоргина ўлим топганинг рост бўлсин, азиз дўстим Тўлаган. Алвидо, яна алвидо.

**Тўқмоқли**. Мен ҳаммангга айтмадимми, катта кетмаларинг, деб! Тўлаганни фош этаман деб ўзларингнинг хашагинг очилиб қолди-ку.

**Метин**. Ўзинг-чи?

**Тўқмоқли**. Айтишарди-я марҳумларнинг орқасидан ёмонлаб бўлмайди, арвоҳи уради, деб. Сенларни арвоҳ урди.

**Метин**. Ўзинг-чи? Ўзингнинг ҳам ичингдан қиринди ўтаяпти.

**Тўқмоқли**. Менга барибир, сенларга қийин. Тўлаганни танқид қилиб ўзларингни фош этиб қўйдиларинг. Баттар бўлларинг.

**Евқоч**. Тўлаган танқид билан ўла қолди, бўлмаса ўз кўлимиз билан ўлдириб қўйиб жиноятчи бўлиб қолардик.

**Қайтмас**. Ҳа, буям бўлиши мумкин эди. Бундан бошқа иложимиз ҳам йўқ эди-да.

**Метин** (тантанавор). Яшаш учун кураш қонуни ҳам шуни тақозо этади. Битта ўлим тўққизта жонни сақлаб қолса ёмонми, йўқ, буям инсонпарварлик ҳисобланарди.

**Евқоч**. Ҳа, ҳар қанақа мафиядан кам жойимиз қолмабди, чоғи.

**Элтутмиш**. Йўқ, йўқ! Мен чидаёлмайман, чидаёлмайман! Ишонган тоғим, суянган боғим кимсан Тўлаган пуч бўлиб чиқса, мен ким деган одам бўлдим, бемаъни яшаб келибман-ку бу дунёда? (Пешонасига бир туширади.)

**Суюн**. Кўп куйинаверма, дўстим, бу дунё ўзи шунақа мирикам икки.

Мақомнинг мотам тароналаридан эшитила бошлайди. Тасбеҳ ўғирган ҳолда Хонқаро Тўлаганнинг рафиқаси Мулойимни, Севил, Еруғкун ва Тўлинойни бошлаб киради.

**Хонқаро** (Мулойимга). Бандалик, Мулойимбегим, завжингиз мавлоно Тўлагандан айрилиб қолдик. Нима ҳам қила олардик, ўлим ҳақ. Тақдир ҳукми шул. Сабр бергай.

**Мулойим**. Оҳ, шунқорим! (Тўлаганнинг бош томонига энгашади.) Мен сизларни гапда ўйин ўйнапсизлар, ҳазил-мутойиба қиялпсизлар, деб ғафлатда қолибман-а. Вой-дод, бизларни ташлаб қайларга кетдингиз, дадаси? (Йиғлайди.)

**Севил** (Тўлаганнинг оёқ томонига тиз чуқади). Маслаҳатгўйим отам... (Йиғлайди.)

**Еруғкун** (Тўлаганнинг ён томонига энгашади). Меҳрибоним отам... (Йиғлайди.)

**Тўлиной** (Тўлаганнинг ён томонига эгилади). Суянчиғим отам... (Йиғлайди.)

Мотам куйи давом этиб тураркан, радиодан расмий хабар эшителиди, ҳамма вужуди кулоқ бўлиб тинглайди.

**Радио.** Билдириш. Шуни чуқур қайғу билан билдирамызки, ўртоқ Келган Утарович Утаров бугун оқшом олти ёшида тўсатдан вафот этди.

Шу аснода Элутмиш, Хонқаро, Суюн, Евқоч, Метин, Оғабек, Тўқмоқли, Қайтмас ва Бойсунқур марҳум Тўлаган ва унинг мотамсари оиласидан узқлашиб, саҳна олдида мотам маросимида тургандек сафга тизилишади. Тўлаганнинг оиласи унинг тепасида чирқираб ёлғиз қолаверади.

**Радио.** Ўртоқ Утаровни дафн этиш бўйича ўртоқ Эпкин раислигида комиссия тузилди.

Эпкин деган сўзни эшитиб Метинда ўзгариш юз беради, у қўлларини ёнидан олиб, қорни устига қўйиб олади.

**Радио.** Дафн этиш комиссиясидан: ўртоқ Утаровни дафн этиш маросими эртага соат 14 да Чигатой қабристонига ўтказилади. Эртага соат 10 дан 12 гача Маросимлар саройида марҳум билан видолашиш мумкин.

**Бойсунқур.** Эпкин ким бўлдикин?

**Евқоч.** Қаерлик бўлдикин?

**Оғабек.** Менга оти таниш кўринади.

**Суюн.** Менгаям.

**Элутмиш.** Ким бўлсам тақдиримиз энди шу одамга боғлиқ бўлади.

**Хонқаро.** Иншоолло, инсофли бўлғай.

**Қайтмас.** Метин — Эпкин. Ия, Метин, Эпкин холангнинг ўғли, бўланг-ку!

**Метин** (салобат билан). Ҳа, шундай.

**Кўпчилик.** Табриклаймиз! Қутлаймиз! Муборак бўлсин. (Метинга эгилиб-букилиб таъзим қилишади.)


Телефон жиринглайди

**Метин.** Менга бўлиши керак. (Телефон қулоғига, кескин ва расмий.) Эшитаман, ҳа, Метин эшитяпти... яхши... яхши... Яхши... Тушунарли... Тушундим, ҳозир етиб бораман (Телефон қулоғини қўяди.) Келган Утаровичга некролог ёзиш менга топширилибди.

**Кўпчилик.** Табриклаймиз! Қутлаймиз!..

Ҳамма яна сафга тизилади. Орқа фонда тарихда ўтган машҳуру лекин пуч айрим шахсларнинг бошсиз ҳайкаллари кўринади.

## ПАРДА



# Журналхонлардан мақтублар

\* \* \*

«Шарқ юлдузи» мажалласига гўзал тожик юртининг Кўрғонтепа вилоятидан соғинчли салом.

Исму шарифим Малоҳатхон Баҳодир қизи. Ёшим 16 да, 11 синфда ўқийман.

Ойнома билан 12 ёшимда танишганман. Шу вақтга қадар мунтазам обун бўлдим.

Истагим: «Шарқ юлдузи» доимо халқ хизматида бўлсин. Сизлардан илтимос, журнал саҳифаларида аёллар ва болаларга бағишланган саҳифалар ҳам очсангизлар.

\* \* \*

1. Қорақалпоғистон Мухтор Жумҳурияти Элликқалъа ноҳияси ижроия қўмитасида котиба бўлиб ишлайман.


2. 1957 йилда, ўқувчилик пайтларимда танишганман. У вақтлар мактабдаги адабиёт тўғрисида қатнашардим. Ўқитувчимиз шу журналда босилган турли қизиқ нарсаларни ўқишимизни маслаҳат берардилар. Шу-шу, уни қизиқиш билан ўқийман.

3. Журнални мунтазам мутолаа қиламан.

4. Менда, айниқса, ёш ижодкорларнинг асарлари чуқур таассурот қолдиради.

5. Истагим: Қорақалпоғистондаги ёш ижодкорларга ҳам кўпроқ эътибор берилса. Бизнинг юртимизда истеъдодли қалам соҳиблари жуда кўп.

6. Исму шарифим Гулистон Айтенова, ёшим 33 да.



Муҳаммад Исмоил

## РУҲИМДА ТЕБРАНАР

ЕТИМ ЭРКАЛИК

\* \* \*

Кўнглимдаги гуноҳлар —  
мен йиқилгувчи чоҳлар.  
Билинтирмай турар яшаб,  
аммо чоҳга борар бошлаб.  
У не жазо — билиб бўлмас,  
дил қийналар, лек у ўлмас.  
Куйсанг гар қанча ўртаниб, —  
келаверар ғам тўпланиб.  
Олдин олай дедим бироқ,  
чоҳ тобора бўлди кўпроқ.  
Не ғамга дуч этса ҳаёт,  
ўзимдандир бари наҳот?  
Ҳамма қилган ҳамма гуноҳ,  
мен учун ҳам бўлгайми чоҳ?  
Минг гуноҳ тортса қаърига,  
етарми жоним барига?..

\* \* \*

Яна кўклам. Олам беғубор.  
Янги унинг еру ҳавоси.  
Сизга келсин давр, сизга келсин баҳор —  
Эй элимнинг пок муддаоси!

Еллар отам каби силар сочимни.  
Руҳимда тебранар етим эркалик.  
Отамнинг қабрини зиёрат этдим, —  
У энди заминга қилар эгалик.

Қабристон.  
Тушкун сукунат юрти.  
Қабр — сўнги маскан — қайғу уяси.  
Марҳумлар вужудин шу уйга ташлаб,  
Руҳи билан кўкка учеди.

Бу ер ўстиргани қамиш, шўрадир,  
Бу ернинг ери шўр, суви — намақоб.  
Қабри тоб ташлаган, бағри ўрадир,  
Урага бош суқсам, қалқийди ҳалқоб.

Бу — ҳалқоб, эҳтимол — Орол,  
Барча қабрларни кўраман бир-бир.  
Барида сув. Бағримда савол:  
Бунда аждодларни кўмгандик, ахир?!

Кўлимга илинар бир бош чаноғи,  
Кўзлари ўрнида иккита ўйик.  
Чаноқ аччиқланди ҳолимдан чоғи,  
Бир қўшиқ бошлади, ҳаётини қўшиқ:

«Қирқ биринчи йилда, қирқ биринчи йилда,  
Йигирманчи асрда, йигирманчи асрда,  
Темурни ўз элида, темурийлар элида,  
Қўзғотдилар қабрдан, қўзғотдилар қабрдан.

Бўлди қойим-қиёмат, бўлди қойим-қиёмат,  
Темурга хун тўлади йигирма миллион инсон.  
Биз Темур авлодимиз, қабримизни очдилар,  
Бизлар хун кутажакмиз, хун кутармиз беомон!..»

Чанокни қўйиб сирт буриламан,  
Ҳар томон — куйлаётган ўра.  
Ҳар томон — тоб ташлаган,  
Эл дардини куйлаш қолдими гўрга?

Келди яна кўклам.  
Табиат — энг етук мамлакат.  
Қалбларни шўр босган, онглари алам,  
Жисмимизда тангри тозадир фақат.

Рухимиз осмонга учган сингари,  
Қўл чўзганмиз кўкларга қараб.  
Топталган эрк, топталган ерларни  
Азиз деб бош қўймоқдан қўрқиб, қалтираб.

\* \* \*

Ҳаётда ҳар лаҳза, ҳар оддий лаҳза  
Йўқликка нисбатан бахт деб олинган.  
Сен бунга англари  
Агар кетмаса,  
Кетмаса, кетмаса ўлим олдингдан.

## Умр

Илинж сизиб чиқди кўнгилдан,  
Рўё тожин кийди сархушроқ.  
Рўё деди: — «Тангрингман, қулсан.  
Пойимга тик жонингни, гумроҳ!»

Тож қизиди.  
Чўғдан жизиллаб  
Ярми куйди Илинжнинг, ёҳу.  
У такрорлар кетма-кет улаб:  
«— Ло илоҳо илло-ллоҳу...»

Тож юракка қопланар эди.  
Тўрт тарафда зулмат — қоронғу.  
Қайсар Илинж мухтасар деди:  
«— Ло илоҳо илло-ллоҳу...»<sup>1</sup>

Кул бўлар ул — эътиқод кули.  
Тили ҳамон айланар фақат.  
Фақат, фақат айтарди тили:  
«Аҳад<sup>2</sup>,  
аҳад, о, аҳад, аҳад...»

Сўнг жони узилди ва Рўё  
Олмоқ бўлди дилга ўрнашиб.  
Илинж ғолиб ётарди аммо  
Бармоғини бирга ўхшатиб!

## Даҳрийнинг иқрори

Сахро оташида юзлари куйган,  
Кекса, қадди чайир Наримон оқсоқ,  
Бир кун келиб қолди бизларнинг уйга  
Келди, ундагани сингари оллоҳ.

Шомда у қиблага жойномоз ёяр,  
Овози таралар баланд ва янгроқ:  
«..Ол-лоҳу Акбар, Ол-лоҳу Акбар  
Ашҳаду алла илоҳо ил-лаллоҳ..»

<sup>1</sup> «Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ...» — Қуръондан.

<sup>2</sup> Аҳад (арабча) — битта, ягона.

...Хоналар шипида чирқиллаётган  
Инсу жинс, арвоҳлар нолиши тинди.  
Бирор туйғуси йўқ гуноҳ қилмаган,  
Даҳрий дилимни ҳам шу оҳанг енгди.

Умрим умидларин топгани — армон,  
Озурда жонимга келмади малҳам.  
Бир умр нимани изладим сарсон, —  
Эгасиз қалбимга эга бўл, эгам.

Елдишим еллардай ишқ ҳаяжони,  
Шухрат васвасаси келди-ю, кетди.  
Сенсиз ҳеч илинж йўқ. Бердинг дунёни.  
Дунё йўқ. Чунки сен ўзни беркидинг.

Оллоҳ, сен юраги оламнинг, оҳ, оҳ...  
Дилимга нур солгин, руҳ йўлла, қўллаб  
Дилда кўним олган миллионлаб арвоҳ  
Токи қийнамаса увлаб, чирқиллаб.

Токи юрагимга ҳаёт бер, қайтар  
Одамлар қалбига айланай мен ҳам.  
Нимадир дунёда шараф ва ҳазар,  
Нима деб яшаши керакдир одам?

Гуноҳга ботса ҳам пок бандаларинг  
Токи сенинг каби севолсам мангу. —  
Қонимда айлансин дарди уларнинг  
Хокисор меҳримга илинж бўлсин шу.

Юраги эгасиз, ғофил, адашган  
Одамдан кўркинчли, аянчлиси йўқ.  
Ҳатто, ўлим ёди таҳдид соларкан,  
Дунёда унинг ҳеч юпанчиғи йўқ.

...Сахро оташида юзлари куйган  
Кекса, қадди чайир Наримон оқсоқ,  
Бир кун келиб қолди бизларнинг уйга  
Келди, ундагани сингари оллоҳ.

---

## Араб ҳикматлари

Илмни бешикдан то қабргача изла.

Ҳақиқат — кескир қиличдир.

Ҳовлидан олдин кўшнини, йўлдан олдин дўстни, илмдан олдин китобни танла.

Ҳаёт — бир лаҳзалиқдир, уни эзгуликка бағишланг.

Кишининг одоби — унинг давлатидан афзал.

Агар инсонлар ҳақиқатга амал қилишса, қози роҳатда бўлади.

Кимки фикр юрийтиб иш тутса, орзу қилган нарсасига эришади.

Кўз билан кўрган — тушунтиришга муҳтож эмас.

Нақдни насияга сотма.

Дарға кўп бўлса, кема фарқ бўлади.

Баҳсда кишиларнинг фазилати намоён бўлади.


Сабабсиз кулиш — одобнинг озлигидандир.

Ҳар бир ит ўз эшиги олдида ҳуради.

Амалсиз олим ёмғирсиз булутга ўхшайди.

Агар икки ўғри жанжаллашса — ўғирланган нарса ошкора бўлиб қолади.

Дарахтнинг аввали — данак.



Асқад Мухтор 70 ёшда



Асқад Мухтор

## ҲИКОЯЛАР

### Усталар

Зулукдай мўйлов қўйган ёшгина маймунбоз бу ҳаракатини бир неча кундан бери такрорлар эди. Белидан шойи қийиқчани ечиб олади-да, бир учи билан кўзларини артиб, яна боғлаб қўяди. Рўпарасида бетоқат аланглаб турган серҳаракат маймун бунга бепарво, хўжайинининг қўлтиғига осиглиқ халтага қарайди, унда ширин-ширин бананлар бор. Аммо хўжайин кўз қарашлари билан ваъда қилади-ю, мукофотни бермайди, белбоғини намойишкорона ечиб, кўзларини артади, яна белига боғлаб қўяди. Маймуннинг ҳам белида шойи қийиқчаси бор, лекин бераҳм уни ечмайди, кўзларини артмайди, банан халтасига тикилади, холос.

Маймунбоз эринмайди, ҳаракатини яна такрорлайди. Такрорлайди-ю, халтачасидан бир тилик банан олиб, лабларини ширин-ширин чапиллатиб еб қўяди. Маймуннинг сўлаги лунжидан ипдай осилиб тушади, хўжайиннинг кўзларига боқади, унинг кўзларида эса, ошқора маъно: мен қилганини қилсанг — сен ҳам маза қилиб ейсан.

Яна такрорлайди. Яна, яна... Бу одамнинг чидамини фақат тош билан тенглаш мумкин. Бошқа биров бўлганда бефаросат махлуқни аллақачон занжирга солиб калтаклаган бўларди.

Бу эса... Ё тоқатингдан! — самарасиз ҳаракатини кун-бакун, юз марталаб, минг марталаб, эринмай такрорлайди. Бундан қарийб гангиб қолган жонивор гоҳида эгасига тақлид қилиб қийиқчани белидан ечиб олади-ю, кўзларига олиб бориш ўрнига ерга ташлаб, шошганча узун панжасини халтага узатади. Ҳамдунабознинг юзида шунда ҳам ғазаб эмас, ҳатто илиқ жилмайиш пайдо бўлади. Бундай бенаф заҳмат чекишдан терлаб-пишган шўрликнинг юзидаги аянчли илжайиш аломатларини кўриб раҳмингиз келиб кетади. Бу азобдан кўра саратонда қора терга ботиб кетмон чопган афзал...

Бироқ у яна бошқатдан бошлайди, яна такрорлайди, яна, яна...

\* \* \*

Реваз — Нишопурнинг ўзида эмас, работда, яъни шаҳар чеккасида жойлашган қосиблар маҳалласи. Унинг ҳамма нарсаси машҳур — бозори, масчители, растаси, коппони... Ҳамма нарсаси асил — чинниси, тақинчоғи, нони, тўқимаси, жабдуғи, парвардаси, пойабзали, борингки носқовоғигача. Чунки, унда фақат касбини қадрлайдиган қўли гул хунармандлар туради: заргарлар, чилангарлар, бешикчилар, дегрезлар, кулоллар, чегачилар, пазандалар, тақачилар, бофандалар, новвойлар, бўзагарлар, ошловчилар, дурадгорлар, маҳсидўзлар, бўзчилар, ганчкорлар, гуландозлар, зарбофчилар, чилимсозлар, гуппидўзлар, қўғирчоқбозлар, шиннипазлар, қассоблар...

Қўйингчи, жажжигина шу Реваз бутун Нишопурни боқади-да! Нишопурда асил молларнинг ҳаммасини «ревазий» деб атайдилар — ревазий пичоқ, ревазий ипак, ревазий пашмак...

Дарвоқе, шуниси қизиқки, хунармандлар маҳалласи Чашмрудга қараб қиялаб кетган ниҳоятда саришта бир боғзори билан ҳам ном чиқарган. Чашмруд лабидаги бу истироҳат боғида файзли ва озода чойхонаю оташхоналар, соя-салқин чимзору гулшанлар, дарё нафаси келиб турган холи, пастқам жойларда бўйра, палос тўшалган чорпоюя харрақлар, чоғу шинам майдонларда хунар кўрсатувчи дорбозу чодирхаёлчилар, илон аврағувчи ҳиндулар, масхарабозу кўзбойлоғичларнинг турфа томошалари чор-атрофдан ёш-яланг улфатларни, сон-саноксиз сайёҳларни чорлайди. Бу оромгоҳларга узоқ-яқиндан ҳар хил аслзодалар ҳам келиб ҳордиқ чиқаришади.

Кунлардан бир кун сўлим соҳилдаги чимзорда йўл-йўл дхоти кийиб, бежирим салла ўраган ҳинду пайдо бўлди. У содиқ хизматкорларга хос қўл-оёғи чаққон, ўзи чайир, кўзлари бесаранжом эди. Баҳаво, кўримли жойни танлаб, ипак гилам тўшади, кичкинагина дастурхон ёзиб, четига бахмал жилдли болиш ташлади. Кейин, чойхонаю дўконларга гуориб-елиб сара мевалардан дастурхон тузайбошлаганида сўйроғдаги чойхўрлару бекорчилар қизиқиб қолишди.

— Тарадудингиз чикора, биродар?

— Улуғимиз рамазони шариф арафасида Реваз сайрини ихтиёр этдилар, ҳадемай қадам ранжида қиладилар, — деди ҳинду ҳансираб, гапини тугатар-тугатмас яна юмушига югурди. — Биз у зотнинг корандалари бўламиз...

— Ҳа-а... — деди халойиқ ва тинчиди. Узоқ-яқиндан улуғларнинг Чашмруд соҳилларини ҳавас қилиб келиб-кетиши бу ерликлар учун янгилик эмас эди.

Чиндан ҳам, тўпга яқин, ёли анбар мойи билан силлиқ таралган саман тўриқда жуссаси чоғ, усти башанг, салласига укпар чандилган бир аслзода салмоқлаб етиб келди. Орқасидан икки чўлоқ мулозими яёв эргашган эди. Бири, жиловдори бўлса керак, от тўхтаб, эгаси ерга тушиши билан тизгинни қўлига, эгардаги шойи кўпчикни қўлтиғига олиб, таъзимкорона четланди.

Меҳмон жуда бежирим эди, отдан чаққон сакраб, тайёрланган жойга ҳам жадал юриб борди-да, мунтазир дастурхонга дарров чордона қуриб, юзига чаққонгина омин тортди. Корандаси такаллуфу мулозаматнинг кифтини келтириб, қўлини кўксига қўйганча чой тутди:

— Соҳиб.

Сўлим сайлгоҳни ҳавас қилиб келган меҳмоннинг негадир бу ердаги ажойиб манзаралар билан иши йўқ. Яқин-ёвуқдан кўз тиккан халойиқ унинг бундай лоқайдлигига ҳайрон эди. Йўл юриб чарчагандир-да, бироз тамадди қилиб нафас ростласин, деган хаёлга боришди. Ана, унинг билинар-билинимас имоси билан ҳали эргашиб келган мулозими чўлоқланиб чилимга югурди:

— Соҳиб.

Аслзода меҳмон чилимни ўтхонаси яллиғлангунча хўриллатиб, дастурхондаги нашватини димоғидаги аччиқ тутун аралаш оғзига ташлаганида, бирдан...

Бирдан халойиқ зил кетди. Чорпоялар қаторида худди шабададай шивир оралади: «Ахир бу... меҳмон.... бу меҳмон, ахир, ҳамдуна-ку!»<sup>1</sup> Ҳа, бу одам эмас, маймун! Буни негадир ҳамма бирдан пайқаб қолди. Реваз косибларининг синчковроқлари битта-битта силжиб, юрак бетлаб яқинроқда яккам-дуккам чўққая бошладилар. Кўп ўтмай чимзор жуда гавжум бўлиб кетди.

Бунга, худди шундай бўлиши керакдай, бепарво қараб турган ҳинду бошини ликиллашиб одамларга яқинлашди. Юзида ранжу ҳасрат билан маънос тикилди:

— Эй, жамоати киромо! Фуқарои Реваз! — деди ҳинду косовдай қора қўллари-ни ёйиб.— Оллоҳи Карим шохид, бу зот улуғ роҷамизнинг тўнғич валиаҳд фарзанд-лари эдилар. Вақти, ушбу зот мисли Юсуф киби хушқомаду хушрў ва ақли расо эканлар, падари бузруквор улмиш улуғ роҷамиз арзандаларининг ҳарамига тўртинчи заифани тортиқ қилиб, элга тўю томоша бердилар.— Ҳинду йиғлаб юборди, сочларини юлиб давом этди:— Воҳ, афсус ва надоматлар бўлсинким, ул хотун макри минг туяга юк бўладирғон кайвони экан, рашк туфайлидан ўз жуфти ҳалолини сеҳр-жоду билан, мана, маймунга эвирмиш!

Халойиқ дами ичига тушиб жим ўлтирар, ҳиндунинг оҳ-воҳи эшитиларди, холос.

— Эй, мусулмонлар! Бу бахти қаронинг кўрган кунларини ҳеч кимсага насиб этмагай. Иснодни кўтаролмаган падари бузруквор уни саройдан бади-бадарға қилди-лар. Тасарруфидаги ғулومлар ҳам андишани тағипо айлаб, соҳибни тарк этмишлар. Эмди фақат мана бу икки ногирону фақирингиз бу саховатпеша бегуноҳ дарбадар-нинг хизматларидамиз.

Оломон эртак тинглагандай қойим ўлтирарди. Бундан фойдаланган ҳинду гап-нинг ройишини мақсадга бурди:

— Лаҳадага кўндаланг бўлгур жодугар шайтони лаинга ҳай бермай, юз минг динор бағишласа, асил ҳолига қайтараман деганмиш. Еш соҳибимизнинг ўн минг динорлари бору қолғонига ожизлар...



<sup>1</sup> Ҳамдуна — форсча маймун дегани. (ред.)



Бу маҳал ўтирганлардан икки-уч киши бориб гиламга ўн-ўн беш динор ташлади. Маймун буни кўриб, икки қўли билан юзини силаб қўйди.

— Омин! — деди ҳинду шу заҳоти.— Сахийларга умри дароз, ризқи фароз ато этгай!

Атрофда яна бир неча одам ўрнидан қўзғалди.

— Бу марди маъруф,— деди ҳинду гапни совитмасдан,— Хотами Тойдек саховат эгаси эдилар. Насиб қилса, худодан аввал у зотдан қайтгай, Муҳаммад Мустафо алайҳи-с-салом умматларимиз, у дунё-бу дунёимиз ягона, раҳм қилганга худонинг раҳмати ёғилур...

Энди ўнлаб косибу ҳунармандлар белбоғларини кавлаб, ивирсиб қолишган эди. Ғовур турди, ҳиндунинг овози эшитилмай ҳам қолди. Ҳар ким топганини гиламга олиб келиб тўкмоқда эди.

Бу пайт орқароқда бошқа ғовур кўтарилганди. Бу ерда Абдураим-лакалов деган, қишин-ёзин гуппи чопон кийиб юрадиган кетмонсоқол қария ўртага тушган, жонжаҳди билан қўлларини силтаб гапирар, терлаб-пишган, жаҳлга минган эди:

— Ҳов, эсингни йиғ! Аҳмоқ бўлма, бу муттаҳам ҳинду лақиллатяпти сенларни! — гилам томон кетаётганларнинг енгидан ушларди у.— Ҳой, кўзингни оч!

Кўлидан чиқиб кетганларга ачиниб қараб қоларди Абдураим-лакалов. «Лакалов» — бу ернинг шеvasида тахминан «кирди-чиқди» деганга тўғри келади. Бу, назаримда, унинг эс-ҳушига эмас, бетайин, уқувсиз ёки қўнимсизлигига доир лақаб бўлса, эҳтимол. Чунки бу кимса умрида бир талай касбларга «кириб чиқди.» Бешикчилик қилиб ҳам кўрди, тақачи ҳам бўлди, жуводиз ҳам ушлади, рандага ҳам қўл урди, заргарга шогирд тушди, икки йил кулолчилик қилиб тувак сотди... На бозори, на барори дегандей, нимаки ҳунар бўлса барига уринди-ю, қўним билмади. Қўли суст ҳунарманддан оёғи илдам гадой яхши, дейишади ревазликлар. Уларнинг ҳаммасининг отига «уста» деган эзгу сўз қўшиб айтилади: Уста Маъмун, Уста Ғиёс, Уста Икром, Уста Нодим... Фақат Абдураим шу «лакалов» лақабини кўтариб юради. Кейинги пайтда у Чашмрудда гупчарчи бўлиб ишлайди, яъни ҳаво пуфланган мешларга тахта қўйиб, Реваз бозорчиларини у соҳилдан бу соҳилга ўтказиш билан кун кўради.

Бугун халойиқ унга қулоқ солмади.

— Ке, қўй, лакалов! Чакагинг толмадимми? — дейишди.

Аммо унга эргашувчилар ҳам кўп эди. Улар чеккароқда тўп бўлиб, ғовур-ғувур қилиб туришди. Гиламдаги хайри-эхсон эса тобора кўпаяр, унда динор тангалардан ташқари, баъзи тилла, кумуш буюмлар ҳам йилтилар эди.

Беш-олти ойдан кейин сайргоҳнинг чимзориде саллалди ҳинду яна пайдо бўлди. Яна гиламни ташлаб, хўжайинини такаллуфу мулозимат билан кутиб олди. Аслзодаларга хос башанг кийинган жуссасизгина собиқ навжувон соҳиб яна отдан сакраб тушиб, дастурхон олдида чордана қурди, омин қилди, чой ичди, имо билан чилим чақирди.

Ҳинду эса, энди бу ерга бошқа томошабинлар тўпланган деб билдими, ё гапи жудаям ёд бўлиб кетганми, яна худди ўша сўзлар билан ваъзи-розини бошлади: бу бахти қаро валиаҳднинг бир вақтлардаги Юсуф алайҳи-с-саломга хос ҳусни-камوليو Хотами Тойга хос саховатпешалиги... Унинг лаҳадга кўндаланг бўлгур заифасию сеҳр-жоду билан маймунга эврилган ёш соҳибнинг дарбадарликларига келганида ҳиндунинг товушида ҳиссий туғёнлар шу қадар авж олдики, ҳатто маймун ҳам белидаги шойи қийиқни ечиб олиб, кўз ёшларини артиб қўйди. Сўнгра қийиқни аста белига боғлаб, дастурхондаги бананлардан арчиб-арчиб оғзига солди.

Буни кўрган ревазлик косибу ҳунарманд ҳиндунинг ноалари тугашини ҳам кутмай, бир-бир бориб топган етмиш динор, топмаган етти динор деганларидей, баҳоли қудрат тутганини гиламга ташлай бошлади. Жамғарма тобора қаппаяр эди, бу галги жўмардлик ҳеч кимни ҳайратга солгани йўқ, фақат...

Фақат четроқда, Абдураим лакаловнинг яна томоқ йиртгани эшитилди. Айниқса меҳмонлар йўлга отланганда унинг бақариқ-чақирғи авжга чиқди. Маймун саман тўриқни миниб, мулозимларини эргаштирганча жўнаб кетди ҳамки, Абдураимнинг дарғазаб товуши ўчмади:

— Мўлтони яна лақиллатиб кетди сенларни! Сенларга ачинаман, ахир лўттибоз бу! Жодугар эмиш, валиаҳд эмиш! Кўрмаяпсанларми, маймунни ўргатиб олган!

— Лўттибоз эмас, ҳамдунабоз! Ноёб ҳунар бу. Мунча чинқирасан, лакалов!? — дейишди унга.

— Ахир...

— Ҳа, ўргатган, қойил қилган! — дейишди ҳунармандлар.— Устаси фаранг экан, азамат, қандини урсин! Ўз ишининг усталари — бу дунёнинг устунлари, эшитмаганмисан, лакалов?!

## Қора домла

Қишлоғимиз Шоввасойнинг ясси соҳили бўйлаб чўзилиб кетган. Шундай чўзилганки, нариги тикка қирғоқча чиқиб қарасангиз, шакли худди каттакон яшил чумолига ўхшайди: бели ингичка, боши узилдай деб турибди. Шунинг учун қишлоғимизнинг оти ҳам иккита: «боши», яъни Шоввасойнинг юқори оқимидаги кичик қисми Болокапа, этаги — Қуйикапа деб аталади. Қишлоқ район марказига айланганидан бери, айниқса Қуйикапа ҳисобига яна ҳам ёйилиб ажабтовур кент бўлиб қолди. Ери тошлоқ, ҳар баҳор сой тошиб, сел келиб безор қилса ҳам, халқ мана шу соҳилга нақ ёпишиб олгандай, аҳоли кўпаяверади: сув сероб: боғ-роғ туташ...

Болокапа бўлса ерсиз, сиқик жой, тоғ-тош орасида ривожланмай қолиб кетди. Мактаби ҳам пастаккина синч-сувоқ бинода, тўрт синфли бошланғич мактаб. Мактабнинг жони эса — Болокапанинг бирдан-бир зиёлиси Қора домла.

Бу — лақаб бўлмаса керак, чунки у киши унча қора эмас эдилар, асли отлари Қоравой бўлса эҳтимол, биз билмадик, ишқилиб, катта-кичик ҳамма уни орқаворотдан Қора домла, ўзига эса Домла дегувчи эди.

Қора домлага ўрганиб қолгандик, кунимиз шу киши билан ўтар, Домла бўлмаса, нима қиларимизни билмай зерикиб қолардик. Айниқса, баҳор, эрта куз кунлари Домла бизни зах синф ҳужраларида олиб ўтирмай, табиат кўйнига бошлаб чиқар, тошлоқ йўллар оралаб Шоввасойнинг юқори оқимида қараб турна қатор бўлиб юрардик. Бу ерда Домла яхши кўрадиган ажойиб жойлар бор: тошлар орасидан ўсиб чиққан наъматак буталари, қуёшда қизиб ётган супадай-супадай харсанглар, Шоввасой эса, ўз номига яраша — шоввалари кўп, сув учқунига боққанда нуқтасини топиб турсангиз найкамалак рангларининг товланганини томоша қиласиз. Бу ерларни Домла ҳам, биз ҳам тушларимизда кўрардик. Саёҳат пайти гоҳи тўхтаб, силлиқ сой тошларига ўтириб Домланинг табиат ҳақида, Шоввасойнинг бошланган жойларидаги совуқ чашмалар, сувнинг неча минг йиллик меҳнати туфайли пайдо бўлган кўм-кўк ва захкаш даралар, қақир харсанглар юмалаб, тарашланиб мана бу силлиқ сой тошларининг пайдо бўлиши ҳақидаги ҳикоялари руҳимизда худди табиатнинг, салқин сой ҳавосининг шавқи билан қоришиб кетганиданми, ҳамма нарсани нутиб қулоқ солар эдик. Буларнинг кўпини ўзимиз ҳам тахминан билардик албатта, лекин Домланинг гапиришлари бўлакча, у киши гуё шуларнинг барини бир умр унутманглар деб уқтираётгандай, ўз муҳаббатини ҳам қўшиб, дилидан сўзларди. Назаримда, ҳаммадан ҳам бизнинг оғиз очиб қулоқ солганимиздан хурсанд, шундан рағбатланар, унга сари тошиб гапирар эди у киши.

Бизнинг энг хуш кўрган жойимиз — қаёқданам келиб қолиб тошостидан ўсиб чиққан иккита жийда соясидаги кўрпадеккина майсазор. Бу ерда узоқ қолиб кетишимизни билиб, номимизни ҳам белимизга тугиб келардик. Асли бу жойда ортиқча қизиқ нарса йўқ, фақат нариги тикка қирғоқ, ундаги қалдирғоч уялари, олдимизда эса ёйиқ оққан сой, унинг шовқини бу жойда анча босиқ, шунинг учун жон ором олади. Ундан ташқари, Домланинг айтишича, нариги соҳилдаги жарликда харсанглар остидан отилиб чиққан муздек булоқ жимирлаб ётибди экан.

## Унвони — камтаринлик

Устозлар ҳақида гапириш оғир. Уларнинг фазилатларидан сўз очилса, бирини айтиб, бирини айтолмай қоладигандайсан. Устозлар ҳам Оллоҳнинг гуноҳкор бандаларидан. Алаҳхусус, улар қусурлардан холи эмаслар. Аммо устозларнинг айбини дастурхон қилиш одобдан эмас. Балки устозларнинг ана шу гуноҳлари ҳам бизни тарбия қилади. Яъни, бизни бундай гуноҳ ишларга қўл уришдан тутади.

Мен устозларнинг энг улуг фазилати деб камтаринликини биламан. Езувчи ўнлаб, юзлаб асарлар яратиши мумкин. Унвонлару мукофотлар олиши мумкин, катта амалларни эгаллаши мумкин. Лекин у камтаринлик шоҳсупасига чиқа олмаса барча тоат-ибодатлари бир пул.

Еш дўхтирлар ишга кираётганда қасамёд қилади. Афсуски, бу яхши одат езувчиларда йўқ. Бўлса эди мен, «Буюк езувчи бўлмаслигинг мумкин, аммо камтар бўлишга мажбурсан», деган қондани қўшиб кўярдим. Камтарлик — осмонда учиб юриш эмас, балки ерда одамлар орасида юриш демак. Бу эса ёзилган асарнинг ҳаётийлигини таъминлайди. Айрим халқ езувчиларимизни оддий одамлар билан ёнма-ён гурунглаша олмаслигини, фақат юқори минбарлардан туриб гапиришга уста эканликларини ҳисобга олсак, камтаринликка берилувчи баҳо ойдин бўлади.

Мен гапни бежиз узоқдан бошлаганим йўқ. Мактабда ўқиб юрган кезларимда «Опа-сингиллар»ни, сўнг «Давр менинг тақдиримда», «Чинор»ни ўқиб, бу асарларни жуссаси кичкина, баодоб, камтарин одам ёзганини ўйлаб ҳам кўрмаган эдим. Асқад Мухтор билан қўл олиб сўрашиш мумкинлиги етти ўхлаб бир тушимга кирмабди.

1964 йил эди чамаси. Биз, ишчи-ёшлар, адабиёт муҳлилари Тошкентдаги Охунбобоев номли маданият уйида ташкил этилган тўғаракка қатнардик. Тўғарак раҳбарларга маъқул келмай ёпиладиган бўлгач, ўйлаб-ўйлаб Езувчилар уюшмасидан мадад сўрашга аҳд қилдик. Асқад Мухтор котиб эканлар ўшанда. Дардимизни эшитгач, ёрдам берамиз, дедилар. Биз чиқиб, «Ростдан шу одам Асқад Мухторми!» деб ажабландик. Орадан йиллар ўтиб «Гулистон» жаридасига

— Дикқат билан қарасанглар, булоқ сувининг сойга қўшилмай, анчагача қорайиб оққанини кўрасизлар,— дейди Домла.

Биз тош устида тикка туриб қараймиз: чиндан ҳам, тиниқлигидан чўян сингари қорайиб оққан булоқ суви тошлар орасидан кўпикланиб келган оқишроқ сой сувига худди қиличдай санчилиб турибди.

— Сизлар кимирламай ўтириб туринглар,— деди бир куни Домла. Ўзи почаларини кўтариб, энгларини шимариб, чой қайнатадиган тунука чойнагимизни олди-да, сойга кирди. Биз Қора Домланинг мушаклари ўйнаб турадиган, пайлари чайир билагу болдирларини кўрдик. Кучли одам эди у. Тошдан-тошга сакраб, гоҳ ноҳос сирғаниб туриб, белигача шалаббо, биз томонга қараганча кула-кула у соҳилга чиқиб олди. У ердаги сийрак қувоқзорда анчагача ивирсиди. Биз нима қилаётганини билолмай қараб ўтирардик. Интизомли эдик. Домланинг чизган чизигидан чиқмасдик.

Анчадан кейин чойнақни бошига кўтариб, ҳали белгиларига тошлари устидан сакраб-сакраб, йиқилмай-қоқилмай бу ёққа ўтиб келди. Сочларигача ҳўл, катта иш қилиб қўйгандай хурсанд эди. Нима ажойибот, ё бир мўъжизани бошлаб келди деб бетоқат кутиб ўтирсак, чойнақда оддий сув!

— Булоқ суви, татиб кўринглар! — деди.— Ҳали мунақанги ширин сувни ичмаган-сизлар. Нонларингни олинглар, нонушта қиламиз!

Домла ихлос билан таърифлагани учунми, очиқ ҳавода юриб очиққан эканмизми, ё чиндан ҳам сувнинг ўзи шунақамиди, ишқилиб, бизга шу қадар ширин туюлдики; ҳинду цейлон чойларингиз у ёқда турсин. Сув ичгандай эмас, соф ҳаводан нафас олаётгандай вужудингиз яйраб роҳат қиласиз. Совуқлиги ҳам беозор, майин, шишадек тиниқ, ичган сари ичкингиз келади. Нонимизни ҳам ивитиб еб қўйдик. Домла кўриб келган булоғининг таърифини қиларди. Кейин, бу мўъжиза олдида сўзларининг ожизлигини сезиб, ваъда қилди:

— Икки ҳафтада сойда сув қайтади, келгуси сафар ҳаммангларни у қирғоққа олиб ўтаман, булоқни кўрасизлар.

Жийда соясида бирпас дам олиб, Шоввасойга сўкланиб ўтирдик. Шоввани қанча томоша қилсангиз ҳам зерикмайсиз. Сурон билан тош юмалатиб, кўпириб оқишидан бўлак ҳеч нарсаи йўғ-у, барибир, зерикмайсиз.

Нариги соҳилда бир қиз билан билан бир ёш йигит пайдо бўлди. У тикка қирғоқдан қандай туриб келишди — билолмадик, бутазорда бирон айланма сўқмоқ бордир-да. Йигит почасини шимариб олган, иккиси ҳам офтобда пишиб, юзлари бўғриқиб кетган; булоқни топиб бориб узала тушганча роса сувга тўйишди, юзларини чайиб бир-бирларига сув сачратиб ўйнашди, яйраб кетиб, холи жойда эканликларини унутишди шекилли, худди ўз уйларидагидай қий-чув қилишди. Биз кино кўргандай кулиб қараб ўтирдик. Чиндан, ҳаммаси худди кинодагидай эди. Нариги тикка қирғоқнинг тепасида катта йўл бор, оғир-енгил машиналар ғиз-ғиз ўтиб турибди. Шу атрофда булоқ борлигини билган йўловчилар, айниқса шоферлар гоҳ тўхташадую, пастга туриш учун йўл тополмай, чанқоқ лабларини ялаганча аттанг деб яна кетишади. Лекин бир-иккиталари иложини топиб пастга туришди ҳам. Айниқса қайтиб чиқиш мушкул эди. Нишаброқ жойларни танлаб тирмашишса-да, сирғаниб кетиб тиззалари, тирсақлари

---

ишга келгач, камтаринлик — бу одамнинг энг улугъ фазилати эканига ишондим. Идорага ажратилган энгил автомобилдан, бошқа имтиёزلардан ҳам фойдаланмаслиги майда гапдай туюлиши мумкин. Лекин машина деса жонини берадиган раҳбарлар ҳозир ҳам кўплиги назарда тутилса, бу анойи гап бўлмай қолади.

Бугун биз бирданига ботир бўлиб қолдик. Дадил-дадил гапириб, кўкракка муштлаймиз. Баъзилар ҳатто, «мен халқ отасиман!» деган даъвони тилига чижармаса ҳам дилига тугиб қўйгани сир эмас. Шу гапларни илгари нима учун айтмагансиз, десангиз, «аввал мумкин эмас эди», деб фатво топадилар. Уят, ёзувчи учун шундай дейиш уят! Агар мумкин бўлганда ҳақиқатни айтиб, мумкин бўлмаганда писиб яшасанг, ёзувчи эмас, муттаҳам бир одам жансан, дегинг келади.

Холис бўлайлик-да, изимизга разм солайлик. Яқинлашаётган Орол фожиаси қаламга олинмаганми! Олинган. 37-йиллар қирғини ёзилмаганми! Ёзилган. Ҳатто широбозликлар ҳам қораланиб ёзилган. Пахтага заҳарли дорилар сепишга қарши гапларни ҳам Асқад ака биринчилардан бўлиб гапирган. Бу масалада жиддий муаммолар кўтарилган мақолаларга ҳам «Гулистон» жаридасида йўл очиб берган эдилар. Буларни билмаган одамлар Асқад Мухторнинг асарларини бир ўқиб чиқишса, фойдадан холи бўлмас эди. Асқад ака камтаринлик фазилатидан бебаҳра бўлганларида балки ўша хизматларини байроқ қилиб кўтариб чиқиб, «мен тургунлик йилларида ундай деганман, бундай деганман», деб қаҳрамонлик талаб қилардилар. Кўриб турибмизки, Асқад аканинг юбилейларини — 70 йиллик тўйларини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилдик. Мажлисда Асқад ака йўқ эдилар. Орадан кўп ўтмай, бир ариза кўтариб келдилар. Ариза мазмуни бу эди: «Ҳозир халқимиз аҳволини кўриб туриб тўй-томошага ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Юбилей комиссиясини бекор қилишингизни сўрайман.»

Бу гапларга шарҳнинг ҳожати йўқдир.

Тоҳир Малик

шилинар, хуллас, булоқнинг ширин суви татимас эди. Бир амаллаб, азобда кўтариб чиққан қимматбаҳо сувлари тирналган яра-чақаларини ювишга ҳам етмасди.

Биз бир куламиниз, бир ачинамиз.

Ана катта йўлда брезент ёпилган юк машинаси келиб тўхтади. Аввал шофёр тушиб, қирғоқ тепасида турганча, билар экан шекилли, булоқ томонни, пастни кўрсатди. Брезент остидан чиқиб келган беш-олти ёш-яланг, ҳаммаси шўх, олов, ҳеч нарсадан қайтмайдиган бошвоқсиз болалар экан чоғи, йўл танлаб ҳам ўтирмай, ўзларини пастга ташлашди. Тош-тикан демай, кетлари билан сирғалиб, илдизларга тирмашиб, худди булоқ сапчиб ётган жойни мўлжаллаб туша бошлашди. Лўмбоз-лўмбоз тупроқ нураб, чанг-тўзон кўтарилди, тошлар юмалаб, бири иккинчисига урилиб, тоғ кўчкисидай сурон турди. Ҳалиги бебошлар бир-бириларига бақириб-чақирар, ўзлари кўринмас эди. Домла ўрнидан туриб кетди. У ҳалигиларнинг биронтаси майиб бўлмаса, фожиа юз бермаса эди деб хавотир оларди чамаси. Анчадан кейин, кўчки тиниб, булоқ бошида чанг булути босилгач, шўх овозлар, чинқириб айтилган беҳаё сўзлар, кулги аралаш бақириб-чақириклар эшитилди. Булоқ бошида ҳалигиларни кўргач, Домла жойига ўтирди. Унинг юзида бояги хушнуд шуъла ўчган эди.

— Мунақада бир кун эмас бир кун булоқнинг кўзи кўмилиб кетади... — деди у маънос кўзларини нариги соҳилдан узмай. — Яхшилаб пиллапоя қилиб қўйиш керак. Нима кўп — Шоввасойда тош кўп. Серқатнов йўл, ўтган-кетган зинадан сакраб-сакраб тушиб, муздек булоқ сувида юзини чайиб, ҳордигини ташлаб, чанқов босди қилиб кетарди. Жумлаи фуқарога татийдиган ширин булоқ. Савобталаб бўлсанг йўловчига бир пиёла сув бер, деганлар... Афсус, Исполкомнинг кўли калта-да. Бекорчи бўлганим-да ўзимоқ уринардим шу ишга...

Биз Қора Домланинг кейинги сўзларига, шунчаки айтди-қўйди-да, деб эътибор бермовдик. Болалик экан, «булоқнинг кўзи»ни, киприклари пирпирашини, калта кўлли Исполкомни тасаввур қилиб ўтирардик. Орада Сотти меъров деганимиз бўларди, семиз, дангаса, очиқ ҳавода уйқу босиб, мукка кетмаслик учун чўп билан қумга ҳар хил суратлар чизиб ўтирарди. Қарасам, кўли калтагина одамнинг расмини солибди. Исполкомни одам деб билса керак бу меъров. Суратга қараб кулдим. Қизик, кўли калта одамнинг оёғи узун бўлиб кўринар экан...

Биз, болокапалик болалар, бошланғич мактабни битиргандан кейин ҳар қаёққа тарқаб кетдик. Кимдир Қуйикападаги ўрта мактабга қатнайдиган бўлди, кимдир шаҳарга жўнади, кимдир ота-онаси билан бутунлай кўчиб кетди. Мен ўшандан кейин Қора Домлани кўрмадим. Шунинг учун буёғига у ҳақда эшитиб-билганларимнигина ҳикоя қиламан.

Қора Домла пенсияга чиққандан кейин ширин булоққа тушадиган тош зинапоя ҳақидаги ниятини ерига етказиш учун бел боғлади. Нафақахўрликда зерикиб қолганидан эмас. У ҳали бақувват, озгу орзу эса чиндан ҳам хаёлини буткул қамраб олган эди. Булоқ атрофида кунлар бўйи айланди, тикка қирғоқнинг ўпириладиган нишаб жойларини тимискилаб ўрганди. Тошга ўтириб узоқ ўй сурди.

Шоввасой супадай-супадай тошлар орасидан буралиб оқар, шовуллашлари узоқдаги тоғ-тош, яшил, зах даралар ҳикоясини сўйлагандай бадтар хаёлга толдирир эди. Нечта пиллапоя бўлиши мумкин, дея кўли билан бошидаги дўпписини ушлаб, қирғоқнинг баландлигини чамалади Домла. Нишабини танлаб айланиброқ чиқилса 40—50 пиллапоя бўлар... Қанчага боради бу иш? Елғиз ўзи сайъ этса ўтган-кетган бир нималарни ўйламасмикин? Ҳай, буниси гўрга. Биров мачит иншо этади бу дунёда, биров кутубхона. Қоравойдан бир зинапоя қолса-қолибди-да. Савоб талаб экан қария, у дунёлигини ўйлаб қопти, деса дер.

Қора Домла, очиги, аввал савоб ҳақида ўйлагани йўқ, булоқни сақлаш, уни одамлар учун ардоқлаб қолиш ҳақида ўйлади. Ахир толиққан йўловчи, шофёр-мофёр, ёш-яланг, бола-чақа харсанг зинадан югургилаб тушиб, саратонда кўксини совуқ тошга бериб ойна булоқдан муздек сув ичса, юзини чайса, руҳи равшан тортиб атрофга қарайди, табиатнинг камтарин-яшнашини дилидан сезиб, нимадандир мамнун бўлади. Булоқ тиниқлиги кўзларида, шу кун — қалбида, Шоввасойнинг бир маромда шовуллаши эса қулоқларида қолади... Қора домла шўларни ўйлади, аммо-лекин савоб деган сўз ҳам кўнглининг аллақарида айлангани аниқ, буни тан олиш керак.

Уй-хаёллар тиниқиб, дилда ният қарор топгандан кейин чўкич-кетмонни елкалаб келувдики, режанинг андак хомлиги билинди: пиллапояга тошни қаердан олади? Соё тоши ярамайди, тикка жарда унинг ўрнашуви мушкул, хавфли. Бунга ясси харсанг ё базалт керак. Базалт дегани тахта-тахта бўлиб қатланадиган қизғиш қумтош, зинабоп бўлади. Шоввада ҳар хил тошдан кўпи йўқ, албатта, истаганча топилади. Лекин қазиб олиш, ташиб келиш...

Биринчи кун иш юришмади. Асбобларини буталар орасига яшириб, уйга қайтди. Эртасига томорқага гўнг ташийдиган икки ғилдиракли темир аравачасини ҳам ғилдирашиб, яна борди. Юқори оқим-да юриб, икки-уч бўлак ясси тошни зўрға кўчириб келди. Тош кўп эди, лекин камда бир томони ясси бўлмаса, пиллапояга ярамайди. Қора домла қирғоқнинг тупроғини тошларнинг ғудур томонига мослаб ўйиб, дастлаб

топган харсангларины жойлади. Тошлар чўкич билан мослаб ўйилган жойга чиппа ёпишгандай, гипс жойлашди. Домла мамнун бўлиб, манглайини сидириб артдида, биринчи пиллапоёга ўтирди. Аъзои-баданида оғриқ сезди, бундай чарчашни ўйламаган эди. Шундай бўлса ҳам, буни пенсионерлигига эмас, тош ишига, пасту баланд йўллар азобига йўйди. Биринчи кун ахир, ўрганиб кетади.

Мана, дастлабки икки пиллапоё, оқариб-буралиб тепага чиқиб кетадиган бўлғуси зинапоёни кўз ўнгига келтирса бўлади. Ширин булоқ зинапоёси, Қоровой Домла зинапоёси! У тош зинани шунга ўхшаш номлар билан тилдан-тилга ўтиб машҳур бўлишига шубҳа қилмасди... Йўғ-э, яна ўша гап... Шайтонга ҳай бермаса бўлмас, яна шуҳрат, савоб... Одам хаёл сураверса оддий ишдан ҳам, жиндай ғараз дейсизми, миннатми, манфаатми — келиб чиқаверар экан. Яхшиси — ўйламаслик керак.

Қора Домлани икки нарса қийнади. Бири — юракнинг зуриқиб ҳовлиқиши, ҳансираш, иккинчиси — тош масаласи. Биринчиси — гўрга, тез-тез дам олса ўтиб кетади, бу ёшда бўладиган гап. Лекин иккинчи муаммо...

Бир неча кундан кейин аравасини судраб қадимги қадрдони Садр сангтарошнинг олдида борди. Ошнаси катта йўлнинг нарёғидаги қабристоннинг пастиди устакана тўтарди. У ердан келадиган бетиним тақ-туқ, чиқ-чиқ, чўкич билан искана товуши гўристон жимлигини доимо бузиб турарди. Қора домла борганида уста семиз, соқол қўйган, тўнкадай тошларни чап оёғи билан суриб ташлайдиган анқовроқ шогирди Полвон билан очиқ бостирма тагида ишлаётган экан. Меҳмонни кўриб, йилтиллаб кетган брезент пешгирини ечди, гардишига чарм қопланган кўзойнагини асбоблари ёнига қўйди.

— Кел, Қоровой.

— Омонмисан, Садриддин оғайни.

Қучоқлашиб кўришдилар. Улар бўй-басти, қотмалиги, қорамағизлиги билан, яна босиқликми, мулоҳазакорликми, нималари биландир бир-бирларига ўхшаб кетишарди, четдан қараганда ака-укадай эдилар.

— Ҳой...— деди Қора домла тош курсиларга ўтириб омин қилганларидан кейин. Устаконанинг пештоқ томонига суяб қўйилган сағана ёдгорликларига кўз солди. Тарашланган япасқи харсанглар, катта-кичик базалт тошлари, онда-сонда мрамор бўлаклари. Бирига араб ҳарфида қандайдир ёзувлар, рақамлар ўйиб битилган, бирига селлофанли тўгарак фотосурат ўйма қилиб ёпиштирилган, бири ҳали чала...

— Буюртма сероб дейман?

— Шукур деб бўлмайди, ошна, аммо, дунё экан, бандаси омонат, ишсиз қолганимиз йўқ. Ўзинг қалайсан?

— Алҳамдулиллоҳ, сенга мижоз бўлгунимча йўқ,— деб, Домла ўзи бошлаган иш ҳақида гапириб берди.

— Яхши ният қилибсан, оғайни,— деди уста Садриддин,— ўликдан ўлжа йиққандан тирикка текин хизмат қил, деган машойхлар. Кани энди ҳар ким ҳеч бўлмаса битта булоқнинг кўзини очса. Савоб ишга қўл урибсан, Қоровой.

— Гап савобда эмас. Кўнгил... Хўш, ўзинг-чи, ўзинг қанча оласан мана буларга?

— Бири беш сўм, бири ўн сўм... Ҳар хил.

— Кўрдингми, аслида ҳар бирига ҳафталаб кўз нурингни тўкасан, ўпкангга тош гарди юқади, қулоқларинг битиб кетади. Беш сўм, ўн сўм... Қанча арзон пулласанг, савоби шунча катта.

— Қўйсанг-чи, Қора, хаёлга келмаган гапларни гапирасан. Бизга кулфатзода бандалари келади. Савобга-ку, қарши эмасмиз, лекин инсоф керак, жўра.

— Ана, энди ўзингга келдинг, бизники ҳам шу.

Полвон чой дамлаб келиб тош устига қўйди. Қора Домла устакана орқасидаги қияликларга кўз солди. У ерда нишхўрдга чиққан харсанг бўлаклари юмалаб ётар, ундан нарида ҳам неча йиллик уюмлар оқариб кўринар эди. Сангтарошнинг ўғли бетон заводида инженер, отасига ҳар замонда самосвал топиб бериб, Шоввасойнинг юқори оқимларидан сағанабоп ясси харсанглар юклатиб келади. Нишхўрд кўп чиқади, албатта. Бири ташиганда синади, бири искана учи текканда дарз кетади, бирига тиш ўтмай ташлаворилади. Қора Домла аслида мана шуларни ўйлаб келганди. Қадрдони ҳам ортиқча гап-сўзсиз тушунақолди.

— Инженерга айтмай, самосвалда элтиб ташлайди.

— Йўқ, ҳар кун келиб, аравачамга икки-учтасини танлаб-танлаб юклаб кетаман. Шошадиган жойим йўқ, сени ҳам кўриб тураман баҳонада,— деди Қора Домла.

Шундай қилди ҳам. Деярли кунда келадиган бўлди. Олиб борган икки бўлак тошини ер ўпиб жойлайди-да, яна бир пиллапоё кўтарилганига кўнгли ўсиб, дўсти ёнига келади.

— Бўляптимми?

— Бўляпти.

Ўтириб чой ҳўплайдилар. Полвон Домланинг аравачасига ишлатишга яроқсиз зинабоп ясси харсанглардан юклаб беради.

Бир кун қараса, Полвон тушмагур уч газ келадиган яхлит, ясси базалтни аравачага жойлаб қўйибди, қандай кўтарган — худо билади.

— Йўқ, буни олмайман,— деди Домла,— тупканинг тагидан юклар келинган мол-а! Эшакка тилла тушов бўлади бу. Олмайман.

— Олақол, бизда кўп.

— Йўқ, ўзингга керак бўлади, эгаси келиб қолар... Қара,табиатнинг ўзи тарашлаб, сағанабоп қилиб қўйибди. Тушир, Полвон ука!

— Ҳай, майли, тушир,— деди уста.— Айтганингдай, эгаси келиб қолар.

Шундай қилиб, Қора домла кун ора келиб юклар кетган тошларидан бинойидек зинапоя тиклай бошлади. Юқорида айтганимдай, тошларнинг нотекис томони пухталаб ўйилган тупроққа чиппа ёпишар, оқариб кўринган пиллапоялар қияликнинг нишаброқ жойларидан эшилиб-буралиб кун сайин тепага ўрлаб борар эди. Домла гоҳи қора терга ботиб, ҳолдан тояди, сангтарошнинг бостирмасида бирпас ўтириб чой ичади, ҳордиқ чиқаради-да, аравачасини судраб бориб яна ишга тушади. Баъзан қаттиқ чарчаганида, тиззалари қалтираб, зинанинг тикка қирғоқ тепасигача чиқиб боришига кўзи етмай қолади.

Шундай кунларнинг бирида елкасига белкурак ташлаб Сотти меров келиб қолди. Ёдингиздадир, бу ҳов ўша, табиатни маҳлиё бўлиб томоша қилиш ўрнига қумга сурат чизиб ўтирадиган синфдошимиз. Ёлғиз ўзи Болоқапада қолиб кетган экан. Қаёққа ҳам боради, орамизда ашаддий «иккичи» шу эди. Биз уни оталиққа олиб, дарсларини ёдлатиб, ўбдан қироат қилдириб, имтиҳонга роса тайёрлаганимизда ҳам барибир, бир амаллаб яна «икки» ни олиб чиқар эди. Мана, бугун бир қарашай деб келибди, Домла хурсанд бўлди, «Одам бўпти шу меров ҳам» деб.

Унинг буйи ҳўзилган, суюги бузуқ, оёғида қўпол этик, қўли ишга чошиб турибди.

Иш юришиб, зина гўё теппага қараб «йўрғалаб» кетди. Сотти меров тушгача астойдил ишлади, лекин кечга яқин толиқди чоғи, тили чиқиб, аччиқ-тиззиқ гап қота бошлади:

— Дашти-биёбонда кимга керак экан бу даҳмаза, Домла?

Қора Домла ялт этиб қаради-ю, индамади. Кутилмаган бу фикрдан эсанкираб, меровнинг мишиқи бола пайтини кўз ўнгига келтирди.

— Ҳамма шунга... ҳайрон,— деди Сотти меров.

Домла яна индамади. Нима ҳам дерди. Бу меров шогирдини тузлаб қўйиши мумкин эди-ю, энди... катта бўлиб қолибди, мўйлов қўйибди. Бир чеккаси, ҳашарга келган одамга қаттиқ гапириб ҳам бўлмайди.

— Ўтиб кетган эски дунёнинг бандаси экансиз, Домла,— деди меров ҳам индамаган сари ошиб.

Домла андишани қўрқоқ билган бу меровни жавобга арзитмади, инсон боласининг ўсиш-улғайиши, бунда ўзининг, умуман домлаларнинг ўрни ҳақида ўйга толди. Буларга кўп нарсани ўргатди, ўғит-насихат қилди, табиат гўзалликларини кўрсатди. Лекин беминнат, беғарз ишлар табиатгагина эмас, оламни яшнатган баҳорга, тирликликни барқарор этиб турган соф ҳаво, тиниқ сой ва чашмалар, ою юлдузларгагина эмас, инсонга ҳам хос эканлигини гапирмаган, амалда кўрсатмаган экан, ўйлаб қараса. У Сотти ҳақида ўйламай қўйди. У энди кетади ва қайтиб келмайди. Гап бунда эмас...

Бу маҳал Сотти чиндан ҳам этагини қоқиб, этигини ювиб кийганди.

— Шогирдларингиз кўп, қарашвор деб қақирсангиз бўлмайдими?— деди Домланинг тундлигидан бадтар хафа бўлиб.— Ё савобингизга шерик бўлишади деб қўрқасизми?— деди илжайиб, белини елкалаб жўнаркан.

Шу кетганча, чиндан ҳам қайтиб келмади. Лекин иш тўхтагани йўқ. Қора Домланинг дилхира бўлгани қолди. Унинг илҳом чироғи сўндию, лекин ўчакиш шами ёнди. Ўчакиш эса чарчаш, толиқиш билан ҳисоблашмайди. Бир ой деганда Домла тамом дармондан қолдию, аммо зинапоя буралиб-тўлғониб қирғоқнинг энг тепасигача чиқиб борди.

Қора Домла этик ечиб, сой кечиб ўтди-да, бўйинларини юзларини узоқ-узоқ ювгач, икки жийда соясидаги тошга ўтириб, ўз ишини бамайлихотир томоша қилди. Қараса, ўз мўлжалидан ошиқ. 53 пиллапоя бўлибди, узоқда оқариб, йўловчию сайёҳларни ўзига чорлаб турибди. Жойида! Домланинг кўнгли ўрнига тушиб, бесаранжом туйғуларни босилди, малолли ўйлари унутилди, ҳордиғи чиқиб, дилидан ғубор кўтарилиб, бўғинлари бўшашиб, танасида оромбахш бир илиқлик яйради. Жойида... Ҳали бу ер мисли бир қадамжо бўлиб шухрат топади, ҳорғин ўткинчи чанқоғини босиб, эҳтимол, «бу зинапояни ким қурдийкин, барака топкур?» деб ҳам қўяр, қариқартаг дуога қўл очар, билганлар эса, балки Қоровойни тилга олар, яхши гап тез тарқайди, зора бир чаққон муҳбир чиқиб газетга чоп этса, яъни шундоқ-шундоқ ниятли одамлар бор, фалон жойда шундай бир эзгу иш бўлибди ва ҳоказо деб.

Қора Домла ўз қўли билан қилган ишга суқланиб, кўзи тўймай, ҳорғин хаёллар уёқ-буёққа судраб, жийда соясида узоқ ўтирди. Қуёш оққан бўлса ҳам, энди бу зинапоядан ҳавас билан биринчи бўлиб тушиб келган бирон зотни ҳам кўриб кетай деган ниятда яна жиндак кутди. Қош қораймасдан, тепадаги катта йўлда икки яёв аёл кўринди. Бошини рўмол билан танғиб, камзул устидан белини боғлаган бу икки хотин Шоввасойнинг юқори оқимидан тоғлардан дўлана териб келишаётган бўлса

керак, кўлларидида оғир кажави, жарлик тепасига келиб тўхташди.

— Ҳой, овсин, зинапои бор экан-ку! — деди ёшроғи чинқириб. Намозшом жимлиги-да уларнинг чуғур-чуғурлари янграб эшитилиб турарди. Кажаваларини бошларига кўтариб, янги зинадан биринчи оёқ босаётганларини ўйламай, ҳақкалаб-ҳақкалаб тушишди. Соядай қорайиб турган тош ва буталар ортида, булоқ лабида уларнинг шўх қий-чувлари анчагача эшитилиб турди. Домла художўй бўлмаса ҳам, қарилги тутибми, ё бўлмаса шу сокин оқшомда кўнгли жуда яйраб кетганидан: «Илоё қадаминглар кутлуғ бўлсин!» — дея юзига омин тортиб ўрнидан турди.

Чўкич, кетмонларини олиб кетиш бахонасида эрталаб келиб зинапои яна бир кўриб кетди. Жойида. Оқариб узоқдан чорлаб турибди.

Қаттиқ зўриққан эканми, Домла докторга қатнаб базўр ўзига келди. Доктор ёрдам қилдими ё кўнгли тинчлигим, ишқилиб, белдан гардонга, ундан биқинга кўчиб юрадиган зирқарашлар ҳарна қолди.

Кўнгли нисбатан тинч эдию, бир чеккасида нимагадир интиқлик, бир безовта ҳис бор эди. Очиғи, Домла зинапои ҳақида ҳеч бўлмаса бирон гап-сўз бўлишини кутарди. Бу кутишни бировлардан, ҳатто ўзидан ҳам яширмоқчи бўларди-ю, эпполмасди. Булоқ обод сайроғоқ бўлибди, ёш-яланг яйраб қолибди, катта йўлда ҳамма тўхтаб ўтармиш деган гаплар бир неча ҳафтадан кейин етиб келди. Аммо на булоқ, на зина ва на Домла ҳақида газет-пазетда ҳеч нарса чиқмади...

Айтишларича, бир ҳаваскор муҳбир район рўзномасига мақола ёзиб олиб борган эмиш-у, муҳаррир кўриб, «Хўш, нима, ДнепроГЭС қурилибдимики, бу ҳақда бутун бошлиқ мақола чиқарсак!? «Хроника» бўлимига кириг, уч-тўрт сатр қилиб беришсин», дея қайтарворганмиш. «Хроника» бўлимининг ходими ҳам елкасини қисиб: «Йўқ, биродар, биз хроникада жизиллаб турган ўткир фактларнигина берамиз, масалан, босқин, тошқин, ёнғин...» дея бармоқларини бир-бири букиб, узоқ санаб, ҳаваскорнинг ҳафсаласини пир қилибди.

«Хроника» боп жизиллаган ўткир воқеалар ҳақида овоза бир неча ойдан кейин тарқала бошлади.

Авалло, қандайдир бир гуруҳ ёшлар обод булоқ лабида улфатчилик қилиб, қаттиқ мушшлашишдан кейин, боши шиша билан уриб ёрилган бирови касалхонага олиб келинганмиш... Бу миш-миш етиб келган куни Қора Домла гангиб қолганидан, пенсия олгани бориш ёдидан кўтарилиб, оиласида хафақонлик юз берди. «Ҳа, эси пастлар, ароқ ичадиган жойми-я!» дея, кечаси билан ғўнғиллаб, ухлалмай, уёқ-буёққа ағдарилиб қикди. Яхши ҳамки бу гап газетада чиқмай эл оғзида қолиб кетди. Бундан кейинги овоза ҳам миш-миш даражасида бўлди: кимдир Қора Домланинг зинапоисидан йиқилиб, оёғини синдирган эмиш. «Эмиш» бўлса ҳам, буниси домлага қаттиқ ботди, чунки халқ оғзидаги гапда «Қора Домла зинаси» деган сўзлар ҳам ора-чора қулоққа чалина эди. Домла эзилиб кетди.

Бундан кейинги воқеа эса газетада дўмбира бўлиб, ўлган устига тепган, дегандай, Домлани астойдил эсанқиратди. Марказдан келаётган бир таниқли оила қувнаб-ййраб булоқдан сув ичиб чиқса, катта йўлда қолдирган «Волга» машиналари йўқ эмиш! Тахминларга қараганда, бу холи жойда шунақаларни атай пойлаб чакалакзорда ётган «шайтонлар» шартта ҳайдаб кетишибди.

Ҳали шундай, «пойлаб ётадиган «шайтонлар» ҳам чиқибди десангизчи! Домладан совуқ тер чиқиб кетди. Хайриятки, бу гал газетада унинг номини тилга олишмабди. Олишса ўрни бор, ножўя бўлмасди. Худо сақлабди. Ё тавба...

Уша ҳафтанинг ўзида «Хроника» чашмада номаълум бир қизни зўрлаб кетишганини хабар қилди. Шундан кейин бир ойча тинч бўлиб, Домла энди ўзимга келдим деб турганида, булоқ атрофидаги бутазордан ўлик топилди. Қора Домланинг булоғию зинапои районда одамларнинг кўнглига даҳшат соладиган хавфли жойга айланди. Узингиз биласиз, эл ошириб, қўшиб-чатиб ҳам гапиради, кўп ўтмай, ўша жойларда ҳеч нарсдан тап тор. майдиган каллакесарлар ҳам пайдо бўлганмиш, деган гап тарқади. Ким билади дейсиз...

Қора Домла бош кўтариб кўчага чиқолмай қолди. Яқиндагина, қилган эзгу ишимни бир оғиз газетга ҳам ёзмади, деб ичидан хафа бўлиб, ўша зина ҳақидаги ниятни дилига солган куни-соатини кечалари билан лаънатлаб чиқади. Уйда ўтириб, чўкиб, букчайиб қолди.

Қулоғини бекитиб ўтирган билан қутилиб бўларканми! Бир ойча ўтказиб бозор-ўчарга чиқувди, икки жойда нотаниш одамлар уни: «Ана, Қора Домла!» деб бармоғи билан туртиб кўрсатганини пайқади. Нарироқдаги растада бир хотин сотаётган помидорининг устини ёпиб, Домла ўтиб кетгунча юзини ўгириб турди. Шундан кейин бозор аҳли, ҳамма унга, қия қараётгандай бўлаверди, қулоғига «Қора Домла!», «Қора Домла!» деган бетиним шивир эшитиларди. Узидан-ўзи дармондан қолган Домла керагини харид қилолмай, гандираклаб юриб бозордан зўрға чиқиб кетди.

Уйда ҳам уни шумхабар кутарди: ҳовлига ўша зўрланган қизнинг онаси, телбами-соғми — билиб бўлмайдиган даражада келиб, Домланинг дарвозахонасида сочларини

юлиб доду сурон солибди, қўни-қўшнини бошига тўплаб, мудҳиш қарғишлар айтиб кетибди.

Қора Домла кечаси билан босинқираб чиқди. Кўзини юмиши билан гоҳ чангалзорда ётган каллакесарлар, гоҳ сочини юлган телба хотин, гоҳ булоқ бўйида узала тушиб ётган мурда, гоҳ бозордаги тескари юзлар, сирли нафрат чақнаган қарашлар кўз ўнгига келар, ўрнидан туриб кетарди.

Охирги туришда обреза ярим сатил совуқ сувни бошидан қўйди-да, тандир биқинига суялган ломни елкасига олиб, чиқиб кетди.

Тонг салқин эди, йўтали тутди. Йўтал зўридан кўзи тинган Домла Шоввасой ёқасидаги ўзи севган чакалакзор гулларини ҳам, ундаги оқиш шабнам саринлигини ҳам, энди уйғонган чипор капалакларни ҳам кўрмади. У булоқ томонга шошарди. Қани ўша «шайтонлар», қани ўша зўравону безорилар, қани ўша каллакесарлар!?

Бу дарғазаб дард унинг руҳида бор-у, жисми бўшашган эди. Зина босиб юқорига чиққанида бу яна ҳам билинди, ломга суянганича қаттиқ ҳансираб, пастга, атрофларга маъюс қаради, ҳеч зоғ йўқ эди.

Тонгда оқариб, намланиб ётган зинапоя харсангларига қараганида, негадир кўзидан томчи ёш сирғалиб чиқди. Шунинг зўри билан энг тепадаги биринчи пиллапоя остига лом урди. Ғазаб билан қайириб ташлади. Тош шағал аралаш тупроқни шовуллатиб ўпирганча юмалаб тушиб кетди. Қизишган қария иккинчи пиллапоя остига жон-жаҳди билан лом урди, жаҳл билан бирга қандайдир ёвуз куч ҳам тўлиқиб келди. Домла нафас сиқишини унутган, қора терга ботиб тош қайиравди. Қуриш қийин, емириш осон, тепа қисмини бир лаҳзада ўпириб ташлади. Сал тинса бутунлай тўхтаб қоладигандай, уриниб-суриниб давом этар, лом қўлидан чиқиб кетса инқиллаб яна олар, «мана бўлмас!» деб урганида тош чақнаб, Домланинг ўзи мункиб кетар, лекин тинмас, урар, тепар, қайирав, бузар эди.

Пастдан ўн-ўн икки пиллапоя қолганида ичида худди бир нарса узилгандай, Домла «инг» деди-ю, тошга ўтириб қолди, қўлидан чиққан лом тошдан тошга урилганча жаранглаб пастга тушиб кетди. Домла, кўз олди қоронғулашгач, белини ушлаб, қайрилган зинапоя ўрнига ёнбошлади. Лекин у ўз аҳволини ўйлаш ўрнига, негадир Сотти меровни кўз олдига келтирди: «Домла, ўтиб кетган эски дунёнинг бандаси экансиз...» Эслади-ю, инграб юборди.

Қуёш тиккага келиб қолгани, лекин унинг кўз ўнги қоронғи, «Худойим-эй, — деди у ҳамон ўз аҳволини ўйламай, — қандай кунларга қолдик? Яхшилик қилиб бўл-маса дунёда...»

Бу пайт юқорида машиналар тўхтаб, икки шофёр қичқирди:

— Ҳой, жинни бўлдингми, нега бузаяпсан зинапояни?! Ҳей, сенга гапиряпмиз! Бировлар не азобда қурадию, сен бузиб ташлайсанми?! Эсинг жойидами ўзи...

Улар пастга тушишди. Қора Домла тепасида турган одамларни кўриб, ўз аҳволини эслади.

— Болалар... белим...

Қарашса, бу тентакнинг аҳволи чатоқ. Кўтаришиб чиқиб машинага солдилар.

Район касалхонасида қайталаб сўрашди:

— Қаёқдан?

— Булоқдан, дедик-ку. Қора Домла зинасида бели чиқиб ётган экан.


— Оббо, яна Қора Домла! — деди доктор кўзида ваҳима билан.

Уч кундан кейин касалхонада Қора Домланинг жони узилди. Уша катта йўл ёқасидаги қабристонга ерладилар. Садр сангтарош Қоровойнинг мақтаб, аравасига олмай, «эгаси келиб қолар» деб ташлаб кетган ўша катта баҳайбат тошга дўстининг номини ўйиб ёздию, дўнг тупроқнинг бош томонида узоқ ўтириб қолди. Хотира тошига қараб гапирди:

— Яхшилик қилдингу савобини олдинг-кетдинг экан-да? Йў-ўқ, ундоқ эмас, Қоровой оғайни, овора бўласан. Савоб деганлари яхши замонлардан қолган гап. Бизнинг кунларда эса...







Каромат Дўстматова

## КУНЧИҚАРНИНГ ТАНТИ ШАМОЛИ

\* \* \*

Дарахтлар пойига тиз чўкарди ой,  
Пинҳон ёлворарди хунибийроним.  
Агар сени кўкка сиғдирмаса кўк,  
Кўксимда тунайқол, ширин забоним.

Тошлоқ йўлдан юрмас одамзод мудом,  
Чаёнлар ҳам бир кун тўяди жондан.  
Томорқада пайҳон қалампиргуллар,  
Сунгги кунин сўрар кекса боғбондан.

Оҳим ўтга тушиб тун тандирида,  
Рахшон юлдузларнинг кулидан чиққан.  
Битта бармоғимга етолмай дарахт,  
Минглаб илдизларнинг қулочин йиққан.


Осмон гумроҳ эмас, ой гумроҳ эмас,  
Ерни тинмай тепиб қарғаган гумроҳ.  
Осмон жуда яқин, ер ғоят юмшоқ,  
Ковушини топиб кийганга паноҳ...

\* \* \*

Маскунга маззамат мушти тиралган —  
Муштдек панжаларни бўлмас-ку ёзиб.  
Искандарнинг шохи елкадан ўсган,  
Фақат тили билан кудуқни қазиб.

Тупроқнинг бўйидай бўй йўқ жаҳонда,  
Шу бўйга инсоннинг боши нисордир.  
Ҳовучи гулларга тўлган инсоннинг  
Нечун этаклари гулларга зордир?!





Абдуқажом Сиддиқ

## ИСЁН

Ҳикоя

Устозим деганинг шеърфуруш бўлса,  
Суйганим деганинг эрфуруш бўлса,  
Подшоҳим деганинг элфуруш бўлса,  
Чидагин болам-э, чидагин!..

Усмон АЗИМОВ

— Тур ўрнингдан, даюс! Э, тўнғизга ўхшаб сасимай ўл! Мугизинг чиқиб қолдими, хайвон!?

Жуманазар биқинига тушган аччиқ тепкидан чўчиб тушди. Нафаси бўғзига тиқилди. Уйқунинг энг хилват, илиқ гўшасида юзиб юрган руҳи қалқиб, чийрашиб кетган киприкларини куч билан кериб очди. Бошини кўтариб, қаҳр билан тепасига тикилар экан, беихтиёр мушт бўлиб тугилган панжалари ёзилди, вужуди бўшашди: «Раис?».

У ажабсиниб раиснинг ёнида хўмрайиб турган шерикларига кўз ташлади. Бир чеккада шумшайганча қотган Тўғон биргадга кўзи тушдию тишлари ғижирлаб кетди. Шошилмай ўрнидан туриб, уст-бошини қоқди.

— Ҳа, иттан тарқаган ҳароми, ҳунаринг чиқиб қолдими?!— деди раис тагин ҳезла-ниб.

Жуманазар ғазабини ичига ютди. Остига тўшаган пахталигини йиғиштириб қўяр экан, раиснинг юзига қарамай гап қотди:

— Бўлди, раис бува, ҳақорат қилаверманг.

Раиснинг жони оғзига тиқилди.

— Э, энангни... сен ҳали гап ҳам қайтарасанми?! — деди у Жуманазарнинг ёқаси-дан сиқимлаб силтар экан. — Ит экансан-ку!

Жуманазар ҳушини йўқотди. Шундоқ ҳам азбаройи идрокининг кучи билан кўнгли-нинг тубига базўр қамаб турган ғазаб тўфони жўшдию бутун вужудини тутди. Танаси оташдай қизиди, қулоқлари том битди, кўз олдини қоронғулик қоплади. Раиснинг иккала кўлидан маҳкам сиқиб, итариб юборди. Томоғидан ғиппа ушлаган ғалати, ёқимсиз зардобдан бўғилиб, қийналиб ҳайқирди:

— Мен сени энангни... эшитдингми?! Узингсан ит!!!

Раис ўзини қўярга жой тополмасди. Яна бўралаб сўкинганча Жуманазарга ташланди ва қўлини ҳавода баланд кўтариб, унинг бошига муштлади. Аммо шу заҳотиёқ қулочкашлаб туширилган мушт зарбидан бир неча қадам нарига, ғўзапояси ўриб олинган ерга учиб тушди. Навбатдаги ҳақорати бўғзига тиқилдию ичига чўқди. Ҳамма — атрофида турганлару симёғочдаги чироқ ёруғида «варақа»да пахта чиқараёт-ганлар бир лаҳза таҳликада қотиб қолишди. Сўнг барчаси баробар ҳаракатга келишиб, ҳай-ҳайлашиб ярми раисга, ярми Жуманазарга қараб чопишди. Жуманазар ҳануз

ўша телбавор куч таъсирида маст туядек ўкириб, тагин олдинга интилди. Қаршисидан тўсиб чиққан аллакимнинг гарданидан қисиб улоқтириб юборди. Бироқ раиснинг олдида турганлар, орқадан етиб келганлар — ҳаммаси бир бўлиб, уни тўхтатиб қолишди. Турткилаб орқага қайтаришди. Қути ўчганча серрайиб қолган раис бироз ўзини тутиб олди-ю, паст, аммо заҳарга тўйинган овозда тишларининг орасидан гап қилди:

— Қараб тур ҳали, болакай, қон йиғлатаман сени!

Энкайганча унинг шимини қоқаётган Тўфон биргадни елкасидан итариб юборди: «Нари тур! Одаммансан! — Бирдан бошини баланд кўтардию қўлларини бигиз қилиб атрофдагиларга бақирди: — Ҳамманг одаммансан!» Сўнг орқасига кескин бурилиб, шитоб билан йўл четидаги машина томон юрди. Ҳамроҳлари унинг ортидан югур-гилашди.

Колхозчилар ҳозиргина кўрганларини мияларига сиғдирилмас, лолу ҳайрон эдилар. Жуманазар пахталигини ердан олиб, елкасига ташлади. Кетиб борар экан, орқасига ўгирилиб, тагин шерикларини кузатди. Кулгиси қистади. Лабларига кулгу ёйилар-ёйилмас орқадан келган ғазаб тўлқини унинг изларини ювиб кетди. Ижирғаниб кўнглидан ўтказди: «Вой, энағарлар-эй, қилғиликни қилган мену сенлар нимага қалтирайсан?» Ичидагини сиртига чиқармади. Индамай бурилдию қоронғулик қўйнига кириб кетди.

Жуманазар болалигидан муштлашиб катта бўлганди. Жиззаки эди, бунинг устига абжир эди. Шунинг учун тенг-тўшлари ундан ҳайиқишарди. «Жуманазарнинг жини бор», дейишарди. Чиндан ҳам у ғазабланганида эс-ҳушини йўқотиб кўярди; вахшийлашиб кетарди, тезкор зарблари билан унча-мунча одамни чарчатиб кўярди, кучи етмаса, қўлига илинган нарса билан урарди. Шунинг учун болалигидан Жуман тентак, деган ном орттирганди. Бир-икки гал қишлоқ йигитчалари қўшни қишлоқликлар билан низолашиб, аҳволлари танглашиб қолгач Жуманазарни айттириб борган пайтлари ҳам бўлган. Ушанда Жуманазар ҳовлисида ишлаб турган жойидан оёқяланг, шимининг почалари тиззасигача шимарилган, уст-бошига лой сачраган ҳолда қишлоқ кўчалари бўйлаб айтилган жойга етиб борган ва... нима иш бўлгани унчалик аниқ эмас-ку, лекин шу воқеадан кейин Жуман тентакнинг шўхрати қишлоқ сарҳадидан чиқиб, чет атрофларга ҳам ёйилганди. Улғайиб эр йигит бўлган пайтида унинг олдига тушадиган мард йўқ эди, десак ҳам гуноҳга ботмасмиз. У, албатта, бундан ғурурланарди. Суйди кампир ягона ўғлидан қолган етимча кўчада ўзининг ҳақини талашиб, шу даражага ўсиб етганидан мамнун бўларди. Шаън-шавкатли кунлар тезда ўтиб кетди. Жуманазарнинг кўчани тўлдириб юрадиган ошналари ҳаммаси бирин-кетин уйланишди — уйга боғланиб қолишди. Унинг ўзини ҳам Суйди кампир кўшнининг қизи Сарвигулга уйлаб қўйди. Кўча саргузаштлари йигит учун бирмунча ўзининг қизиғини йўқотди.

Улар турмуш қурганларидан сўнг бир неча йилгача фарзанд кўришмади, Жуманазар одамовироқ бўлиб қолди. Бу орада Суйди кампир ҳам ёлғончи дунёни ташлаб кетди. Бу ёқда ёш ҳам ўтиб борарди... Гарчи Жуманазар аллақачон муштлашмай қўйган бўлса ҳам, унинг йигитликдаги «шўхрати» сақланиб қолган, Жуман тентак лақаби одамларнинг эсидан чиқмасди. Очиғи, Жуманазарнинг феълига сингиб кетган жангарилиги сунмаган, ахён-ахёнда давраларда гап талиби, сал қизишиб кетса, унинг туси ўзгара бошлаганини кўрибоқ шериклари паст келишарди. Раис колхозда янги одам, келганига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. У бу гаплардан беҳабар, эшитган бўлса ҳам ортиқча аҳамият бермаган. Битта колхозчи ким бўпти унга. Бунинг устига у ҳам ўта қаттиққўл, оғзи шалоқ. Одамларни уриб-сўкишдан ҳам тоймайди.

Жуманазар кўнглидаги ғашлик булутни қуюқлашиб уйига етиб келди. Хотини айвондаги ўчоққа ўт ёқиб, кир ювгани қозонда сув иситаётган экан. Эрининг эрта қайтганидан, бунинг устига нашаси пастлигидан қандайдир дилсиёҳлик юз берганини сезди.

— Келдингизми? — деди қути ўчиб.

Унинг гапи қатига яширинган: «Тинчликми?» сўровини пайқаса ҳам, Жуманазар индамай, бош ирғиб ўтиб кетди. Болалари чоққина хонанинг ярмини эгаллаб ухлаб ётишарди. Чироқни ёққанида кенжатои Азизбек уйғониб кетди. Жажжи муштчаларига таяниб, бошини кўтарганча, кўзларини очолмай бир муддат туриб қолди. Кўзларини очиб, Жуманазарни кўриши билан қўнғироқ овозда қичқириб юборди:

— Дадў-ув.

Кўрпасини очиб юбориб, дадасига чопмоқчийди, Жуманазар уни тўхтатиб қолди:

— Ётавер, бек, ўзим бораман.

У пахталигини ечиб, қоziққа илди. Кигиз четига чўкиб, қийналиб, ихраб этикларини ечди. Неча кундан бери эрта кетиб, кеч қайтадиган дадасининг шарпасинигина сезиб қолаётган болакай билагига юзини босганча, қувонча тўла қора кўзларини ундан узмай жилмайиб қараб ётарди. Шу боласини Жуманазар ўзгача меҳр билан суюди. Узиям ажойиб бола-да. Юз-кўзи ҳам, феъл-хўйи ҳам майин. Онасига ўхшайди. Катталари бундай эмас: суяқдор, бичими бузуқ — Жуманазарга тортишган.

Жуманазар энгашиб, Бекнинг юзларидан ўпди. Болакай қитиғи келиб қиқирлади, юзларини кўрпага яширди. Жуманазар унинг ўсиб, қулоқларини беркитиб қўйган

сочларидан силади. Азизбек дадасининг кафтини қўлчалари орасига олиб, ўзига тортди. Кўзлари уйқудан юмилиб-юмилиб кетар экан, чўчинқираб бошини кўтарди. Дадаси тепасида ўтирганини кўриб, кўнгли жойига тушди. Жуманазарнинг улкан гавдасига хайрат ва фахр билан кўз югуртириб: «Дадам...» деб қўйди пичирлаб ва ширин жилмайганча ухлаб қолди. Жуманазар эҳтиёткорлик билан қўлини унинг кафтчалари орасидан суғуриб олди. Хотини чилопчин билан обдастада сув олиб кирди. Жуманазар қўлларини чайди. Хотини дастурхон ёзди, сирланган лаганда угра ош олиб кириб, эрининг олдига қўйди. Узи ҳам кўрпача четига ўтириб, Жуманазарга чой қўйиб узатди. Ер остидан унинг юзига нигоҳ ташлади. Ёрилармикин деди, аммо эридан садо чиқмади. Хотин чойни унинг олдига қўйди-ю, индамай ташқари чиқиб кетди. Дарвоқе, Сарви-гул — мана шу аёл!..

Умр — оқар сув, деганлари шу экан-да... Ушанда, ётган еринг ёруғ бўлгур, Суйди кампир не-не жойларга бориб, оёқ-қўли толиб, не-не жойларга оғиз солиб, баридан бирдай: «Жуман тентакка берадиган қизимиз йўқ», деган жавоб олиб, боши гаранг бўлиб турган бир пайтда, келин дегани, оёқнинг остидан чиқиб қолмаганмиди.

Бот-бот буларниқига чиқиб, Суйди кампирнинг юмушларига қарашиб турадиган қўшни қиз, ўшанда кампир раҳматлик тентаккинасининг ҳеч бахти очилмаётганидан нолиб, арзи-дод қилиб қолганида, унинг дийдесини тоқат билан тинглаб, дастурхон четини ўйнаб, кўзларини ердан узмай шундай демаганмиди:

— Эна... энди, мени Жуман акамга олиб бермайсизми?

Суйди кампир бошига тук битиб бунақасини биринчи кўриб, биринчи эшитиб ўтирганидан, оғзидаги яккам-дуккам тишларини яланғочлаб, анграйиб қолмаганмиди. Кейин хиёл ҳушини йиғиб олиб, чўчибгина гап қотмаганмиди:

— Қизим, ота-энанг нима деркин...

Қиз яна ўша алпозда ўтириб, жавоб қайтармаганмиди:

— Ҳа, сиз чиқаверинг-чи, буёғи бир гап бўлар.

Кампир қизни кузатиб, баттар боши қотган, кўнглига шубҳа ораламаганмиди: бунинг бир балоси бор-ов, қиз бола ўзи шунақа, деб турса-я... Барибир, кечқурун Жуманазар ишдан қайтганида, бояғи гапларни айтганида, йигит кулмаганмиди: «Э, эна, Сарви-гулингиз ҳали ёш-ку!»

Кампир аччиқланган, жеркиб бермаганмиди: «Э, нимаси ёш, махтапти питирганига бир йил бўлди-ю. Сен олдин бир кўргин!»

Ва... ва кўрмаганмиди... Икки-уч кун кейин... қизнинг ҳовлисида... Шамол хазон-резги барглари учириб ўйнаётган маҳал... Қиз баланд ва оғир ёғоч дарвозани тортиб беркитаётганида... Кенг-мўл, тўқ қизил кўйлақда, юпқа қора нимчада...

Тентак экан Жуманазар, қип-қизил аҳмоқ экан. Жуман тентак деб, топиб айтганининг отасига раҳмат. Ушанда баланд ва оғир дарвозани ёпиб қўймаганларидан қизни дептию қизиб, индамай ўтиб кетаверипти... Жуманазар, очиги, ўша қизни, дарвоза олдига кўрган қизини ҳануз кўмсайди. Уни ўйлаганида ҳануз юраги орзиқиб тушади. Ва бу хотира билан мудом етаклашиб келадиган тагин бир тотли азоб борки, Жуманазар ўшанда, ул қизга ўша баланд ва оғир дарвозани ёпишиб қўймаганига ўқинади, унга икки оғиз ширин гап топиб айтолмаганига ўзини ўзи сўқади, индамай, ғўдайиб ўтиб кетаверганига юзлари куяди.

Ўша қизил кўйлақли қизнинг бу қадар азиз ва кўнглига бунчалик суюмли бўлиб қолгани, эҳтимол, йигитнинг қалбида уйғонган сирли туйғуларнинг илк, бокира чечаклари унга боғлангани, унга аталганидандир. Ушанда Жуманазар, тагин бир синоатдан лол қолиб, кечгача боши қизиб юргани: ўзи билладиган ва балки анчадан бери тузук-роқ эътибор бермагани жажжи ва ширин қизалоқнинг рухсорига, қадди-қоматига табиат уч-тўрт оининг ичида чиройдан ташқари яна аллақандай жозиба бахш этгани, боз унинг нигоҳлари, ўзини тутишидаги тийилганлик, одамнинг юрагини ўртаб юборадиган сирли босиқлик унга тинчлик бермасди...

Турмуш қурганларидан кейин, ҳадеганда, фарзанд кўравермагач, Суйди кампир, бир вақтлар ўзи чеккан барча азоб-уқубатлар эсидан чиқиб, Жуманазарни сиқувга ола бошлади: «Жуман болам, менам мундай бошқаларга ўхшаб неварга кўтариб, кейин ўлармиканман. Балким, экалангам бошингни очиб, бир бахтингни синаб кўрарсан...»

Аммо Жуманазар кўнмасди: Сарвигулга боғланиб қолгани, Сарвигулсиз яшаши қийин эди, уни суярди-да, дангали! Ўша баланд ва оғир дарвоза олдидеги учрашувда, тўқ қизил кўйлақли қизалоқ ажратиб олиб берган Сарвигулнинг ҳалол меросига бошқа аёл дахл қилишини истамасди.

Узун тунлар Сарвигул унинг бошида ўтириб йиғлаганларида, «Барибир мени ташлаб кетасиз, энам барибир сизга бошқасини олиб беради», деб зор қақшаганларида, мана шуларни айтолмасди у. Уяларди. Бунинг устига гапга ҳам йўқ эди. Қўли чаққон бўлгани билан тили нўноқ эди унинг. Ана шундай пайтлари, у жўрттага кўрслик қилиб: «Бўлди, йиғлайверма!» дея ўшқириб берарди-ю, қўполлик билан Сарвигулни кўрпага босарди, сочларидан, юзларидан силарди, бармоқлари титраб-титраб кетарди. Сарвигул... Сарвигул бояқиш ҳаммасига тушунарди. Тушунарди-ю, гулдай яшнаб кетарди...

Орадан яна бир неча йил ўтиб, худонинг ўзи ҳам каталақдай тор кулда унутиб

қолдирган икки жафокаш бандасини эслаб қолдим, ҳарқалай, Сарвигул ҳомила боғлаб, кўчқордай ўғил туғиб берди. О, ўшанда Жуманазарни бир кўрсангиз! Кейин, тўнғичлари Шукурдан кейин Аброр туғилди, Абрордан кейин яна ўғил — Азизбек!

Жуманазар пешиндан бери туз тотмаганди. Овқатнинг устига нонни майдалаб тўгради-да, икки-уч кўтаришда, лаганни бўшатди. Нафси ором олиб, ёстиққа ёнбошлади. Чой қуйиб ичди. Уйнинг тафтидан танаси яйраб, оёқларини узатди. Кўзларини юмди. Одатда, ҳар куни бу пайтда далада бўларди. Ё хирмонда, «варақа» атрофида уймалашар, ё пунктда пахта ўтказгани навбатда турарди. Бугун эса, уйда ётибди.

Ҳаммаёқ осуда: шовқин-сурон ҳам, чаңг-тўзон ҳам йўқ. Қорин ҳам тўқ... Лекин кўнгил ғаш, кўнгил қурғур ғаш... Раис... Падарига лаънат, раис бўлса нима? Жуманазар, ҳеч қачон бировдан бундай ҳақорат эшитиб, жавобсиз қолдирган эмас. Яна энангни, деди-я, аблаҳ!

Жуманазарнинг бурун катаклари керилиб, асабий пишқириб қўйди. Ушанда ўзи тезакдай тепиб ташлаши керак эди-я!.. Лекин шериклари ўртага тушишди, сувчилар ўртага тушишди. Унинг кўз ўнғидан лип этиб раиснинг қўллари бигиз, «Ҳамманг аблаҳсан!» дея, ўшқираётган дам ўтди. Биргад икки букилганча қотиб қолган: юзларида табассумга ўхшаш ночор ифода, Мамат чўтирининг башараси тошбақаникидай, пахталиги ёқасига ботиб кетган, Холиқнинг оғзи ланг очиқ, Абдувоит ака, қариб-қартайиб қолган бўлса ҳам тирикчилик ғамида кирза этигини судраб, ҳануз далада ишлаб юрган Абдувоит ака, эски қора чопонига ўралганча қотиб турар, худди катта отасидан дакки эштаётган ёш боладек нажотсиз, аянчли, ҳимоясиз эди... Ажаб, бу одам урушда қон кечиб юрган пайтда, раис неча ёшдайкин?

Сарвигул алламаҳалда юмушларини битириб, ичкари кирди. Болаларининг нариги ёғига ўзига жой тўшади. Эрининг ўрнини солиб берар экан, ниҳоят тилининг учида турган саволни берди:

— Тинчликми ўзи!

Жуманазар тагин индамай бош ирғаб қўйди-ю, тўшакка чўзилди. Унинг уйқуси келмасди... «Падарлаънати, Тўғон биргад! Сен ҳам ўшаларнинг бирисан, ялоқхўр, фақат янада пасткашроқсан. Чоғинг келса ўзинг пийпалайсан; аҳволинг тангроқ бўлиб қолса, тулкиликка ўтасан; дастинг етмаса, катталарингга айтиб, итдай талатасан...» Ораларида ўтган гапни эслади:

— Уралашма, дедим сенга, ўралашма мен билан.

— Э, биргад, қўрқитиб нима қиласиз, қўлингиздан келганини қилмайсизми?!

— Сен ўзи нимадан норозисан, Жуманбой?

— Ҳаммасидан! Озондан кечга довуз тинмай ишлаб топган пулимиз молди емигаям етмаса... Болаларди нима билан боқамиз?!

— Битта сенми? Ҳамма қаноат қилиб юрипти-ю.

— Ҳамма қаноат қилса, мен чидаёлмайман, билдингизми? Гап шу, бугундан бошлаб бошқа ишларга одам олмайсиз! Ризқимизни қиймайсиз!

— Мен кичкина одамман. Бу гапингди раисга айт.

— Раисга ўзингиз айтинг!

— Бўпти, айтаман, кўнглинг хотиржам бўсин, айтаман. Сизлар ишларингди қилинглар, ҳеч ким ёрдамга келмайди, пунктгаям бормайди. Урозмат ўзинг ҳайдаб кетў-вир, бир бало қиб ўтказиб келарсан.

— Ҳой, шаштингиздан тушинг, Тўғон ака. Майли, борамиз, ишга. Сен ҳам сал пастроқ тушгин-да, энди, Жуманвой. Ҳой, шошманг, Тўғон ака.

— Йўқ, ҳеч ким, ҳечяқа бормайди. Ҳамма ўзини ишини қисин... Бўғзимга келтирдиг сен бола, сениям тақалаб қўядиганлар бордир!..

«...Энди нима бўларкин?» Жуманазар шу топда Сарвигулдан гап олгиси келди. Бошини кўтармай уни аста чақирди:

— Сарви.

Сарвигул ухламаган экан:

— Ҳа, — деди пастгина овозда.

— Мен раис билан уришиб қолдим...

— Вой, ўлмасам, нимага уришасиз, — деди Сарвигул бироз ҳаяжон билан.

— Уришдим. Аччиғимни чиқарганди, урдим, — Жуманазар жўрттага бепарво овозда гапирди.

Сарвигул, нафаси ичига тушиб кетгандай жимиб қолди, кейин бирдан йиғламсираб:

— Вой-ей, нимага уришасиз у билан, нимага? — дея дийдиё қила кетди.

Эрининг зардаси қайнади:

— Жим бўл-э, ўзи сенларга гап айтмаслик керак!

Сарвигул оғзини ёстиқ билан бекитди шекилли, бўғиқ ҳиқиллай бошлади.

Эр-хотин тўлғона-тўлғона тонг оттиришди.

Азонда Сарвигул, юзлари бўғриқиб, қовоқлари шишиб кетган Сарвигул кўзи илинган эрини уйғотди:

— Чойингизни иссиғида ичиб олинг, — деди у заиф товушда ва бироз сукут қилиб,

қўшиб қўйди: — Биз кетяпмиз... Сиз ҳам боринг... Раиснинг олдидан бир ўтиб қўйинг... Эгилган бошни қилич кесмас.

Сарвигул ҳали уйқуси очилмаган Азизбекнинг қўлидан етаклаб ишга жўнади. Хўриллатиб чой ичиб ўтирган икки катта ўғли ҳам ҳаял ўтмай бири мактабга, бири да- лага кетишди. Уй жимжит бўлиб қолди. Жуманазарни яна уйқу элитди. Етди. У кун ёйилганда кўзини очди. Совуб қолган чойидан бир-икки пиёла ичди-ю, хотини бел- боғига туғиб қўйган нонни олиб, ишга жўнади.

Хирмонда одам кўп, теримчиларнинг пахтасини ўлчаб олишаётганди. Одатда те- рилган пахта тушгача икки марта қабул қилинади. Ҳозир биринчи қабул бўлаётганди. Ғўза қаторларини аллақачон машина оралаб ўтган. Унинг орқасидан ерга тўкилиб қол- ган ифлос пахталар сидирғасига терилмоқда. Сидирғасига териш бошланиши билан «варақа» — пахта тозалаш машинаси тинмай ишлар, тўрт киши доим у билан овора эди.

— Жуманазар Абдувоит аканинг қўлидан бешликни олиб ишга тутинди. Чанг-тў- зонда тинмай ифлос пахтани «варақа»нинг оғзига ташлар экан, орқадан кимдир чақи- риб қолди:

— Ҳов, Жуманазар!

Нариоқда қўлларини орқасига қилганча хўмрайиб Тўғон бригад турарди:

— Бақа кэ!

Жуманазар бешликни пахта уюмига санчиб қўйиб, хушламайгина бригадга яқин- лашди. Бригад олдинга тушиб, индамай нари кетди. Четроққа чиқиб, Жуманазарнинг юзига қарамай, тундлик билан гап бошлади:

— Гап мундай, ука. Сен бугундан бошлаб ишга чиқмай қўёвир. Ҳоҳла бошқа бригадага бор, хоҳла уйингда ўзингди ишингни қиб юравер, ома мени бригадамда сенга иш йўқ. Уқтингми?

Кутилмаган бундай кўрсликдан Жуманазарнинг зардаси қайнади:

— Ҳа, энди керак бўлмай қолдимми, биргад?

— Э, ука, гинани ўзингдан қил, — бригад унинг гапини чўрт кесди. — Қилғиликти қилдингми, жувобиниям бергин-да. Бор, нима арзинг бўлса раисти ўзига қил. Агар у ишлайвер деса, ишлайверасан, эмасам...

Жуманазар унинг гапларини охиригача эшитмай, нари кетди. Хирмонда ишлаёт- ганлар олдидан индамай ўтиб борар экан, Абдувоит ака уни чақириб тўхтатди:

— Ука, бўган иш бўлди, бўёғи синди. Раис сени тек қўймаса керак. Нима бўсаям юртти бошида юрган одам... Кўпчиликти ичида обрўсини тўқдинг. Шу, бир оғиз ке- чирим сўраб қўйиш сени бўйнингдаги қарз. Бориб бир олдидан ўтиб қўйгин, барака топкир.

— Қилғиликти қилган мен, жувобиниям ўзим бераман. Э, сизга нима? — деди Жуманазар зарда билан.

Жаҳл билан бурилдио жўнаворди.

...Кечқурун у хотинининг саволчан назаридан нигоҳини олиб қочиб:

— Биргад ишдан ҳайдаворди, — деб қўйди.

Сарвигул лабларини қимтиганча индамай нари кетди.

...Изтироблар, изтироблар... Гўё фақат изтироблар қолгандай. Гўё ҳаётнинг негизи ҳам изтироблар бўлиб қолгандай — тонгнинг отиши ҳам, туннинг чўкиши ҳам аҳамият- сиз — фақат изтироблар собит, фақат изтироблар боқий...

Изтиробларга опичиб тагин бир кун ўтди. Етимлик курсин, у илгари ҳам кўп жабр тортган, алам кўрган, изтироб чеккан. Лекин ҳеч қачон ўзини бунчалик ночор ҳис қил- маганди, чорасизлик чангалида сезмаганди. Е, раббий, қандай кунларга қолди? Сени урсалар ҳам, сўксалар ҳам, таҳқирласалар ҳам миқ этмай тураверишинг керак. Миқ этдингми — тамом, кечирим сўра, ёлвор қизиғида, бўлмаса ҳолингга вой. Эртадан кеч- гача тинмай ишласанг, қулдай ишласанг, давлат учун ҳам ишласанг, катталар учун ҳам ишласанг... Ишласанг... Ишласанг!.. Эвазига... эвазига зуғум кўрсанг. Яна сени ҳақорат қилганларга ялиниб боришинг керак. Акс ҳолда сени ҳеч қаерга сиғдиришмайди. Па- дарига лаънат, кўксингдаги боши янчилган илондай тўлғонаётган, куйдираётган аламни ўчиришга чора борми?! Қандай кунларга қолди? Одамнинг тариқчалик қиммати йўқ.

Эрталаб узокроқ қариндоши бригадир Умнатқул аканинг олдида борганди. Уни кўрибоқ тутақиб кетди:

— Нима қилиб қўйдинг-а, нима қилиб қўйдинг? Раисни-я, раисни! Жонингдан тўйдингми, ука?

Жуманазарнинг иш умидида келганини эшитиб, у шундай деди:

— Кеча раиснинг олдида боргандим. Ужарлигингни билиб, гуноҳингни сўраб киргандим. Итдай қувиб ҳайдади: «Ишга ола кўрма, бўлмаса, ўзингниям думингни тугиб қўяман!» деди. Мендаям бола-чақа бор... Э, меники шунчалик қилгандан, кейин бошқаларни ўзинг тушуниволавер. Биттаси раисти чизган чизигдан чиқмайди, ўзини одамлари. Раис айтмагандаям, барибир, сени ишга олишмайди. Худо урганди пайғам- барам ҳассасиминан туртиб ўтади, ука. Мени гапимди олсанг, бир оғиз узр сўраб қўй. Бу одамларга бир «пуф» дейиш кифоя, пардай учиб кетасан.

Дарди дунёси қоронғи тортиб уйига қайтди. Ғазабланган қўтосдай гангиган кўйи ичкари кириб, ташқари чиқиб, аммо ҳеч қаерда таскин тополмай кунни кеч қилди.

Кечкурун яна хотини, болалари ишдан қайтишди. Сарвигул аҳволни тушунди, миқ этмади, кундагидай қозон осди, ғимирлаб бошқа юмушларини битказди. Алламаҳалда, болалар ухлаб қолгач, келиб жойига ётди. Шундагина унинг бардоши тугаб, пиқиллаб йиғлай бошлади. Узоқ йиғлади, эзилиб-эзилиб йиғлади. Жуманазар индамади, урушмади ҳам, овулмади ҳам...

Кейинги кун тушгача ўрнидан қимирламади. Сўник кўзларини шифтга тикканча қолганди. Қачонлардандир, гўё неча асрлардан буён шу хонада чалқанча тушиб, шафтга тикилиб ётгандай. Шифтдаги хариларни санайди. Анави четдаги харидан айлантириб ўтказилган йўғон темир симга Жуманазарнинг беланчаги осилган экан. Бу уйни раҳматли бобоси яккаю ягона ўғлини уйлаётганида қурдирган. Уша пайтда қишлоқнинг энг олди уйларидан саналган бу уйда ёш келин-куёв озгина турмуш қилгач, куёв урушга кетган. Кетган-у, қайтмаган. Келинни ҳам дард оёқдан йиқитган. Бағри яримта бўлиб қолган кулбада бахтиқаро кампиру сағир невара сўппайиб ёлғиз қолишган. Уша болалик кунларида Жуманазар улғайиб, рўзғор қилгач, нураёзган бино ёнига ҳашаматли қилиб уй қуришни орзу қиларди. Аммо, мана ёши қирқдан ошдики, ҳануз бобосидан қолган шу уйда яшаб келяпти. Ҳануз боладай хари санаб ётибди. Бу орада у фақат уйнинг томини шифер билан ёпдию сиртини сувоқ қилиб, сал эпқага келтириб олди холос. Жиҳозлари ҳам Суйди кампир даврида қандай бўлса, деярли шундай сақланиб қолган.

Уч-тўрт йил олдин ўзи хом ғишт қуйиб, янги бино тиклади, томини ҳам ёпиб олди. Бироқ шу бўйи қурилиш ҳам тўхтади. Уйнинг деворларини қор, ёмғир ялаб ётибти. Уни битказишга вақт ҳам, имкон ҳам тополмайди. Лекин бошқаларнинг ишига ҳўб югуради, тинмай югуради.

Ой бошида Холик иккаласи бир ҳафта даштда ётиб юриб, Тўғон бригаднинг шолисини ўриб, йиғиб беришди. Энди у ишни битириб келишгач, яна икковини раисниқига ишга айтишди. Раиснинг янги бошлаб қўйган уйини қишгача битказиб, баҳорда бўладиган тўйга ҳозирлаб қўйиш керакмиш. Шунга ҳамма бригададан битта-биттадан одам ҳашарга бориши керакмиш... Бу орада даладаги ҳамма ишларни Абдувоит акаю Мамат чўтир ва чўтирнинг ўспирин укаси Асад уддалашди... Ниҳоят, унинг сабри тугади. Кўнглидагиларининг ҳаммасини айтди. Бошқалар учун ҳам ўзи гапирди. Зарда қилиб ётиб олди. Ана шундан бошланди, бу савдолар.

Тўшдан кейин ўрнидан турди. Ҳарна иш қилгани маъқул. Ҳам пича овунади ҳам... Узининг аҳволи ўзига наъша қилди. Ахир кап-катта одам уч кундан бери бекор ётибди.

Янги уйнинг деворларидан ортиб қачонлардан бери очикда турган хом ғишлар ёғин-сочиндан намиқиб, оқиб лойтепа бўлиб қопти. Жуманазар лойни палахса-палахса қилиб кўчириб шудгорга ташиди. Пастроқда сақланиб қолган бутун ғишларни офтобга ёйиб чиқди. Янги уйнинг ичи ёғоч бўлаклари, пайраха, ахлатларга тўлиб ётарди. Шунни тозалашга киришди.

Қуёш ботиб, оламга шом пардаси ёйила бошлади. У маҳзун ўйлари билан банд, ҳануз тинмай ишлар экан, ташқаридан аёлининг йиғисини эшитиб сесканиб тушди. Шу ондаёқ эшик олдида Сарвигулнинг ўзи кўринди. У кира солиб эсидан айрилгандай ўкраб юборди. Дард-алам хуружига чидай олмай қадди икки букилиб, қалт-қалт титрар экан, тутила-тутила машаққат билан гап бошлади:

— Раис... раис... бугун биргадга... мусулмончилик юзасидан уч кун муҳлат бергандим... келмади, энди ўзидан кўрсин... турмада чиритаман, депти...

Сарвигул қўллари билан оғзини беркитганча тағин изиллаб ингранди. Йиғи аралаш Жуманазарга кўзи тушиб, унинг қилт этмай турганини кўрди-ю, ортиқ чидолмай ўзини эрининг оёқларига ташлади:

— Бугун ҳам келмаса, эртагаёқ турмага соламан, депти... Боринг, жон хўжайин, боринг... Ялининг раисга, ялининг, гуноҳингиздан ўтсин...

Хотинининг сўнги гаплари Жуманазарнинг бошига гўё яшиндек урилдию унинг телбавор суратини кўрганида туғилган қарахтликни парчалаб ташлади. У Сарвигулни силтаб ташлаб, бақирди:

— Учир, овозингни! Бормайман ҳеч қаерга, эшитдингми, бормайман! Ҳэ, ўша катталарингням...

Унинг гаплари хотинига заррача таъсир қилмади. Сарвигул талваса ичида зир титраб яна эрининг этакларига ёпишди:

— Ундай деманг-а, ундай деманг. Бизга раҳмингиз келсин. Ахир бизнинг ҳолимиз нима кечади?

Жуманазар хотинининг қўлларидан этагини кескин бўшатиб, уни тағин силтаб юборди:

— Бўлди қил деяпман сенга! Барибир ҳеч қаерга бормайман! Қўлларидан келганини қилишсин.

Сарвигул чўкка тушиб ўтирган ерида қўлларини баланд кўтариб бошига муштла-



ди-ю, сочларини юлиб йиғлар экан, бор умидлари соб бўлгандай мислсиз алам билан фарёд қилди:

— Вой-дод, энди ҳолим нима кечади? Ажалимдан беш кун илгари ўлиб қоламан-ку! Мени ҳам ўйласангиз бўлмайдами, Жуман акажон!

Жуманазар қалқиб тушди — Сарвиғул беихтиёр унинг кўнглидаги энг нозик, пинҳоний торини чертиб юборди. Унинг руҳи бир лаҳзагина, бир сонягина шу торнинг ожиз, унутилаёзган оҳангини туйди. Олис ва нурли хотираларнинг ёдуси бир зумгина унинг изтиробга ботиб ётган қалбини пайпаслаб ўтди: «Жуман акажон!..» Худди келин-чаклик, раҳматлик Суйди кампир эшитиб қолиб, урушиб айттирмай қўйган кунлардагидай... Турмушнинг ташвишу машаққат тизмалари ортида қолиб кетган лобар водийга, лобар дунёга етакловчи сўз эди бу. Жуманазарнинг кўнгли мумдек юмшади. Айни шу дамда у чиндан борлиқ, ҳаммаси омонат турганини ҳис қилди. Ҳаммаси — йиғлаётган Сарвиғули ҳам, иккисининг ўтмишию бугуни ва эртаси ҳам; фарзандлари тақдири ҳам, ҳамма-ҳаммаси омонат, муаллақ ва буларнинг барчаси фақат ўзига, унгагина боғлиқ бўлиб қолган. «Бу одамларга бир «пуф» дейиш кифоя, пардай учиб кетасан».

Сарвиғул серрайганча қолган эрининг қўлларига осилиб, тағин илтижо қила бошлади. Жуманазар яна ўзини четга олди. Бироқ аёли тақдирнинг қўлидай уни аёвсиз таъқиб этар, этагига тирмашар, ўз ҳолига қўймасди. Энди у айюҳаннос солиб кўксини йиртмас, ғаму қулфатнинг зўрлиги-ю, ҳаракатларининг бенафлигидан силласи қуриб гунг фарёд чекар, шунга қарамай телба тиришқоқлик билан эрини таъқиб этишни қўймасди. Жуманазар эса жим. Унинг қалбида зўр ғалаён бошланган, афсус буни тушунмас, тан олгиси келмас, лекин қандай қутулишни ҳам билмасди.

Эр-хотин, умидсизлик комида эс-ҳушидан айрилгандай, узоқ ва маънисиз олишишди. Баногоҳ ташқаридан Азизбекнинг йиғлаган товуши эшитилганда иккиси ҳам бир муддат қотиб қолишди. Бирдан бутунлай ҳолдан тойган Сарвиғул гўё ғафлат уйқусидан уйғонгандай шиддат билан сакраб ўрнидан турдию:

— Майли! — дея ҳайқирди қоронғулик қўйнида кўзлари чақнаб. — Майли! Агар болаларингизга ичингиз ачимаса, агар бир оғиз кечиримга тилингиз айланмаса, мен ўзим бораман! Мен ўзим бораман раисга! Мен ўзим бораман раисга! Мен ўзим ялинаман!

Шунда Жуманазар ҳам бир сесканиб, ўзига келди. Бурилиб ташқари кетаётган хотинининг қўлидан ушлаб тўхтатди-да, юзига зарб билан тарсаки тортиб юборди. Кейин, «шилқ» этиб йиқилган хотинини четлаб ташқари отилди. Ташқарида йиғлаб турган Азизбекнинг ёнидан титраб-қалтираб индамай ўтди-ю, велосипедини олиб кўчага чиқди. Шунда унинг тўлиб турган кўкрагидан, тўлиб турган борлиғидан икки қатра зардоб ўз-ўзидан отилиб ташқари сачради:

— Минг лаънат сенга!!!

Велосипедни шалдиратиб кимсасиз кўча бўйлаб шитоб билан елиб кетди. Вужудидан сизиб-силқиб тилининг учига тўпланган заққум икки юмалаб тағин ёруғ оламга тўкилди:

— М-минг лаънат сенга!!!

Бу на ўзига, на хотини, на ҳатто, раисга қаратилган ҳақорат эди. Юрагининг энг чуқур жойларидан қайнаб чиққан бу қарғиш шунчалик кучли эдики, унинг олдида ўзи ҳам, раис ҳам жуда кичик, жуда арзимас бўлиб қоларди.

Жуманазар раиснинг уйи олдига етиб келиб, велосипеддан тушди. Нақшинкор баланд дарвозага алам билан тикилди. Қаҳри келди. Ичида тағин ғалаён кўпди. Қандайдир зўр, қудратли куч зуғум ўтказиб, уни орқага торта бошлади. У рақибининг ич-этини эзиб юбораётган қақшатғич зарбаларини нописанд, мардона қабул қилаётган азаматдай бир муддат безрайиб, совуққон туриб қолди. Шу туришда ҳаммасига тупурди. Индамай заҳарли тиржайиб қўйди-ю, ўша кучга қасдма-қасд олға босди. Қутираётган номаълум кучнинг қаршилигини енгиб, базўр дарвоза олдига яқинлашди. Бир лаҳза тин олди. Не боиски, босилган, сўнгги имкониғача қисилган бояги кучнинг қаршилиги бениҳоя кучайди, уни зўр бериб орқага, орқага, орқага торта бошлади. Унинг аҳволи мушоқуллашди. Кўз олди тиниб кетди. «Борэ!» дея, ўзини ўша кучнинг ихтиёрига ташлашига бир баҳя қолди. Мислсиз руҳий зўриқишдан юзлари кўмирдай қорайиб, кўзлари қисилиб кетди, жағ пайлари соққадек туртиб чиқди. Тағин ўша синалган қабиҳ усул кўмакка келди. У кўнглининг тубида яна бир бор ҳаммасига, шу қаторда ўзига ҳам тупурди. Шунда хийла энгил тортгандек, бояги кучнинг зуғумидан хийла бўшангандек сезди ўзини. Яхши! Энди фурсатни бой бермаслик керак! Муҳими, фурсатни бой бермаслик...

Товуши ўзиникига ўхшамайдиган бўғиқ, паст эди:

— Раис... бува! — Ўзига ўзи «қойил қилдимми?» дегандек хунук, аянчли тиржайиб қўйди. — Ҳов, раис бува!..

Жимиб, қуроқ сола бошлади. Ичкари жим эди. Велосипедини ерга ётқизиб, дарвоза тирқишидан мўралади. «Ҳеч ким йўқми дейман-да, бу уйда!» Уйнинг баланд дарвозасига яқинлашиб, ҳайиқибгина қаради. Ана шунда... бирдан сапчиб, орқага тисарилди. Серрайганча қотиб қолди. Дераза ортидаги тасвир аста-секин ёришиб аниқ, таниқ

шакл-шамойил касб этди. Атрофдаги ҳамма нарса қайгадир ғойиб бўлди. Фақат ёрқин, фақат маҳобатли битта тасвир, ўша тасвир қолди... Раис! Елкасида чопон, қўлларини кўкрагида чалиштирганча унга бамайлихотир, баҳузур тикилиб турарди. Ҳайкалдек кўзғалмас, ҳайкалдек кўзғатилмас... Жуманазарнинг бошидан тортиб, оёқ-қўлларигача тўнгиб музлади. Фақат битта сезги, фақат битта ташвиш қолди: совуқ, жуда совуқ... «Пўпайкани оливолиш керагида». Унинг хаёллари аллақаяёқда — йўқликда, титрай-титрай ғайришуурий равишда велосипедини ердан кўтарди. Сокин кўчаларнинг ҳаловатини бузиб, қалдир-шулдур қилиб елиб кетди.

Бирдан унга ёмон бўлди... Ҳаммаси қайтди... Ҳаммаси эриди, қалқди... Кўкси бир кўтарилиб тушди, торлик қилиб қолди. Кўнглида йиғилган неча кунлик изтироблар, хавотирлар, муз қотган аламларнинг бўтана оқимини ўзига сиғдиролмади. Чатоқ... Ҳеч бундай бўлмасди-я! У велосипедини йўл четига тўхтатди. Тутқатор орасидан ўтиб, жаҳаннам даштидай қоп-қорайиб ётган пахтазор дала четидаги кесак уюмига чўнқайди. Томоғига илиқ, шўртак нарса тиқилди, кўз олди хиралашди. Вужуди қалт-қалт титрай бошлади... Мана, у юкинди, кўнглига сиғмайдиган бурчини бажарди. Ҳаммаси жойида... Фақат... фақат у ўзининг олдида муттаҳам бўлди. Фақат... фақат у Жуман тентакни ўлдириб қўйди. Ахир боя дарвоза олдида тўполон қилган, унга бўйсунини истамаган, оёғини тираб жон ҳолатда унга тўсқинлик қилган — ўша асов, шарттаки йигит Жуман тентак эди-да. Жуман тентак ўр эди, таптортмас эди, бир шапалоққа икки тепки қайтармаса кўнгли тинчимайдиган асов эди. Аммо... аммо ғўр эди, тажрибасиз эди. У тентак Жуманнинг ана шу ожизлигидан фойдаланди. Уни риёкорлик билан, қувлик билан алдади-ю, эзиб, бўғиб, дамини чиқармай даъф қилди. Энди унинг вужудида Жуман тентак ҳеч қачон қайта тирилмайди. Энди у ҳам бошқалардай оддийгина, силлиққина Жуманазар бўлади ва энг аввало, ўзи учун Жуманазарга айланади.

Икки томчи қайноқ кўзёши Жуманазарнинг қорайиб, эти қочган юзларидан юмалаб, ўсиб кетган соқолларининг орасига сингиди. Йиғлапими? Нега? Нега ахир? Ўша куни ҳам шундай бўлганди. Йиғлагиси келганди. Ахир у мағлуб эмасди-ку? Нега унда раис майдонни мағрур, ўч олиш ишончи билан тарк этди-ю, Жуманазар... кўнглида хўрлик туйди, йиғлагиси келди, йиқилган курашга тўймас қабилда кучаниб-чиранди. Ахир, Жуман тентак ҳеч бундай шаллақилик қилмасди-ку? Қариб қоляпти шекилли... «Нега бундаймиз-а? Нега бунча мутемиз? Ахир, авлод-аждодимиз ажалнинг юзига тик қараган-ку! Хўш, Тўғон биргад ким бўпти? Падарига лаънат, оддийгина биргад-да! Ҳатто шунинг олдида ҳам ўчиб қолишди. Йўқлигида ғала-ғовур қилиб, қизишиб турган сувчилар у келиши билан ўчиб қолишди. Елкаларини қисиб қолишди...» Фақат Жуманазар гапирди. Таёқнинг энг ачиқ зарбаси ҳам битта унинг елкасига тушди... «Лоп» этиб унинг кўз ўнгидан тағин таниш манзара ўтди.

Раис оғзидан тупук сачратиб, даҳшат билан бақиряпти. Сувчилар ҳаммаси жой-жойида қотиб қолишган. Бир чеккада Абдувоит ака... отасидан дакки эшитаётган ёш боладек аянчли, нажотсиз, ҳимоясиз... «О, отам-а, отам, уруш кўрган отам, немисни кўрган отам, келиб-келиб раиснинг олдида бошинг ҳам бўлдимми? Келиб-келиб раиснинг олдида мулза бўлдингми? Қилмаган гуноҳингга танбех эшитиб-а? Наҳотки, шу раис немисдан ҳам қўрқинчли бўлса, қахрамон отам?!»

Аммо-лекин раисга ҳам тан бериш керак. Боплади. Боплади, иш билгич экан. Агар уни қаматворганида, одамлар: «Раис Жуманазардан калтак егани учун қаматворди», деб гап қилишарди. Эҳтимол, кўпроқ қўрқишарди, аммо асло обрў топмасди. Бироқ, агар Жуманазар унинг олдида ялиниб-ёлвориб борса, ҳам тўкилган обрўсини тиклаб олади, ҳам лат еган ҳамияти қониқади, ҳам бу иши билан одамларда ўзига нисбатан ҳайрихоҳлик туғдиради...

...Болакай қоронғи кўчадан бир ўзи судралиб келарди. Ҳозиргина пахтадан қайтди. Юз-кўзи, уст-боши чанг, чаноқлар чизиб, ёриб юборган қўллари кирдан ачишади, елкалари, беллари, оёқлари зирқираб оғриди. Пахтадан қайтди-ю, онаси тўғри шу ёққа жўнатди. Дадаси раис билан ёвлашиб юрганини у билади. Бутун қишлоқ шу ҳақда гапиряпти. Дадаси раисни урганини ҳам билади. Синфдошлари иккига бўлиниб, ярми дадасини зўр деб тан олади, ярми раисни. У дадасининг зўрлигига ишонади, ичида у билан фахрланади. Қишлоқдан ҳеч машҳур одам чиқмаган, аммо Жуман тентак чиққан. Буни ҳамма билади, синфдошлари ҳам билишади. Унга ҳавас қилишади. Қолаверса, мана, унинг ўғли ҳам б «Б»нинг «қузири», синфда ҳеч кимдан қўрқмайди...

Ногаҳон болакай йўл четидаги таниш велосипедни кўрди-ю, чўчиб тушди. У ёқ-бу ёққа аланглаб қаради, ҳеч ким кўринмади. Унинг юрагига ваҳима оралади. Ботинмайгина тутқатор орасидан ўтди. Утди-ю, бошини чангаллаганча букчайиб ўтирган дадасига кўзи тушди. Болакай унга тикилганча тўхтаб қолди. Шунда дадасининг елкалари силкиниб-силкиниб кетаётганини пайқади. Кўрқиб кетди.

— Дада, — деди ҳовлиқиб.

Назарида дадаси қалқиниб кетгандай бўлди.

— Ҳа, Шукур, нима қилиб юрибсан? — деди ажабланиб. Овози хириллаб, бўғилиб чиқди.

Болакай каловланди, гапини тополмай қолди.

— Сизни излаб келаётгандим, — деди у бироз ўзини тутиб. — Опам<sup>1</sup> жўнатди. Опам айтдики... нима... ҳалиги... даданг келаверсин, майли пешонада борини кўрамиз, деди. Мен силар кегунларингча дарвозани олдида кутиб ўтираман, деди.

Дадаси яна бошини кафтлари орасига олди. Елкалари силкиниб гўё кулгандай бўлди.

— Бўпти, сен бо' авер, — деди у ўғлининг юзига қарамай. — Дадам ҳозир келар экан, де. Валасапитти минивол.


Боланинг ўпкаси тўлди. Кўзёшлари шашқатор оққанча велосипедни елдириб кетди. Раис дадасини урган, қаттиқ урган, оғритиб урган. Бўлмаса йиғламасди. Еки сўккан, сўккан бўлса ҳам дадаси уни уролмаган. Демак... демак дадаси ундан қўрққан. Демак, ҳаммадан зўри — раис, деганлари чин экан-да. Йўқ, раиснинг колхозда зўрлигини у билади, фақат ҳар қанча зўр бўлмасин, дадамга зўрлик қилолмайди, деб юрарди... Майли, барибир, ҳеч кимга айтмайди. Дадаси йиғлаганини ҳеч кимга билдирамайди. Опасига ҳам...

«...Мана, хоҳишингни бажардим. Энди бизга тегишмайди. Энди тип-тинчлик деявер. Ғурур бўлса... ғурур бугун топталса, эртага тикланади. Тикланмаса... Умуман, хотин, камбағалга ғурурни ким қўйибди, қорни тўйса, ўзи тинч юрса бўлди-да. Майли, энг муҳими, жон саломат қолди. Улар ахир доғули, улар ахир амалдор, мен кимман, мен оддий, оми одам... Қўявер, ахир жон омон қолди. Сарвиғулим, жон фойдага қолди — шунисидан келсанг-чи! Сенга, болаларга керак бўламан ҳали. Суйди кампирнинг чироғи ўчмайди энди. Ўзинг ҳам дарвозада дилдираб ўтиргандирсан. Қақшатиб кетдим-а, сени мен номард... Аслида, буларнинг бари бир томчи кўзёшингни тенгимас. Яхшиям сен борсан, жоним. Кетяпман, Сарвиғулим, кетяпман...

Лекин... лекин, билиб қўй, Жуман тентак ўлгани йўқ!..»

Наманган

<sup>1</sup> Она (шева)




«Шарқ юлдузи»нинг шу йил 6-сонида чоп этилган А. Абдураззоқовнинг «Иншони қандай ёзамиз?» мақоласида илгари сурилган фикрлар ниҳоятда ўринлидир. Дарҳақиқат, муаммолар кўп. Лекин амалий ишга ўтиш даври ҳам етиб келди. Шу боисдан, мен ўзимда туғилган айрим мулоҳазаларни баён этишни лозим деб топдим. Зоро, улар ўқувчиларнинг ижодий фикрлаши, иншо ёзиши малакасини оширишда асқотади, деб ўйлайман.

Биз мактабларда ҳаётга эндигина қадам қўйиб келаётган мурғак қалбни тарбиялаймиз. Агар ўша мурғак қалб таълим оладиган даргоҳда поклик мавжуд бўлмас экан, ҳақиқий тарбия тўғрисида гап юритишнинг ўзи ўринсиздир. Бунинг учун аввало, мактабларни мустақил фикри йўқ, фикрини қоғозга равон тушира олмайдиган ўқитувчилардан халос қилишимиз керак. Бизнингча, IV (V) синфлардан бошлаб, алоҳида иншо дарслари ташкил этиш ўқувчилар фикрлашини ўстиришнинг самарали йўли ҳисобланади. Ва яна мактабларда стилистика курси ўқитилиши айни муддао бўлади. Чунки грамматика тилни билишга, тушунишга ўргатса, стилистика нутқ ва ёзиш маҳоратини ўстиради.

Муаллиф таъкидлаганидек, иншо ижодий ишдир. Воқеа-ҳодисаларга нисбатан ўз фикрини қалбдан жўшиб, ҳис-ҳаяжон билан муайян шаклда қоғозга тушириш санъатини болаларга қунт, ҳафсала билан ўргатмоқ керак. Бунингсиз маърифатли келажак авлодни кўз олдимишга келтириш қийин. Ахир фикрини қоғозга тушира олмай-диган, гапириб бера олмайдиган болаларни тарбиялаш, бу ўз илдизимизга ўзимиз болта уриш билан баробар эмасми?! Келгуси авлод савиясининг қай даражада бўлиши энг аввало, ўқитувчи зиммасига юклатилган экан, демак, улардан ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам аялмаслиги керак.

Эркин МИРЗАЕВ,  
Яккабоғ ноҳияси, М. Шайхзода  
номидаги мактаб ўқитувчиси



Тўрамурад Раҳмон

## САДОҚАТДАН КЎЙЛАК КИЙГАН ҚИЗ

### Отам

Азоб суягимга ўтлар ёқади,  
Учқунлар чидолмас менинг додимга. —  
Дунё тораяди, сиғмайман, Ота,  
Оғриётган оёғингиз тушса ёдимга!

Юриш-туришимда бўлмас ҳаловат,  
Еган-ичганим ҳам сингмас ўзимга.  
Дардлар вужудимга паншаҳа суқар,  
Оғриётган оёғингиз тушса ёдимга.

Йиллар палахмони мени тош каби,  
Улоқтириб отди сиздан йироққа,  
Оғир юкингизни енгил қилолмай,  
Умрим ўтмоқдадир оху фироқда.

Сиз эса меҳнатдан бош кўтармасдан,  
Трактор устидан тушмай келдингиз,  
Бола-чақа — дала, уй-рўзгор — дала,  
Соғлиқни унутиб далам, дедингиз.

Қорнин қаппайтирган бошлиқлардан ҳеч,  
Мурувват бўлмади, навбат тегмайди!  
«Менга, ёлғиз ўғлим одам бўлса бас» —  
Соғлиқни ўйлашга вақт ҳам келмайди.

Азоб суягимга ўтлар ёқади,  
Ҳеч кимса чидолмас менинг додимга. —  
Вужудим зирқирар, қақшайди, Ота,  
Оғриётган оёғингиз тушса ёдимга!..

Содоқатдан кўйлак кийган қиз,  
Қўлда кетмон, ғўза чопади.  
Юрак-бағри эзиб-эзилиб,  
Шаҳардаги ёрин кутади.

Калишини тўлдирган тупрок  
Келмас унинг ҳатто эсига.  
Кетмонидан учган чангларнинг  
Ёпишганин сезмас юзига.

Тушлик пайти толнинг тагида,  
Исмин ёзиб рўмолча тикар.  
Не-не орзу-ҳаваслар билан,  
Унаштирган ёрини кутар...

Билолмайман, айби нимада  
Меҳнат учун яралганими?!  
Шаҳар кезмай, тирноқ бўямай  
Азобларга қорилганими?

Еки, айби ўксик дилига  
Содоқатнинг тўлганлигими?  
Ор-номусу виждон ҳукмига  
Итоатгүй бўлганлигими?!

... Унинг бор-йўқ «айби» ҳам шудир:  
Содоқатдан кўйлак кийгани,  
Муҳаббатдан рўмол ёпиниб,  
Ор-номусдан мунчоқлар тақиб,  
Ўз ёрини интиқ кутгани...

## Эртақдан сўнг

Тун — ялмоғиз кампир шарпаси,  
Ямламасдан ютар кунларни.  
Кишан солиб оёқ-кўлига,  
Ўтмиш томон ҳайдар йилларни.

Миниб юрган супургиси — вақт  
Кемиради ўн икки ойни.  
Сукунат — у ёқтирган фасл,  
Эгаллайди адиру сойни.

Чигирткалар унга хизматкор,  
Қўшиқ айтиб дилин овлайди.  
Кўршапалак тиним билмасдан,  
Кенжаботир йўлин пойлайди.

Кўкдаги ой — у учун кўзгу,  
Хавф-хатардан огоҳ қилади.  
Кимки унинг оромин бузса,  
Игна билан кўзин кўр қилиб,  
Тароқ билан бағрин тилади.

Тун — ялмоғиз кампир шарпаси,  
Ямламасдан ютар кунларни...


Меҳр-оқибатнинг қудуқларида,  
Зилол сув ўрнига лойқа тўпланар,  
— Қудуқжон, меҳрингдан озгина бергин, —  
Ҳатто фаришталар унга тиланар!

Мурувватнинг улкан тегирмонида,  
Фиску фасодлардан донлар янчилар.  
Диёнат оёққа турмоқчи бўлса,  
Хиёнат ўқлари унга санчилар!

Ҳалоллик қасрининг деворларига  
Ҳаромлик доимо шикаст етказар.  
Қадр ва Қимматнинг кўчаларида,  
Беғамлик ивирсиб умрин ўтказар!

... Мен бугун ташнаман, сувингдан бергин,  
Бир тўйиб сипқарай, Меҳр-оқибат.  
Тўқсон икки ўзбек уруғи аро,  
Ҳеч қачон бўлмасин қилча Адоват!

Тўрт кунлик дунёда Меҳр, Оқибат  
Қудуқлари тўлсин зилол сувларга!  
Қадр ва Қимматнинг нозик қўллари  
Зилол сув улашсин доим бизларга!



Шухрат Мусо

## РАҶНА

Қисса

...Улар дўстлашдилар. Бир умрга. Аҳд қилдиларки, ўтган нарсалар ўтди, унутайлик. Бу ҳақда энди бировга оғиз очиб ҳам юрмайлик. Ширмонбулоққа қайтганда эса, шундай яшайликки, одамларнинг ҳаваси келсин. Илоҳим, оқибати хайрли бўлсин!..

Офтоб одамга хуш ёқадиган ажиб баҳор кезлари эди. Нурга чулғанган булутлар парку каби ялтирардилар. Уларнинг оралиғида учиб юрган қалдирғочлар паст тушгилари келмас, яйрагандан-яйрардилар. Қаерга борманг бир бўй уфурар, майсаю ялпизу толбаргаклар ҳиди оламини тутгандай эди. Баҳор самою замини билан фаранги атрини сепиб олган қизга менгзар, ундан таралаётган бояги бўйлар кишини маст қилмасдан қўймасди.

Ширмонбулоқда тонгдан хушхабар оралади: эмишки, колхоз ҳар оилага мол тарқатармиш. Улус ўзаро урушлар тўхтатилибди, дегандаям бунчалар қувонмаганди. «Астағфируллоҳ, — дея ёқа ушлашарди эшитганлар. — Сигир-а? Ҳаммага-я?.. Астағфируллоҳ...»

Янгилик ҳайратланса арзигулик эди. Негаки одамлар нари борса, қўли очиқ қозиларнинг ҳам байрамларда йўқсилларга танга улашганини, шундаям қарзга берганларини кўришган. Бу танга ёки сўммас, нақ сигир эди.

Устига устак инқилоб бойларни шафқатсиз тугатгани билан ҳали одамлар қорни тўйиб овқат емасди. Шундай пайтда кишиларнинг бирдан сигирлик бўлиб қолишлари Хизр назар қилган билан баробар эди.

Далага чиққанлар кечгача раисни алқаб оғизлари чарчамади. Уни қадами қутлуғ келган элбоши дейишиб ишлайверишди. Утоқчиларнинг қўллари қавариб, ёнғоқ арчгандай қизариб кетди, кетмончиларнинг беллари қотди ҳамки тинишмади. Ахир ҳазилми, колхоз шундай ҳиммат қилиб турганда меҳнатдан қочиш уятдир? Шунда Ортиқбой босмачидан қолган зурёд — Деҳқонбой ўша қадами қутлуғ раис шаънига текулик бир гап қилганди, содда кишилар аввалига тушунмай кулишди, кейин бири қўйиб, бошқаси койиб кетди. Роса нари обориб, бери опкелишди. Шунда тушлик эди, шийпон ҳовлисидаги толнинг олачалпоқ соясида колхозчилар нонушта қилишарди. Аслида уларнинг еганиям-ичганиям бугунги хушхабар эди-ку, Деҳқонбой орага аскиянамо гап суқиб қолди:

— Тўрақул ака, гулмисиз-райҳонмисиз ё боғда битган жамбилмисиз?

— Айтганингман, — деди иссиқ чойни хўриллатиб ичаётган Тўрақул.

— Ошган хамирдай қорин қўйворибсиз, мабодо райондан мол опкеган Жаббор раис эмасмисиз?!

Авваллари батрақлар қози тугул элликбошиларниям аскияга қўшишолмас, қўшишсам бари ими-жимиди бўлар эди. Энди эса мартабаси мингбошидан ҳам улўғ раисни Турдиқул мечкайга тенглаб ўтиришибди. Жаббор ўзларидай деҳқоннинг боласи бўлса — кеча эди, бугун кичкина одамми? Оғизни қўйиб юборавериш хосиятлимикан?

Ўша куни кечқурун раис одамларни ишдан қайтар маҳали мулла Мусаҳожининг

ҳовлисига йиғди. Токсўри эгаллаган кенг ҳовлига тўпланган эркак, аёллар бугунги янгликни раиснинг ўзидан эшитилари келиб тоқатсизланардилар. Аммо уй айвонида раис билан бирга кўп фариштали бир одам оппоқ соқолини тутамлаб-силаб, вазмин ўтирар эди. Агар шу Мусаҳожии бува бўлмаса, одамлар аллақачон Жабборни ҳар кўйга солишар, тезроқ айтмаганига кўйишмасди. Аввалдан шундай, мулланинг олдида ҳеч ким ноўрин гап ташлолмайдди. Чол мулла одам сифатида элга танилган ва шу қишлоқдан ҳаж қилиб келган ягона киши. Кексаларнинг гапига қараганда, унинг назаридан қолган кишининг бири икки бўлмасмиш.

Раис пишиллаб ўрнидан турди-да, йўталиб олиб, қалдиरोқ овозда шанғиллаб сўзлай кетди:

— Ўртоқ колхозчилар, бугун район колхозимизга юз эллик бош ғунажин берди. Ишонмасанглар олдимда дастурхон турибди, қолаверса, Мусаҳожии бувадан сўрашларинг мумкин. Бунгаям қаноатланмаганлар бўлса, Асқар понсоддан қолган кўрага борса — кўради. Эртага Ҳожии бувам подани кузгача боқиб келиш учун товга жўнайдилар. Сизлар унғача арқонларни яхшилаб тайёрлаб қўйинглари. Пода қайтганда бўлашиб берамиз. Шўронинг отасига раҳматми, ўртоқ колхозчилар?!

Раиснинг сўнги гапидан каттадаги товўқлар ҳам чўчиб тушди чамаси, хўроз овозининг борича қақағлаб қўйди.

Одамлар бараварига раҳмат ёғдиришди.

Улуснинг тинчланганини кўрган Жаббор энди жиддийроқ қиёфага кирди. Писанда билан сўз қотди:

— Эртадан кечгача бош кўтармай, белингиз қотиб ишлаганингиз билан Сиз кечқурун уйингизга келасиз. Подачи-чи, у бечорага кечаси ҳам тинчлик йўқ. Молдан кўзқулоқ бўлиб ётиши керак. Бунинг устига ётадиган жойи тайинмас, бир кун бу қирда тунаса, эртасига наригисига кўчишга мажбур.

Раис тоғ ҳақида, подачининг иссиқ-совуқ кунлари ҳақида қўшиб-чатиб анча гапирди. Мулла эса, унинг бекордан-бекорга одамларни чўчитаётганидан ранжиди. Тўғри, у айтгандай бўлқолишим мумкин, лекин подани ҳайдаган одамнинг калласи бордир, бирон чора топар.

— Энди мулла бувага ёрдамчи тайинлаймиз, — деди ниҳоят раис, шунча иддаодан сўнг.

— Агар ўз хоҳиши билан борадиганлар бўлса, чиқсин.

«Шунча ваҳимадан сўнг хоҳлаганлар чиқсин эмиш! Ким дўзахга тушишни истаркан?» дея гижинарди мулла.

— Сан бормайсанми? — деди раис ҳеч кимдан садо чиқмагач Турдиқулга.

Аммо пастдагилар бу гапни ҳазилга йўйишди.

— У тоғдан юмалаб кетса, подани ким боқади?

Одамлар орасида гурр кулги кўтарилди.

Айвон анча баланд бўлганидан чолга ҳовлидагиларнинг фақат бошлари кўриниб турарди. У тутуриқсиз тортишувга кўшилмай одамларни бир-бир назардан ўтказаркан, оломонга сездирмай кўча эшиги томон жила бошлаган ўғли Аброр билан Деҳқонбойни кўриб, «афсус, ният қилувдим-да», деб қўйди. Аччиқланса-да, индамади, ўзини босди. Раис эса гоҳ унга, гоҳ бунга таклиф қилиб кўрар, аммо бирортасиниям кўндиролмай ҳалак эди.

— Ўртоқлар, — деди у ниҳоят тоқати тоқ бўлиб, — кимки товга борса, ейишдан ташқари ойига бир қопдан қайроқи буғдой уни берилади.

Турганлар бирдан жонланиб қолишди. Ғовур-ғувур бошланди.

— Ҳовлиқма, раис, — деди Тўрақул, — ростдан ун берасанми? Буғдой уни-я?

— Рост.

— Ҳар ойда-я? — сўради кимдир.

— Ҳар ойда, нақ қайроқи буғдойнинг уни, — жавоб қилди раис.

Аввалига ўзларини четга олаётганлар ҳам елкаларида чумоли ўрмалагандай безовталаниб қолишди. Чунки эртадан-кечгача ишлаб қорнига яраша нон тополмаётганлар учун бу Амир Темурнинг хазинасига түшиб қолишдай гап эди. Энди хоҳловчилар кўпайгандан-кўпайди.

— Менга раҳминглари келсин, — деди айвонга отилиб чиққан ўрта ёшлардаги бақувват одам, — ўнта болам бор. Бари ейман, кияман дейди. Даладан топганимнинг урвоғи ҳам қолмаяпти.

— Колхоз ёрдам қилади, ношукр бўлма, — унга таскин бериб жойига қайтарди раис.

— Болалигимдан пода боққанман. Тоғнинг паст-баландини яхши биламан — дея олдинга ўтди бошқаси.

— Сен бойларникини боққансан, бу халқники.

Раиснинг жавобидан кулги кўтарилди. У энди талабгорларни тинчлантира олмай ҳалак эди. Охира «ўртоқ колхозчилар, подага жавобгар мулла бува, ёрдамчилариниям ўзлари танласинлар». деб масъулиятни бўйнидан соқит қилиб қўяқолди.

Орага сукунат чўкди. Одамлар Мусаҳожии буванинг оғзини пойлашар, у эса, токсўрисига кўниб турган қалдирғочнинг мунчоқ кўзларига тикилганча хаёлга толган эди.

— Яхшилар, — деди ниҳоят чол забон битиб. — ота-боболаримиз замонидан қолган яхши бир одатимиз бор. Аммо унинг ҳозирда ҳеч қайсимикининг кўнглимиздан жой тополмагани одамга алам қилади. Ниятим, кўзим очиклигида шу нарсани икки ёшнинг дилида пайдо этсам, дегандим.

Чол тўхтаб қолди. Қачонлардир бир китобда ўқиган ривоят ёдига тушди: кишлоқнинг бир кексаси икки йигитни дўст тутинтирибди. Улар чин дилдан қасам ичибдилар-у, аммо охири гуноҳкор бўлиб қолишган экан.

Мусаҳожиди бува кафтига йўталиб олгач, давом этди:

— Шунинг учун каминага ўғлим Аброр билан кишлоғимиздан қочиб кетган Ортиқбой босмачининг зурриёти Деҳқонбойни ёрдамчиликка берсаларинг.

Мулланинг гапи қонун эди. Раис Деҳқонбой билан Аброрни айвонга чақирди. Аммо улар аллақачон «қуён» бўлиб қолишибди. Одамлар орасида висир-висир бошланди.

— Шу икки манқа молларни эплашарканми?

— Товда мулла буваниям роса куйдиришса керак.

— Уларга ишониб молсиз қолмасак эди.

Аммо ҳеч ким очикдан-очик Мусаҳожиди буванинг раъйига қарши боролмади. Тоғга чол айтган йигитлар кетадиган бўлишди.

Улус тарқалганда, уфқ ғазабланган кишининг юзидай қизариб турарди. Ҳовлига тушган чол соқолини силаганча хаёлга толди. Шунча абжир, турмушнинг аччиқ-чучугини тотган одамлар турганда шу икки гўр ёшни танлаб хато қилмадимикин? Панд бериб қўймасмикин булар? Чол нақадар оғир мушкулотни бўйнига олиб қўйганини мана энди ҳис этса-да, лекин дилга туккан нияти олдида булар ҳечдай эди: «Ишқилиб Аллоҳнинг ўзи қўлласин. Ҳар турли бало-қазолардан асрасин. Шу жумладан анави тоғда жон сақлаб юрган босмачилардан ҳам... Узинг уларга инсоф-тавфиқ бер. Фақат сенга ишониб икковини шерик қилдим...»

Тонгда учовлон подани олдиларига солишиб, «қайдасан, тов», дея йўлга тушдилар. Уларни кузатишга чиққанлар адиргача келишди. Деҳқонбойнинг онаси кичкинасини бағрига босганча эргашиб бораркан, жағи тинмасди.

— Узингга эҳтиёт бўл, болам. Бувангнинг гапидан чиқма. Ҳар ёққа кетиб қолмагин. Отангни кўрсанг, салом де!

Охири одамлар ҳам «Илоё Шоҳимардон бувам қўлласинлар», дея юзларига фотиҳа тортиб, орқада қолишди.

Ширмонбулоқнинг кун чиқиш томонидан бошланган адирлик тоққа туташиб кетганидан подачилар манзилгача довонма-довон юришлари, борган сари юқорига ўрлаб, талай чўққиларни забт этишлари керак эди. Пода чанг-тўзон кўтариб илдамлар, олдинда қашқа отга миниб, юк ортилган бияни етаклаганча Мусаҳожиди бува борар эди.

Аброр билан Деҳқонбой эса, қўлларида узун таёқ, учта итни эргаштирганларича поданинг орқасидан келишади. Ортиқбой босмачининг ўғли отасига ўхшаб дўнг пешона, кўзлари катта-катта, ияги олдинга туртиб чиққан, ўзи дароз. Унинг шериги бўлса, ўрта бўйли, қирра бурун, қош-кўзи қоп-қора йигит. Иккиси ҳам ўн еттини қоралаб-қораламаган.

Ҳали шудринг кўтарилмаган, офтоб нурлари минг бир томчиларда аксланиб ўйнар эди. Адирликини қоплаб ётган алвон лолақизғалдоқлар шабадада салом бериб бўй ростлар, минг хил қушлар бир-бирларига гал бермай сайрашарди. Аммо мол-мол-да, пода оёғининг тагига қараса-қараб, қарамаса — бир чимдиб, бечора лолақизғалдоқларни пайҳон қилиб ўтиб борарди. Аброр итларни ўтказиб юбориб, ерга энгашганча, поясидан синиб, нозик-нафис гулбарглари эзилган бир чечакни қўлига олганча термулиб қолди. Гулкосанинг эзилган жойи сувлашиб заха ебди. Шеригини кузатиб келаётган Деҳқонбой ўзини тутолмай кулиб юборди.

— Ул-е, йиғла, шундан кўра қизболага ўхшаб.

— Ишинг бўлмасин, — жеркиди Аброр унга қандай жавоб қайтаришни билмай.

Деҳқонбой эса, ўзини музаффар аскар деб ҳис қилиб, қўлидаги таёқ билан «душман» лолақизғалдоқларнинг қирмизи гулкосаларини шир-шир узиб кетаверди. У кичилигидан Қизил Армия сафида жанг қилишни орзу қилганди. Аммо орзу орзулигича қолди. Унга бир нарса алам қиларди: ҳали-ҳануз тенгдошлари билан фикллашиб қолса, отасининг босмачи бўлганини юзига солишади. Шунданми, ҳалиям тезроқ, эл оғзига тушгулик бир иш кўрсатгиси келади. Эҳ, қизил аскар кийимида босмачиларга қарши жанг қилганидами?... У камон отганда баъзи катта мерганлар ҳам «Ўҳўв, зотингга тортибсанми, босмачининг боласи», дейишади. Деҳқонбой бугунданок мулланинг қўшотарини елкасига оsworthганди, Аброр унинг фельини отасига айтиб қўйгач, Мусаҳожиди милтиғини қайтариб олди. Аммо Деҳқонбой ниятидан қайтгани йўқ, тоққа боргач, ўзича кийик овламоқчи, мабодо қизиллар учраб қолса, уларга босмачиларни топишда кўмаклашмоқчи. Улар ўз хаёллари билан бўлиб, пода орқасидан жим боришар, итлар эса, тилларини осилтирганларича гоҳ олдинга ўтиб, гоҳ орқага қайтиб келишарди. Фақат қашқа отга миниб олган чолгина олдиндан кўз узмай кетиб боради. Улар тепаликка чиқа бошлаганларида, айниқса, мушкулот ортарди. Чунки ғунажинлар гоҳ ёндамалаб, гоҳ тикка баландликка юрворишар, баъзан эса, ҳар ёққа тарқалишиб ҳам



кетишарди. Бундай пайтларда йигитлар талвасага тушиб югуришар, подани бир йўлга солгунча, она сутлари оғизларига келарди.

Кўклам ҳавоси эмасми, кун тушгача очик турдию сўнг адирликлар устида қора булутлар тўплана бошлади. Бирпасда кеч кириб қолгандай эди. Буни кўриб ёрдамчилар кўрқиб кетишди. Айниқса Деҳқонбой, қаёқдан ҳам мулланинг гапига рози бўлибман деб, ўзини койишга тушди: юрувди-да қишлоқда. Тўғри, эртадан-кечгача белинг қотиб ғўза яганалаш, ўтоқ қилиш жонга тегади, лекин кечқурунлари бўшсан, болалар билан ҳар хил ўйинлар ўйнашу пешинда бир чўмилиб олиш мумкин. Бу ерда-чи, поданинг орқасида чанг-тўпроқ ютиб сургалаверасан-сургалаверасан, тонг отмас. Улар бирпас тўхташмас. Манзил эса охири кўринмайди. Аброр тамомила бошқа хаёлда. У поданинг охирида кетаётган оппоқ ғунажинни кўрдию болалиги эсига тушди-кетди. Бир пайтлар уларнинг ҳовлисида ҳам худди шундай оппоқ сигир бойлоқлик турарди. Кўпинча эрта-лаб ўрнидан турса онаси ток сўридаги симга сутпақир илаётган бўларди. Уша сигирни анча йил боқишди-ёв. Кейин онаси қазо қилиб, тузукроқ маърака учун у жонивор сотиб келинди... «Шу ғунажинни ўзимиз олганимиз бўлсин», деб қўйди у ўз-ўзига. Сўнг яна хаёлга толди: ғунажин тўққунича у уйланади, яна ток сўридаги симга сутпақирларни илиш бошланади. Отасиям роса хурсанд бўлар. Балки йиғлар, ахир бу кунларга кимлар етди, кимлар етмади?

Чол эса, ўғлининг бу ниятларидан беҳабар олдинда юк ортилган бияни етаклаб кетиб боради. Унинг ўйлари Деҳқонбойниқандай нигун: «Шу юришимиз бўлса товга ўн кунсиз кириб боролмаймиз, ишқилиб ёшлар қийинчиликка чидашсин-да. Мени эса, ёмғир томчиллаши билан оёғим санча бошлайди, дардисар».

Ёмғир аввал томчилаб туриб, кейин шаррос қуйиб юборди. Майса билан қопланган адирликлар сирпанчиқ бўлди-қолди. Айниқса чориқ билан юриш мушкул эди.

Деҳқонбой асли дангасароқ эди, энди эса, биратўла кимирамасам деб қолди. Аброрнинг бир ўзи поданинг гоҳ у томонига, гоҳ бу томонига чопар, итлари ундан қолмасди. У қўлидаги таёқ билан ғунажинларни саваларкан, шеригини бўралаб сўкарди. Шу пайт икки ғунажин бир-бирини қувишиб, пастликка тушиб кетди. «Қайтариб кел!» деди Аброр шеригига қўл силтаганча. Деҳқонбой эса, аччиқланиб елкасидан итарди: «Ўзинг бор!»

Икковлон бир-бирларига солишиб, молларни қайтаришмади.

Олдинда бораётган бошчи энди отидан тушиб, отларни етаклаб олган эди. У пастда юрган ғунажинларни кўриб, орқага овоз берди:

— Аброр, сойликдаги ғунажинларни ким қайтаради?

— Деҳқонбой борсин, ҳадеб мен югуравераманми?!

— Ҳей, овозингни ўчир, пачағингни чиқараман, — панжаларини мушт қилиб тугди Деҳқонбой.

Аброр яна ўзи боришга мажбур бўлди. Аммо қайтгач, отасига тумтайиб тўнғиллади:

— Ота, ҳадеб мен қайтаравераманми, Деҳқон-чи?

Деҳқонбой ҳам жим қолгани йўқ:

— Энди бориши, бува, боядан бери мен қайтаряпман.

Подачилар ёмғир остида кечгача йўл босишди. Иккала йигитга қолса-ку, подани берироққа тўплашарди-да, ўзлари каттароқ бир тошнинг тагида ёмғир тингунча ўтиришарди. Аммо мулла тўхтамади. Қийин бўлганда ёрдамчиларга қийин бўлди. Айниқса, пода ўт ўсмаган жойлардан ўтганда, ерни балчиқ қилиб юборар, лой келган ёрдамчиларнинг уст-бошига қараб бўлмас эди. Ҳаво айниганиданми, тезда қоронғу тушди. Подачилар молларни тоғ оралиғига тўпадилар-да, итларни қолдириб, ўзлари яқиндаги ғорга киришди. Ғор анча кенг, уч киши бемалол ётса бўладиган эди. Улар кийимларини алмаштиришгач, яхна билан талкон еб озгина тамадди қилишди. Шу ҳам овқат бўлди-ю... Ёрдамчилар энсалари қотиб, тумтайиб ўтиришар, чолнинг ҳолатини эса тасвирлаш қийин эди. Ҳамма гап шундаки, у ғам чекиб ўтирганини йигитлар ҳали идрок этишганича йўқ. Қайтанга муллага эшиттирмай сўкиниб-сўкиниб қўйишяпти ҳам.

Ҳар қандай айбнинг тўртта кечиримли жиҳати борлигини чол қачонлардир ўқиганди. Биринчиси айбдорнинг бандалиги бўлса, иккинчиси унинг ҳолатини тушуниш эди. Учинчиси атрофидигиларнинг уни бу йўлдан қайтаришга уринмаганликлари бўлса, сўнггиси эса, ҳар битта айбдорнинг ўз айбини тан олиши мумкинлиги эди. Лекин Муса-ҳожиде бува ҳозир қайси томондан келмасин, кундузги ишларда йигитларни оқловчи сабаб тополмасиди. Ун еттини қоралаб, мурти кўриниб қолган йигитларнинг шу ишлари ўринлими? «Подачиликни бир менга чиқарганми, у-чи» лайверса, тонг отадими? Ҳалитдан араз-димого, ёш бола экан-ку булар. Агар у бўлмаганида, икковлон муштлашигача боришармиди? Яна неча ой шулар билан бирга, худо тўзим берсин экан-да, бу ёғига...

Ҳаво очилмаган, ёмғир тинай демасди. Улар совқота бошлашди. Устига-устак кўп юрганларидан оёқлари сирқираб оғриди. Чол шумшайиб ўтирганча мудраётган йигитларга разм соларкан: иккисидан бирини қишлоққа қайтариб юбороқолсаммикин, деб ўйлади-ю, аммо шу заҳоти бу фикрдан қайтди. Бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдириш не ҳожат? Шу кўпни кўрган, саботли одамнинг тадбирими? Ахир эрта тонгда йигит-

лардан бири тўрвасини кўтариб қишлоққа кириб борса-ю, фалончи қайтариб юборди, деса яхшими? Оёзига кучи етмаганлар озми?

Чол ундай қилмайдиган бўлди. Насихат қилади. Ахир яхши гап билан илон инидан, ёмон гап билан мусулмон динидан чиқибди, дейдилар.

— Болаларим,— деди у ниҳоят тилга кириб,— замон ўзгарди. Ҳамма нарса энди ўзимизники. Буни сизлар мендан тузукроқ англаб турибсизлар. Лекин бир нарсага ақлим етмайди. Ҳаммамиз замон меники деб бирданига ақлли бўлиб кетмадикми? Қайси тузумда яшамайлик ўз-ўзимизга ҳурматни йўқотмаслигимиз керак-ку. Ҳар ким ўзининг тариқдай меҳнатини тоғдай қилиб кўрсатаверса, иш битадими?

— Нега энди?!— йигитлар бараварига эътироз билдирмоқчи бўлишди-ю, аммо у ёғига ўтишолмай сўникиб қолишди. Чунки чол ҳақ эди.

Ёмғир тўхтаб, баҳор шамоли эсиб ўтди шекилли, ер, нам ва яна инсон учун эъзозли бўлган, ёши ўзидан-да улуғ нарсаларнинг ҳидини димоққа келтириб урди. Шу баробар тўлин ой ярқ этиб кўриндию форга бир парча шуъла тушди. Утирганлар бир-бирларини яққол кўришди. Мулла Мусаҳожиди хаёли қочиб, кўзларини юмиб олган, лабининг бир чеккасидагинами, бояги жаҳлнинг изи бордай, қовоқлари ҳам уюқ эди. Йигитлар унинг оёзини пойлаб ўтиришганини сезгандай у бош чайқаб қўйиб, кўзларини очди. Кўнгилдан ўтган нарсаларни буларга айтиб қўйиш фурсати етганини англаб, томоқ қирди.

— Буни сафар дейдилар, ўғилларим. Агар икки ногирон одам йўлга чиқсаям бир-бирига суянади. Улар ногирон экан-ку, ҳатто рақиблар сафарда бир-бирларига ёндашадилар. Бора-бора дўстлашиб кетадилар. Сизлар-чи, бегонамисизлар? Ахир кимнинг кимлиги оғир кунда билинади-да. Бунақада эртага бир-бирингизнинг юзингизга қандай қарайсиз?

Ҳар нарсанинг ози ширин. Жиндек танбеҳ, жиндек насихат ўзини билган одамга етарли. Хайрият, йигитлар ҳам уни тушуниб бош эгишди.

— Бизни кечиринг,— деди Аброр минғирлаб.

Деҳқонбой эса, томоқ қириб қўйди. Шу билан бу мавзуга нуқта қўйилди. Мулла Мусаҳожиди бир қадар таскин топиб, ташқарига чиқди. Ой ёғдусида атроф сутдай ёришиб, жами олам ором олар, моллар ҳам беозор кавш қайтариб ётар эдилар. Аммо ногоҳ жилвагар юлдузлар кўзғалишгандай бўлди. Тўғрироғи чолга шундай туюлди ва ғалати ҳодисот юз берди: осмоннинг чоки сўкилиб, Аллоҳга етишган пок бир руҳ унинг кўзига кўринди. Ул зоти олий афсонавий Дўсти — кечаю кундуз сиғиниб, дилдан чиқармайдиган маънавий пири эди.

— Ё Жалолиддин, ўзинг қўлла!— деди у икки қўлини осмонга кўтариб,— Буларга ўзинг иноқлик ато эт!

— Ёдга олганинг учун раҳмат,— тилга кирди руҳ ва ўзи билан Шамсиддин ҳақида сўзлай кетди.— Бизнинг бирлигимизни англашга ҳар кимса қодир эмас. У ҳозирги одамлар хаёл-тасаввурига сиғишиям қийиндир балки. Мен «у» дейман, лекин бизни фақат сўзларгина ажратиш мумкин, аслида мен ҳам, у ҳам йўқ. Биз икки оламнинг ялакат гавҳаридирмиз. Инсон мулки борлиқни кезиб, кўкка учса ҳамки, ўз-ўзидан айру тушмагай... Сенга раҳмат, бизни эслаб, ёдга олганингдан кўп шод бўлдик.

Муллани титроқ босиб, ўзини ҳушидан айрилгандай ҳис этди. Форга қайтгач ҳам ўтиргани жой тополмай каловланаверди. Ҳозиргина у Шамсиддин Табризийнинг дўсти Жалолиддин Румийнинг руҳи билан гаплашган эди. Мулланинг аҳволини кўрган йигитлар сал бўлмаса уни мияси айнаганга чиқариб қўйишаёзди. Яхшики у ўзини ўнглаб олиб, шундай деди:

— Жалолиддин Румий айтдиларки... сизлар икки дунёнинг ялакат гавҳаридирсиз. Энди сизларни ажратиб бўлмас. Инсон мулки борлиқни кезиб, кўкка учса ҳамки, ўз-ўзидан айру тушмагай, дедилар устоз.

Йигитлар унинг сўзларини берилиб тинглашаркан, баногоҳ сеҳрланиб қолдилар, ўзларини тарих сувида чайилиб, бир онани эмгандай ҳис қилдилар ва бунга имон келтирдилар, гўё улардан яқин одам йўқ эди бу дунёда.

Ажаб синоат: улар бир-бирларига тўймай тикилардилар. Бири бошқасига меҳр кўргазгисими, нимадир бир яхшилик қилгиси келарди. Фақат бу нимадан белги — билмасдилар.

\* \* \*

Ширмонбулоқдан довлар ошиб, ўн қақирим юрмасингиздан Қирғизистон бошланади. Ҳозир бу ерларда тилга қараб, чегара қўйиладиган бўлган. Олдинлари-чи?.. Олдинлари бу ерларда чегара борлиги ҳақида бирон инсон бир нарса айтолмайди. Фақат Мулла Мусаҳожиди айтадики, азалдан биз ўзбеклар Ширмонбулоқда яшаганмиз, қирғиз юртига туташиб кетган тоғимиз эса, иккаловига ҳам тегишли бўлган. Кейинчалик қайсидир хон ширмонбулоқликларнинг феълени билмоқчи бўлиб, оддий савдогар қиёфасида келган, уни қишлоқ аҳли яхши меҳмон қилган, дыйишади. Кетаётганида эса, бир соддароқ деҳқон хотамтойлиги тутиб кетиб, тулпорини тортиқ қилганмиш. Бу эл

одамлари бунчалар саховатлигини кўрган хон фуқаросидан миннатдор бўлиб, ўзини таниган ва уларга тила тилагингни, дебди. Улус айтибди, эй саховатли хон, агар сен ростдан хон бўлсанг, мана бу тоғни — Керматовни бизга бер. Ким молини боқсаям боқсин, фақат у бизники аталсин. Шу-шу Керматов Ширмонбулоқники. Қирғизлар ҳали-хануз ирдашганда бу ерларни қўшиб кетади:

— Ути жўк, жеми жўк,  
Моли семиз Керматов.  
Суви тиниқ Керматов,  
Қизи сулув Керматов.

Ширмонбулоққа назари тушган ўша одам бу жойдан чиққан булоқ сувига чўмилган бемор дарддан, одамлари билан сўхбатлашган ғамдан фориг бўлур, деганмиш. Мана энди ўша ўзи содда, бағри кенг одамлардан учтаси бир пода молни олдиларига солиб, тоғлар тепасидаги яйловларга йўл олишган. Ҳали меники-сеники деган гапларни билишмайди.

Йигитлар тоғнинг мусаффо ҳавосидан симириб ухлашар, улар бир-бирларига шундай яқин ётишар эдики, кўрган одам туғишган-қондошларми, дерди беихтиёр. Мулла эса, кўзларини юмиб ўтирганча, бетиним тасбеҳ ўгирар, ора-чора «Ё Аллоҳ, ўзинг бандам дегин», деб қўяр эди.

Тонг отиб келар, мана шу субҳи содиқнинг шудринги билан тушадиган совуғида қандайдир ҳар жонзотни аллаловчи, ухлатиб қўювчи сирли жозиба ҳам бор эди. Туни билан уйғоқ ўтирган одамни ҳам барибир тонгга яқин кўзи илинади. Аммо мулла бедор, бедоргина эмас, коинот сарвари ёлғиз Аллоҳга илтижо қиларди: «Илоҳим, ўзинг қўллагин, адаштирмагин ҳар бандангни. Улар ким, ҳали она сути оғзидан кетмаган, кечаги ўйинқароқ болакай-да. Дунё ташвиши бошларига тушибдими?! Оёқ остида ётган балолару ёмон кўздан ўзинг асра, илоҳим, бу ёқларга элнинг омонати билан келганмиз, ишқилиб юзимизни шувит қилмагайсан, парвардигор».

Аввал тоғдан тушаётган дарёнинг элас-элас овозига жўр бўлиб, «какир-какир, какир-какир» каклик сайради. Сўнг тўрғай уйғонди, осмони фалакдан чулдираган овози келди.

Улар туриб йўлга тушдилар. Ҳаво шу қадар мусаффо эдики, бамисоли ўпкага кираётган ҳаво эмас, кишининг дилини яйратиб, қушдай енгил қилувчи илоҳий куч эди. Поданинг икки томонида итлар қўриқлаб борар, олдинда ўша-ўша от миниб бия етаклаган чол, орқада узун таёқларини ҳавода айлантирганларича дўстлар келишарди...

Лекин, доvon ортидаги яйловга етгунча, ў-хў, қанча юриш керак. Кейин ўша ерда то қишгача қоладилар.

Унинг ўзи бир тарих. Биз шу қиссани ҳикоя қилмоқчимиз. Ошиқаётганимиз шундан. Ниҳоят улар манзилга етиб келиб, янги кунлар ҳам бошланди. Уларни зиммаларига бисёр жавобгарликни олиб бу ёққа келганларини гоҳ ҳис этиб, гоҳ унутиб, молнинг кетида юришар, бу гоҳ жуда қийин юмушдай, гоҳ ўйинчоқдай кўринар эди. Шунинг учунми, Деҳқонбой гоҳо каклик қувиб кетар, Аброр чалқанча ётиб ўй суришни яхши кўрар, бу вақтда моллар ҳар ёққа тарқаб кетиб. Мусаҳожии чолдан эшитадиганларини эшитиб олишар эди. Айниқса, Деҳқонбой ов жиннисии чиқиб қолди. Камонинии олволиб, тоғ оралигида тентигани-тентиган.

— Дўстим, шу битта каклик урволай,— ялинарди Деҳқонбой.

— Моллар-чи, агар ўтов томонга ўтлаб кетса, отамдан балога қоламиз.

— Ҳозир, бирпасгина чида.

— Юрақол энди...

Деҳқонбой дўстидан қанчалар хижолат чекмасин, барибир ўз билганидан қолмас, битта каклик отмагунча орқага қайтмас эди. Баъзан дўстига ишониб, тушликни ҳам унутиб қўяди. Пода қайтар вақтгача қорасинии кўрсатмайди. Шунда Аброр хафа бўлгандай бир қараб қўяди-ю, лекин ҳеч нарса демайди. Дўстлашмаганларида-ку отасига айтиб, роса таъзиринии бердирармиди?!

Шу орада бир мўъжиза рўй берди-ю, Аброр дўстининг йўқолиб кетишларига ҳам эътибор бермай қўйди. Қандай бўлмасин кун ўтса, тезроқ кеч кирса. Қуёш қизариб, чўққиларнинг соялари катталаша бошлаши биланоқ юраги ҳаприқиб, Деҳқонбойнинг йўлини пойлай бошлайди. Шунча юрди, энди тезроқ келақолса бўлгани, подани олдиларига солишадую ўтовга қайтишади.

Кейин-чи, кейин? Озгина тамадди қилишади-да. Эмин оғаникига йўл олишади. У ерда...

Эмин оға ширмонбулоқликлар билан жуда яқин. У бу яйловда ўғли Толибжон билан қўй боқади. Хотинии ва Сулув деган қизии уларга ёрдамлашади. Боришгач, Деҳқонбой ўтовга кириб ўтирмайди. Толибнинг отинии миниб чоптиргани-чоптирган. Яна унинг милтиғиям бор. Деҳқонбой йигитни авраб, унисиниям олади. Кўпинча икковлон биргалашиб овга жўнаб қолишади. Аммо Аброр бошқа бир мўъжизанинг гадоси. Шу ўтовдан чиқадиган қизинии бир кўрмагунча кўнгли жойига тушмайди. Унга тикилиб ўтираверса-ўтираверса, кеч тушса-ю, тонг отмаса. Кечалар бир умрга чўзилса. Шу қиз сабаб

бўлдию Аброр ўзгарди-қолди. Қўлидан Машрабнинг варақлари тўзғиган китоби тушмайди. Юрса ҳам, турса ҳам унда бир мўъжиза бордай варақлайверади.

Зулфининг савдосидин кўнгил паришондир бу кун.  
Ёр васлин кўрмайин ер бирла яксондир бу кун...

Кун тун билан қувалашаверади. Бу дунёда икки нарса балодай ёмон — бири қуввиш, бошқаси кутиш. Йигитнинг наздида кундуз қочади, қочаверади. Тун қувлайди, қувлайверади. Етгач эса, ҳали нафас ростлаб улгурмай тонг отади. Яна кундуз қочади. Аброр куннинг тезроқ «қочилишини», тунни эса иложи борича кўпроқ ушлаб туришни истади. Аммо тақдир ҳеч қачон истак билан ҳисоблашмаган.

Қанийди, осмон қаъриданми, ер остиданми каромати олий келсаю Аброр Эмин оғаникидан келмаса. Ҳеч бўлмаганда, ўтовини кўриб турса ҳам майли. Ҳарақалай ҳозир ўша тепаликни томоша қияпти-ку, шунисигаям шукр. Ўтов ёнида ўтин уюлган, нарироқда эса қўралар. Қандайдир кишини ўзига тортувчи жозиба бор унда. Ернинг қуёши, тоғларнинг осмони бўлгани каби йигитнинг ҳам бу оламда сиғинувчи хилқати бор — Сулув. У эндигина ўн олтини қоралаган, яйловда ҳеч бир дугонаси бўлмаса-да, зерикмайдиган қиз. Ягона эрмаги дўмбираси. Ҳар оқшоми уни чертиб қўшиқ айтади — ирдайди. Тоғ ҳақида, кўзичоқлари, табиат тўғрисида, баъзан онаси ўргатган «Манас» достонидан айтиб қолади. Гоҳида ўзиям тўқийди:

Алатовнинг бағринде,  
Қўйлар ўтлар жеринда,  
Менда ирдеб турарман,  
Бахтим бар дип журарман...

Булбулзабон қизнинг ўзидай беғубор сўзларидан Аброр яйраб кетади. Шундай ором оладики уззукун пода ортидан юриб чарчаганлариям ёзилиб кетади. Бошқалар унинг ирдашларига парво қилишмайди. Шунданми, ҳар ким ўз иши билан банд. Эмин оға қўрадан келмайди, онаси тери ошлайди, нон ёпади, овқат қилади. Толиб билан Деҳқонбойнинг эса дарди аён. Ўтовда кўпинча Аброр билан Сулув қолишади. «Ирдайвер, Сулув, мен эшитаман», дейди йигит. Қиз аввалига уялади, баъзан айтадиганиниям унутади. Бироқ йигитнинг зорланиб қараб турганини кўргач, жўшиб кетади-да, туганмас достонларини бошлайди:

Менде ирдеб нетейин,  
Ҳув қирлерде гедейин,  
Башима тушди савдо,  
Униде сизде ейтейин.

Овоз йигитни шунчалар маст қиладики, у қаерда ўтирганини, ҳатто нималар ҳақида хаёл сураётганини англамай қолади. Гўё ўтов ичини ёритаётган шам ўчади-да, қиз нур тарата бошлайди. Шунчалар ёғдуликки, унинг ёнида кундузи қуёш, кечаси ой шарманда. Шу нур йигитнинг эс-ҳушини ўғирлаган бўлса ажабмас... Гоҳ-гоҳида қиз куйлашдан тўхтаганда йигит ўзига келиб, тўғрисида ўтирган табиатнинг ноёб неъматига қарайди: оҳу кўз, қора қош, юзларидан нур ёғилувчи пари уялинқираб қимтиниб ўтирибди. Аброрнинг дилида қачонлардир Атойдан ёдлаган сатрлар такрорланади ва ўша шеър айнан Сулувга аталгандай туюлади:

Ул санамки сув ёқасинда паритек ўлтирур,  
Ғояти нозиклигини сув била ютса бўлур.

Йигитнинг хаёлларини қизнинг жаранглаган овози парчалаб ташлайди:

— Нимани айттай, оға?

Йигит яна унга тикилади: иккита қилиб ўрилган сочи бўйнининг икки томонидан пастга энган, унинг шу туришида сочлари шаршараю юзи улар орасида унган гулга менгзайди. Бу гул шунчалар нафис, шунчалар беғуборки, қўл теккизгани ийманайди киши. Зеро, осонмикан бу иш? Ахир «шаршара» жудаям баланддан тушган, «гул» эса унинг бошлинишида. Яқинлашган кишининг фарқ бўлиши ҳеч гап эмас.

«Етишолмайман» — йигит хаёлида чарх урган сўздан қўрқиб кетди.

— Нимани айттайин, оға? — такрор жаранглайди ҳалиги овоз.

— Айтавер, Сулув, айтсанг бўлгани, — дейди йигит унинг чиқиб кетишидан қўрқиб.

...Алламаҳалда йигитлар бўйинларидан боғлагандай зўрға ўтовларига қайтишади. Кечагина аждаҳодай кўринган тоғнинг шунчалар гўзаллигини шу пайтгача Аброр сезмаганди. Осмон тўла юлдуз ёнаётган ошиқ юрагидай жимирлайди. Чигирткалар севишганлар ҳақида дoston куйлашаётгандай.

Аброр бирдан бояги қўл етмас «шаршара» бошидаги «гул»ни эслади: «Уни узиб бўлмайди. Унга етишадиган қудрати олий ҳали дунёга келмаган. Бўлсаям ўша зот мен эмасдирман». Назарида жимирлаб турган юлдузлардан мана ҳозир олов чатнаб, бутун осмонга ўт кетадигандай эди.

Йигитлар ўрниларига қайтишгач, Деҳқонбой дарров ухлаб қолди. Аброр эса, юрагини дард ўртаганидан нима қиларини билмас, бир тўхтама келолмай қийналарди. Кимгадир ёрилгиси келади. Лекин кимга?

— Энди нима қиламан?— сўрайди ўз-ўзидан.— Яхшиси бормай қўйсамчи, ўша ўтовга?.. Ҳа, шундай қиламан.

Эрталаб Машрабнинг девонини ҳам олиб ўтирмади. Яйловга келишгач эса, олдиндан писанда қилди:

— Дўстим, бугун ҳеч ёққа кетмайси.

Деҳқонбой Аброрнинг тўнини тесқари кийиб олганидан ҳайрон, нима дейишиниям билмайди. Ҳарқалай дўсти. Бошқа одам бўлганида тумшугига туширган бўларди. Улар кечга қадар ҳам тузукроқ гаплашишмади. Аммо бир сафар Деҳқонбой дўстини гапга солмоқчи бўлди:

— Афанди бир куни,— деб гап бошлаган эди, «Нима қилибди Афанди бўлса?»— деди тумтайиб Аброр. Деҳқонбой тилини тишлади.

У уч кун Эмин оғаларниқига бормади. Шу уч кун уч йилга чўзилдиёв. Тўртинчи куни чидамади.

Хув ана, ўша ўтов. Ёнида ўтинлар уюми. Утов ёнида икки хомага тортилган арқонга терилар илинган. Шом бўлишига қарамай Аброр ҳаммасини кўряпти. Кўз билан эмас, юраги билан. Хаёлида эса, дўмбирасини чалиб, қўшиқ куйлаётган Сулув. Ўзида ширин ҳис тўйди-ю, шу куч уни қўшни ўтовга етаклади.

Эмин оғаниқига бораверишда эгардай тош бор. Ёмғирларда ювилавериш, шабнамларда чайилган ғуборсиш тош. Ушанинг устида кимдир ўтирибди. Йўқ, капалак қўнибди чоғи. Ярим кечада-я? Ой ҳам бутун ёғдусини ўша жойга тўкаётгандай. Унинг нури мисоли сут, тош устида ўтирган жусса «сут»да чайилмоқда. Аброрнинг эсига оқ сигири, челақдаги сутни қозонга қуяётган онаси келди. У сассиз ўша ёққа юрди. Чигиртканинг чириллаши яна севишганлар куйига айлана борди-ю, юришга ҳам мадори келмай тўхтади. Жуда узоқ тургандай туюлди ва ниҳоят йиғи аралаш қўшиқ садосини эшитди.

— Сулув?

Жавоб бўлмади. Ё эшитмадимми?

— Сулув?

Ой булутлар орасига яширинди. Гўё Аброр ишғол этган «икки шаршара орасидаги гул»дан уялгандай, ёхуд ўша гулни ўзидан тортинади деб хаёл қилгандай... Йигит эса «чиқишга кўзи етмаган баландликни» ишғол этган, ўша ўзи орзу қилган гулни тўйиб ҳидлар, юзларига юзини босиб нақ гулқосасидан бол эмарди.

Ўша куни Эмин оғалар улоқда катта новвос ютиб байрам қилишар, ўтовда қимиз-хўрлик давом этарди. Фотима хола эса меҳмонларга ўзи хизмат қилар, уч кундан буён одамови бўлиб қолган қизига ҳам иш буюрмайди, ўз ҳолига қўйганди.

Ошиқлар ўртасида эса ширин сўхбат кечарди. Йигит қиздан қуйлаб беришини сўраб қўймас, овозига тўймас, у бўлса йиғлаб ирдар, ой ёғдусида юзидан юмалаган томчиларни кўрган одам лол қолар эди.

Сен девейин, сиз дейин,

Сиздайди қайдан издейин.

Сизда эсима тушганда,

Полопон қушдай дегдейин...

Бунга сари Аброр ўзини гуноҳкор ҳисоблар, ихтиёрини олдириб, куйловчини бағрига босар, нам кўзларидан, юзларидан ўпиб кечирим сўрарди.

— Энди бундай қилмайман, вақтида келганим бўлсин.

Охири кўнглидагини айтди:

— Эртага кечқурун мени кут, Сулув, сени опқочаман, Эшитяпсанми, опқочаман.

Улар шун қарор билан ажралишдилар. Аброр туни билан мижажа қоқмади. Тун ярмидан ошганда осмонга қора булут йиғилиб, ой юзини тўсди. Сал ўтмай ёмғир ёғди. Қизик, шунда умрида биринчи марта ёмғир ёғиб турсаям юлдузларни кўрди. Ана, улар ўтов ёнида ёқилган оловдай милтираб туришибди. Ҳа, йигитнинг наздида ўша юлдузлар олов эдию атрофида қиз иккиси ўтиришарди. Бошқа ким ҳам бўлиши мумкин шундай пайтда? Ҳозир улардан бошқа ҳамма ширин уйқуда. Фақат қиз у ёқда, Аброр бу ёқда. Неча кун интизор кутган дамлар етганда уйқу келарканми? Қани эди, иложи бўлсаю ҳозир Эмин оғанинг ўтовига бориб қизни чақирса. Биргалашиб тоққа чиқишарди. Қўл ушлашиб яйловни кезишарди. Ҳали тонг отиб кеч кирсин, ўзи билади. Уларни ҳеч ким, ҳеч нарса ажратолмайди...

Аммо минг қилса, ҳаётнинг йўриғи бошқа экан.

Тонгда чол ўғлидан фалати гап эшитди: кечаси ёмғир севалаб ўтган вақтда юлдузлар чарақлаб турганмиш.

— Ростдан кўрдингми?— безовталаниб сўради чол.

— Ҳа, чин сўзим, нима бўлади, ота?

— Осмон узилиб ерга тушади,— дея чолдан олдин жавоб берди Деҳқонбой

дўстининг устидан кулиб, аммо шу заҳоти ноўрин гапирганини сезиб, тилини тишлади, яхши бўлмади.

— Сендан сўраяпманми?— деди Аброр ҳам жаҳлини босолмай.

Мулланинг юраги шувиллаб кетди: иноқлашиб қолдилар десам, яна фикрлаша бошладиларми?.. Лекин ўзларига индамади.

Тушдан кейин Толибжон келди. У Аброр билан кўришиб, Деҳқонбойга юзланди.

— Эй, овга борамизми?

Деҳқонбой нима дейишини билмай, дўстига жавдираб тикилди.

— Борасанми ё кетаверайми?— деди Толиб отининг бошини буриб. Деҳқонбой ичи қуриб турса ҳам дўстидан изн кутарди.

— Боради, бораверсин,— деб жавоб қилди Аброр эрталабки гинасини унутиб.

Деҳқонбой ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди ва бир саҳраб отга минаркан, «тезда қайтаман, дўстим», деб юборди. Шундай қилиб улар яна ярашиб олишди.

Атрофда қўй ҳайдаган нечта, пода ҳайдаган нечта. Аммо тоғнинг ҳам бағри кенг. Аброрнинг ўзи қолгани ҳам яхши бўлди бир ҳисобда. Сулув ҳақида истаганча ўй суриши мумкин. Ҳеч ким халақит ҳам бермайди, устидан кулмайди ҳам. Ундан кейин бемалол режа тузиш мумкин. Ахир бугун қизни опқочади. Ваъдани беришга берди-ю, бу ёғини ўйламаган экан-да. Опқочиб қаерга оборади? Қишлоғигами? Ширмонбулоқда сўраганларга нима дейди? Эй, йигит биз сизга ишонганмидик? Пода нима бўлди, дейишса, нима дейди?.. Шошилмай турсинмикан? Унда қиз хафа бўлмайдими? «Бўшроқ экансиз-да, йигит» деса-чи? Дўстига ёзилсамикан? Бирон маслаҳат чиқар? Лекин у қачон қайтдию қачон уни эшитди? Йўқ, Аброр бу гал адашибди.

Кетишганига икки соатлар ўтмай узоқдан от дупури эшитилди. Уша томондан Толиб билан Деҳқонбой мингашган от йўртиб келарди. Улар учта каклик отишибди. Икки овчи қушларни тозаллаётганларича Аброр шох-шабба йиғиб, ўт қалади. Кейин новдандан сик ясашиб гўшт қистиришди. Димоққа иштаҳани қитиқловчи кабоб иси урилди. Йигитлар кайфиятлари кўтарилиб, талай вақтгача яхши-яхши гаплардан ҳангомалашиб ўтиришди. Лекин Аброр дардини уларга оча олмади. Уялди. Ахир Толибнинг олдида бу гапни қандай айтади?

Кечки пайт ёрдамчиларининг хушчақчақ қайтишганини кўрган мулланинг чеҳраси очилди. Ҳалиям бола-да булар, сал нарсага уришиб, яна ярашиб кетаверади, деб ўйлади. Йигитлар чол тайёрлаб қўйган чалобдан тўйиб ичишди.

Қоронғи туша боргани сайин Аброрнинг ҳаяжони ортарди. Ичкари кириб ўзини тинчлантириш мақсадида китобни қўлига олди-ю, аммо ўқий олмади. Ҳазал ҳам юрагига сиғмади. Ташқарига чиқиб атрофга разм солди. Оппоқ булутлар сузиб юрган уфқда кўёш олам билан ҳайрлашапти. Кундуз ҳам ўша ёққа чекинаётгандай. «Кўёш билан кундуз бир-бирларини севиб қолиб, қочиб кетишяпти», деб ўйлади Аброр. Яна озроқ вақтдан кейин улар ҳам қочиб кетишади.

— Уғлим, ўчоққа ўт қаланглар, овқат қиламиз,— деди чол унинг хаёлларини бўлиб. Негадир юраги дукурлаб кетди. У булоқдан човғумни тўлатиб келгунича Деҳқонбой ўчоққа ўт ёқиб, қозон осди. Чол эса пашшаларни ҳайдаб, гўшт кесмоқда эди. Бугун ҳеч қаёққа бормаисизлар,— деди чол бирдан.

Унинг гапидан Аброр сесканиб тушди: тавба, у сезибдимикан?

— Мен Эмин оғамларникига ўтмоқчийдим,— деди зўрга.

Отаси унга ғалати зингил ташлаб қўйиб сўради:

— Кечқурун ростдан ҳам ёмғир ёққан пайтда юлдуз чиқиб турганмиди?

— Ҳа, нима эди?— жавоб қилди Аброр.

Чолнинг нега шу нарсани ижиклаб сўраётганидан у ҳайрон эди. Мулла беҳазил тушунтирди:

— Агар ёмғир ёғиб юлдуз кўринса, унда жезтирноқнинг аёли ўлган бўлади. Ушанда улар ўлган аёлининг ўрнига бошқасини излаб қолишади. Бугун улар ўтов томонга ўтишлари мумкин.

— Нима қилибди?— деди янаям ҳайрон бўлиб Аброр.

— Нима қилибди эмас, бунақа тунда унга учрашдан худо асрасин.

— Жезтирноқ нима ўзи, бува?— гапга аралашди Деҳқонбой қозонга гўшт билан пиёз ташлай туриб.

— У ёввойи одам. Тирноқлари темирдан ҳам қаттиқ. Ўзи девдай кучли.

Аброрни даҳшат босди: Сулувнинг ёнига боролмайдими? Ваъдаси нима бўлади, ваъдаси?

Борлиқни тун эгаллаганда улар овқатга ўтиришди.

— Бува,— деди Деҳқонбой,— жезтирноқни отса бўладими?

— Бўлади, аммо жуда қийин. Улар ўлгудай чаққон бўлишади, ҳатто қуён олдиларига тушолмайди,— деб жавоб қайтарди чол.

Аброр сўхбатга аралашаолмай ўрнидан туриб кетди. Наридан осмонга тикилиб ётаверди. Нима қилсин? Борсинми, бормасинми? Иримчи отаси бу гапни қаердан топди? Қир томондан мўралаб чиққан ой юлдузлар оралаб аста сузар, у ҳозирда йигитини

излаб юрган Сулугва ўхшарди. Бир маҳал бу сокинликни бузиб биров от чоптириб кела бошлади ва овози борича:

— Деҳқонбой, оғайнилар, ёрдам беринглар, Сулувни... Сулувни жезтирноқ!...— дея бақирди.

— Нима? Қанақа жезтирноқ?— даст туриб кетди Аброр.— Қаерда?

Деҳқонбой бўлса югурганча бориб, Толибнинг отига мингашди. Улар Эмин оғаларнигиқа етиб боришганида у ерда қиёмат қойим кўпганди. Фотима хола дод солиб юзини юлар, отаси қўлида милтиқ, нима қиларини билмай гаранг эди. Онасининг айтишича, қиз унгаям билдирмай ташқарига чиқиб кетган экан. Бироздан сўнг қичқиргани эшитилибди. Қараса, баҳайбат одам уни қўлтиқлаб қочиб кетаётган эмиш. Вой, бу бало қаерда турган экан? Ҳеч ким қандай чора кўришни билмас эди.

Аброр сездики, қизнинг йўқолишига фақатгина ўзи айбдор. Энди нима қилади? Мен уни опқочмоқчи эдим, дея олмайди-ку. Йўқ, дейиши керак. Айтмаса бўлмайди. Майли, Эмин оға уни чавақлаб ташласин! Майли, Толиб нақ пешонасидан отсин! Фотима хола олдига солиб қарғасин! Отасининг назаридан қолсин! Дўсти устидан кулсин! Барибир айтади. Сулувсиз ҳаётнинг қизиғи йўқ.

— Мен... мен опқочмоқчийдим. Уни яйловга келиб туришини айтгандим. Ўзим келолмадим.

Ҳеч ким буни кутмаган экан. Йиғлаётгани йиғлаётган жойида, юпатаётгани юпатаётган ерида тош қотди. Ҳали шундайми? Вой жинқарчалар-ей! Биринчи бўлиб Эмин оға ақлини йиғиб, Аброрга ташланди. Лекин Деҳқонбой эпчиллик билан унинг йўлини тўсди:

— Оғажон, унга тегманг. Жезтироқни ўлдириб, қизингизни опкелмасам, унда айтинг. Майли, иккимизниям тилка-тилка қилинг.

— Йўқ, мен унга кўрсатиб қўяман қиз болани йўлдан уришни!

— Кошки шу билан қизингиз тирилиб келса. Шошманг. Менга муддат беринг. Осмон тўла юлдуз кўз пирпиратади, чигирткалар фарёд солаётгандай чириллашади. Фақат мулла бир нарса демас, бир нуқтага тикилиб хаёл сурарди, холос. Деҳқонбой Толибдан милтиқни тортиб олдию тоғ томонга чолиб кетди.

— Қайт,— деди шунда чол. Аммо у тўхтамади.

Деҳқонбой қоя оралигидан ўтган сўқмоқдан югуриб, яйловга чиқди. Яйлов ой нурида оқариб кўринар, гўё оқиш бир туман сузиб юрарди. Энди тўғрига, сой томонга боргани маъқул. Чунки жезтирноқ сувдан ўтолмай туриб қолган бўлиши эҳтимол.

У яйлов ўртасигача югуриб бориб тўхтади, ортига ўгирилиб қараган эди, узоқдан шарпа кўринди.

Аброр бўлса керак, чидамабди-да, деб ўйлади.

Сўнг яна чолиб кетди. У тоққа етиб чиққанида ой анча кўтарилиб қолган, сой суви ялтираб кўринарди. Аммо шу пайт ўзидан йигирма қадамча нарида қояда турган силовсинга кўзи тушдию қўрқиб кетди. Юраги қинидан чиқиб, қотиб қолди. Дунёда шу ваҳшийдан баттари бўлмаса керак. У ўқдай йигитга сакради. Аммо Деҳқонбой милтиғини ўнглаб, тепкини босиб улгурди. Ўқ ҳам янгради. Ваҳший ҳам олдинги икки оёғи билан Деҳқонбойнинг бошини чангаллаганча уни босиб тушди. Лекин унинг панжаларидан мадор қочиб бўлган эди. Йигит юзига тушаётган иссиқ қондан ҳушига келди. Билдики, силовсин жон таслим қиляпти. Уни устидан итқитиб, ўрнидан турди. Худо бир асрадимми, энди омад ҳам ёр бўлади, деган ўйдан ғайрати жўшди-да, сой томонга югуриб кетди.

Атроф жим-жит, фақат қаердадир ҳар замонда бўри увиллайди. Овоз узоқдан келади. Ундан кўрқмаса ҳам бўлади. У сойга яқинлашганида қадамани секинлаштиради. Милтиғини қўлига олиб ўқ жойлади. Энди жуда эҳтиёт бўлиши керак. Чолнинг гапига қараганда бу силовсин эмас, темир тирноқли аждаҳо. Ямламай ютади-я худди. Деҳқонбой сой бўйида кўп ов қилган, ҳар бир ўнгирини билади. Жезтирноқ қаерда бўлса экан?

Йигит ҳеч қанча юрмай қизнинг йиғисини эшитдию донг қотди. Сўнг ўзини жезтирноқ кўриб қоладигандек ўтириб олди. Кўз ўнгида ярим яланғоч тупроқ кечиби ўйнаб юрган укалари, қуёш тифида терлаб чолиқ қилаётган онаси гавдаланди. Эзиб ташласа-я, деб ўйлади. Ваҳимада эълари жунжикиб кетди. Лекин ҳеч қанча ўтмай хаёлига келган бу фикрдан кулгиси қистади. Сўнг энкайганча овоз келаётган томонга илдамлади. Оёғига тикан кираётганидан сездики, чоригиниям унутган. Аммо қўллари ҳамон титрар, ўзи ҳадеб нималарнидир пичирлар эди. Ўзига ўзи далда берармиди, худодан мадад сўрармиди, ишқилиб йиғи овози келаётган томонга зўрға юрак ютиб борарди. Ахир қизни қутқармаса, дўсти не кунга қолмайди?

— Ана-ку,— деб юборди у бирдан сой яқинидаги баланд арча тагида ётган қизни кўриб. Қиз оёғи боғлиқ бўлса керак, ётволиб йиғлар эди. Аммо атрофда зоғ кўринмайди. Деҳқонбой ўйланиб қолди. Нима қилиш керак? Урмалаб борсинми? Йўқ. Жезтирноқни мўлжалга ололмаса, қайта ўқлагунча бурдалаб ташлайди. Бу ерда туриш ҳам хавфли, балки улар кўпчилиқдир. Шунда йигитнинг хаёлига шу арчага чиқиб олсам-чи, деган фикр келди: яхшиси шундай қиламан. Тепадан у яққол кўзга ташланади. Бордию биринчи ўқи тегмаса ҳам жезтирноқ арчага чиққунича милтиқни қайта ўқлаб олиши мумкин. У тўнини ечиб, дўнғакка ёпди, устига дўпписини қўйди-да, милтиғини елкасига осганча дарахтга ўрмалаб чиқиб кетди. Тепа бир шохга ўрнашиб ўтириб олиб, пасга

кўз ташлади. Ой ёғдусида Сулувнинг типирчилаши якқол кўринар, қиз ҳамон йиғларди. Йигит милтиғини ростлаб қўйиб ўтираркан, жезтирноқнинг қаёққа ғойиб бўлганидан ҳайрон эди. Шу пайтда яна бўри увлади. Унинг овози жудаям узоқдан эшитиларди. Деҳқонбой кута-кута ғаши келди. Қизиб бораётган бадани баттар қизиди. Негадир «Ҳой, жезтирноқ, чиқ бу ёққа», деб бақиргиси келди. Аммо ўзини тийди.

Тийиб, чолни ўйлади.

«Нима бало, ростдан ҳам авлиё эканми у, бунақа кунда кечки пайт жезтирноқ келади, демабмиди?»

Бирдан йигит ўтирган дарахт бўронда қолгандай қаттиқ силкиниб кетди. Сал бўлмаса йиқилиб тушаёзди. Сўнг даҳшатли «У-у-у!» деган қичқириқ борлиқни титратиб юборди. Йигитнинг авзойи-бадани қалтирар, нима қиларини билмасди. Қичқириқ яна такрорланди. Қўрқинча милтиғи борлигиниям унутган экан. Шошганча пастга ўқ узди. Унинг наздида жезтирноқ дарахтга чиқишга интилар, чиқса уни парчин қилиб ташлаши ҳеч гап эмасди. Пастдан аввалгидан ҳам даҳшатлироқ қичқириқ эшитилди. Йигит титраб-қақшаганча милтиқни қайта ўқларкан, э, худо, ўзинг асра, деб пичирлашини қўймасди. Алҳол яна ўқ узди. Бу сафар бўғиқ хириллаган овоз эшитилдию атроф бирдан тинчиб қолди.

Фалакда ой юлдузлар оралаб сузар, қиз йиғлар, узоқларда бўри увилларди. Йигит жойида ўтириб қолган, тушишини ҳам, тушмаслигини ҳам билмас, ёш боладай пиқиллаб йиғларди. «Нима кераги бориди,— дер эди у ўз-ўзига,— ўлиб кетсам нима бўларди?»

У ўзини ниҳоятда чарчаган ҳис этиб, бўшашиб кетди. Шу пайтда пастдан «Қизим-қизим, ана, йиғлапти, Сулув», деган овоз келдию енгил нафас олди. Бу Эмин оға эди, одамлар етиб келишмоқда эди...

Ҳаммалари ўтовга қайтишганда вақт алламаҳал бўлган, юлдузлар қалинлашиб, ойнинг ботишига бир қулочча қолган эди. Ҳалиги узоқларда увлаётган бўрига энди уккининг овози қўшилганди. Фотима хола Деҳқонбойга янги чопон кийгазиб, чорси боғлади. Эмин оға катта қўчқорни келтириб, унинг оёғи остига сўйди. Толибжон қимиз тўлдирган мешни олиб чиқди. Гурунғ нақ тонг отгунча қизиди.

— Фотима хола, гулмисиз, райҳонмисиз, жамбулмисиз?— деди Деҳқонбой қулимсираб.

— Нимаиди, болам?— ҳайрон бўлди аёл.

— Менга тўн кийгазиб, Аброрни қолдирдингиз, нима, куёвни адаштирган Роҳат хола мисиз?

Ўтирганлар кулишди. Хола Аброргаям опчиқди. Шунда дўстлар янги чопонларни бир-бирларига кийгазишиб дўстлашдилар. Ўтирганлар уларга оқ фотиҳа беришди. Сўнг суҳбат орасида Эмин оға мулладан жезтирноқ ҳақида сўради. Чол бўлса, «бунинг тарихи узоқ», деди-ю, лекин айтмади. Йигитлар ҳеч қўйишмагач, бу тарихни очди.

— Бу ақлини шайтонга ўғирлатган подшо замонида содир бўлган экан. У бозорга тушаркан-да, бақувват, дароз эркак-аёлларни йиғиб келиб қовуштираркан. Улардан туғилган болалар ёшига етгунча онасини эмиб, сўнг алоҳида «тарбияланар экан». Мақсад уларни калтак ўтмас, ваҳший қилиб ўстириш экан. Улар етти ёшга етмасданоқ бичиларди. Сўнг чидаб бўлмас машқлар бошланарди. Аввал тошлоқда, кейин тиканзорда юмлатиб синашарди. Уларнинг ҳеч тирноқлари олинмасди. Қўлларини қайноқ сувга солишар, қум тўлдирилган қопларга уриб пиширишарди. Жезтирноқлар ҳеч қайси тилда гапиролмасдилар. Фақат бошлиқнинг имо-ишорасига тушунардилар, холос.

Жезтирноқлар ҳайвондан баттар эдилар. Дунёдаги ҳар қандай жонзод зурёд кўради, ўз тилида гаплашолоади. Улар эса на гапирар, на ота-онасини танир, на-да фарзанд кўришарди. Токи ўн еттига кирмагунларича одамларга рўбарў қилишмасди. Уларни фақат бир киши тарбиялар, у подшонинг энг ишончли, қўли узун кишиси ҳисобланарди.

Шу иш билан шуғулланган охириги кишини Абдурахмон дер эдилар. У тарбиялаган ваҳшийлар фақат томоша учунгина бўлмай, кўпинча босқинчилик урушларидаям қатнашарди. Жезтирноқнинг қуроли унинг тирноқлари. Туғилганидан бери тиг тегмаган тирноқлар пичокдан кескир, темирдан қаттиқ бўлиб кетаркан. Кўчдан худо берган, лекин ўзи ақлсиз давонгилар хўжайин кўрсатган кишиларни чангаллаганда, ушлаган жойларидан тизиллаб қон отиларкан. Улар учун одам ўладими, фарёд қиладими, барибир экан, парвосига келмаскан. Уларнинг чангалига тушганлар шундай ажал топардиларки, ҳатто туққан оналари ҳам таний олмасди. Улаётган кишининг ҳам одам эканлиги, иккалови бир зотлиги жезтирноқнинг хаёлига-да келмаскан. Зеро ўзини инсонлигини билмаган, ҳис қилмаган киши бошқаларни ўйлайолармиди?

Жангда жезтирноқларнинг жуда иш берганини кўрган подшо ниҳоят Абдурахмонга ўз элатидан ҳам ёшига етган чақалоқларни танлайверишни буюрибди. Ваҳший ўргатувчи мушкул аҳволда қолибди. Бошқа элатлардан келтирилган болалар бўлса бир нав экан, аммо ўз уруфинги, қавмингни шу қўйга солиш — даҳшат-ку.

Абдурахмон ҳукмдорнинг сўзини икки қилмабди-ю, аммо бошқача йўл тутибди. У ўз элатидан олинган болаларни бичтирмабди. Жезтирноқликдан қутулишса, тилини, урф-одатини билишмаса-да, зурёд қолдиришсин. Ахир қизларимиз кимларга қолади, деб ўйлабди у.



Абдурахмонга юзта шундай жангчи тайёрлаш буюрилган, бу иш уч кунда тугалла- ниши зарур эди. Биринчи куни у элликта бола йиғди. Шундан сўнг одамлар ўз фарзанд- ларини беркита бошладилар. Қолган икки кун ичида зўрға қирқ тўққизта бола топди. Уша кеч Абдурахмоннинг кирмаган хонадон қолмади. Унинг муҳлати тугаб борарди. Ниҳоят маслаҳат сўрагани энг яқин дўсти Ҳотамникига кирдию эшикдан бўйлашига чақалоқ овозини эшитиб, ортига қайтди. Ахир бундан бир йил бурун дўсти ўғил кўр- дим, деб суюнчига келмаганмиди? Ушанда катта бўлса, ўзим куёв қиламан демаганми- ди? У орзу-ҳавас эди. Лекин ҳозир жон сақлаши керак. Зеро инсоннинг ўзи яшамас экан, унга орнинг неча пуллик қиммати қолади? Ҳотамнинг хотини ўнта қиздан сўнг қариган чоғида топган боласи деб унга тегмаслиги керакми?

Абдурахмон саройга қайтганда уфқ жезтирноқ чангалига тушган бечора каби қип- қизил «қонга» беланганди. Тинимсиз эсаётган шамол ҳаммаёқни кўтариб кетмоқчидай, дарахтларни-да эгиб томирдан суғуриб олмоқчидай авжга минганди. Абдурахмонни эса дор кутарди. Аммо сўнгги гўдак топилганини эшитган ҳукмдор фикридан қайтди ва Абдурахмон ўз навкарларига буюрди:

— Бориб Ҳотамнинг ўғлини келтиринг. Унга айтингки, ватан ҳамма нарсадан улуг- дир. Подшоҳ сўзи ҳаммамиз учун қутлуғдир. Уғли Ватанга, подшога жезтирноқ бўлиб хизмат қилади.

Эртасига жинни бўлаёзган Ҳотам дўстининг ёнига келиб ўтинди. Қанча ялинмасин, тавалло қилмасин Абдурахмон юмшамади. Аммо охирида юпатиб айтадики, «ўғлинг ўн еттига тўлиб биринчи жангга киргандаёқ ўлдига чиқариб, уйингга элтиб бераман. Қўрқ- ма, ўз элатимиздан олганларимизни бичтирмайман. Гапириш, муомилани ўргатасан, уйлайсан. Ахир ўз фарзандинг-ку».

Орадан ўн етти йил ўтгач, Абдурахмон сўзининг устидан чиқибди. Дўстига ўғлини қайтариб берибди. У йигитни боғлаб қўйиб боқа бошлабди. Ажабки, у овқат ўрнига ажриқ ер, отани ҳам танимас, яқинлашса, бурдалаб ташламоқчи бўларкан. Чол ўғли ухлагандагина яқиндан томоша қиларкан. Унинг полвон гавдаси, қадоқ қўллари, нақ кичкина бармоқдай келадиган қалин, қора тирноқлари чолнинг юракларини ўртаб юбораркан. Уз ўғли эканига баъзан ишонмай ҳам қоларкан. Лекин иложи қанча, охири у қул бозоридан бир аёлни сотиб олибди. Уғлининг қўлларини боғлаб, ўша аёлга никоҳлаб қўйибди. Йигит аста-секин аёлга ўрганибди. Фақат уни силаш ўрнига нуқул ялармиш.

Ниҳоят жезтирноқ фарзандли бўлибди. У боласини ҳам ҳайвондай ялар, эркалаши- ям шу экан. Чол бир куни имо-ишора билан бутун тарихини сўзлаб берибди. Айтишга айтибди-ю, сўнгра пушаймон бўлибди.

Оддий ёз кунларидан бирида осмонда юлдузлар чарақлаб турса-да, ёмғир томчи- лар экан. Уша куни жезтирноқнинг хотини оламдан ўтибди. Шунда йигит чидай олмай ташқарига чиқибди. Отаси қанчалар ялинмасин, уни бир уриб йикитибди-да ўғлини кўтариб кетаверибди. Шу йўсин ўзи вояга етган зиндонга бориб аввал соқчиларни, сўнг Абдурахмонни ўлдириб, шерикларини қутқарибди. Улар маҳаллалардан қизларни ўғирлаб тоғларга чиқиб кетишибди. Дод солган аёлларнинг тилларини суғуриб ташлаб, ўзларига хотин қилишибди. Шу-шу улар ўзларидан кўпайиб тоғда яшашармиш. Ҳо- зиргачаям авлодлари бор экан.

Ҳозир қиз ўғирлашяптими, демак қай бири хотинсиз қолган. Деҳқонбой отган жезтирноқ ишқилиб сўнггиси бўлсин.

Йигитларни мудроқ элта бошлаганини кўриб, мулла Мусаҳожии ғунажинларидан, Эмин оға эса, қўйларидан хабар олгани ўринларидан туришди.

Жезтирноқ воқеасидан сўнг Фотима хола қизини бир қадам нари жилдирмайдиган бўлди-қўйди. Аброр уларникига бориб турса-да, энди қиз билан илгаригидай очик гаплаша олмасди. Яйловга чиқиб юришлари-ку бир эртак бўлиб қолди.

Аксига олиб Деҳқонбой қишлоққа кетган. У ўн беш-йигирма кунсиз келмайди. Бир ўзи Сулувларникига боришига баҳона ҳам йўқ.

Шундай кунларнинг бирида Толибжон келиб қолди. Икки қир наридаги Узоқбой оға эртаси куни улоқ бераётганмиш. Деҳқонбойни сўради.

— Эҳ, аттанг, келган бўлса бирга улоққа борамизми дедим...

— Мен бораверман. Улоқ чополмасам томоша қиларман,— деди Аброр ичи қуриб. Ҳеч бўлмаса Сулувини кўриб келади-ку.

Чолдан ҳам, Толибдан ҳам садо чиқмади. Эртаси пешиндан сўнг Аброр ўзини қўйгани жой тополмай қафасдаги қуш янглиғ типирчилайвергач, чол унга рухсат берди:

— Бор, ўғлим, улоқни томоша қилиб кела қол. Подага ўзим қараб тураман. Бияни минвол, лекин эҳтиёт бўл.

— Хўп, отажон,— деди ўғил хурсандлигини яширолмай.

У Толибларникига келса, ота-ўғил аллақачонлар кетворишган экан. Йигит нима қиларини билмай турган эди, Сулувнинг ўзи жонга ора кирди.

— Апа, Аброр оғани мен олиб борақолай. Узоқбой оғанинг ўтови узоқ эмас- ку. Ҳозир қайтиб кетсалар, мулла бувам хафа бўладилар.

Аброр қизнинг топқирлигига қойил қолди. Фотима хола қизини кўзидан йироқлаштишга юраги безилласа-да, аммо унинг халоскорларидан жонини аямасди.

— Майли, тезда қайтинглар,— деди охири. Бу вақтда қиз отини эгарларди.

Кун пешиндан оған бўлса-да, ҳаво иссик, билинар-билинмас эсаётган шабада ҳуш ёқар эди. Қани энди икки отлик куну тун, туну кун шу зайлда юраверсалар, юраверсалар. Бошига «салла» ўраган қорли тоғларгача борсалар, қалин арчазорлардан ўтсалар, отлар толиқсаям майли. Пиёда юриш мушкулми, муҳими бирга бўлишса бас. Очкўз бўрилари йўлбарсларнинг, жезтирноқларнинг ҳамласи нима экан улар учун. Дунёда севишганларни энгувчи куч бормикан ўзи?

— Сулув,— деди йигит қиз минган отнинг жиловидан ушлаб, лекин бошқа гапиролмади. Соғиндим, қийналдим сенсиз демоқчийди, айтолмади. Чунки севгилисининг маънос қарашларидан ҳам шуларни уқди. Унинг ўрнига, «Кўшиқларингизни қўмсадим, айтиб берасиз-а?» деди. Қани эди ҳозир тўхташсаю майсалар устида бирпас гаплашиб ўтиришса.

Йигит отини тўхтатиб ерга тушди. Қиз отини туясингирга боғлаётган йигитни кўриб турса-да, нима қиларини билмасди. Бироқ қўллари беихтиёр отнинг жиловини тортди. Йигитнинг ёнига бориб отдан тушди. У кўкда қанотларини ёзиб учиб юрган икки қушдан кўз уза олмасди.

— Анавилар қанақа қуш?— деб сўради у Сулудан.

— Бахт қуши,— атайми, ростданми жавоб қилди отини боғлаб келаётган қиз.

Орага сукунат чўкди. Бу шундай сукунат эдики, унинг ҳокими мутлақи юрак бўлиб, у кўнгилларни, дилларни маҳв этган, булутларни қучган тоғлардан-да юқориқордан ошиқларни бошқариб турарди. Юз йиллик орзусига етган кишиларнинг ҳам байрами ошиқларнинг висол кунича бўлолмас-ов?! Инсон, ким бўлишдан қатъий назар, севади. Севги шунчалар ҳаммабопки, шоҳ ҳам, гадо ҳам Сулув ва Аброрнинг ҳозиргидай дамларида сўз топишолмайди. Зеро, бу инсон билан бирга яшаётган, бахтли, бахтсиз кунларини бирга кечираётган юракнинг иши. Севги — табиатнинг ўзидай самимий, нафис тўхфа.

— Қўлингиздан нима иш келади, Сулув?

Қиз жавобга шошилмаса-да, зумда хаёлидан «Аброр оға қандай жойда яшаркан? У ерларга ўрганиб кетармиканман?» деган ўй кечди. Йигит жавоб кутарди.

— Сигир соғаман,— деди қиз мийиғида кулимсираб,— қув пишаман, тери ошлайман.

— Бизникилар пахта экишади. Роса қийин иш. Айниқса, хотинларга.

— Қанақа қилиб экади пахтани?

Аброр борганда кўрасиз демоқчи эди-ю, аммо айтмади. Бунинг ўрнига қизнинг чўғдай қўлларида ушлаб, секин ўзига тортди. Сулув қаршилиқ қилмади. У кўзини юмганча энтикиб нафас олар, ҳушини йўқотаёзганди. Туйғулар аллақачон ошиқларга қанот ато этган, улар ҳалиги қушлар янглиғ юксакларда парвоз қилишарди.

Майсазорда ўтирган ошиқлар шу тариқа кўп кунлик айрилиққа, кўнгил зорлигига барҳам беришди. Шунда бирдан қизнинг хаёли чарақлаб кетди. Унинг наздида нарироқда турган отлар, тепада сайраётган чолиқуши уларни уят қилаётгандай эди. Ошиқлар юрак ҳокимлигини минг бир андиша ила энгишиб, Узоқбой оғаникига жўнашганда кун ботишга келиб қолганди.

— Сулув,— деди йигит йўлда,— сизни товдан қайтаётганимизда бирга олиб кетамиз. Аввал отамни совчиликка жўнатаман.

— Опқочишни эпполмайман деб қўрқяпсизми?

— Нега энди опқочишим керак?

— Бизда куёв келинни опқочмаса, уят қилишади.

— Унда Деҳқонбой келсин...

— Фақат шошилмасангиз. Агар қарши бўлмасангиз, ўша тунни ўзим айтсам,— деди Сулув, кўзлари қизариб.

Деҳқонбой қишлоқдан олам-жаҳон янгилик топиб келди. Эмишки, райондагилар колхоз планини оширишибди. Қишлоқнинг етти ёшидан етмиш ёшигача — ҳаммаси далада эмиш.

— Одамларнинг боши ишдан чиқмай қолибди. Ҳали чопиқ, ҳали ўтоқ, ҳали яғана дегандай, ўзлари қорайиб, қўллари, юзлари ёрилиб кетган, нақ жезтирноқ,— деди у гапининг сўнгида.

Колхоз бир қоп ун бериб юборибди. Шунисига ҳам шукр, энди қийналишмайди, аммо пиёз, шолғомлари тугаган. Уни шу яқиндаги овуллардан олиб келса ҳам бўлади. Бу ишга чолнинг ўзи бораман, деди. У тонгда йигитларни уйғотиб, яйловга жўнатаркан, тайинлади: «Кечқурун подани ташлаб кетманглар. Куз яқинлашяпти, энди ёғингарчилик кўп бўлади. Агар кун ботишдаги ҳув анави булут, — деди у ўша томонни қўли билан кўрсатиб, — шу ёққа юрса, ҳар сафаргидай подани Кичиктепага ҳайдаб, ёмғир тўхтаганда кўрасига киритинглар».

Уфқда қат-қат булутлар кўзга ташланар, уларнинг узоқдалигидан йигитларнинг

кўнгли тўқ эди. Аммо тушдан кейин қаттиқ шамол туриб, қора булутлар кунчиқарга қараб суза бошлади. Йигитлар олдинлари ҳам кўп кўришган, ўша булутлар қорли чўққиларга урилиб тўхтади-да, челақлаб ёмғир қуя кетади. Ҳаммаси шу атрофда содир бўлади.

— Кечаси Кечиктепада тонг оттирамиз-ов, — деди Аброр булутларга қараб.

— Унда ўтовдаги нарсаларни йиғиштириб, ўша ёққа ўтиш керакмиди? — деди Деҳқонбой.

Аброр бияга миниб ўтовга кетди. Дам сайин шамол кучайиб, булутларнинг ҳаракати тезлашар эди. Моллар ҳам ёмғир ёғишини сезгандай безовталанишар, итлар Деҳқонбойнинг атрофида айланиб қолишганди. Кичиктепа яйлов ўртасида бўлиб, унинг икки томони нишаблигидан ёмғир қанча ёғмасин сув боса олмасди.

Аброр ўтовдаги нарсаларни йиғиштираётганида ўзи томон келаётган отликни кўриб ҳайрон қолди. У одам бу ерликка ўхшамасди. Устига устак елкасида милтиқ, устбоши кир, соқол-мўйлови ўсиб кетган. Беихтиёр йигитнинг аъзойи баданида титроқ турди. «Бу одам қаёқдан пайдо бўлди? Наҳотки, босмачи бўлса? Раисимиз уларни пашадайд қириб ташлаганмиз, дерди-ку?»

— Ҳей, йигитча, — деди отлик сал нарида тўхтаб, — нонми, талқонми топилмайди-ми? Гўштга алмашардик, кийикники. — У отига ўнгарилган хуржунга ишора қилди. — Шу бугун отилган.

Аброр қаршисидаги кишидан қўрқаниданми, ёлғон гапиролмади:

— Озроқ талқон бор. Аммо отамдан сўраш керак. Эртага келинг.

— Отанг қаерда?

— Овулга кетган. Эртага оқшом қайтади.

— Майли, бугунча қоринни алдашга лойиқ берақол, Қолганини эртага келишамиз.

— Ўзи унча кўпмас-да, — деди йигит халтани кўрсатиб.

— Кўп эзмаланма. Зориқмасам сўрайманми? — У асабийлашиб жиловни тортган эди, оти олдинги оёқларини кўтариб, кишнаб қўйди...

Аброр пода ўтлаётган ерга келганида кўкни қора булут қоплаган, ҳар замонда чақмоқ чақарди.

— Осмоннинг қорни оғрияпти, — деди Деҳқонбой шумлик қилиб. — Ичи ғулдираяпти, ҳозир бошлаб ташласа керак. Моллар тоққа ўрлаган, тезроқ уларни яйловга қайтармаса бўлмас, Кичиктепага чиқиб олиш керак эди. Аброр шеригини аллақачон манзилга етволган, деб ўйлаганди.

— Шу пайтгача нима қилдингиз? — деди ғаши келиб.

— Иккита каклик урдим. Хув, қаранг, дарахтга илиб қўйибман, — деди Деҳқонбой парво қилмай, — Ёмғир эртароқ босилса, кабоб қиламиз. Бўптими?

— Мен талқонга кийик гўшти алмаштириб, Кечиктепага ташлаб келдим. — «Сен каклик қувиб юрибсан» демоқчи бўлди Аброр.

— Кимдан?

— Тоғдан бир босмачи тушган экан...

— Қанақа босмачи? — Деҳқонбойнинг кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди.

— Босмачидака босмачи-да, — гердайдди энди Аброр. — Баҳайбат, соқоли хурпайган, жезтирноқдан ҳам қўрқинчли.

Деҳқонбой бир дақиқа анграйиб қолиб, кейин ҳовлиқди:

— Уни отиш керак эди.

— Нима у сизга, какликмиди? Босмачининг шериклари ёмон бўлади. Келиб сўйиб кетар.

— Унда овулдан қизилларни чақириш керак.

— Э, бизга нима. Уларга индамасангиз тегмайди. Отам айтган.

— Барибир отиш керак эди. Эшитганлар ҳам қойил қоларди, — деди у афсусланиб.

«Эх, борганимда ажойиб бўларкан-да, — ўйларди у. — Босмачини узоқдан кўрган заҳотимоқ милтиқни ўқлаб қўярдим. Кейин у талқон сўраб келганида ҳозир деб ўтовга кирардим-да, милтиқни олиб чиқиб, нақ пешонасидан қўярдим. Сўнг отга ўнгариб овулга чопардим. Бориб қизиллар командирининг оёғи остига ташлардим. Ана унда кўрардингиз бир кунда машҳур бўлиб кетишни...»

— Эх, дўстим, бўшсиз, латтасиз, — деди Аброрнинг орқасидан, у эшитмаса ҳам.

Пода Кичиктепа томонга йўл олганда бир-иккита ёмғир томчилаб турганди. Улар манзилга етдилар ҳамки, қаттиқ жала бошланди. Атроф зумда қоронғилашиб, тоғ томондан сел оқизган тошларнинг тасир-тусир, қалдир-қулдур овози эшитилиб қолди. Пода офатдан қўрқиб бўқирар, бир-бирини сузарди. Ёмғир бир соатларда тўхтади. Ҳаво очилиб ой кўринди. Унинг хира ёғдусида қорайиб кўринаётган дарахтлар қўрқинчли эди. Йигитлар ёмғир бошлангандан буён каттакон терини ёпинишганча тик туришарди. Икковлон ҳам хаёлга толган, бир-бировлари ҳақида ўйлашар эди.

«Фақат отса бўлгани, — дерди ичида Аброр. — Одамми, итми, эшакми, фарқи йўқ унга. Яна мени ландовурга чиқариб қўйгани-чи? Босмачи одам эмасми?...»

— Аброр, — деди ниҳоят Деҳқонбой унинг хаёлини бўлиб, — хафа бўлдингизми?

— Ўзингиз ҳам ўйлаб гапиринг-да. Ахир у чумчуқмас-ку.

Икковлон бир-бирларидан қаттиқ хафа бўлишди. Деҳқонбой илгари ҳам дилидағини яшириб ўтирмасди. Ҳозир ҳам тап тортмади.

— Аброр, биз дўстлашолмасканмиз. Отангизнинг шунча ҳаракати бир пул бўлди. Аброр бир қараб қўйди-ю, индамади.

Чўпоннинг айрим кунлари хон, айримларини ит кўрмаган деганлари ҳақ экан. Мана энди икки подачи тонг отгунча ухлашмайди. Аввало жой йўқ. Кейин моллар тарқалиб кетиши мумкин. Устига устак тоғдан тушган босмачи туфайли аразлашиб қолдилар.

Тонгда яна подани яйловга ҳайдашди. Улар ниҳоятда толиқишганидан, юрган йўлларида мудрашарди. Авваллари уйқусиз ўтган туннинг эртасига иккала дўст навбатманавбат ўтовга боришиб ухлаб келишар эди. Аммо ҳозир бир-бирларига ён беришмас, қалбларини нафратдан бўлак ҳамма туйғулар тарк этгандай эди.

Атроф ёмғирдан сўнг яшнаб кетган, сел олган жойларни дов-дарахтлари оқиб кетганини айтмаса, ҳамма ерда ўт-ўланлар барқ уриб ётар эди. Мусаффо осмонда эса, Аброр билан Сулув улоққа кетишаётганларида кўргандаги каби иккита қуш қанотларини кенг ёзганча парвоз қиларди.

— Кичиктепадаги нарсаларни ўтовга обориб қўяман, — деди Аброр ўзига гапиргандай. Аммо Деҳқонбой унамади.

— Йўқ, бугун мен бораман. — У отни минди-да, Кичиктепа томон йўрттириб кетди. Бориб нарсаларни бияга ортди-да, ўтовга қараб йўл олди. Келгач, таппа ташлаб ухлади. Қанча ётди, ўзиям билмайди, бир вақт ташқаридан келган бақир-чақирдан уйғониб кетди.

— Йўқ, беролмайман, отам сўкади, — дерди Аброр.

— Берасан, кечаги гўштни бекорга ташлаб кетдимми? — дерди бошқа одам.

— Ўзимиз-чи, ўзимиз нима қиламиз?

— Кўп гап қайтарма, ит, тилингни суғуриб олмай.

Деҳқонбой ўтовнинг латта эшигидан мўралади. Кеч кириб, уфқ қизарибди. Ўтовнинг нарироғида отлиқ билан Аброр ғижиллашар эди.

— Менга қара, — деди босмачи, аввалгига нисбатан овозини пастлатиб, — тўғриси, талқонинг юртимникига ўхшаркан. Худди хотиним қилгандай. Кўринишингдан эслихушли йигитга ўхшайсан-у...

— Отам сўкади-да, амаки.

— Йигитсан-ку, ука. Менинг тўнғичим ҳам сен қурам бўлса керак.

— Отам келсин.

— Ҳе, отангни... қизталоқ! — Босмачи кутилмаганда қўлидаги қамчи билан Аброрни юзи аралаш туширди.

Аброр додлаб қочди.

— Тўхта дейман. — Босмачи от солиб йўлини тўсди. — Берасанми, йўқми?

У қамчи билан Аброрнинг тўғри келган ерига тушира бошлади. У баттар дод солди.

Бунга чидолмаган Деҳқонбой ўтов ичкарасида осифлиқ қўшотарни юлқиб олиб, отлиққа ўқталган жойда бирдан қовоқлари, кўзлари учиб, баданига титроқ кирди. Жезтирноқни отаётганида ҳам бунчалар ҳаяжонланмаганди. Тепкини босишни ҳам, босмасликни ҳам билмасди.

— Менга қара, инқилобнинг эркаси! — бақирди босмачи ерга энгашиб додлаётган Аброрга. — Опчиқасанми-йўқми, отда тепалатвормасимдан.

У отнинг жиловини тортган эди, жонивор олдинги оёқларини кўтариб кишнаб юборди. Шунда янграган ўқ овозидан борлиқ ларзага келди. Ўтов, унинг арқонлари титраб, тоғу тошдан акс-садо қайтарди. Босмачи қалқиб кетди. Оти хуркиб ўзини ортга ташлаган эди, отлиқ ерга қулаб тушди. Ерда ётган Аброр ёнгинасига учиб тушган кишини кўриб, юраги қинидан чиқиб кетай деди. Атрофга аланг-жалаң қилиб, отган одамни изларкан, паст томондаги сўқмоқда саллани отлиқ кўринди. У отаси эди.

Мулла ўтовга жадал етиб келиб, отдан тушдию чалқанча ётган ўликни ўнгариб кўраркан, «водариғ» деб юборди. «Наинки Деҳқонбой отган бўлса? Ахир... ахир бу Ортиқбой-ку?» Чол қанчалик ўзини тутишга уринмасин, баданига титроқ кириб кўзлари ёшланди. Шу туришида тинмай «Э, худойим, қандай кунларга қолдик?» дея пичирларди у. Йигитлар эса, ҳолсиз, нима қилишларини билмай гарангсиб туришарди.

Ниҳоят, чол ҳушини йиғди. Бўлар иш бўлган, энди бу ёғини ўйлаш зарур эди. У Аброрни сувга жўнатиб, Деҳқонбойни ёрдамга чақирди. Аммо у ўликнинг ёнига келишга қўрқар, эсовсераб аланглар эди.

Чол мурдани ювгач, кафанлик йўқлигидан саллани ёзиб ўради-да, ўзи ҳам, болалар ҳам таҳорат олиб жаноза ўқишга тутинишди. Улар қиблага қараб туришар, мулла эса, қулоқ қоқиб ичиди тиловат қилар эди. Атрофда эса, қоронғулик борган сайин қуюқлашиб борарди. Ниҳоят ўнга ва чапга қараб салом бердилар.

— Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ... Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ...

Бу орада тапур-тупур босмачилар етиб келишди. Улар жуфти нобуд бўлган бўридай ғазабда бўлсалар-да, маросимни бузишолмади. Ҳаммаси йигитларнинг ортига сафланишди.

Олам жимиб қолган, на бирон мол маърар, на-да итлар ҳурирди. Ҳатто қасос истаб

қурол кўтариб келган босмачилар ҳам бояги шаҳдларидан тушиб, мўмин тортиб қолишган эди. Улар дўстлардай елкама-елка сафланишган, қўлларини бараварига қулоқларига олиб боришар, ўз бурчларини адо этишарди.

Жанозада турган босмачиларнинг бари Аллоҳга ва ўз-ўзига ҳисоб беришар эди: ким эдинг, ҳозир кимсан? Бу дунёда тентирай-тентирай топганинг шуми? Сени ҳам отананг, бола-чақанг бордир. Томинг, эшигинг бордир. Мана шу юрт, тоғу тошлар сеники эди. Энди ниманг бор? Дилингдаги худодан бошқа бойлигинг қолмабди-ку. Шуми кўргулик? Эрта-бириси кун сенам шундай ўққа учиб, итдай хор бўлиб ўлиб кетасанми? Ё раббий, бу қандай қисмат?.. Ортиқбойни ким ўлдирди? Мурда манавиларнинг қўлига қандоқ тушди? Ё худ қотил ўзларими?.. Нима бўлганда ҳам марҳум бахтли экан. Қанча шерикларига буюрмаган жаноза унга насиб этибди... Биз эртага нима бўларкинмиз?

Шом тушиб келар, шафақ сўниб борар эди. Деҳқонбой босмачилардан қанчалар ҳайиқмасин, уларнинг муллага бўйсуниб, маросимни бузишмаганидан ҳайрон эди. У эшитган босмачилар наҳотки шулар бўлса, одамларнинг ўзларини чавақлаб, уйларга ўт қўйиб, молларни ҳайдаб кетгувчилар шуларми? Улар ҳам одам экан-ку, мусулмон экан-ку.

Аброр отасидан кўз узмас, унинг нимадир дейишини кутарди. Қани энди у келганларга тезроқ қотилини айтиб, буниси менинг ўғлим, унда айб йўқ, деса. Шунда «Мен минг бор ялиндим, дўстим, отманг дедим. У бўлса...» дермиди.

Юзга фотиҳа тортилиб, ҳар чеккадан:

— Худо раҳмат қилсин, — деган товушлар эшитилди.

Марҳум қабрга қўйилгунча ҳам улар қотилини суриштиришмади. Мулла эса кутилмаганда Деҳқонбойни чақириб қолди.

Йигитнинг аъзойи-бадани музлаб, «Ана, энди айтади», деб ўйлади ва оёқларини зўрға кўтариб босиб у томон юрди.

— Тупроқдан бир ҳовуч ол, — деди чол унга.

Ўғил ўзи билмаган ҳолда отасининг мурдасига биринчи бўлиб тупроқ ташлаб берди. Сўнг қабрга тупроқ тортилиб, тиловат бошланди. Ортиқбой қандай одам эди, деб сўралди.

— Мард эди, бир сўзли эди, — деган жавоблар бўлди. Сўнг қўзғолишдилар. Шу пайт пакана, чиноқ бир одам ажралиб чиқиб чолга яқин келди ва дабдурустдан уни қадрдонидай бағрига босиб йиғлаб юборди. Айтиб-айтиб йиғлади, тўйғунича йиғлади. Кейин чолдан ҳамқишлоқлари ҳақида сўраб-суриштиради, яна алланималарни гаплашиб, тўғри Деҳқонбой томонга юрди. Буни кўриб йигитнинг юраги қинидан чиқиб кетай деди. Қани энди самоларга учса ёки мана бу тоғу тошлар ёрилсаю уларнинг қаърига кириб кетса... «Наҳотки ўлдиради?» дерди йигит. Аммо босмачи кутилмаганда унинг бошини силаб, пешанасидан ўпди.

— Бошинг тошдан бўлсин, ўғлон. Отангнинг чироғини ўчирмагин, — дедию бурилиб кета бошлади.

Сўнг унинг хириллаган буйруғи янгради:

— Отланинг.

Ҳамма отлангач, у чолга яқин келди.

— Мулла бува, — деди у чолга мурожаат этиб. — Ўзбекистон, Қирғизистон яна бир бало истон бўлвоганларинг, ўртага чегара тортганларинг ростми?

— Рост, — деди чол бош силкиб.

— Шунча ўтган аждоқларнинг қарғишига қолмайсизларми? Ахир биз ҳаммамиз турк эдик-ку. Энди ўзбек, қирғизга бўлинамизми?

— Менинг бунга ақлим етмайди, болам.

— Бир кун келиб бу икки халқ ер талашиб юрмасайди.

— Худодан қўрқар.

— Қўрқсин-да, ишқилиб...

Улар кетишгач, чол ўтов томон юра туриб, йигитларга:


— Ичкарига кирайлик, — деди.

Ичкарида шам ёнар, унинг оғир тебранишида соялар оҳиста қимирларди. Хира нурни кесишиб, учовлон ҳар бурчакка ўтиришди. Мулла хаёлга толди: бу қандай кўргулик? Фожиадан бахт яралса, бахтдан фожиа? Сўнг бошини кўтариб уларга тик қаради:

— Болаларим, энди сизлар қиёматли дўстсизлар. Аллоҳнинг иродаси шундай экан. Бугун Аброрни деб сен одам ўлдирдинг. У киши — ўз отанг эди, — деди Деҳқонбойга.

— Нима?! — йигитнинг юрагида бир нима узилиб тушди...

Аммо бу раҳна бўлиб чиқди. Эртасига Деҳқонбой тоғдан бош олиб кетиб қолди.



Гулчехра Рақимова

## ХАЛҚНИНГ ҲАҚ ЭКАНИН АНГЛАДИК

\* \* \*

Уша кунги энг катта хатом,—  
Ўздан баланд кўймадим сизни.  
Уйламасдан сиз бор деб ҳатто,  
Йўқ, бўяшни билмасдик кўзни...

Мумкин эди суюб-ардоқлаб,  
«Сизни беҳад севаман!» дейиш.  
Катта гуноҳ ўзни алдамоқ,  
Ҳар ким ўз корининг ғамини ейиш...

Бу сукутдан менинг вақтим чоғ,  
Шарт эмас, йўқ, бирор ортиқ сўз.  
Борар манзил шу қадар йирок,  
Елғизликка кўниккан бу кўз.

Ана, сизни ўзига чорлар,  
Ўз уйингиз — фидойи ҳислар.  
Деразангиз қуёшдек порлар,  
Қараб сизга тўймагай кўзлар.

Бу илтифот бўйнимда қарздир,  
Хайрлашдик қийнамай ўзни.  
Уша бир кун умримга арзир:  
Тушунгандек бўлдим мен сизни...

\* \* \*

Айтилган сўз энди отилган ўқдир,  
Дард чуқур, барибир ичда ётмайди.  
Балки, бу таънанинг кераги йўқдир,  
Юрдим: бир айтаман, бошқа айтмай деб...  
Қулоқ «миш-миш»ларни рад қилди бир-бир,  
Кўз ҳам кўрганин рад қилди дафъатан.  
... Сен — жоним,  
бу ер — менинг улуғ Каъбамдир,—  
Бош урган ерлардан бошланса Ватан...

### Энди

Менинг ишқдан бошқа йўқ эди дардим,  
Дунёда бахт бор деб ўйлар эди қалб.  
Қаерда бўлсангиз мен бош урардим,  
Билардим майсалар тилида сўзлаб.

Яшарди бу тоғлар мендек куюксиз,  
Минг битта бўлакка бўлинмай Имон.  
... Еру кўкка бош урай,  
энди Сиз йўқсиз,  
Ёруғ олам учун энди ҳеч кимман.

\* \* \*

Ҳаёт айтганларинг қилмайди бажо,  
Биз қандоқ одаммиз сақлайверсак кек?!  
Куйдирар лабимни ташна илтижо,  
Бепоеён саҳрода сувсиз қолгандек.

Тугсак, бу ғамларни юракка тугсак,  
Йўқса бир вужудга сиғмас еру кўк.  
... Билсайдинг, қувончим нақадар юксак,  
Юртга ўғил туғиб берган онадек!

\* \* \*

Яхшиям бу икки кўзим кўр эмас,  
«Турмуш гўзал!»— дея лоф урган кўзим.  
Юртни мақтайверди тил билар-билмас,  
Бу кун ёлғонларга иқрорман ўзим.

Улар нима деса, деявердик: «Хўп!»  
«Пахта» деб жон берди авлод-аждодим.  
Дардим у серҳосил далалардан кўп,  
Оролнинг сувини сўзга сарфладим.

Ғамга тобе экан, билмасдим сира,  
Оёғим босган ер шўрлик эканин.  
Ёнди гоҳ уйимнинг чироғи хира,  
Ўрмади ҳамиша кўл ўз эканин...

Яшардик ер очиб, кўкраклар кериб,  
Бугун мақтанмадик, бугун тингладик.  
Ёруғ кўзлардаги исёни кўриб,  
Халқнинг ҳақ эканин бу кун англадик.

Сарғайган болалар қилди илтижо  
Минг-минг илтижога берди қалб тўзим.  
... Бу тилдан, бу кўздан қиламан жудо,  
Яна ёлғонларга чидаса юзим!

Бўлмас табиатнинг пешонаси тор,  
Муҳими — одамлар оёққа қалқди.  
Қилган хатомизга бўлдикми иқрор,—  
Демак, оқаради косаси халқнинг!

### Ёшим улғайгач...

Соқов дарахтларни кўрардим ёмон,  
Ёзардим меҳримни кўм-кўк боғларга.  
Оқсоқ отим билан кечиб ўтолмайман,  
Исмингни яширган баланд тоғлардан.

Ана, у йўллардан ҳам уяламан,  
Рўпара қилди у кўзи очларга.  
... Бошим қотиб, энди жим суянаман  
Дардимни англамас қайрағочларга.

### Момоннинг қабри

Чуқур ўйга ботган эски сағана,—  
Бир кун кўчиб келар бунга ватани.  
Ёрни бўронлардан қилолмас пана  
Шўр босган дарахтнинг яланғоч тани.


Дардини айтар у энди ўликка,  
Ювар шўр тупроқни дарё бўлиб кўз.  
... Сиғмайман, сиғмайман мен бу кенгликка,  
Бўғзимда суякдай қотиб қолган сўз.

\* \* \*

Ҳады қилди қуёш сенга ватанини,  
Сени минг балодан қутқазди ҳаёт.  
Энди «вафо» деса берар жонини,  
Айриликни бошдан ўтказди ҳаёт.

Чулди роқ сойларда нима дардинг бор,  
Ахир, ой, юлдузлар бўлгач ҳамроҳинг.  
Бепоеён даштларда йиғлама зор-зор,  
Юв Орол сувида — бўлса гуноҳинг.

Билсанг, бу юрт бизга қилмайди миннат,  
Етимларга берган ҳалол нонини.  
Энди сен пешона теринг билан арт,  
Ёрда қотган шаҳидларнинг қонини...



Тиркиш Жумагелдиев

## ЎТДА ЁНГАН КЕЛИН

Қисса

1

...Ажаб бир балога йўлиққанини сентябрнинг бошларида сездим. Хаёлига, сариқ касалга чалиндим-ов, деган гап келди, юраги увишиб, бесаранжом бўлиб қолди. Сўнгги йилларда бу касал эл орасида тумовдай тарқалган эди. Сариқ билан оғриганлар учун районда иккита шифохона очилди ҳам.

Бу касал қишлоқликми, шаҳарликми — ажратмас экан. Далага сепилган заҳарли дорилар унинг келиб чиқишига сабаб бўлади, дейишади. Ажаб ҳозир шу фикрни ёлғонга чиқаргиси келди: «Шаҳарда экин-тикин қилишмаса, тепасидан заҳарли дори сепишмаса...» Хаёлига келган бу гапдан кўнглидаги хижиллик сал ёзилай деди, ўзининг сариққа чалинганлигига ишонмади. Лекин қишлоқнинг ҳар кўчасида икки одам, борингки уч одам касал. Наҳотки Ажаб ҳам шуларнинг қаторида бўлса?!

У дардини толиқишдан кўрди. Уч-тўрт кун дам олиб ётса ўтиб кетади. Бу ёқда шовқин-сурон билан эс-ҳушни олиб пахта терими ҳам бошланди; бўл-ҳо, бўл, ана-мана билан касали ёдидан чиқиб кетади ҳали...

Бу йил далада оқ эрта кўринди. Августнинг оёғида теримга тушган ерлар бор дейишяпти. Ажаблар эса, ўн қиз бўлиб ҳалигача янтоқ чопиб юришибди. Эсон бригадир белгиланган уч минг боғни йиғиш ҳам чўзилгандан чўзилди, мана, ўн кундан бери ўн нозаниннинг қўлидан зил кетмон тушмайди. Ким билади, ҳисоб уч мингдан ортиб кетган-у, бу ёғи бригадирнинг ўз фойдасига қолаётгандир. Қумлоқ ерда яйраб-яшнаб ўсган, киндигинга урадиган янтоқ тупларини чопмоқ ҳам осон иш бўлса экан, бунинг устига иссиқ, дим ҳаво нафасингни бўғаман дейди. Ажабнинг елкасига тош осилгандай, бир чўзилса, бағрини ердан узгиси келмайди, вақти-вақти билан боши айланади, оғрийди. Мажолсизланиб қолади. Бирга ишлайдиган Шакар: «Сенинг давлениянг паст, менда ҳам шундай бўлиб туради, қора чой ичавер, эми-йўли шу» деди. Бу сўз Ажабнинг қулоғига ёқиб тушди. Қолаверса, ҳозир ёз билан кузнинг оралиғи, бундай маҳалда ҳаммиша мадорсизлик Ажабни безовта қилади. Биринчи синфга борган йили ўпқасини шамол-

Махтумқули номидаги Туркменистон ССР Давлат мукофоти соҳиби Тиркиш Жумагелдиев (1939 йил туғилган) — бугунги туркман насрининг етакчи вакиллари билан бири. Унинг «Замин унутмас», «Маҳактош», «Гумроҳ», «Қора чақмоқ» романларида, «Келиноийи», «Саҳродаги излар», «Мунозара», «Қалин», «Келишувга ўрин йўқ», «Чироқ тонггача ёнди» сингари ўндан ортиқ қиссаларида туркман халқининг тарихий ўтмиши, инқилобий ва Улуғ Ватан уруши йилларидаги тақдири, бугунги куннинг ташвиш-фожиалари ўзининг ҳаққоний аксини топди. Бу асарлар туркман адабиётининг ютуқлари деб баҳоланди, баҳсларга сабаб бўлди. Адиб қайси мавзуда қалам тебратмасин, оддий меҳнаткаш халқ вакиллари турмушини, қувонч ва қайғуларини, хато ва руҳий кечинмаларини, жафокаш туркман аёл-қизларининг қисматини чуқур таҳлил қилади. Адиб истеъдодидаги бу қирралар эса унинг ижодидаги халқчилликни, ҳаётийликни, ростгўйликни таъминлайди. Тиркиш Жумагелдиевнинг деярли барча роман ва қиссалари рус тилига таржима қилинган, қайта-қайта нашр бўлган, қардош халқлар тилларига ўгирилган. Унинг номи Иттифоқ китобхонларига яхши таниш, ўзбек ўқувчилари бу ёзувчи ижоди билан илк бор танишмоқдалар. Қисса қисқартирилган ҳолда эълон қилинмоқда.



латган, ўлишига бир баҳя қолган эди, шунинг қусури ҳозиргача ўзини кўрсатиб келади, шекилли.

Ёз бўйи ғўза парваришида ҳолдан тойган деҳқонга йиғим-терим бошланиши арафасида нафас ростлаб олиш учун фурсат берилади. Берадиган маърака-тўйинг борми, Афғанистонда ўлган йитганларингни ёдлайсанми, ҳаммасини шу вақтда ўтказиб олишинг керак. Янтоқ чопиғи келиб-келиб мана шу ўн қизнинг бошига тушди, аллақачон сентябрь бошланган, булар қачон дам олишади?

Ажабнинг ўзидан катта опаси Дунё ҳам шу ўн қизнинг ичида. Эже<sup>1</sup>лари Қизгул: — Жон қизларим, ғайрат қилинглар, — деди. — Хўжамуроджонни қарзсиз-иззасиз бошли-кўзли қилиб олайлик, келин келганда беш-ўн кун ёнида ўтириб дам оларсизлар. Бориб ишлаганга ҳақ ёзилиб турибди, шу пулни бизга биров берармиди, ғайрат қилиб ишлайверинглар.

Ажабнинг Дунёга раҳми келади. Шўрлик ўқишим бор деб ишдан қолишга ҳам баҳона тополмайди. Мактабни бу йил тамомлади. Энди то турмуш қилгунча иш, иш деб кўзини очиришмайди, тонгда кетиб, қош қорайганда уйга кириб келади.

Ўн қиздан учови ўнинчи синфда ўқийди. Шуларнинг бири Ажаб. Эсон бригадир уларни сентябрь бошланганида ҳам мактабга юбормади, худди қизларга яхшиликни раво кўраётгандай:

— Бемалол, фикрларингни бўлмаш ишлайверинглар, раисдан ҳам, директордан ҳам рухсат олдим, — деди у. — Ўзи ҳам ўнинчидан мактаблар ёпилиб, ҳамма теримга тушармиш. Юқоридан буйруқ бор. Ўқишни бир бошлаб, бир ташлаб юришларига ҳайронман, бир йўла декабрга тайин қил — вассалом! Менга қолса-ку, буларни етти йиллик мактабларни очардим. Ёзув-чизувни ўргансанг бўлгани-да! Зеҳнлиран ўқишни давом эттираверсин, ўша маҳаллар ҳам уларга йўл очиқ эди. Ҳозир ҳаммаси аралаш-қуралаш.

Эсон бригадирнинг ёши қирқ бешлардан ўтган, етти-саккиз йилдан бери шу касбда. Ажабнинг отасидан тўрт-беш ёш кичик, бироқ улар бир хил фикрлайдилар. Ёш-ялангларнинг деҳқончиликдан совиб бораётганини ҳам ўқишдан кўришади. «Ҳамма одам ўқиб нон ейман деяверса, деҳқончиликни ким қилади?» — деган луқмаларига тайинли жавоб беролмасанг борми, ўзларича мамнун кулиб ҳам қўйишади.

Ажабнинг шашти ўзгариб қолганини Дунё ҳам сеза бошлади.

— Ай қиз, сенга нима бўлди? Бўшаганинг-бўшаган... — деб қолди у.

— Қайдам, силлам қурийдим... Қилтомоқ бўлмадиммикин?

— Тилинг қапишгур-а! Қилтомоққа учраб, нима, сен етмиш яшар кампирмисан? Мадоринг қочган бўлса, янтоқнинг соясига ўтиб ёт. Худого шукр, опангда бир девнинг кучи бор, икки одам учун ҳам чопаверади, сен боғлаб улгурсанг бас. Ке, қўй, отвор шу кетмонни!

— Қора чой ичаяпман, тузалиб қоларман!

Бу йил қизлар учун ҳордиқ чиқаришга ҳам рухсат берилмади. Улар кетмонни қўяр-қўймас, белларига этак боғладилар. Эсон бригадир:

— Сизлар барибир уйда тинч ўтиролмайсизлар, — деди кўзини лўқ қилиб. — Бу хандон уриб очилган пахталарни ташлаб кетолмайсиз. Биламан сизларни, сабрингиз чидамайди. Дам олинг десам, мени ёмон кўриб қоласизлар. Хўш, дегандай, бошингиз чимилдиққа кирса, иш сизлардан қутилади. Майли, пахта теримга тушаверинглар, мусобақа ўйнаб соврин талашинг, келин бўлганингизда кийишга кийим ҳам керак...

Йиғим-теримнинг ҳам ўз қизиқ-ҳаваслари бор. Кўм-кўк япроқлар орасидан кўринган оқ-оппоқ чаноқлар тўлиб-тошиб туради. Белингга боғлаб олган этак ҳам дарров тўлади, оғирлашади. Пахталар ҳам топ-тоза... Этагинг тўлиб, тўкканинг сайин яна тергинг келади, ҳавасинг ортади. Бироқ мана шу ҳавас Ажабни бу йил тарк этди. Этагидаги пахта оғирлашгани сари белининг оғриғи кучаяди, боши тарс ёрилгудай бўлиб, кўнгли озади. Узича: меники бошоғриқ бўлса керак, шунга ҳам шукр қилай, отинг ўчгур сариқ бўлмасам кошқийди, деб қўяди. Фикру хаёлини сариқ эгаллаб олган, лекин ҳақиқатан ҳам шу касалми, йўқми — докторга йўлиқишга қўрқади. Аниқлаб олай деса-ку, бунга кўп вақт ҳам кетмайди — Майрам билан бир отизда пахта териб юришибди, у ўтган йили сариқ билан оғриб, бир ой райондаги касалхонада ётиб келди. Ажаб касалининг белгиларини билдирса, Майрам дарров айтиб беради, докторга кўринишнинг ҳам кераги йўқ. Аммо, айтгиси келмайди қайтанга, унинг кўзига кўринмаслик керак, деган ўй кўнглида пайдо бўлган. Тенгдош, бўйдош қизнинг сариққа чалинганини билса, эҳтимол севинар ҳам, ахир ҳар ким гоҳо бир дарддош кўмсайди: одам шундай, қувончда эмас, қайғу-ташвишда ўзига ҳамроҳ истаб қоларкан.

Ажаб ногоҳ ҳамма ташвишларини унутиб, парвойфалак юргиси келади. «Садқаи сар кетсин шу гумон-у, қайғулар. Бахти нигундирманки, сариққа чалингандирман. Лекин Майрам ўлмади-ку! Мен ҳам ўлмайман!..» Шундай деб ўйлайди-ю, ўзига ёпишиб олган дарднинг сариқ эканлигини ва бутун вужудини, фикру хаёлини тушунисиз хавотирлар, қўрқув-ҳадиклар эгаллаб олаётганини ҳис қилди. Куч-қуввати кун сайин уни

<sup>1</sup> Эже — она.

тарк этиб бораётир, иштаҳаси йўқ, ёғ-юққа кўз ташлагиси келмайди, юганини қайтариб ташлайди. Иссиқ кунлари билқ-билқ тупроқ остидан кўтарилган дим ҳаво кўнглини оздиради. Ҳўл тупроқнинг ҳиди-ку, нафас олганида худди балиқлари ўлган кўлмак сувнинг бадбўйидай димоғини ёриб юборай дейди. Ажаб эса кўлмак сувнинг ҳам, балиқнинг ҳам ҳидини ёқтирмасди.

Ён томондаги пайкалнинг пахтасини машинада теришга мўлжаллаб, ғўза япроқларини тушириш учун самолётда дори сепа бошладилару, Ажабнинг ўлим топишига бир баҳя қолди. Осмондан ёлғирдай қуюлаётган бутифоснинг кўм-кўк чанглари шамол билан Ажаблар пахта тераётган майдонга ҳам етиб келди. Қўланса ис мияни айлантдириб, танглайни қотиргудай эди. Қиз қайга бош олиб қочишини билмай қолди. Этагини ўқариққа отиб, орқа томондаги тутлар қатор экилган ёп<sup>1</sup> тарафга йўналди. Унга ҳеч ким қарамади ҳам, ҳамма пахта териш билан банд эди. Далада пахта бор экан, одамлар бошини кўтарармиди. Оҳ, жонинг соғ бўлса, сепиш экан-ку, самолёт тепангда туриб дорисини қўймайдими! Ажаб касал ахир, касал, касал!

У одамлар пахта тераётган майдондан нари кетиб, сувсиз ёп ичига ўзини ташлади, баданида жондан асар йўқ, худди бўз-читдай ёйилиб ётди. Теварак-атрофга ёйилиб бораётган сассиқ ҳиддан қутула олмас, нафаси қайтиб-қайтиб кетарди. Бу бад бўй оламни тутмоқда, бу бад бўй Ажабнинг ўпка-бағрини оғзидан суғириб олмагунча қўймайди-ёв! У ўқчий бошлади. Ҳар ўқчиганида кўкрагида пайдо бўлган шиддатли куч оғзидан зарб билан чиқмоқчи бўлар, лекин чиқа олмасди. Зўриқишдан Ажабнинг вужу-ди совуқ тер билан қопланди. У ўз дардини ўзига сўзлаб ётарди:

— Улдим-эй!..

Йўқ, у ҳали ўлгани, ўлимнинг ҳақиқий даҳшатини тасаввур қилгани йўқ.

Ҳеч ким унинг изидан излаб келмади. Пахта териб юрган опалари, укалари ҳам. Улар Ажабни йўл билан уйга қайтди деб ўйлашганди.

Кечқурун Ажабнинг терган ярим қанор пахтасини кўриб Эсон бригадир ҳайрон бўлди.

— Сени нима жин урди, Ажаб? — деди.

Қиз жавоб қайтармади. Мабодо унинг кам пахта терганлигининг сабаби — касаллиги юзи-кўзидан, юришидан маълум эмас экан, демак, кўриниши тузук... Демак, хасталиги... Бу фикр Ажабнинг кўнглини ёритди. Лекин умиди узоққа чўзилмади. Дунёнинг айтган гапи унинг дилида милтираган чўғни ўчирди:

— Вой-ей, Ажаб, кўзинг сарғайиб кетибди-ку!..

\* \* \*

Бу гапдан Қизгул эрини хабардор қилди:

— Қизингиз шу балога йўлиқибди, қизим бечоранинг гулдай тарзи сап-сариқ бўлиб бораётир.

— Ишга қўйворма уни.

— Менга қолса докторга ҳам юбормайман. Касалхона деб бир дўзахни очиб қўйибдилар, ётганлар дод дейди, ичига итингни ҳам киритгинг келмайди. Тўртта-бешта бит топилса яхши бўларди. Ичиб юборса... Эми-йўли шу сариқнинг дейишяпти. Бит жониворлар жигардаги сариқ сувни шаппа-шаппа сўриб, кейин ўзлари тушиб кетармиш. Қизингиз оғримайди ҳам, қийналмайди ҳам. Наридан борса беш-ўн кунда тузалади дейишяпти. Мен шу одамларнинг гапига ишонаман... Жуда ишонаман. Эл-юртнинг битга ботиб юрган маҳалини ҳам кўрдик. Тандининг ичига кийимларини қоқарди одамлар, ўзингиз ҳам биласиз-ку! Чўққа тушса шишиб ёрилармиди-ей, тандининг ичидан чарс-чарс овоз эшитиларди... Бола бўлсак-да, шу овозлар қулоғимизда қолган. Сариқнинг ўзи ҳам йўқ эди у пайтлар. Худой ҳар жониворни бир мақсад билан яратади, деганлари шу экан-да! Бит жониворнинг ўзи тугул оти ҳам йўқолди энди. Бу қуриб кетгур самолётлар кечаю кундуз тепамиздан заҳар сепиб ўтади. Сариқ асли шу дорилардан экан, газеталар ҳам ёзаяпти, эл-юрт ўқияпти. Ҳукуматнинг газетлари шундай деб турган бўлса, энди бу самолётларнинг қилаётган иши нимаси? Ё самолётлар ҳукуматники эмасми? Газетага қулоқ соладиганлар борми, йўқми?..

Боқи хотинининг ҳамма гапини маъқуллаётгани йўқ, лекин эътироз қилгиси ҳам келмади. Тўғри, заҳар, азот кўп сепиляпти. Қовун-тарвузнинг ҳам мазаси қочди, помидорни уйда икки кундан ортиқ сақлаб бўлмайди, эриб-оқиб кетади. Дори кўп сепилганидан буён сариқ ҳам эл орасига кўп тарқалди. Лекин, мана шу Боқи, болалигида заҳарли дорини қўлида ўйнаган, таъсири менда ҳам кўриниши керак эди-ку, деб ўйлаиб қолади. Кўриниб турибди, дуст бориб турган заҳар экан. Ҳозир бутун ер юзида ман қилинган дейишади. Қирқ тўққизинчи йилда, ғўзага қурт тушганида шундан кераклироқ дори бўлмаган эди. Баҳоси ҳам қиммат. Одамлар у ҳақда эшитиб, жуда умидвор бўлишган, қанча қиммат бўлса, шунчалик фойдали, дейишганди. Шундан кейин, ғўзанинги гунчасини, шонасини ямлаб ютаётган қуртга қирон солсин деб, заҳарни осмондан само-

<sup>1</sup> Ёп — каналча.

лёт билан тўқдилар, ерда юриб насос билан пуркадилар. Заҳар тўла насосни орқалаб, далама-дала дуст пуркаганларнинг бири — мана шу Боқи. Аввалига оғзингизга дока танғиб ишланг, дейишди. Эртаю кеч сут ичиришди. Сўнг-сўнг сут ичириш қолиб, заҳарга жуда ўрганишди одамлар, унинг зарарли эканлиги ёддан ҳам чиқиб кетди — фақат қурт-қумурсқа учун зиён, инсонга даҳлсиз дорига айланди. Бора-бора челақларни тўлдириб олиб, ғўзаси чопилган зғатлар орасига қўл билан сепдилар. Сепиб юрганлар ким денг? Улар муштдайгина ўғлонлар, қизлар эди. Қумурсқа қиришга ҳам дуст, суваракни йўқотишга ҳам дуст — хуллас, энг зўр, обрўли дори сифатида у ҳар бир хонадондан ўрин олди. Димқлар унинг ҳидига ўрганди, кўнгил озишлар қолди, бирон-бир одам дустнинг зиён эканлигини оғизга олмай қўйди. Айтилган бўлса ҳам, бу гаплар энди-энди очикқа чиқяпти. Дуст ер юзида ман қилинган пайтда ҳам Боқилар уни елкада кўтариб, орқасига юклаб, «қайда пахтазоринг», деб юраверган экан.

Кейинги топилган заҳарли дориларга нима дейсиз? Ғўза арзанда-азиз, уни деганда одам ўзини ҳам унутар экан. Бу экиннинг меҳнатини айтмайсизми! Ғўза — инжиқ-эркатоё бола, ўсимлик эмас. Унга жавзонинг иссиғи — ёв, салқин ҳаво — ёв, улоқдан тортиб қурт-қумурсқагача — ёв. Касалманд болани дори-дармон билан сонга қўшгандай, буни ҳам илдизидан, ҳам баргидан йил бўйи дорилаб туриш керак. Худога шукр, Боқи ҳали оёқда тик юрибди, ёши эллиқдан ўтди, эҳтимол, дустга ўрганишган қуртларга ўхшаб унинг бадани ҳам заҳарли дориларга кўникиб кетгандир. Лекин мана бу ёш-ялангларнинг касалланиб-оғриб ётишлари яхшилиқка эмас. Э, айтаверса гап кўп. Боқининг тенг-тўшларидан ярми аллақачон дунёдан ўтди — уларнинг кўпини бедаво дард оёқдан чалди.

Боқи хотинининг битга алёр ўқиётганини ёқтирмаётган бўлса ҳам, бошқа бирон тузукроқ йўл-йўриқ кўрсатолмагани учун:

— Бу гапинг докторларга маъқул тушмайди, — деб минғирлади.

— Қуриб кетсин ўша докторлар! Шулар кўпайдию, касаллар ҳам тиқилиб кетди. Асли битни йўқотгунча шуларни йўқотиш керак эди. Порахўр, нажаслар!

Бит топиш Қизгулга жуда қийин бўлди. Нима бало, унга зор одамлар шунчалик кўп эканми? Нариги қишлоққа кираверишдаги катта кўприкнинг ёнига баъзи пайтлар бир банги одам чиқиб ўтиради, кўнгилни топсанг, шу одам ишингни битиради, дейишди. Унинг инсофсизлигидан нолиб ҳам қўйишди. Авваллари битта битини уч сўмдан сотаркан. Ҳозир беш сўмга чиқибди. Яқин орада битини сотадиган бошқа биров топилмаса, ўн сўмга чиқаради-ёв. Бангида инсоф бўладими?!

Қизгул эридан умид қилди:

— Сиз билан бирга ётиб-турадиганларнинг орасида йўқмикан? Дорилаш бошланганда ҳаммаларинг бирга ишлаб, бирга юрасизлар. Кийган кийимларинг ҳам алламбало. Бит жонивор ҳам одамлар кўпчилик бўлиб ухлайдиган жойларда бўлармиш... Узингиз ҳафтада-ойда бир ювинай демайсиз, кийган кўйлагингиз шу куниеқ қоп-қора бўлади-қолади.

— Э, бизнинг ишимизга бит чидармиди, ҳалиям биз кўниб юрибмиз-да!

Йўқ, Қизгулнинг бу умиди ҳам пучга чиқди. Энди нажот ўша бангидан: ҳар битта битига ўн сўмдан нарх қўйса-да, олади. Уни инсофсиз деб ҳам бўлмайди, чунки ўзи етиштирган нарсага ўзи нарх белгилайди; инсофсиз деб анавиларни — ҳукумат чиқарган дори-дармонни беш-ўн ҳисса қимматига сотадиган аптекачиларни айтиш керак! Ҳар урган уқолига пул оладиган, касалхонадаги ўринларга нарх қўядиган докторларни айтиш керак! Уларнинг кийимлари оқ бўлса-да, ниятлари, инсофу юраклари қора! Агар Қизгул излаган бит уларда бўлса борми, донасини ўн беш сўмдан пуллардилар. Эвоҳ, бу ноинсофларнинг қўлига Ажабни топширмай дардини даф қилиш мумкинмасмикин? Худо қарам қилибдики, чексиз-чегарасиз саҳрода бандаси Хизр алайҳиссалом билан учрашган экан, наҳот Қизгулга исқирт бир бангини раво кўрмаса!..

Минг орзу-ният қилмасин, Қизгул нажот кутган бангини учратолмади. Мана икки кунки, эрта тонгдан кўприкнинг ёнига келиб кутади. Учинчи кун нохуш хабар эшитиб, қарғанди: қўшни қишлоқдан келган бир ер юткур бечора банги устидан милицияга шикоят қилибди. Нима бўпти дейсизми, беш сўмдан сотиб олган битларининг иккитаси ўлик чиқибди. «Сен мени алдаб ўлик бит сотибсан» деб ўшқириб, устига келибди. «Мендан олиб кетганимда жони бор эди, қимирлаб ётувди-ку» деса, «чалажон битни сотишга ким рухсат берди?» деб ўдағайлаб, шўрликдан ҳам пулини қайтариб олибди, ҳам милицияга ёмонлаб борибди.

Қизгул ноумид, ҳафсаласи пир бўлиб қайтиб келар экан, қишлоқдаги бангилардан хафа бўлиб кетди. «Ўз фойдасини билмаган аҳмоқлар, сизлардан жирканиб, айб қидираётган одам борми, бир қишлоқда яшаб, бошқа бир қишлоқдаги бангига муҳтож қилиб, сарғайтириб қўйганларинг яхшими? Анави бангига ўхшасаларинг ўласанларми? Боқинг, кўпайтиринг! Сўраб келганга иштонингизнинг оғидан олиб беринг! Қанчадан десангиз инсоф ўзингизда, зарур банда керагича олар, қолгани ўзингизга қолади-ку!..»

Хуллас, Қизгул бит излаб саргардон кезиб юрган кунларнинг бирида докторлар келиб, Ажабни касалхонага олиб кетишди.

Ажабни қўшни қишлоқдаги касалхонага сентябрнинг йигирмаларида ётқизишди. Ашхободдан малакали докторлар келган кунлар экан. «Бунча бахтли бўлмасанг!..» — кўпдан ётган касаллар унга ҳасаду ҳавас аралаш қарашарди. Қизнинг омади чопгани шу-да: катта докторларнинг қўлида Ажаб тез соғаяди, бошқа беморларга ўхшаб узок чўзилиб ётмайди, улар билан тенг, балки олдинроқ соғайиб чиқиб кетади. Бу фикр Ажабга олам-жаҳон умид бағишлади.

Катта доктор деганлари ўрта бўйли, тўладан келган, сочлари оқариб қолган, юзи ялтираб турадиган киши экан. Унинг юқоридан келганлигини эгнидаги оппоқ халатидан ҳам билса бўлади. Республикада сариқни шу кишидан яхши биладиган йўқ, деган мақтовлар ўзидан аввал етиб келган эди. Ленинградда ёқлаган диссертацияси ҳам асли сариқ касаллиги ҳақда, дейишади.

Катта доктор кирмасдан аввал, гапирганда бошини силкиб турадиган озғин, бурундор фельдшер хоналарни айланиб чиқди.

— Уртоқ беморлар, — у тантанали оҳангда гап бошладику давоми ўзига қийин тушишини англади шекилли, бироз каловланиб қолди. — Ҳар хил бўлмағур шикоятлар билан катта докторнинг бошини оғритманг, шафқат қилинг. Ўзининг дарди бошидан ошиб ётибди: икки ойдан бери бола-чақасининг дийдорига зор, областларда, районларда саргардон кезиб юрибди. Бизларсиз ҳам унга шикоят қилувчилар оз эмас. Урин йўқлигини айтиб нолиманг, барибир яқин орада шинам касалхона солинмаслиги аниқ. — Фельдшер ичидан дами чиққандай бўшашиб, бошини лиқиллатиб қўйди. — Ҳозир кузги чивинларнинг кўпайган маҳали, ҳадемай совуқ тушиб, битта ҳам қолмай қирилади — кутуласиз. Қирилмаганда нима бўпти, сиз бу ерда умрингизнинг охиригача яшармидингиз, тезроқ чиқиб кетишининг йўлини қилган маъқул! Чиққандаям тузалиб чиқиб кетинг. Катта доктор ҳам сизнинг тезроқ соғайиб кетишингизни ўйлайди. Уни бу ерга олиб келишнинг ўзи бўлдимми!.. Шикоят қилманг, деразадан кўриниб турган оғилхона билан ҳам ишингиз бўлмасин. Тезак исини умр бўйи ҳидлаб кўрмаган одамдай ётинг. Бунақа майда гаплар эсингизга ҳам келмасин, сизга айтяпман, сизларга айтил-япти бу гаплар!.. Қишлоқда яшагандан кейин, чивин бўлмасинми?

Ажабдан икки каравот нарида ётган аёл:

— Шу турмадан мени чиқарворинг, ўладиган бўлсам уйимда ўлай! — деб ялинган эди, фельдшернинг лаблари титраб, юзи темирдай қорайиб кетди. Шунга қарамай илжаймоқчи эди, бироқ юзида илжайишдан бошқа, ёмонроқ бир аломат зоҳир бўлди.

— Нортोज янга, биринчидан, биз бор эканмиз, сизнинг ўлимингизга йўл қўймаймиз. Иккинчидан эса, сизни уйингизга юборсак, бола-чақаларингизнинг жони хавф остида қолади. Теварақдаги соғ одамлар учун хавфлисиз, касалингиз юқади. Сиз ҳатто бизлар учун ҳам хавфлисиз — ҳукумат шунинг учун ўттиз процент ошиқча ҳақ тўлайди бизга...

Фельдшер хонадан чиққан заҳоти қўшни каравотда ётган ёш келинчак Ажабга юзланди.

— Ҳой қиз, ҳалиги озғин қурбақа укол қиладиган бўлса, чўнтагингда бир-икки сўминг бўлсин. Қўл ҳақини бермасанг, ё бошқа доридан юборади, ё бўлмаса игнани қайнатмай тикади.

Ашхободдан келган катта доктор Ажабнинг ёнида кўп ҳаялламади, кўзларини, юзини, тилини кўрди, нафас олишини тинглади, аҳволини суриштирди.

— Бироз ўтказиб юборибсан, синглим. — деди. У қанча мулоим кўринмасин, Ажаб унинг гапларида ачиниш оҳангини туйди. — Мадоринг қочиб, иштаҳанг кесила бошлаган вақтдаёқ врачга кўринишинг керак эди. Кўнглинг озгани, еганларингни қайтарганинг, ошқозонингни оғрий бошлагани — бари, ички аъзоларнинг ишламай қўйганидан далолат. Шунақа, синглим. Соғлигингга путур етдими, ишни ҳам, дунёни ҳам унут. Ёки уйда сени биров ишлашга мажбур қилдими? Тўғриси айтивер...

У ўз саволидан ўзи қизаринди, бошини четга бурди-да, жавоб кутди. Ажабнинг сап-сариқ кўзлари дувва ёш билан тўлди, мунчоқ-мунчоқ кўз ёшлари ҳам сариқ рангга бўялгандай туюлди, гапирмади. Катта доктор ўрнидан турди.

— Қайғурма, синглим, тузалиб кетасан, — деди. Сўнг икки қатор каравотда ўтирган касалларга юзланиб, сўзида давом этди. — Сизларнинг зиммангизда фақат битта вазифа бор: парҳез тутишингиз керак. Олти ой, бир йил, икки йил. Бу касалликнинг давоси — парҳез...

\* \* \*

Ун биринчи октябрь куни Ажабнинг синфдоши Қодир касалхонага келди. Изингдан одам келди, деганларида Ажаб укаларимдан бирортасидир-да, деб ўйланди. Қодир эсига ҳам тушмаган эди. Тутнинг остида девдай бўлиб турибди: елкалари ўйнаб-ўйнаб

кўяди, юзи яшнаб кетган, гавдаси тўлишган, ёшига яраша эмас. Тор жинси шим қомати-га ёпишиб турибди.

— Жинси муборак бўлсин, ўғлон.

— Ҳа, буми... — Қодир кўнгли хуш келиб, шимига назар ташлади, ихчам, ўзига ярашиб тушганини таъкидламоқчидай, таранг сонларини шапатилаб кўйди. — Юз сўмга олдим. Авазларга ғишт қуйиб бердим, сенга айтувдим шекилли, ғишт қуйяпман деб. Авазларнинг уйида ишлаб юргандим-да, ўшанда. Белим оғриди-ю, ташлаб кетдим. Кетиб қолдинг, деб Аваз аччиқланди, бел оғригимга ортиқча тўла, қуйиб бераман дедим. — Қодир мамнун кулди. — Баҳона-да бу, ғишти бош-оёғимдан нари. Уч юз берди, юз сўмига шуни олдим... Икки юзини сақлаб кўйдим, отамга бермадим.

— Буёқларда нима қилиб юрибсан?

— Э, қизиқ экансан-ку!.. Аҳволингни билай деб келдим. Тушимга кирдинг, нон урсин, тушимда кўрдим сени! Нима егинг келяпти деб сўрасам, сабзи ейман, дединг. Сенга икки челак сабзи кўтариб келдим, мана! — Қодир унқопга солинган сабзини очиб кўрсатди-да, Ажабнинг оёғи томон суриб кўйди. — Сабзи ейиш керак деб, докторлар ҳам айтади, сариқнинг эми шу. Е-да ёт, пахтани хаёлингга ҳам келтирма. Касалингни ўйлаб қийналма ҳеч. Отам, бу йил ҳам план тўлмайди, дейди. Январгача ўқиш йўқ, ўтган йилги машмашалар бу йил ҳам такрорланади. Совуқда, қип-яланғоч далада белга этак боғлаб, санкиганинг-санкигани... Шу ерда туравермамизми қаққайиб, ўтирадиган жой йўқми?

Қодир касалхонага туташ тутзор томон йўналди. Ажабнинг у ёққа боргиси келмади. Кесак отгудай нарида фанердан тикланган ҳожатхона чивин ва аҳлатга тўлиб-тошиб кетганидан беморлар тутзорга сўқмоқ орқали ўтардилар. Миянгни чайқатиб юборувчи кўланса ҳиддан, чивину пашшадан бир зум ўтиргудай, сайр этгудай жой қолмаганди. Касалларнинг арз-додлари шундан эди. Оғилу молхоналардан келадиغان чивинлар кўпайса кўпаярдик, озаймасди. Шунақанг чивинларки, оғзида тишлари борми, кўнган жойини чўқиб-юлиб опкетаман дейди. Баднафс. Бир бало бўлган уларга. Учиб келган заҳоти овқат тўла қосангга ҳам, чой солинган пиёланга ҳам калла ташлашади. Ҳатто қайноқ сув ҳам уларга таъсир қилмайди — ўлмайди! Касалхонада тайёрланган овқат ичида ҳам оёқ-қўлини ёзиб, сузиб юрганини кўрасан. Илимилқ-да! Кўнгил тортмайди. Ҳар ким уйдан иссиқлик кутади...

\* \* \*

Октябрь келиб, совуқ тушди. Деразаларнинг иккови ҳам нобоп: бирининг ойналари, иккинчисининг умуман ўзи йўқ. Охири беморлар тил бириктиришиб, бош врачга гапнинг пўскалласини айтишди: «Шу аҳвол давом этса, биз бу ерда бир кун ҳам қолмаймиз!»

Бош врач — узун бўйли, тор пешона, қуюқ сочли, тош юзли одам.

У босиқ оҳангда:

— Бу ишингиз фитнадан бошқа нарса эмас, ўртоқлар, — деди. — Бемор бўлсангиз ҳам, кўзғолон қилмоққа ҳақингиз йўқ. Ҳукуматга ёқмайдиган иш қилманглар.

— Ҳақ-ҳуқуқ деган нарсани оғзингга олма, тилинг калталиқ қилиб қолади, — деб қичқирди иккинчи марта сариққа йўлиққан озғин аёл, қопдай бесўнақай халат ичидаги гавдаси шиддатнинг зўридан титраб. — Гўё сен ҳукуматга ёқадиغان иш қилиясан-у, биз унга қарши чиққан одамдай, товба қилишимиз керак экан-да!

Бош врачнинг кўзларига қон тўлди, лекин ўзини тутди.

— Дардингизга чидай олсангиз, минг яшанг! Хўп, ким кетмоқчи бўлса, ихтиёрим ўзимда, деб тилхат ёзинг-да, жўнанг — йўлингиз очиқ.

— Уз ихтиёри билан эмиш-а! Ким сенга шундай тилхат ёзиб беради? Биз кетсак, бўриларинг кундузиёқ увлай бошлар, ҳукуматнинг балнисага ажратган нарсаларини бус-бутун ямламоқчисанлар-да! Оғизларинг аждарҳодай очилиб турибди, очилиб ўлгурлар! Ҳалиям касалларга ажратилган нарсанинг ярми сенларнинг томоқларингдан ўтади!

Ғазабдан юзи қора оловга айланган бош врачнинг ширин сўзлашга уриниши зое кетди, туман босган кўзларидаги қаҳрни яширмак унга осон эмасди.

— Қанийди, ҳамма жойда қонунга кўра ишлаб бўлсайди... Қонун асосида ишла-шингга йўл қўймайдилар. Бу биноларни аллақачон йиқиб-суриб ташлаш керак эди. Бошқа иложимиз йўқ, ҳозирча бир амаллаб тур, дедилар. Хўп, сизнинг касалингиз планда кўзда тутилмаган, пландан ташқари касалланган одамларсиз. Бинонинг ҳалигача бузилмай турганига сабабчи ҳам сизларсиз! Чунки, соғлиқни сақлаш маҳкамаларининг беш йиллик планига кўра касалланмасдан, уни бузган одамларсиз. Қачон, қайси касал-лик билан оғримоқчи эканлигингизни ўтган йили, ундан олдинроқ билдирмоғингиз шарт эди. — Бош врач ўзига ҳайрон боқаётган беморларга юзланиб, аччиқ илжайди. Кинояли сўзларининг таъсири кўринмасди, улар бош врач бизнинг устимиздан қуляпти, деб ўйлаётган бўлсалар ҳам ажаб эмас. Аҳволни батафсил тушунтириб беришга унинг хоҳиши йўқ эди. Шунинг учун ҳам, ғазабига бас келолмай, яна озғин аёлга қараб тўн-ғиллади. — Ақча, сен тухмат отишингни бас қил, жонимга тегдинг!

У ўзининг сўнги сўзидан ўкинди, бироқ энди кеч эди. Кетмоқчи бўлганди, Ақча йўлини тўсди:

— Жонингга теккан бўлсам, ўлдир-да, қутул! — у чўпдай ориқ қўлларини силтади. — Заҳар бер-да юбор, ҳеч ким гумон ҳам қилмайди. Қанақа дори беряпсан деб сўраган пайтим бўлдим, оғу тутсанг ҳам миқ этмай ичиб ётибман-ку!

Бош врач ёқимсиз илжайди, ҳазиллашмоқчи бўлди:

— Сизларнинг баданингизга оғу кор қилсинми, унга ўрганиб кетгансизлар.

— Ўзларинг оғудан бешбаттарсизлар. Ўтган сафар мана шу ер ютқур балнисангда бир ой ётдим, осма укол қиладиган нажасинг ўттиз сўм пулимни олди. Соғайдинг, алламбало бўлдинг, деб чиқариб юборган ўзинг-ку! Соғайган бўлсам қайтиб келармидим? Сенларга пора керак, балонинг ўқини олгурлар. Уч кундан бери анави ебтўймасинг менга осма укол қилмайди, хабаринг борми шундан? Билиб қўй, ўлсам-да энди беш тийин бермайман. Олгани ҳаром бўлсин, ёмон кунига яратсин... Кейин, сенинг хотининг ҳам менинг кўнимга тушмаса, худодан рози эмасман! — Ақча чидамади, юзини қўлларига босиб каравотга чўқди, овозини қўйиб йиғлаб юборди. Бош врач хонадан шитоб билан чиқиб кетди. Аёл ҳамон ўз дардини айтиб саннарди. — Худойжон, жону жаҳоним кўйиб битди, чулдираран норасидаларимнинг олдида қачонгача юришимни билмайман, яна берадиган тирноғинг ортиқча-а!.. Кўрса кўз қувонгудай соғлом бола энди мендан туғилармиди! Дардимга дард қўшиб нима қиласан, худойжон!..

Ҳамма ер чизиб жойига тарқалди. Касалхонага юракни ютиб юборувчи жимлик, ғам-ғусса чўқди. Бу сукунат, тушлик овқатдан сўнг тартиб-қоидага кўра давом этадиган сокинликдан бошқача эди. Уйқучи беморларнинг ҳам кўзлари очиқ, фанер қоқилган кир-чир шифтга тикилиб ётардилар. Ажабнинг кўнглича, ҳар бир бемор ўз аҳволини Ақчаники билан қиёслаб, аниқ бир натижа чиқариш учун зўр бераётганга ўхшарди.

Бош врач билан бўлган воқеа Ажабнинг ажиб туйғуларини яқсону пайҳон қилиб ташлади. У ўзини унуттиган, хароб бўлган кимса деб ҳис қиларди. Энди катта оламга — соғлом одамлар яшаётган ҳаётга қайтиб боролмайди, борганда ҳам, барибир. Ақчага ўхшаб яна касалхонага — келган изига йўналади, ғириллаб айланаётган машъум гирдоб унинг ёшини, нозик-ниҳол қаддини аяб ўтирмайди. Аслида унга теккан дард ўйлаганидан, эшитганларидан ҳам баттар экан. Ҳозир у, одамларнинг кўришганларидан билдираётган тасаллилари, яхши ниятлари кўнгил юпанчи эмас, балки ҳийла, тилёғламалик эканлигини англаб етди.

Кўнглида шундай ғалаёнлар кечаётган бир пайтда Ажабни излаб одам келганлигини айтишди: ташқарига чиқиб Қодирни кўрди, ўзича ундан миннатдор эди. Нима бўлганда ҳам хаёли олинган, ҳарқалай, оғир ўйлар исқанжасидан халос бўлганди.

Икковлон сув оқиб ётган ёпнинг бўйига, тол соясига бордилар. Ёпни ёқалаб кетган йўл кимсасиз. Узоқдаги қишлоққа куз осудалиги чўккан эди. Табиатга куз бахш этган осудалик ҳақида Ажаб китоблардан кўп ўқиган бўлса-да, шу пайтгача саҳий фаслнинг бу янглиғ хусусиятини юрак-юракдан туймаган экан. Пахта йиғим-теримининг бўл-ҳобўллари, шовқин-суронлари бундай нозик, китобий туйғулардан мутаассир бўлмоққа имкон қолдиради дейсизми. Узун кун этагингни белингга боғлаб, янги чиққан майсани талашган бузоқлардай, пайкаллар ичида «жавлон урасан», қоронғи тушганда тинкамдоринг қуриб уйингга кириб келасан. Чой-ёвғонингни ютиб, телевизор олдида уйқуга кетганингни билмай қоласан. Фақат ҳавонинг совуқ-салқинлигини ҳис қиласан, кузнинг осудалиги, фаровонлиги ёдингга ҳам тушмайди.

Ажаб куз кўркини касалхонада ётган кунларигагина англаб етди, инсоннинг табиат хислатларидан завқланишга қодир эканлигини билди. Билди-ю, кўнглида уйғонган ҳиссиётдан ўзи кўриб кетди — бу ҳиссиёт дунё билан видолашаётган ҳастанинг қалбига ғусса билан менгзаш эди. Ажабнинг назарида бу гўзал, осуда дақиқалар... касал эканлигини бўйингга олиш учун, ўлимга иқрор бўлиш учун берилган фурсат эди...

### 3

Унинг декабрда мактабда ўқиш бошланди. Ўзларига қолса шўрлик ўқувчиларни қип-яланғоч бўлиб қолган пахтазордан ҳали-вери чиқармасдилар-у, айтишларига қараганда, Москвада чиқадиغان катта газеталарнинг бирида танқидий мақола босилган эмиш. Мақолани Омон муаллим ҳамма ўқитувчиларнинг олдида ўқиб берибди. Унда: «Республикага саводли-билимли одамлар керак эмасми?» деган гаплар бор экан. Шу куннинг ўзидеёқ, ўқувчиларни энди даладан чиқаришар, ўқиш бошланар, деган илнингда йўл қарашди. Планинг тўлмаслиги маълум. Ердан пахта ўрнига хас-чўп териш — ақлсизлик! Умидлари узилиб, тоқати тоқ бўлган Аваз муаллим: «Элдан бурун ноғора қоқманглар, ўқувчиларнинг афтодаҳол юрганидан Москвадагилар беҳабар дейсизми? Москвадан берухсат ўқиш тўхтатилармиди?! Газетада ёзиб юришнинг ҳеч кераги йўқ эди, у ердан бир кўнғироқ келса — ўқишни бошланглар деса, ким йўқ дейди? Газета танқид қилмоқчи экан, нега ноябрнинг бошларида босмайди бу мақолани?» — дебди.

Ўқиш бошлансин деган буйруқ беш кундан кейин келди.

Ажаб Қодирнинг ўзига алоҳида эътибор билан қараётганини сезмас, аксинча,

икковлари дучлашиб қолган пайтларида ола қараб, терс бурилиб кетарди. Шундай бўлса-да, Қодирнинг сўнги учрашувда айтган сўзлари тез-тез эсига тушарди: «Ўзи аслида ёмон ниятда ёнимга бориб юрган экан», деган фикр унинг нафсониятига тегарди. Ким билсин, балки Қодир бошқа қизларни ҳам ўпмоқчи бўлгандир, Ажабга айтган сўзларини уларга ҳам айтгандир? Бу ҳақда бирорта қиз Ажабга дил ёрмади. Ажаб ҳам сўрашга уялди. «Қодир сирни очиб қўймаса бас!» Ажаб шундан бошқа нима ҳам дерди, ўзи-ку, ўша уятли воқеани юрагининг туб-тубига яшириб қўйган. Аммо, барибир, унинг кўнгли шубҳадан ҳоли эмас. Узинча: «Наҳотки, мен четдан қараганларга енгилтак, ўпти-раверадиган қиз бўлиб кўринсам?» — деб эзилар, баъзан йиғлаб юборгудай бўлар, Қодирни ёзғирарди: «Бормай кетгур! Мени шунчалик дарду азобга қолдирди-да!..»

Кунлар шу тарзда ўтаверди.

Мактабни битириш муносабати билан ўтказилган тантанали кечада Қодир: «Сен ўқишга бормайсаними? — деди. — Мен Нархозга кетяпман».

«Ўқиш мени бошига дерсинми, аттестатимда ҳамма баҳом уч».

«Тузаттириш керак, яхшилаб айтсанг, директорнинг ўзи тўғрилаб беради».

«Баҳонгни тузаттирган билан калланг тузалармиди?»

Қодир Ашхободга кетди. Ажаб учун эса, ўқувчилик йилларидаёқ жондан тўйдирган учсиз-кетсиз, ҳолдан тойдирувчи дала ишлари давом этаверди. Кейинроқ Қодирнинг имтиҳондан йиқилганини эшитди. Кетганимда мен ҳам йиқилиб келардим, деб ўйлади. Ажабдаги ўқишга, билимга иштиёқ бошланғич синфдалигидаёқ сўнган эди. Олган ҳақи ҳаром бўлгур Ахий муаллим билса-билмаса беш қўявериб, тоза боплаган экан. Булар ҳам аҳмоқ бўлиб, ҳаммамиз аълочимиз деб, дўппини осмонга отиб юраверишган. Бешинчи синфда ўқий бошлаганларида турли фанлардан кирувчи ўқитувчиларнинг фиғони кўкни қоплади: тўрт-бешга ўқийдиганларнинг ҳам боши иккидан чиқмай қолди. Ажаб ҳам шуларнинг ичида. Ўқитувчиларнинг бир йиғилиши шу масалага бағишланди-ю, Ахий муаллим маломат остида қолди: «Нима сабабдан бу фожиа рўй берди?»

Муаллим пинагини ҳам бузмади. «Менга билим берасан деган талаб қўйилгани йўқ, — деди у. — Ўзлаштириш юз фоиз бўлсин дейишди, айтганларини бажардим. Билими паст, заиф ўқувчилар пул билан, таниш-билиш билан институтларга жойлашаётганда, одамлар пора бериб амал олаётганда, бировларга диссертация ёздириб номзод бўлиш мумкин бўлгани-да мен нима сабабдан муштдай болаларга икки-уч баҳо ошириб қўймаслигим керак экан! Яхши баҳо қўйдим, деб пора сўрамайман, қайтанга уларни севинтираман. Бепул севинтираман... Уриб-сўкиб билим берсам, эртага ким уларни қучоқ очиб кутиб олади? Билимсизларнинг ўзгандан-ўзиб бораётганларини кўрганларида, азоб чекиб ўқиганлари учун бир ўзларини, бир мени қарғамайдиларми? Қарғишга қолишни истамайман. Билимли кишилар ҳаётда қийналиб яшайдилар, яшашни эплолмайдилар ҳам. Билимсизларнинг чаққонликларини, жавлон уриб яшашларини кўринг, устомонликларини айтинг! Ҳозирги давр ана шуларнинг даври. Мен турмуш фалсафасининг мағзини чаққаним учун бу гапларни айтяпман.»

Ахий муаллимни мактабдан қувмадилар. Нима деб қувсинлар? Давр ўзгарса мен ҳам ўзгараман, сенга юз фоиз ўзлаштириш берадиган муаллимлар керак эди-ку, мен ҳам шуларнинг бири эдим-да, деганча директорнинг юзига тик қарабди.

Қодирни ҳам Ахий муаллим ўқитган. Мактабдан сўнг олти ой ўқиб ҳайдовчилик қоғозини олди, машина минишга вақт қолмади, ҳарбий хизматга чақирилди. Хат-хабар бўлмади, бироқ Ажаб ундан ўпкаламади. Баллоғат ёшига етганларида йигитлар нозанинлар ичидан ўзларига ёр танлайдилар, кўзлари энг яқин турган қизни кўради. Бора-бора уларнинг ақли ўсади, дунёқарашни кенгайди. Шундай қилиб яқинлар — синфдошлар эсдан чиқади-кетади. Ростдан ҳам, қараб турсанг, синфдош қиз билан турмуш қурганлар сийрак.

Нима бўлганда ҳам, Ажаб Қодирнинг тутзорда айтган сўзларини эслаганда, бу сўзлар боланинг гапи эканлигига, энди ўтмишга айланганига ишонгиси келмасди. Уша изҳори дил лаҳзаларида Қодир унинг кўзига турмушни тушунган, катта ёшли кишидай кўринган, сўнг ҳам ўзгармагандай эди. Уша дамдаги тегинган ҳаяжон ҳеч қачон ёдидан чиқмас, истаган-истамаган маҳал вужудини эритиб, қалбини титроққа соларди.

Қодир хизматга бирга келган тенгқурлари билан қайтмади, икки-уч ой ҳаяллаб қолди. Қишлоқда у ҳақда гап чуваланди:

«У ўртоқлари билан мушглашиб, турмаган тушибди, яна бир йилсиз келмас».

«Ундаймас, Қодир госпиталда ётган эмиш, ёнидан келган йигитлар айтибди. Ақли унчалик ўзида эмас, мияси чайқалганга ўхшайди, дейишяпти».

«Биз бошқачароқ хабар эшитдик. Улар Афғонистонга қурол элтиб, қайтиб келаётганларида фалокатга учраганлар. Тан-жони соғ бўлганда келарди... Хўш, сабаби бўлмаса, ҳукумат муддати тўлганни ушлаб турмайди.»

Қодир қайтиб келганидан сўнг ҳам ушланиб қолиш сабабларини ҳеч кимга айтмади. «Ўзи оғиз очиб гапирмаса, сир оламан деб қистаманг, — деди уруш тугагандан бери мактабда военрук бўлиб ишлаган, кейин қариялар ичида энг билимдони саналиб қолган Аваздурди муаллим. — Агар бу ҳарбий сир бўлса, барибир сизларга айтмайди, уйга жўнаш олдидан сўз берадилар.»

Август ойида, қўшилариининг келин тўйида Ажаб Қодир билан дучлашиб қолди. Аввалги Қодир қаерда — тик тортган, елкалари, кўкраги кенгайиб кетган алпқомат йигит Ажабнинг устига соя ташлаб турибди. Юзининг бўздай оқлиги касалдан тузалмаган одамнинг мажолсиз аҳволини эслатади. Кўзларининг ялтираб туриши, қарашларида акс этиб турган сирли маъно Ажабга ёқинқирамади.

— Ҳеч уйқум келмайди, Ажаб, — деди Қодир қиз қалбида уйғонган ёқимсиз туйғунинг ростлигини исботлаётгандай. — Етаман-у, жаҳлим кўзғайди. Китоб варақлайман, кайфиятинг бузуқ бўлгач, ўқиш кирадим каллага. Э, бизлар аҳмоқ бўлиб юраверган эканмиз-да, вақтида ўқиш керак экан. Уқишнинг қадрини армияда билдим. Бирон ерга бурнимни тиксам дейман. Сиртқими-бошқами — фарқи йўқ. Улсам ўламанки, диплом оламан қўлимга. Аҳдим шу! Тарихда ўқимоқчиман. Тарихни яхши кўрардим-да, ўзи мактабда! Февраль революциясининг Октябрь революциясидан фарқи ҳалигача эсимда... Изингдан борганларим ёдингдами, Ажаб?

Қодир ёқимсиз оҳангда кулди. Кўзлари қизга еб қўйгудай тикиларди, худди мол сотиб олмоқчи бўлаётган харидордай.

Ажаб уялди.

— Мендан уялмасанг-чи, Ажаб, армияда ҳар куни сени эслардим...

Қодир пединститутга сирдан ўқишга кирди. Икки ой ўтар-ўтмас Ажабнинг уйига совчи юборди.

#### 4

Қиз савдоси антиқа савдо. Бу савдода баҳсни нима белгилашини аниқ айтиш қийин. Бир районда нарх жуда юқори, бошқасида пастроқ. Нархига қараб, шу райондаги қизларнинг афзал томонлари бордир, балки улар ўта гўзалдир, деб хулоса чиқариш ҳам нотўри. Баъзи ҳолларда қизнинг чиройи баҳога таъсир этмайди, гоҳо кўрксиз қизлар юксак баҳоланиб, оғир қалин билан олинган маҳаллари ҳам бўлган. Бундай ҳолларда қизнинг келиб чиқиши, ота-онасининг мартабаси назарда тутилади. Улар бадавлат, амал ва топиш-тутиш жиҳатидан юқори одамлар бўлса, шундайлар билан қуда-қариндош тутиниш — катта мавқени орзу қилиб юрганлар учун албатта ноёб бахт. Улар қизларидан ҳеч нарсани аямайдилар, доимо ғамхўрлик қиладилар. Қизига ғамхўр одам, куёвини ҳам эътиборсиз қўймайди.

Қодирга навбат келганда эса, ана шундай «ноёб бахт» уни четлаб ўтди. У кўк дафтардаги қалин моллари ёзилган рўйхатнинг узунлигига таажжубланди. «Балки улар атайлаб, бизларни эшикларидан қувиш учун шундай қилгандирлар, ҳуркиб қочиб қолар деб ўйлагандирлар, — хаёлга толди Қодир. — Ажабнинг ўзи-чи, рози эмасмикан?» Ажабнинг розилиги тўйда учрашганларида кўзларидан аён эди. Шундан кейин Қодир ўқишга кириб қайтди. Унинг рози бўлмаслигига ҳеч асос йўқ. Бошқалардан чиройим ортиқ деб айтолмайди. Ота-онамининг обрўйи элникидан зиёд, деб мақтанолмайди. Йўқ, қайси томондан олиб қараганда ҳам, у Қодирга жон-жон, деб рози бўлади. Қайтанга, Қодирнинг унга белисанд қарамоққа ҳаққи бор. Қайтанга Ажабни танлаганига одамлар тушунишмас, балки ота-онаси ҳам тушунмагандир? Қодир ҳеч кимга тушунтириб ҳам ўтирмайди. Бу — унинг сири. Бу сир фақат Қодиргагина аён, тушуникли. Буна Ажабнинг ҳам ақли етмайди, фақат Қодирнинг ўзигина билади, ҳатто пинҳона туйғуларидан лаззатланади ҳам. Ажаб пешонасига нима ёзилган бўлса кўнадиган қиз, ҳар қанақа фожиали аҳвол бошига тушганда ҳам нолимайди, сабр-тоқат билан дардини ичига ютиб кетаверади. Қодир унинг вужудидаги заифликдан, ҳулқ-атворидаги камсуқумликдан жуда яхши хабардор. Буни ҳайф кўрмайди, аксинча, уни шу ҳолида ёқтиради. Басавлат, шаддод аёллар бесабр бўладилар. Бесабрлик аёл кишининг хосияти эмас. Ожиза эканлигини Ажабнинг ўзи ҳам билса керак, агар билмаса, эрта-индин Қодирга хотин бўлганида тушуниб етар. Тушуниб етганида ҳам Ажаб ўқинмас, аксинча, эр олдида хотиннинг ожизлигини одат, таомил деб билар. Ҳозирги замоннинг қизларида айна шу хусусият жуда сийрак.

Қодир масаланинг ана шу томонларини қалиндан кўра юксакроқ, афзалроқ билди. Эжесининг бесаранжом, ҳовлиқиб юришларига кулиб қаради. Бировнинг қизини олоқчи бўлсангиз сандигингизни кенг қилиб очинг-да! «Қиз сотган бойимас!» — дейдилар. Бўлса бордир. Қиз учун қанча кўп қалин берилса, барибир, ўзи билан қайтиб келади. Келин билан келган нарсага эса ота-онанинг даҳли йўқ. Демак, бу нарсалар Қодирнинг ўзига насиб этади. Қодирнинг бойлиги!..

\* \* \*

Ҳаммат бригадирнинг уйдан Боқи тракторчининг қизини сўраб оғиз солганларида, Қизгул Ажабдан розилик сўради. Қизи розилик билдирди. «Унда биз ҳам эл орасида юриб турган одатга кўра иш қилаверамиз», деди Қизгул. Ажаб, «ихтиёр ўзингизда», деб жавоб берди. Қизининг жавобини она қалин олишга рухсат деб тушунди. Рухсат берганини Ажабнинг ўзи ҳам биларди. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор.



Ажаб — Боқи тракторчининг уйдаги ўн нафар фарзанднинг бири. Отамурод, Ёзмурод, Хўжамурод, Дунё, Ажаб, Чоримурод, Башим, Баҳор, Жаҳон, Жайрон. Беш ўғил, беш қиз. Уч акаси уйли-жойли, ер олиб, рўзгорини бошқа қилган. Ҳаммаси бола-чақали. Яқинда Отамуроднинг тўртинчи ўғли дунёга келди. Шухрат деб исм қўйдилар. Бу исмини қишлоқ Советининг раиси Ойсанам таклиф қилди: «Биз шухратли замонда яшаймиз, даврга кўра боланинг исми Шухрат бўлмоғи керак!»

Ўғли кўп одамлар Ажабнинг ота-онасига ҳавас қилишади. Уларнинг гаплари бирдай: «Бахти чопган одамларсиз, келинга ўтказган молингизни қизингиз туфайли қайтариб оласиз. Тўғри, бошда уч ўғилни кетма-кет уйлаб қийналгансиз. Энди бунинг изидан келадиган роҳатни кўринг. Қартайганингизда уч қизни кетма-кет сотиб, мол-дунёга кўмиласиз!»

Дунёни Ажабдан икки йил аввал турмушга узатдилар — Хўжамурод уйлангандан сўнг уни сақлаб ўтирмадилар. қизга келган қалин уларни анча-мунча қарздан қутултирди. Ажабнинг савдоси пишиши билан Чоримуродни уйлантириш тадорикига тушадилар. Келадиган қалин асосан шунга кетади.

Бу аҳволга ҳайрон қоладиган одам йўқ, турмушнинг бошга солган қондаси шу. Бир, икки одамнинг қаршилиқ кўрсатиши билан ўнгланди! Унгланса ҳукуматнинг сўзи билан ўнгланди. Қаёқда, «Сотмайсан!» деб жанжал чиқарганлари билан барибир ҳам сотиляпти-ку! Телевизорда чиқиб гапирувчилар эса кўпинча қизларни койидилар. Улар йўқ дейишса, қарангки, бу бало ўз-ўзидан йўқ бўлармиш. Чинини билганларида, Ажаб сингари қизларни айблаб вайсамасдилар. Отаси элликдан ўтди, соч-соқоли қачонлар оқариб кетган. Кўрган одам олтимиш яшар чол дейди. Ёш йигитлар бир йилга чидамай қочиб қоляпти, у эса, ўн беш йилдан бери трактордан тушмайди. Сабаби — тирикчилик, мол-дунё топиш, ўғилларини ўз вақтида обрўй билан уйли-жойли қилиши керак. Ун беш йилдан бери уйига меҳмон. Колхоз кўриқ ўзлаштиряпти, у ер қишлоқдан юз километр нарида. Иссиқ ўчоқдан узоқ, совуқ ва зах қапада ётиб-туриб ишлашга, албатта, берилган ҳақ озлик қилади.

Ажабнинг отаси юк машинасини ташлаб, қўриққа илк қадам босганларнинг бири. Отамуродни уйлантирганларида қарзга ботишди. Бу ёқда қўриқнинг ҳам баракаси қочди. Шунга қарамай, қишлоқда ишлагандан яхшироқ. Нима ҳам қиларди, чидаш керак. «Зах капаларда тунай-тунай отанг бечора касал топди» деб онаси ҳалигача шикоят қилади. Сўнгги пайтларда отаси ўрнидан турганида қаддини тиклолмай, белини ушлаб қолади. Беш кун-бир ҳафталаб ётиб олади. Ажаб отасининг янги кўйлак кийганини кўрмаган, янгиси ҳам эскига ўхшаб кўринади. Гўё у бу дунёга яшаш учун эмас, қора меҳнат билан оғир рўзгорнинг кам-кўстини бутлаш, тинимсиз азоб-уқубат чекиш учун келган. Шунга қарамай, Ажаб отасининг нолиганини кўрмаган. Ўзи камгап одам. Бир сафар: «Ўғил-қизнинг ташвишидан қутулиб, беш-олти йил оёқ узатиб ўтирсак, яра-шармикан, айёрлик бўлмасмикин?» — деганини эшитди. Шунга ҳам нолиб эмас, мўл ҳосил тўплангандан кейинги фароғатни орзу қилган одамдай хотиржам гапирди.

Ажаб, менинг учун қалин олманг, деганида ҳам отасининг дарғазаб бўлиб устига бостириб келишига ишонмасди. У сасини ҳам чиқармас, дардини ичига солар, барига чидаш керак деб айтар, бошқа нима ҳам дерди. Ўғилларини қалинсиз уйлантириш йўлини тополмаганидан шикоят қилмади, ёки бепул қиз тополмадигиз деб уларга жаврамади. Дунёга келиб, умр бўйи заҳмат чекиб келяпсанми, охиригача чида энди, деб ўйласа керак. Ичига тиқилган ғам-ҳасратлар уни баттар чўктирарди. Отасининг эрта қартайишида ўз ҳиссаси борлигидан Ажаб баттар азобланарди.

\* \* \*

Ҳасрат тўла кунлар давом этар, улар Ажаб учун жуда секин ўтаётгандек эди. Тез ўтганда нима, уни олдинда яхши кунлар кутаётган бўлса экан... Қорнидаги боласи дунёга келиб пича юпатар демаса, у келажакдан умидини узиб қўйганди.

Кузнинг бошида Чоримуроднинг хотинини ота уйдан олиб қайтдилар. Ажаб бу маъракага бормади, оёғи оғриб, уйда қолди. Пахта йиғим-терими бошланди. Мактаблар ёпилди, йўловчи автобусларнинг қатнови кесилди, бозорларни тарқатдилар. Қишлоқ кўчалари бўшаб қолди. Теримчилар кун чиқмай кетиб, қош қорайганда, қоронғи тушганда уйларига келишарди. Кун бўйи тик оёқда юриб, ҳориб-чарчаб қайтгандан сўнг ҳар ким ўзича чой-нон қилиб, бир томонга қийшайиб ухлаб қолади. Гоҳо катта хонада ўнг-терс ўтириб-ётиб, гап-гурунгдан безор, телевизор кўрилади. Танлаб кўргудай кўрсатув йўқ, яхшими-ёмонми, фарқсиз. Кўп серияли, саргузашт фильмлар қайта-қайта такрорланади, нима бўлишини олдиндан билишса ҳам тикилиб ўтираверишади. Хона димиқиб кетади.

<sup>1</sup> Туркман оилавий урф-одатига кўра, келин тўйдан сўнг то қалин моли тўла ўтказилгунига қадар ота уйига келиб яшайди. Бу ерда келинни ота уйдан иккинчи мартаба олиб келиш маросими кўзда тутилмоқда (таржимон изоҳи).

Ажабнинг нафаси сиқади, ҳаво етишмай, боши айланади. Ҳомиладор аёлларни назорат қилувчи врачга, бошим айланади деган эди, у эринмай тушунтирди:

— Одамнинг қони озайса мажзоли қочади, боши айланади. Камқонликни медицинада анимия дейилади. Бизнинг жумҳуриятда аёлларнинг олтмиш фоиздан кўпроғи анимиядан озор чекади. Озиқ-овқат етишмайди, витаминлар етишмайди, сут-қатиқ маҳсулотларини оз истеъмол қиласизлар. Бундан ташқари, биз ҳамма вақт химикатлар билан заҳарланиб юрамыз. Ейдиган гўшзда ҳам заҳар бор, сабаби ғўза майдонларига дори сепилади, ўтини молларга берамыз. Дори молларнинг организмига ўрнашади. Сигирларнинг сутида ҳам заҳар бор, биз шу сутни ичамиз...

Аёл қанча тушунтирмасин, Ажаб ундан аниқ амалий кўмак ололмаслигини англаб етган эди.

— Хурмо одамнинг қонини кўпайтиради, сен хурмо е! Эрингга айт, шаҳарга бориб топиб келсин. Болаларининг соғлиғи учун эркаклар ҳам курашсинлар. Биз улардан талаб қилишимиз керак.

Жувоннинг дилхушлигига, сўзларига Ажаб ҳайрон қолди, унга ҳаваси келди. Гапларини эшитган беморлар ҳам дардларидан қутулгандай тетиклашиб қоладилар. Гўё ғўза ҳам, далага сепиладиган дори ҳам уларга хавф солмаётгандай. Яхши кийинган бу доктор жувон ялтираб кўринади, қишлоқда ишлаётганга ўхшамайди. Хомилали бўлганда ҳам қишлоқда туғмас, шаҳарга кетар, эри изидан гул олиб борар. Ҳамма аёлларни ўзи каби бахтли деб ўйласа керак. Қодирга турмушга чиқса — нима қиларкин?

Қалин, пул билан боғлиқ масала Ажабнинг суяк-суягига бориб тақалди. Қодир: «Эженг яна бир гиламнинг баҳосини қайтариб бермаса, сен шу уйда тишининг оқини кўрсатмайсан», — деди. Айтганини қилдириш учун кун ўтмай озор беради. Яна онангга хат ёз деб буюрди. Ажаб ёзмади. Урди, мажақлади. У ота уйига бормай қўйди. Юраги қисилиб, ёрилиб кетар даражада. Қандай қилиб ҳам борсин! Борса, худди онаси унга кўрқоқ, бўшанг деб қараётгандай, пул сўрашидан безор бўлаётгандай туюлади.

Ажаб бошқа нажот йўлини излади. Қўшни қишлоқда яшовчи холасини чақиртирди. Унинг бозор-ўчарда ўралашиб юришини биларди. Бўхчасидан беш-олтита ўтадиган мато олиб: «Ҳеч кимга билдирма, уй кўрмоқчи бўляпмиз, пул керак, шуларни сотиб бер», деди. Холаси ёқинқирамай олиб кетди. Бориб Ажабнинг онасига учрабди. «Қизингни биров мажбурламаса бундай қилмасди», дебди. Қизгул Уфилтувакнинг устига келди. Уфилтувак келинини ўғлига чақди. Уғли Ажабнинг устига аридай ёпирилди.

— Менинг ўз гўштимни ўзимга едирмоқчимисан ҳали? Бу уйга келган нарсаларни сотдириб, эженгнинг қарзини узмоқчи бўлибсан-да! — Қодир Ажабнинг юз-кўзи демай дўппослай кетди. — Эженг менинг устимга келсин, менинг сўзимни тингласин!..

Ажаб шу сафар ўлмоқчи эди, ўлмай қолди. Эртаси оғир гавдасини судраб ўрнидан турди. Эжеси қорасини кўрсатмади, буюмларини бозорга солдирмоқчи бўлгани учун қизидан ўпкалаган бўлса керак. Ҳозирча келмай тургани ҳам маъқул: Ажабнинг аҳволидан ачиқланиб, қудаларига қичқирар. Яна жанжал чиқарар. Келмасин, ҳеч ким келмасин. Энди унга одам керак эмас. Ажаб бағридаги ҳомиласига ачинди: «Азобларга қолиб нима қилардинг! Сенинг келганингга қувонадиган одам борми, беқадр!»

Сотилмаган нарсаларни холасининг ўғли ташлаб кетди.

Яна ҳам ёмон кунлар шундан сўнг бошланди.

## 5

Қодир шитоб билан бишкдан кирди-ю, бурчакдаги тўшакда ётган Ажабнинг биқинига тепди.

— Тур, каравотнинг устига ўт, юмшоқ каравот туриб, бунинг ерда ётишини қара.

— Юмшоқ жойда ётолмайман.

— Буёққа ўт, сени бўғиб ўлдираман!

— Овора бўлиб бўғишга ҳожат йўқ, куним битган, ўзимам узоқ яшамайман.

Ажаб одобли боладай каравотга ўтиб ётди. Унинг бел оғриғи кучайди, ёстиқнинг пастлигидан боши айланди. Шифонернинг олдида ечинаётган Қодир назарида чархпалак бўлиб айланарди. Ажаб минг азобда қаддини тутди-да, мешдай кўтарилган қорни кўкрагига тиралиб, нафас олмай бош айланишининг ўтишини кутди.

— Нега ҳансирайсан? — деди Қодир. — Виждонинг қийналяптими?

— Ердаги ёстиқни бер менга.

Қодир оғир ёстиқни кучининг борича Ажабга отди, ёстиқ унинг юзига тегиб, орқага йиқди.

Қодир чироқни ўчириб, ёнма-ён каравотга ўтди.

— Шундай қилиб, хўрлаш учун сен менга уйландингми?

— Чидамаяпсанми? Чидамаётган бўлсанг, ўл. Тирик экансан, кўрганинг азоб бўлади. Эженгга уйимизни талатдинг, укангга хотин олиб бердинг. Ювош бўлиб кўринасан-а, сиртдан қараганда шундай, аслида ернинг остидаги илонсан, ҳамма шумлигинг ичингда. Қароқчи талаган уйдан қочади, сенинг мақсадинг талаган уйингда ўйнаб-кулиб юриш-а? Манавунда юрасан!

У хотинининг тўғри келган еридан бураб олди. Ажаб тишини тишига қўйди, чидади. Қандай чидаганига ўзи ҳам ҳайрон. Сасини чиқармай, буровнинг захрини ичига ютганида оғриқ қорнидаги болага етиб борди шекилли, у типирчиланиб тепинди. Бардош бермасам Қодир бадтар ғазабга минади, деб ўйлади. Ҳа, унга Ажабнинг кўз ёшлари керак, оху ноласини эшитмоқчи.

— Сени кўрсам, ичим ёниб кетади, ютқазганим ёдимга тушади. Менинг пулларимга уканг маза қилиб уйланиб олди, сен бўлсанг тишининг оқини кўрсатмайсан! Ҳа, улар бу ёқдан олганларини у ёққа ўтказдилар. Сенинг ҳақинг, фақат хўрлик энди, билиб қўй, мендан фақат хўрлик-ситама кўрсан!

У ётган жойида қўлини зарб билан силтаб Ажабнинг юзига урди. Ажабдан яна сас чиқмади, фақат жуда қийналиб бошини кўтарди, каравотдан тушмоқчи бўлиб Қодирнинг қўлидан тутди.

— Қимирлама, ёт!

— Бурним қонаяпти.

— Тезроқ туш унда, каравотга қонинг томмасин.

Қодир оёғи билан Ажабнинг энсасидан итарди, мадорсиз тана ерга гурсиллаб тушди, ингроқ эшитилди. У каравотга суянди. Кўйлагининг этаги билан қон оқаётган бурнини тутиб ўтирди. Қувватининг йўқлигидан, ожизлигидан хўрлиги келди. «Қаёққа борай?!» — ўксиниб зорланди. Уйдагилар ундан бехабар, хабардор бўлганларида ҳам аралашгилари келмайди. Юз-кўзидеги яра-чақаларни кўришган. Болдизлари унинг ёнидан жовдирабгина ўтишади. Узларига яқин олишмайди. Шунчалик бадбашараманми? Уйимга кетайми? Эжемнинг дулида<sup>1</sup> бола туғайми?.. Ота-онам шундай қилганимга қувонармикин?..»

Қодир каравотнинг усти билан сурилиб Ажабга яқин келди.

— Чоримуроднинг хотини қайтиб келибди, хабаринг борми? Икки машина нарса келтирибди. Мана шу уйга келиши керак эди у нарсалар! Эртага охирги срок, гиламу бошқа буюмларни олиб келмасанг сени ўлдираман! Бермасалар, даъво қил, ялин-ёлвор, ер тепиб ёт, ўл! Лекин айтганим бўлсин!.. Эй-й, борасанми эртага?.. Бораман деб оғзинг билан айтсанг-чи!.. Соқовмисан, айт бир гап...

Қодир Ажабнинг елкасидан тутиб силтади.

— Менинг бормаслигимни биласан-ку, сен...

Эр икки марта хотинининг калласига урди, ёмон сўкинди. Жувоннинг мияси чайқалиб ён томонга қийшайди. Ваҳшийлашган йигит бўлса, энди нима қилишини ўйлаб олмоқчи бўлгандай, чалқанча тушиб, жим ётди, сўнг койина бошлади.

— Йигирма беш минг бериб олганим сен бўлдинг. Чиройинг, кўркинг ортиқчами бошқалардан, ақлинг ортиқчами?! Аҳмоқ! Аҳмоқ бўлмасанг фойда-зиёнингни билардинг, улар сени яланғоч қилиб қувдилар. — У бирдан сакраб каравотдан тушди, сассиз-нафасиз қийшайиб ётган Ажабнинг қўлига ёпишди. — Тур, гум бўл, кўзимга кўринма!

Ажабни судрай бошлади, Шифонер билан каравотнинг тор оралигидан ўтаётганида лошдай чўзилиб ётган гавда сизмади, Қодир уни икки марта тепди, қичқирди.

— Ер ютсин сени!

Хона эшигини ташқаридан кимдир итарди. Эшик очилмади, ичдан илгак илинган эди.

— Қодир... Қодир... — Бу эжеси эди. — Нима жанжал?

— Ҳеч нарса, бор, ётавер!

— Бежо иш қилма.

— Ўзимиз келишамиз, сен худони ёдлаб ётавер.

Эжесининг оёқ товуши узоқлашди. Қодир ғазабдан тушиб, ерда чўзилиб ётган гавдага қайта боқмай, каравотга ўзини ташлади.

— Сени бошимга урайми, нимамга кераксан, ўжарлигингга яраша девдай жонинг бўлса экан. Бурнингдан қаттиқроқ сиқса жонинг чиқади. Беш бола туғарсан кўп туғсанг, қирққа бормай бели икки букилиб ўтирадиган хотинсан... Бахтиқора махлуқ! Қорнинг-даги болани соғ дейсанми? Туғарсан ҳали, менга дард бўлади: у докторга кўрсат, бу докторга кўрсат... Э-эй, касал сенинг ўзинг-ку, жигаринг ишдан чиққан! Шу ўжарлигинг-да турсанг, ҳали ириб оқади. Ҳа, мени ўтда ёндирмоқчисан сен! — Қодир чуқур-чуқур нафас олиб, яна саннай кетди. — Ҳайвон эканмиз бизлар, ҳайвон... Шунгаям йигирма беш минг харж қилиб юрибмиз-а! Одамлар аллақайлардан икки минг сўмга гулдай хотин олиб келяпти. Ун икки хотиннинг пулини ютдинг-а! Манглайимга битган бало бўлдинг-а!

Жимлик чўкди. Ажаб янчилган баданини қўзғатишдан қўрқиб ётарди. Қўл-оёғи, аъзойи баданининг бутунлигига ишонмади. Ўзига: «Куч-мадоринг борида ўлмоқнинг ҳаракатини кўравер», — деди. Кўз олдига биринчи марта ўтда ёнаётган ҳолатини келтирди, тер босди: ёнса, қорнидаги боласи ҳам ёнади. Жизғанак бўлаётган чақалоқни кўз ўнгига келтирмаслик учун даҳшатли фикрларни ўзидан қувишга тиришди. Амалга ошмайдиган нарсани орзу қилди: боласи билан ёлғиз, ёп-ёлғиз яшашга изн берсалар, бор-йўқ ташвиши — жилмайиб ётган чақалоғи бўлса эди!.. «Худойжоним, битта ўзим

<sup>1</sup> Дул — ўтовнинг тўри, азиз жой.

бўлсам ўлардим-кетардим. Мен ёлғиз эмасман ахир, юрагимнинг остида тепиниб ётган тирик жон бор!..»

Қодир каравотдан тушиб, Ажаб ётган ерга келди, унинг иягини панжаси орасига олиб ғижимлади.

— Сен мени шунча қийнадинг-а?! Э-эй, менинг жонимни ёқяпсан, айтганимни қилмаяпсан! Тонг отар-отмас эженларга борасан. Эшитяпсанми? Айтганимни келтирмасанг, буёққа қадам босма, уйингда қол! Борасанми? Э-эй, сенга айтяпман, борасанми деяпман!

Ажаб жавоб бермади. Қодир унинг иягини қаттиқроқ қисди.

— Ҳозир олмасак, сўнг ҳеч нарса бермайди улар. Борасанми эртага, аниқ гап айт менга!

Ажаб ҳеч нарса демади. Бормаслигини биларди. Бадани титраб-симиллаб оғрий бошлади. Қодирнинг яна фиғони ошди, унинг сочидан бураб ушлади-да, бошини қайта-қайта полга урди, тиззасини кўкрагига тираб, бўғди.

— Ўлсанг-а, сен! Онанг-ни...

Ажабнинг хириллашадан кўрқдими, томоғини бўшатди. Ўрнидан туриб, кучининг борича кўкрагига, қорнига тепди, чарчаб яна каравотга суянди. Айтганимни энди қилса керак, деб ўйлади. Ажаб ўлиб қолгандир, деган фикр калласига ҳам келмади. Сабаби, Ажабнинг чидамлилиги Қодирни бундай хавотирдан маҳрум қилиб қўйган эди...

\* \* \*

Ажаб тонг отганида ҳушига келди. У поймол бўлган жойида ётарди. Деразадан бўзариб келаётган осмон кўринди. Уй ичини иссиқ, бадбўй ҳид тутган. Кейинги пайтда хоналар иссиқ сув билан иситила бошлангач, ўчоқ ёқишни тўхтатган эдилар. Деразалар зич ёпилган, тоза ҳаво киргудай тирқиш йўқ. Дим. Бу ҳол Ажабга ёмон таъсир қилган. Чақалоқ ҳам қийналаётган бўлса керак. Ажабга етмаётган ҳаво унга етсинми?

У ўрнидан турмоқчи бўлганида оёқлари зирқираб оғриди, кўз олди қоронғилашди. Тоза ҳаводан нафас олсам, қувват бўлар деган ўйда эмакляб эшикка борди, деворга ёпишиб базўр қаддини тиклади. Қодир уйғониб қолмасайди деб хавотирланди: уйғонса ташқарига қўйвормас... Қўйвормайдиган бўлса, Ажар бадбўй хонада димиқиб ўлади. Энг ёмони, бола ҳалок бўлади. У ҳозир шу фикрда, судралиб, эмакляб бўлса-да, ташқарига чиқмоқчи.

Қодир уйғонмади. Унинг ташқарига чиққанини уйдагиларнинг ҳеч қайсиси сезмади. Уйғонган одамнинг ўзи йўқ... Қиш тонгининг совуқ ҳавоси вужуд-вужудига сингди. Энтикиб нафас оларкан, кўкраги кенгайди, баданида яна оғриқ пайдо бўлди. Осмонда юлдузлар бирин-кетин сўниб бормоқда. Катта йўлдан атрофни гуруллатиб машина ўтиб кетди.

У баданидаги аччиқ оғриқни туюб, узоқ ўтирди. Пича ўзига келди — чақалоққа ҳаво етиб бордиёв, энди қимирлаши керак, ҳали тирик эканлигини эжеси билсин. Бирдан икки қўлининг кафтини қорнига тутди, ҳаракат сезмади. Дафъатанига, бола ўлган бўлса-я, деган кўрқинчли фикр қалбини зириллатиб юборди. «Агар ўлган бўлса, мен нима қиларканман, қичқирармиканман?» У фалокатни юракдан ҳис қилди, лекин бу ҳақдаги фикрни хаёлидан қувса, бало четлаб ўтар, деган умидга мойил бўлди.

Эшикда ўтириб, чақалоқнинг қимирлашини кутишни маъқул кўрмади: ҳадемай уйдагилар уйғонади, ташқарига чиқадилар. Бўсаға олдида бемалол ўтириб бўлармиди!

Томорқа этагидаги токзорга йўналди. Беш-олти метр юргунча ҳолдан тойди, кўз олди қоронғилашиб, йиқилиб тушишига сал қолди. Энди уйдан чиққан одамнинг кўзи дарҳол унга тушмайди. Совуқ эгнидаги юпқа чабитни<sup>1</sup> тешиб борарди. Осмон очиқ, ер музламаган эса-да, ўт-чўпга қиров тушганди.

Вужудидаги жимжитлик уни яна хавотирга солди. Ногоҳ этаги ҳўл эканини англаб қолди, қўл юборди, ички кийимининг нам ва илиқлигини сезди. Қўлини бурнига етказиб, қон ҳидини олди. Хаёлига, бу чақалоқ қонимикин, деган фикр келди, шунга ишонди. Зоҳир бўлган аломатдан, бола ўлганмикин деган хавотир чин ҳақиқатга эврилди, лекин қичқирмади. Бўйини буриб ўтирган кўйи, азоб-уқубатга тўла ҳаёти ниҳоясига етгандай, дунёга берух-бепарво назар ташлади. Шунга қарамасдан қалбини яшаш истаги тебратиб турар, боланинг қимирлаб қолишидан умидвор эди. Афсус, бундай аломат зоҳир бўлмади. Тонгги сукунат Ажабнинг юрагига хўрлик, поёнсиз бир армон бўлиб чўкди. У вужудидаги болага нидо қилди: «Сен ҳалок бўлсанг, мен ҳам яшамайман, икковимиз бирга ўламиз. Сени вужудимдан айирмай ўламан, иккимизни бир қабрга жойлайдилар».

Этагидан сизиб келаётган қоннинг тўхтамай, аксинча тезлашаётганлиги уни сира ташвишга солмади, ўлимга тик қарай бошлади. Ҳозирча нафасим бор экан, уйга етиб олай, деб ўйлади.

Ажаб кун кўтарила бошлаганда уйларининг эшигига етиб келди. Қўлтигидан эжеси

<sup>1</sup> Чабит — чопонга ўхшаш кийим номи.

кўтариб бўсагадан олди, ичкарига ўтказди. «Энди бемалол жон топшираман, — ўйлади у. — Қодирнинг ёнида ит каби чингиллаб ўлишдан худо асради!» Эжесининг атрофида парвона бўлиб юришларига ҳам эътибор қилмади. Ҳеч нарса айтмаслиги керак, бундан кейин бўладиган воқеаларга онасининг даҳли йўқ.

— Жон қизим, сени не дев чалди, юзингда ранг-панг йўқ. Ташқарида ётдингми, уст-бошинг чағг?..

У эжесининг мунг тўла зорини эшитар, лекин жавоб қайтариш ҳақда сира ташвиш қилмасди. Фақат, кўнглини тўлдириб турган истагини аён этди:

— Эже, ўлмоққа келдим мен...

Хонанинг иссиғи Ажабнинг баданини иситгани сайин этагидан оқаётган қон кучаярди.

Касалхонада унинг қорнидан ўлик болани олдилар.

6

Терговчи Санжар Велиев бу жиноий ишга қизиқиш ва ғайрат билан киришди. Тафсилоти шундай: Ажаб исмли қиз қишлоқдоши Қодирга турмушга чиқади. Бир йил ўтар-ўтмас ўлик бола туғади. Экспертиза ташқи куч таъсирида боланинг ҳалок бўлганлигини тасдиқлади. Аллақачон калаванинг бир учи терговчининг қўлида, чигилини ёзиш, ақллишончли натижа чиқариш Санжарнинг малакасига боғлиқ. Малакасининг қай даражада эканлигини Санжар милиция терговчиси бўлиб ишлаб юргандаёқ кўрсатган. Учта фармон билан унинг ишчан, келажаги порлоқ ходим эканлиги тасдиқланган, унволлари навбатдан олдинроқ кўтарилган, йигирма саккиз ёшида капитанликка эришган.

Милицияда ишлаган йилларининг охириги пайтида уни нашавандликка қарши курашувчи гурпуга раҳбар этиб тайинладилар. Яширинча кўкнор экувчиларнинг, гиёҳвандларнинг қанча-қанчаси қўлга тушди. Уларнинг ичида мункиллаб қолганлари ҳам бор эди. Кўпчилиги сотиш ниятида эмас, ўзлари учун экканлар. Наша уларнинг эс-ҳушларини еб қўйган, беллари икки букилиб қолган, турмага юборсанг қайтиб келишлари гумон одамлар. Барибир бу ҳол уларни жиноий ишдан озод қилолмасди. Наша чекишнинг ўзи — жиноят. Уларни жиноятга ким бошлаган? Бу ерда бизнинг прогрессив жамиятимизни айблаш ҳам ўринсиз. Жамият ҳечкимни нашага бош эгадиган даражада нажотсиз кунга қолдираётгани йўқ. Улар тўқликка шўхлик қилишади. Халқнинг, юртнинг обрўйини тўқадилар, жиноятнинг урчиб кетишига йўл очадилар. Бундай одамларнинг жазосиз қолишларига йўл қўйиб бўлмайди!

Санжарнинг бундай дадил фикрлари ўз вақтида отасига ҳам маъқул бўлган. Аммо кўп одамлар Санжарнинг тез кўтарилиш сабабларини унинг қобилятига, ишчанлигига эмас, балки отасининг обрўйига обориб боғлайдилар. «Оғажон прокурорнинг ўғли бўлгач ўсади-да, унга тўсиқ йўқ. Отаси пенсияга кетгани билан, унинг дўстлари, касбдошлари соғ-саломат ишлаб юрибди», деган гап-сўзлар ҳаммиша Санжарни чор-атрофдан қуршаб, миясини ғовлатиб юради. У баъзан, бир пайтлар областда донг қозонган прокурорнинг ўғли эканлигидан афсусланади. Отаси ҳеч ким танимайдиган фуқаро бўлсайди, Санжарнинг ишчанлиги, қобиляти бошқача баҳоланарди, эътибор қозонарди.

Ажабнинг аҳволоти Санжарни жуда қизиқтириб қўйди. Балки бу ишда бошқача бир омиллар, ҳозирга қадар эътибор берилмаган сабаблар юзага чиққандир? Санжарнинг истаги — хўрланган ва таҳқирланган одамнинг дунёқарашларини ўрганиш, уларни жамиятнинг турмуш дастури билан таққослаш... Муҳими, қонун нуқтаи назаридан текшириш, чиқарилган натижани ҳақиқатнинг яккаю ягона нусхаси сифатида ҳамманинг эътироф этишини таъминлаш — мана шуларнинг ҳаммаси унинг ишга қизиқишини орттирган эди. Аммо тергов бошланар-бошланмас унинг ҳаваси сўнди, ҳаракати сусайди. Орага қалин масаласи тушдию, қўли боғланди. Энди қозиққа боғланган бедов отдай бир ерда айланиб тураверса керак.

Санжар қалин борасида отасининг фикрига суянади. «Қалин бизга ўтмишдан қолган мерос, зарарли сарқит. Баданга тушган эски ҳуснбузар яра, уни ҳадеб чўқилайвериш ҳам яхши эмас, эл-кунга ёқмайди. Ишни чўзавермай, қонун кўтарганча чора кўрсанг бўлди. Вазифанга кўра қонун бўйича иш юритишга бурчли эканингни эл-юрт тушунгани яхши. Сенинг ўрнингда бошқа бирови бўлганда ҳам худди шундай қилган бўларди, десинлар».

Оғажон прокурор жамиятда сўзсиз ҳақиқат сифатида давом этиб келган фикрни қўллаб-қувватлайди: қалин фақат ўтмишнинг сарқитидир. У қизларнинг шаънини пастга уради, ҳуқуқларини чеклайди. Турмуш даражасининг ўсиши билан қалин йўқолиб кетиши керак. У қонундан ташқари ҳодиса. Туркменистон ССР Жиноят кодексининг 127-моддасида шундай дейилади:

«Қалин.

Келиннинг ота-онаси, қариндошлари, ҳомийлари ёки бошқа одамлар пул, мол ёки бошқача мулк кўринишида қалин (келин учун тўлов) олгани учун, — олинган қалин (тўлов) мусодара қилиниб, икки йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилади.

Уйланган йигитнинг, унинг ота-онасининг, қариндошларининг, ҳомийларининг ёки бошқа одамларнинг келинга қалин тўлагани учун, —

икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси ёки худди шундай муҳлат билан ахлоқ тузатиш ишларида ишлатиш жазоси берилади.

Қалин тўлаган киши шу тўғрида тегишли вазифадаги шахсга ихтиёрий равишда хабар берса, у жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

Масала равшан. Бу ерда бош қотириб, ишни чўзиб ўтиришга асос йўқ. Умуман, қалин масаласига Санжарнинг кўпам эътибор бергиси йўқ эди. Унинг қўшнилар ўртасидаги ўзаро жанжалдан фарқи кам асли. Эл ичида қалин қораланса ҳам ҳеч ким бировни турмага тиқишга интилаётгани йўқ. Фақат ўзининг ёмонотлиқ бўлгани қолади. Бу масалани ўзлари кўзғадиларми, кўргуликлари зиммаларида. Ишни тезроқ тамомлаб, судга ўтказилса бас, кимнинг қайси модда билан жазоланиши ҳам аллақачон маълум. Қалин сифатида ўтказилган пул, мато, гилам милиция сейфида ётибди. Улар кимники, эгаларига қайтариш шартми ё йўқми, буни суд ҳал қилсин. Асосий гап равшан: томонлар қалиннинг берилганига ҳам, олинганига ҳам иқрор бўлишди. Энди жабрланувчи Ажаб бир оғиз сўз айтмоғи керак: қандай вазиятда Қодирга турмушга чиққан? Севиб деса ҳам, севмасдан деса ҳам бу ерда тафовут йўқ. Севиб текканлардан ҳам қалин олинмоқда. Бундай ҳолда қалин олиш учун қизнинг розилиги керак. Барибир йигит томон қизни мол каби сотиб олган бўлиб чиқади. Қиз, севмасдими деса, жиноий иш учун яхши, демак, қизни зўрлаб сотганлар. Айб қўйиш борасида шубҳа қолмайди. Яна бир эътибор берилиши керак бўлган жиҳат: агар Қодир Ажабни севиб олган бўлса эди, гўдаклик қилиб уни хорламасди. Агар қиз ақлли бўлса, ҳозир севги масаласини орадан олиб ташлаши керак, шунда ўзига яхши бўлишини англайди.

Санжар палатага кирганида ҳозир бўладиган суҳбат ўзи кутган натижани беришига ишонарди. Ажаб анча қувватга кириб қолибди. Қўшэстикқа орқа тираб ўтирибди, белидан пасти кўрпа билан ёпиғлиқ. Сочини тараб, бошига оқиш рўмол ўраган. Агар нота-ниш одам кўрса, бу қиз турмушга чиққан, ёши йигирма тўртда деб айтмайди.

Ажаб салом бермади, икки кун аввал келиб кетган одамга танимагандай қараб ўтираверди.

— Кўз тегмасин, тузалиб қолибсан-ку, Ажаб?

У Санжарнинг сўзига кинояомуз жилмайиш билан жавоб қилди.

Терговчи билан кетма-кет кирган врач:

— Икки кундан кейин кўр, каравотда ётган Ажабни кўрармикансан, — деб кулди. — Гурс-гурс қадам отиб юрганини кўрасан, шундайми, Ажаб?!

Ажаб врачнинг сўзларига диққат қилмади, у ҳамон терговчини кузатар, худди бу одамни мен қаерда кўрган эканман, деб ёдига туширолмаётганга ўхшарди.

Врач дераза ёнидан стул олиб келди-да, икки каравот ораллиғига қўйди.

— Утир, Санжар, — деди. — Утир.

— Хоналар иссиқ экан, яхши.

— Бу йил яхши, табиий газ ўтказиб беришди. Лекин, сув масаласида бироз... Э-эй, бўлар-да. «Улма эшагим, ёз келар» деганлар. — Врач эшик кесакисига суянди. — Ажаб, чарчагудай бўлсанг, билдир, чарчадим, де, вассалом, иш тамом. Келишдикми?!

Врач палата эшигини жипс ёпиб чиқиб кетди. Ажаб орқасига қўйилган ёстиқларни кўзгаб, ўрнашиброқ ўтирмоқчи бўлди, юзини буриштирди.

— Қуриб кетгурларнинг пари чириганми, ёмон ҳид бурқсийди.

— Айт, алмаштиришсин, — ўргатди Санжар.

— Анови каравотда ётган аёл айтган эди. — Ажаб бўш каравотни кўрсатди. — Алмаштиришга бошқа ёстиқ йўқ, дейишди. Эри хитойи ёстиқ олиб келди. Кетишда олиб кетишди.

Санжар дафтарини, ручкасини чиқариб, сўроққа тайёрлигини билдирди. Ажабнинг қошлари чимирилди.

— Ўтган сафар берган саволим ёдингдами?

Ажаб нотаниш одамни қаерда кўрганини ниҳоят эслагандай кулимсиради.

— Ўтган сафар айтганим етарли деб ўйламанг, яна бир марта такрорланг, ё сўзингизни қизғанасизми?

— Бўпти, ундай бўлса, яна такрорлайман, Қодирга севишиб бордингми?

— Севишиб борганда қанақа бўлади ўзи, мен шуни ҳеч билолмадим, билсангиз айтақолинг-да... Сизнинг отангиз Оғажон прокурор деган одамми? Келингиз ҳам Маммет терговчининг қизи экан. Орган ходимлари ҳам худди авлиёлар сингари, кўпинча бир-бирлари билан қариндош тутунади, дейишади.

— Шу каравотда ётиб кетган аёл айтгандир-да, бу гапларни?

— Нима, сиз у аёлни танирмидингиз?

— Танимасам ҳам шундай дейишини биламан, балнисага хитойи ёстиқ олиб келадиган аёллар ғийбатни яхши кўрадилар.

Ажаб ёқар-ёқмас илжайди.

— Вой-ей, биларкансиз!.. Бир нима сўрасам жаҳлингиз чиқмайдами?

— Сўра.

- Сўроқ қилинганларнинг гапларини хотинингизга айтиб берасизми?
- Йўғ-э, бу ман қилинган.
- Мен ай-иб берасиз деб ўйлабман. Балки...
- Айтмаймиз.
- Сиз бу қоғозга бир нималар ёзмоқчимисиз?
- Айтганларингни ёзмоқчиман, агар истасанг ўзинг ёзиб бер.
- Йўғ-эй, ҳарфий хатоларимни кўриб куласиз-да, вергул билан нуқтанинг қаерда ишлатилишини ҳам билмайман.
- Узим ёзаман, сен пастига қўл қўйсанг бўлди. Уқиб кўрасан, ёзган-ёзмаганлигимни текширасан. Шуни ҳам дастлабки терговда берган кўрсатманг деб ҳисоблашади. Жабрланувчисан, кўрсатма беришинг жуда муҳим.
- Қодирни қамашадими?
- Буни суд ҳал қилади. Халқнинг гапи бор: «Экканингни ўрасан» деган.
- Ажаб аччиқ илжайди.
- Халқнинг шундай ҳикматларини билар экансиз, мени бу ерда хўрлаб ўтирманг-да, қиладиган ишингизни қилаверинг. Айтган-айтмаганимда нима бўлганини билмай-сизми?
- Биламиз. Сен ўзингни хотиржам тутавер, Ажаб.
- Билсангиз, нима қиласиз мени бунчалар қийнавериб? Мендан гап олиб Қодирни турмага юборасиз, эртага кўчага қандай қилиб чиқаман, ана, эрини қаматган аёл кел-япти, дейишмайдими? Мен шу ифлос билан яшамоқчи эмасман дедим-ку, бошқа яна қандай сўз керак сизга?!
- Ажабнинг юзлари оқариб, кўзларида қаҳр ёнди, сўнг мижжаларида маржон-маржон ёш пайдо бўлди.
- Ажаб, улар сенга берилган қалинни талаб қилишяпти, — деди Санжар. — Бир тийинини ҳам қолдирмай қайтариб берсин дейишяпти.
- Ажаб жон аччиғида қичқирди:
- Менинг қизлигимни қайтариб бермоқчими улар?! — У бирдан оғзидан чиққан гапдан уялиб, қўли билан юзини тўсди, сўнг кўз ёшларини оқизиб шивирлади. — Қалин кўрсин, оти ўчсин... Оти ўчгур қалинга навбат келганда ҳукумат ҳам иложсиз... Менинг эжемни, отамни отиб ташлаганингни заҳоти қалиннинг номи ўчади-ёв... Сиз ночор, ожиз бдамни ушлайсиз, куч-ғайратингиз бор экан, қалинни осмонга чиқариб юборган порохўрларнинг ёнига боринг! — Шундай деб, кўзларини катта-катта очиб, Санжарга дадил тикилди. — Ёзинг, бирорта сўзимни қолдирсангиз рози эмасман! Қалин олинг деб... Қодирлардан қалин олинг деб айтган менинг ўзим, ўзим айтганман, ерга кўмаман десангиз мени кўминг, ўша лаънати рўйхатни тузган ҳам ўзим... Ёзингизми?
- Ёзаяпман, ёздим.
- Санжар ўқиб берди.
- Ажаб хафа кўринмасди.
- Айтганларимга ишонмадингиз-а?
- Нега бундай деяпсан?
- Ёзиб ўтириб кулдингиз-ку, нима, кулгили гап айтдимми сизга?.. Мени зўрлаб унга бердилар, сотдилар десам, қувона-қувона кетар эдингиз-а? Лекин мен бундай демайман. Сиз ҳам ёт юртдан келган одам эмассиз, шу элда яшаб юрибсиз. Зўрлаб қиз сотилмаслигини жуда яхши биласиз, лекин қонунингизга мослаш учун ўлиб-тириласиз. Эскилик сарқити деб-ку, жуда дод-безор қилиб юбордингиз. Эски замон қолдимиз? Эски замоннинг бойларими ҳозир пора олаётганлар? Ҳукуматни кемириб ётганлар оляпти-ку! Элни алдаганлар оляпти, раҳбарлар оляпти... Ёзинг-да! Гапларимни ёзаман дедингиз, нега энди ёзмайсиз? Сиз ўз сўзингизда тура оласизми? Йўқ, ожизларга ғанимсиз! Ун бир ой кўрган азобим оз экан сиз учун. Балнисада ётганнинг мулкани таланг деб қайси қонунда ёзилган экан?
- Биз қалинга ўтказилган нарсани назарда тутаётирмиз.
- Қайси нарса қалинга тушганини, қайсиси тушмаганини қаердан биласиз? Қалин ўтказилган пайтда ёнида ўтирганмидингиз? — Ажаб бу сўзларни даъво оҳангида эмас, уйдагилар келтирган хабарнинг қай даражада тўғрилигини аниқлаш учунгина айтди, сўнг бепарво қўл силкиди. — Қуриб кетсин шу нарсалар, қуриб кетсин! Бешта кўйлак билан тўлмай турган жойингиз тўладими, тўлдираверинг, олинг! Отамнинг биттагина кишилиқ костюми бор эди, уни қайтариб беринг, ўн йилдан бери шифонерда турган нарса эди. Урнига, жуда керак десангиз, менинг балнисага кийиб келган кўйлагим бор, шуни обкетинг, костюмдан кўра қимматроқ. Садқаи сар, шусиз ҳам яланғоч қолдим. Қиз сотган бир уйни талайди, дейишарди, сиз уч уйни талабсиз. Бунга ҳукуматдан рух-сат ҳам сўрагандирсиз?! Яхшиси, мени гапиртирманг, етар шу, жондан тўйдирдингиз.
- Ажаб, менинг саволимга аниқ жавоб бер, илтимос қиламан. Уқувчилик дав-рингда Қодир билан учрашармидинг?
- Бир синфда ўқигандан кейин, учрашмай, кўришмай қаерга борардинг?
- Уни сўраётганим йўқ.
- Қодир мен билан гаплашмоқчи бўлиб балнисага келди. Ушанда ўлганим тузук

экан-да, толеи пастнинг жониям итникидай қаттиқ бўларкан, касал ҳам олмади мени. Гаплашмай ўлгир... Гаплашмаганда ўлардим-қолардим. Учинчи борганида, «мен сени яхши кўраман», деди. Беш йилдан сўнг сотиб олди. Узим сотинглар дэдим, бўлдим энди?... Дардларим билан мени ёлғиз қолдиринг, чарчадим, ҳаётдан бездим! — Ажаб бошини ёстиққа уриб қичқира бошлади. Санжар сакраб ўрнидан турди, хайрлашув фурсати келган эди. — Улиб кетганим яхши эди, отим йитгани яхши эди, докторлар ҳам қийнаиб юрмасин, захар берсинлар менга, захар!..

Санжар шошиб палатадан чиқди. Касал тинчланар деб узоқ кутиб турди. Унинг назарида гўё Ажаб ҳақиқатни очик айта олмани учун йиғлаётгандай эди.

\* \* \*

Уни касалхонадан онаси олиб келди. Қизининг қувватсизлигини баҳона қилиб, машинани уйининг олдида тўхтатди-да, ичкарига олиб кирди. Ажаб, ўғирлик молни эл кўзидан яширганларида шундай қилишади, деб ўйлади. Ота уйига қайтиб келганидан эжеси одамлардан номус қилишини, азият чекишини тушунди. Бу ҳол Ажабнинг нафсониятига тегди, лекин у иложсиз эди. Эжесининг қилаётган иши сел йўлини қум билан тўсгандай гап эди. Кун изидан кун ўтиб турса, бугун билинмаган нарса эртага маълум бўлади. Ким билади, рўй берган ҳодиса аллақачон гап-сўз бўлиб, эл-юртга тарқалгандир ҳам. Энг ёмони, ҳозиргача, келинимни онаси олиб кетмоқчи, биронта телпаги оққанга сотиб юбормоқчи, деб юрган Уфилтувак жим юрармиди.

Уйдагилар Ажабнинг юзига жилмайгандек кўринсалар ҳам, уни нохуш кутиб олдилар, кўзларида сўнгсиз ташвиш излари равшан кўриниб турарди. Нима, қайтиб келган қизларини чапак чалиб кутиб олишсинми? «Улар менинг ўлмай қолганимга қувонарми-канлар ўзи?» Ҳозир кўнгли чўкиб қолгани учунми, Ажаб атрофидагиларнинг юзидан буни англаб ололмади.

Акалари бирров кириб, хабарлашиб кетдилар. Шуниям эжеларининг кўнгли учун қилишди, шекилли. Ажабнинг келиши уйдагиларда бўлажак суд ваҳимасини орттирган бўлса керак, уни кўргач, ҳар ким шубҳали ўйга ботиб, бош эгарди.

— Ҳарна, худо жонини омон қолдирди. Шунгаям розимиз...

Эжеси бу сўзлари билан уйдагиларни меҳр-шафқатга ундарди.

Ажабнинг ўлгиси келди. Агар ўлса қариндошлари товуш чиқариб йиғлаб, қайғуларини элга ошкор этарлар, шу билан бирга оғир бир ташвишдан тинганларига ишонарлар. Ажабнинг ёлғиз, ҳимоясиз эканлиги билинди, дардига дард қўшилди.

Уйда Ажаб ҳақида кўп гап бўлиб ўтган шекилли, буни у укаларининг ўзларини тутишларидан билди. Улар Ажабга раҳмдиллик билан боқадилар, юзидан табассумга ўхшаш аломатни излаб, кўз узмай турадилар. Ажаб уларга гап отишдан ўзини тияди. Гап отгудай бўлса, бу уйга ўзининг бегона эканини билдириб қўядигандай туюлади. «Мен энди у уйга ҳам, бу уйга ҳам бегонаман. — Ажаб ич-ичидан қақшаб, қовжираб қолди. — Улганим яхши. Ҳозир ўлсам бу дунёдан кетганимга ўкинмайман. Вақт ўтса, уйдагилар яна ўрганишади, унда улардан айрилиш қийин кечади...»

Эрининг уйдан ҳеч ким келмади.

7

«Шунча кўргулик... Азият чекиб, шармандалик билан яшагандан кўра тепангдан бир челақ соляркани қуй, ўт ёк, дунё азобидан тин, минг бора юрагинг ёнгандан бир бора баданинг ёнсин!» Ажаб бу фикрни турмушдан нолиб айтаётганини англади, уни бир нажот йўли сифатида қабул қилди. Тепасидан қуяди-ю... тамом! Керосин уйларида керагича бўлмаслиги мумкин. Электр чироқ бот-бот ўчиб туради. Солярка эса етарли борлигини Ажаб яхши биларди. Шунини ўйларкан, бирдан кўзларидан ёш сув бўлиб оқди. У кўз ёшларини сидириб ўтираркан, йиғлаётганини ўзи сезмасди. Ҳаддан ташқари асабий ҳолга тушган, эзилган вужуд ёш бўлиб оқаётган бўлса керак. Ажаб буни шундай тушунди. Бу галги кўз ёшлари юрагини эзмади, аксинча, унга енгиллик бағишлади. Бутун вужуди аллақандай қисқичдан бўшагандай бўлди, қалбига, суюқларига осойишталик таралди.

У энг сўнги марта кўз ёши тўкмоқда, бундан буён Ажабга унинг даркори бўлмайди. Кўз ёши — ҳаёт белгиси. Ажаб ҳаётдан қўл узмоқда. Ёниб турган гугурт чўпини ёғ қуйилган баданига теккизаётган пайтини тасаввур қилиб кўрди, ҳатто бадани сесканмади. Сўнг эжесини эслади. Она шўрлик, энди нима деса ҳам Ажабга таъсир қилмайди. Унинг-ку, нима дейишини билади: ялиниб-ёлворади... «Эжежон, ялиниб-ёлворма, эртагача сабр эт, чида, қизинг сени шармандаликдан, дарддан қутқаради, ҳаммангизни қутқаради!»

Улимдан бошқа ҳамма нарса унга ғайри, бегона эди.

Шошиларди. Узини ёқинининг аниқ вақти бирдан хаёлига келди: тонг отганда... Тонг отишдан олдин ҳам эмас, кеч ҳам эмас... У гавдасидаги зурёди билан бирга ўлишни ният қилган эди, нияти пучга чиқди — болани ёриб олишди. Ажаб бу азмойишдан



қувонмаган эди. Барибир халос қилолмайдилар. Улим — унинг сири. Сирини бутун дунёдан қизганади, энди бу сир унинг яккаю ягона ғурури, шаъни. Эҳтиёт қилишса, уни сўнги ғуруридан маҳрум этадилар! Шу кўрқув унинг фикру зикрини эгаллаб олганди.

Отаси уйдамикан? Ишига кетгандир, уйда ўтиришга унинг тоқати етмас. Кетаверсин. Ўғилжайрон, Чоримурод келмайди деди, Келмасин, уйда одам қанча оз бўлса, шунча яхши. Эртага келарлар, эртага ҳаммалари йиғилишар: Чоримурод, Ўғилжайрон ҳам... Эртага бўладиган томоша унга жуда қизиқ туюлди. Ўтда ёниб ўламан-ку, тўпланганларни кузатишдан маҳрум бўламан-ку, деган фикр унинг кўнглига заррача даҳшат соллмади.

Қиладиган ишларини мулоҳаза қилиб кўрди, тайёргарлигини ўз вақтида бажо қилиб қўйса, бошқа даҳмаза йўқ. Укалари келмай туриб, хонада одам йўқлигидан фойдаланиб, хат ёзиб олиши керак. Кечқурун, ундан кейин ёзолмайди: хонада укалари, эжеси бўлади. Ажабнинг хат ёзиб ўтирганини кўриб ҳайрон бўларлар, ойлаб-йиллаб кўлига қалам тутмайдиган одам нима ёзаётган экан, деб қизиқиб қолишлари мумкин. Хато ёзишдан ўлардай уялиб юрарди, ҳозир бу ҳақда ўйламасди ҳам. Бор фикри одамлар келмай туриб кўнглидаги гапларни қоғозга тушириб олиш эди.

Хона тўрида укаси портфелини қолдириб кетган экан, Ажаб портфелдан ручка, дафтар олди. Дафтарнинг ўртасидан тоза варақ чиқариб, қоғозга кўнглида тайёрлаб қўйган сўзларни тез-тез ёзди:

«Эжемдан, отамдан зўрлик кўрмадим, мени сотмоқчи эмасдилар. Узим айтдим қалин олинг деб. Уйдагиларга ҳеч нарса деманг. Боламни ўлдирган Қодир.

Ажаб.»

Ёзган хатини ўқимади, қоғозни шоша-пиша буклаб, чабидининг ён киссасига солди, сиртидан пайпаслаб кўрди. Ручкани, дафтарни портфелга солиб жойига қўйди, сўнгра ёстиқ олиб ёнбошлади. Ҳозир эшиқдан кирган одам уни ухлаяпти деб ўйлаши мумкин эди. Хонага кирган одам бўлмади, даҳлиздан оёқ товуши ҳам эшитилмади.

Чабидининг киссасида ётган хатни вужуди билан ҳис қилди. Ёзилган сўзларни такрорлади, охирги уч сўзга эътибор берди: «Боламни ўлдирган Қодир». Қизиқ, Қодирдан нафратланмаганига ҳайрон қолди.

Ажаб атрофга эҳтиёткорлик билан қараб ташқарига чиқди. Даҳлизда ҳам, эшик олдида ҳам ҳеч кимга дуч келмади. Кун ботибди. Эжем қўрада, сигир соғаётгандир деб ўйлади. Қўранинг орқа ёғидан ўтган икки қирғоғи тут ариқ томон юрди; ким кўрса, ҳожатхонага бораётгандир, деб ўйлаши мумкин. Аслида у ҳожатхонага эмас, ашқол-дашқол билан тўлиб-тошган ҳужра томонга борарди.

Худди, кимдир Ажабни пойлаб юргандай, Ажаб ҳам изига тушган одамни алдаб кетмоқчи бўлгандай, бир лаҳза бўлса-да, эҳтиёткорликни унутмасди. Ҳужра эшигига қулф урилмаган бўлса бас. Йўқ, очик. Димоғига сичқоннинг иси гуп этиб урилди. Ичкаридаги қоронғиликка кўзи ўтмаса ҳам, эшикка яқин ерда сочилиб ётган нарсаларни аниқ кўрди. Соляркали челак ҳам бор. Челакнинг четида чўмич осилиб турибди. Юраги увишди. У теварак-атрофни синчиклаб кузатди, шубҳалангудай ҳеч нарса кўрмади. Тўтли ёпнинг нарёғидаги йўлдан юк машинаси ўтиб борарди. Бу Ажабни қизиқтирмади. Тезроқ кеч кирақолсайди!..

Энди борадиган ери — томорқанинг этаги. У ерга қўра ёнидан ўтиб бориларди.

— Музлаб қолма, қиз, ҳавонинг совуғи ёмон.

Сигир соғиб ўтирган эжеси Ажабни аллақачон кўрган эди.

— Бугун ташқарига чиқмадим, эже, бошим оғриб турибди...

Эжеси эсига солмаса Ажаб аёзнинг суяк-суягидан ўтиб кетганини ҳам сезмас эди. Осмон тиниқ эди, бу кеча қаттиқ совуқ бўлади, сув тўнглайди, ер тўнглайди. Солярка ҳам тўнғлармикин? У шу ёшгача солярканинг тўнғлаганини кўрмаган. Унинг фаразига қўра, солярканинг таркибида сув йўқ, демак тўнғламаса керак. Бензин ҳам шундай.

Ажаб, шунчаки юрган бўлиб, қўранинг ўртасидан кесиб ўтди-ю, кўзи ерга кўмилган хомага тушди. Атайин қийшайтириб кўмилган. Унга сўйилган қўйни осиб, терисини шилишади. Арғамчиси ҳам осилиб турибди. Шу арғамчи билан боши олинган қўйнинг оёғидан боғлайдилар. Бу — уларнинг қисмати. Жониворлар ўз ажали билан ўлса, ҳаром саналади. Одам — унақа эмас. Ажаб арғамчисини ўз кўзи билан кўриб қайтди. Бу давосиз дардга йўлиққан одамгагина ноаён. Ажабга эса аён. У бундан қувонмайди ҳам, қийналмайди ҳам. Соляркадан туташадиган олов — унинг ягона ажали.

— Ажаб, бери тур...

Ажаб чўчиб тушди — эжеси ёнида эканлигини унутай дебди. Сал имилласа шубҳаланади. Эжеси сигирни соғиб, бузоқни қўйиб юборибди. Энди у бузоқ онасини эмиб бўлгунича қараб туради.

— Соғ-омон юрсам, шу жониворнинг бир бузоғини сенга бераман, маза қиласан. Ажабнинг кўз ўнгида арғамчи осилган хома. Уни нимага ишлатишни аллақачон

ўйлаб қўйган. Уй билан хода орасида таёқотим майдон<sup>1</sup> бор. Ўзини боғлаб гугурт чақса бўлди, ўчиришга улгурмайдилар: тонгги уйқу ширин. Қолаверса, Ажабнинг эрта тонгда ўзини ёндиражагини ким ҳам биларди? Хабар топгунларича Ажаб ёниб бўлади, тугайди, кўмирга айланади...

— Бу бузоқни Чоримуродларга ниятлаб қўйганман.

— Сигиримизнинг шохи аввал ҳам шундай каттамиди, эже?

— Шохиям гавдасига яраша-да, — Қизгул қуруқ елинни сўраётган бузоқни арқонидан тортди. — Ай қиз, музлаб қолдинг-ку, бор, уйга кир!

Ажаб эжесининг айтганига қулоқ осмади.

Қош қорайди. Атрофдаги уйларнинг ёришган деразалари одамларнинг оёқларини йиғанликларидан дарак. Чироқлар ҳали узоқ ёнади, ярим кечагача ёнади, телевизор тугамай ҳеч ким ётмайди. Сўнгра қишлоқ тун зулматига шўнғийди. Совуқ туннинг узунлигини одамлар уйқу билан енгадилар. Ажаб ухламайди, уйқуга кетса тонгнинг отганидан беҳабар қолиши мумкин.

Эжеси бузоқни, сигирни оғилга солади, эшикни ёпади, сутли челақни олиб уйга киради. Ажаб унинг изига тушмайди, ҳожатхонага йўналади. У соляркали ҳужранинг ёнидан ўтади, ҳамма нарса аввалгидай жой-жойида турибдими-йўқми, кўриши керак. Қоронғида тақир-туқур қилиб юриш яхшимас, гугурт чақиб ҳам бўлмайди.

Кечқурунги овқатга онаси увра қилибди. Ажаб, иштаҳам йўқ деди. Қизгул қизини тингламади, иштаҳанг бўлмаса-да ич, томоғингдан иссиқ ўтмаса қувватга келмайсан, деб косани тўлдириб олдига уноши қўйди. Ажабнинг уч синглиси дастурхонга давра қуришиб, шошиб-пишиб овқат ичишмоқда. Ҳаёлларига телевизор. Тўрт кундан бери «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси» деган фильм қайта кўрсатилмоқда. Кино ҳозир бошланиши керак, айтимол бошлангандир ҳам. Қизларга қолса-ку, ошни телевизорли уйга опкетиб ҳам ичардилар-а, лекин ҳойнаҳой эжеси уларга, Ажабнинг ёнида бўлинглар, деган. Ажаб жондан азиз сингилларини сўнги бор кўраётганини билиб ўтирибди. Кино тугагач, улар буёққа келмайдилар, телевизорли хонада ухлаб қоладилар. Бир пайтлар Ажабнинг ўзи ҳам худди шу тартибда яшарди. Негадир сингилларига ҳавас қилмади, аксинча уларнинг ўзларини туттишларидан оғринди. Бошига тушган бало уларни ҳам четлаб ўтмайдигандай эди. Лекин улар буни англаб етганга, қийналаётганга ўхшамайдилар. Ҳа, ходага бўғизланган қўйни осиб қўйибдилар-у, бу ёқдагилари ўз қисматларининг шундай тугашини билмайдилар. Олдиларига ўт ташласанг, дунёни унутиб кирт-кирт чайнай бошлайдилар. Одамнинг ҳайвондан фарқи нима?! Йиғлашар, инграшар, вақт ўтиши билан ўтда ёнган Ажабни эсдан чиқаришар...

Ажаб бу фикрга бефарқ қаради.

Телевизорда кино кўрсатилаётгани бир томондан яхши. Акалари, янгалари ҳам бу уйга келмайдилар, ҳадемай онаси қизларининг ёнига телевизор кўрмоқ учун боради. Хонада Ажабнинг битта ўзи қолади. Ёнида одам бўлса, Ажаб гугурт ололмайди. Учоқнинг олдидан икки қути гугурт ётибди, агар шуларнинг биттасини олса, эжесининг эътиборини тортиши мумкин. Учоқнинг олдидан эмас, шкаф тортмасида ётган гугуртлардан олгани маъқул. Ҳозир унинг бутун фикри ёди гугуртда, ҳаётининг маънисини шунга боғлиқ. Сингиллари тезроқ ошларини ичиб, нариги хонага чиқақолишсайди!..

Катта синглиси Баҳор кетиб бораётиб:

— Ажаб, юрсанг-чи, биз билан кино кўр, — деди. — Эже, сен ҳам бор. Штирлицни кўрсатади, вой-ей, аллақачон бошланиб кетди.

Баҳор жавобни бесабр кутиб турарди.

— Бошим оғрияпти, Баҳоржон, мен ётмоқчиман.

Сингиллари чиқиб кетишди. Энди уларнинг виждонлари қийналмайди: бемор опанинг ёнида ўтириб овқатланишди, бирга кино кўрайлик деб таклиф қилишди. Модомики, опаси ётмоқчи экан, безовта қилмаслик керак, касал одамга шовқин ёқмайди.

Эжеси дастурхонни йиғиб, Ажабга тўшак ёзди.

— Дерезани ёпиб қўйма, эже.

— Совуқда музлаб қолма яна.

— Йўғ-э!..

Ажаб чабидини буклаб, ёнига қўйди: киссасига хат солинган, унинг учун энг муҳим нарса. Сўнг ҳаялламай кўрпага кирди. Эжеси билан ёлғиз қолишдан кўрқди: Ойсанамнинг гапи такрорланади. Бу гап Ажабни қизиқтирмайди. Кўрпага кирганини кўрса, онаси унинг бошини қагириб ўтирмас.

Ёлғиз ўтиришга сабри етмай, эжеси чироқни ўчириб чиқиб кетди. Қўшни хонадан телевизорнинг шовқини эшитилиб турибди.

Эртага бу уйда ҳеч ким кино кўрмайди. Ҳозир сингиллари Ажабни унутишган. Эртага-чи, уларнинг кўз ўнгидан Ажабнинг сурати кетмас. Агар Ажаб ўзини ёқмаганда эди, маза қилиб кино кўрардик дер, албатта, бу сўзни ҳар ким ичида айтади.

Деразадан юлдузли осмон кўринади. Тонг отганда осмон юзи бироз ёруғликка

<sup>1</sup> Таёқотим майдон — тахминан 20—30 метрлик масофа.

чайилади, юлдузлар сийраклашади. Шу пайт Ажаб уйдан чиқади, чиқмай туриб чабидининг киссасидаги қоғозни ёстиғининг остига қўяди.

Ажаб кўрпадан суғирилиб чиқиб, шкаф тортмасидан гугурт олди, уни қаерга яширсам экан, деган фикрда ўйлаиб турди, ёстиғининг тагига қўйишдан воз кечди, охири чабидининг киссасига, хат ёнига қўйишни маъқул кўрди.

Ҳамма нарса жойида, энди сабр қилиб тонг отишини кутиш керак. Эжеси унинг ёнига ўзига ҳам ўрин тайёрлаб кетган. Келиб чироқ ёқиб юрмас, чарчаган, дарров уйкуга кетар. Ажаб ухламайди, эжеси келгунча ҳам, келганидан кейин ҳам ухламайди, тонгнинг отишини кутади, лекин бедор эканлигини билдирмайди. Қизининг ухламаётганини билса эжеси ҳам ухламайди.

Телевизорнинг овози ўчгач, кўп ўтмай эжеси хонага кирди. Бўсаға олдида қулогини динг қилиб турди. Қизим ухламай ётган бўлса дардлашаман, деб ўйлагандир: Ажаб нафас олмади. Кейин, кўрпага кирмасдан аввал икки марта эснади. Бу чарчаганидан. Бошини ёстиққа қўйди-ю, уйкуга кетди. Ажаб деразадан кўриниб турган юлдузли осмон ила юзма-юз қолди. У умрининг энг сўнгги тонгини бесабр кутмоқда эди...

## 8

Санжар ишга кетмай туриб, эрталабдан прокурорнинг уйга телефон қилиши яхшилик аломати эмасди. Прокурор Санжарнинг ҳадиғини ёлғонга чиқармоқчи бўлгандай у билан шошилмай сўрашди, сўнг ташвишсиз, ҳайрон қоладиган енгил оҳангда Ажабнинг ўзини-ўзи ёққанлигини хабар қилди. Хабардан кўра, прокурорнинг ўзини тутиши Саржарни ҳовлиқтирди.

— Сенга телефон қилишдан олдин врачлар билан гаплашдим, умид йўқ дейишяпти. Солярка қўйиб ўтлабди. У жувон ҳаётдан шунчалик безганмиди, сен суҳбатлашгансан-ку, билармидинг?

— Ўзини ёқар деган фикрим йўқ эди.

— Фикринг тескари бўлиб чиқибди унда. Узини ёғочга танғиб ўтлабди, ичкари бoғ томонда қўй осиладиган ёғоч бор экан. Жон деганнинг ширинлигини қара: гуриллаб ўт олганда ёғочни қўпориб ташлабди. Одам яшаш учун чора излайди деймиз, бизда энди ўлиш учун чора излай бошлабдилар. Сен ҳаялламай касалхонага югур, ўлмай туриб нима деса, тилидан ёзиб ол.

Санжар манглайини тер босганини телефон дастасини қўйгандан сўнг билди. У прокурорнинг гап оҳангидан, бу фожиали ўлимга сенинг даҳлинг йўқ-ку, деган саволни тўйди. Ўзини йўқотди. Унинг эндиги мавқеи, обрўси, келажаги Ажаб туфайли эшитажак сўзга боғланди-қолди. Отаси билан маслаҳат қилмоқчи бўлди, лекин вақт йўқ эди. Ажаб бирор сония унинг кўз ўнгидан кетмас, гўё бу жувон Санжарга аччиқ қилиб, уни мушкул аҳволда қолдириш учун жонига қасд қилгандай! Энди эса, у мақсадини терговчининг юзига айтиш учун Санжарни кутяпти, то, айтмагунча ўлмайди ҳам. Ўзини ёғочга танғиб ёққанда ўлмаган одам юрагидаги гапни айтмагунча ўлмас!

Санжар ҳозир бироз мулоҳаза қилиб олиши керак, лекин бунга вақти йўқ. Шошиб қолганидан Ажабнинг фожиасию, бунда ўзининг айби нимадан иборат эканлиги ҳақида фикр юриштига ҳам улгурмади. Унинг касалхонага қачон бoғгани, Ажаб билан суҳбати сир сақланмоғи керак. Ундан жавоб олиш ҳам осонга тушмас.

Прокурор Санжарга нисбатан бирор ёмонликни ўйладимикин? Тўсатдан миясига шу савол урилди. Ажаб, Ажаб-а!.. Лекин, Санжардан шубҳаланишга ҳеч кимда асос йўқ. Айниқса прокурорда. У, мендан берухсат фалон ишни қилдинг, деёлмайди. Санжар қалин сифатида ўтказилган нарсаларни учта уйдан тўплаб келтиришни таклиф қилганида прокурорнинг ўзи рухсат берди. Судда ҳамма аҳвол-шароит текширилади, аниқланади, қалинга тегишли бўлмаган нарсалар эгаларига қайтарилади. Судда аниқланишига ишонган экансан, кутиб туриш керак эди, олдиндан келтириб қўйишнинг нима зарурлиги бор, деб сўрашлари мумкин. Бу саволга Санжарнинг жавоби тайин: тезлик билан қўлга киритилмаса, улар судгача йўқ қилинарди. Қолаверса, терговнинг таъсирини кучайтириш, қалинга қарши олиб бoғилаётган курашнинг натижалари кўрган-эшитганга сабоқ бўлсин учун шундай қилинди.

Прокурорнинг гап оҳангидан маъни излаш, ундан шубҳаланиш — Санжарнинг ганғиб қолганини кўрсатарди. Прокурор Санжарнинг отаси билан бирга ишлаган, ҳозир ҳам учрашиб туришади, чой-нон қилишади. Агар ёмон ниятда бўлганда эди, Ажабнинг ҳузурига Санжарни эмас, бошқа бировни юборарди. Демак, ишоняпти.

Санжар ўзини-ўзи жабрлаган Ажабни оқлаёлмасди. «Ақлсиз экан... Боламга қасд қилишди деб ўзингни ўтга отаверасанми?! Бири ўлса, бошқасини туғарсан. Ҳар йили туғ, туғавер, ўн-ўн бешга етгунча тўхтатма... Қодирга ундан оғир жазо бoғми? Эҳ, сен ақлли қиз эмас экансан!»

У «Жигули»сини касалхона кўчасига бурганида Ажаб билан учрашувдан қўрқаётганини бўйнига олди, қўллари қалтираб, рулни тутиши қийинлашаётганини сизди. Отасининг маслаҳатини ололмаганидан ўкинди. Э, қуриб кетсин, бироз кечикканида, ҳеч нарса бўлмасди. Агар Ажабнинг нияти терговчига бир сўз айтишу, шу боис уни кутиб

ётган бўлса, биров кечиккани билан жони узилақолмас. Намунча жони қаттиқ бўлмаса! Пуф этиб чиқиб кетақолса-чи! Балки, Санжарни беобрў қилиш учундир...

Санжар касалхона олдидаги майдоначада машинасини тўхтатиши билан ҳаллослаб келаётган участка милиционерига кўзи тушди, нафрати қўзиб сўкинди: «Олган ҳақинг ҳаром бўлгур, ўз территориясида бир одам ўтда ёниб, кулга айлансаю, у бундан беҳабар юраверса! Ҳойнаҳой, ўзини оқлашга баҳонаси тайиндир».

Оқ погони кирлаган узун бўйли лейтенант кела солиб машина эшигини очди.

— Сизни кутишяпти, — деди, — Райкомдан ҳам одам бор.

Санжар тўнғиллади:

— Райкомни ким чақирди?

— Узлари келишди.

— Томоша топибдилар... Унинг аҳволи қалай?

— Ҳали ўлмади...

Лейтенант лўкиллаб йўл бошлади, худди прокурорнинг кечиккан вакилини ўзи топиб келаётгандай жиддий кўринишга тиришар, изимдан келаверинг, дегандай қўли билан ишора ҳам қилиб кўярди.

Санжар бинонинг кунчиқар томонида тўпланиб турганларга қаради. Ажабнинг қариндош-уруғлари. Ҳушлари бошдан учган. Тикилиб, умидланиб қарашларидан кўнглида шафқат уйғонди. Кейин нафратланди: «Шу пайтгача қаерда эдингиз, ғафлат уйқусида ётдингизми?» Қилиши керак бўлган ишларини чамалади: «Ажабнинг ёнига бир ўзим киришим керак. — Хаёлидан ўтказди у. — Келганлар эшикда кутиб турсалар юраклари ёрилмас.»

Санжар палата эшиги олдидаги одамларнинг кимлигига эътибор бериб ўтирмади, ноҳуш саломлашди-да, ичкари ўтаверди. Ҳатто райкомдан келган вакил билан ҳам қизиқмади. Таниш юзлар, лекин кимнинг қаерда, нима лавозимда ишлашига эътибор бериб турадиган вақт эмас. Ким билсин, унга ўхшаб буйруқ билан келган одамлардир, керакли жойда ҳисоб беришлари керакдир.

Врач палата эшигини очди. Санжар ичкарига киришдан аввал лейтенантга топшириқ берди:

— Ўзини ёққаннинг буюмларига ҳеч кимнинг қўли тегмасин, қишлоққа боринг-да, уйдагиларга тушунтиринг.

— Ҳаммаси шу ерда.

— Унда шу ерда тушунтиринг.

— Аллақачон тушунтирганмиз.

— Яна бир марта тушунтиринг! Сизнинг бу ерда керагингиз йўқ, қишлоқда бўлинг.

Воқеа содир бўлган жойдаги нарсаларга, айтганимдай, тегилмасин! Суратга туширинг! — Шундай деркан, Санжар кўнглига келган фикрдан кўрқиб кетди: агар Ажаб хат ёзиб қолдирган бўлса-ю, аллақачон милициянинг қўлига тушган бўлса-чи?.. У топшириққа қўшимча қилди: — Менсиз чигитча нарсани ҳам кўзгатманг, мен боргунча кутинг!

У палатага ҳардамхаёл аҳволда кирди. Изидан кираётган врачга қол деёлмади. Гуп этиб куйган гўштининг, солярканинг, дори-дармонларнинг қўланса ҳиди бурнига урилди. Ажабни баланд каравотга ётқизиб, устига чойшаб ташлаб қўйибдилар. Тириклик аломати йўқ. Врачга маъноли қаради. У буни тушунди.

— Қачон жон берса бераверадиган... — деб шивирлади. — Қариндошларини чакирсақмикин, ҳеч бўлмаса онасини?

— Сал шошмай туринг.

Ажабнинг томоғидан юқориси очиқ эди. Юзи, сочлари ёнган, қош-киприклари йўқ. Манглай териси қоп-қора, шишиб, қовоғи устига тўпланиб қолган. Калласи кўмирга кўмилган ошқовоқнинг қовжираган пўчоғига ўхшайди. Қўл теккизсанг бармоғинг тешиб кириб кетадигандай. Бақбақа, лаблар ёниб улгурмаган, сезилар-сезилмас титраб турбди.

Санжар унга яқин борди. Агар хўрлик, берилган озор ёш жонни шунчалик аянчли ўлимга мажбур қилган бўлса ҳам, барибир, ўт-олов азобига қандай чидади экан? Ақли жойида бўлган одам бу янглиғ ваҳшийликка йўл қўймас... Утакетган ваҳшийлик бу!

Яқинда турмушга чиқмаган бир қиз ўзини ёқди. Сабабини аниқладилар, эшитсанг, тўғриси, кулгинг келади. Еши йнгирма бешга етган. Колхозчи. Қулоғи оғирроқ экан. Чамаси, уни сўраб эшикдан совчи кирмаган. Бригадада бирга ишлайдиган муштдай бола: «Опа, соат неча?» деб сўрабди. Ҳаммаси шундан бошланган. Эртаси ишга чиқмабди, яна уч-тўрт кун уйда ўтирибди. Қўшнилари қизларини узатишаётган экан. Шу куни ўзини ёқиб юборибди... Хўш, бу ерда арзигулик сабаб, зарурият қани? Онгли одам шундай қиладимми? Булар турмушда учрайдиган мушкул аҳволдан олиб чиқадиган йўл-йўриқ бордир, деб ўйлаб кўрмайдилар, ўйлаб кўришга уларнинг ақл-фаросатлари етмайди. Ёнидагилардан маслаҳат олоқни ўзларига ор биладиларми-ей? Буларнинг такаббурлигига Санжар ҳайрон қолади.

Киши жонига қасд қилганлар — жинояткорлар. Қонун бу жиноятни аниқлайди ва кечирмайди. Аммо одам ўз жонига ўзи қасд қилса-чи?.. Санжар бошини лиқиллатиб қўйди: «Бундай одамларнинг айтадиган сўзларига ишонишга менинг ҳаққим борми?..

Ўзини шундай жабрга сазовор қилган одамга ўзганинг юраги қайишадими? Оғзига келганини айтар, ақлли одамларнинг, бутун дунёнинг ўзи билан бирга ёнишини истар!..»

Санжар Ажабнинг бирор нарса дейишига ишонмади. Уни гапга солаётиб, қўрқатганини ҳис қилди.

— Ажаб...

У Ажабнинг юзига тикилди, бирон-бир ўзгаришни кутди. Иسمى тилга олинishi билан Ажабнинг нафас олиши сустлашди. Сўнг, киприксиз, қоп-қорайиб кетган қовоқлари қийинлик билан очилди. Санжар унинг қизарган кўзларини кузатаркан, оқ-қораси қоришиб кетганми деб ўйлади. Олов худди унинг ичида алангаланаётгандай. «Шу олов ич-бағрини ёқиб тугатмагунча жон бермас...» деб ўйлади. Ажаб оловнинг нариги томонидан қараб турибди. Мана у, кўринг ўша оловни, дегандай қовоғини очиб бошлади.

— Ажаб, нега бундай қилдинг? Гуноҳкор ким?.. Эрингми, қайнонгангми?

Ажабнинг милклари керилди: қизил ранг озайиб, оқи кўпайди. У гапирётган одамни кўра олмас, қулоғига эшитилаётган овозни изларди.

— Ажаб... Ажаб!..

Кўйиб, қип-қизил гўштга айланган вужуд аста қимирлади, безовталанди, кейин, аъзойи баданига, кўзларига чексиз оғриқ кирдимиз, мажолсиз ингради:


— Эжежо-о-он... эже!.. Ҳаво... Ҳаво етмаяпти!..

Санжар нима қиларини билмай, тараддудланиб қолди: «Онам келди деб ўйляпти. Энди жон берса керак...» Ажаб ўрнидан турмоқчи бўлаётгандай типирчиларди, ҳаракатлари зое кетарди. Охири бир силкинди-ю, жимиб қолди, куйган, қора ғўлага айланди.

Санжарнинг иши битганди. У врачга сўнгги топшириқни берди:

— Экспертиза текширмагунча қариндошларини киритманг!..

Туркман тилидан **Музаффар Усмон АҲМАД** таржимаси



Ёзувчи Набижон Боқийнинг «Бир муҳаббат қиссаси» асари («Шарқ юлдузи» 1-сон, 1990 й.) билан танишдим. Назаримда, мураккаб қиёсий орзулару ҳаётий воқеалар илди-зини мужассамлаштириб, турғунлик даври фожияларини бадиий баён этиш билан ёзувчи камтарона илк муваффақиятларидан бирига эришган.

Асар ўқишли, содда халқ тили билан ёзилган.

Фақат воқеаларнинг нишоби, эртақ десак бўлмасу ривоятлар тусида берилиши, Жамолнинг деярли фавқуллодда афсонавий «муваффақияти» ўқувчи-журналхон ишончига молик эмас.

Яна баъзи бир мулоҳаза-таклиф... Севимли ёзувчимиз Уктам Усмоновнинг бевақт вафоти дилларнигина эмас, еру кўкни ларзага солди. Ҳайҳотларким, бу дунёда бир-бирларини унутиб қўяётган биз каби кўпгина нодонлар Уктамжондай истиқболи буюк истеъдодларни ўз вақтида қадрлай билмаймиз.

Шу муносабат билан бир таклиф... ёруф дунёдан кўз юмган адабиёт юлдузлари учун «Шарқ юлдузи»да уларни хотирлаш саҳифаси очилса ҳаммамизга маъқул ва манзур бўлар эди.

Ҳотамжон ҚУШОҚОВ,  
Фарғона



# Меросимизни ўргандимиз

## Сўфи Оллоёр ҳақида нималар биламиз?

Сўнги етмиш йил мобайнида чоп этилган китобларни, тегишли манбаларни varaқлаб, бу саволга қониқарли жавоб ололмадим. Ваҳоланки, китоблар аввало кенг халқ омаси учун чиқарилади. Аммо изланиш зое кетмади, мазкур саволга қисман жавоб топилгандек бўлди. Лекин баён қилинмакчи бу маълумотлар «Ўзбек адабиёти» ва «Ўзбек Совет Энциклопедияси»даги ўзига хос ахборотлардан фарқ қилади.

Сўфи Оллоёр XVII асрнинг (аниқ йили маълум эмас) охирида Самарқанд элидаги Минглан отлиг овулда таваллуд топган. Шоирнинг отаси Темирёр ўз даврининг солиҳ ва тақволи кишиларидан бўлиб, асли ва насли нўғой уругидандир. У ҳақни таниган барча зиёли оталар каби ўз фарзандининг икки дунё илмини эгаллаган ориф инсонлардан бўлишини ният этиб, 12 ёшлик ўспиринни Бухородаги мадрасалардан бирига таҳсилга солади. Таълим натижасида Оллоёр улуми зоҳири (моддият билан боғлиқ дунёвий илмлар)дан яхши хабардор бўлиб, баъзи муваффақиятларга эришади. Ўткир қобилияти туфайли толиблар орасида фарқланиб туради. Билимга зеҳли ва ишга қобил Оллоёрнинг бу хислатлари подшоҳ қулоғига ҳам етиб боради. Тақдир тақозоси билан 25 ёшида уни Бухоро подшоҳи ўз яқинига олиб, бож маҳкамасига тўра лавозимига тайинлайди.

Афғуски, Оллоёр тўранинг бож маҳкамасидаги фаолияти мадрасада олган таълимига буткул мос келмас эди. Хукмдорга яқин юрмакликнинг оқибати яхши бўлмади, моддиятнинг шафқатсиз жозибаси уни хулқдан айирди. Тўранинг зулми шу даражага етдики, Оллоёр тўра номини эшитган одам қўрқувдан зир титрайдиган бўлди. Шу замонда муборак Бухоро юртида Оллоёр тўранинг мутлоқ акси бўлган бошқа бир инсон бор эдики, ул соhib каромат ҳақида махсус тўхталишимиз жойиздир. Бу зот Бухоронинг авлиёулоҳ ва қариб шайхларидан бўлиб, исм-шарифлари Ҳабибуллоҳдир. Шайх Ҳабибуллоҳ увайсий эканки, ҳазрати хожи Баҳовуддин Нақшбанд руҳидан тарбият топибдир. Шайх ҳол илмининг зиёси бирла кўп қоронғу дилларга назар этган, маърифати ва саховати туфайлидан ўз замонасида беадад муридлари бор экан. Ҳикоя қилинишича, «Кўнлардан бир кун Ростон бозоринда шайх Ҳабибуллоҳнинг бир муриди ва халифаси бозиргонлардан бир нараса олди, бож маҳкамасини маълум айламади. Олиб борурда Оллоёр тўрага мулоқот ўлди. Ё! На учун бож маҳкамасига тамғалатмайин олиб борурсан, деб тутди, қамчи илан қотти урди. Муриднинг боши ёрилди, қонлар оқти. (Сўнгра мурид) шайх мажлисина борди, Оллоёр тўра ҳолидин шикоят қилди. (Шайх:) Сабр айла, мен ани сизлартек айлайин деб, қўлини дуога кўтариб «ё раб, бу тўрани булартек ғариб кўнгилай айлаги, дунёу охират муродини верил» деб дуо айлади. Шу л соат Оллоёр тўранинг кўнглига ғавго тушди. Ўзининг ёмон ишларини эсига келтириб йиғлади». Сўнгра Оллоёр тўра тавфиқ қувватидан бир ҳол бўлиб, надомат чекиб шайх ҳузурига боради, пир муҳаббатиди муридлик тилагини айтиб йиғлайди. Шайх Ҳабибуллоҳ Оллоёрдаги талабни басират кўзи ила кўриб, уни қабул қилади, вале икки шарт била: «аввал бутун Бухоро бўйлаб тиланчилик қилгайсан; иккинчи — қасосба бориб, янги сўйилган қўйнинг калласини, тўрт аёқини ва тезакли қорнини бир йўла бир-бирига текизмай хонақога келтиргайсан», дейди. Оллоёр рози бўлади ва шу заҳоти шартларни бажаришга киришади. Қимсан, Оллоёр тўранинг Бухоро кўчаларида тиланчилик қилиб юрганини кўрган шаҳар аҳли, ҳатто унинг ўғил-қизлари (Муҳаммад Содик, Амина ва Ҳалима) ҳам отам ақлдан озиб қолибди, деган йўга борадилар. Оллоёр иккинчи шартни ҳам муваффақият билан адо этади. «Аймишлар, Оллоёр қасосб тарафидан шайхқа етегунча вилоят сағири мақомини етмиш, баъзилар аймишлар, зикр мақомини топти». Шоир ҳаёти билан боғлиқ бу ривоятнинг бошқача талқинлари ҳам мавжуд. Лекин улар қанча кўп бўлмасин, мазмунан битта нарсани — инсоний покланиш қондасини ифодалайди.

Шундай қилиб, Ҳақнинг сабаби, пири Ҳабибуллоҳ воситасида Оллоёр тўра — Сўфи Оллоёр бўлди.

У пири — шайх Ҳабибуллоҳ раҳнамолигида ўн икки йил қолиб, тариқатнинг кушуфот ва мақомат ўринларини эришади ва шу мuddат ичида тўртта китоб ёзади: «Маслак ул-муттақин» («Тақволилар маслаги»), «Мурад ул-орифин» («Орифлар муроди»), «Махзан ул-митоин» («Мутелар хизинаси»), «Сабот ул-ожизин» («Ожизлар саботи»). Инсоний комилликни тарғиб этувчи бу асарлар илмий-фалсафий, ижтимоий-ахлоқий мазмунларга тўла: уларда жонзодлар ичида энг мукаррам қилиб яратилган инсоннинг хоҳияти ва унинг ҳаётдаги ўрни, одил тартиблар асосига қурилган олам билан одамийнинг табиий алоқадорлиги каби умумбашарий масалалар мусулмон эътиқоди назаридан чуқур таҳлил қилинади. Уша даврлардаёқ ва ундан сўн ҳам туркий ва форс-тожик тилида битилган бу китобларга луғатлар тузилганлиги, уларга тавсифлар ва кенг шарҳлар ёзилганлиги, Сўфи Оллоёр ижодининг илмий-бадиий қимматини яна бир қадар оширади.

Сўфи Оллоёрнинг маснавий йўлида ёзилган, хосга ҳам, омга ҳам бир хил таъсир қиладиган ўта раволиги ва тил гўзаллиги билан илк ўқигандаёқ табиий ёдга муҳрланадиган манзумалари шоир ҳаётлигидаёқ оммалашган эди.

Ушбу мухтасар сўзимиздан кўзда тутилган мақсад — ўқувчиларни XVII—XVIII аср шоири Сўфи Оллоёрнинг таржимаи ҳоли билан таништириш эди. Албатта, ҳали маълумотлар жуда оз, ишончли манбаларга таяниб уни тўлдириш керак ва шарт. Лекин асосий иш — шоир Сўфи Оллоёр ижодининг сўфиёна руҳини, жанзумаларининг тили ва бадииятини жиддий илмий тадқиқ қилишдан иборатдир.

«Ожизлар саботи» китобидан

Абдуллоҳ ибн Муборак ҳикояти

Муборак йғли бир кун азғуриб роҳ  
Ажойиб сувсағонда кўрди бир чоҳ.

Кечурди кўнғилда то билди матлуб  
Агар далву<sup>1</sup> расан<sup>2</sup> бўлса эди хуб.

Ушал дамда бир оҳу келди сувсаб  
Тошуб чиқти қудуқни оғзиға об.

Ул ичган сўнг ўшал шаҳ борди чаҳга  
Етар етмасда ул сув тушти таҳга.

Деди ё раб берурсан оҳуға об  
Манга бермасан эй султони ваҳҳоб.

Нидо келди ўшал ваҳҳи ҳасанга  
Тилинг борди сани далву расанга.

Ушал оҳуни кўрдинг чиқти ерга  
Таваккул қилмади мандин дигарга.

Эшитиб бул нидони бўлди беҳуш  
Ичидин Қулзум<sup>3</sup> завқи айлади жўш.

Муҳаббат жоми ҳўл қилди томоғин  
Тирикликда унутди сувсамоғин.

Эди аввалда эр ҳам атқиёда  
Юз онча ҳиммати бўлди зиёда.

Мани мискин таваккул бобида доғ  
Тушубдур ҳимматим кун-кун забунроқ.

Ҳамиша нафси зиштим мубталоси  
Менингдек борму ҳеч мўъмин болоси.

Илоҳа баҳри ҳикматдин қилиб сер  
Мани хунсоға эрлар нашъасин бер.

Эрурман ақли йўқ идроки йўқ қул  
На тамкин бор, на ҳиммат, на таваккул.

Гила ботдим гила қилмам кишидин  
Кўрарман барча ўз нафсим ишидин.

Бўлубман ғарқ баҳри изтироба  
Хароб йлмиш тушуб нафси хароба.

Эрур кўнғлимда кўп зори ниҳони  
Юзум йўқтур туриб айтурға они.  
Ўзунгсан олимус сир алхуфиййот  
Муайяндур санга мажмуъ ҳолот.  
Агар қайтармасанг ройим варадин<sup>4</sup>  
Қутулмасман мунингдек можародин.  
Агарчи сони йўқ бу қул гуноҳи  
Гирифтори ғазаб қилма илоҳи.

<sup>1</sup> Далви — чедак. <sup>2</sup> Расан — ил.

<sup>3</sup> Кулзум — Кизил денгиз.

<sup>4</sup> Варадин — маҳлуқотдан маъносиди.

Зоҳид сучук тиллик  
бўлмоқни баёни

Кел эй зоҳид ўзингни айлағил хок  
Ҳарому шубҳадин хулқингни қил пок.

Очуқ кўллик, кушода юзли бўлғил  
Мурувватлик, мулойим сўзли бўлғил.

Бу хислатлар мувофиқ бўлса санда  
Умид улким худойим деса банда.

Мусулмон йғлида бўлса сучук тил  
Олиб келса бўлур бир қил била фил.

Сучук лафзи билан мўри хирадманд  
Солур зўр аждоҳони оғзиға банд.

Сучук тил бўлса қайси муҳтарамда  
Солур кўкдакини зеру қадамга.

Мулойим тил билан беҳарбу безарб  
Бировни келтирурлар Шарқдин Ғарб.

Эранлар олмайин бир игна қўлга  
Солурлар неча гумроҳларни йўлга.

Сучук тилдир ажаб ганжи муаззам  
Ато қилғон билан ҳеч бўлмағай кам.

Дема ҳарфики бўлса бемаъни  
Агар тил заҳарлик бўлса тил ани.

Калиди ганж маониким забондур  
Анга бир нуқта кўп бўлса зиёндур.

Қилур қаттиқ такаллум ўнг ишинг чап  
Сўзинг тиклаб кўнгул бузгунча тик лаб.

Агар сўз жона пайдо қилмаса сўз  
Ани сўз демағил мажлиси афрўз.

Агар тутсанг улўғларнинг ишини  
Набот эт тил на бот оғрит кишини.

Совуғ айғунча эй халқи замона  
Забона хавфидин муҳр эт забона.

Чу Нуъмон муҳрида бул эрди мактуб:  
«Кул ал-хайру ва илло фа ускут» эй хуб.

Совуғ сўздин бўлур иймон қоронғу  
Зарардин ўзга йўқтур нафъи борму.  
Баҳри жойи тилингни сақла зинҳор  
Киши тилни(нг) ёмонидин бўлур хор.  
Емон тил гоҳ сарғартирур юзингни  
Тубан бошингни телмуртурар кўзингни.

Ёмон тил икки оламда зарардур  
Гаҳи исён, гаҳи хавфу хатардур.

Ёмон тил шумлиғи ки жонға урғай  
Гаҳи жондин ўтиб имонға урғай.

Мусулмон ўглиға яхши қилиқ қил  
Тилингени хуш, чиройингени йилиқ қил.

Оғиздин соч еринда дурри маъни  
Агар бўлмаса хомуш айла ани.

Агар бўлмаса самда сўзга етмак  
На давлатдур сукут этмак, эшитмак.

Эшит аммо қаяу сўз бўлса беҳроқ  
Қулогинга ани ҳалқа қилиб тоқ.

Қулоқ, кўздин, қўлингдин, поларингдин  
Сўрар тонгла тамом аъзоларингдин.

Эшитмак нафъи йўқ сўз эй неку зот  
Ани ҳам гўша олма гўша чиқ ёт.

Қулоқ солма вале бемаъни сўзга  
Эшитсанг қўб у ердин ўзга ерга.

Қиши санчиқ сўз айтса сан чиқ андин  
Ямондин қоч, ямондин қоч, ямондин.

**Худони неъматларига фикр  
айламоқни баёни**

Кел эй озода воқиф бўл кўнгилға  
Кўнгил йўлбошчидур қурбатли йўлға.

Тафаккурни(нг) қушин ҳеч қилма ғофил  
Палағда бўлмағай то байзаи дил.

Тафаккур мурғи доим бўлса дамсоз  
Умид улдурки андин учса шаҳбоз.

Анингдек боз элига айласанг қайд  
Кўнгил қушларини қилса бўлур сайд.

Кўнгил ҳаргоҳ салоҳиятда бўлса  
Топар банда қаяу ниятда бўлса.

Ҳама аъзо раиятдур кўнгил шоҳ  
Амонлиғ бўлғуси шоҳ адлидин роҳ.

Агар султон ўзи қилса ёмонлиғ  
Қачон бўлғай раиятда амонлиғ.

Кўнгил жўш этмаса кўз бўлмағай нам  
Чиқарму сув қуруғға тошмаса ҳам.

Эшитгансан они дилдур назаргоҳ  
Назаргоҳдур кўнгил бир бўлса ҳаргоҳ.

Югурса ул кўнгил ким ҳар тарафга  
Қачон лойиқ бўлур мундоғ шарафга.

Кўнгил дарсини дерлар хуш сабақдур  
Тамоми маърифатда ишқ ҳақдур.

Кўнгил дарсин савол этдим бир эрдин  
Талатғуфдин деди сўрма бу ердин.

Била олманг бу шарбат тоғмағунча  
Ўзунгени яхшиларға қотмағунча.


Агар Они унутса банда они  
Тирик эрмас агарчи бўлса жони.

Кўнгил буржинда ғафлат олати пур  
Давом улдур давом этсам тазакур.

Ушал дамни надам дер аҳли маъни  
Оғиздин чиқса ғафлат бирла яъни.

Кўнгил анда ҳамиша қил ҳамиша  
Қачон бўлғай мунингдек яхши пеша.

Сўзбоши муаллифи ва нашрга  
тайёрловчи Рашид ЗОҲИД




## Журналҳои ҳақиқат мақтублар

\* \* \*

1. Ишчиман. Наманган вилояти, Чортоқ туманида яшайман.
2. Ойнома билан 1979 йилда танишганман.
3. Мунтазам обуна бўлганман.
4. Кўпчилик роман, қисса, ҳикоялар менга жуда ёққан. У. Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси», М. Ҳазратқуловнинг «Эшиклар очиқ», Х. Тўхтабоевнинг «Мунгли кўзлар» асарлари шулар жумласидандир.
5. Юбилей билан чин кўнгилдан табриклайман.
6. Осие Иброҳимова, 21 ёшдаман.





## ЯШАШНИНГ МАЪНОСИ

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, жумҳурият халқ депутати  
Пиримқул ҚОДИРОВ билан Анвар ЖҰРАБОЕВ суҳбати

**Анвар Жўрабоев:**— Аввало ижод даргоҳига йўл топишингиз қандай бўлгани ҳақида сўзлаб берсангиз.

Пиримқул Қодиров:— Гапни сарчашмадан бошлай қолайлик.

— **Яхши бўларди.**

— Унда оддий бир чўпон қизи бўлган онамнинг эртаклари менда ижодга илк бор ҳавас уйғотганини айтишим керак. У киши ниҳоятда таъсирли ҳикоялар сўзлаб берардилар. Туркистон тизма тоғи этагида жойлашган онам туғилиб ўсган Оқсув, Сўфаркат қишлоқларидаги жонли халқ шеvasи бугунги адабий тилимизга жуда яқин. 1964 йилда Одил Ёқубов билан Оқсувга борганимизда шаҳар кўрмаган баъзи кекса одамларнинг адабий тилимизга монанд ҳолда сўзлашганлари бизни ҳайрон қолдирганди. Кейинчалик суриштириб билдикки, тарих китобларига кирган Даҳқат қишлоғи яқинида ва Бобур ялангоёқ кезган Осмон Яйлов тоғи этакларида шу Оқсув қишлоғиям бўлган экан. Бобурнинг Андижон ҳақида айтган: «Эли туркдур, лафзи қалам билан ростдур...» сўзларини оқсувликларга нисбатан ҳам татбиқ этиш мумкин. Барлос уруғининг бир шохаси бўлган бу қавмлар шайбонийларга бўйин эгмай, тоғ оралиқларида ўзларининг кўҳна туркий лаҳжаларини, ҳатто «турк» деган номларини ҳам сақлаб қолганлар. Онамизнинг мана шу адабий тилга табиатан яқин бир муҳитда яшагани ва унинг бойликларини зеҳнимизга болалигимиздан сингдирганлиги мен учун катта неъмат бўлган.

Эсимни таниганимдан бошлаб онамиз айтган эртақлар, оғзаки ҳикоялар, мақоллар, қочириқлар ҳанузгача хотирамда тошга ўйилган суратлардек бутун турибди.

— **Демак, ижод бобида онангизни биринчи ўстозингиз десак, хато бўлмас!**

— Ҳар қалай, тилни мен, аввало, онамдан ўрганганман. Адабий ижоднинг сарчашмаси эса тилдир. Шуниям айтмоқчиманки, урушдан олдинги йилларда адабиёт дарсликлари хийла яхши тузилган эди. Афсуски, кейинги даврлардаги дарсликларда қуруқ мулоҳазалар, «палон ижобий образ», «палон ғоявий мазмун», «палон синфлар кураши» каби болада адабиётга қизиқиш уйғотмайдиган умумий гаплар кўпайди.

Биз бошланғич мактабга кириб ўқиган вақтда ажойиб анъана бор эди: зеҳни ўткир ўқувчи дарсларни яхши ўзлаштира, беш-тўрт ойдан кейин навбатдаги синфга кўчириларди. Мен, масалан, бир йилда икки синфни битириб, учинчига ўтган эдим. Болалигимда хотирам кучли эди. Тўққиз-ўн ёшларимда ўзимга ёққан ашулани бир-икки марта эшитишимдаёқ ёд олардим.

— **Бу эса, Пиримқул ака, мусиқавий зеҳннинг ўткирлигидан далолатдир. Бордию сиздаги бу хислат ривожлантирилганда, бастакор бўлишингиз ҳам мумкинмиди!**

— Мумкин эди. Аммо бизда ўшанда музика мактаблари йўқ эди...

— **Энди китоб ҳақидаги гапни давом эттирсак. Болаликдаги сеvimли асарларингиз қайсилар бўлган!**

— Биринчиси Элбек тўплаган «Ўзбек халқ қўшиқлари». Ундаги ашулалардан бир-қанчасини ҳали ҳам такрорлаб юраман. Еттинчи синфга ўтганимда роману қиссалар ўқишга қизиқдим. Уйимиз Уратепанинг чекка жойида бўлиб, мактабга боғ кўчалар орқали пиёда бориб келардим. Куз ва қиш ойларида кўчалар деярли бўм-бўш бўлар ва мен йўл-йўлакай китоб ўқирдим.

Войничнинг «Сўнаси», Лермонтовнинг «Замонамиз қаҳрамони», Стивенсоннинг «Жавоҳирот ороли», Жюль Верннинг «Капитан Грант болалари»— шунга ўхшаш асарларни шаҳар кутубхонасидан олиб ўқиганман.

Мени китоб ўқишга рағбатлантирган яна бир сабаб бор эди. Акам (у роса ўйинқароқ бўлиб, тўртинчи синфдан кейин мактабга бормаи кўйганди) колхознинг кўйини боқарди. Мен унга ўқиган китобларимнинг мазмунини айтиб берар, у эса ниҳоятда қизиқиб қулоқ соларди. Акам куз ва қишда сурувни Уратепа атрофидаги дони йиғиб олинган далаларга ёр, ёзда эса тоққа чиқиб кетарди. Уқийшдан бўшаган пайтларимда, қишки-ёзги таътиллларда ундан хабар олгани бориб турардим. Акам: «Қани, ўқиган китобларингдан гапир», деб кўймасди. Унга юқорида саналган асарлардан ташқари Пушкиннинг «Капитан қизи», «Белкин қиссалари», Толстойнинг «Ҳожимурот», Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романини бутун тафсилотлари билан сўзлаб берардим. Акамга қайси воқеа қаттиқроқ таъсир қилса, шунга кўпроқ урғу берардим. Ҳар қалай, ҳикояларим туфайли акамнинг олдида ҳурматим ўсиб бораётганини сезардим. Китоблар ака-ука икковимизга тарбия беришдан ташқари, бир-биримизга бўлган меҳру оқибатимизни мустаҳкамларди. Айни чоғда, ўша оғзаки ҳикояларим мени ижод даргоҳига олиб келган илк сўқмоқлар вазифасини ҳам ўтаган экан. Мен буни энди билмоқдаман.

Биз биринчи навбатда табиатдан, сўнг китоблардан миннатдор бўлишимиз лозим. Бизни коинот бағрида омон сақлаб турган табиат неъматини — осмоннинг юқори қатламидаги азон пардасини эсланг. Уни «ернинг азон қалпоғи» ҳам дейишади. Лекин сура-тини кўрсангиз, миллион йиллар давомида тўпланган энг тоза ва энг тиниқ ҳаво — азон қалпоқдан кўра кўпроқ ҳарир ипак пардага ўхшайди. Эски китоблардаги «пардаи ас-рор» — «сирли ер пардаси» деган иборани ёдга солади у.

Нафис азон қатлами ердаги бутун тирик жонларни қуёшнинг хатарли зарраларидан ҳимоя этиб тураркан, аммо, афсуски, унга лат етказилапти. Масалан, Антарктида устидаги минглаб квадрат километр майдонда азон қатлами йўқолди. Бу бутун дунёни ташвишга солмоқда. Антарктидада-ку қуёшли кунлар кам, аҳоли деярли йўқ. Бордию аҳоли зич жойлашган қишлоқлар ва қуёшли минтақалар осмони азонсиз қолса, аҳоли-миз қандай кечади?

Яхши китоблар бутун одамзод тарихи давомида тўпланган маънавий азон хизмати-ни ўтайди. Улар инсониятни турли замонлардаги салбий таъсирлар ва ахлоқий бузилишлар «радиацияси»дан асраб келаётир. Энг яхши ёзувчилар эса одам зоти учун ана шу қадар зарур маънавий азон ишлаб чиқараётганликлари туфайли алоҳида эъзозда-дирлар.

Ёзувчиликка ҳавас туғилишида ўқитувчиларимнинг хизмати ҳам ниҳоятда катта бўлди. Улар адабиётга нисбатан дилимда улкан ихлос уйғотган эдилар. Кишидаги қобилият тоғ бағридан чиққан булоққа монанд кўз очади. Лекин бу булоқнинг катта дарёларга йўл топиб бориши осон эмас. Агар чашманинг йўлида сой оқаётган бўлса, уларнинг суви бир-бирига қўшилиб, катта дарёларга етиб боради. Ёш тақдиримни бепоён кенгликларга олиб чиқишда муаллимларим ҳаётбахш сояларнинг хизматларини бажаришган.

— **Қачондан бошлаб кўлингизга қалам олгансиз?**

— 6—7-синфларда ўқиб юрган пайтларимдан. Лекин ўшандаги ижодий машқларим кундаликлардан иборат эди. Минг афсуски, улар йўқолиб қолган, чунки яхши сақлай олмадим. Аммо талабалик йилларидаги ҳамма кундаликларим бор.

— **Сиз Бекобод металлургия заводида қуювчи бўлиб ишлагансиз-а!**

— Қуювчи эмас, балки ана шу корхона қурилишида муҳбир бўлиб. Уруш даврида, ҳали рухсатнома билан бир бурда нон олиб, ярим оч яшаган пайтларимизда, мен таваккал қилиб қишлоқдан Бекободга борган эдим. Ўшанда ичтерлама, безгак каби оғир касалликларга чалиниб, нимжон бўлиб қолганман. Лекин шунга қарамай, ишга кирдим.

Биз яшаган даврнинг кўп қисми фожияларга тўла бўлди. Болалик йилларимиз Сталиннинг шафқатсиз зулми кучайган пайтга тўғри келган. Отамиз катта ўғил тўйи қилгани сабабли оиламизни қаҳратон қиш кунинда Кенгкўлдан Оқсув қишлоғига зўравонлик билан кўчиришганди. Шунда икки-уч яшар бола эдим. Мендан кичик — олти ойлик Раббим деган укам ҳам бор эди. Қор қалин, изғирин, бизни тоғам билан онам кўрпаларга ўраб, отларга миндириб олишди. Ора у қадар узок эмас: йигирма қақиримча келади. Аммо пасту баланд тоғ йўллари музлаб қолган; отлар нуқул тойиб йиқила-верди. Ағанаб кетган кўчларни қайта ортгунларича биз дийдираб совуқда қолдик. Укачам қаттиқ шамоллаб, Оқсувга келганимизда вафот этди. Унинг қабрчаси ҳали-ҳануз кўз ўнгимда турибди...

Кейинчалик Бекободдан комсомол йўлланмаси билан Тошкент дорилфунунининг тайёрлов бўлимига ўқишга келганимдаям шароит бениҳоя оғир эди: бир хонада ўттиз-қирқ киши яшаймиз. Хоналар иситилмайди. Безгак тутади.

— **Шу шароитда дорилфунунни «қизил» диплом билан тугатганингизни тасаввур қилолмаяман... Кейин, биринчи китобингиз ҳам талабалик даврингизда чоп этилган-а!**

— Ҳа, бунда Абдулла Қаҳҳорнинг ёрдами кўп асқотди. Ўшанда — ўн саккиз ёшимда ёзган илк ҳикоямни у кишининг ҳузуринда ўқиб бердим. Улкан адиб менга донолик ва талабчанлик билан сабоқ берди. Шундан сўнг уч-тўрт йил берилиб машқ қилдим. Натижада «Студентлар» деган ҳикоям китобча ҳолида босилиб чиқди. Кейинчалик, «Уч илдиш» романимни ёзганимда Константин Симонов билан Мухтор Аvezов менга катта маънавий мадад беришган.

— Айримлар ёзувчини дард чекувчи инсон деса, бошқалар уни дардларга даво берувчи, яъни, табиб дейишади. Шу хусусда ва умуман, ёзувчилик ҳақида фикрингизни билмоқчи эдим.

— Узимнинг қирқ йиллик ижодий тажрибамдан келиб чиқиб айтмоқчиманки, бу ҳар иккала ўхшатишда ҳам жон бор.

Ҳаётдаги бири иккинчисидан чигал муаммолар ёзувчининг қалбида бир дард, бир тугун бўлиб туради. Ана шу дардга даво излай бошлайсиз. Лев Толстой санъат ҳақидаги рисоласида бадий ижод, ҳақиқий диёнат ва пок диний эътиқод каби муқаддас бир ишдир, деб ёзади. Қадим замонларда муқаддас китоблар одамларга қандай хизмат қилгани маълум. Бугунги кунда, инсоният тараққий этиб, кўп нарсаларни чуқур таҳлил эта оладиган бир пайтда, унинг хилма-хил маънавий эҳтиёжларини қондириш учун бадий ижод аввалгидек хизмат қилиши, унда дард ҳам, дардга даво ҳам мужассам-лашган бўлиши зарур.

Шу кеча-кундузда ҳам адибларимиз санъат одамларга қандай хизмат қилиши керак, деган азалий саволга муттасил жавоб излашяпти. Бу борада ҳозир хорижда яшаётган иқтидорли ёзувчи Александр Солженициннинг айтганлари, айниқса, диққатга сазовор. У Нобель мукофоти олиши муносабати билан сўзлаган нутқида (ушбу нутқ «Новий мир» журналининг 1989 йил 7-сонида эълон қилинган) дейдики, публицистик мақола ҳар қанча ўткир бўлса-да, вақт ўтгани сари эскиради. Чунки у инсон қалбини, шуурини, ҳис-туйғусини, тафаккурини батамом қамраб ололмайди. Бадий асар эса одамнинг ҳам ақлига, ҳам дилига таъсир қилади. Албатта, кучли асарлар, айтилики, Шекспир, Достоевскийларнинг ёзганлари каби. Бориб-бориб бу асарлар шундай қудратга айланадики, уларни ҳеч ким йўқ қилиб ташлолмайди. Одамзод улардан мудом шифо топиб туради.

Ривожланган халқлардаги яхшилик, ҳақиқат ва гўзаллик учаласи биргаликда инсоннинг маънавий дунёсини устундай суяб туради,— дейди Солженицин.— Аммо ҳозир яхшилик ҳам кўпинча беҳисоб муаммоларнинг чакалагидан ўзига йўл тополмай, адашиб қолиши мумкин. Лекин санъату адабиётдаги гўзаллик (айниқса, адабиётда) жозиба кучи чакалалар ичра адашиб юрган ҳақиқатни ўз қанотида кўтариб олиб чиқа олади.

Дунёни атом ҳалокатидан шу учови — ҳақиқат, яхшилик ва гўзаллик халос этиши мумкин.

Одамзодга энг катта хавф-хатар солаётган нарсалар — зўравонлик, қаллоблик ва ёлғончиликдир, дея таъкидлайди Солженицин. Зўравонлик шундай бир нарсаки, у ўзини ёлғон-яхшиқлар билан хаспўшлаб кун кечиради. Мана, Сталин шахсига сифиниш бошдан-оёқ зўравонликка асосланган бўлиб, у ёлғоннинг темир пардаларига ўралганди. Бу темир пардаларни эса адабиёту санъат, бақувват китоблар бирин-кетин йиртиб ташлаётир.

— Лекин китоблар ҳам, барча ёзувчилар ҳам бақувват бўлавермайди-ку!

— Ҳамма соҳада турли даражадаги ижодкорлар бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Майли, ўртамиёналар ҳам ижод қилаверишсин, лекин уларнинг истеъдодсизлиги ёлғон билан бурканмаган бўлса бас. Аммо даҳшатли бир томони шундаки, улар, аксарият ҳолларда, гуруҳларга бирлашиб, ҳақиқий истеъдодларнинг умрига завоқ келтиради. Диллари ижоддан кўра кўпроқ бахиллик ва ифвогарлик туйғулари билан банд бўлади. Шундайлар туфайли Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир, Фитрат... қурбон бўлиб кетишди. Ҳозир улар фош этиляпти. Гуруҳбозлар бугун ҳам кўп, лекин вақти келиб, буларнинг ҳам ҳақиқий қиёфаси очилади, авлодлар олдида жавоб беришади!

— Билишимча, сиз ҳам ана шунақанги бахилларнинг жабрини тортгансиз. «Юлдузли тунлар» ҳам, «Авлодлар довони» ҳам ёзиб бўлингач, бир неча йиллар ўтиб, оғир жанг жадаллардан сўнг босилиб чиқди-ку, ахир...

— Бу ҳақда матбуотда гапирганман. Шартмикан эски дардларни яна кўзғаш?

— Одамлар кўпроқ билгани маъқул. Шунинг учун...

— Майли, мавруди келган экан, айта қолай...

«Юлдузли тунлар» («Бобур») 1973 йилда чоп этилиши керак эди. (1972 йилда муҳокамадан ўтган эди-да). Аммо ўша пайтларда тарихий мавзуларга муносабат ёмонлашиб кетди. Дейлик, Ўлжас Сулаймоннинг «Аз и Я» китобига ҳужумлар авж олганди. Москвада чиқадиган «Вопросы истории» журналида тарихчи олимларимиздан бири Ҳамид Сулаймоннинг Бобур тўғрисида ёзганлари-ю, у ҳақда чоп этган альбомига қарши ўта адолатсиз гаплар айтганди.

— Шундай бир шароитда тарихий мавзуга, яна денг, Бобур мавзуга билиб қўл урдингизми ё...

— Билиб. Мен, аввало, Бобурга, умуман тарихга бўлаётган бундай муносабат мутлақо нотўғрилигини исботлаш, халқимиз тарихий илдизларимиздан руҳий озуқа олиши ва тарихни ҳеч қачон унутиб бўлмаслигини яна бир карра айтиш учун шу асарни ёзган эдим. Қийинчиликлар бўлишини олдиндан сезган эдим-у, лекин нимадандир умид қилардим.

Аслида, мен «Юлдузли тунлар»ни 59-йилда, «Уч илдиз»дан кейин бошламоқчи

эдим. Лекин тушундимки, бундай мураккаб вазифани етарли тажриба орттирмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун яна бир қатор нарсалар — «Қадрим», «Қора кўзлар», «Эрк» кабиларни ёздим, жамоатчилик уларни яхши кутиб олгач, ниятимга киришдим.

— **Романга материал тўплаш учун Ҳиндистонгаям бориб келганмисиз!**

— Ҳа. Ҳиндистоннинг Агра, Деҳли, ундан ташқари, Покистоннинг Карочи, Ислом-обод, Лаҳор шаҳарларида анча бўлдим. Тарихий обидаларни ва табиат манзараларини ўргандим...

Романнинг қўлёзмасини ўқиган ёзувчилар, нашриёт ходимлари унга ижобий баҳо беришди. «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»), «Саодат» журналида асардан парчалар босилди (1973 йилда). Бу эса ўқувчиларда жуда катта қизиқиш уйғотди. Шу қизиқиш ўша пайтдаги турфунлик муҳибларини хавотирга солиб қўйди. Недирки, роман ҳаммани ўзига жалб этиб олиб кетиши мумкин, деб. Яна денг, мавзуси нозик... Бунинг устига, ўзимизнинг ёзувчиларимиз орасидаги маълум бир бахиллар қўшилди. Хуллас, романнинг йўлига ғов ташланди. Орадан уч йил ўтди. Ҳеч натижа йўқ. Уюшмамизнинг раҳбарлари эса мени юпатишади, кутинг, бугун-эрта ҳал бўлиб қолар, деб. Уч йилдан ошиқ кутдим. Охири, Рашидов билан гаплашиб кўринг-чи, деб қолишди. Ҳузурига кирдим. Рашидов гапни айлантириб, бизга ҳозир Бобур ҳақидаги роман керак эмас, деб очиқ айтди.

— **Аммо у киши «Юлдузли тунлар»га яхши баҳо берган экан-ку!**

— Тўғри. Лекин роман босилиб чиққач. Назаримда, олдинга Рашидовга кимдир асар ҳақида бошқача аҳборот берган ёки ўшанда замона шуни тақозо қилган, чунки боя айтиб ўтганимдай, Бобур, у тўғрисидаги альбом, «Аз и Я» китоблари Москвадан туриб қораланаётган, Иброҳим Мўминовнинг Темур ҳақидаги рисоласи қаттиқ танқидга учраган пайт эди-да. Балки унинг ҳам шундан оғзи куйиб, романи чоп эттиришга журъат этмагандир.

Хуллас, яна кутишга тушдим. Орадан уч-тўрт йил ўтди...

— **Ижодкор одамга бундан оғир қийинчилик бўлмаса керак. Ахир юракнинг қони тўкилиб ёзилган асар...**

— Нимасини айтасиз. Очиғи, ҳатто йиғлашгачаям борганман. Чунки устига устак, турли-туман дашномлар ҳам эшитиб турардим. Бегоналар у ёқда турсин, ҳатто баъзи яқин қариндошларимиз ҳам: «Айб ўзингда, ўртамиёна қаламқашсан, кучинг етмаган шуни эплаб ёзишга», дейишганди. Ишингиз юришмагандан кейин дуч келган одам сизни туртиб ўтишга уринаркан-да...

— **Ичкилик ёки тамакидан таскин топган пайтларингиз ҳам бўлдим!**

— Бордию шу нарсалардан нажот қидириш йўлига ўтсам, мутлақо тамом бўлардим, мақсадимга умуман эришолмасдим.

— **Ҳеч кимга шикоят ҳам қилмадингизми!**

— Йўқ. Арзу дод қилишни ёмон кўраман. Умримда бировнинг устидан ёзган эмасман. Менинг оғир-вазминлигимни эса бировлар камчиликка йўйиб, «Сиз қўрқок-сиз, сизда дадиллик йўқ, исёнкорлик етишмайди», дейишар эди. «Майли, сизлар ботир, исёнкор бўлақолинглар», деб жавоб қайтарардим уларга. Одам беш дақиқада минбарга чиқиб, ҳали айтилмаган гапни айтиб, «эҳ-ҳа, бу ботир экан» деган баҳога муяссар бўлиши мумкин. Тўғри, буям жасорат, лекин жасоратнинг бошқа бир тури бор: бу — меҳнатқашга хос жасорат: бу — ўз вазифасини йиллар давомида сокинлик билан, бақириб-чақирмасдан амалга ошира билиш. Ҳозир бизда бундай бардошлилар кам. Уйлайманки, сизларнинг орангиздан шундайлар кўп чиқади.

— **Шахсан сиз шундай бардошни қаердан олгансиз!**

— Билмадим... Қийинчилик биздан олдинги авлоднинг ҳам бошига тушганини эсладим. Дейлик, Қодирийга қанчалар оғир бўлганди... Қодирийлар фожиясига нисбатан, менинг бошимга тушган савдолар (одам қиёс билан яшайди-да) у даражада бедаво эмас-ку, деб ўзимга тасалли бериб турдим.

— **Уша даврда ёзувчиликдан росаям совиб кетган, қўлингизга қалам ҳам олмаган бўлсангиз керакдир-ов!**

— Қайтанга роса ёздим! Иш одамни овутаркан. Бир талай ижодий режаларим тўпланиб қолганди, шуларни амалга ошира бошладим. Болалигимда бошимдан кечирганларим асосида «Акрамнинг саргузаштлари» киссасини ёздим. Пахтакорлар тўғрисида бирор нарса ёзишни анчадан буюн мўлжаллаб юрардим ва ҳатто бир бобини қоралаб ҳам қўйгандим. Мирзачўлга бориб-келиб юрганимда Мамажон Дадажонов билан танишиб қолган эдим. Кейин унинг фожиявий ўлимини эшитдим-у, қаттиқ таъсирланиб, у ҳақда «Мерос» деган қисса ёздим. «Қора кўзлар»да шаҳар ҳаётига тааллуқли бир йўналиш бор эди, китобга ҳеч қовушмагани учун олиб қўйган эдим, асқотди: «Олмос камар» романига асос бўлди. Униям ёзиб битирдим.

— **Бу ёзганларингиз ўз вақтида чиқиб турдим!**

— Чиқиб турди, лекин барибир «Юлдузли тунлар»нинг йўли очилмади. Нима қилишни билмайман: осмон узоқ, ер қаттиқ, деганларидай... Менинг бу аҳволимни кўрган Юрий Суровцев (у СССР Ёзувчилар уюшмасининг котиби эди. Мен бир вақтлар

Москвада, мамлакатимиз ёзувчилари уюшмасида ҳам ишлагандим. Ушанда Суровцев билан дўст тутингандик) сабабини суриштира кетди. Унга бор воқеани айтиб бердим, дарҳол романнинг сўзма-сўз таржимасини сўради. Беш-олти ойда ўқиб чиқар деб юрсам, ўн кун деганда Москвадан хатини олдим. Юрий Иванович «Юлдузли тунлар» ҳақида ниҳоятда илиқ сўзлар битиб, «Бу романи, албатта, чиқариш керак ва бунда сенга қўлимдан келган ёрдамимни аямайман!» деб ёзганди. Қувониб кетдим. Кейин у кўп фурсат ўтмай, Тошкентга келиб, Рашидов билан роман хусусида анча суҳбатлашиб, уни шўҳалантирган ҳамма нуқталарга жавоб бергач, асарнинг босилишига руҳсат теғди.

— Шундан кейин асар дарҳол дунё юзини кўрган бўлса керак!

— Қаерда дейсиз. Бу воқеа 77-йилнинг кузида содир бўлган бўлса, роман 78-йилнинг баҳорига бориб «Шарқ юлдузи» ойномасида, 79-йилда эса китоб ҳолида чиқди. Нашриётнинг ўша пайтдаги раҳбарлари атайлаб қўзишди.

— Шундай қилиб, «Юлдузли тунлар» ўқувчилар қўлига олти йил кечикиб тегибди-да!.. Романингиз катта шов-шувларга сабаб бўлганини ҳалигача эспаймиз. Уни рус китобхонлариям яхши кутиб олишди. Узбек адабиётига камдан-кам ўрин берадиган «Новий мир» журналида китобга тақриз босилди. «Литературная газета» «Юлдузли тунлар»ни юксак баҳолади. Асарингиз «Правда» газетасида тилга олинди. Лекин шунга қарамай, 85-йилларда романга қайта ҳужум бошланиб кетди. Буни ўзингиз қандай изоҳлайсиз!

— Бунинг иккита сабаби бор. Биринчиси, ўшанда жумҳуриятимиз партия раҳбариятига Абдуллаевау Усмонхўжаевга ўхшаган одамлар келиб қолишган эди. Улар тарихимизни оёғоси қилиш йўли билан марказдагиларнинг ҳурматини қозонишни ўйлашарди. Иккинчидан, мен бу пайтга келиб асарнинг иккинчи китоби — Бобурнинг ўғли Ҳумоюн ва невараси Акбар (асосан, Акбар)лар даврига бағишланган «Авлодлар довони»ни ёзиб тугатган эдим. У ҳам муҳокамада яхши баҳо олиб, «Шарқ юлдузи» ойномасида чоп этиш режалаштирилган эди. Сўнг Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида босилиши мўлжалланганди. Бу айримларга ёқмади шекилли, улар янги асарнинг йўлини беркитиш учун «Юлдузли тунлар»га тош ота бошладилар. Оқибатда янги роман ойномада анча вақт тўхтаб қолди.

Шоир Эркин Воҳидов (у ўшанда нашриёт директори эди): «Майлига, журналда чиқмаса ҳам ўзимиз чоп этамиз», деб романи нашрга тайёрлади. Иш сал юришай деганда Усмонхўжаевнинг пленумдаги нуқтига биноан, яна йўллар тақа-тақ беркилди: терилган матни тарқатиб юборишга мажбур бўлишди.

Орадан икки йил ўтгач, шароит сал юмшаб, роман «Шарқ юлдузи»нинг 88-йилги апрель сонида чоп этиладиган бўлди. Терилган саҳифаларни ўқиб бердим. Лекин бу орада «Гулистон» ойномасида Нуриддин Акрамович Муҳиддиновнинг Бобур ҳақидаги туркум мақолалари чиқди. Раҳбарлар унга салбий баҳо беришди. Бобур атрофида яна қора қуюнлар айланиб, роман матни иккинчи маротаба тарқатиб юборилди.

Аммо ҳар қалай, ҳозир замон бошқа, адолат тезроқ юзага чиқадиган давр келди. Тегишли жойларга бордим, «кимлардир иғво қилаётганга ўхшайди, роман тарих орқали халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга ёрдам бериши мумкин», дедим, исботлар билан юқоридагиларни бунга ишонтиришга интилдик. Ойнома жамоати ва бош муҳаррир Уткир Ҳошимов ҳам романи чиқариш учун кўп ҳаракат қилди. Ниҳоят, асар ойноманинг 88-йилги 8—9—10-сонларида босилиб чиқди. Аммо тўлиқ эмас, олти босма табақни қисқартиришга тўғри келди, журнал учун ҳажми жуда катта дейишди. Нима бўлса-да, роман китобхонларнинг қўлига тезроқ тегсин деб, розилик бердим.

— Ким қисқартирди!

— Ўзим.

— Умуман, шу асарга қанча вақт сарфлагансиз!

— Ўн йилдан кўпроқ (шундан уч-тўрт йили даврни ўрганиш ва ҳужжатлар тўплашга кетди). Ҳа, романнинг пайдо бўлишида дўстим Чингиз Айтматовнинг ўзига хос маънавий ҳиссаси бор. Қаттиқ танқидга учраган ўша пайтларимда Айтматов Сиз билан қилган суҳбатида, Анваржон, «Юлдузли тунлар»ни, Бобурни баралла ҳимоя қилгани кўнглимни кўтарди. Мен Чингиз Турақуловичга миннатдорчилик билдириб, мактуб юбордим. Унда адабни «Қиёмат» романи билан табриклдим ҳамда Акбар даври ҳақида китоб ёзганлигимни айтдим. У киши қисқа муддат ичиде икки бетли жавоб йўллади. Унда шундай жумлалар бор: «Сенинг буюк Акбар ҳақидаги мулоҳазаларинг, Акбарнинг турли динларни бирлаштиришга интилиши ўта замонавий мавзудир. Бунга, яъни маънавий бирликка одамзод барибир мурожаат қилади, чунки бугунги шароитда инсониятнинг омон қолишига имконият берувчи бирдан бир йўл ана шудир. Бу ҳақда, албатта, роман ёз ва асаринг учун кураш. Шахсан мен ниятингни маъқуллашман.»

— Баъзи китобхонлар: «Пиримқул Қодировнинг Акбари барча динларни қовуштириб, қандайдир янги дин яратмоқчи бўлганми!» дейишяпти...

— Добролюбов Акбарни улуғ шахслардан бири деб билган. Чунки Акбар улкан ғояларни илгари сурган. У, масалан, динлар ўртасида маънавий кўприк қуришга интилан, барча дин тенг бўлсин, мустақил ривожлансин, деган ғояни илгари сурган.

— Бундан келиб чиқадики, романинг айрим ғоялари китобхонларга бирдай етиб бормаган экан-да!

— Шундай. Сабаби бу асар бошқа романларимга қараганда бироз мураккаброқ, айниқса, иккинчи қисми. Унда тафсилотлар иложи борича камайтирилиб, фалсафий мушоадага кўпроқ ўрин берилган, эътиқодлар, имонлар кураши тасвирланган, динлар ўзаро қиёсланган. Буларни бус-бутунича қабул қилиш бир қадар тайёргарликни тақозо этади. Тўғри, сўнгги пайтларда китобхонларимизнинг савияси ўсиб кетди, аммо аф-суски, ҳаммаси бирдек эмас. Баъзи ўқувчилар эса эрдамга муҳтож. Бу ўринда уларга адабиётшунослар, танқидчилар кўмакка келишлари керак эди. Лекин улар «Авлодлар довони»га бефарқ қарашди: асар у ер-бу ерда тилга олинганини ҳисобламасак, унинг таҳлилига бағишланган жиддий, атрофлича мақола чиқмади.

— Сизнингча романда камчиликлар борми?

— Мен уни ёзиш жараёнида сезган камчиликларни тузатиб борганман. Бундан ташқари, китоб ҳолида чиқишдан олдин ҳам анча тузатишлар киритдим, айниқса, динга оид қисмларида...

Умуман, адабий асар баҳоли қудрат, яъни куч етганича ёзилади. Мен олдимга жуда улў вазифаларни қўйишим мумкин, аммо уларнинг ҳаммасигаям эришиб бўлмас... Ҳар бир ёзувчини ўша ёзувчи тан олган ҳақиқатлар тарозиси билан тортиб баҳолаш лозим, деган эди Пушкин.

Романимда нуқсонлар бўлиши табиий, аммо мен қўлимдан келганча бенуқсон ёзишга интилганман.

— Нега бобурийларни оврупаликлар доимо «Улў мўғуллар» дейишади?

— Бобурнинг ўзиям, унинг авлодлариям ҳеч қачон «биз мўғулмиз» дейишмаган. Улар доимо она тилимиз туркий дейишган, ўзларини туркий халққа мансуб ҳисоблашган. Акбарнинг дўсти ва тарихчиси Абдулфазл Алломийнинг «Акбарнома» китобида бу буюк зот шажараси қуйидагича санаб ўтилган: Акбар бинни Ҳумоюн, бинни Бобур бинни Умаршайх... бинни Темур. Темурнинг ҳам беш-олти авлоди қайд қилиниб, охири бинни Абу Турк билан якунланган, яъни Темурнинг бобокалони туркий халқдан бўлгани таъкидланган.

«Буюк мўғуллар» атамаси кейинчалик, Ғарбий Оврупадан чиққан, аниқроғи, у инглиз, испан, португал сайёҳлари томонидан «таъсис» этилган. Атайлаб, бобурийларни туркий, мусулмон халқларидан узоқлаштириш мақсадида.

— Тарих ҳар биримиз учун улкан сабоқ, шу сабабли тарихий асарларга бўлган қизиқиш жуда катта. Демак, табиийки, сиз ана шу йўналишда, яъни тарихий мавзуда яна асарлар ёзсангиз керак!

— Ҳақиқатан ҳам тарихий мавзу ниҳоятда қизиқарли, ҳам тўқнашувларга бой. Лекин шу 60—70 йил давомида бошимиздан кечган ва ҳозир кўз ўнгимизда содир бўлаётган воқеалардан ҳам катта ҳаётий сабоқ олишимиз мумкин. Ростини, мен иккилиниб турибман, узоқ тарихни давом эттирайинми, ёки замонавий мавзуга қўл урайми, деб...

— Яқин-яқингача сиз мутлақо эркин ёзувчи эдингиз, яъни бор вақтингизни фақат ижодга сарфлардингиз. Энди Ўзбекистон халқ депутати, парламентда эса катта бир қўмитага раҳбар этиб сайландингиз... Сиз хоҳлайсизми-йўқми, бу ишлар ижодингизга кетадиган вақтнинг маълум бир қисмини олади. Шундан афсусланмайсизми?

— Менинг асосий вазифам — ёзувчилик. Аммо ҳозир биз ғалати бир даврда яшайпмиз, халқимизнинг келажак тақдири худди шу кеча-кундузда амалга оширилаётган ишларга чамбарчас боғлиқдир. Шу сабабли бу ишларга озми-кўпми ҳисса қўшаётганимдан хурсандман. Аммо, яна таъкидлайман: менинг асосий ишим — ёзувчилик.

— Пиримқул ака, мен бир нарсага ҳайронман; юксак маданият тараққий этгани сари ёвузлик, жиноят кўпайиб боряпти, кўпчиликда эътиқод йўқоляпти...


— Жиноят, менинча, илгарилариям кўп бўлган. Лекин у яшириб келинган. Мана, Сталин даврини олайлик, миллионлаб одамлар уйларида битта-битта олиб кетилиб, ёвузларча ҳалок этилган, бадном қилинган. Инсоният тарихида минг йиллар давомида бунчалик катта миқёсда, чексиз шафқатсизлик билан қилинган жиноят содир бўлмаган эди. Кўп халқлар ўз ватанидан бадарға қилинди. Лекин ҳиди чиқарилмаган бу жиноятларнинг. Ҳозир, ошкоралик даврида эса ҳамма нарса ҳақида очиқ-ойдин айтилмоқда. Шундай бўлгани яхши. Масалан, уйнинг деразаларини очиб, хоналарни шамоллатиб турсангиз, ҳаво тоза бўлади, микроблар қирилиб кетади. Сиз айтган иллатлар ҳам шу микробларга ўхшайди, яъни уларга қуёш нури тушса, тоза ҳаво таъсир қилса — бу иллатларни йўқотиш осонроқ кўчади. Энди эътиқодга келсак!.. Эътиқодсизлик 50—60-йилларда кўпроқ эди. Назаримда, эътиқодчилар, ҳозир, аксинча, кўпайиб бормоқда. Мен бу ерда самимиятга йўғрилган диний имон-эътиқодни ҳам назарда тутаяпман. Эътиқод яхши бўлиш ва яхшилик қилиш ниятидан келиб чиқиши керак.

— Лекин, аксари ҳолларда яхшиликка яхшилик қайтмайди-ку!

— Қайтиши шарт эмас. Бизда мақол бор-ку, «Яхшилик қил — дарёга ташла, балиқ билмаса, холиқ билади», деган. Яхшилик билан одам ўзининг дилини обод этади. Бировга ёмонликни раво кўрган кишининг дилида, албатта, ўша ёмонликларнинг асорати қолади. Ёмонлик охир-оқибат қайтади, қутилмаган жойдан қайтади. Мана, менинг

отамга адолатсизлик қилганлар ичида бир одам бор эди (мен уни «Қора кўзлар» романида Исмат бобо деган ном билан келтирганман). У чақимчилик билан қишлоғимиздаги бегуноҳ кишиларни қаматиб юборганди. Сири очилгач, одамларнинг назаридан қолди. Кейин эса кўзлари кўр бўлди. Аммо шундаям ёмонлик қилишни қўймади, бора-бора хотини, келини, ўғли ўртасида низо чиқара бошлади. Охири ўғли чидолмай: «Ота, шунча қилган айғоқчилигингиз каммиди, энди уйдагиларни тинч қўйинг», дейди ғазаб билан. У эса «дод» солиб бақиради. «Мен сени оқ қиламан!» дейди ўғлига. Шунда хотини: «Оқ қиладиган одамнинг кўнгли оқ бўлади. Сизнинг эса кўнглингиз қора! Сизнинг кўзингиз кўр эмас, имонингиз кўр, виждонингиз кўр!» дейди...

Дўрмондаги боғ атрофида кускут (чирмовиқнинг ёмон тури) деган бир ўсимлик ўсади. Барги йўқ, илдизи йўқ, худди чувалчангга ўхшайди. Баъзан ҳаводан учиб келиб, мевали дарахтларга ёпишади. Бир куни қарасам, четроқдаги баланд бир теракнинг ярмигача чиқиб, уни қуритибди, аммо ўзиям қуриб ётибди. Чунки унга ўша терак озиқ бериб турган эди-да, Ёмонлик бир куни, албатта, ўзиям барбод бўлади!..



## Журнал «Хонларнинг мактублари»

Олтинчи синфда ўқиб юрган кезларимда китобсевар опаларим кутубхона мудирига ёрдамлашиш баҳонасида йигирматача «Шарқ юлдузи» кўтариб келишди. Журнални варақлашим билан атлас кўйлак, зардўзи дўппи кийган дилбар бир қизнинг суратига кўзим тушди. У истеъдодли санъаткор Лутфихоним Саримсоқованинг сурати бўлиб, кейинги варақда у кишининг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида мақола ҳам берилган экан. Ҳаммасидан ҳам Лутфихонининг келин қилиб узатилиш воқеаси ва тўйда айтилган ёр-ёр ҳаёлимда қаттиқ ўрнашган.

Ҳаётимнинг азиз ҳамроҳи бўлмиш «Шарқ юлдузи»га 1977 йилдан буён обунаман. Унда эълон қилинган «Диёнат», «Юлдузли тунлар», «Гирдоб», «Кунда», «Жимжитлик» каби асарлар менда чуқур таассурот қолдирган. Шунингдек, номдор адиблар билан уюштирилган суҳбатларни ҳам мароқланиб ўқидим. Ажойиб истеъдод соҳиблари Хайриддин Султонов, Нурилла Отахонов, Усмон Азимовлар билан ҳам худди шундай суҳбатлар уюштирилса, айни муддао бўларди.


Шунингдек, Кибриё Қаҳҳорованинг «Мен дардимни кимга айтаман» сарлавҳали мақоласини «Ечимини кутаётган муаммолар» руқунидеги энг яхши мақола деб биламан. «Қайта қуриш ва муаллим» мақоласи эса — зўр жасорат намунаси. Бундай мақолалар биз муаллимлар учун сув ва ҳаводек зарур.

Муҳаммад Юсуфнинг ойномада босилган «Кўҳна қудуқ» дostonини бошдан оёқ ёд олган ўқувчиларимни бирдан тушкунлик қамраб олди. Бу савол ўн ёшли ўғлим Эркинжоннинг чеҳрасида ҳам зоҳир эди...

Буюк Сино юрти, авлодлар шони,  
Ғариб Файзуллонинг орзу-армони,  
Олим Хўжа шаъни, элим иймони,  
Боболардан қолган манзил-мақомим,  
Узингсан оламга энг гўзал оро —  
Алломалар шаҳри, азим Бухоро.

Не-не қиронларга беролган бардош,  
Кўҳна Регистоннинг кўзларида ёш,  
Йиғлар Миру Араб, йиғлар ҳар бир тош,  
Меъмор руҳи йиғлар, йиғлар Қўқалдош...  
Ўғлим, назар ташла, бўзлар дилпора,  
Сендан мадад кутиб улуғ Бухоро!..

Гавҳар ЖУМАЕВА, Бухоро.



# Муллоқат, мушоқабат, мунозарат

Абдулазиз Абдурахмонов

## АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

Миллатларнинг гуллаб-яшнаши ва ўзаро яқинлашиши, уларнинг қўшилиб, байналминаллашиб кетаётганлиги, иқтисодий, маданий, сиёсий ва ғоявий жиҳатдан манфаатлари бир бўлган совет халқининг вужудга келганлиги тўғрисидаги ҳавойи, пуч гапларни зўр бериб такрорлай бериш турғунлик йилларида одатга айланган эди. Аслида Совет Иттифоқидаги кўпгина миллатларнинг бой маданий меросидан фойдаланишда катта тўсиқлар, ғовлар юзага келтирилган бўлиб, бу ғовларни озгина бартараф этишга уриниш ҳам миллатчилик, миллий чекланганлик сифатида баҳоланар, миллий ўзига хосликни биринчи ўринга қўйиш байналминалликка ҳурматсизлик сифатида қораланар эди. Халқлар ва бутун-бутун миллатлар ўз ўтмиш маданиятининг қонуний вориси сифатида ундан фойдаланиш имкониятларидан кўп ҳолларда маҳрум қилинган бўлиб, ҳамма миллатлар деярли бир хил андозада, миллий ўзига хосликдан иложи борича узоқлаштирилган ҳолда тарбияланди ва ривожланди. Буни Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқи тақдирини ҳам кузатиш мумкин. Масалан, кейинги етмиш йил мобайнида бизда миллий маданиятнинг муҳим воситаси бўлган имло уч марта ўзгаририлди. Натижада халқимиз бой маданий меросини ўрганиш имкониятидан маҳрум бўлди. Мактабларда яқин вақтларгача ҳам халқимиз тарихи ўқитилмади. Бир қатор тарихий шахсларимиз фаолиятига нотўғри, бирёқлама баҳо бериб келинди. Бу, ҳеч сўзсиз, миллий маданиятимиз тараққиётига ва ёшларимизнинг ахлоқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатди. Уйлаймизки, нисбатан анча узоқ давом этган бу нотўғри тенденция ҳозирги ошкоралик шароитида ўзининг муносиб баҳосини олганича йўқ.

Ўзбек миллий ахлоқий тарбияси маълум одоб ва эътиқод, ишонч ва меҳр-муҳаббатнинг мажмуаси бўлиб, киши ўзини қандай тута билишида намоён бўлади. Жумладан, илгари ёшлар мактабни тугатиш билан баробар бирор бир касбни (масалан, ўғил бола ота касбини, қиз бола она касбини ёки бошқа бир касбни) эгаллаш анъанаси бўлган. Бошқача айтганда, касб ўрганиш тарбиянинг узвий қисми ҳисобланган. Хўш, ҳозир қандай? Эндиликда ўрта мактабни тугатган ёшлар, агар бирор бир ўқув юртига кирмасалар, ҳеч нарсага яроқсиз бўлиб, ишсизлар сафини тўлдирдилар. Мактабларда ўқувчиларни касбларга қизиқтириш ғоят сустлиги натижасида улар ўрта мактабни битирганларидан кейин ҳам қайси касбни эгаллашларини билмай анча вақт иккиланиб юрадилар. Ёшларда ўқишга, касб ўрганишга қизиқишнинг юқори эмаслиги улардаги устозга нисбатан ҳурмат-эҳтиромни сусайтирди. Бу эса миллий анъаналиримизга зиддир. Бу ерда тарбиянинг ҳамма жиҳатларини изоҳлаш имконияти йўқ. Аммо ота-онага, устозга, эл-юртга, халққа бўлган ҳурмат миллий тарбиянинг ажралмас қисми бўлганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Тарбияда муҳитнинг аҳамияти катта. Бундан келиб чиқадиган ҳулоса шуки, биз баркамол инсонни вужудга келтиришимиз учун уни шунга мувофиқ келадиган муҳитда тарбиялашимиз керак. Яхши муҳитда яхши одам, ёмон муҳитда ёмон одам шаклланади. Бироқ буни мутлақ ҳақиқат ҳисоблаш ҳам қийин. Яхши муҳитда ўсаётган бола ота-она назоратидан четда қолса, ёмон одам бўлиб ўсиши ҳам мумкин.

Миллий тарбияда моддий ва маънавий асоснинг ўрни катта. Сабаби, моддий таъминланган оилалардаги фарзандлар кўп ҳолларда яхши таълим ва тарбия оладилар. Аммо ҳаётда бунинг акси ҳам бўлиб, моддий таъминланганлик болани ишەқмас, танбал қилиб қўйиши ҳам мумкин. Бунинг аксича, кам таъминланган оилаларнинг болалари меҳнатсевар, одобли ва хушфەъл бўлиши ҳам мумкин.

Кейинги 60-70 йил давомида мамлакатимизда барча халқлардаги миллий тарбия бир хил андоза — оврўпача педагогика асосида олиб борилди. Бу тарбия соҳасида ҳар бир миллатда асрлар мобайнида шаклланган анъаналардан маълум даражада воз кечишга, уларнинг унутиб юборишга олиб келди. Оврўпа педагогика фанида тарбияга хос кўпгина умуминсоний билимлар мўжассамлашганлигини инкор этмаган, Ян Амос Коменский, Ушинский, Макаренколارнинг илмий меросига ҳеч бир эътирозимиз йўқлигини таъкидлаганимиз ҳолда, ҳар бир миллатда ҳам биздаги Беруний, Форобий, Имом Исмоил Бухорий, Ат-Термизий, Навоий, Абдулла Авлоний, Маҳмудўжа Бехбудий, Мунаввар қори сингари маълум ва машҳур муаллимлари ҳам бўлганлиги-



ни унутмаслигимиз керак. Ёшларимиз узоқ муддат бу алломлarning бой меросидан баҳраманд бўлмадилар.

Ёки бошқа бир анъанамизни олайлик. Халқимизнинг яхши одатларидан бири «гап» ейиш бўлиб, ёшлар юриш-туришни, муомалани ана шундай гап-гаштакларда, ўзига хос меҳмондорчилик (улфатчилик)ларда ўрганишган. Бу одатимиз ҳам унутилиб кетаёзди ёки моҳиятини ўзгартириб, ичкиликбозлик воситасига айланиб кетди.

Қадимдан миллий тарбия масканларидан бири бўлган, ўтмишда халқнинг ўзига хос клуби вазифасини ўтаган чойхоналарга ҳам турғунлик йиллари қаттиқ ҳужумлар бўлиб, маҳаллаларда уларни ёппасига ёпиб қўйиш ҳоллари юз берди. Гарчи кейинчалик бу жараён тўхтаган бўлса ҳам, лекин ҳали кўп чойхоналаримиз ўзининг асл миллий қиёфасига эга бўлганича йўқ. Сабаби, ҳозир чойхоналар кўпроқ моддий фойдани кўзлаб ташкил этилаёпти, унинг маънавий-тарбиявий аҳамияти эса эътиборга олинмаяпти.

Ресторан, қаҳвахона, бар, турли салонлар, айниқса видеосалонлардан миллий тарбия учун наф йўқ. Аксинча бу масканлар миллий тарбияга катта путур етказиб, ҳозирги ҳолатида инсонни бузуқликка, майпарастликка мойил қилиб қўяди.

Ўзбекистондаги барча ресторонларда фақат русча ва ажнабий халқларнинг куй ва қўшиқларини ижро қилиш ва айтиш одатга айланган. Уларда миллий куй ва қўшиқлар янграган дамлар жуда оз бўлади. Ресторонларнинг аксарият хизматчилари ҳам оврупаликлардир. Шундай бўлгач бу масканларда миллий тарбия ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Октябрь инқилобига қадр ўзбек хотин-қизлари асосан уй юмушлари ва фарзандлар тарбияси билан банд бўлишган. Эҳтимол, бир жиҳатдан шунинг учундир, ёшларимиз орасида ўғри, каззоб кам бўлган, улар меҳнатқаш, ҳалол билан ҳаромнинг фарқига борадиган инсонлар бўлиб ўсишган. Инқилобдан кейин эса хотин-қизларни озод қилиш баҳонасида уларни «ижтимоий фойдали меҳнатга» жалб этиш ҳаракатини бошлаб юбордик. Хотинини ишлатмаган, жамоат ишларига жалб этмаган коммунистлар, раҳбар ходимларни ишдан олиш, фиркадан ўчириш ҳоллари ҳам рўй берди. Шундай қилиб «озод бўлган» хотин-қизларимиз елкасига илгаригидан икки баравар кўп вазифани юклаб қўйдик. Бу эса ёшлар тарбиясининг анча оқсаб қолишига олиб келди. Бошқача айтганда, биз фарзандлар тарбияси аёл кишининг энг муҳим ижтимоий бурчи эканлигини унутиб қўйдик.

Оила қуриш ва турмуш кечирishдаги миллий анъаналарнинг бузилиши натижасида ёшларимиз орасида миллатимизга хос бўлмаган салбий одатлар (майпарастлик, гиёҳвандлик, бузуқлик, оилага енгилтаклик билан муносабатда бўлиш) каби ҳоллар кучайди. Оилада аёл кишининг ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан эркак билан тенглашуви умуман ижобий ҳодиса бўлди дейиш мумкин. Аммо тўла тенглик шароитида айрим аёллар ўз эрларини ҳурмат қилмай қўйганликлари ҳам ҳозир кўз ўнгимизда юз бериб турган ҳодисадир. Бу эса оилавий турмушнинг беқарорлигини, қўйди-чиқдини ва бунинг оқибати сифатида тирик етимларни кўпайтирди.

Яна бир ажойиб адудимиз — ўзбекнинг саломи тўғрисида икки оғиз гапириш жойиздир. Уйлаб қаралса, ўзбекнинг «Ассалому алайкум» деган каломида бир олам маъно борлигини кўриш мумкин. Албатта, салом бериш ва меҳмондўстлик барча миллатларда ҳам озми-кўпми бор. Аммо танишга ҳам, нотанишга ҳам салом бериш, танишни ҳам, нотанишни ҳам ўрни келганда уйга таклиф этиб, бир пиёла чой, бошпана бериш фақат бизнинг миллатимизга хос бўлган гўзал одат эди, десак нотўғри гапирмаган бўламиз. Афсуски, турғунлик йилларида бир қатор бюрократ мансабдорлар халқимизнинг бу гўзал одатларини ўз ғаразли мақсадлари йўлида сунистеъмом қилдилар. Натижада халқимизга тўхмат, маломат тошлари отилди, иззат-нафси ерга урилди. Турғунлик йилларидаги саломларда ҳам, меҳмондорчиликларда ҳам майда мулкчилик психологияси — амалия, мавқеига, чўнтагидаги пулига қараб турлича салом бериш ва турлича меҳмондўстлик кўрсатиш ҳоллари пайдо бўлди. Бошқача айтганда, бу борада ҳам манфаатдорлик биринчи ўринга чиқиб қолди. Ҳозир бу ҳатто келин-куёв танлашларда ҳам ўз аксини топаёпти.

Таниш-нотанишга салом бериш, меҳмондўстлик кўрсатиш асли инсон қадр-қимматини юқори қўйиш натижасида келиб чиққан одатдир. Эндиликда шу гўзал одатларимиз ҳам дарз кетганлигини, минг тиллога арзигулик одам манфаатпарастлик оқибатида бир тийинга арзимас ҳолга тушиб қолаётганлигини кўриб эсангиз қотади.

Бирор жойга бормоқчи бўлсангиз, тайёра ва поездга билет топа олмай қийналасиз. Аммо олибсотарга мурожаат қилсангиз, бир ярим-икки баравар қимматига топиб бераверади. Қандай бедодликки, пештоқиқа «меҳмонхона» деб ёзиб қўйилган бинолардан ўзга шаҳардан келган меҳмонга жой топилмас. Меҳмон учун меҳмонхонада жой бўлмаслик — антиқисзликдир. Агар бундай биноларда мунтазам жой йўқ бўлаверса, пештоқиқадаги ёзувни олиб ташлаш керак. Хўш, меҳмонхоналарда нега бундай ярамас ҳолат «сурункали» тус олиб кетган? Бизнингча бунинг битта сабаби меҳмонхона ходимларига улар одам қабул қилсалар ҳам, қилмасалар ҳам маош тўланаверишидадир. Бошқача айтганда, улар меҳмонхонада ўринлар банд бўлишидан манфаатдор эмаслар. Натижада бор жойни ҳам йўқ деб, меҳмонлардан нимадир ундиришга одатланиб қолганлар. Бу таъмагирларни хурсанд қилишни билган одам истаган пайтида жой топиб кета олади.

Қисқаси, сталинизм ва унинг узлуксиз давоми билан турғунлик йилларида миллий урф-одатлар, анъаналарга путур етди. Масалан, халқимизга хос бўлган хушмуомалалик, андишалилик, болажонлик, каттани ҳурматлаш, кичикка муруват кўрсатиш сингари одатларимизга, тўй-маъракаларимиздаги аслида инсон қадр-қимматини юқори тутиш натижасида келиб чиққан расм-русларимизга назар-писанд қилмай қаралди. Уларни диний ёки ўтмиш сарқити, ҳатто феодал тузум белгилари деб эълон қилинди. Бу одатлар ўрнини кўплаб сунъий, турмушимиздан ҳамон кенг ўрин ололмаган янги «урф-одатлар» — армияга кузатиш, ишчиликка, жамоа хўжалигига аъзо қилиш, паспорт топшириш, қизил тўйлар, комсомол тўйлари, ЗАГСда (никоҳ пайтида) фата тўйиш каби кўр-кўрона тақлид оқибатида келиб чиққан одатлар эгаллади.

Ўзбекларда болаларни тарбиялашда дастурхон атрофи энг қулай жой саналган. Бу ерда катталар ёшларга панд-насихатлар қилиб, нима яхшию, нима ёмонлигини ўқитиб боришган. Бундан ташқари бизда миллий тарбия асрлар мобайнида диний тарбияга қўшиб олиб борилганлиги ҳам

сир эмас. Ота-она насиҳатини бажармаслик катта гуноҳ ҳисобланган, шунинг учун болалар нима қилиб бўлсада уни бажаришга интиланлар. Ёшлар оқар сувни булғамасликини, дарахт ўтқазини, нон-ошни тўкмай, исроф қилмай ейишни, жониворларга озор бермасликини ота-оналаридан ўрганишган.

Тарбияда ота-онага муносабат алоҳида ўрин тутган. Масалан, отага тик боқма (у қиблагох), охиратинг куйиб кетади; она волида, уни рози қилиш керак, деб ўқитиб борилган.

Ҳозир эса ота-она ва болалар ўртасидаги «парда» анча кўтарилиб қолди. Уни бундан 60-70 йил аввалгисига қиёслаб бўлмайди. Ота-онасини фақат ундан моддий ва маънавий манфаат кўраётганликлари учун ҳурмат қиладиган ёшлар тобора кўпайиб бораёпти. Ота-онага юзсизлик қилиш, уларни хўрлаб, қаровсиз қолдириш бугунги кунимизнинг оддий ҳодисасига айланиб қолди.

Ислому динини танқид қиламиз деб у билан чирмашиб кетган умуминсоний қадриятларни ҳам, дин умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми эканлигини ҳам рад қилдик. Турмушимизнинг барча соҳаларида русларга ва Оврўпа маданиятига кўр-кўрона тақлид бошланди. Бунинг оқибатида мамлакатдаги аксарият иттифоқдош жумҳуриятларда бўлганидек, бизда ҳам миллий ўзига хослигимиз жадаллик билан йўқола борди. Аҳвол шу даражага бордики, рус тилини билмаганларнинг энг кичик давлат идораларида ҳам ишлашлари қийин бўлиб қолди.

Турмушимизда миллий урф-одатлар, анъаналарнинг «чеккага» суриб қўйилишида урушдан кейин мамлакатда кенг миқёс олган ноўрин миграциянинг таъсири ҳам катта бўлди. Бу даврда Марказий Россияда юзлаб қишлоқлар одамсиз хувиллаб қолган бир шароитда русларнинг бошқа жумҳуриятлардаги саноат марказларига кўчиб бориб жойлашиши авж олди. Масалан, ҳозир рус миллатига мансуб бўлган ҳар 5 совет фуқаросидан биттаси Россия федерациясидан ташқарида яшайди. 1979 йилда иттифоқдош жумҳуриятлар аҳолиси таркибида яшовчи рус қардошларимиз қуйидагича фоида бўлган: РСФСРда — 82,6, Украинада — 21,1, Беларуссияда — 11,9, Ўзбекистонда — 10,8, Қозоғистонда — 40,8, Грузияда — 7,4, Озарбойжонда — 27,9, Литвада — 8,9, Молдовияда — 14,2, Латвияда — 32,8, Қирғизистонда — 25,9, Тожикистонда — 10,4, Арманистонда — 2,3, Туркменистонда — 12,6, Эстонияда — 27,9. Жумҳуриятларнинг бештасида (Украина, Эстония, Латвия, Қирғизистон ва Қозоғистонда) аҳоли таркибидаги русларнинг миқдори 21,1—40 фоидагачадир...

Ўзбекистон аҳолисининг рус 1926-1979 йилларда 3,5 миллиондан 10,6 миллион кишига, яъни тахминан 3 баравар кўпайди. Рус қардошларимиз эса Ўзбекистонда 1926 йилда 0,2 миллион бўлса, 1979 йилда 1,7 миллионни ташкил этиб, 8,5 марта кўпайди.

Урта Осиё ва Қозоғистон, Эстония жумҳуриятларининг шаҳар аҳолисига нисбатан таққослаганда русларнинг жойлашиши қуйидагичадир: «...Руслар 1970 йилда Қозоғистонда шаҳар аҳолисининг 54,4 фоизини, Қирғизистонда — 51,4 фоизини, Ўзбекистонда — 30,4 фоизини, Тожикистонда — 30 фоизини, Туркменистонда — 29 фоизини, Эстонияда — 33,9 фоизини ташкил этди. Мазкур жумҳуриятларда саноат корхоналари қурилдию, лекин миллий ишчи кадрлар тарбиялашга дуруст аҳамият берилмади».<sup>1</sup>

Биз мамлакатимиз халқларининг оғанини бўлиб яшашига, байналминалликка қарши эмасмиз. Бағри кенг рус биродарларимизни чуқур ҳурмат қиламиз. Бироқ бошқа нарсани ҳам таъкидлаш керак. Етмиш йил байналминаллик ҳақида гапирдик. Аслида бу соҳада амалий ишдан қуруқ гап кўпроқ бўлди. Байналминалликка барча миллатларнинг моддий ва маънавий манфаатлари қўшилиб кетиши сифатида қаралмай, балки миллатларнинг бир-бирига қўшилиб, қоришиб, бир хиллашиб, келажақда миллат сифатида йўқолиб кетиши сифатида қаралди. Мана бу сўбатнинг натижаси: «1926 йилдаги расмий маълумотларга қараганда, бизда 194 миллат бор деб ҳисобланган. 1979 йилга келиб эса 101 миллат қолди. Қолган 93 миллат қаёққа йўқолди? Улар бошқа миллатлар билан механик тарзда қўшилиб кетишди».<sup>2</sup>

Хулоса шуки, бугунги кунда миллий муносабатларда бўлаётган ноҳуш ҳолатларда қайта қуриш ташаббускорларнинг мутлақо айби йўқ. Бу айрим кишилар ўйлаганидек марксча-ленинча назариянинг ҳам камчилиги бўлмай, аксинча бу назарияни қўпол равишда бузиш, материалистик диалектиканинг қонун ва категорияларини менсимаслик ва фикримизча, сўбатни фалсафа ва иқтисодиётдан устун қўйиш, субъектив фикрлаш оқибатидир.

Шаклан миллий, мазмунан социалистик деган тезис ҳам ўша қаторгон йилларининг маҳсулидир. Материалистик диалектиканинг мазмун ва шакл категориясига таянган ҳолда шуни айтиш мумкинки, шакл ҳам, мазмун ҳам айнан бир нарсада бўлади. Мадомики шундай экан, миллий маданият шаклан миллий (яъни ўз маданиятида) бўлиб, унинг мазмуни бошқа байналминал миллатлар маданиятида (социалистик) бўлиши мумкин эмас. Яъни ўзбек миллий маданиятининг шакли ўзбекларда, Ўзбекистонда бўлиб, мазмуни Рязандаги русларда, Киевдаги украинларда, белорусларда ёки эстонларда бўлишини қандай тушуниш керак?

Мазмун ва шакл маконда ҳам, замонда ҳам бир-биридан ажралмаслиги туфайли ҳар бир миллий маданият шаклан ва мазмунан фақат шу миллатгагина хосдир. У шаклан ҳам, мазмунан ҳам миллийдир. Чунки бир миллатдаги шакл ва мазмун бошқа бир миллатда такрорланмайди. Бироқ барча миллатлар маданиятида ҳам умуминсоний томонлар борлиги туфайли у мазмунан эмас, балки ўзгариб турувчи моҳият жиҳатидан социалистик бўлиши мумкин.

Инқилобдан кейин рус халқи мамлакатимиздаги барча халқларга устозлик қилди. Лекин шогирд миллатларнинг ҳам маданият даражаси бир хил бўлмай, баъзилари анча ривожланган, баъзилари қоқоқроқ эди. СССРдаги ўтмишда капитализмни четлаб ўтган кўпгина миллатлар (жумладан, Урта Осиё ва Қозоғистон халқлари) 70 йилдан ортиқроқ муддат давомида ҳам шогирдликдан чиқиб, устоз бўла олмадилар. Бошқача айтганда, миллатларнинг бир-биридан ўрганиши, бири-бирини бойитиши бир томонлама бўлиб келди.

Бу сингари нуқсонлар айниқса миллий тарбия соҳасида яққол кўзга ташланади. Масалан, Урта

<sup>1</sup> Джунусов М. С. Введение в марксистско-ленинскую теорию нации. Ашхобод. «Ильм» нашриёти. 163-164, 275-бетлар. 1988 йил.

<sup>2</sup> «Советская культура» 4-бет. 1989 йил 2 сентябрь.

Осиё халқларида бегона аёл у ёқда турсин, ҳатто ўз қонуний хотинини ҳам кўпчилик олдиди ўпиш ахлоқсизлик, андишасизлик саналади. Лекин кейинги йилларда мана шу нобод одат комсомол тўйлари орқали бизнинг халқимиз орасига ҳам «ўрмалаб» кириб кела бошлади.

Ёки Оврўпага кўр-кўрона тақлидчилик орқали 1989 йилда Ўзбекистонда ҳам ўтказилган «Гўзаллик конкурси»ни олиб кўрайлик. Бу конкурсдаги энг асосий нуқсон шундаки, унда миллий маданият ва тарбияга хос «мезон» — ўлчов тушиб қолган ва кўпол равишда бузилган. Материалистик диалектика таълим бериб ўргатадики, нарс ва ҳодисаларга, одамларга баҳо беришда уларнинг ташқи кўренишига, шаклига ёки юзада кўриниб турган ҳодисага қараб эмас, балки ички мазмунга, моҳиятга қараб баҳо бериш зарурдир. Ҳодиса ташқарида яшайди, кўриниб туради, моҳият эса яширинган бўлади. Ҳодисага, шаклга ишониб иш кўриш назарияда кўпол чалқашликларга олиб келади.

Ташқи гўзаллик бу — шаклдир, ҳодисадир. Ички гўзаллик эса мазмундир, моҳиятдир. Табиат ва жамиятда, инсон тафаккурида ва бутун жабҳада мазмун шакли, моҳият эса ҳодисани белгилашлигини унутмаслик керак. Мазмун ва моҳият шакл ва ҳодисани белгилайди. Албатта, шакли мазмундан ажратиб, уни аҳамиятсиз нарс ва дейиш мумкин эмас. Бироқ мазмун бирламчи ва белгилувчи, шакл эса ҳамма вақт иккиламчидир.

Шарқ халқлари тушунчаси бўйича ҳуснини бозорга солиш, ўзини кўз-кўз қилиш одобсизлик саналади, оқ билак таннозлар, ойна олдиди соатлаб ўтириб пардоз-андоз қилувчи, ўзига оро берувчи аёлларни халқ ҳурмат қилмаган. Шарқ халқларининг тушунчаси бўйича ҳақиқий гўзаллик меҳнатда, ширинсуханликда, ички, кенг маънавий бойликда, одобли ва ахлоқли бўлишдадир.

Албатта, миллий маданиятни ва тарбияни мутлақо ўзгармай турадиган нарс ва деб тушуниш ярамайди. Макон ва замондаги барча ўзгаришлар тарбияга, умуман маданиятга ҳам тааллуқлидир. Аммо бунда миллий ўлчовни унутмаслик керак...

Шундай қилиб миллатлараро муносабатлардаги ҳозирги муаммолар ҳақиқий ижтимоий жараёнларга тўғри баҳо бермаслик билан боғлиқ. КПСС Марказий Комитетининг сентябрь (1989 й.) Пленумида миллий масалага бағишлаб қабул қилинган ҳаракат дастурида бу ҳақда шундай дейилган: «Миллий ўзига ҳосликка бепарволик, кўпгина ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги миллий онгда оғир акс этди, ранж-алам туйғуларини келтириб чиқарди, бундан кўпинча вазиятни кескинлаштириш учун фойдаланилди, миллий экстремизм учун ҳаётбахш муҳит вужудга келди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатнинг бир қанча минтақаларида миллий муаммоларни кескинлаштириб юборди, бу соҳада тўпланиб қолган зиддиятлар бошланган қайта қуриш жараёнини чигаллаштирди».

Миллий жумҳуриятлар ташкил этиш баҳонасида Урта Осиё халқларини бўлақларга ажратиб юбориб, аслида илгариги ягона Урта Осиёнинг бир бутунлигига раҳна солинди. Бу эса бугунги кунда келиб Уш, Фарғона воқеалари сингари нохуш ҳодисаларнинг пайдо бўлиш сабабларидан биридир.

Қайта қуриш барча миллатлар маданиятидаги оёқ-ости қилинган қадриятлар, урф-одатлар, анъаналарни қайта тиклашга йўл очди. Эндиликда бу имкониятлардан қай даражада самарали фойдаланиш ҳар бир миллатнинг ўқуви ва идрокига, ҳиссиётларга ортиқча берилмай, амалий тадбирлар белгилай билишига боғлиқ.

Ҳар бир халқнинг ривожланишида фаннинг роли алоҳида аҳамиятга эгадир. Фаннинг келажига эса ёш авлоднинг қандай тарбияланишига ва қандай ўқитилишига боғлиқ. Бунда биринчи навбатда мактаб ишида илгари йўл қўйилган хатоларни тузатишга асосий эътиборни қаратиш керак. Эски ёзувда битилган тарихимизни, ёзма меросимизни қийналмай ўқийдиган ёшларимиз қанча кўп бўлса шунча яхши.

Албатта, кейинги 70 йил мобайнида тарбия соҳасида йўл қўйилган хато ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этиш қийин. Аммо бу хато ва камчиликларни тузатиш учун ҳозирдан ғайрат билан киришиш муҳимдир.



## Журнал «Хонлардан мактублар»

Ассалому алайкум ҳурматли «Шарқ юлдузи» ойнамаси ходимлари. Ойнаманинг 5-сониди эълон қилинган саволларга қуйидаги тартибда жавоб йўлламоқдаман.


1. Фарғона вилояти, Бағдод туманидаги 37-ўрта мактабнинг 8-синфида ўқийман. Улғайсам, ўқитувчи бўламан.

2. «Шарқ юлдузи» билан илк бор 1987 йилда танишганман.

3. Унинг ҳар бир сонини орзиқиб кутаман ва мунтазам равишда ўқиб бораман. Ойнамага акам обун бўлган.

4. Ойнама кейинги йилларда турфа қизиқ материаллар билан бойиб боряпти. Айниқса, Қуръон мазмуни таржимасининг берилиши катта воқеадир. Таржимани тайёрлашда тер тўккан барча кишиларга оиламиз аъзолари номидан катта раҳмат.

5. Фотима Худойберганава, ёшим 14 да.



Озод Отамирзаев,  
Абдуҳаким Қаямов

## ОИЛАНИ РЕЖАЛАШТИРИШ НИМА?

Хурматли редакция! Жумҳуриятимиздаги ҳозирги экологик танглик ва иқтисодий қийинчиликларни айрим кишилар бир сидра туғилишнинг кўплиги билан изоҳламоқчи бўлдилар. Ҳатто бу борада маъмурий усуллари қўллашга уринишлар бўлди. Шундай қилиш тўғрими! Умуман, жумҳуриятимиз ва бутун Урта Осиё минтақасида ҳозирги ва яқин келажакдаги демографик аҳвол қандай? Аҳолишунослик муаммолари жаҳон миқёсида қандай ҳал этиляпти! Мана шу ҳақда жарида саҳифасида мақола берилишини истардим.

Мамлакат ЮСУПОВА,  
Андижон вилоятининг Жалолқудуқ тумани

Маълумки, оила жамиятнинг асоси, бирламчи негизи ҳисобланади. Оилага хос ғам-ташвишлар ва муаммолар орқали жамиятда таркиб топган вазият акс этади. Шунинг учун ҳам жамиятимизда инқилобий ўзгаришлар амалга ошаётган бугунги кунда совет оиласининг таркиб топиши ва ривожланишини чуқур ўрганиш катта аҳамият касб этади. Бунда гап умуман оила тўғрисида юритилмай, балки унинг маълум ижтимоий-иқтисодий ва минтақа шароитларида қандай ривожланиши ҳақида бориши лозим. Мазкур ҳолатни ҳисобга олиш, айниқса, катта миллий ўзига хосликларга эга бўлган бизнинг улкан мамлакатимиз учун муҳимдир.

СССРдаги ўзига хос аҳолишунослик жараёнлари, шу жумладан оиланинг таркиб топиши ва ривожланиши хусусиятлари бўйича Урта Осиё алоҳида ўрин эгаллайди.

Оилани режалаштириш масаласи кўпчилик, айниқса аҳолишунослик соҳасида мутахассис бўлмаганлар томонидан ҳар хил маънода, айрим ҳолларда эса бутунлай нотўғри талқин этилади. Кейинги пайтларда жумҳуриятимиз рўзнома ва жаридалари саҳифаларида оилани режалаштириш бўйича айрим фикрлар билдирилмоқда. Уларнинг аксариятида оилани оқилана режалаштириш деганда туғилишни қисқартириш, кўп болалик оиладан болаларининг сони ўртача бўлган оилага ўтиш тушунилмоқда.

Аслида, оилани режалаштириш кенг қиррали, илмий, ахлоқий ва амалий мазмунларни ўзида мукассамлаштирган мураккаб тушунча эканлигини таъкидлаш лозим.

Жаҳон аҳолишунослик илми амалиётида бу тушунча нисбатан яқинда тан олинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) аҳолишунослик бўйича бўлиб ўтган Бутун жаҳон анжуманида (Бухарест, 1974 й.) «Аҳолишунослик бўйича бутун дунё дастури» қабул қилинган бир пайтда аҳолишунослик фан сифатида тасдиқланди. Мазкур анжуман ишида дунёнинг 137 мамлакатидан вакиллар иштирок этди. Кейинчалик оилани режалаштириш борасида эришилган натижалар БМТнинг аҳолишунослик масалаларига бағишланган иккинчи Бутунжаҳон анжуманида (Москва, 1984 й.) кўриб чиқилди. 148 мамлакат вакиллари иштирок этган бу анжуманда аҳолишунослик борасидаги Бутун дунё дастури яна ҳам ривожлантирилди.

БМТнинг бу икки йирик анжуманининг ишида аҳолишунослик борасидаги бутун дунё ҳаракат дастурининг мазмунини аниқлаш ва ривожлантиришда социалистик мамлакатлар, шу жумладан совет аҳолишунослари ва мутахассислари фаол иштирок этдилар.

Аҳолишунослик масалалари бўйича Бутун дунё ҳаракат дастурининг оилани ривожлантириш ва миллий демографик сиёсатни амалга ошириш борасидаги кенг миқёсли тadbирлар мажмуи бир қатор амалий тақлифларни ўз ичига олади.

Мазкур дастурнинг асосий талаби — бу аҳолининг ўсиш жараёнлари билан ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ўзаро алоқадорлигини чуқур ва ҳар томонлама ҳисобга олиш зарурлигини эсдан чиқармасликдан иборат. Шунинг учун ҳам оилани режалаштириш дастури БМТнинг тақлифига биноан давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати доирасида ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши лозим. Бунда «Дастур» оиланинг ҳеч қандай умумжаҳон миқдорини тан олмайди, шу билан бирга ҳар бир ва ҳамма оилаларнинг хоҳлаган миқдордаги болага эга бўлиш орзусини

қўллаб-қувватлайди, у ёки бу мамлакат туғилишни қисқартиришга қаратилган сиёсатни амалга оширмоқчи бўлса, иқтисодий ўсиш ва турмуш фаровонлигини кўтарувчи, шу жумладан туғилишга таъсир кўрсатувчи дастурларга кўпроқ аҳамият бериш тақлиф этилади.

Аҳолишунослик борасидаги Бутун жаҳон ҳаракат дастури ижтимоий-иқтисодий, тиббий, аҳолишунослик ва сиёсий тарздаги кенг қиррали вазифаларни илгари суради. Аҳолишунослик йўналишидаги энг муҳим вазифа сифатида аҳоли, айниқса болалар ва гўдаклар орасидаги ўлимни қисқартириш, ўртача умр кўриш даврини узайтириш масалалари кўрсатилган. Туғилишни қисқартиришга қаратилган сиёсат хусусига келганда, у мамлакатларда кенг жамоатчилик қўллаб-қувватлаган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин.

Оилани режалаштириш ва регионал демографик сиёсат масалаларига бағишланган фикр ва мулоҳазаларда туғилишни қисқартириш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу жараёнда маъмуриятнинг таъсири ва мажбур қилиш тўғрисидаги фикрларга ўрин йўқ. Оила ва фақат оила — эр ва хотин қачон ва қанча болага эга бўлиш масаласини ҳал қилишга ҳақли.

Оилани давлат миқёсида режалаштириш деганда оила қуриш, уни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ўлимни, айниқса болалар орасидаги ўлимни қисқартириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича илмий асосланган тадбирлар мажмуи тушунилади.

Дунёда оилани режалаштириш борасида маълум тажриба тўпланган. Оилани режалаштириш ривожланаётган мамлакатларда сўнгги 30—40 йил ичида давлат сиёсати сифатида амалга оширилмоқда. Бунда аҳолишунослик сиёсатининг уч асосий йўналишини кўрсатиш мумкин. Биринчи йўналишда оилани режалаштириш туғилишни камайтириш ва аҳолининг ўсиш суръатларини пайсатиришга қаратилган. Мазкур сиёсатни Осиё, Африка ва Лотин Америкасида 40 ривожланаётган мамлакат амалга оширмоқда. Иккинчи йўналиш тўққизта ривожланаётган мамлакатга хос бўлиб, мамлакат давлат миқёсида режалаштириш она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган. Ривожланаётган мамлакатларнинг 20 тасида оилани режалаштириш туғилишни кўпайтиришга йўналтирилган. Қолган ривожланаётган мамлакатларда демографик сиёсат ишлаб чиқилмаган.

Ривожланган капиталистик ва социалистик мамлакатларда «оилани режалаштириш» нисбатан кам қўлланилади.

Юқорида айтганимиздек, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги кўпгина мамлакатларда оилани режалаштириш деганда туғилишни чеклашга қаратилган давлат дастури кўзда тутилади. Бу дастурлар ривожланаётган мамлакатларда БМТ кўмагида кейинги 40 йил мобайнида амалга оширилаётганлигига қарамасдан, туғилишни қисқартириш бўйича сезиларли натижаларга эришилгани йўқ. Бунга жумладан, Ҳиндистон яхши мисол бўла олади. Бу мамлакатда биринчи марта 1952 йилда оилани режалаштириш бўйича давлат дастури қабул қилинган бўлиб, унинг моҳияти туғилишни қисқартиришдан иборат эди. Ҳиндистон аҳолисининг аксарият қисми ўша пайтдаёқ бу дастурга салбий муносабат билдирди. У мамлакатда ижтимоий-сиёсий кескинликни келтириб чиқаришдан бошқага ярамади, туғилиш суръати қадимгидай давом этаверди. Масалан, ҳозирги кунда Ҳиндистонда ҳар 1000 аҳолига нисбатан туғилган болалар миқдори 35 нафардан биров кўпроқ. Бу 1951 йилдаги кўрсаткичдан атиги 5 та болага кам, ҳолос.

Ҳиндистон ҳукумати халқнинг оилани режалаштириш дастурига нисбатан бўлган салбий муносабатини ҳисобга олиб, 1977 йилда бу дастурни оила фаровонлигини таъминлаш дастурига айлантирди. Дастлабки дастурдаги оилани режалаштиришдаги мажбур қилишнинг барча шакллари ман этилди ва бу ишда асосий эътибор оила фаровонлигини ҳар томонлама оширишга, айниқса она ва бола саломатлигини, овқатланишини яхшилаш, аёлларнинг билим ва ҳуқуқларини оширишга қаратилди.

Оилани режалаштириш соҳасида Хитойда бутунлай бошқа вазият таркиб топди. Бу мамлакатда оилани режалаштириш бўйича тадбирлар 70-йиллардан фаол тадбиқ қилина бошлади. Хитойда туғилишни чеклашга жуда муҳим сиёсат сифатида қаралаётди. 1981 йилдан бошлаб бу мамлакатда Давлат Кенгашига итоат этувчи Давлат туғилишни режалаштириш кўмитаси фаолият кўрсатяпти.

Давлатнинг қаттиқ, инсонпарварликка зид сиёсати натижасида Хитой Халқ Жумҳуриятида туғилиш ва аҳолининг табиий кўпайиши камайди. Масалан, сўнгги йигирма йил мобайнида мамлакатда аҳолининг табиий кўпайиши икки мартага (1970 йилдаги 2,6 фоиздан 1989 йилда 1,3 фоизга) қисқарди. Агар 1960-йилларда бир хитой аёли ўртача 5—6 бола туққан бўлса, 80-йилларда 2—3 бола туғди, ҳолос.

Хитой расмий демографик сиёсатининг асосий шиори — «ҳар бир хитой оиласида фақат бир бола». Хитойда бир болалик оилалар катта моддий ва маънавий имтиёзларга эга бўладилар. Агар оилада иккинчи бола туғилса, у барча имтиёزلардан маҳрум бўлади. Оилада учинчи ва ундан сўнгги бола туғилса, оғирлашиб борувчи жазо қўлланилади. Масалан, иккитадан ортқ болага эга бўлган оилалар озиқ-овқат талонларидан маҳрум этиладилар ва маошларининг 10 фоизи миқдориде жарима тўлайдилар.

Оилани режалаштириш бўйича Япониянинг тажрибаси жуда ажойиб ва биз учун ибратлидир. Бу ерда оилани режалаштириш туғилишни қисқартиришга эмас, балки аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Японияда оилани режалаштириш доирасида ҳомиладорликни сунъий тўхтатишга қарши кураш муваффақиятли амалга оширилди. Ҳозирги кунга келиб мамлакатда аёл соғлиғи учун жуда хавфли бўлган абортлар амалда деярли йўқ қилинди. Шу билан бирга туғилишни режалаштиришнинг самарали усулларини яратиш бўйича миллий дастур ишлаб чиқилди ва уни аёлларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилдириш бўйича тадбирлар амалга оширилди.

Японияда туғилишни камайтириш тўғрисида ҳеч қачон гап бўлмаган. Аксинча бу мамлакатда болалик оналар давлат томонидан моддий ёрдам оладилар ва маънавий қўллаб-қувватланадилар. Болалик оилаларга ҳар хил имтиёзлар берилади: учинчи ва ундан кейинги бола туғилганда 5 минг иен миқдориде нафақа, туғишгача олти ҳафта ва туққандан кейин олти ҳафта пуллик отпусқа берилади. Фарзанд туғилганда ойлик маошнинг ярми миқдориде (камида 150 минг иен) бир йўла нафақа ва 2 минг иен миқдориде ойлик нафақа белгиланади.

Япония болалар ўлимини камайтириш бўйича дунёда энг юқори кўрсаткичга эришган. Бу ерда

туғилган ҳар минг боладан атиги 5 нафаригина нобуд бўлади. Бизда эса ҳозир Орол бўйидаги айрим ноҳияларда туғилган ҳар минг боладан 80—90 нафаригача нобуд бўлаяпти.

Совет Иттифоқида туғилишни кўпайтиришга қаратилган фаол демографик сиёсат амалга оширилмоқда. Совет давлатининг бу сиёсати СССР Конституциясида, фирқа ва ҳукуматнинг кўп сонли қарорларида, иттифоқдош жумҳуриятларнинг қонунларида қайд этилган. Совет оиласининг моддий фаровонлигини кўтариш, кам даромадли оилаларга ёрдам бериш мақсадида бизнинг мамлакатимизда ва жумҳуриятимизда бир қатор имтиёзлар белгиланган. Уларнинг қиймат миқдори йилдан-йилга ошмоқда. Кўп болали оилаларга моддий имтиёзлар ва кўп болали оналарни қўллаб-қувватлаш, оилаларга давлат ёрдам пулларини ажратиш бўйича мавжуд система регион ва иттифоқдош жумҳуриятлардаги туғилиш даражаси, демографик ва иқтисодий вазиятдан қатъи назар, бутун мамлакат бўйича тарқалган.

СССРда илмий асосланган демографик сиёсат ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг узвий қисми сифатида, мамлакатдаги ҳар хил демографик вазиятни ҳисобга олган ҳолда, регионлар бўйича ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Унинг асосий мақсади мамлакат барча ноҳияларидан қатъи назар, аҳолини ҳар томонлама ривожланишига йўналтирилган.

Болтиқбўйи, Кавказорти, Қозоғистон, Урта Осиё... Мамлакатимизнинг ҳар бир миллий ўлкаси ҳозирги кунда ўзига хос ижтимоий-иқтисодий, экологик, миллатлараро, демографик ва бошқа муаммоларнинг мураккаб, таранг тугунидир.

Мамлакатда ўлкалар бўйича режалаштириш ва бошқариш системасида охириги пайтгача ҳисобга олинмаган ижтимоий-иқтисодий ва демографик номутаносибликлар таркиб топди. Бошқаруving маъмурий-бўйруқбозлик системаси ва унинг натижаси бўлган марказлашган режалаштириш шароитида ҳар қандай ўлка, табиий бойлиги ва ундан фойдаланиш имкониятларининг мавжудлиги нуқтаи назаридан баҳоланар эди. Бунда ижтимоий ва демографик шароит ва хусусиятлар буткул ҳисобга олинмас эди. Бу ҳолат, иттифоқдош жумҳуриятлар, ноҳияларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида жиддий салбий ўзгаришларга олиб келди, мамлакатдаги экологик ва демографик вазиятни бениҳоя мураккаблаштирди.

Ҳозир СССРда бир-бири билан аҳоли ўсиши ва ривожланиши, миграция ва урбанизация йўналиши бўйича кескин фарқланувчи номуносиб демографик кўтблар вужудга келди. Урта Осиё мана шундай ўзига хос кўтбларнинг бири бўлиб, ҳозирги кунда ундаги демографик жараёнлар, умумиттифоқ ижтимоий демографик ривожланиш йўналишларига катта таъсир кўрсатапти.

Охириги ўн йил (1979—1989) давомида Урта Осиё аҳолиси 7,4 миллион кишига кўпайди. Бу СССР аҳолиси умумий ўсишининг 30,3 фоизини ташкил этади. Урта Осиё аҳолисининг ҳозирги пайтдаги ўсиш суръатлари умумиттифоқ ўртача кўрсаткичидан 3 марта ортқ. Аҳоли ўсишидаги фарқлар Урта Осиё жумҳуриятларини мамлакатнинг энг йирик жумҳуриятлари билан таққослаганда яна ҳам кескинлашади. Жумладан, 1979—1989 йиллар давомида Тожикистон жумҳурияти аҳолисининг ўсиш суръатлари Украина жумҳуриятиникига нисбатан 8,5 марта, РСФСРникига нисбатан эса деярли 5 марта юқори бўлган. Урта Осиё жами аҳолисининг ўсиш суръатлари Украинаникидан 7,2 марта, РСФСРникидан 4,1 марта юқори бўлган.

Ҳозир 20 миллион киши истиқомат қилаётган Ўзбекистонда аҳоли йилга 600 минг кишига кўпаймоқда, ўртача йиллик ўсиш деярли уч фоизни ташкил қилади. Бу нафақат иттифоқ миқёсида, балки жаҳон миқёсида ҳам жуда катта кўрсаткичдир. Аҳоли сонининг мана шундай тез ва самарали ўсиши яқин келажакда ҳам сақланиб қолади: 2000 йилга келиб жумҳуриятимизда 26,5 миллион, 2005 йилда 30 миллион, 2010 йилда эса 33—34 миллион киши истиқомат қилади.

Мамлакатимизнинг Оврўпа қисмида бошқача манзара кузатиляпти. Масалан, Россиянинг марказий вилоятларида аҳолининг йиллик ўсиши бир фоизга ҳам етмаяпти (0,8 фоиз). Украина, Белоруссия жумҳуриятларида бу кўрсаткич ундан ҳам паст — 0,4—0,6 фоизни ташкил этмоқда. Болтиқбўйи жумҳуриятларида аҳолининг ўсишида фақат кейинги йилларда ижобий томонга силжигга эришилди. Аммо кўрсаткич барибир 0,1—0,2 фоиздан ошмаяпти.

Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилади: жумҳуриятга урбанизациянинг паст даражаси хосдир. Шаҳар аҳолисининг салмоғи салкам 41 фоизга тенг бўлиб, бу иттифоқ ўртача кўрсаткичидан 25 фоиз камдир. Ўзбекистон маҳаллий аҳолисининг атиги 20 фоизи шаҳарларда яшайди, айрим вилоятларда мазкур кўрсаткич яна ҳам паст.

Маҳаллий аҳоли ҳудуди ва ижтимоий ҳаракатининг паст даражада эканлиги, туғилиб ўсган ерига мустақкам боғланганлик, жумҳурият ишчилар синфи таркибида миллий кадрлар улшининг камлиги Ўзбекистондаги ва бутун Урта Осиё регионидаги демографик вазиятга хос хусусиятлардир.

Аҳоли миқдорининг юқори суръатлар билан ўсиши натижасида Урта Осиёнинг мамлакат аҳолиси умумий сонига салмоғи узлуксиз ортмоқда. Агар 1950 йили Урта Осиё жумҳуриятларида мамлакат аҳолисининг атиги 6,0 фоизи яшаган бўлса, 1979 йилга келиб бу кўрсаткич 9,7 фоизга, 1989 йили эса 11,5 фоизга етди. Кейинги 40 йил давомида Урта Осиёнинг СССР аҳолиси умумий сонига салмоғи икки мартага ошди.

Бу ўсишда миграциянинг ўрни ҳам салмоқлидир. Кейинги 40 йил мобайнида мамлакатимизда аҳолининг шимолдан жанубга кўчиш жараёни кучайди. Мутахассисларнинг баҳоларига қараганда, 2000 йилда СССР аҳоли сони умумий ўсишининг деярли ярми Урта Осиёга тўғри келади. Шунинг учун ҳам Урта Осиёга хос демографик жараёнлар чуқур ўрганилиши ва тўғри талқин этилиши лозим.

Урта Осиё учун туғилишнинг юқори бўлиши доимий ҳодисадир. Лекин болалар ўртасидаги ўлимнинг инкилобгача ва ундан кейинги даврда кўп миқдорда бўлиши натижасида регионда аҳолининг табиий кўпайиши паст бўлган. Урушдан кейин эса табиий кўпайиш ҳажми орта бориб, ҳозирги кунда юқори даражада турғунлашди.

Кейинги йилларда Урта Осиё жумҳуриятлари аҳолисининг ўсишига хос юқори суръатлар марказий ва маҳаллий режалаштириш ташкилотларининг диққатини ўзига жалб қилди. Мамлакатда иқтисодий вазиятнинг инқирозга учраганлиги, унинг моддий ва молиявий бойликларининг кескин камайганлиги шароитида оилани режалаштириш доирасида туғилишни қисқартиришдек «мафтункор» ғоялар юқорига кўтарилди.

Бундай ҳулосага оддий ҳисоб-китоблар натижасида келинди: агар биз миллий даромаднинг аҳолига хос юқори суръатлар билан ўсишини ва халқ турмуш даражаси ошишини ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш ҳисобига таъминлай олмаган эканмиз, ҳеч бўлмаганда аҳоли сонини қисқартириш йўли билан турмуш даражаси кўрсаткичларини яхшилашимиз зарур (аҳоли жон бошига ҳисоблаганда). Муаммонинг мана шундай қўйилиши муносабати билан Урта Осиё жумҳурияларида туғилишни чеклаш масаласи бундан уч йил муқаддам Марказ томонидан расман қўйилган. 1987 йил август ойида бошқа мутахассислар қаторида бизни ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасига ушбу масалага бағишланган йиғилишга таклиф этишган эди. Ана шу анжуманда жумҳуриятнинг ўша пайтдаги раҳбарлари, масъул кишилар иштирок этишганди.

Йиғилишда сўзлаган КПСС Марказий Қўмитасининг масъул ходими И. Е. Понамеревнинг нутқидан келиб чиқадиган ҳулоса битта эди: Урта Осиё жумҳуриятларидаги оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшилаш учун маҳаллий аҳоли ўртасида туғилишни чеклаш зарур. У очиқдан-очиқ шуни қайд этдики, Москва олимларининг ҳисоб-китобига қараганда, СССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳамма бюджет маблағини Урта Осиё жумҳуриятларига сарфлаган тақдирда ҳам, туғилишнинг ниҳоятда юқори даражадалиги сабабли бу регионда таббий хизмат кўрсатишни 2000-йилда ҳам иттифоқдаги ўртача кўрсаткичга етказиб бўлмайди. И. Е. Понамеревнинг фикрича, мавжуд вазиятдан қутулишнинг бирдан-бир йўли туғилишни камайтиришдир.

Йиғилишда Марказдан келган масъул ходимнинг бу тезисини «илмий асослаш» учун йиғилиш иштирокчиларидан иборат бўлган махсус комиссия тузилди. Бу ишни мувофиқлаштирувчи илмий марказ сифатида Ўзбекистон Фанлар академиясининг битта ҳам аҳолишунос мутахассиси бўлмаган фалсафа ва ҳуқуқ институти танланди.

Шундай қилиб, фалсафа ва ҳуқуқ институти «кутилган» «илмий ҳулосани» йил охиригача тайёрлаб топширди. Жумҳурият Компартияси Марказий Қўмитасининг 1988 йил февраль Пленуми «оилани оқилона режалаштиришга» ўтиш зарур деган ғояни олға сурди. Бу аслида туғилишни камайтириш керак деган сўз эди.

Раҳбарликнинг маъмурий-буйруқбозлик усули маҳсули бўлган бу нотўғри тезисни, ҳамisha бўлганидек, маҳаллий ахборот воситалари орқали қўллаб-қувватловчилар топилди. «Правда Востока» газетасида маҳаллий аҳоли ўртасида туғилишни чеклаш ўша кунларнинг долзарб мавзусига айланди. Жумҳуриятнинг бир қатор вилоят ва ноҳияларида хотин-қизлар ўртасида туғилишни чеклаш бўйича тарғибот ишлари олиб бориш тўғрисида норасмий кўрсатмалар ҳам берилди.

Ўйламасдан амалга оширила бошланган бу сиёсатга маҳаллий аҳоли ўта салбий муносабат билдирди. Халқ орасида турли-туман миш-мишлар тарқаиб кетди. Бу масала атрофида мураккаб ижтимоий вазият юзага кела бошлади.

Шундай қилиб, туғилишни камайтириш масаласи кун тартибидан олиб ташланди, акс ҳолда у чўқур ижтимоий ихтилофларга олиб келиши мумкин эди.

Мунозаралар туғилишни камайтириш масаласи Урта Осиё жумҳуриятларига бутунлай тўғри келмаслигини кўрсатди. Бундай муносабат инсонпарварлик ғояларига, ягона кўпмиллатли социалистик давлат бўлмиш Совет Иттифоқида миллатларнинг тенг ҳуқуқлик принципларига мос эмас. Ахир СССРнинг бошқа ўлка ва жумҳуриятлари учун туғилиш ҳар томонлама кўпайтириш вазифаси қўйилган-ку!

Аслида, жумҳуриятдаги ижтимоий-иқтисодий қоқоқликнинг туғилишни чегаралаш, оилани режалаштириш асосида бартараф этиш мумкин деб жар солиш хатодир. Бу борада янги иш жойларини жорий этиш, халқ ҳўжалигида бандлик даражасини кўтариш ва меҳнат кучларидан оқилона фойдаланиш, ҳар бир иш жойида юқори меҳнат унумдорлигига эришиш, халқ ҳўжалигини илмий асосланган режалаштириш йўли билан юксалтириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жумҳуриятдаги демографик вазиятни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш муҳим ҳисобланади.

Шу билан бирга, Урта Осиё жумҳуриятларидаги ижтимоий-демографик вазият оилани режалаштириш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш ишини узлуксиз яхшилаш асосида аҳоли саломатлигини тубдан мустаҳкамлаш ишига қаратилиши зарурлигини тақозо этмоқда. Оилани режалаштириш бўйича амалга ошириладиган кўп қиррали ишлар фақат шундай ёндошган ҳолдагина қўрилиши ва ҳаётга татбиқ этилиши лозим.

Урта Осиё жумҳуриятларида оилани режалаштириш ўлканинг миллий анъаналари ва урф-одатлари, турмуш тарзининг хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий ва экологик шароитлари билан боғлиқ ҳолда ўзига хос муаммоларга ва уларни ҳал этиш йўллариغا эга. Энг аввало Урта Осиё халқлари — ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар, қозоқлар ва қорақалпоқлар учун кўп болалиликни асрий анъана сифатида миллий маданиятнинг узвий бир қисмига айланганлигини унутмаслик керак. Кўп болалилик бу ерда ўзига хос халқ анъаналари, оила-никоҳ муносабатлари, ахлоқ қонунлари, қариндош-уруғчилик алоқаларини шакллантиради, маҳаллий аҳоли турмуш тарзининг ҳамма томонларига таъсир кўрсатади.

Бу борада жумҳуриятда демографик ва экологик вазиятлар жиддийлашувининг сабабларини аниқлаш ва уларни ҳар томонлама таҳлил этиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Уларни юқори даражадаги туғилиш билан боғлаш тамомила нотўғридир. Демографик ва экологик муаммолар келиб чиқиши ва жиддийлашуви асосида бизнинг фикримизча ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарздаги чўқур сабаблар ётибдики, улар жумҳурият ижтимоий-иқтисодий ривожланишини илмий асосланмаган режалаштириш билан боғлиқ. Натижада ривожланиш ўрнига иқтисодий турғунлик, тармоқ структурасининг ноқобил бўлиши, ижтимоий соҳа ривожланишини тамомила инкор этиш, экологик муҳит билан ҳўжалик юритиш ўртасидаги алоқанинг бутунлай бузилиши келиб чиқди.

Демографик ҳолат ўзаро алоқадор оимилларнинг мураккаб мажмуи, у жумладан, оила — турмуш ва ҳўжалик юритиш хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ва турмуш тарзи, аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда бандлиги, урбанизация жараёни ва бошқа шунга ўхшаш оимиллар таъсирида таркиб топади. Улар ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишга узвий боғлиқ бўлиб, халқларнинг турмуш даражасига қараб ўзгариб боради.

Туғилишнинг камайтиши — бу аҳоли ривожланишининг реал, умумжаҳон жараёнидир. Бунга ҳар бир халқ эртамин-кечки, ўзига хос йўл билан келади.

Жумладан, Урта Осиё маҳаллий халқининг демографик дастурлари ҳам кейинги йилларда сезиларли ўзгармоқда. Олдинги йилларда ўтказган тадқиқотларимизда «Оилада болалар сони нечта бўлса яхши бўлади?» деган саволга деярли бир хилдаги «Қанча кўп бўлса, шунча яхши», «Худо хоҳлаганича», деган жавоб олар эдик. Кейинги йиллардаги тадқиқотларимизда бундай жавоблар амалда учрамади. Кишилар оилада қутилган болалар сонини аниқ айтишмоқда. Қишлоқ аҳолисининг кўпчилиги оилада 5—6 бола, шаҳарликлар 4—5 болага эга бўлиш хоҳишини билдирдилар.

Бундай вазият Урта Осиё халқлари ўртасида ҳозирги кунда оила катта-кичиклиги хусусидаги истак ўртача кўп болалик даражасида эканини кўрсатмоқда. Яқин келажакда ҳам бу ерда кўп болаликка бўлган мойиллик сақланиб қолади, фақат унинг миқдорий кўрсаткичи ўзгаради. Тадқиқотлар шуни кўрсатяптики, маҳаллий аҳоли туғилишни режалаштиришни хоҳлайди, лекин имконияти йўқ ва буни қандай амалга оширишни билмайди. Улка соғлиқни сақлаш муассасалари эса оналарга ёрдан беришдан ожиздир. Улар на моддий, на ташкилий нўқтаи назардан бунга тайёр эмаслар. Урта Осиё маҳаллий аҳолисининг асосий қисми истиқомат қилувчи талай қишлоқ жойларда ҳомилдор аёллар, она ва болаларга хизмат кўрсатиш бўйича оддий медицина ва санитария-гигиена широтлари ҳам яратилмаган.

Урта Осиё маҳаллий халқининг демографик дастуридаги қайд этилган ҳозирги ўзгаришлар халқларнинг режалаштирилмайдиган юқори даражадаги туғилишдан режалаштириладиган паст даражадаги туғилишга ўтган умумдунё демографик қонуниятларига мос ва хос эмас. Демографик назария ва дунё амалиётида шу пайтгача бундай ўтиш халқларнинг моддий фаровонлиги ва турмуш даражасининг ўсиши натижасида амалга ошиб келди. Урта Осиёда эса бундан фарқли равишда демографик дастурнинг ўзгариши асосан аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва экологик турмуш шароитларининг ёмонлашиши ва натижада аёллар саломатлигининг ночор аҳволга тушган вазиятида амалга ошмоқда. Бошқача айтганда, ўзбек, тожик, туркман аёллари турмуш кечириш оғирлашиб кетганлиги сабабли кўп туғишни истамаяптилар. Агар илгари болалар оиланинг иқтисодий самарасининг асоси ҳисобланган бўлса, ҳозирги кунда эса ҳар бир ортиқча гўдак ота-оналар учун «ортиқча оғизга» айланмоқда.

Маълумки, Урта Осиё жумҳуриятлари аҳолининг турмуш даражеси, тиббий хизмат билан таъминланганлик бўйича бошқа иттифоқдош жумҳуриятлардан анча орқада туради. Устига-устак пахта якҳоқимлигининг тугатилмаётганлиги, қишлоқ хўжалигида заҳарли кимёвий моддаларни қўллашнинг узлуксиз равишда кўпайишига ва экологик вазиятнинг кескинлашувига олиб келди.

Оналар ва болалар ўртасидаги ўлим даражасига ва улар саломатлигининг ёмонлашишига юқори даражадаги туғилиш ва айниқса, кам вақт оралиғида туғишлар ҳам таъсир қилиши шубҳасиздир. Урта Осиё жумҳуриятларида ҳар иккинчи гўдак икки йилгача бўлган муддат оралиғида ва ҳар бешинчи гўдак бир йилдан кам давр ичида туғилган. Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, бир йилдан кам давр ичида туғилган болалар икки йил ва ундан ортиқ давр ичида туғилган болаларга нисбатан икки марта кўпроқ ўлади. Туғишнинг оралиқ даврини 2—2,5 йил бўлишига риоя қилиш, шифокорларнинг фикрича, ўлимлик миқдорини оналар орасида 2 мартагача, болалар орасида 4 мартагача қисқартиради.

Соғлиқни сақлаш вазиригининг маълумотларига қараганда, жумҳуриятда аёлларнинг 70 фоизи кам вақт оралиғида туғишлар натижасида кам қонлилик, буйрак, қон-томир системаси, модда алмасув жараёнларининг бузилиши ва бошқа касалликлардан изтироб чекмоқда.

Нисбатан кам вақт оралиғида туғувчи аёлларнинг 68 фоизида ҳомилдорлик ва туғишнинг ҳар хил қийинчиликлари кузатилади, улар аксарият вази нормадагидан кам, жисмоний камчиликлари бўлган болаларни туғишади. Кўп болалик оналарда болаларнинг касалланиши эҳтимоли юқори. Касалга чалиниш даражаси болаларнинг оиладаги сони кўпайиб бориши билан ўсиб боради. Масалан, гипотрофия ва анемия касалликлари оилада тўртинчи ва ундан кейинги туғилган болаларда иккинчи ва учинчи бўлиб туғилган болаларга нисбатан уч марта кўп.

Шу билан бирга туғилишнинг юқори кўрсаткичи ўлкадаги гўдаклар ва оналар ўртасидаги юқори даражадаги касаллик ва ўлимнинг бевосита асосидир деб ўйлаш нотўғридир. Бу ташвишли ҳолатнинг асосида экологик ва ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги чуқур сабаблар ётибди. Урта Осиё жумҳуриятларида экологик вазият ташвишли бўлган шароитда соғлиқни сақлашнинг ривожланиши ва моддий-техника таъминоти жуда паст даражада қолиб келмоқда. Айниқса унинг энг муҳим демографик соҳаси — оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ачинарли ҳолатдадир.

Урта Осиёнинг энг ривожланган жумҳурияти — Ўзбекистонда болаларни даволаш муассасалари ва туғруқхоналарнинг 60 фоизидан ортиғи махсус жиҳозланмаган биноларда жойлашган. Уларнинг кўпчилигида беморлар сони керагидан ортиқча. Туғруқхоналарда саккиз мингга яқин, гинекологик беморлар учун мўлжалланган шифохоналарда тўрт мингдан зиёд жой етишмайди.

Жумҳуриятда доя ва гинекологлар, педиатрларнинг ва бошқа тиббий касб эгаларининг етишмаслиги яққол сезилмоқда. Худди шундай ҳолатни Урта Осиёнинг бошқа жумҳуриятларида ҳам кузатиш мумкин.

Экологик вазият оғирлашган шароитда соғлиқни сақлаш, айниқса оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишининг талаб даражасидан узоқлиги туғиш даври қисқаришининг асосий сабаби ҳисобланади. Чунки ўлка аёлларининг кўпчилиги саломатлиги ёмонлашгани сабабли болаларни кўкрақдан эмизish имкониятидан маҳрум бўлиб қолишапти. Аёлдаги гўдакни эмизish имконияти табиатан ҳомила ҳосил бўлишининг олдини олишдан ташқари, боланинг соғлом ўсишининг гарови ҳамдир.

Урта Осиёда оналар, агар кўкракларидан сут бўлса, гўдакларини иложи борича узоқ вақт давомида эмизishга ҳаракат қиладилар. Овруपालик аёлларга хос бўлган гўдагини эрта кўкрақдан ажратиш (чиройли қадди-қоматни сақлаб қолиш мақсадида) ўлка халқлари ўртасида амалда учрамайди, чунки туғишнинг зарурий вақт оралиғи мусулмонларнинг кўпчилиги томонидан тан олинмайдиган слом шарияти талаблари билан ҳам қўллаб-қувватланади. Жумладан, Қуръонда оналар болаларини икки йил давомида эмизishи лозимлиги таъкидланган. Агар ана шу икки йилга ҳомилдорлик вақти қўшилса, ҳозирги замон тиббиёти томонидан она саломатлиги учун зарурий ҳисобланган туғишнинг 2,5—3 йилга тенг бўлган даври келиб чиқади.

Оилани режалаштиришнинг ўлкага хос дастурида қариндош-уруғлар ўртасида никоҳни бартан



раф этиш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Аҳоли саломатлигига бевосита таъсир қилувчи бу хавфли ҳодиса Урта Осиё жумҳуриятларида ҳозирги кунга қадар кенг тарқалган. Улкада қариндош-уруғлар ўртасида никоҳ тузиш оқибатида наслий касалликлар пайдо бўлмоқда, жисмонан ва ақлан заиф болалар туғилмоқда.

Урта Осиёда она ва бола соғлиғини мустаҳкамлаш учун биринчи навбатда қандай тадбирларни амалга ошириш керак? Аввало, қишлоқ жойларида аёлларга маслаҳат берувчи, доя-гинекология хизмати кўрсатувчи муассасалар ишини тубдан яхшилаш, у ерларда «Оила ва никоҳ» хоналарини барпо этиш лозим. Уларнинг ҳаммаси биргаликда оилани ривожлантириш хизматларини ҳосил қилишади.

Урта Осиё жумҳуриятларида бу йўналишда баъзи бир тадбирлар амалга оширилмоқда — «Оила ва никоҳ» хоналари, Туркменистондаги она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича илмий-текшириш институти қошида «Оилани режалаштириш маркази» барпо этилган.

Бу ерларда она ва бола соғлиғини мустаҳкамлаш бўйича амалий ишлар оила-турмуш дастури, миллий анъаналар ва Урта Осиё халқларининг турмуш тарзини ҳисобга олиб, маҳаллий аҳолининг кундалик ҳаётига сингиб кетган анъана ва урф-одатларни чуқур ҳурмат қилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Улкада қариндош-уруғлар ўртасида никоҳга киришни бартараф этиш анча мураккаб ва қийин вазифадир. Бу борада шундай никоҳ қандай салбий генетик оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш зарур. Афсуски, ана шундай никоҳлар оқибатида жисмоний ва ақлий заиф болаларнинг туғилиши ҳам бу хавфли қадамдан одамларни тўхтата олмаяпти. Бу ҳолатни одамларнинг нодонлиги билан боғлаш нотўғридир. Қариндош-уруғлар ўртасида никоҳга кириш Урта Осиё зиёлилари орасида ҳам кўп учраб турибди. Унинг асосида, бизнинг фикримизча, ўта мураккаб ва чуқур сабаблар, шу жумладан миллий-анъанавий ва моддий йўналишга эга бўлган муаммолар ётадики, уларни ўрганиш ҳозирги кун талабидир.

Шу мақсадда ўтган йили Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги педиатрия илмий-текшириш институтида тиббий-генетик тадқиқотлар билан шуғулланувчи бўлим ташкил этилди. Ундан сал илгари тиббий-генетик амалий вазифаларни ҳал этиш мақсадида тиббий-генетик маслаҳатхона барпо этилган эди.

Она ва бола соғлиғини мустаҳкамлаш дбрасида эрта (20 ёшгача) ва кеч (35-49 ёшдан кейин) туғишлар саломатликка салбий таъсир кўрсатишини тушунтириш муҳимдир.

Она саломатлигига айниқса Урта Осиё маҳаллий аҳолиси орасида шарият бўйича катта гуноҳ ҳисобланган абортларнинг кенг тарақалаётганлиги салбий таъсир кўрсатмоқда. Куръонда қашшоқлашмишдан кўрқиб ўз фарзандини ўлдириш катта гуноҳлиги таъкидланган. Шу боисдан аборт умуман таъқиқланиши зарур.

Бу муаммолар жумҳуриятлар юқори ташкилотларининг диққат-марказида бўлмоғи лозим. СССР Олий Кенгашида аёллар, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари бўйича доимий кўмита ташкил этилган. Шунга ўхшаш бўлимлар СССР Вазирлар Кенгашида ва Давлат меҳнат кўмитасида ҳам ташкил этилмоқда. Шундай кўмиталар иттифоқдош жумҳуриятларда ҳам бўлиши лозим. Бу кўмиталар оилани ривожлантириш бўйича жумҳурият дастурларини моддий жиҳатдан таъминлаши ва ҳаётга тадбиқ этиш борасидаги ишларга раҳбарлик қилиши лозим.



Икки нарсанинг фазилати йўқолганидан кейин билинади: буларнинг бири — ёшлик бўлса, иккинчиси — соғлиқ.

Ёшликдаги илм тошга ўйилган нақшга ўхшайди.

Бўладиган хўроз тухумидаёқ қичқиради.

Кишиларнинг ҳиммати тоғни ағдаради.

Оқил одобига, жоҳил эса насабига суянади.

Илмларнинг энг афзали — илмга амал қилишдир.

Икки киши тўймайди: илм толиби ва мол талабгори.

Йигит кўрки кийим билан эмас, илм биландир.

Мунофиқнинг уч белгиси бор: гапирса — ёлғон гапирди, ваъда қиладию вафо қилмайди, омонатга хиёнат қилади.


Шоҳларнинг гапи — гапларнинг шоҳидир.

Кимки бад ишни маъқулласа, уни ўзи ҳам қилган бўлади.

Темир — темирдан ясалади.

Жоҳил — мол излайди, оқил — камолот.

Ўзингга яхшилик қилишни хоҳласанг — бировга яхшилик қил!



Салоҳиддин Мамажонов

## ЯНГИЛАНИШ САДОЛАРИ

Одатда, ижтимоий-сиёсий кўтарилишлар, жамиятнинг маънавий ҳаётида уйғонишлар юз берган пайтда театр санъати биринчилардан бўлиб бу ўзгаришларни илғаб олади ва ҳозиржавоблик билан акс эттиради. Э. Бентли «драма улугвор ғоялар оқиб турувчи ўзига хос бир сойға ўхшайди», деб бежиз айтмаган.

Ҳаётнинг ўзи кино, телевидение санъати барқ уриб ривожланиши театрнинг аҳамияти ва обрўини тушириб юборди, театр даври ўтди, деган фикрнинг нотўғрилигини кўрсатмоқда. Мазкур санъатлар қанчалик катта ва чексиз имкониятга эга бўлмасин, ҳеч қачон театрнинг ўрнини боса олмайди. Театр ўн йиллар ичида содир бўлган воқеаларни, хилма-хил тақдирларни, катта оламни сахнага кўчириб, икки-уч соат мобайнида намойиш қилади. У бир зумлик вақт ичида томошабинлар қалбини бирлаштириб, уларни кулдиради, йиғлатади, онги ва қалбини ларзага солади, фикрини кўзгайди, ғам-аламдан фориглантиради, ҳаётга муносабатини ўзгартиради, одамларга янгича кўз билан қарашга мажбур этади, юксак, эзгу тилаклар сари чорлайди. Театр томошабин билан юзма-юз туриб ҳақиқат, яхшилик ва ёмонлик, Кеча, Бугун ва Эрта хусусида дардлашадиган ва маслаҳатлашадиган майдон. Ҳаёт нафаси, давр томиридаги барча оҳанглар, инсоннинг руҳий изланишлари энг аввало шу санъатда акс этади. Театрнинг қудрати ва сехри шунда.

Одамларнинг диди ва маънавий эҳтиёжи ошган, кино ва телевидениенинг театр билан ижодий мусобақаси кучайган ҳозирги пайтда режиссёр янги шаклларни, янги ифода воситаларини, янги йўллари дадил қидирмасдан иложи йўқ. Драматургия ҳам, режиссёрлик ва актёрлик даражаси ҳам энг аввало уларнинг шахсиятига, истеъдодига боғлиқ. Замондошларнинг маънавий эҳтиёжларини чуқур ҳис этмаган, уларнинг ғоявий-сиёсий ва ақлий сиймосини, руҳини, табиатини, орзу-интилишларини яхши билмаган актёр улар образини тўлақонли гавдалантира олмайди.

Аммо актёр нақадар истеъдодли бўлмасин, режиссёр қанчалик кашфиёт қилмасин, пухта матнсиз театр ўз имкониятларини ҳеч қачон намойиш қила олмайди. Гап шу асоснинг — бадий асарнинг ғоявий-бадий жиҳатдан нақадар мукамаллигига боғлиқ. Станиславский «Бизнинг коллектив ижодимиз драматургиядан бошланади, усиз артистлар ва режиссёр учун қиладиган иш йўқ», деб бежиз айтмаган. Г. А. Товстоногов ҳам пьесанинг мазмуни ва шаклини драматург белгилайди. Бизнинг вазифамиз муаллифнинг ўзига хос овозини, мазкур пьесанинг бетакрор фазилатини топиш, тинглаш, кўриш, ҳис этиш ва ҳаммасини сахна тилига кўчиришдир, дейдики, булардан пьесанинг театр тақдирида тутган ўрни нақадар юксаклиги англашилиб турибди. Театрларимиз парвозига монелик қилган иллатни кўпроқ ана шу асос-пьесалардан қидирмоқ керак.

Асарнинг юраги — қаҳрамони инсон, драматик зиддият эса ундан оқиб ўтувчи, унга тириклик бахш этувчи жондир. Ана шу зиддият пьеса иштирокчиларининг ўзлигини намойиш қилиш, ўз ғоямақсадлари учун курашиш имкониятини, сабабиятини яратади ва бирор натижага, хулосага олиб келади. Инсон тақдир ва бадий тўқнашуларда давр руҳи акс этиши баробарида воқеликнинг ўткир, ҳал қилиниши мушқул муаммолари, зиддиятлари, инсонлар онги ва руҳиятидаги кучли тўқинишлар, манфаатлар, ғоялар, орзу-армонлар кураши ёритилади. Ҳаётдаги эзгулик билан пасткашлик, гўзаллик билан хунуқлик, яхшилик билан ёмонлик, ёруғлик билан қоронғулик, илғорлик билан қоқоқлик ўртасидаги муросасиз жангни ифодалайди. Пировардида даврнинг кўпгина муҳим белгилари — иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, фалсафий-ахлоқий ҳолати ўз инъикосини топади. Шунинг учун ҳам драматик асарларнинг ғоявий-бадий мукамаллиги унинг воқеликдаги ўткир қарама-қаршилиқларни, инсоннинг маънавий камолоти йўлидаги тўсиқларни, ҳаёт мантиқини нечоғлиқ ҳаққоний, теран, чуқур ифодалашига боғлиқдир.

Қатор ҳикоя, қиссалари, романи билан танилган адиб Учқун Назаровнинг «Ойна» пьесасида шу кунги ҳаётимиз лавҳалари акс этган, ғоявий-бадий жиҳатдан етук асарлардан биридир. Гап унинг замонавий мавзуда эканида эмас, энг аввало, турғунлик даври иллатлари ўша даврдаёқ дадил ва пухта бадий шаклда очиб ташланганида, жозибали, жонли ва ҳаётий қаҳрамон образи яратилганлигидир.

Асар қаҳрамони Акбар Содиқов «ҳаммининг рўпарасида доим ойна бўлиши керак, токи ҳар бир одам ўз қиёфасини ҳамиша кўриб туриши шарт», дейди. Албатта, қаҳрамон ҳам ойнани рамзий маънода тушунади. Драматург Арслон ва Ортиқларнинг сийрати ва сувартини худди шу Акбарнинг қалб ойнаси орқали тиниқ, ҳаққоний гавдалантиради. Акбар ўзига мутлақо нотаниш бўл-



йиллар ҳаётига хос ўткир ижтимоий-сиёсий муаммолар бадий ишонарли ифодалангандир. Ўзбекистондаги босмачилик ҳаракати ҳақида кўплаб шеърӣ, насрий ва драматик асарлар ёзилди. Бу мавзуни Шукӯр Холмирзаев янгича талқин қилган, бутун диққатини босмачилик ҳаракатининг чуқур сиёсий илдизлари, асл сабабларини очишга қаратган. Асардаги марказий образлардан бири — босмачилар бошлиғи Хуррамбекнинг ниёти эски тузумни қайта тиклашгина эмас, балки мустақил, қудратли туркий давлат барпо этишдир. У ўз фарзандини камбағалларнинг болаларига қўшиб қатл этишга ҳукм қилар экан, ватан тақдири фарзанддан ҳам муҳимдир, деган асос-мантқиқни ўртага қўяди. Хуррамбекларнинг ғоясини ўшанда ҳам халқ қувватламаган, тушунмаган эди. Хўш, бу мураккаб шароитда кимнинг йўли тўғри? Ким ҳақ, ким ноҳақ бўлиб чиқди алғов-далғов, чалқаш курашлар, беҳуда қирғинлар сўнггида? Асарда замондошларимизни бугунги кунда ҳам бевозта қилиб, изтиробга солиб келаётган ана шундай аччиқ саволлар жуда кескин қўйилган. Анвар пошшонинг содиқ издоши бўлмиш Хуррамбекнинг мақсад-орзуларини меҳнаткашлар ёқламайди, сафдошлари эса у ниётнинг рўёбга чиқишига ишонмайдилар. Хуррамбеклар фожияси, инқирозининг негизи шу ерда. Драматург шуролар, Абдулла Набиевлар билан Хуррамбеклар ўртасидаги ҳаёт-мамот курашини кўрсатишда янгича, ўзига хос йўл тутган. Саҳнада қизиллар ва босмачиларнинг бевосита тўқнашуви, қиличбозлик, ўқ отиш манзаралари йўқ. Икки ўртадаги курашнинг бутун кескинлиги, кўлами, одамлар тақдири, руҳий ҳолати, қалб изтироблари, кескин хатти-ҳаракатлари орқали берилади. Ҳатто асар бош қаҳрамони, босмачиларни ларзага солган Абдулла Набиев билан Хуррамбек бир марта, шунда ҳам асар охирида рўбарў бўлишади. Босмачилар Абдуллани ҳийла билан қўлга тушириб, тилини кесиб, Хуррамбек олдига келтириб ташлайдилар. У бир оғиз сўзлаш имкониятига эга эмас, аммо мағрур, ғолиб руҳи, метин иродаси, қатъий ишончи билан Хуррамбекни мағлуб этади. Хуррамбек Абдулла билан ҳаёлан гаплашади, яъни унинг айтмоқчи бўлган барча фикр, мақсадини тўғри англайди, уларга сингдирилган ҳақиқатни, қаҳр-ғазаб, нафратни тасаввур эта билади.

Хуррамбек вазмин, мулоҳазакор, доим чуқур ўйловчи, мантқиқий фикрловчи шахс. Муаллиф унинг қалбидagi изтиробларни, зиддиятли онларни, ваҳшиёна кўтарилишларни, инқироз аламларидан тўлғанишларини, фарзандини ўлимга ҳукм қилган пайтидаги оталик туйғуларини ифодаловчи ҳолатлар, руҳий зиддиятларни яратишда ўз маҳоратини тўла намойиш эта олган.

Асардаги мураккаб қаҳрамонлардан бири милиция ноизи Бобобековдир. У аслида босмачилар сафида турган, ўтмишини яшириб совет ташиқлотларига кириб олган ва Абдуллани Қора камарга алдаб олиб келишда бош-қош бўлганлардан бири. У Хуррамбек тузоғига илинган иложсиз шахс. У ҳам ўзини ўлдириб қутилади. Асардаги ҳар бир қаҳрамоннинг ўз таржимаи ҳоли, ўз тақдири бор. Янгича талқин этилган образлардан бири Эшондир. Аслида у Хуррамбекнинг ғоявий раҳнамоси, аммо унда бироз ростгўйлик, одиллик, вазият-шароитни тушуниб етиш туйғуси бор, қотилликни ёқламайди. Айни чоқда у ҳам Шўрога қарши, одамларни тоифаларга — бой-камбағалларга бўлади. Хуррамбек билан алоқаси бузилгач, ўзини отиб ўлдирадики, дин раҳнамосининг бундай йўл тутиши табиий чиқмаган. Айни чоқда қатор қаҳрамонларнинг фожияли ҳолатдан қутулиш учун ўз-ўзини ўлдирishi асарда бир хилликни келтириб чиқарганини ҳам айтиб ўтиш керак.

Кейинги йилларда Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Шароф Бошбеков, Машраб Бобоев каби драматурглар баракали ижод қилиб, ҳаётнинг янги қатламларини тадқиқ этмоқдалар, муҳим, долзарб масалаларни янгича ёритиш, ўзбек саҳнасига янги қаҳрамон олиб кириш ва тасвирий воситаларни бойитиш йўлида муттасил изланмоқдалар. Улар ижодида турғунлик даври туғдирган иллатлар сабабини излаш ва фoш этишга интилиш майли устун. Шунинг учун ҳам бир вақтлар Ш. Бошбековнинг айрим асарлари («Тушов узган тулпорлар») ноҳақ қораланди. А. Иброҳимовнинг «Мени айтди деманг» номли каттагина драмалар тўплами Москвада босилиб чиқса-да, Ҳамза номли академик театр саҳнасига жалб қилинмади. Театр яқиндагина уларнинг асарларини саҳналаштирди.

Бу муаллифлар воқеликка ва инсонга драманавис нигоҳи билан қараш ва шу жанр тили билан сўзлай олиш иқтидорига эга. А. Иброҳимов насрда қаламини бироз чархлаб, ҳаёт ва одамлар ҳақида ўз қараш, хулосалари шақлангач ҳамда Москвада икки йиллик адабиёт курсида таълим олгач, бу жанрга қўл урди. М. Бобоев ва Ш. Бошбеков театр санъати бўйича олий маълумотли мутахассислардир. Улар драматургия қонуниятини ҳам, саҳна сирини ҳам яхши билишади, асарларининг шакл жиҳатидан ўзига хослиги ва мукамаллиги, айниқса саҳнавийлик, томошабинликка интилишлари, баёнлари, воқеанависликдан қочиб, драматик ҳақиқат, кескин зиддият ва жонли характер яратиш йўлидан боришга уринишлари шундан.

А. Иброҳимов ҳаётдаги, одамлардаги кулгили иллатларни кўра оладиган ва улардан қаттиқ нафратланадиган ижодкор. У майда, кир-чикир камчиликларни тасвирлаш билан овора бўлмайди. Аксинча, жамиятимиз ривожини, шахснинг маънавий ўсишига, руҳий тозаланишига ҳалақат берувчи жиддий, типик иллатларни қаламга олади. «Зўлдир»да кўтарилган масалага диққат қилайлик. Асар 1975 йилда ёзилган. «Литературная газета»нинг 1980 йил 16 январь сониди Н. Волиннинг «Чўкмаслик» деган мақоласи босилди. Унда 30 йил ичида ўн икки марта иш жойини ўзгартирган одам тўғрисида гап боради. У қаерга тайинланади, шу ерни издан чиқаради, ҳар сафар ишни уddaлай олмаганилиги учун вазифасидан олинади ва у яна юқорироқ амалга қўйилади. «Зўлдир»нинг марказий қаҳрамони Ворисов ҳам худди шундай чўкмас одам. У ҳам колхоз, совхоз, район бош агрономи, бошланғич, етти йиллик, ўрта мактаб директори, музей, архив, театр, ҳаммом, овоз ёзиш студияси раҳбари бўлган. У ҳам ҳар жойда ишни расво қилади, лекин ёри-биродарларининг қўллаб-қувватлаши орқали ҳар сафар зўлдирдай айланиб-айланиб яна битта раҳбарлик лавозимига ўтиради. Драматург Ворисов киёфасини кўрсатиш воситасида шундай одамларни ҳимоя қилувчиларга нафрат тиғини йўллайди. Ворисов асар бошидаги ишга — овоз ёзиш студиясига яна директор қилиб тайинланиши билан драма якунланади. Ёзувчи бу билан мазкур иллатнинг яшовчанлигини таъкидлайди. Ворисовнинг ўзи ҳам: «Биз йигирма биринчи аср юзини кўришни истаёмиз»,— дейди. У колхоз мудири бўлган вақтида ўзига мазорнинг марказидан қабр ажратиб, ёдгорлик тоши қўйдирди. Улган йилини 197, деб ёзамиз дейишганда, кўнмай 199, деб ёзишни маслаҳат беради. Асар ворисовчиликка қарши кескин кураш руҳи билан сўфорилган.

Хуллас, бутун жамиятни турғунлик ботқоғига ботириб қўйган бу разил иллат — саводсизлик, маънавий пучлик, тўрачилик, расмиятбозлик драмада анча чуқур очилади.

А. Иброҳимов ҳар доим кулгили қиёфа, кулгили вазият, ҳолат яратиш йўлидан боради. Асарларидоги кулги шу икки муҳим фазилатнинг узвий қўшилишидан ҳосил бўлади, зиддиятнинг илди-зи ҳам характерлар хоҳиятига бориб тақалади.

Масалан, «Зўлдор»даги Ворисовнинг ўғли Шоди 15—20 йилдан буён онаси билан ёлғиз яшайди. Ворисов неча бор уйланган. Шоди илғор механизатор. Қачон отасини кўраман деб келса, у бошқа ишга ўтиб кетган бўлади. (Бу деталь билан ҳам ёзувчи Ворисовнинг кўнимсизлигини таъкидлайди.) Бир сафар келиб, отаси ўрнида директор бўлиб турган Бозоровни дадам деб ўйлаб, уни кучоқлаб кўришади. Бундай англашилмовчиликлар кулги устига кулги туғдиради. Ворисовнинг бир хил қилиқлари Абдулла Қаҳҳорнинг «Адабиёт муаллими» ҳикоясини эслатади. Музей ходими Нусрат ота Қори-Ниёзий ўқиган мадрасада таҳсил олганини айтса, Ворисов «Ҳа, ҳа, Қори-Ниёзий зўр ҳофиз-да, коллективдош бўлганман. Бизда пластинкалари бор. Қўйиб эшитиб турамиз», дейди. Қаҳҳорнинг мана шундай ичи пучлиги, лавозимига нолойиқ эканлиги музей директорлигида ҳам, овчилар жамиятига раислигида ҳам, театрга директорлигида ҳам кўриниб туради. У табиатни муҳофаза қилиш ўрнига, ҳамма жониворларни қиришга буйруқ беради, театрнинг эса «Т» ҳарфини билмаса-да, катта санъаткорларга ақл ўргатади.

Ворисовда халқ, жамият тақдири тўғрисида заррача ҳам қайғуриш туйғуси йўқ, фақат ўзининг озойишталиги, кайфу сафоси ва амалини ушлаб қолиш тўғрисидагина ўйлайди. Унинг сўзи билан иши орасида ер билан осмонча фарқ бор. Драматург «қаҳрамон» нутқи орқали ҳам унинг пучлигини, қалбакилигини кўрсатади:

«Ворисов: Қани гражданик, бурчга садоқат! Қани фидойилик? Қани жамоат мулкига жонкуярлик, қани зиммадаги масъулиятни ҳис этиш? Қани гуманизм? Тагин инспектор эмиш. Совет гражданимисиз ёки...»

Мана шундай баландпарвоз сўзлар, муқаддас ибораларни ниқоб қилиб олиб халқ ризқини қийган, йўлига тўғаноқ бўлган одамлар Ворисов сиймосида кўз ўнгимизда гавдаланади.

А. Иброҳимов пьесаларини кутилмаган яқун билан тамомлайди. «Зўлдор»да томошабин шундай сохта, қуруқ ва ноқобил одам энди ишдан олиниб, жазоланса керак, деб кутади. Лекин асар Ворисовни яна аввалги ишига — овоз ёзиш студиясига директор бўлиб келиши билан тугайди. Бундай яқун томошабинни фаолликка, огоҳ туришга ва ворисовчиликка қарши курашни сусайтирмасликка даъват этади.

Шу билан бирга А. Иброҳимовнинг ҳажвий асарларида кўзга ёрқин ташланадиган бир қусур бор. Уларда қаҳрамонлар иллатлар тўғрисида кўп гапиради-ю, шу қусурлар ҳажвий зиддиятлар бағрига бутунлай сингиб кетмайди, уларнинг хатти-ҳаракати орқали намоеён бўлмайди. Бошқача айтганда, сўз билан ҳаракат жипс қўшилиб кетмайди. Муаллиф миллий ҳажв воситаларидан, айниқса, афанди латифаларидагига ўхшаш кулгили вазиятлардан кам фойдаланади.

Аммо у ижтимоий ҳажвия яратишда ва жанр, тасвир воситалари имкониятини намойиш қилишда самарали ижодий ютуқларга эришмоқда.

Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг буйруқбозлик-маъмуриятчилик иш услуби авж олган даврни акс эттирувчи «Пуч» ҳажвий асари томошабинларга манзур бўлди. Унда аввалги ҳажвияларда кўрилган нуқсонлар маълум даражада бартараф этилган. Драматург қаҳрамонларидаги маънавий пучлиқни уларнинг сўзлари, даъволари орқали очиб беради. Қинғир йўллар билан номдор олим бўлиб олган Тўлаган аслида сохта, юлғич, порахўр ва маънавий-ахлоқий бузуқ одам. У ифлос гуруҳ — мафиянинг бошида туради: ижрокўм раисидан тортиб, милиция, савдо ва матбуот бошлиқларигача ҳамма соҳани ўргимчакдек ўраб олган. Бу юлғичлар унинг чизигидан чиқишмайди. Тўлаган эса ўз навбатида юртнинг энг каттаси Келган Утаровичга суянади. Бу шахс асар воқеаларида бевосита иштирок этмайди, бироқ Тўлаган гуруҳининг хатти-ҳаракати, аҳволи, ҳолати, кайфиятларида мана шу кўзга кўринмас одамнинг бутун чексиз куч-қудрати аниқ сезилади. Драматург буқаламундек товланиб турадиган бу одамларнинг хилма-хил сифатлари ва пучлигини очишда икки муҳим усулдан муваффақиятли фойдаланади. Биринчи — «некролог» ёзиш. Тўлаган мабодо ўлиб қолсам, қандай нутқ сўзлайсан ва қандай некролог ёзасанлар, деб ҳамтовоқларини синовдан ўтказади. Иккинчиси — Келган Утаровичнинг оғир касал бўлиб қолиши ва ўлими билан боғлиқ ҳолат. Келган Утаровичнинг соғлиги тўғрисидаги яхши ёки ташвишли хабарга қараб Тўлаганнинг кайфияти, ҳолати, ўзини тутиши ва айни чоқда ҳамтовоқларининг ҳам унга муносабати ўзгариб туради. Шу икки восита уларнинг аянч башарасини бор буйича очиб ташлашга хизмат этади. Драматург шахсга сиғиниш, буйруқбозлик-маъмуриятчилик даврининг пуч раҳбарлари, пуч ғоялари жамиятни ҳалокат ёқасига келтириб қўйганлигини маҳорат билан очиб ташлайди.

Машраб Бобоев драмаларида ижтимоий фаол ва маънавий кучли, дадил ва жонкуяр қаҳрамонларни яратишга катта эътибор беради, маънавий пуч, ахлоқанопок, худбин, қўғирчоқсифат одамлар қиёфасини чизади. У асосан қишлоқ муаммоларини, бугунги деҳқонларнинг дард-ташвишларини, айниқса, хўжалик ривожига ва кишиларидаги ҳаёти, турмуши яхшиланишига халақит бериб турган иллатларни қуқур таҳлил этади.

«Уттиз ёшлар» драматасидаги шифокор Шавкат пок, тўғрисида, ҳалол яхши одамлар учун қурбон бўлишга тайёр йигит. Истеъдоди билан шўҳрат топган. Тальят буйрагини унга операция қилдириш мақсадида таъмагирлик билан очерк ёзмақчи бўлади. Шавкат бу носамимий ишдан ғазабга келади. Догда қолган Тальят эса тирноқ ичидан кир қидириб, фельетон ёзади. Шавкатнинг уйига кечаси Холмат ва Нормат деган одамлар келиб, операция учун катта пора тақлиф қиладилар. Қаҳри-ғазоби ошган Шавкат «№24» машина олмоқчиман, деб кесатса, улар бунга ҳам пул топиб берамиз, дейишади. Шавкат иккаласини уриб, олиб келган коньякларини деразадан отиб юборади, ўзларини ҳайдаб чиқаради. Яна бир саҳна: Шавкат қишлоққа оғир касалга ёрдам кўрсатиш учун бориб, курсдоши Музаффар билан учрашиб қолади. У Музаффарнинг муттаҳам, порахўр ва юзсиз одамга айланганини кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолади. Сирти ялтироқ, ичи қалтироқ бу кимсадан қаттиқ нафратланади. Шавкат порахўрлик, юлғичлиқни қасб қилиб олган шифокор Ҳожимбоев билан юзма-юз олишади. У фельетон бўлиб, ишдан сурилганда ҳам руҳан тушмайди, мағрур туради. Драмадаги Мамлакат, Латофат, Қиличбек каби қаҳрамонларнинг ҳам ўз тақдири, ҳаёт йўли бор. Албатта, пьесада чўзиқ, ортиқча жойлар (Юсуф отанинг тирилиб келиб суҳбат қи-

лиши. Шавкатга сунъий айблар ёпиштирилиши, биринчи кўришгандаёқ нотаниш талабани қучоқлаб олиши ва айниқса пора таклиф қилишгандан ғазабланиб, болани операция қилмаслиги каби) мавжуд.

М. Бобоев «Ер томири» драмасидаги ўзи яшайдиган жойнинг шароитини, иқтисодини, ўз касбини мукамал биладиган, бир сўзли агроном Бегимқул образини яратди. Унинг зидди бўлмиш Оқтой бригадир эса фақат катталарнинг гапини бажарадиган, шунинг эвазига нишонлар олган киши. Вилоят котиби бу муте одамни эмас, аксинча мустақил, қатъиятли Бегимқулни қўллади. Бегимқул раҳбар билан оддий деҳқон ўртасида катта узилиш мавжудлиги учун оддий халқ бошлиқлардан чўчидиган бўлиб қолган, деб ҳисоблайди. Узи ҳаммани деб кўради. Драматург одамлардаги мутелик кайфиятини қаттиқ танқид қилади. Асарда «меҳнат ҳаётнинг мақсади эмас, воситаси»дир, инсон инсончасига яшаши керак, деган ғояни изчил илгари суради. Муаллиф шафқатсиз, бемеҳр одам раҳбар бўлолмаслигини ҳам образлар воситасида яққол исботлаб берди. Бегимқул образида сўнги ўн йилларда ҳаётда ва адабиётда юз берган бир ижобий йўналишни (худди рус адабиётидаги каби) кўриш мумкин. Унда курашчанлик руҳи кучли. Айни замонда у муаллиф ғояларининг куруқ жарчисига ҳам айланиб қолган эмас. Қаҳрамоннинг ҳатти-ҳаракатлари, ўй-кечинмалари, изтироб-ташвишлари табиий ва жонли чиққан. Янгича ишлаган чидамаганлар уни ишдан олишга ҳаракат қилишганда, у очикдан-очик «бўшамайман, сиз билан курашаман», деб дангал айтади ва ҳаётдан орқада қолган бош агроном Қаршибойнинг ўзини шартта ишдан олиб ташлайди. Ҳамма ўз бурчини, ўз вазифасини ҳалол, виждонан бажарсин, деб талаб қилади у. Сўз билан ишнинг бирлиги, имон-этикоднинг бутунлиги учун кураш Бегимқулнинг ҳаётий ақидаси, умрининг мазмунига айланиб кетган. Драма турғунлик йилларининг моҳиятини, руҳини очишга хизмат этади ва ана шу етакчи фазилати туфайли у драматург ижодида ҳам, ҳозирги ўзбек драматургиясида ҳам янги ижобий ҳодиса ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси М. Бобоев муттасил изланаётган ижодкор эканлигидан далолат беради.

Шароф Бошбеков ҳам дадил ижод қилаётган умидли драманавислардан бири. Унинг қатор пьесалари сахналарда кўйилди ва турли мунозараларга сабаб бўлди. Энг аввало, Шароф Бошбеков асарлари ўзбек драматургиясида мазкур драмаларга ўхшамаслигини айтиб ўтиш керак. Унинг мавзу-материаллари ҳам, яратган қаҳрамонлари, характер ва конфликтлари ҳам янги, ўзига хос. Тўғри, унинг «Тикансиз типратиканлар», «Эшик қоққан ким бўлди» каби илк пьесаларидаги услуб, шакл ва мавзу талқинида рус ва айрим чет эл драматургияси намуналарининг таъсири яққол кўринади. «Правда», «Комсомольская правда» газеталарида ўз вақтида бу ҳолат қайд этиб ўтилган. Аммо Шароф Бошбеков устозлар таъсири, тақлид доирасида қолиб кетаётгани йўқ.

Бугунги кунда Шароф Бошбековнинг «Темир хотин» асари ҳозирги ўзбек драматургиясида жиддий воқеа сифатида тан олинди. Асар асосида яратилган спектакль жумҳуриятлараро театрлар кўригида ғолиб деб топилди ва Москва томошабинларига ҳам кўрсатилди. Умуман, бу драматург услубида ҳаётни, воқеликни ҳам фожиали, ҳам кулгили жиҳатларини идрок этиш фазилати устун эди, аммо ёш драматург ижодидаги бу етакчи йўналиш адабий-танқидчилик томонидан ўз вақтида етарли илғаб олинмади ва муносиб қадрланмади. «Темир хотин»да фожиавийлик билан комиклик узвий боғланиб кетганини кўрамиз. Муаллиф ўзбек аёлларининг, ўзбек пахтакорларининг аянч қисматини ҳаққоний ифодалай олди. Халқ орасида қишлоқ аёлларининг аҳволини кўриб бир йиғлагини келади, бир кулгини келади, деган гап юради. Асарда тасвирланган турмуш манзалари ҳам шундай: у фожиали ҳолат, вазият туғдирган аламли, ғамгин, ачиқ ва кинояли кулги билан сугорилган. Асар воқеаси Қўчқорнинг айвон устунларидан бирига бойлаб қўйилган ҳолати билан бошланиб, ана шу тарзда тугайди. Шунинг ўзидаёқ кулгили манзара кўринади. Қирқ ёшли, олти боланинг отаси, илғор тракторчи одатдагидек ичиб, қаттиқ маст ҳолда хотинини ҳақорат қилади, кўни-кўшинилари Қўчқорни устунга бойлаб қўйишади. Қумри бола-чақасини олиб, онасиникига аразлаб кетади. Қўчқор содда, ҳалол, чапани, ишонувчан одам. Табиатида афандинамо қиликлари ҳам бор. Хотинига ҳуқуқсиз, тилсиз махлуқ сифатида қарайди. Қумри кетгандан кейин «мастлигимда уриб майиб қилиб қўймаган эканман, жимгина уйда ўтирар эди», дейди. Иттифоқ, уларнинг уйига инженер-конструктор Олимжон келиб қолади. У Қўчқорнинг қўл-оёғини бўшатади, иккови турмуш ташвишларидан суҳбат куришади. Олимжон пахта терадиган аёл-робот ясаганини айтиб, Қўчқорга намоиш қилади. Унга Аломат деб ном қўядилар. Аломат уй ишларини дид билан бажариб, Қўчқорнинг иззат-икромини ўринлатиб жойига қўяди. Қумри меҳнатда эзиллиб, аёллик фазилатидан маҳрум бўлган, ҳиссиз, идроксиз темирга айланиб қолган эди. Аломат унинг олдида фариштадек аёл бўлиб кўринади. Қўчқор Аломатни худди тирик, жонли аёл деб ишонади. Олимжоннинг: «Ахир бу одам эмас-ку, темир-ку, нега тушунмайсиз», деганига қулоқ солмай, унга уйланмоқчи бўлади. Никоҳ ўқитиб, «қонуний хотиним» деб ҳисоблайди. Аломат уй юмушларининг ҳаммасини қилади, пахта терими бошланганида эса теримга ҳам чиқади. Бироқ оддий ўзбек аёли индамай бажариб, кўникиб кетган ишларга темир ҳам дош беролмайди. Аломат меҳнатнинг оғирлиги, зўрлигидан ёниб кетади. Бу аҳволни кўрган Олимжон: «Ахир у темир-ку, у ўзини ўйламайди, қийналиб кетдим, дейдиган тили йўқ. Индамас экан деб эшакдай ишлатавериш керакми, ахир?» деб қаҳр-ғазабини тўқади. Қўчқор эса ўзини шундай оқлайди. «Тавба... Албатта бирон-бир ортиқча юмуш буюрган бўлсам, тил тортмай ўлай... Нима иш қилиб қўйибди у?... Ҳали қаторлаштириб етти-саккизта болани туғиб қўйгани йўқ, кечалари ухламай бешик қучоқлаб чиққани йўқ, ҳар боласи билан минг бор касал бўлиб, минг бор соғайгани йўқ... Ахир у битта ўзбек аёли қиладиган ишнинг ярмини қилди холос-ку... Қанақасига мен ўлдирган бўлай?...»

Асарнинг бош ғояси мана шу кескин суҳбат асосида очилди. Драматург Аломат ҳақидаги ҳаёлий воқеалар тизими орқали ўзбек аёлларининг мушкул қисмати ва тақдирини янгича нигоҳ билан акс эттиради. Олимжон шундай микросхема яратганки, агар уни Темир хотинга қўйса, робот каби ҳаракат қилмасдан, одамга ўхшаб «ўйлайди, фикр қилади, ҳамма нарсанинг моҳиятига тушуниб етади. «Ҳамма гап шундаки, фикр қилса ақлини танийди. Ақлини таниса кўзи очилади. Кўзи очилса уларни бошқариш мумкин бўлмай қолади. Ана шунинг учун, Қўчқор ака, робот роботлигини қилиши керак. Буйруқ берилдими — бажарсин. Бу ерда жуда жиддий рамзий маъно — манкуртизм сиёсатини қоралаш, одамларни қоронғилик, мутеликда сақлашга уринишдан қузатилган асл қора ниятни очиб ташлашга интилиш бор. Драматург одамларнинг эрксиз-ҳуқуқсиз, муте

ҳолга тушиб қолганлиги тўғрисидаги фикрни Аломат-Қўчқор мунозараси орқали ҳам таъкидлаб кўрсатади. Аломат Қўчқорнинг тилсиз-забонсизлиги, хор-зор бўлиб меҳнат қилиб, роҳат кўрмай яшаётганлигига тоқат қилолмай: «Наҳотки, оддийгина инсоний ғурур бўлмаса», «Менчалик ҳам эмасмисиз», «Нолимайсиз, кўникиб кетгансиз», деб танбеҳ беради. Аломатнинг бу гаплари, оғир меҳнатни кўтара олмай қуйиб кетиши, Қумри ва Қўчқорларнинг тақдири томошабинни ўзлигига назар ташлашга, ўз қадр-қиммати, ҳаёти, турмуш тарзи ва жамият тўғрисида ўйлашга мажбур этади. Ута ваҳшийлашган, одампарварликдан узоқлашган шарт-шароит Қумри билан Қўчқорни бир-бирига дағал, кескин муомила қилишга олиб келган бўлса-да, улардаги ўзаро яқинлиқни, тақдирдошлиқни йўқота олмаган. Қўчқор Аломат Қумрининг ўрнини босолмаслигини англайди, уни соғинади, «нима деяётганини кўзидан билардим», «уям шундай қарарди-ю, ичимдагини топарди кўргур», деб ўқинади. Қумри эса, онасиникидан қайтгач, эри ҳамон бойланганича турганини кўриб, «одамлардаям инсоф қолмабди», «уч кун минг кун бўп кетди...» дейдики, бу сўзларда кучли инсоний ҳарорат, меҳр, самимият бор.

Драматург асардаги ҳар бир қаҳрамонни ўзига хос қиёфага эга шахс сифатида гавдалантиради. Қумри фожиавий образ, у тиниқ қалбли, самимий, оқибатли инсон. Оғир меҳнат ундаги ўзбек аёлларига хос меҳр-шафқат, садоқат туйғуларини йўқота олмаган бўлса-да, уни ўта муте, тилсиз-забонсиз, эрксиз қилиб қўйган. Олимжон сиймоси кўтаринки пардаларда чизилган: у хаёлпараст, ҳақиқатгүй ва орзу-армони балинд киши. Бу образ билан муаллиф қарашлари ўртасида жуда яқинлик мавжуд. Асарда Қўчқорнинг кўшниси Салтанат жуда кам кўринади. Бироқ муаллиф «жанжал бўйича қишлоқ чемпиони» бўлмиш юзсиз, шалаққи, имонсиз бу аёлнинг қиёфасини ҳам аниқ чизиб беради. Шароф Бошбеков Қўчқорни фикрлашидан, тушунчасидан тортиб сўзлаш тарзига ҳаммасини ўзига хос қиёфада гавдалантиради. Қўчқор кўшниси Сафар акани шундай таърифлайди: «Чаласавод. Расми йўқ экан деб газит ўқимайди». Эр-хотин ўртасидаги жанжалда ўзи айбдор бўлса ҳам Қумрини гуноҳкор ҳисоблайди: «Кетиб қолди. Хотин — жафо». Бундай таъриф-тавсифлар кишида беихтиёр кулги уйғотади, У илм-фандаги янгиларнинг дарров тушуниб етавермайди. Ундаги соддалик Аломатни севиб қолиши, у билан тирик аёлдек муносабатга киришмоқчи бўлишида янада ёрқин кўринади. Хуллас, драматург қишлоқ муаммолари, айниқса ўзбек аёлларининг фожиали ҳаёти, уларнинг ўз-ўзини ўлдиришлари, куйдиришлари заминиди диний ақидалар ёки қайнона зулми эмас, балки сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий сабаблар ётганлиги ҳақида «овоз чиқариб айтишга» муяссар бўлади, муҳим ҳақиқатни ҳимоя этишнинг шаклини, йўлини, усулини топишга эришади.

Кўриниб турибдики, драматургиямизга бир-бирига ўхшамаган, иқтидорли янги авлод кириб келди. Улар инсон руҳиятини чуқур, теран бадий таҳлил этиш учун янгича воситаларни дадил излаш йўлидан бориб, яхши самараларга эришмоқдалар. Уларнинг диққат марказида инсон маънавиятини, инсон ва жамият муносабатларини, даврга хос долзарб муаммоларни кўрсатиш туради.

Воқеликни шиддатли драматик тўқнашувлар асосида акс эттириш, ички зиддиятларни бутун кескинлиги билан очишга интилиш, қаҳрамондаги фаоллик ва исёнкорлик хусусиятларини ҳаққоний бўёқларда гавдалантириш асарлари қисман таҳлил этилган ижодкорлар учун муштарак фазилят саналади. Улар мураккаб ҳаётнинг фожиали тўла хилма-хил кўринишларини, гоҳ ғам-андуҳга, гоҳ қувончга, эзгуликларга тўла хайрли ташвишларини тасвирлар эканлар, сунъий, балиндпарвоз шиорлар, сохта майлардан иложи борича қочадилар. Қалб манзараларини бутун тиниқлиги ва мусаффолигини сақлаган ҳолда суратлантиришга астойдил ҳаракат қиладилар. Айни замонда, бу хусусиятлар мазкур мақолада тилга олинмаган, аммо драматургиядек қийин, заҳматли жанрда ўз маҳоратини синаб кўраётган бошқа бир қатор ижодкорларга ҳам тааллуқлидир.

Хуллас, бугунги ўзбек драманавислигида сифат ўзгаришлари юз бераётганидан, инсон ва воқеликни ҳаққоний идрок эришга уриниш бошланганидан кўз юмиб бўлмайди. Шу билан бирга хотиржамликка берилишга, ҳамма нарса рисоладагидек кетаяпти, деб тасалли топишга ҳали вақт эрта. Томошабин муаммоси театрлар учун кўндаланг бўлиб турган ҳозирги пайтда драматургларимиз замон ва инсон олдида маънавий жиҳатдан ҳаммиша қарздор бўлиб қолаверадилар.



## Журналхонидан Мақтублар

1. Нишон тумани, Беруний номидаги давлат хўжалигида иқтисодчи бўлиб ишлайман.
2. Бундан анча йил бурун ойномада Х. Тўхтабоевнинг «Беш болали йигитча» қиссаси босилган эди. Омборхонадаги эски, ярми йиртилган ойномадан шу қиссини топиб ўқидим ва қизиқиб қолдим.
3. Шундан бери мунтазам ўқиб бораман. Чунки, бу ойнома менинг маслаҳатдош дўстимдир.
5. Истагим: Қуръон таржимаси берилаётган бетларга «Ушбу саҳифаларни ҳурматлашингизни ва нолойиқ жойларга ташламаслигингизни сўраймиз» деб ёзиб қўйилса. Одам барчбир хавотирланади, ахир кимдир билиб-билмай шундай қилиши мумкин-ку?
6. Маҳмадиёр Яхшибоев, 22 ёш.



# Ҳикмат, Ҳақиқат, ҳақиқатлар

Ғайбулла Саломов,  
Ҳамидулла Кароматов

## «Соҳибқирон Темур» фожиасининг сарчашмалари

Тарихий жараён миллий адабиётнинг вужудга келиши ва ривожланишига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади. Тарихий воқеа ёки шахс миллий давлат ҳудудларидан ташқарига чиқиб, турли адабиётлараро жараён оқимига ўз улушини кўшади — унга мослашади, омукталашади ёки қайта миллату элатлар орасида тарихий-адабий кўприклар ўрнатади. Тарихий воқелик оқими тахайюл гулларига бурканиб, турфа тилларда афсона яратиб, адабиётлар мулоқотига асос солади. Тарихий шахслар бадий тимсол даражасига кўтарилиб, жаҳон адабиёти хазинаси дурдоналарига айланади.

1402 йили Амир Темур Кўрагон Туркия султони Боязид I Илдири (Елдири)нинг икки юз минг кишилик лашкари устидан қозонган оламшумул ғалаба Европа халқларини янги истилодан қутқариб, ўз даврида насроний динининг маркази бўлган Константинополни (Истамбул) таслим бўлишдан сақлаб қолади. Натижада жаҳонгир Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги тарихий ҳақиқат ҳамда турли-туман афсоналар тарихий-адабий асарлар орқали европаликларнинг ҳам диққатини ўзига тортади. Замон зайли билан тарихий шахс афсонавий сиймога айланади. Парижда жаҳонни ларзага солган соҳибқирон Темурга ҳайкал ўрнатилиб, пойига «Европа халоскорига» деган ёзув битилади.

Ғарбдан Шарққа ўтган сайёҳ ва элчилар, Шарқдан Ғарбга қайтган тўжжорлар (савдо-сотик аҳли) ва асарлар буюк ҳукмдор ҳақидаги афсонаю ривоятларни оламга ёйдилар. Шу зайлда тарихий воқелик баъзан ҳар хил уйдирма ҳамда латифалар билан безалиб, ҳаётдан ҳам, тарихий солномалардан ҳам анча йироқ тимсол яратилади.

Жаҳонгир бутун оламга қулоч ёзган «сайёр сюжет»нинг манбаи сифатида дунё халқларининг адабиётларига кириб боради ва ҳар гал, муайян тарихий шароит тақозосига кўра, ё ижобий, ё салбий тус олади. Адабиётлараро жараёнда Темур образининг талқинини ўрганиш, рус олими А. Парфёнов таъбири билан айтганда, «...мамлакатимиз тупроғида вужудга келган ягона ва ҳалигача ўрганилмаган оламшумул аҳамиятга эга тарихий афсона»нинг манбаларини идрок этишга имкон беради.

Шуниси диққатга сазоворки, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган адабий-тарихий қўлёзмалар асосида 1587—88 йилларда инглиз драматургиясининг йирик намояндаси Кристофер Марло (1564—1593) сахна учун «Соҳибқирон Темур» («Тамбурайн зе Грейт») фожиасини яратади. ● Жаҳонгир тақдирининг улғуворлиги ва қудратли салтанати буюк инглиз адабини ҳайратга солади. Булар барчаси Марло эътиқодига ҳамоҳанг бўлиб, унинг ижодий даҳоси («ақлий заковати») мазкур афсоналардан илҳомланади. Амир Темурнинг жаҳонгирлик сиёсати, ҳокимиятни марказлаштиришга бўлган сай-ҳаракатлари ўша давр инглиз томошабинларига жуда маъқул тушади. (Мустамлакачилик сиёсати бўсағасида турган Англия Шарқ давлатларига нисбатан «алоҳида қизиқ» билан қараганини ҳам унутмайлик.)

Тарихий сиймо Амир Темур Кўрагон ҳақида кўпбал илмий-тарихий асарлар ёзилгани маълум. Уларнинг катта қисми асосий ғарб тилларига икки-уч аср олдин ўгирилган. Тарих ва тақдирнинг «ўйинини» кўрингки, бу асарлар биз учун ҳамон «лисоний қулф» остида, ўз вақти-соатини пойлаб ётибди... Бошқача айтганда, биз асл манбаларни ҳам, уларга бевосита дахлдор хорижий манбаларни ҳам яшириб келдик.

Ваҳоланки, Темурнинг сиёсати ва фаолиятдан қатъи назар, адабий-тарихий обидаларнинг Ўрта Осиё халқлари тарихини ёритишдаги умумбашарий қимматини ҳисобга олмасликка маънавий ҳаққимиз йўқ. Соҳибқироннинг ҳарбий юришларидан ташқари, турли тиллардаги ёзма манбалар ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий, жўғрофий, иқтисодий ва маданий аҳволи ҳақида қимматли маълумотлар беради. «Баъзи сатрлари қон билан битилган» деб, бу асарларни қатагон қилиш тарихий мантқиққа мутлақо зид. Утмишини билмаган кимса, бугунги кунини идрок эта олмайди ва келажакини ҳам тасаввур этишдан ожиз бўлиб қолади. Биз сўнгги ярим аср давомида, тарихга бундай



муносабатда бўлиш шаккок манқуртларни вужудга келтиришининг шоҳиди ва шаҳиди бўлди.  
Жоҳиллик маънавий инқироз хавфини туғдиришини ҳам ёддан чиқармайлик.

Амир Темур ҳақидаги илк маълумотлар туркий, форс ва араб тилларда яратилган. Соҳибқирон ўзи забт этган ўлкалардан кўпгина фан ва маданият арбобларини ўз пойтахтига кўчиргани маълум. Шунинг ҳам унутмайликки, ҳозирги ибора билан айтганда «ақл-идрок оқими», табиий йўсинда, салтанат марказига қараб равона бўлган. Пировардида Самарқанд умумадабий, илмий марказга айланган. Мовароуннаҳрда шариатнинг ўзга динлар тақдирига, шунингдек, эрксевар шахсларга нисбатан ҳолис, мўтадил муносабатда бўлган ханафий мазҳаби қонунлаштирилиши ҳам Самарқандга кўзга кўринган одамлар кўчиб келиши учун кенг йўл очиб берган. Бундай марказлашув, тамомила табиий бир зайлда, Урта Осиёда Уйғониш даври туб аҳолининг тарихий ва маданий ўтмишидан озик олган ҳолда пайдо бўлган, ҳолбуки, Англияда Марло ва Шекспир ижод этган Ренессанс (Уйғониш) даври Фарбий Европа ҳамда Шарқ Уйғониш даври маданиятининг таъсири остида рўёбга келган эди. Уйғониш даврига бир ёқлама қараш, уни муайян тарихий, миллий, жуғрофий минтақа ёхуд давлатларнинг яққа ҳокимлиги (монополияси)га айлантириш бир ёқлама, ғайрииллий ҳулосаларга олиб келади. Хуллас, жаҳон Уйғониш шараёни табиий тарихий зарурият, узлуксиз муштарак оқим сифатида баҳоланиши лозим. Шундай тақдирдагина Шарқнинг Фарбга таъсири ва акс таъсир ҳеч шубҳасиз, аниқ-таниқ тарихий-адабий далиллар билан тасдиқланади. Академик В. В. Бартольд фикрича, ислом давлатлари тарихини ўрганишда Европа мамлакатлари тарихига қўлланадиган усул ва тадбирлардан фойдаланиш лозим.

Адолат юзасидан айтиш лозимки, Амир Темур барпо этган давлат ҳудудида яратилган асарларда мустабининг ҳаёти ва фаолияти маълум даражада бир тарафлама, ҳолис танқидий нуқтаи назардан кўра, кўпроқ тантанавор мадҳиябозлик услубида ёритилган.

Масаланинг ғалати жиҳати шундаки, форсийзабон адабиётдан фарқли ўлароқ, араб тилида ёзилган асарларда Темур шахси ва қилган ишлари қоралаб ёзилган. Бизнингча, бунинг боиси араб давлатларининг жаҳонгир томонидан забт этилишига бориб тақалса керак. Бунга далил қилиб Ибн Арабшўнинг «Ажоб ал-мақдур фи-н-навоиб ат-Темур» («Темур тақдирини (илохий) башоратнинг ажойиботлари») асарини кўрсатса бўлади. Муаллиф ўн икки ёшида Дамашқни забт этиш пайтида асирликка тушиб қолган. У Самарқандда таълим олиб, савдо-сотик ишлари билан кўп ўлкаларни кезиб чиққан.

Машҳур араб тарихнависи Ибн Халдун Амир Темур билан бир неча бор учрашиб, суҳбат қурган ва ўз таассуротларини асарларида ёзиб қолдирган.

Шунингдек, шарқий славян адабий ҳаракатчилигига мансуб рус кўлёмалари — «Темур оқсоқ ҳақида қисса». «Никон солномаси», «1512 йилномаси» асарларида жаҳонгирга ўта салбий муносабат ифодаланганини кўрамиз. Амир Темурнинг Арманистонни забт этишига гувоҳ бўлган руҳоний Фома Мецолий ҳам ўз кўрган-эшитганларини ёзиб қолдирган. Унинг кўлёмаси XIV аср арман адабиётидан бизгача етиб келган ягона манба ҳисобланади. Темур тимсолининг салбий талқинида ёритилиши нуқтаи назаридан ушбу асар рус ва баъзи араб ёзма обидалари билан ҳамоҳангдир.

Бизни қизиқтираётган адабиётлараро жараённинг кейинги ҳосиласи, таъбир жоиз бўлса, иккинчи поғона Фарбий Европа адабий ҳаракатчилиги доирасида лотин, юнон, италян, инглиз, фаранг ва олмон (немис) тилларида яратилган тарихий асарлардир. Уларнинг пайдо бўлиш тарихи, музун-мундарижаси алоҳида тадқиқотлар учун мавзу бўла олади. Аммо, биз бу ўринда баъзи муаллифларнинг номларини айтиб ўтиш билан чекланамиз: Халкондили, Хайтн, Фрегосо, Мехиа, Примадей, Пирондини, Матиас Пальмериус, Платини, Андреа Кембиниус, Пана Пий II, Паоло Жиаво, Ричер, Мэнстер, Сагандинус, Рамус, Курио, Лоникерус. Бу адиблар Кристофер Марлогача бўлган даврда яшаб ижод этган ва Темур ҳақида маълумот ёзиб қолдирганларнинг бир қисми, ҳолис.

XVI асрнинг ўрталарида фарб адабиётида Амир Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақида беҳисоб қурама асарлар, мажмуалар тартиб берилган бўлиб, улар аввалги китобларнинг мазмунини такрорлаган. Бу жараёнда таржима асарлари катта аҳамият касб этган, албатта.

Умумадабий муштарак жараёнда фарб давлатлари қиролларининг Амир Темур қошига юборган элчилари ёзган асарлар катта аҳамият касб этади. Испания қироли элчиси Рюи Гонзалес де Клавихонинг «Темур саройига қилинган саёҳат кунномаси» шулар жумласидандир. Марло Клавихо қайдларини синчиклаб ўргангани яққол сезилиб туради.

Амир Темурнинг Фарбдаги элчиси архиепископ Иоанн Фаранг (Франция) қиролига жаҳонгирнинг хатини етказиши ва Темур ҳақида асар ёзганини маълум қилади. Асарнинг номи «Савдо қарвонлариға йўлланма» деб аталади. Аммо, афсуски, унга фарб тадқиқотчилари деярли эътибор бермаганлар.

Мазкур даврни ўрганганда Амир Темурнинг фаранг қироли Карл IV ва инглиз қироли Ҳенрих VI ларга ёзган мактублари ва улардан олган жавобларини назардан соқит қилиш мақбул эмас. Париж Миллий кутубхонасида Темур ёзган хатнинг асл нусхаси сақланмоқда. Амир Темурнинг муҳри хатнинг асл нусхалигига шубҳа қолдирмайди.

Кристофер Марло қисқа муддат давомида қирол махфий кенгашининг айрим сиёсий топшириқларини бажаргани маълум. Демак, у Амир Темурнинг инглиз қиролига ёзган мактубини кўздан кечирган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Марло Амир Темурни дафъатан оддий чўпон сифатида саҳнага олиб чиқади. Бу тарихий ҳақиқатга зид. Умуман олганда, форсийзабон манбалар жаҳонгирнинг ёшлиги ҳақида аниқ маълумот бермайди. Бу борада илк маълумотларни ибн Арабшў асарида учратамиз. Унинг фикрича, амирнинг отаси ё чўпон, ё темирчи бўлган. Рус кўлёмалари ҳам шунга ўхшаш гапни айтади. «Никон солномаси»нинг ҳалолат беришича, Темурнинг отаси қишлоқ оқсоқоли, касби темирчи бўлган. «Темир оқсоқ ҳақидаги қисса»да ҳам шу маълумотлар келтирилади. «1512 йилномаси» бу маълумотларни бекаму-куст қайтаради. Арман кўлёмасида ҳам гап шу. Инглиз олимаси Эллис-Ферморнинг айтишича, «Марло фожиа ёзишга киришишдан олдин ўзигача мавжуд бўлган адабий ётлар билан танишиб чиқади. Византиялик муаллиф Халкондили асарини ўрганади, унда эса Темур ёшлигида чўпон бўлганлиги айтилган. Ўз навбатида бу маълумотлар Ибн Арабшў китобидан олинган. Халкондили асари кўпчилик европалик тарихчилар томонидан кенг ўрганилган ва унинг

маълумотлари тилдан-тилга кўчиб бораверган. Фрегосонинг айтишича: «Темур атрофига ўзига ўхшаган чўпон ҳамроҳларини бирлаштирган скифиялик (қипчоқ) чўпондир».

Шарқ манбаларида бундай маълумот йўқ. Амир Темур қабридаги битиктошда ёзилишича, унинг она томонидан насл-насаби Чингизхон билан бир шажарада бўлган амир Туманайга бориб тақалади. Оталик насаби эса илоҳий пайғамбарларга хос, бегуноҳ ҳомила бўлиши билан шарҳланади. Мақбарада Амир Темур барлос қабилисидан эканлиги қайд қилинган.

Европалик муаллифлар Амир Темурнинг ҳаётида ақл-заковат ҳамда ҳарбий истеъдод ҳал қилувчи омил бўлган, деган оқдодий ва оқилона фикрни беш юз йил давомида тарғиб этиб келадилар. Ижтимоий жиҳатдан қўйи поғоналардан чиққан инсон ўз кучи билан юқорига кўтарилиши мумкин, деган тушунча, умуман олганда, Уйғониш даври маданияти ва санъатининг инсонпарварлик руҳига хос майл ҳисобланади.

Ҳожидада Амир Темур лашкарининг сони ҳам алоҳида қайд этилади. Аввалига улар 500 пиеда деб кўрсатилади. Жаҳонгир ўзи ёзган «Тузуқ»ларга мурожаат этайлик: «Чунончи, мен 243 киши билан кенгашган ва тадбир юритган ҳолда Қарши қалъаси устига юрдим» («Темур тузуқлари», «Шарқ юлдузи», 1989, 8-сон, 131-б.) 300 рақами Клавихода ҳам учрайди: «Аввалига 300 отликдан иборат қўшини... кейинчалик 500 га етади». Арман қўлёзмасида: «Унинг қўл остида ўзига ўхшаш тахминан 515 киши тўпланади...» Ибн Арабшохнинг гапига қараганда, Амир Темур ўз ҳаракатини тахминан 40 нафар аскар билан бошлаган. Бу маълумот ғарб тарихчиларидан Меҳиа, Пирондини ва Пальмериус асарларида ҳам мавжуд. Кристофер Марло бу асарларни ўқигани Ҳожидадаги воқеалар жараёнида маълум бўлади. У киритган янгилик шуки, Амир Темур ўзи асирликка олган шох қизини севиб қолади. Шу пайтда Амир Темур мингта олтиқ бошчилигида келган форс лашкарбошисини жанг қилмасдан ўз тарафига эътиқод кучи билан оғдира олади. Бу ҳодисани Эллис-Фермор тарихий далил эмас, илҳом самараси деб баҳолайди. Дарвоқе, шунга ўхшаш ҳодисалар форсийзабон манбаларда ҳам кўп учрайди. Масалан, шайх Саид Барка бир сиқим кўмини душман лашкари томон селип юборади ва Қуръони каримдан оят келтириш билан уларни мағлубиятга дучор этади.

Ҳожидада турк султони Боязид Темур қўлига асир бўлиб тушади ва унга лаънатлар ўқийди. Марло бу маълумотларни византиялик тарихчилар Фрегосо ва Халкондилдан олади. Ҳожидада Темур Боязидни қафасга солиб, ўзи билан олиб юради. Бу ҳол ҳам тарихий ҳақиқатга зид бўлиб, афсоналардагина учрайди. Шарқ манбаларида Амир Темур ўз асир билан барча мулозаматларни ўрнига қўйиб муомола қилгани қайд этилади. XIX аср рус тарихчиси Грановскийнинг айтишича, 1402 йил жангга қатнашган гувоҳлар ҳамда шарқ ва ғарб муаррихлари Амир Темур Боязидни ҳурмат қилганини бир овоздан тасдиқлайдилар. Кейинги муаррихларнинг қафас ҳақидаги гаплари ҳақиқатдан узоқ бўлиб, Темур замондошлари бу тўғрида маълумот қолдиришмаган.

Темур Ғарб қиролларига элчи қилиб юборган архиепископ Иоанн ўз асарининг XXI бобида ҳикоя қилади: «Амир Темур ҳузурида буюк турк ҳурмат-эҳтиромда сақланади. Қочишга ҳаракат қилганидан сўнггина уни олтин занжир билан банди этишни буюрди». Византиялик тарихчи Дукас шундай ёзади: «Темур Боязиднинг насл-насабига мувофиқ муомола қилган ва иззатини жойига қўйган». Эллис-Фермор фикрича, бу маълумотлар Ғарбга Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асари орқали ўтган. Аммо темир қафасни Марлонинг ўзи ўйлаб топган эмас. Амир Темур ҳақидаги бу ўйдирма афсона аслида, шарқ ахлоқидан тамомила беҳабарлик, ғофиллик туфайли пайдо бўлади. Асир қочишга уринганидан кейин, уни назорат остига олишга тўғри келган. Темур юришларда султони тахтиравонга ўтқазини амр қилади. Туркий қафас сўзини Франческо нотўғри тушуниб, тескари талқин қилади ва Ғарбда бу афсонанинг кенг тарқалишига сабабчи бўлади. Халкондили Боязид занжирбанд қилинган, деб ҳисоблайди. Дукасининг айтишича, Боязид ўзини захарлаб ўлдирган. Франческо бўлса, у асирликда ўлдирилган, деган фикрни илгари суради. Ҳолбуки, ислом дини ўзини ўлдиршни катта гуноҳ деб билади. Демак, бу гаплар бошдан-охир ўйдирма. Эллис-Ферморнинг фикрича, олтин занжир Пальмериус, Каспини, Грануччи асарларида, сўнгга эса Эштон ва Ньютон таржималарида учрайди. Аммо Амир Темур отга миниб учун султон Боязидни ўз оёғи остига тиз чўктиргани ҳақидаги ўйдирмани Марло оқизмай-томизмай қўллайди.

Ҳожианинг тарихга зид ўринларидан бири шундаки, Кристофер Марло Амир Темурни дин-сиз, даҳрий қилиб кўрсатади. Уни ўз тасвирида муқаддас китобларни, жумладан Қуръонни ёқишга мажбур этади. Бу ҳам тарихий ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди. Шарқ манбаларида жаҳонгир ислом динининг ривожига улкан ҳисса қўшган ҳукмдор сифатида шарҳланади. Бу ҳақда «Тузуқлар»да шундай дейилган: «Тангри таолонинг дини ва Мухаммад мустафонинг шариатида дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим» («Темур тузуқлари», «Шарқ юлдузи», 1989, 8-сон, 149-б.). Темурнинг ҳудожўйлигини Клавихо ҳам таъкидлайди. Унинг гувоҳлик беришича, буюк ҳукмдор ўзи билан ҳар ерда кўча мачит олиб юрган. Араб, рус ва арман қўлёзмаларигина Амир Темурни худого ишонмайдиган ва динга шак келтирувчи қилиб кўрсатади. Бу ўйдирма, дарвоқе, Кристофер Марлога жуда қўл келади. Чунки Марлонинг Темурни шаккок қилишдан мақсади — инглиз жамятига тазийқ ўтказётган пуританларга қарши чиқиш эди. (Орадан ярим аср ўтгач, пуританлар ахйри Англияда театрларнинг ёпилишига муваффақ бўлишди.) Ҳожианинг ҳар икки қисмида ҳам Амир Темур қадимги юнон маъбудалари ва умуман динга шак келтиради. Дин пешволари Марлонинг исёнкор руҳини синдириш мақсадида фитна уюштириб, уни 29 ёшида қаҳвахонада (олдиндан тайёрланган тўполонда) ўлдиршига муваффақ бўлишди. Замондошларидан бири — Роберт Грин уни «Амир Темур баҳонасида Худони арши аълодан қулатишга ҳаракат қилган», деб айблайди. Маълум бўладики, буюк Темур ҳақида Кристофер Марло айтган бу ўйдирма, соҳибқирондан ҳам кўра, ўша давр инглиз жамятига хос Ҳожи эди. Шунини айтиш жоизки, Марлонинг исёни, орадан йигирма йил ўтар-ўтмас, ҳаёт ва борлиққа, диний ақидаларга зид ўлароқ, табиий қарашни асослаган Сэр Бэкон фалсафасининг ибтидосига негиз яратди. Марло, умуман олганда, динга қарши чиқмаган, у ўз даври учун ҳукмрон бўлган диний оқимни тафаккур нуқтаи назаридан танқид қилган, холос.

Кристофер Марло Амир Темурни халқларни жазолаш учун ато этилган «худонинг қамчиси» деб тасвирлайди. Европалик тарихчи Олимларнинг барчасида худди шундай талқинни учратамиз. Илк дафъа 1533 йили флоренциялик Пирондини шундай фикрни билдиради. Сарой муаррихлари

ҳам Темурни ўлка ва халқларнинг «адабини» бериб қўйиш учун худо томонидан юборилган деб тасвирлайдилар. Масалан, Ғиёсиддин Алининг айтишича, Амир Темур халқларни дин ва диёнатга солиб, адолат ва имонни барқарор этиш учун қонли қирғинлар қилган. Айнан шу замида, ўрта асрлар тарихи Ғарбда ҳам ўз даҳшатли қирғинбарот ваҳшийлиги билан ажралиб туради. Ғарбий Европада лашкарлар асосан тинч аҳолини талон-тарож қилиш, қириш билан кун кечирган. Уттиз йиллик даҳшатли муҳориба давомида 1 миллион 600 минг аҳоли ўлдирилган.

«Соҳибқирон Темур» умумжаҳон адабий жараёнига катта таъсир кўрсатади. Олмон адабиётида Темур мавзусига Ҳёте, инглиз адабиётида Байрон, Эдгар По, озарбойжон адабиётида Ҳусайн Жовид, рус адабиётида Бунин, ўзбек адабиётида Абдурауф Фитрат («Темур сағанаси» номли бир пардали фожиа) мурожаат этади. Шу тариқа дунёнинг турли маданий иқлимларида адабиётлараро жараёнда янгидан-янги муштаракликлар пайдо бўлади.

Мазкур фожиа бир қанча жаҳон тилларига таржима қилиниб, адабий таъсир доираси тобора кенгайиб боради. Жумладан, у XX асрда поляк тилига ўгирилади ва славян халқлари адабиётида ҳам кенг тарқалади.

Бу жараённинг кенгайиши, чуқурлашуви ҳамда такомиллашувига Темур ҳақида Шарқда ёзилган асарларнинг ғарб тилларига таржима қилиниши ёрдам берганлигини яна бир қарра, алоҳида таъкидламоқ зарур. Марло яратган фожиа тарихий нуқтаи назардан қайта ўқилган сари у илгари сурган ғоялар ва қаҳрамон сиймоси янада аниқроқ тушунила боради.

1961 йили «Соҳибқирон Темур» фожиаси рус тилига ўгирилади. Ниҳоят, 1989 йили шу русча матн асосида Маъруф Жалил ўзбекча таржимани яратди.


Олти юз йил вақт давомида қанчадан-қанча масофани босиб ўтиб, турли халқлар адабиётида ўзига хос талқинларни буюмда келтирган, янгидан-янги бадий обидалар яратилишига сабабчи бўлган соҳибқирон мавзуси она заминга — ўзбек адабиётига қайтиб келди. Шунда ҳам у рус тилидаги матндан, ўз асл манбаига «иккинчи қўл таржимаси» сифатида ташриф буюрди. Омади-миз чопгани шундаки, Маъруф Жалил таржимаси, гарчи иккиламчи манбадан амалга оширилган эса-да, қалб қўри билан қайта яратилган. Ишонамизки, бу таржима тўла ҳолда босилиб чиқади ва матбуотда муносиб, холис баҳосини олади.

Шу ўринда адабий алоқалар ривожига ҳалақит бериб келган хунук бир иллат ҳақида ҳам икки оғиз тўхталиш мавзусида келди. Аниқроқ айтганда, маълум йилларда миллий адабиётлар учун айрим мавзулар таъқиб остига олинди, қатағон қилинди. Натижада адабиётлараро жараённинг табиий оқими йўлида тўғонлар ўрнатилди ва адабий алоқалар бир ёқлама, узук-юлук, пароканда ҳолда кечди. Миллий адабиётнинг тарихий илдизлари қирқилиб, унинг турли адабиётлараро муштаракликлар билан асрлар давомида анъанавий бўлиб келган ҳаётбахш алоқалари ўзилиб қолди. Маъмурият томонидан янгича алоқалар жорий этилиб, ўтмишга, хусусан динга асосланган анъаналар «қаром» деб эълон қилинди. Ҳатто тарихий обидалар бўлган дурдона асарлардан динга оид парчалар олиб ташланди, натижада ўқувчи асар мантиқини тушуна олмай, аросатда қолди. Бунинг биз Алишер Навоий, Бобур ва Машраб асарларининг қисқартирилиб, (аксарият бузилиб) чоп этилиши мисолида яққол кўрамыз.

Ўзига хос адабий ҳодиса бўлмиш совет адабиётида бундай ҳол социалистик реализм «кашфи-ётчилари» томонидан қатъий ва изчил назорат остига олинган эди. Шаккок адабий назоратчиларга мақбул бўлмаган ёки марксча мафқурани тарғиб этмаган асарлар дарҳол қатағон қилиниши оқибатида, ҳатто аср бошида дунё романчилигида янги йўналиш деб тан олинган Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи ҳам майиб қилинди. Ўзига хос янги ўзбек романнавислигининг пайи қирқилиб, умумий «ўртамиёна» савияга тушириб қўйилди.

«Соҳибқирон Темур» фожиасининг шунча вақт ўтиб, ўзбек тилига жуда кеч таржима қилиниши ҳам айнан шу сиёсатнинг хунук бир оқибатидир. Ахир Темур ва темурийлар тарихини бизда умуман ёхуд бирон-бир таразда холис ўрганиш қатъиян ман этилган эди. Бунга қўл урган айрим олимлар эса «миллатчи», «муртад» деб қораланган. Ҳатто академик В. В. Бартольддай улкан олим ҳам, Темур тўғрисида икки сатр ҳақиқатни ёзиб, унинг ўзбеклар давлати ва маданиятини барпо этишдаги аҳамиятини кўрсатгани учун 30-йилларда «буржуа» олимга айлантирилган эди.

Хуллас, XVI аср охирида инглиз драматурги Кристофер Марло ижод қилган, жаҳон адабиёти дурдоналаридан бири ҳисобланмиш «Соҳибқирон Темур» фожиаси сарчашмалари ва таржималарини қиёсий ўрганиш адабиётлараро узоқ асрлардан бери давом этиб келаётган адабий алоқаларнинг ўзига хос тадрижи, тараққиёт йўлларини аниқлашга ёрдам беради. Бундан кейинги тадқиқотларда ана шу йўналишни янада чуқурлаштириб, ўзбек халқ тарихи ва адабиётининг жаҳон маданияти билан муштарак жиҳатларини кенг куламда ақс эттириш зарур. Бунинг биз илмдаги энг тўғри ва самарали йўл деб ҳисоблаймиз.



Ёқубжон Исҳоқов

## «Мурувват — барча бермақдур, емак йўқ»

Мурувват — барча бермақдур, емак йўқ;  
Футувват — барча қилмоқдур, демак йўқ.

Бу фард Алишер Навоийнинг биринчи расмий девони «Бадоеъ ул-бидоя» (1460—1480 йиллар орасида тузилган)даги эллик учта фарднинг бири бўлиб, кейинчалик «Хазойин ул-маоний» таркибига тахрирсиз киритилган.

Ҳам шаклан, ҳам мазмунан тугал бу байт мустақил лирик жанр — фарднинг етук намунаси ҳисобланади. Унда шоир бир-бири билан алоқадор ахлоқий (этик) тушунчани ифодалаган иккита сўзни мухтасар изоҳлайди: мурувват — бу барча нарсани ўзинг емай, бошқаларга едириш; футувват эса ўзгалар учун барча яхшилиқни қилмоқ, аммо уни тилга олмаслик. Агар мазкур сўзларнинг истилоҳий моҳиятини назардан соқит қилсак, ана шундай жўн изоҳ билан қаноатланиш мумкин бўлур эди. Лекин мазкур сўзлар, луғавий маъносидан ташқари, истилоҳ сифатида муайян ижтимоий моҳиятни ҳам назардан қочирмасликни тақозо этади. Бинобарин, мазкур истилоҳ — сўзлар Навоийнинг бошқа асарларида ҳам ёнма-ён келади. Жумладан, «Лайли ва Мажнун» достонида Навфалнинг қизи Мажнунга ўз севгиси тарихини сўзлагач, ундан бир мардлик қилишни — уйланиш фикридан воз кечишни ўтиниб сўрайди:

Бу навъ мурувват ўлса сендин,  
Изҳори футувват ўлса сендин.

Ўз хонадонида меҳмон бўлиб турган мусофир йигит — Фаррух вужудини қамраб олган чексиз дарднинг сабабини анлаган мурувватли Ахий унинг давосини топишга қатъий аҳд қилади:

Деди, фикр айлабон мурувват ила,  
Топти бу нуқтани футувват ила...

Менки онинг ғамиға қолурмен,  
Дардиға чора айлай олурмен;

Қилмасам, ўлса, ул мурувват эмас,  
Они яхши мурувват аҳли демас.

Ахий туфайли тушида кўрган маҳбубасига етишиб, ўз юртига жўнаб кетган Фаррух сафар асносида бу ифбатли гўзал Ахийнинг хотини эканлигини билиб қолади. Ахийнинг чексиз мурувватидан ҳайратга тушган шахзода у билан ака-сингил тутинишни баён қилиб дейди:

Гар анга бу қадар мурувват бор,  
Бизда ҳам шаммас футувват бор,

Мазмуни: Агар унда (яъни, Ахийда) бу қадар мурувват — одамийлик ва мардлик бор экан, бизда ҳам бир қадар футувват, яъни, жавонмардлик бор.

Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»да бу икки сўзни ахлоқий, ижтимоий моҳиятга эга истилоҳ уруққаёши (авлоди)дур, балки тавъамон (эгизак) қариндошидур. Иккаласи чун эл бевафолигининг огоҳ бўлбтур, булардин қочиб адам мулки (йўқлик мамлақати) сафарига ҳамрах бўлбтур. Соҳиби карам (яхшилиқ эгаси) ул нафис матоидин айрилурни салоҳ билмайдур ва соҳиби мурувват дағи ул шариф халқидин (азизларидан) айрилмайдурким, иккаласи қайда бўлсалар, тенгри панонида бўлсунлар, иззат ва шараф оромгоҳида.

Демак, мурувват (луғавий мард — эркак сўзидан) — одамийлик, мардлик юксак ахлоқий мезон бўлиб, «эл бевафолиги» туфайли инсоният доирасидан қочиб кетган бу хислат карам-футувватнинг «эгизак қариндошидур».

Навоийнинг шу асарида келтирилган образли изоҳга кўра, «карам ва мурувват ота ва она-дурлар, вафо ва ҳаё — икки ҳамзод фарзанд».

«Маҳбуб ул-қулуб»да карам футувватнинг муродифи сифатида келади: «Карам ва футувват

тарикида. Карам (яхшилик) бир жафокашнинг шиддати (қаттиқчилик) юкин кўтармакдур ва ани ул суубатидан ўткармак (кўткармоқ)дур. Бировнинг меҳнати хори ҳамлин (машаққат тикани оғирлигини) қабул қилмоқ ва ул тикан нугидан (учидин) гулдек очилмоқ ва ул қилғонни тилга келтурмамоқ ва оғизга олмамоқ ва ул кишига миннат қўймамоқ ва анинг юзига солмамоқ».

Баъзан футувват — жавонмардлик, муруват — сахо тарзида талқин қилинган ўринларга дуч келамиз. Ваҳоланки, Навоий «саховат ва ҳиммат боби»нинг охирида уларнинг фарқини махсус таъкидлаб, футувватга алоҳида бобча бағишлаган: «сахо тариқин мазкур бўлғон сўзга англа, аммо карам ойини (равиши) ва футувват русуми (расм — одатларини) ўзга англа».

Футувват (арабча фато — ёш эр) «жавонмардлик»нинг арабий атамаси бўлиб, европадаги «рицарлик» атамасига тўғри келади. Шунинг учун ҳам Навоий ҳар икки атамани муродиф сифатида қўллаган:

Ангадур жаҳон ичра фардлиг,  
Ки ойини бўлғай жавонмардлиг.

Лекин олижаноб хусусиятлар мажмуасидан иборат ахлоқий йўналиш борасида сўз юритилганда, асосан футувват, ана шундай сифатлар эгаси бўлмиш инсон ҳақида гап борганда эса жавонмард сўзи ишлатилади:

Ани бил жавонмард ёхуд карим,  
Ким бедодидин бўлмағай элга бийм.

Хуросон ва Мовароуннаҳрда жавонмардлик номи билан машҳур бўлган ижтимоий ҳаракат арабларда футувват деб аталган. Жавонмардлик кенг маънода ўрта асрларда Яқин ва Урта Шарқда юзага келган рицарлик уюшмалари (айёрлар, жавонмардлар, ахийлар)нинг барчасига нисбатан қўлланилади. Тор маънода эса Хуросон ва Мовароуннаҳрда адолатсизликка, феодал зулмига қарши ҳаракат сифатида юзага келган ҳунармандлар ғуруҳининг махсус уюшмаларини англатади. Узининг ахлоқий дастури ва қатъий талабларига эга бўлган бундай халқ уюшмалари бир неча аср давомида феодаллар салтанатини ларзага солиб турган. XII—XIII асрларда китоб ҳолига келтирилган кўп жилдли «Самаки айёр» асарида айёр ва жавонмард сўзлари муродиф сифатида келди. Аниқроғи, жавонмард айёрнинг сифатини билдиради. Кичик Осиё минтақасида юзага келган жавонмардлик ҳаракати эса ахийлар уюшмаси сифатида шўҳрат қозонган. Навқирон шаҳар ҳунармандларидан ташкил топган ҳар бир уюшманинг бошлиғи «ахий» (дўст, биродар) деб аталган. Бундай бошлқ айёрларда «пилзўр», жавонмардларда кўпинча «пурёйвали» лақабини олган.

Айёрлар ва жавонмардлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар илк суфизмнинг вакили, хуросонлик тарихчи Абдурахмон ас-Суламий (ваф. 412/1021)нинг «Рисолаи маломатия» асарида учрайди.

Мазкур рисоланинг ношири араб олими Абуаъло Афифийнинг фикрига кўра, футувват ахлоқий ҳодиса сифатида исломдан аввал ва унинг пайдо бўлиши даврида вужудга келган. Али бинни Абутолиб ва унинг хонадони бу ҳаракатнинг асосчилари ҳисобланади. Лекин унинг мунтазам ижтимоий моҳияти касб этиши кейинги асрларга мансуб. Исломдан олдинги жавонмардликнинг моҳияти хусусий кўринишда бўлиб, ўзи ва ўз қабиласининг шарафини ҳимоя қилишдан иборат эди. Кейинчалик эса у ижтимоий манфаатлар, талабларга бўйсундирилади. Суламийнинг шоғирди Абдулкарим ал-Хавозин ал-Қушайрининг (ваф. 465/1072) «Ар-рисола ал-Қушайрия фи илм ат-тасаввуф» асарида ҳам мазкур ижтимоий ҳаракат ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. XI асрда яратилган машҳур «Қобуснома»да жавонмардликка махсус боб (44 боб) бағишланган.

Абдуллоҳ Ансорий (1006—1088)нинг «Муножот ва мақолат», Фариддин Атторнинг «Газкират ул-авлиё» асарларида ҳам жавонмардлик ҳақида ибратли фикр ва ҳикоялар мавжуд. Шунингдек, Муҳаммад Авфийнинг (1172—77—1233) «Жавоми ул-ҳикоёт ва лавоми ул-ривоят» асаридаги бир қанча ҳикояларда ҳам жавонмардлар фаолияти ҳақида нақл қилинган.

Шуниси диққатга сазоворки, XII—XV асрлар мобайнида бу қудратли ижтимоий ҳаракат ҳақида махсус асарлар ҳам яратилган. Уларда футувватнинг асосий қондалари ва шартлари изоҳланган. Ибн Меъмроннинг «Китоб ул-футувват» (XII аср бошлари), Атторнинг «Футувватнома» (XII аср), Носирийнинг «Футувватнома» (XII аср охири) ва Ҳусайн Воиз Котибийнинг «Футувватномаи Султоний» (XV аср охири) асарлари ана шулар жумласига киради.

Мазкур асарлар футувватнинг туб моҳиятини изоҳлашга бағишланган. Лекин Кошифийнинг асарида шу соҳага доир барча талқин ва тадқиқотлар ўзининг мукаммал ифодасини топган. Бу асарни футувватнинг ахлоқий асослари тўлиқ баён этилган мукаммал қомус деб аташ мумкин.

Футувватга доир асарлар ва айрим атоқли зотларнинг қайдларида муҳим бир тамойил кўзга яққол ташланиб туради. Бу тамойил футувват асосларини дастлаб, ниҳоятда, мухтасар, сўнгра эса кенг изоҳлашга интилиш йўлидир. Масалан, «Қобуснома»да дастлаб ўқиймиз: жавонмардликнинг асоси уч нарсадир: бири — айтган сўзининг устидан чиқиш; иккинчиси — ҳақиқат, тўғрилиқка қарши иш қилмаслик; учинчиси — ҳамма вақт хайрни кўзда тутиб, сабр-бардошли бўлмоқ. Жавонмардликка дахлдор қолган барча сифатлар шу уловининг остида. Сўнгра қолган сифатлар санаб ўтилади: жасорат ва мардлик, сабр-матонат, ваъдага вафо, софдиллик, самимият, дўстлар манфаати йўлида зиён-заҳматни зиммага олмоқ, қуларга азоб бермаслик, бечораларга мадад бўлмоқ, ёмонларнинг ёмонлигидан мазлумларни ҳимоя қилмоқ, ростгўйлик, адолат, туз тотган дастурхонга ҳурмат, бировларга ёмонлик қилмаслик, яхшилиқка ёмонлик қайтармаслик, мулойим, ёқимли сўзламоқ, мусибат ва фалокатда ҳам яхшилиқни кўрмоқ, қаноат, ризо ва бошқалар.

Жавонмард учун қуйидагилар ман этилади: ёлғон гапирмоқ, ишонччи оқламаслик, сотқинлик, қасос олмоқ, ҳасад, таъмағирлик, қасд қилмоқ, манманлик.

«Агар жавонмардлик йўлида юрмоқ тиласанг, ҳамма вақт уч нарсдан сақлангил: кўзни ёмон назардан, кўлни ёмон ишдан, тилни ёмон сўздан. Уч нарсани дўст ва душманга очик тутгил: уй эшигини, дастурхон бошини ва кармоннинг боғичини».

«Қобуснома»нинг муҳим жиҳати шундаки, бунда футувватнинг умумий талаблари билан бир қаторда, ана шу талабларнинг ҳар бир ижтимоий табақага нисбатан хусусий тадбиқи ҳам берилди. Бунда ҳар бир табақанинг ўзига хос ижтимоий ҳолати ва масъулияти эътиборга олинади. Фу-

тувват реал ҳаётӣ талаб туфайли айёр, сипоҳӣ, уламо ва суфий жавонмардлар доирасида маълум табақаланиш касб этади. Манбаларда футувватнинг ўнлаб талқинларига дуч келамиз. Бу, хусусан, олдин жавонмард бўлган ёки жавонмардликни қабул қилган суфийлар учун характерли. Фаридиддин Аттор «Футувватнома»сида футувватнинг 72 та талаби баён қилинади. Кошифийда эса янада кенгроқ тасниф берилади. Унингча, футувватда уч мартаба, ўн икки рукн (устун), етмиш битта шарт (48 та вужудий, 23 та азалий шартлар) мавжуд. Жавонмардликнинг барча сифатлари икки сифатда жамулжам бўлган: сазоват (дўстларга нафъ етказмоқ) ва шижоат (душманининг зараридан дўстларни эмин сақламоқ).

Футувват ўз ривожини тарихида маломатия ҳамда суфизм билан алоқада бўлган. Унинг бир қатор муҳим талаблари (нафсни синдирмоқ, қаноат қилган яхшилиқни кўз-кўз этмаслик ва ҳоказо) маломатия фалсафаси таъсирида шаклланган. Маломатия оқимининг нишопурлик уч асосчиси Абу Ҳафс, Ҳамдун ал-Қассор, Саъд бинни Исмоил ал-Хайрий жавонмард бўлган. Шунингдек, Аттор таъкирасида ҳам жавонмардлар доирасидан ўтган суфийлар ҳақида маълумотлар берилган.

Жавонмардликнинг кейинги асрлардаги тақдирини таъкир қилган Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ»сида ҳамда Садриддин Айнийнинг «Эсдалиқлар»ида муҳим маълумотлар келтирилган. XIX ва XX аср бошларидаги Бухоро олуфталари жавонмардларнинг энг сўнгги вакиллари эди.

Муқимийнинг қўйидаги байти ҳам шу масала тарихи нуқтаи назаридан аҳамиятли:

Жавонмардона ҳиммат шулки, ёлғиз  
Емаслик, учраса, бир нон, афандим!

Навоний фардида мурувват ва футувват юксак ахлоқий сифатнинг икки босқичи (биринчиси — бор нарсани ҳаёда этмоқ, иккинчиси — беминнат яхшилиқ қилиш, ўзгалар оғирини зиммага олмоқ) сифатида келади. Лекин футувват тарихий-ижтимоий ҳаракат сифатида олинса, мурувват ҳам унинг таркибий қисмига айланади. Шундай савол туғилиши мумкин: Навоний жавонмардлик ҳодисасининг Кичик Осиёдаги кўриниши бўлган ахийлик ҳақида махсус ҳикоя («Сабъаи сайёр»даги биринчи ҳикоя) яратгани ҳолда, нима сабабдан Хуросон ва Ироқда ниҳоятда машҳур бўлган қудратли халқ ташкилоти — жавонмардликни четлаб ўтган? (Гарчи бу атамани турли баҳона билан тилга олган бўлса-да?)

Авалло, Навоний дostonларида бир қатор ҳақиқий жавонмардлар образини яратиб, футувватнинг энг муҳим принципларини уларга сингдириб юборган. «Ҳамса»да биз барча тоифага мансуб жавонмард (шоҳ, шахзода, дарвиш, саркарда, паҳлавон) образига дуч келамиз. Иккинчидан, Навоний шеъриятида ҳамда «Маҳбуб ул-қулуб»да тавсиф ва тарғиб этилган қатор ахлоқий сифатлар бевосита футувватга дахлдор. Умуман, Навонийнинг барча энг яхши фикр, ғоялари жавонмардлик фалсафаси ва ахлоқининг бадий инъикосидан иборат. Навонийнинг эҳтиёткорлиги эса бесабаб эмас: жавонмардлик сарбадорлар ҳаракатининг ғоявий асосини ташкил этади. Сарбадорлар билан (хуруфийлар сингари) теурийлар ўртасидаги кескин муносабат Навонийга яхши маълум эди.

Навонийнинг (отасининг ҳам) теурий хонадонин билан яқинлиги тарихдан аён. Бинобарин, улуғ мутафаккирнинг ўз давридаги илғор фалсафий, ижтимоий оқимларга нисбатан ижобий муносабатини бадий образлар воситасида пардали равишда намоеъ этиши унинг ҳақиқий мақсадини илғаб олишга халақит бермайди. Бунинг учун китобхон фақат ўша даврнинг фалсафий, ижтимоий йўналишларидан етарли даражада бохабар бўлиши лозим.

Зотан, устоднинг маънилар қазонидан ҳар ким ўз чўмичига яраша улуш олади.



## Журнал «Шоҳар Жонузӣ»


\*\*\*

Мен қурувчи-дурадгор бўлиб ишлайман. Ойнома билан ўн тўрт ёшимдан буён ташишман. Бир мен эмас, падаримиз ҳам бу ойномани мунтазам ўқиб борадилар. Кўпинча дўкондан сотиб оламан, чунки обуна бўлсам, ўз вақтида ололмаслигим мумкин. Истагим: романлар ойноманинг битта сонидан берилса...

Ф. Шаимов, Тошкент шаҳри.

\*\*\*

1. Тикувчидан. Тошкент шаҳри, Октябрь туманида истиқомат қиламан.
2. 1988 йилдан буён мунтазам ўқийман. Дўкондан сотиб оламан.
5. Истагим: ойнома обуначилари сони кўпаяверсин.
6. Дилбархон Ҳошимова, 17 ёш.



## УЧАР ҚУШНИНГ ҚАНОТИН ҚАЙИРМА

**Шукр Қурбонов. Бир қалб манзараси,  
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат  
нашриёти, Тошкент — 1990.**

Уннга қараб таъзим қилинг — ўзбекчилик,  
Чапга қараб таъзим қилинг — ўзбекчилик.  
Кўнглин олинг олдиннинг ҳам, орқанинг ҳам,  
Аблаҳни ҳам рози қилинг — ўзбекчилик.

Кескир сўз ўткир қилич каби жанггоҳлардан ўзига йўл очади. Бу қилич кўтарилган жойда ёмонлик маъв, омонлик мадҳ этилади. Қайта қуриш шарофати билан руҳимизга кириб келган тозариш, айниқса, ана шу кескир сўз учун жуда катта майдон ҳозирлаб қўйди. Энди бутун маъсулият уни қай тарзда айта олишда. Шоир Шукр Қурбоновнинг ушбу тўплами билан танишганимиздан сўнг долзарб, ўткир сўзни дадил айта олишини кўриб қувондик. Юқорида келтирилган тўртликдан кўриниб турибдики, шоир ўта талабчан. У жамиятдаги муносабатларнинг доим тўғри ва оқиллик асосида бўлишини истайди. Шарқона одоб-андиша билан ўз қилмишларини хаспўшловчи ҳалимдек юмшоқ кишиларни кучли кесатик остига олади. Бугунги инсоният олдидаги муаммолардан бири — бу жамиятнинг софлиги масаласидир. Жамият қанчалик ифлос бўлса, мақсадлар шунчалик тубанлашиб бораверади. Шоир мавжуд жамиятдаги турли ярамасликларга тўсиқ бўлиши ва «уйқудаги касларни уйғотиши» керак.

Бу кўнгил ҳеч қачон тўлмасми, дейман,  
Бу қайғу гуллари сўлмасми, дейман.  
Шеърим кимларгадир кетармиш тегиб,  
Сал четроқ туришса, бўлмасми, дейман.

Инжиқлик билан таъна этаётган шоир кишиларни диёнатли ва оқибатли бўлишга ундайди. Унинг деярли барча шеърларида инсонни «инсон» сифатида қадрлаш керак, деган ғоя ётади. «Ҳайрат елканлари» туркумига кирган шеърда ёзади:

Одам-да,  
Бир кун қошинга келиб,  
«Мен буюкман!» — деса ҳайқириб, жўшиб.  
«Мен билан фахрлан, азизим!» — деса,  
Илтимос, кенглик қил, тасдиқла, қўлла,  
Қанотин қайирма учар қушнинг ҳеч!..

Шеърдан англашилиб турганидек, киши кишига чинакамига ғамхўр бўлган, кенглик қилиб эзгуликни, яхшилиқни қўллаб-қувватлаган заминдагина ростакан меҳр-муҳаббат чечаклари барг ёзиши мумкин.

Тузумимизни жарлик ёқасига келтириб қўйган сабаблардан бири турғунлик йилларида эркинлик, эзгулик истаб парвоз қилган қанотларнинг бевақт қайрилгани, синдирилгани бўлди. Шоир

талқинидаги қанотлар бу — умид, қанотлар бу — имкон, қанотлар бу — ҳурлик. Қачонки, эркинлик эпкини эмас экан, инсоннинг фикрий ва руҳий парвоз имконияти жиловланади.

Ҳаёт ҳақида шоирнинг ўз фалсафаси бор. Саҳнада қанчалик ўз қиёфандан чиқиб, бегона зот қиёфасига кирсанг, сени бошқалар шунчалик олиқшлайди. Ҳаётда эса бунинг аксини кўрамиз, дейди у, сен ўз қиёфанда қанчалик собит бўлиб, ўзгалар қиёфасига киришдан сақлансанг, сени бошқалар шунчалик олиқшлайди. Фалсафий теранлиги жиҳатидан «Ақл ва юрак» шеърини ҳам яхши баҳолаш мумкин.

Тўпландаги «Емғир қуйиб берди» деб бошланганида шеърда табиат ва инсон тасвири уйғунлашиб, ажиб манзара кўз олдимизга келади:

Емғир қуйиб берди.  
Уйғониб кетдим.  
Ташқарига чиқдим. Кирдим  
Емғир қўйнига.  
Пешонамдан ўпиб, шивирлади у:  
«Омонмисан, Шукр? Мана, мен келдим,  
Келдим яна баҳорни бошлаб!..»

Бу ердаги самимий туйғулар ўқувчи юрагига етиб боради, деб ўйлаймиз.

Ҳаётда турли-туман кишиларга дуч келаемиз. Баъзи одамларнинг феъл-атвориани кузатар экан, шоир уларнинг табиатига мос сифатларни паррандалар ва ҳайвонот олами орқали мажозий тасвирлайди:

Табиат ҳар кимга ҳар хил таъб бермиш,  
Берганда ҳам баъзиларга ботмонлаб бермиш.  
Попишакка сассиқсан, деб дашном этсалар,  
Бошимдаги тожимни кўр, подшоман, дермиш.

Итлар хусусидаги шеърда эса шоир ўзига хос кутилмаган хулоса топади. Чунончи, агар кимдир итлар ўртасига суяк ташламаганда, улар ўзаро аҳил яшаган бўлар эди, дейди. Ижодкорнинг талай шеърларида мана шундай ибратли мажозлар келтирилган. Кескир сўзлардан ўринли фойдаланиш билан бирга шоир истеҳзони ҳам ўз ўрнида ишлата олади. Бу ҳол кўпроқ унинг тўртликларида кўзга яққолроқ ташланади.

Бу гумон бандаси тушидан кўрқар,  
Нарсалар шаклидан, тусидан кўрқар.  
Миямни чўчиб еб қўймасмикан деб,  
Бошига қўнган бахт қушидан кўрқар.

Шоир қалами киши дилидаги хилма-хил туйғуларни ана шу тарзда яхшигина ифода этади. Бундай шеърлар сирасига кирадиган «Болалик ҳақида эртақ»да ҳаддан ташқари асраб-авайлашлардан зада бўлган болакайнинг ўз болалигига

интилиш ҳолати тасвирланса, «Орият»да ўзбеки- на муҳаббатга, назокатга алоҳида урғу берилади.

Даврга монанд ҳолда одамларнинг онги ва руҳияти ҳам аста-секинлик билан ўзгариб, мураккаблаша боради. Кеча кимларнингдир нигоҳида яширин турган нарса бугун ҳаммага ошкор бўлиб, уни такрор айтиш ғашга тегади. Уқувчи долзарб масалалар, ечимини кутаётган муаммоларга жавоб ахтариб, шеър китобини қўлга олмади, балки ундан руҳий оройиш ва осойиш истади. Шукур Қурбоннинг бир талай ижод намуналари эса ана шундай масалаларга ўралашиб қолган. Натижада, бадиятдан йироқ ўзун-узун тизмалар вужудга келган; туйғулар сўсайиб, тафсилотларга кенг ўрин берилган. Шоир шеърларининг асосий камчилиги унда образли мушоҳаданинг танқислигидир. Шу туйғули, назмий мисраларнинг насрий сатрлардан деярли фарқи йўқолади. Ҳатто у айрим шеърларида сўзларни ўта масъулиятсизлик билан танлайди. Шунга қўра тароватсиз мисралар тизилиб келаверади:

Тоғ йўлида қоп орқалаган  
Бир чол борар шошқин, сабрсиз.  
Юз-кўзини ташвиш қоплаган  
Кекса дилин азоблар бир ҳис.

Чол бечора қўшлар дардида кўнглида минг ўй-хаёл билан кетиб боради-ю, аммо бизнинг кўнглимизда на чолга нисбатан, на қўшларга нисбатан ачиниш ҳисси уйғонади. Бундай шеърларни таҳлил этган чоғимизда қофияларнинг ночорлигидан ранжиймиз. Мисол тариқасида жуфт мисралардаги оҳангдошликни кўриб чиқайлик: сабрсиз-ҳис, адоғи-сўқмоқни, оч-беилож, туришар-шошар, бу-керак-ку! Бундай оч қофиялар, шубҳасиз шеърнинг қимматини кескин тушириб юборади. Тўпلامдаги ғализликлардан яна бири зид ва маънодош сўзлардан тигиз фойдаланишидир. Бу ҳам сўз залворини камайтиради, холос. «Ватангадо» шеърдан парча келтираимиз:

Умринг шарт иккига бўлиниб кетган:  
Ярмиси — оқ,  
Ярмиси — қора.  
Оқи, бу — ватанга пайванд йилларинг,  
Қораси — ватанга ўгай йилларинг,  
Ширин-ширин йиғлатади сени хотирот,  
Аччиқ-аччиқ, йиғлатади сени хотирот,  
Ингратади-сингратади хотирот,  
Сиқтатади хотирот!

Шеърнинг «Ширин» сўзи билан бошланадиган пастки тўрт мисрасига эътиборни қаратайлик. Йиғлашда ширин сўзининг сифатлаб келиши ноўрин, чунки бу бизнинг тасаввуримизга сиғмайди ва кишини ишонтирмайди. Аслида, бу сўз аччиққа нисбатан сўз товланиши учун олинган бўлса керак. Йиғлатади, ингратади, сингратади, сиқтатади каби синонимларнинг қалаштириб ташланиши улўф Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарига келтирилган феъл шаклларини ёдимизга солади, холос. Энди умр ҳақидаги мулоҳазаларга

тўхталик: умрни шарт иккига бўлиб, ватанда яшаган давр оқ, бошқа юрда кечирилган умр қора, деб ҳукм чиқариш жўнликдан ташқари бир ёқламалиқдир. Айниқса, шоирнинг Умрни бутун ранглари билан эмас, ёлғиз икки тусда кўрсатиши китобхонга ҳам мақбул тушмайди. Шеърхонларимизнинг бугунги савиисига:

Октябрь аталган юксаклик узра  
Афсонавий кўмондон янглиғ;  
Барчасин кузатиб,  
Бошқариб туради Инқилоб!..

(«Гражданлар уруши».)

Тўрқовоқда беданалар «вавақ»лар  
Булбулжонлар жўр бўлади уларга.  
Ўзбекистон солланади бахтиёр,  
Чулғаниб шан ва дилрабо кўйларга...

(«Шоир умри дарёмидир».)

каби жўн мисралар тўғри келмайди, шоирнинг ўзи бу ҳақда шундай ёзади:

Шеърят уммондир — сарҳад билмайди,  
Нотавон сайёҳга шафқат қилмайди.  
Рубойи ҳам санъат, тўртта ёғочни  
Бирлаштирган билан кема бўлмайди.

Шоирнинг ижодий ишга бундай катта масъулият, талабчанлик билан ёндашганини маъқуллаш баробарида яна бир мулоҳазани айтиб ўтиш лозим. Юқоридаги мисралар бизга маълум маънода китобий бўлиб туюлди. Тўғрироғи, улар зардаст шоиримиз Мақсуд Шайхзоданинг қуйидаги рубойисини ёдимизга солди:

Ҳар қандай тўрт товуш нағма бўлурми?  
Илгасиз кўйлақда тугма бўлурми?  
Рубойи — маънолар баҳрида кема,  
Тўрт дона қайиқдан кема бўлурми?

Қиёслаб ўқисангиз, фикр ва ифода тарзида ўхшашлик борлигини очиқ сезасиз. Бундай ҳолат ижодкор учун фазилат эмаслигини шоиримиз яхши билади, деб ўйлаймиз.


Тўпلامда «Экология», «Ота тилим», «Гоҳ куз, гоҳ юз...», «Соғинч дарвозаси», «Ойша», «Қишлоқ шоири», «Ленинград. Қамал» каби шеърларнинг ҳам бадий жиҳатдан заиф эканлигини айтиб ўтиш ўринлидир.

Гўё мен ҳеч қачон куйламаганман,  
Холос — ғўлдираганман шу кунга қадар, —

деб ёзган шоир ўз овозининг қай даражада эканлигини яхши билади. Шу дамда шоирни учар қушга менгаш мумкин. Унинг нияти тоза, кўзлаган манзили эса юксак. Бизнинг яхши-ёмон сўзимиз унинг қанотларига малҳам бўлсин, парвози эса умр бўйи тин олмасин.

Наргиз ДАВУРБОЕВА,  
ТошДД толибаси





## Камситилган сиймо

Утган йили «Шарқ юлдузи»нинг 8-сонида «Темур тузуқлари» чоп этилганлиги журнал фаолиятидаги муҳим воқеа бўлди. Бу асар билан танишгач, тарих дарсликларидан ўқиб билганимиз қон-хўр, одамларнинг каллаларидан минора яساتган, истилочи Темурлангнинг бизга шу пайтгача ном-маълум бўлган бир талай хислатлари борлиги равшан бўлди. Бошқача айтганда, Амир Темурнинг Ватанимизни мўғуллар зулмидан озод қилиш, Урта Осиёда ягона давлат тузиш, маданиятимизни равақ топтиришда катта хизматлари бор экан. «Темур тузуқлари»ни ўқиганимиздан кейин бу тарихий сиймо фаолиятини баҳолашдаги иккиланишларимиз ҳам барҳам топгандек бўлди.

Темур ҳукмронлик қилган, Мовароуннаҳр учун нисбий тинчлик даври бўлган ўшал бир неча ўн йилликлар мобайнида дунё халқлари ҳавас қилса арзигудек меъморчилик обидалари қураолган, ўз маданиятини юксакликларга кўтаролган халқ ўзи учун мўътабар кишиларни ҳар қанча эъозласа арзийди.

Амир Темур асос солган яқин бир ярим асрлик нисбий тинчлик даври эҳтимол ҳозирги авлод учун аҳамиятсиздир. Лекин Улугбек, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур каби Урта Осиё уйғониш даври мутафаккирлари борки, буларни ўша даврдан ажратиб олиб бўлмайди. Бас, шундай экан, нима учун Темурни ҳурмат билан эсга олмаслигимиз керак? Деярли бутун Европани отининг туёғи топтаган ва ҳатто Африканинг ҳам бир қисмини истило қилган Наполеоннинг ўз юрти Корсикада ҳайкали савлат тўкиб турибди-ку!

Бу билан мен Амир Темурга ҳам ҳайкал ўрнатиш керак, демоқчи эмасман. Эҳтимол, бу ҳақда ҳали ўйлаб кўриш керакдир. Мен фақат бу тарихий сиймо ҳақида ҳаққоний гапларни очиқчасига айтиш лозимлигига, унинг даври ҳақида ёзилган тарихий асарларни дадил эълон қилиш зарурлигига эътиборни қаратмоқчиман, холос. Минг афсуски, сталинизм даврида ва унинг узлуксиз давоми бўлган турғунлик йилларида бу ишни қилиш қийин бўлди. Биз яқин вақтгача ҳам сайёрамиздаги Парагвай, Санто-Марино сингари мамлакатлар ҳақида кутубхоналаримиздаги китобларни бемалол ўқиб тасаввурга эга бўлардик-ку, лекин ўзимизнинг тарихимиз битилган рисолаларни ўқиб танишиш имконидан маҳрум эдик. Бу аслида халқни таҳқирлашдан бошқа нарса эмас эди. Утмиш ҳақидаги ҳақиқатни билишга интилиш эса ҳамиша бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усули юзага келтирган бюрократлашган аппаратнинг жиддий қаршилигига дуч келди. Бунга 1967 йилда «Гулистон» журналида «Темур тузуқлари» чоп этилаётганида тўхтатиб қўйилганлигини мисол келтириш мумкин. Ушанда бу ишнинг ташаббускори бўлган адибларни лавозимидан бўшатишгача бориб етишди.

1969 йилда ЮНЕСКОнинг ташаббуси билан ўтказилган темурийлар маданиятига бағишланган Халқаро анжуман ҳаммамизнинг ёдимизда. Шунда Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» китобини чоп этаётган эмиш, деган хушxabар тарқалди. Халқимиз тарихига қизиққан барча кишилар бу китобнинг китоб дўконларида пайдо бўлишини интизорлик билан кутдилар. Лекин уларнинг орзуси ушалмади. Сабаби, китоб чет эллик меҳмонлар учун атиги минг нусха нашр этилганди. Бу ҳам майли. Кишига энг таъсир қиладиган жойи ҳақиқат, бу китобнинг муқовасига номи ҳозирги илло билан ёзилган, ичидига-матни эса форс тилида, араб имлосида берилганди. Бошқача айтганда, «кўрмоқ бор-ку, емоқ йўқ» қабилида, хўжакўрсинга иш қилинганди.

Абдураззоқ Самарқандийнинг форс-тожик тилида ёзилган «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асари 1969 йилда ўзбекчага таржима қилиниб, нашр этилди. Лекин бу китобнинг ҳам Амир Темурга бағишланган биринчи жилди қолдирилиб, иккинчи жилди нашр этилди. Агар ҳозирги олимларнинг асарлари мана шундай калта-култа нашр этилса, жиноий иш ҳисобланиб, бундай ишнинг ташаббускорларини муаллиф судга бериши мумкин. Лекин тарихий воқеаларнинг жонли шоҳидлари томонидан ёзиб қолдирилган қимматли асарларни бузиб нашр этиб, тарихимизнинг сохталаштирилишига «муносиб улуш» қўшаётган фандаги жаҳолатпарастларни нима қилса бўлади?

Шу жиҳатдан қараганда, ўтган йили «Шарқ юлдузи» журналида «Темур тузуқлари»нинг тўлиқ чоп этилиши ўз тарихига қизиққан, томирида ўзбек қони уриб турган ҳар бир инсон учун ғоят қувончли ҳодиса бўлди, десам муболаға бўлмас. Турк тилларининг қадимий лаҳжаларида яратилган маданий ёдгорликларимиз «Қутадғу билик» ва «Девони луғотит турк» асарларига нисбатан ҳам ҳақиқий турк тилида ёзилган Хўжа Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар»и, Хўжандийнинг шеърлари қатори, «Темур тузуқлари» ҳам улуғ боболаримиз Саккокий, Лутфий, Атоий, Алишер Навоийлар яратган хазиналарнинг пойдевори ва дебочалари бўлиб, маданий тарихимиз саҳифаларини безовчи соф дурдоналардир.

Салоҳиддин КОМИЛОВ, Андижон вилояти,  
Балиқчи ноҳияси, Чинобод кўрғони

# «Шарқ юлдузи» ойнамаси 1990 йил сонларининг умумий мундарижаси

## НАСР

- Чингиз Айтматов. Аскар бола. Ҳикоя 1—28  
 Ҳуснинисо Аҳмедова. Буви. Ҳикоя 2—141  
 Жонрид Абдуллахонов. Суиқасд. Роман. 7—9,  
 8—73  
 Мухаммад Али. Сарбадорлар. Роман. 8—2,  
 9—13, 10—44  
 Набижон Боқий. Бир муҳаббат қиссаси. Қисса 1—41  
 Шойим Бўтаев. Шамол ўйини. Қисса. 3—24  
 Павел Вежинов. Улчовлар. Қисса. 11—137  
 Хуршид Дўстмуҳаммадов. Оромкурси. Қисса.  
 10—18  
 Ёқутхон. Нурли кунлар сояси. Ҳикоя. 3—131  
 Тиркиш Жумагелдиев. Ўтди ёнган келин. Қисса.  
 12—132  
 Турсун Иброҳим. Бўсаға. Қисса. 5—16, 6—71  
 Абдуқаюм Йўлдошев. Заҳарланган қон. Ҳикоя  
 2—61  
 Асқад Мухтор. Икки ҳикоя. 12—90  
 Абулқосим Мамарасулов. Учинчи йўл. Ҳикоя.  
 2—47  
 Тоҳир Малик. Сўнги ўқ. Қисса. 6—2, 7—71  
 Шухрат Мусо. Раҳна. Қисса. 12—114  
 Қилич Мустафоев. Қўзивой. Ҳикоя. 6—53  
 Мирзоҳид Мирзараҳимов. Оқ булутлар. Ҳикоя.  
 8—67  
 Қўлдош Мирзо. Бобур Мирзонинг тойлоғи. Қисса.  
 12—5  
 Нормурод Норқобилов. Оқбўйин. Қисса. 9—86  
 Мухаммад Ражаб. Улусда бир одат бор. Ҳикоялар.  
 1—152  
 Раъно Розикова. Икки ҳикоя. 10—125  
 Исажон Султонов. Муножот. Қисса. 7—50  
 Сайёр. Мавж. Қисса. 4—62  
 Абдуқаюм Сиддик. Исён. Ҳикоя. 1—103  
 Хулқар Тўйманова. Ўзга олам қушлари. Ҳикоя.  
 11—24  
 Улмас Умарбеков. Қайтар дунё. Ҳикоя. 1—28  
 Уринбой Усмон. Иснод. Қисса. 11—89  
 Жамила Эргашева. Ойжамол. Ҳикоя. 3—135  
 Собир Унар. Шаффоф манзил. Ҳикоя. 4—7  
 Ўткир Ҳошимов. Ўзбек иши. Ҳикоя. 3—77  
 Маматқул Ҳазратқулов. Эшиқлар очиқ. Қисса. 2—7  
 3—100  
 Илҳом Ҳасанов. Таҳлика. Ҳикоя. 5—83  
 Оқилжон Ҳусан. Устанинг муҳаббати. Қисса. 11—33  
 Мақсуд Қориев. Тонг отаверсин-чи. Ҳикоя.  
 11—127

## ШЕЪРИЯТ

- Азиз Абдураazzoқ . Соғинган дўстингдай сийла-  
 са шамол. 11—123  
 Абдумажид Азим. Фалакнинг бағрида озод ке-  
 зар руҳ. 11—82  
 Матназар Абдулҳакимов. Менда бир дунё умид.  
 1—158  
 Тошпўлат Аҳмад. Меҳру мурувватдан ўт ёққан  
 голиб. 4—14  
 Султон Акбарий. Қатағон. Достон 5—2  
 Ҳалима Аҳмедова. Ойнинг соясида исинар умид.  
 8—125  
 Салим Ашур. Юрагимга элтар йўл. 10—134  
 Абдунаби Бойқўзиев. Қаноатга айланди вужуд.  
 6—99  
 Хосият Бобомуродова. Узимга бер мангу азобни  
 10—121  
 Барот Бойқобилов. Янги ғазаллар 11—29  
 Хуршид Даврон. Ватан ҳақида етти ривоят. Дос-  
 тон 7—2, 8—159  
 Каромат Дўсмадова. Кунчиқарнинг танти шамоли.  
 12—101  
 Жуманиёз Жабборов. Бир иморатдирки дунё.  
 2—2

- Абдул Жалил. Дард чекдингми Ватанинг учун  
 3—128  
 Наби Жалолiddин. Дилим навосидан қулар су-  
 кунат. 11—125  
 Тилак Жўра. Қўлларимда бир тутам майса. 7—129  
 Абдураҳмон Жўраев. Армон тошларини менга  
 бер. 11—87  
 Иқбол. Бўсағадаги уилар. 4—28  
 Мухаммад Исмоил. Рухимда тебранар етим эрка-  
 лик. 12—87  
 Фароғат Камол. Қушлар учиб кетди, қисқарди  
 кунлар. 11—20  
 Қамчибек Кенжа. Бу тошқин, қалбингга оқиб  
 киради. 20—123  
 Уктам Мирзаёр. Осойишта оқшом тушмоқда  
 1—149  
 Омон Матжон. Нега мен? Достон 6—38  
 Асрор Мўминов. Агар бир кун майса бўлиб.  
 10—137  
 Қадам Саид Мурод. Хотиралар айланмас тошга.  
 8—71  
 Гулом Мирзо. Ҳилпирар кўнгилнинг кокили.  
 11—85  
 Туроб Ниёз. Гуллаган боғларга суқ билан боқдим.  
 6—119  
 Абдулҳай Носиров. Тонглари оқариб  
 пешонасида 7—68  
 Қўчқор Норқобил. Қароғингни чаюр етти  
 ранг. 8—148  
 Инобат Нормуродова. Тонгнинг этагидан  
 тўкилади нур. 4—79  
 Ойбек. Темур. Достонга чизгилар. 10—35  
 Икром Отамуродов. Узоқлашаётган оғриқ. Дос-  
 тон. 12—40  
 Абдурашид Пардаев. Эзгиланган майсалар —  
 беҳол 11—75  
 Замира Рўзиева. Шамоллар югурар оқ  
 сочқи тўплаб. 3—94  
 Баҳром Рўзимухаммад. Бир тола шуъла 12—2  
 Мухаммад Раҳмон. Рухингнинг занжирини уз  
 5—99  
 Тўрамурод Раҳмон. Саодатдан кўйлак кийган  
 қиз. 12—112  
 Гулчеҳра Раҳимова. Халқнинг ҳақ эканин  
 англа-  
 диқ. 12—130  
 Сирожиддин Саййид. Сизни излаб юрар  
 кўклам еллари. 2—44  
 Тўра Сулаймон. Эргаш Жуманбулбул ўғли  
 эл кезади. 7—43  
 Шукур Содиқ. Яшадинг бетимсол садоқат  
 бўлиб. 8—131  
 Азим Суюн. Ўзбекистон. Достон. 9—117  
 Аҳмад Тошхўжаев. Қайга шошдинг, эй  
 кўнгил. 1—97  
 Исмоил Тўхтамишев. Бўйи-бастинг  
 қолишмайди бировдан, элим. 4—25  
 Мухтарам Улуғова. Қишлоқда чирқиллаб  
 учади руҳлар 3—23  
 Равашан Файз. Сўз. Достон. 8—61  
 Абдулла Шер. Севги олмоши. 1—36  
 Дилшод Шамс. Дунёда биттадир  
 дарднинг лаҳжаси. 6—58  
 Чоршаъм. Сенга сиғинмоқлик мумкин д  
 фақат. 3—125  
 Йўлдош Эшбек. Бу олам меҳри надур. 11—73  
 Мақсуда Эргашева. Япроқлар бандидан  
 узилар беҳол. 3—97  
 Замира Эгамбердиева. Атиргул юраги  
 ёнади 8—129  
 Охунжон Ҳакимов. Балогардонсан. 4—4

Абдували Қутбиддин. Изоҳсиз луғат.  
Достон 20—6

### ДРАМАТУРГИЯ

Абдуқаҳдор Иброҳимов. Пуч. 12—60  
Абдурауф Фитрат. Ҳинд ихтилолчилари. 4—35  
Шукур Холмирзаев. Қора камар. 9—125  
Шукрулло. Унсиз фарёд. 1—2, 2—70

### МУШОИРА

Йўлингда мўлтираб турар оқибат. Дилором Ис-  
моилова, Уллибиби Отаева, Зулҳумор Алимар-  
донова, Момохол Элмуродова, Нодира Афоқо-  
ва, Венера Иброҳимова, Ойдин Шукурова, Зул-  
ҳумор, Мавлуда Авазова. 3—71  
Бир ғазал саҳифаси. Ҷамдамий (А. Мирзаоли-  
мов), Жавлоний (Матёқуб Девонов), Шоди Ка-  
римов, Шокиржон Ҳақимов, Ёлқин (Ҳурибой  
Мирзакаримов), Анвар Юсупов, Ошиқ Эркин  
(Эркин Мадрахимов). 6—115  
Ғазалларни сенга атадим. Дилшод Ражабов, Шуҳ-  
рат Умаров, Мухтор Раззоқов, Очил Тоҳиров,  
Раҳим Отажонов, Очил Худойбердиев, Соғин-  
бой Иброҳимов, Нормурод Норкул, Зикрулло  
Вали, Мухтор Носир, Қудрат Бобоҷон. 7—132  
Бир нажот излайман нигоҳларингдан. 11—131

### БИР ШЕЪР САҲИФАСИ

Ибодат Ражабова, Насиба Жуматова, Зиёда  
Ғайбуллаева, Мавлуда Очилова, Гулноз Аҳмад-  
жонова, Шарбат Мухторова, Қимматхон Мама-  
жонова, Мавлуда Мавлонова, Ҳафиза Эгамбер-  
диева, Шакархон Абдуллаева 3—144

### БОЛАЛАР ДУНЕСИ

Султон Жаббор. Шеърлар. 3—154  
Абдусайд Кўчимов. Есуман. Эртақ-достон. 2—55  
Тоҳир Қаҳдор. Кўзга кўринмас махлуқ. 4—85,  
5—103

### БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Адолат. Кўксингга қайтади умид қушлари 3—148  
Жаҳонгир. Икки ҳикоя. 4—17  
Илҳом Зойиров. Сирли кеча. Фантастик  
ҳажвия. 4—21  
Илҳом Исломов. Кўзларнинг расмини  
қолдиринг кўкка. 4—82  
Амулла Нуруллаев. Менинг насибамда  
ғариб қисмати 4—60  
Сирожиiddин Раупов. Бир бедор юракнинг  
эгасиман мен. 9—114  
Менга эрк исмилик бир Ватан керак. Рашид Зо-  
ҳид, Тўлқин Раҳим, Болтабой Бекматов, Минхо-  
жиддин Мирзо ўғли, Нурмуҳаммад Муҳамма-  
диев 9—114  
Талабалар дафтарида. Қўшон Абдуллаев, Нар-  
гис Довурбоева, Бобомурод Эралиев, Хосият  
Рустамова, Асадулла Жўраев, Маҳфуза Эшму-  
родова, Холмурод Абдурахмонов, Мирза Ра-  
ҳим Мамажон, Мархабо Собирова 9—116  
Вафо Файзулло. Юрагимда айтилмаган  
дардларим Ватан. 8—150  
Собир Ҳақимов. Хотиранинг тизимлари. 3—149  
Шукур Ҳайитохунов. Калтакланган бола.  
Ҳикоя. 11—79

### ЖАҲОН ТАРАҚҲИЙПАРВАР АДАБИЁТИ

Премчанд. Сут ҳақи. Ҳикоя. 1—171

### ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

Муртазо Саидумаров. Ҳаририй  
мақомалари. 10—179

### ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРАЛАР

Абдуҳолиқ Мустафоев. Умид қўлтиғимдан  
кириб суяйди. 6—143

Шариф Нурхон. Лабим тупроқлари ўпар  
қадрдонлар оёғидан 9—180

### НОДИР САҲИФАЛАР

Нозил Хўҷандий. Қитъалар 1—147

### ҚАДИМГИ КИТОБЛАР

Улғбек Долиев. Хитой ҳикматлари. 3—21

### ҲИКОЯЛАР ХАЗИНАСИ

Иво Андрич. Гавда. Ҳикоя. 10—173  
Теодор Драйзер. Эрк. Ҳикоя. 6—121  
Александр Солженицин. Фақирсиз  
қишлоқ турмас. Ҳикоя. 4—91

### БИР ДАРАХТ НОВДАЛАРИ

Борис Пастернак. Сукунатга сингиб кетсин  
дил. 2—93

### САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА

Ҳожиакбар Шайхов. Телба дунё. Сеҳрли-  
фантастик роман 1—10, 2—96

### ПУБЛИЦИСТИКА

Сотим Аваз. Қишдан сўнг баҳор. Эссе. 2—153  
Фитрат. Шарқда шахмат. 2—7  
Матёқуб Қўшжонов. Жангчи ҳаётидан  
лавҳалар. 2—162

### ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР

Мурод Абдуллаев. Занжирбанд шер. 11—199  
Обиджон Жуманазаров. Хас кема  
бўлолмайти 10—185  
Тўлқин Йўлдошев, Жума Хўжақулов.  
Ҳазина калити қаерда? 1—201  
Юнусали Султонов, Аҳмадҷон Исоқов.  
Жароҳат. 7—139  
Аркадий Мар. Келажак олдида  
масъулмиз. 3—12  
Инсон ва иқтисодиёт. Нурислон Тўхлиев  
билан суҳбат. 4—128  
Икром Расулов. Занжир ҳалқалари. 4—167  
Наримон Турсунов. Ишчилик — тақдир. 8—173

### ТАРИХНИНГ «ОҚ ДОҒ»ЛАРИ

Евгений Данилов. Бир хил суиқасд, икки  
хил жазо. 8—191  
Йўлдош Сулаймон. Жалада қолган гул. 1—78  
Алиназар Эгамназаров. Саргардонлик.  
Ҳужжатли қисса. 5—154  
Муртазо Қаршибоев. Муҳит эркидаги  
тутқинлик. 10—195

### МУЛОҲАЗА, МУҲОКАМА, МУНОЗАРА

Абдулазиз Абдурахмонов. Ахлоқий тарбия ва  
миллий қадриятларимиз... 12—164  
Қудрат Дўстмуҳаммад. Бош сабаб. Қайта қуриш-  
дан бебаҳра соҳа 5—111, 10—191  
Абдуқаҳдор Иброҳимов. Тил—эл руҳи 10—2  
Иброҳим Раҳим. Қайлардасан, жаннатий инсоф  
11—2.  
Эркин Юсупов. Бош мақсад — инсон манфаат-  
лари 11—10

### ЖУРНАЛХОН ТАКЛИФ ЭТГАН МАВЗУ

Мухсин Зокиров. Тасаввуф таълимоти  
ҳақида. 7—171  
Мамажон Муҳиддинов. Шахмат ва ижод. 9—193  
Файзулла Қўличев. Адолат тантана қилсин.  
6—145  
Усмон Қорабоев. Умримизнинг қувноқ  
онлари. 3—2

Озод Отамирзаев, Абдуҳаким Қаюмов. Оилани режалаштириш нима? 12—168

## ЕДНОМА

Азиз Абдураззоқ. Босқин яроғлар синди. 3—150  
Шеърятнинг бобо деҳқони 9—170  
В. И. Ленин. Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тўғрисида 4—2  
Омон Мухторов. Султон Жўрани эслаб. 4—174  
Юнус Мақсудов. Улуғлар даврасида. 4—188  
Назиржон Назаров. Кўшиқ бўлса арзийди. 11—185  
Қодир Норхўжаев. Мен билган Чўлпон. 6—195  
Отаёр. Оҳанрабо 9—176  
Ҳандақларда битилган сатрлар. Назармат, Аҳмад Бобожон, Ҳасан Саид, Исоқжон Юсупов, Отамулло Тошматов, Султон Жўра, Бурҳон Турсунов 5—84  
Абдулазиз Хошмуҳамедов. Букилган бардош. 6—194

## БАҲС

Гулшан Раҳимова. Истилоҳлар ўз ўрнидами? 5—195  
Шавкат Раҳматуллаев. Миллий алифбомиз мукамал бўлсин 5—193

## ТАРИХИМИЗДАН ЛАВҲАЛАР

Зиё Бунёдов. Урта Осиё миробларининг суди. 3—184  
Герман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. 4—113, 5—124, 6—102  
Тоҳир Қаҳқор. Истиқбол кўрсаткичларидан бири. 6—111  
Ҳамид Зиёев. Чоризм истилоси. 8—184

## МЕРОСИМИЗНИ УРГАНАМИЗ

Абдулла Авлоний. Афғон саёҳати. 7—182  
Иқболой Адизова. Бизга пинҳон, муаррихга аён мозий. 8—133  
Хисрав Деҳлавий. Ҳазаллар. 5—192  
Сўфи Оллоёр. «Ожизлар саботи» китобидан 12—155  
Неъматилла Отажонов. Мукамал нашр йўлида. 10—142  
Жавоҳарлаъл Неру. Бобур. 10—146  
Фаридун Фозил Тулбентчи. Бобуршоҳ. 10—148  
Тоҳир Қаҳқор. Икки мақола хусусида сўнгсўз. 10—150

## ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР

Ғайбулла Саломов, Ҳамидулла Кароматов, «Сохибқирон Темур» фожиасининг сарчашмалари...» 12—180  
Фозила Сулаймонова. Юлдузлардай сочилмиш тарих. 3—179

## ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

Неъмат Аминов. Беозор қаҳқаҳа. 6—137  
Раҳим Бекниёз. Куйлар янги, кўшиқлар янги. 6—141  
Маъруф Жалил. Ҳалол ва камтарин. 10—169  
Жуманиёз Жабборов, Асқар Ҳайдаров. 10—170  
Фунчага бемаҳал қор қўмасин. 10—170  
Асқад Мухтор. Инсоний ҳўрорат. 6—135  
Муродбой Низонов. Тошкентга мактуб. 6—140  
Жуманиёз Шарипов. Бахт, толе излаб. 5—118

## НАВОИЙХОНЛИК

Мухаммад Али. Эл комин раво айлаб. 4—144  
Матназар Абдулҳаким. Тонг йўқки, кўзинг бўлса кўнгил бирла мулойиб 6—150  
Абдурашид, Абдуғафуров. Маърифат денгизининг дури. 7—147  
Эркин Воҳидов. Жунун водийсида. 1—193

Нусратулла Жумаев. Ростлиғ улдурки...5—189  
Мухаммаджон Имомназаров. Ҳақиқат ва мажоз. 4—147  
Ёқубжон Исҳоқов. Мурувват — барча бермақдур, емак йўқ. 12—184  
Нажмиддин Комилов. Аҳд қилдим: ишқ лафзин тилга мазкур этмайин 3—155  
Жамол Камол. «Қизил, сориг, яшил». 8—164  
Ҳасанхўжа Мухаммадхўжаев. Ҳақиқат тариқин адо этган. 3—59  
Ваҳоб Раҳмонов. Боштин ёротқой оламе. 10—139  
Иброҳим Ҳаққул. Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш. 2—180  
Абдуқодир Ҳайитметов. Навоий қомуси қандай яратилади. 2—184  
Афтондил Эркинов. Сени уйғон дейинми, ё... 11—164

## ПУШКИНХОНЛИК

А. С. Пушкин. Адабиётимиз тараққиётига тўсқинлик қилаётганлар 6—175

## ҲАМЗАХОНЛИК

Сирожиiddин Аҳмедов. Истибдод найрангини фош этиб. 3—17  
Салоҳиддин Мамажонов. Барҳаёт Ҳамза. 3—202

## АСР САДОЛАРИ

Баёний. Ҳазаллар. 7—49  
Гулшан, Юсуф Сарёмий. Ҳазаллар. 4—144  
Каримбек Шарифбек ўгли Камий, Аҳмад Табибий. Ҳазаллар. 9—147  
Котиб, Музтариб, Тошхўжа Асирий. Ҳазаллар. 3—183  
Тавалло. Ҳазаллар. 8—181  
Писандий. Мухаммаси Писандий. Парча. 1—187  
Шоик. Ҳазаллар. 1—169

## ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ТАРИХИЙ МЕРОС

Алоуддин Мансур. Қуръон таржимаси. 3—167, 4—153, 5—171, 6—153, 7—155, 8—167, 9—149, 10—151, 11—167, 12—187.  
Мухаммад Содиқ Кошғарий. Яхши кишилар одоби. 5—89  
Алибек Рустамов. Тараққиёт зид фикрларнинг тўқнашувда. 3—162  
Ат-Термизий. Ҳадислар. 9—167  
Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф. Улкан маънавий мерос. 3—164  
Қуръон таржимаси хусусида. 5—170

## АДАБИЙ ТАНҚИД

Ортиқбой Абдуллаев. Шеър ташналиги. 6—182  
Салоҳиддин Мамажонов. Янгиланиш садолари 12—174  
Умарали Норматов. Ортиқбой Абдуллаев. Ҳақиқат тортишувларда туғилади 2—188  
Умарали Норматов. Ҳаёт сабоқлари. 4—176  
Эмин Усмон. Уйғоқ одамлар кўрадиган туш. 9—183  
Азиз Раҳимов. Муаллифнинг ихтилофли тимсоли. 2—190  
Озод Шарафиддинов. Кўнгилда қолғуси унинг бир изи. 3—191  
Баҳодир Эрматов. Катта аҳамиятга молик китоб. 2—202  
Умрзоқ Улжабоев. Умидбахш тўлқинлар. 7—174  
Яшар Қосимов. Изтиробнинг тарихи. 2—190  
Пиримқул Қодиров, Анвар Жўрабоев. Яшашнинг маъноси. 12—157

## ТАҚРИЗЛАР

Абдумажид Азим. Севмоқ — ўзлингини англамоқ демак. 2—206

<b>Алишер Азимов.</b> Юзма-юз мулоқот.	5—204
<b>Салим Ашур.</b> Ҳаяжонли варақлар.	4—199
<b>Наргиз Довурбоева.</b> Учар қушнинг қанотин қайирма.	12—201
<b>Абдурасул Жумақулов.</b> Нигоҳлари ерни уйғотар.	11—198
<b>Раҳматулла Баракаев.</b> Мушоҳада.	7—200
<b>Анвар Жабборов.</b> Шайдолигим севгим туфайли.	6—201
<b>Ҳабибулла Зайниддинов.</b> Ойдин саҳифа.	5—202
<b>Муродил Мирзаев, Обиджон Каримов.</b> Ҳақиқатга масъуллик.	1—204
<b>Равшан Раҳмонов, Жалолиддин Сафоев.</b> Улмас қўшиқ қасидаси.	6—199
<b>Тўлқинжон Раҳимов.</b> Комиллик рамзи.	7—202
<b>Тўлабой Рўзибоев.</b> Шеърят боғининг гуллари.	8—203
<b>Маҳмуд Сатторов.</b> Йиллар хотираси.	4—197
<b>Фарид Усмон.</b> Ниятларнинг улғайиши.	1—205
<b>Ғулом Ғафуров.</b> Боботоққа сафар.	11—197
<b>Ҳасан Қудратуллаев, Мирзааҳмад Олимов.</b> Зан-жирбанд шер билан мулоқот	8—205
<b>АКС САДО</b>	
<b>Салоҳиддин Комилов.</b> Кәмситилган сиймо	12—203

<b>Турғун Мусаев.</b> Уқитувчига муносабат: қачон ўзгариш бўлади.	4—204
<b>Қуръон нашри</b> — тарихий ҳодиса.	7—167

#### АТАМАЛАР БУРЧАГИ

<b>Бахтиёр Исабеков.</b> Қайси йўлдан борамиз.	4—202
<b>Аминжон Маматов.</b> Қайта фикрлаш даври.	3—206

#### ГУЛҚАЙЧИ

<b>Тўхташ Ашуров.</b> Суд кечиктирилди.	10—206
Ҳажвия.	10—206
<b>Абдуғани Абдуғафуров.</b> Ҳасрат. Ҳажвия	9—206
<b>Нўмон Мўйдинов.</b> Оғайнилар. Ҳикоя.	11—203
<b>Уринбой Норматов.</b> Ашула, ва география.	7—206
Ҳажвия	7—206
<b>Оллоёр.</b> Қўш ҳажвия.	6—203
<b>Муҳаммад Очилов.</b> Холхўжа хафа бўлди.	11—200
Ҳажвия	11—200
<b>Ҳабиб Сиддиқов.</b> Қарз. Ҳазил	4—206
<b>Музаффар Турсунов.</b> Бошлиқлар қаерда туғилди? Ҳажвия	9—201
<b>Мухтор Худойқулов.</b> Янги масаллар.	9—204
<b>Ямин Қурбон.</b> Масаллар.	6—207

## Мундарижа

### ШЕЪРИЯТ

Баҳром Рўзимухаммад. Бир тола шўъла . . . . .	2
Икром Отамуродов. Узоқлашаётган оғриқ. Достон . . . . .	40
Мухаммад Исмоил. Рухимда тебранар етим эркалик . . . . .	87
Каромат Дўстматова. Кунчиқарнинг танги шамоли . . . . .	101
Тўрамурод Раҳмон. Саодатдан кўйлак кийган қиз . . . . .	112
Гулчеҳра Раҳимова. Халқнинг ҳақ эканин англадик . . . . .	130

### НАСР

Қўлдош Мирзо. Бобур Мирзонинг тойлоғи. Қисса . . . . .	5
Абдуқайюм Сиддиқ. Исён. Ҳикоя . . . . .	103
Шўхрат Мусо. Раҳна. Қисса . . . . .	114

### ДРАМАТУРГИЯ

Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Пуч. Икки пардали җрагикомедия . . . . .	60
--	----

### ҚУТЛОВ

Асқад Мухтор. Икки ҳикоя . . . . .	90
------------------------------------	----

### ҚАРДОШЛАРИМИЗ АДАБИЕТИДАН

Тиркаш Жумагелдиев. Ўтда ёнган келин. Қисса . . . . .	132
---	-----

### МЕРОСИМИЗНИ УРГАНАМИЗ

Сўфи Оллоёр. «Ожизлар саботи» китобидан . . . . .	155
---	-----

### ОШКОРА СУҲБАТ

Пиримқул Қодиров, Анвар Жўрабоев. Яшашнинг маъноси . . . . .	157
--	-----

### МУЛОҲАЗА, МУҲОКАМА, МУНОЗАРА

Абдулазиз Абдураҳмонов. Ахлоқий тарбия ва миллий қадриятларимиз . . . . .	164
---	-----

### ЖУРНАЛХОН ТАКЛИФ ҚИЛГАН МАВЗУ

Озод Отамирзаев, Абдуҳаким Қайюмов. Оилани режалаштириш нима? . . . . .	168
---	-----

### АДАБИЙ ТАНҚИД

Салоҳиддин Мамажонов. Янгиланиш садолари . . . . .	174
--	-----

### ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР

Ғайбулла Саломов, Ҳамидулла Кароматов. «Соҳибқирон Темур» фожиасининг сар-чашмалари . . . . .	180
---	-----

### НАВОИЙХОНЛИК

Ёқубжон Исҳоқов. Мурувват — барча бермакдур, емак йўқ . . . . .	184
---	-----

ҚУРЪОН . . . . .	187
------------------	-----

### ТАҚРИЗ

Наргиз Довурбоева. Учар қўшнинг қанотин қайирма . . . . .	201
---	-----

### АКС САДО

Салоҳиддин Комилов. Камситилган сиймо . . . . .	203
«Шарқ юлдузи» ойнамасининг 1990 йил умумий мундарижаси . . . . .	204

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

№ 12

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства

ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1990

Техник муҳаррир **Ю. Абдуллаев**                      Рассом **Ғ. Алимов.**                      Мусахҳиҳ **И. Султонов**

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифларига қайтарилмайди. Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади. Журнал матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — П. «Правда» газетаси кўчаси, 41. Ўзбекистон КМ МК нашриёти. Обунага монелик кўрсатилган ёки журнал ўз вақтида етиб бормаган тақдирда: Тошкент 700000. Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият «Союзпечать» агентлигига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 15.10.90 й. Босишга рухсат этилди 12.11.90 й. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма тобоғи 13. Шартли босма тобоғи 18,2+0,35 (зарварақ). Шартли-рангли босма листи 19,95+0,25 (зарварақ). Нашриёт ҳисоб тобоғи 20,2. Тиражи 205807. Буюртма 4304. Баҳоси 1 сўм

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41.